

М а р и о П Ь Ю З О

# ЧУҚИНТИРГАН ОТА

ёхуд мафия сардори

РОМАН



«O‘QITUVCHI» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 821.111(73)  
КБК: 84(7)АҚШ  
П-97

*Рус тилидан*  
Турсунбой АДАШБОЕВ ва  
Муҳаммаджон ЎРИНБОЕВ  
*таржимаси*

Марио Пьюзони машҳур қилган ва адабиёт саҳнасида унинг номини кўкларга кўтаришга сабаб бўлган асар, шубҳасиз, «Чўқинтирган ота ёхуд мафия сардори» асаридир. Бу асар миллион йиллардан бери одамлар ўртасида давом этиб келаётган иллатлар, бир-бирини кўролмаслик, чексиз бойликка бўлган ҳирс, адоват қабиларни рўй-рост ифодалаб бергани, шунингдек, америкалик ва сицилиялик мафиячиларнинг кирдикорларини тўла-тўқис очиб бергани билан дунё миқёсида оммалашиб кетди.

Асар бадиий тўқималарга бой бўлса-да, китобхонни ортидан эргаштиради. Демак, биз ҳурматли китобхонларимизни улар интиқлик билан кутган асар мутолаасига қайта чорлаймиз.

© Т. Адашбоев ва М. Ўринбоев  
таржимаси

ISBN 978-9943-22-297-7

© «O‘qituvchi» НМИУ, 2018

*Ҳар қандай катта  
бойлик ортида жиноят  
яширинган бўлади.  
Бальзак*

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

### **БИРИНЧИ БОБ**

Америго Бонасера Нью-Йорк шаҳар жиноий ишлар судининг учинчи бўлимида қизини ўласи қилиб калтаклаган ва бадном қилишга уринган кимсалар тегишли жазосини олиб адолат юзага чиқишини кутиб ўтирарди.

Салобатли, жиддий судья столи олдида турган икки ўсмирни худди ўз қўли билан таъзирини бериб қўймоқчидай қора мантияси енгларини шимарди. Унинг тунд қиёфасида такаббуруна нафрат зоҳир бўлиб, айна пайтда бу такаббурлик замирида қандайдир сунъийлик ҳам бор эди. Америго Бонасера гарчи гап нимадалигини тушуна олмаса ҳам, бу сунъийликни ич-ичидан ҳис этиб турарди.

– Ўта палид жиноятга қўл ургансанлар, – деди судья кескин.

Тўғри, ўйлади Америго Бонасера. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳайвонлар, махлуқлар. Силлиқ сочлари чиройли қилиб тарошланган, йилтиллаб турган қиёфасида итоаткорлик ифодаси муҳрланган икки ўсмир тавба қилгандай бошларини эгиб туришарди.

Судья давом этди:

– Худди ўрмондаги ҳайвонлар сингари иш тутгансанлар, бечора қизни бадном эта олмаганларинг сенларнинг бахтинг. Акс ҳолда ҳар бирингнинг бўйинингга йигирма йилни илиб, тўппа-тўғри турмага жўнатардим. – У бир неча дақиқа жим қолди, сўнгра жиддий чимирилган қошлари остидан Америго Бонасеранинг қонсиз юзига қараб қўйди. Кейин янада қаттиқроқ қовоқ солди-да, қаҳр-ғазабини зўрға босиб тургандай елка қисди-ю, хулоса чиқарди:

– Лекин ёшликларингни, ҳали номларингга ҳеч қандай доғ тушмаганини ва ота-оналаринг обрў-эътиборини ҳисобга олиб, шунингдек, қонунимизнинг адолатпарварлиги бизларни ўч олишга даъват этмаслигини ҳисобга олиб, ҳар бирингни уч йил муддатга қамоққа ҳукм қиламан. Шартли равишда.

Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ички кечинмаларини сиртга чиқармаслик бўйича ҳосил қилинган қирқ йиллик кўникмагина мурдашўй Бонасеранинг қуйилиб келган норозилиги ва нафратини ичига ютишга мажбур қилди. Унинг ёшгина, ҳушрўйгина қизи афт-ангори дабдала қилиниб, касалхонада ётибди, мана бу махлуқларга эса бемалол озодликда юришга рухсат берилди. Демак, Америго Бонасеранинг устидан ошкора масхарабозлик қилишди. Ана, чеҳраларидан нур ёғилиб турган ота-оналари суюкли ўғилларини ўртага олиб туришибди. Албатта, улар хурсанд бўлишади-да! Ахир уларнинг кўнгилидаги иш бўлди-да!

Бонасеранинг томоғига аччиқ бир нарса келиб туриб қолди, тишларини маҳкам босиб олган, оғзи аччиқ тупути билан тўлганди. Бонасера кўкрак чўнтагидан оқ рўмолча олиб, лабларини артди. Анави икки ўсмир худди уни масхара қилгандай ҳаёсизларча, сурбетларча кулиб унинг ёнидан ўтиб кетди. У томонга ҳатто қараб ҳам қўйишмади. Бонасера крахмалланган рўмолчасини лабига қаттиқроқ босиб, лом-лим демасдан уларни ўтказиб юборди.

Ўсмирлар кетидан уларнинг ота-оналари – икки аёл ва Бонасера ёшидаги, фақат туб америкаликларга хос кийинган икки эркак ўтиб кетди. Улар Бонасерага хижолат бўлиб, шу билан бирга қандайдир яширин тақаббурлик ва тантана билан қараб қўйишди.

Америкада кечган бутун умри мобайнида Бонасера қонун ва тартиб-интизомнинг кучига ишониб келарди. Шунинг учун ҳам кўп нарсага эришди. Ҳозир ҳам, гарчи ваҳшиёна бир нафратдан ақл-идроки хира тортиб қолса ҳам, дарҳол қуроқ сотиб олиб анави икки махлуқни отиб

ташлаш истаги ҳамма нарсадан устунлик қилаётганди. Бонасера ҳеч нарсага тушунолмай хайрон бўлиб қараб турган хотинига қаради ва:

– Бизни масҳара қилиб, устимиздан кулишди, – деди.

У бир неча дақиқа жим қолди, сўнгра қанча харажат бўлиши ҳақида ўйлаб ўтирмасдан қатъий қарорга келиб, қўшиб қўйди:

– Адолат излаб дон Корлеоне остонасига бош уриб бориш керак. Бошқа илож йўқ.

Лос-Анжелесдаги «люкс» меҳмонхоналардан бирида Жонни Фонтейн худди хотини кўзига чўп суқиб кетган одамдай устма-уст виски ичиб ўтирарди. У қизил диванда ағанаб ётиб, тўғридан-тўғри шишанинг оғзидан ичар, тез-тез юзини пақирдаги майда муз парчалари солинган сувга чайқаб олар, вискининг тахир таъмини босиш учун симириб муздай сув ҳўпларди. Саҳарги тўртлар чамаси эди. Унинг маст хаёлида суюгоёқ хотини кириб келса, қандай қилиб бошлаб таъзирини бериб қўйиш тўғрисидаги ўй-фикрлар кезарди. Хотини эса умуман қайтиб келармикин?! Вақт ҳам эрта эди, бўлмаса биринчи хотинига қўнғироқ қилиб, қизчаларининг ҳолаҳволини сўраб билиб қўйса ёмон бўлмасди. Айниқса, ишлари чаппасидан кета бошлагандан кейин нима учундир ўртоқларига қўнғироқ қилгиси келмай қолди. Бир пайтлар ўртоқларига саҳар соат тўртда қўнғироқ қилгудай бўлса, уларнинг боши осмонга етарди. Энди бўлса Жоннини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Американинг энг машҳур кино юлдузлари ҳам шон-шухрат чўққиси томон дадил кўтарилаётган Жонни Фонтейндан омад юз ўтирганлигини юракларига жуда яқин олишган эди. Қизиқ...

У яна шишага ёпишди ва ниҳоят эшик қулфи очилганини эшитди. Кўк бинафшаранг кўзлари порлаб турган, фаришталарга хос нозик қиёфали, сарвқомат лобар хотини унинг олдига келиб тўхтамагунча Жонни шишани оғзидан олмади. Дунёдаги миллионлаб эркаклар Мар-

го Эштоннинг чехрасига ошиқ эдилар. Экралардаги бу чехрани бир бора кўриш учун сон-саноксиз пул сарф қилишарди.

– Қаёқларда санқиб юрибсан? – сўради Жонни Фонтейн.

– Э, шунчаки баъзи бировларнинг қўйнида ётиб келдим, – деди Марго бепарволик билан.

Марго мўлжални нотўғри олган эди. Жонни у ўйлаганчалик маст эмасди. Жонни столча устидан сакраб ўтди-да, хотинининг ёқасидан олди. Лекин хотинининг сеҳрли чехраси унга яқинлашганда қахр-ғазабидан асар ҳам қолмади, ҳаммаси бир зумда сўнди-қолди. Марго эркаланиб лабларини бурди ва бу гал ҳам янглишди. Жонни мушт тортиб юборди.

– Фақат юзимга урма, Жонни, ахир кинога тушяпман! – дея чийилларди у.

Мушт Маргонинг қаншарига бориб тегди. У йиқилди. Жонни унинг устига миниб олиб, елкаларига, биқинларига, куёшда қорайган ипақдай юмшоқ думбаларига дўппослайверди. У Маргони бир пайтлар Нью-Йоркнинг «Дўзах ошхонаси» деб аталган харобазорларида, ҳеч кими йўқ кўчада қолган безори болаларни дўппослагандай дўппосларди. У безори болаларни анчагина қаттиқ, лекин тишлари тушиб, қаншари пачақланмайдиган, яъни жиддий из қолмайдиган қилиб дўппосларди.

Маргони ҳам аяди. Бошқача йўл тутолмасди ҳам. Марго эса унинг устидан ошқора қуларди. Чалқанча ётиб олган, этаклари белидан юқори кўтарилган Марго Жоннини эрмаклаб ҳи-ҳилаб қуларди.

– Қани, келақол, Жонни, бўл тезроқ. Келақол энди. Ахир кўнглинг нима тусаётганини биламан-ку.

Жонни Фонтейн ўрнидан турди. Гўзаллигини ўқ ўтмас қалқон қилиб олган бу махлуқни ўлдирса ҳам озлик қилади. Марго юзтубан ўгирилиб, сакраб турди-да, худди ёш қизчалардай ирғишларкан:

– Ҳечам оғримади, ҳечам оғримади, – деди.

Сўнгра жозибали кўзларида мунг билан жиддий қўшимча қилди:

– Шўрпешана тентак, худди ёш болага ўхшайсан. Қорнимни қаттиқ эздинг. Эҳ, Жонни, бир умр сўлаги оқиб юрган бузоқлигингча қоласан. Сен севги ҳақида болаларга ўхшаб фикр юритасан. Одамлар ростдан ҳам бир пайтлар сен қўшиқларингда куйлаганингдек ишлар билан шуғулланыптилар, деб ўйлайсанми? – У бошини чайқади. – Вой бечора-эй. Хўп, омон бўл.

Марго ётоқхонага кириб кетди. Қулфнинг шиқирлагани эшитилди.

Жонни ерга ўтириб олиб, қўллари билан юзини беркитди. Алам ва хўрликдан кўнгли бузилиб кетди. Лекин у бекорга Нью-Йорк харобазорларида балоғатга етмаганди. Бир пайтлар Голливуднинг қалин чангалзорларидан соғ-омон чиқишга ёрдам берган эски кўникма телефон дастасини кўтариб, аэропортга етиб олиш учун такси чақиришга мажбур қилди. Фақат бир одам уни кутқариб қолиши мумкин эди. Бунинг учун Нью-Йоркка, ўша одам олдига учиб керак. Жонни ҳозир жуда-жуда муҳтож бўлган куч-қудрат ва ақл-идрокни, ҳозирча ишонч илинжи милтиллаб турган меҳр-муҳаббатни яккаю ягона ўша одам тимсолида кўриб турарди. У Жоннинг Чўқинтирган отаси дон Корлеоне эди.

Чехраси худди ўзи пиширган, бетига ун сепилган пўрсилдоқ италян нонларидай дум-думалоқ ва қип-қизил новвой Назорин хотинига, қизи – келинчак Катаринага ва новвойхона ишчиси Энцога қаҳр тўла нигоҳини қадади. Энцо ҳарбий асирлар кийимини кийиб олишга улгурган, яшил рангдаги ҲА ҳарфлари ёзилган бойлоғични боғлаб олишни ҳам унутмаган эди. Ҳозир Губернаторлар оролида бўладиган кечки текширувга кеч қолишдан кўрқиб, безиллаб турарди. Ҳар куни чин ваъда эвазига америкалик хўжайинлар қўлида ишлаш учун рухсат бериладиган минглаб италиялик асирларга ўхшаб у ҳам бу мурувватдан марҳум бўлиб қолишдан кўрқиб яшарди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги оддийгина нарса унинг учун жиддий иш бўлиб туюлаётгани.

– Ҳали менинг оиламни бадном қилмоқчи бўлдингми? – бақирди Назорин. – Менинг қизимга эсдалик қилиб совға тайёрлаб қўйдингми ҳали? Урушнинг охири кўриниб қолди, бу ёғини тасаввур қилиш қийин эмас, Америка кетимга бир тепади-ю, осонгина Сицилиядаги қишлоғимга жўнаб кетавераман думимни ушлатмай, деб ўйладингми?

Оёқлари калта, ғўлабирдан келган Энцо қўлини қўксига қўйиб, йиғламоқдан бери бўлиб, айна пайтда ўзини ҳам йўқотмасдан:

– Padrone, қизлар маъбудаси ҳақи, қасам ичиб айтаманки, сизнинг яхшиликларингизга заррача ҳам хиёнат қилганим йўқ. Қизингизни чин юракдан самимий ҳурмат-эҳтиром билан севаман. Худди шундай ҳурмат-эҳтиром билан уни менга қаллиқ қилиб беришингизни ўтиниб сўрайман. Тўғри, бундай нозик нарсани илтимос қилишга менинг ҳақим йўқ. Лекин Италияга жўнатиб юборишса, мен Америкага икки дунёда ҳам қайтиб келолмаслигим мумкин. Катаринага ҳеч қачон уйланомай қолишим мумкин.

Назориннинг хотини Филомена гапнинг лўндасини айтди-қўйди:

– Аҳмоқлик қилма, – деди у хўппасемиз эрига. – Нима қилиш кераклигини жуда яхши биласан. Энциони ҳеч қаёққа кеткизмайсан. Лонг-Айленддаги қариндошларимизни ишга жўнатиб юбор, ҳозирча яшириниб турсин.

Катарина хўнграб йиғларди. Тўладан келган лаби устида туклари бўртиб қолган Катарина мақтанарли даражада ғўзал эмасди. Энцодек қулинг ўргилсин эрни қаёқдан ҳам топарди. Бошқа ким унинг сийналарини меҳр-муҳаббат билан эҳтиёт қилиб силаб-сийпалайди.

– Мана, деб Италияга кетвораман, ўшанда биласизлар! – деб бақирди у отасига. – Энциони олиб қолмасанлар, у билан қочиб кетаман.



Назорин унга қув кўзларини қадади. Қизи шўх эди. Энци иссиқ нонларни саватларга жойлаштириш учун қизининг орқасидан қисилиб пештахта томон ўтмоқчи бўлган пайтларда қизи унга суркаланганига кўп кўзи тушган эди. «Тезда чорасини кўриш керак, худо кўрсатмасин, акс ҳолда, – Назориннинг хаёлига қўрқинчли ўйлар келди, – бу зумрашадан бошқа каттароқ ишларни ҳам кутиш мумкин. Энцини Америкада олиб қолиш, унга Америка фуқаролигини олиб бериш керак. Бу ишнинг уддасидан чиқадиган фақат бир одам бор. Бу одам «Чўқинтирган ота», дон Корлеонедир.

Бу уч кишининг ҳар бири ва бошқа жуда кўп кишилар мисс Констанция Корлеоненинг 1945 йил августининг сўнгги шанбасида бўладиган никоҳ тўйига олтин ҳарфлар билан ёзилган таклифномалар олдилар. Келиннинг отаси дон Вито Корлеоне гарчи ўзи ҳозир Лонг-Айленддаги катта алоҳида ҳовлида яшаса ҳам аввалги кўшнилари ва дўстларини эсдан чиқармаганди. Меҳмонлар ўша ерга тўпланишади ва албатта, шоду хуррамлик кун бўйи давом этади. Тўйда кейинчалик одамлар эслаб юрадиган воқеалар кўп бўлади. Япония билан бўлаётган уруш туғади, фронтдаги ўғиллар ташвиши ҳам энди бу байрамга раҳна сололмайди. Тўй эса қувончу шодликларга эрк бериш учун зўр баҳона бўлади.

Шундай қилиб, тўй бўладиган шанба куни эрталабданок ўз иштироки билан оилавий тантанага файз қўшиш мақсадида Нью-Йорк шаҳридан дон Корлеоненинг дўстлари тўп-тўп бўлиб кела бошладилар. Уларнинг ҳар бири, албатта, тўйга совға билан, банкнот тўла қалин конверт билан келди. Чек йўқ эди. Конвертга солинган таклифнома совға қилган одамнинг кимлигидан ва унинг донсо Корлеонени қай даражада хурмат қилишидан далолат берарди.

Дон Вито Корлеоне ҳар қандай одам ёрдам сўраб даядил мурожаат қила оладиган киши эди, ҳалигача бирон одам унинг ҳузуридан қуруқ қайтган ҳол бўлмаганди. У қуруқ ваъда бермас, дунёда ундан қудратлироқ, бойроқ

одамлар ҳам борлиги, унинг қўли қисқалиги тўғрисидаги баҳоналарга йўл қўймасди. Бундай пайтларда у, албатта, сизнинг дўстингиз бўлиши шарт эмасди. Агар ёрдами учун миннатдорчилик билдиришингизнинг имконияти бўлмаса, бунинг ҳам аҳамияти йўқ эди. Фақат бир нарса – Сиз ўзингизни унинг дўсти деб аташингиз талаб қилинарди, холос. Ана шундагина дон Корлеоне ёрдам сўраб келган одам қанчалик қашшоқ ва юпун бўлмасин, унинг ғам-ташвишларини худди ўзининг ғам-ташвишларидек қабул қиларди. Бу ташвишнинг олдини олиш учун унга ҳеч бир куч тўсқинлик қила олмасди. Хўш, бунинг эвазига нима талаб қилинарди? Дўстлик, «дон» фахрий унвони ва камдан-кам ҳолларда «Чўқинтирган ота» дея қариндошларча самимий мурожаат талаб қилинарди, холос. Яна-чи? Бир шиша хонаки вино, унинг Рождество байрами дастурхонига махсус тайёрланган – лочира нон, бир сават мева каби арзимаган совғалар талаб қилинарди, холос. Буларнинг ҳаммаси моддий тўлов сифатида эмас, фақат хурмат-эҳтиром маъносида тақдим этиларди. Табиийки, оддий инсонийлик талаб қилганидек, сиз ундан қарздор эканлигингизни ва вақти келганда унга қўлингиздан келганча хизмат қилишингиз кераклиги тўғрисидаги ваъдангизни оларди.

Ҳозир қизининг никоҳ тўйи ўтаётган ажойиб кунда дон Вито Корлеоне Лонг-Айлендда, денгиз соҳилида жойлашган қўрғонининг дарвозаси олдида меҳмонларни кутиб олаётганди. Уларнинг кўпчилиги оиласининг тинчлиги, тўқлиги учун дондан миннатдор эдилар ва бугунги оилавий байрамда уни ҳеч тортинмасдан «Чўқинтирган ота» деб аташарди. Бу ердаги ҳамма одамлар, ҳатто бармен ва официантлар ҳам, доннинг ўз одамлари эдилар. Дўстлар таом тайёрлашар ва катта парк йўлакларига ёрқин безак занжирларини осишарди.

Меҳмоннинг ким бўлишидан қатъи назар, бойми ёки камбағалми, дунёнинг устунларидан бирими ёки оддий одамларнинг оддийсими, дон Корлеоне ҳар бир кишини мамнуният билан қучоқ очиб кутиб олар, ҳеч

кимни эътибордан қолдирмас эди. Меҳмонлар ҳам жўр овозда унинг фраки қуйиб қўйгандай ўзига ярашгани, танимаган одам дон Корлеоненинг ўзини куёв деб ўйлаши мумкинлиги тўғрисида мулозамат қилиб гапиришарди.

Уч ўғлидан икки нафари эшик олдида у билан ёнма-ён туриб меҳмон кутишарди. Улардан каттаси Сантинони отасидан бошқа ҳамма «Сонни» – «Ўғилча» деб атарди. Ўрта ёшдаги италянлар унга ғайирлиги келиб қарашар, ёшлар эса ҳавас қилишарди. У америкалик италянларнинг биринчи авлодига хос бўлмаган даражада новча, хўкиздай кучли эди. Қалин, кўнғироқ сочлари уни янада новчароқ қилиб кўрсатарди. Қиёфаси ифодасиз эди. Юз тузилиши тўғри, лекин худди камон каби эгилган қалин лаблари шаҳватпарастлигидан дарак бериб турар, чуқурчаси бор жағи нима учундир мавҳумлик, бадахлоқ туйғуларни қўзғатарди.

Эрлари билан тўйхонага келган сонлари семиз, оғизлари катта-катта италян жувонлари ичида Сонни Корлеонега карашма билан қараб-қараб қўйишаётганлари ҳам оз эмасди. Лекин бугун бу жувонлар беҳуда хомтама бўлишаётганди. Чунки хотини ва уч фарзанди тўйхонада эканлигига қарамасдан бугун Сонни Корлеоненинг режаси бошқача эди. У келинчакнинг энг яхши кўрган дугонаси Люси Манчинидан кўзини узмасди. Келинчакнинг дугонаси ҳам буни жуда яхши биларди. Гулдор қўйлак кийиб, қалин қора сочларига янги очилган гуллардан гулчамбар тақиб олган Люси Манчини боғда стол ортида ўтирарди. Тўйга тайёргарлик кўрилган бутун ҳафта мобайнида у оқибатини ўйламасдан Соннига шўхлик қилиб юрди. Бугун эрталаб эса черков ибодатхонасида унинг қўлини қаттиқ қисиб қўйди. Ҳали турмушга чиқмаган қиз бундан ортиқчасига юраги бетламасди.

Сонни Корлеоне ҳеч қачон отасига тенглаша олмаслигининг, отаси эришган нарсаларга эриша олмаслигининг Люси Манчини учун сариқ чақачалик аҳамияти йўқ эди. Аммо Сонни Корлеоне кучли ва жасур-ку! Сахий ва кўнгилчанлиги ҳам ҳаммага маълум-ку! Тўғри, отаси каби вазмин, босиқ эмас, отасидан фарқли ўлароқ қизиққон.

Шунинг оқибатида ноўрин ишлар қилиб қўйиши мумкин. Гарчи у отасининг яхши ёрдамчиси бўлса ҳам, дон Корлеоне уни ворис қилиб қолдиришига кўпчилик шубҳа билан қарарди.

Ўртанча ўғли Фредерико – одатда уни Фред ёки Фредо деб аташарди – ҳар бир италиялик орзу қиладиган йигит эди. Иззат-икромли, садоқатли, отасининг чизган чизиғидан чиқмайдиган Фредо ўттиз ёшга кирган бўлса ҳам ота-онаси билан бирга яшарди. Гарчи ота-онасига хос бўлган сифат белгилари – ўша қалин ва қўнғироқ соч, ўша қалин ва ҳиссиётли лабга эга бўлса-да, яғриндор гавдаси тўлишиб кетганди. Доим қовоғини солиб юрадиган бу камгап йигит отасининг чинакам суянчиғи эди, ҳеч қачон унинг сўзини икки қилмасди, аёлларга айланишиб кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймасди. Лекин ана шуларга қарамай, Фредо одамларни бошқариш учун зарур кучқудратдан, оҳанрабодек эргаштира билиш қобилиятидан марҳум эди. Шунинг учун унинг ҳам дон Корлеоненинг вориси бўлишига одамлар ишонишмасди.

Учинчи ўғил Майкл Корлеоне шу дамда отаси ва акаларининг олдида йўқ эди. У боғнинг олис бурчагидаги стол атрофида ўтирар, бироқ шу ерда ҳам ўзига қизиқувчи нигоҳлардан яширина олмаган эди.

Майкл Корлеоне дон ўғилларининг кенжаси ва қудратли отасининг хоҳиш-иродасини тан олмайдигани эди. Акаларидан фарқли ўлароқ, юз тузилишида салобатлилиқ белгилари насиб этмаганди. Мумдек қоп-қора сочлари акалариникига ўхшаб қўнғироқ бўлмай, тўғри ва силлиқ эди. Унинг тиниқ, зайтунранг баданига кўп қизлар ҳавас қилишар, умуман, унинг хушбичимлиги, назокатлилиги ҳам қизларникидан қолишмасди. Дон кенжа ўғли ҳақиқий эркак бўлиб вояга етишишига шубҳаланиб, ташвишланган пайтлар ҳам бўлган эди. Лекин Майкл Корлеоне ўн етти ёш бўлганда отасининг ташвишлари ўринсиз эканлигини исбот қилганди. Бугун ана шу учинчи ўғил отаси ва қадрдон оиласидан узоқлигини атайин таъкидламоқчи бўлгандай, боғнинг олис бурчагида эди.

Майклнинг ёнида унинг севиклиси, гарчи ҳамма эшитган бўлса ҳам бутунга қадар ҳеч ким кўрмаган асл америкалик қиз ўтирарди. Майклга одоб ўргатишнинг зарурати йўқ эди. У севгилисини ҳамма билан, шу жумладан, қариндош-уруғлари билан ҳам таништириб чиқди. Қиз уларда унчалик яхши таассурот қолдирмади. У озғин, оқ сариқдан келган, ёш бўлишига қарамасдан ўзини ўта эркин тутарди. Булардан ташқари аёл киши учун унинг қиёфасидаги зийраклик, ўйноқилик ҳам ортиқча эди. Исми ҳам қандайдир ғайритабиий, кулоққа ёқимсиз эшитилади: Кей Адамс. Қиз унинг ота-боболари Америкага бундан икки юз йил олдин келишиб, ўрнашиб қолганлиги ва Адамс бу жойдаги оддий фамилиялардан бири эканлигини айтиши мумкин эди. Бироқ бундан стол атрофида ўтирганларга нима фойда?

Дон учинчи ўғилга мутлақо эътибор бермаётганлигини ҳамма сезди. Урушгача Майкл Доннинг суюкли ўғли эди ва вақти келганда оилавий ишларни бошқаришни ҳеч иккиланмасдан унга топширишни отаси ўйлаб юрарди. Майкл худди отаси сингари куч-қудратга, ақл-идроқка, бир сўз билан айтганда, одамлар хурмат қиладиган туғма қобилиятга эга эди. Лекин иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди-ю, Майкл Корлеоне отасининг хоҳиш-иродасига қарши кўнгилли бўлиб, денгизчи пиёдалар қўшинлари сафига жўнаб кетди.

Дон Корлеоне кенжа ўғли унга бегона бўлган давлатга хизмат қилишини хоҳламас, ҳалок бўлишига эса мутлақо йўл қўймоқчи эмасди. Врачларнинг томоғини мойлаб, ҳамма ишни ими-жимиди тўғрилади. Эҳтиёткорлик чорасини кўриш учун кўп пул сарфлади. Бироқ Майкл йигирма бир ёшга кириб қолган, ўз тақдирига ўзи хўжайин эди. У ҳарбий хизматга қақирилиб, жанг қилиш учун океан ортига жўнаб кетди. Капитанлик лавозимигача кўтарилди, ҳарбий медаллар билан мукофотланди. 1944 йили «Лайф» журнали саҳифаларида унинг сурати ва кўрсатган жасоратлари ҳақидаги фоторепортаж босилиб чиқди. Танишларидан бири журнални дон Корлеонига кўрсатганда (оила аъзоларидан ҳеч бири унга журнал-

ни кўрсатишга журъат этолмаганди) дон менсимагандай қилиб:

– Бундай мўъжизаю кароматлар бегоналар учун кўрсатилади, – деди.

1945 йилнинг бошида оғир яралангандан кейин Майкл Корлеонени ҳарбий хизматдан бутунлай бўшатиб юборишди. Бу отасининг иши эканлиги унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Уч ҳафта уйда дам олиб ётгандан кейин ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмади-да, Ханновернинг Нью-Гемпшир шаҳарчасидаги Дортмунд дорилфунунига ўқишга кирди ва ота-онаси уйини тарк этди. Мана, энди эса синглизининг тўйини ўтказиш, шу билан биргаликда бўлғуси хотинини – худди ювилавериб асл рангини билиб бўлмайдиган ҳолга келган латтага ўхшаш рангпар америкалик ёшгина аёлни кўрсатиш учун яна шу уйга келганди. Майкл Корлеоне тўйга келган обрў-эътиборли меҳмонлар ҳақида қизиқарли латифалар айтиб, Кей Адамсни зериктирмай ўтирарди. Бу тўпори одамларни кўриш Майклнинг ўзи учун ҳам қизиқарли эди. Кейнинг ҳар қандай янгиликка, ҳали ўзи билмаган нарсаларга ўчлиги Майклни доим мафтун этиб келарди. Хонаки вино қуйилган ёғоч бочка ёнида турган бир тўп одамлар Кейнинг эътиборини тортди. Майкл Америго Бонасерани, новвой Назоринни, Люка Бразини таниди. Кей ўзига хос зийраклик билан уларнинг учаласи ҳам алланарсадан хафалигини сезди. Буни Майклга айтганда у кулимсиради:

– Бўлмасам-чи. Улар илтимосчилар. Отам билан ёлғиз гаплашиш учун қулай пайт пойлашиб туришибди.

Ҳақиқатан ҳам, уларнинг ҳар учаласи дон Корлеонедан кўз узишмаётганини четдан туриб ҳам сезиш мумкин эди.

Хиёбон охиридаги тош тўшалган майдончанинг нариги томонига қора «Шевроле» машинаси келиб тўхтаганда хонадон соҳиби дарвоза олдида ҳамон меҳмонларни кутиб олиш билан банд эди. Олдинги ўриндикда ўтирган

икки киши дафтарчаларини олиб зудлик билан бошқа машиналарнинг номерларини ёза бошлади. Сонни отаси томон ўтирилиб:

– Полициядан келишган, – деди.

Дон Корлеоне елкасини қисди:

– У кўча менга қарамайди. Билганини қилишсин.

Дон Корлеоне у одамларнинг кимлигини яхши биларди. Бекорга унинг энг яқин дўстлари ва энг обрў-эътиборли меҳмонлар ўз машиналарида келмасликлари тўғрисида огоҳлантириб қўйилмаганди. Дон Корлеоне хафа бўлмади. Жамият сени ҳар қадамда ҳақорат қилишини билсанг, доим бунга тайёр турсанг, энг кичкина одам ҳам катта куч-қудратга эга бўлган одамдан қасос оладиган пайт, албатта, келади, деган ўй билан ўзини-ўзи юпатиб, ҳақоратларга бардош бериши кераклигини у аллақачон тушуниб етганди. Ана шу оддий ҳақиқат донни ортиқча такаббуриликдан сақлар, унга яқин кишилари беҳад қадрлайдиган камтарона хокисорлик хислатларини бахш этарди.

Ана, уй ортидаги боғдан мусиқа садолари эшитилди. Таклиф этилган меҳмонларнинг ҳаммаси тўпланди. Дон Корлеоне чақирилмаган меҳмонлар тўғрисидаги гапларга қўл силтади-да, икки ўғли ҳамроҳлигида тўй базмига йўл олди.

Катта боғ юзлаб одамлар билан гавжум эди: бировлар гуллар билан безатилган тахта эстрадада рақс тушишар, бошқалар турли ширинликлар, хилма-хил таомлар, графинларга қуйилган хонаки винолар қўйилган узун столлар атрофида ўтиришарди. Келинчак Конни Корлеоне ёш куёв, энг яқин ўртоғи, куёвжўралар ва дугоналари билан тўкин-сочин безатилган махсус сўричада тантанавор кайфиятда ўтирарди. Тўй қадим замонлардан бери Италияда давом этиб келаётган халқ удуми бўйича ўтаётганди. Гарчи бу келинчакка ёқласа-да, у ён босишга мажбур бўлди, чунки у бунингсиз ҳам танлаган куёви туфайли отасини ранжитиб қўйган эди.

Куёв Карло Рицци фақат ота томонидан сицилиялик эди. Онаси Италиянинг шимолида туғилган эди. Унинг кулранг сочлари ҳамда кўм-кўк кўзлари ўғлида мужассам эди. Куёвнинг ота-оналари ҳозир Невадада яшашар, Карло эса қонунга зид арзимаган иш қилиб қўйганлиги туфайли Нью-Йоркка келиб қолганди. Бу ерда у Сонни Корлеоне билан учрашиб қолди ва Сонни орқали унинг синглиси билан танишди. Табиийки, дон Корлеоне дарҳол Невадага ишончли одамларини жўнатди. Улар полиция билан келишмовчилик Карлонинг ёшлиқ қилиб эҳтиётсизлик билан қурол ишлатгани натижасида рўй берганини хабар қилишди. Ташвиш қиладиган жиддий ҳеч нарса йўқ эди, қоғозларни осонгина йўқ қилиш мумкин, кейин куёвтўра сутдай оппоқ бўлади-қолади. Ишончли кишилар шу билан биргаликда донга Невададаги қонуний қиморхоналар тўғрисида батафсил ахборотлар ҳам олиб келишди. Бу маълумотларни қизиқиш билан тинглаган дон ҳамон ўша қиморхоналар ҳақида ўйларди. Дон Корлеоне ютуқларининг сири шунда эдики, у ҳар қандай арзимаган нарсадан ўзига фойдали тегишли хулоса чиқара оларди.

Конни Корлеоне севги тўла кўзлари билан куёвига тикилиб тўймасди. Карло Рицци ёшлигидан ёрдамчи ишларга ёлланиб, саҳроларда ишлаганди. Очиқ осмон остидаги оғир жисмоний меҳнатдан унинг мускуллари бўртиб чиққан, устидаги фрак чокларидан сўкилиб кетай дерди. У қаллиғига тинимсиз мулозамат қилар, тез-тез вино қуйиб берар, худди театр томошаларида иштирок этишаётгандай қаллиғига намойишкорона хушомадгўйлик қиларди. Айни пайтда, тасодифан кўзи тушиб қолгандай келинчакнинг ўнг елкасида осилиб турган қалин конвертлар солинган ҳамёнга қараб-қараб кўярди. Унда қанча пул борикин? Ўн мингми? Йигирма мингми? Карло Рицци беҳад хурсандлигини зўрға-зўрға яшириб ўтирарди. Булар бошланиши, холос. Кимга куёв бўляпти денг – қирол насли-насабига мансуб бўлган одамларга. Энди улар хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам Карло



ҳақида бош қотиришга, унга ғамхўрлик қилишга мажбур.

Меҳмонлар орасидаги қотмадан келган, сочлари силлиқ таралган олифта бир йигитнинг нигоҳи ҳам атлас ҳамёнда эди. Тарки одат амри маҳол деганларидай, Поли Гатто бу ёғлиқ нимтани ўғирлашнинг осонроқ йўлини қидираётганди. Худди болалар душман танқларини пўкак тўппонча билан мажақлашни орзу қилганлари каби рўёбга чиқмас хомхаёл сураётганлигини яхши билган Поли қиладиган иши йўқлигидан ўзини шу йўл билан овутарди. У рақс майдончаси томон қаради. Майдончада унинг устози бўлмиш, ёши анчага бориб қолган хўппасемиз Питер Клеменца ёш аёлларни гирдикапалак қилиб айлантитарди. Кўринишидан баҳайбат ва қўпол бўлган Клеменца шундай енгил ва моҳирона рақс тушардики, томошабинлар уни қарсақлар билан олқишлашарди. Ёши бирмунча улғайиб қолган аёллар унинг тирсагидан ушлаб рақс тушишга таклиф қилишарди. Ёшроқлари эса ўзларини четга олиб, унга йўл беришар ва Клеменца рақс тушаётганда мандолинанинг оҳангига жўр бўлишиб, қарсақ чалишарди. Ниҳоят, Клеменца ҳолдан тойиб, стулга ўтириб қолди. Поли Гатто дарҳол унга бир стакан муздай қип-қизил вино тутди, терлаб кетган суюқлари бўртиб чиққан юзини янги рўмолча билан артди.

– Бўлди, иш ҳам эсингдан чиқмасин, – деди Клеменца ғўлдираб. – Бор, бир айланиб кел-чи, ҳамма нарса жойидами?

Поли одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Тўрт мусиқачи томоғини хўллаб олишга кириб кетишди. Ёш раққослардан бири Нино Валенти улар қолдирган мандолинани олди-да, чап оёғини стулга тираб, қочиримли сицилианча қўшиқлардан бирини бошлаб юборди. Нино Валентининг чиройли чехраси тинимсиз ичкиликбозликдан сал шишинқираган эди, у ҳозир ҳам ичиб олганди. Нино Валенти кўзларини ўйнатиб қўшиқнинг қичиқли жойларини завқ-шавқ билан қуйлар, аёллар белларини ушлаб қийқиришар, эркаклар

эса ҳар бир тўртликнинг охирига аҳиллик билан жўр бўлишарди.

Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслиги билан одамлар орасида мақолга айланиб кетган дон Корлеоне (унинг семиз бақалоқ хотини бунга мутлақо парво қилмасдан бошқалар билан теппа-тенг қичқирарди) аста уйга кириб кетди. Қулай пайтдан фойдаланган Сонни Корлеоне дарҳол келин-куёвлар даврасидан Люси Манчини ёнига келиб ўтирди. У ташвишланмаса ҳам бўларди: хотини ошхонада тўй пирогига сўнгги пардоз бериш ишлари билан банд эди. Сонни қизнинг қулоғига алланималар деб пичирлади, қиз ўрнидан турди. Сонни бир оз кутиб турди-да, баъзи бир меҳмонлар билан бир-икки оғиз гаплашган, бўлиб, одамлар орасидан ўтиб, қиз кетган томон юрди.

Уларни юзлаб кўзлар кузатиб турарди: келинчакнинг энг яқин дугонаси бўлган, гулдай очилган, коллежда ўтказган уч йил мобайнида бутунлай америкалашиб кетган Люси Манчини аллақачон «ўтмиши бор» қизга айланиб қолган эди. Узун пуштиранг кўйлагининг этакларини сал кўтариб олган Люси Манчини сохта масъум табассум билан уйга кирди-да, ҳожатхонага олиб борадиган зинапоядан югуриб кетди. У эшик олдида қайта пайдо бўлганда юқоридаги майдончада Сонни Корлеоне ўзига имлаб турарди.

Томас Хейген дон Корлеоненинг бурчакдаги иш хонасининг ёпиқ деразасидан байрамона безатилган боғдаги ўйин-қулгини кузатиб турарди. Унинг орқасида девор бўйлаб чўзилган токчалар қонуншуносликка оид китоблар билан тўла эди. Хейген дон оиласида ишбоши бўлиб хизмат қилар, ҳозир эса унга вақтинча *consigliori* ёки маслаҳатчи вазифаси ҳам юкланган, шунинг учун у Корлеонелар оиласида мансаб масъулиятига кўра биринчи ўринда турарди. Улар дон билан биргаликда ушбу хонада жуда кўп чигал масалаларни ҳал этишганди. Мана, ҳозир ҳам дон меҳмонларни ёлғиз қолдириб, шу хона томон юрди. Хейген тушунди, тўй ўз йўлига, бугун ҳам

ҳал қилинадиган анча-мунча ишлар бор. Дон ҳозир бу ерга киради. Сонни Люси Манчинининг қулоғига алланималар деб пичирлагандан кейин рўй берган воқеаларни Хейген кўриб турганди. Бу воқеани донга айтсамми-айтмасамми, деб пешанасини тириштирди. Йўқ, айтишга арзимаydi. У ўтирилиб, дон билан танҳо суҳбатлашиш учун рухсат олганларнинг стол устида ётган рўйхатини қўлга олди. Хейген рўйхатни хонага кирган дон Корлеоненинг қўлига тутқазди.

Дон:

– Бонасерани кейинроққа қолдир, – деди.

Хейген ойнавад эшикни очиб, тўғри боғдаги илтимосчилар ҳамон атрофида тўпланиб турган вино бочкаси томон юрди. Бақалоқ новвой Назоринни имлаб чақирди.

Дон Корлеоне новвойни қучоқ очиб, дўстона кутиб олди. Улар болалик йилларини Италияда бирга ўтказишган, бирга улғайишган эди. Ҳар йили Пасха байрамида дон Корлеоненинг уйида катталиги араванинг ёлдирагидай келадиган янги пиширилган ватрушкалар, тухум сариғи суртилганидан олтиндай товланиб турадиган буғдой нонлар келтирилди. Рождество байрамида, дон Корлеоне туғилган кунларда дастурхонни безатадиган қатлама тортлар ва кремли сомсалар ҳам Назориннинг садоқатидан гувоҳлик бериб турарди. Камҳосил ёки серҳосил келишидан қатъи назар, ҳар йили Назорин узоқ ёшлик йилларида дон Корлеоне томонидан ташкил этилган новвойлар касаба уюшмасига аъзолик бадалларини кечикмасдан, ўз вақтида тўлаб келарди. Буларнинг эвазига ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамаганди. Хуллас, садоқатли дўстлиги туфайли эришган ҳақ-ҳуқуқини талаб қиладиган ва дон Корлеоне унинг илтимосини қондирадиган пайт келган эди.

Мезбон новвойни қимматбаҳо италян сигаретаси билан сийлади, қахрабодай тиниқ вино билан меҳмон қилди ва меҳрибонлик билан елкасига қўл ташлади. Бировга илтимос билан мурожаат қилиш учун қанчалик дадиллик, қанчалик жасорат кераклигини у ўзининг аччиқ тажрибасидан яхши биларди.

Новвой дон Корлеонега қизи ва Энцо воқеасини сўзлаб берди. Тўғриси айтганда, йигит Американинг ғалаба қозониши учун жанг қилди. Мана, уруш ҳам туғади. Энди толеи паст бу йигитни Италияга жўнатмоқчи бўлишяпти. Назориннинг қизи эса бу ерда куёвтурани соғиниб, сарғайиб хазон бўлади. Бахтиқаро севишганларга фақат Чўқинтирган отагина ёрдам бериши мумкин. Ҳамма умид ўшандан.

Назорин гапини тутатгач, дон Корлеоне мийиғида кулиб қўйди.

– Азиз дўстим, ташвиш қилма, бирор чорасини топармиз.

У қандай йўл тутиш кераклигини батафсил тушунтирди. Энг аввало, уларнинг округидан сайланган конгрессменга ариза ёзиш керак. Конгрессмен Энцо Америка фуқаролигига эга бўлишини таъминлайдиган махсус қонун лойиҳасини конгрессга тавсия қилади. Бундай қонун лойиҳаси, албатта, қабул қилинади. Дон Корлеоне бу ишларнинг ҳаммаси пул билан битишини, ҳозирги қиймат билан икки минг доллар кетишини тушунтирди. Дон Корлеоне керакли одамларнинг томоғини мойлайди ва ишни хамирдан қил суғургандай битказади. Дўсти бунга рози бўлармикин?

Назорин мамнун бош қимирлатиб рози эканлигини билдирди. Албатта, у мушук бекорга офтобга чиқмаслигини, бундай ишлар бекорга қилинмаслигини биларди. Конгресснинг махсус қарори – айтишга осон, холос! Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Назорин кўзларига ёш олиб миннатдорчилик билдирди. Дон Корлеоне уни эшиккача кузатиб қўйди ва тайёр бўлиб туриши кераклигини тайинлаб айтди. Керакли одамлар новвойхонага учрайди, ҳамма нарсани келишиб олишади, зарур қоғозларни тўғрилашади. Улар остонада кучоқлашиб хайрлашдилар. Назорин боғда кўздан ғойиб бўлди.

Хейген кулимсираб донга қаради.

– Бу Назорин тушмагур девор бўлмаса кўчани кўрадиган одам тоифасидан экан-ку! Бор-йўғи икки минг

долларга ҳам куёвлик, ҳам доимий ёрдамчилик бўлиб қолди. Сув текинга-я! – у жим қолди. Сўнгра: – Бу ишни кимга топширамиз? – деб сўради.

Дон Корлеоне ўйлашиб, қошларини чимирди.

– Бизнинг сицилиялик конгрессменимиз тўғри келмайди. Қўшни округдаги яхудий конгрессменни ишга сол. Назориннинг манзилгоҳини ҳам ўзгартир. Урушдан кейин бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлади, деб ўйлайман. Иш кўпайиб, баҳоси кўтарилиб кетмаслиги учун Вашингтонда бизга қарашли одамлар кўпроқ бўлишига эришиш керак. – Хейген ён дафтарчасига турли белгилар қўйди: «Конгрессмен Лютеко бўлмайди, Фишер билан гаплашиш керак».

Дон Корлеоне яна нима гап дегандай бошини кўтарди.

– Люка Брази ҳузурингизга кирмоқчи, лекин у рўйхатда йўқ. Сизни шахсан табрикламоқчи: одамлар олдида табриклаш мумкин эмаслигини билади, – деди Хейген.

Доннинг қиёфасида норозилик ифодаси пайдо бўлди.

– Уни, албатта, қабул қилиш керакми?

Хейген елка қисди.

– Сиз мендан яхшироқ биласиз. Тўйга таклиф қилганингиздан беҳад миннатдор эканлигини айта оламан, холос. Буни кутмаган экан. Кўринишидан мамнунлигини билдирмоқчи бўлса керак.

Дон Корлеоне ҳаммаси тушунарли, Люка Бразини чақир, дегандай кафти очиқ қўлини кўтарди.

Боғда юрган меҳмонлар орасидан башарасига ўрнашиб қолган ва қон-қонига сингиб кетган баджаҳллик ифодаси билан бошқалардан ажралиб турган Люка Брази Кей Адамсинг диққат-эътиборини тортди. Унинг кимлигини сўради. Майкл аста-секин ва имкони бори-ча малол келмайдиган қилиб отаси ҳақидаги ҳақиқатни тушунтириш мақсадида Кейни тўйга бошлаб келганди. Кўринишидан Кей донни оддий, эҳтимол, ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган, пала-партиш иш тутадиган сав-

догар деб ўйлади. Майкл гапни узоқдан бошлаб, аста-секин унга бор гапни тушунтиришга ҳаракат қилди. У Шарқий соҳилдаги жиноятлар дунёсида Люка Бразидан кўркинчлироқ кимса йўқлигини айтди. Миш-мишларга қараганда унинг маҳоратининг ўзига хослиги шунда эдики, ҳар қандай қотилликка яқка ўзи, шерикларсиз қўл урарди, бу эса қонун ҳимоячиларини жиноятчини топиб, жазолаш йўлидаги ҳар қандай имкониятдан маҳрум қиларди. Майкл лабини чўччайтирди.

– Буларнинг ҳаммаси қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмайман. Лекин отам билан унинг ўртасида қандайдир дўстона алоқа борлигини аниқ биламан.

Шундагина Кей бир нарсани тушунгандай бўлди. Лекин бунга ҳали ўзи ҳам ишонмаган ҳолда шунчаки ўсмоқчилаб сўради:

– Сен бу нусха отанг билан ҳамкорликда иш олиб боришига ишора қиляпсанми?

«Жин урсин, яшириб нима қиламан, – ўйлади Майкл. – Тўғрисини айтаман».

– Бундан ўн беш йил илгари баъзи бир кимсалар отамни синдирмоқчи бўлишган. У чет элдан зайтун мойи келтириб сотарди. Отамни ўлдиришга ҳам уриниб кўришган, бироқ мўъжиза туфайлигина у тирик қолган. Отамнинг душманлари билан Люка Брази шуғулланган. Одамларнинг айтишларига қараганда, у ярим ой ичида олти кишини ўлдириб, катта шов-шувга сабаб бўлган зайтун мойи урушига чек қўйган экан.

Майкл кулиб, худди ҳазиллашаётгандай гапирди. Кейнинг эса бутун вужудини қалтироқ босди.

– Ҳақиқатан ҳам, отангга гангстерлар ўқ узишганми?

– Бу воқеа ўн беш йил аввал бўлган, – деди Майкл. – Шундан бери ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит. – У лақиллаб кўп нарса айтиб қўйганидан ташвишлана бошлади.

– Мени кўрқитмоқчи бўляпсанми? – деди Кей. – Менга уйланмоқчи эмассан, тамом-вассалом. Шунинг учун

қўрқитяпсан. – У тирсаги билан Майкни туртди. – Жуда бопта ўйлабсан.

Майкл кулди.

– Сен бу нарсалар ҳақида бош қотириб қўр, демоқчиман.

– Шошма, у ҳақиқатан ҳам олти одамни ўлдирганми? – сўради Кей.

– Агар газеталарга ишонадиган бўлса, ҳақиқатан ҳам шундай, – деди Майкл. – Аммо ҳеч нарса далилланмаган. Лекин умуман олганда, бу Люка дегани осон чақиладиган ёнғоқ эмас.

Люка Брази олдида, ҳақиқатан, шайтоннинг ўзи ҳам қалтираб қолиши мумкин эди. Унинг бирор жойда пайдо бўлишининг ўзи хавф-хатарнинг тимсоли эди. Паст бўйли, суюклари йўғон, калласи катта Люка Бразининг башарасида ҳайвоний ваҳшийлик муҳрланиб қолганди. Унинг жигарранг кўзларида ботқоқликнинг қўнғирранг ўлик мавжи каби совуқлик яширинган эди. Хом бузоқ гўшти рангини эслатувчи узун ингичка лаблари ҳам бениҳоя шафқатсизлик ҳамда ҳаёт нишонаси йўқлиги билан одамни лол қолдирарди.

Люка Бразининг шуҳрати одамларни даҳшатга солар, унинг дон Корлеонега садоқати тўғрисида афсоналар тўқилган эди. Унинг бир ўзи дон Корлеоне куч-қудрати пойдеворида бутун бир таянч устунини ташкил этарди. Люкага ўхшаш кимса камдан-кам топиларди.

Люка Брази полициядан ҳам, жамиятдан ҳам қўрқмасди. У Худодан ҳам, шайтондан ҳам қўрқмас, ҳеч бир одамдан ҳам қўрқмас, айна пайтда ҳеч бир одамни севмас ҳам эди. Лекин фақат дон Корлеонедан қўрқар ва фақат уни севарди, хурмат қиларди. Шафқатсизлиги билан донг таратган Люка Брази дон ўтирган хона остонасидан ҳатлаб ўтиши биланоқ унга хурмат-эҳтиром билдириб, тахтадай қотиб қолди. Дудуқланиб-дудуқланиб донни тўй билан табриклади, биринчи невараси ўғил бўлсин, деб истак билдирди. Сўнгра тўйга атаб олиб келган совғани – банкнот солинган конвертни донга топширди.

Люка Бразига худди мана шу керак эди. Худди шу дақиқаларда донда қандайдир ўзгариш юз берганини Хейген сезиб қолди. Дон Корлеоне Бразини худди кирола катта хизмат кўрсатган одамни қабул қилгандек хурмат-эҳтиром билан, лекин дўстона тақаллуф билан қабул қилди. Ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи билан дон Корлеоне Люкани қадрлашини билдириб турди. Тўёна шахсан ўз қўлига топширилганига дон Корлеоне мутлақо таажжубланмади. У ҳамма гапни тушунганди.

Бу конвертда бошқа конвертлардагига қараганда кўп пул борлигига шубҳаланмаса ҳам бўларди. Ахир Брази бошқалар қанча тўёна қилишлари мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиш учун бекорга бир неча соат бош қотирмаганди-да! Ким донни ҳаммадан кўра кўпроқ хурмат қилишини кўрсатиб қўйиш учун унинг тўёнаши бошқаларникидан зўрроқ бўлиши керак эди. Худди шунинг учун ҳам у конвертни ёшларга эмас, балки шахсан Корлеоненинг қўлига топширди, дон ҳам унинг арзимаган табригига самимий сўзлар билан миннатдорчилик билдириб бу ўзбошимчаликни кечирди. Хейген Люка Брази қиёфасидаги шафқатсизлик йўқолиб, ғурур ва мамнуниятдан қадди тикланиб бораётганлигини кўриб турарди. Хейген эшикни очди. Люка Брази доннинг қўлини ўпиб, ташқарига чиқди. Хейген табассум билан уни кузатиб қўйди. Унга жавобан чорпахиддан келган, паст бўйли қотилнинг тирикликдан асар бўлмаган резина лаблари икки томонга қараб ёйилди.

Эшик ёпилгач, дон Корлеоне аста енгил нафас олди. Фақат Люка Брази олдида у ўзини ўта безовта ҳис қиларди. Даҳшатли табиий офатга ўхшайдиган бу одамни ҳеч қандай тизгинга солиб бўлмасди. У билан ҳар дақиқада портлаб кетиши мумкин бўлган портловчи модда билан муомала қилгандай ўта мулойимлик, эҳтиёткорлик билан гаплашиш керак эди. Дон елкаларини қисди. Нима қипти, агар зарурат туғилгудек бўлса, портловчи моддани ҳам мутлақо зарар етказмайдиган қилиб портлатиш мумкин.



– Биргина Бонасера қолдими? – дегандай дон Хейгенга қаради.

Хейген бош ирғади. Дон Корлеоне пешонасини тириштирди.

– Майли, чақир, лекин олдин Сантинони топиб кел. Кўзи пишсин.

Хейген Сонни Корлеонени излаб боғни тўла айланиб чиқди. Бонасерадан яна бир оз кутиб туришни илтимос қилиб, Майкл Корлеоне севиклиси билан ўтирган столга яқинлашди.

– Соннини кўрмадингми? – сўради ташвишланиб.

Майкл бош чайқади. Энди буниси етмай турганди, ўйлади Хейген. Агар ҳалигача Сонни келиннинг дутонаси билан кўнгилхушлик қилаётган бўлса, кўринг томошани. Соннининг хотини, унинг ота-оналари шу ерда. Катта жанжал бўлиши мумкин. У ташвишланиб, бундан ярим соат илгари Сонни кириб кетган хона томон юрди.

Унинг орқасидан қараб қолган Кей Адамс яна Майклдан сўради:

– Бу ким? Бизни таништираётиб акам дегандинг, лекин унинг фамилияси бошқа. Кейин мутлақо италияликка ўхшамайди.

– Том ўн икки ёшдан буён бизникида яшаб келяпти. Ота-онасиз қолгандан кейин кўчаларда дайдиб юриб, қаердандир юқумли кўз касаллигини илаштириб олганди. Кунлардан бирида Сонни уни бизникида тунаб кетиш учун бошлаб келди. Шу бўйича қолиб кетди. Борадиган жойи йўқ эди-да! Уйлангандан кейингина алоҳида яшай бошлади.

Кейнинг кўзлари ёшланди.

– Худди китоблардаги воқеаларга ўхшайди. Отанг кўнгли юмшоқ одам экан. Шунча фарзанди бўлатуриб, қаровсиз қолган болани ҳам қарамоғига олиш осон иш эмас.

Гарчи оилада тўрт бола бўлиши италиялик муҳожирларда оз ҳисобланса ҳам, Майкл баҳслашиб ўтирмади. Фақат:

– Томни ҳеч ким ўғил қилиб олгани йўқ. У биз билан яшаб қолди, холос, – деди.

– Шунақами? Қизиқ, нега энди у сизлар билан яшаб қолди?

Майкл кулиб қўйди.

– Отам айтадики, Том фамилиясини ўзгартирса, ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик бўларди.

Улар Хейген Соннини отаси ўтирган хона эшиги олдига бошлаб кетганини, сўнгра Америго Бонасерани қўли билан имлаб чақирганини кўришди.

– Нега улар бугун ҳам отангни тинч қўйишмаяпти? – сўради Кей.

Майкл пиқиллаб кулди:

– Чунки одагга кўра қизининг тўйи куни ҳеч бир сицилиялик бирон-бир одамнинг илтимосини рад этолмайди. Ҳеч бир сицилиялик бундай имкониятни қўлдан бой бермайди ҳам.

Люси Манчини пуштиранг қўйлагининг этагини сал кўтариб, зинапоядан енгил югуриб чиқди. Юқоридаги майдончада турган Сонни унинг қўлларидан ушлаб тортиб олди-да, йўлак бўйлаб етаклаб, бўш хоналардан бирига олиб кириб кетди. Қизнинг тиззалари қалтирарди. Эшик ёпилгач, Сонни тамакиннинг қўланса ҳиди бурқсиб турган лабларини қизнинг лабларига босди.

Эшик бир неча дақиқадан буён аста-секин тақилларди, лекин буни улар фақат эндигина сезишди. Люси шошилиб, пуштиранг қўйлагининг этагини туширди. Том Хейгеннинг ўта секин овози эшитилди:

– Сонни, шу ердамисан?

Сонни «хайрият-э» дегандай енгил нафас олди, Люсига кўз қисиб қўйди.

– Шу ердман, Том. Нима дейсан?

Хейген ўша секин овоз билан:

– Дон хонасида сени кутиб ўтирибди. Дарҳол келсин, деяпти, – деди.

Қадам товушлари аста узоқлашиб, кейин тиңди.

Сонни яна бир-икки дақиқа кутиб турди-да, Люсининг лабларидан қаттиқ ўпиб, эшик орқасида ғойиб бўлди.

Люси пахмайиб кетган сочларини тузатди, яна бир бор кўйлагининг этагини, пайпоқларини текислади. Сўнгра зинапоядан югуриб тушиб, боққа кирди-да, келин-куёвлар столидаги аввалги ўрнига, келиннинг ёнига бориб ўтирди. Конни хафа бўлиб, лабларини чўччайтирди:

– Қаёқларга йўқолдинг, Люси? Нима бўлди, худди маст одамга ўхшайсан. Энди қимирламай ёнимда ўтир.

Малласоч кувёв бир нарсани сезиб қолгандай оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди-да, Люсига вино қуйди. Энди Люсига барибир эди. У ҳиди гупиллаб димоққа урилган қора суюқликни қуруқшаб қолган лабларига олиб келди-да, мириқиб ича бошлади. Унинг кўзлари қадаҳ устидан Сонни Корлеонени изларди. Ҳозир у бошқа ҳеч кимни кўрмасди. Қувлик билан келиннинг қулоғига пичирлади:

– Яна икки соатгина сабр қилиб тур. Кейин сен ҳам бу дунёнинг сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган лаззатлари борлигини билиб оласан.

Конни пиқирлаб кулди.

Люси худди келинчакка аталган ноёб хазинани ўғирлаб олгандай маккорона тантана оғушида ҳеч нарсадан беҳабар одамдай бепарво ўтирарди.

Америго Бонасера Хейгеннинг кетидан бориб бурчақдаги хонага кирди. Дон Корлеоне катта ёзув столи орқасида ўтирарди. Дераза ёнида Сонни Корлеоне боққа қараганча тик турарди. Дон бугунги қабул мобайнида биринчи марта меҳмонни хушламай кутиб олди: у билан кучоқлашиб кўришиш тугул ҳатто қўлининг учини ҳам узатмади. Бонасеранинг хотини уй бекасининг энг яқин дугонаси эди, акс ҳолда тўйга таклифнома олиш дафн этувчи идора бошлиғининг етти ухлаб, тушига ҳам кирмасди. Америконинг ўзини эса дон Корлеоне мутлақо ёқтирмасди.

Бонасера гапни узоқдан бошлади.

– Рафиқам чўқинтирган қизингизни тўйига келмаганлиги учун маъзур тутасиз ва буни мутлақо ҳурматсизлик деб ўйламанг. У ҳамон касалхонада ётибди. – Бонасера бегона одамлар олдида гаплашишни истамагандай Сонни ва Том Хейгенга қараб қўйди. Дон бунга парво ҳам қилмади.

– Қизингиз туфайли бошингизга тушган кулфатдан хабардормиз. Агар бирор-бир ёрдамим тегадиган бўлса, тортинмай айтаверинг. Ҳар ҳолда менинг хотиним қизингизнинг чўқинтирган онаси бўлади. Бу илтифотингизни ҳали унутганимиз йўқ. – Бу киноя эди. Американи урф-одат талаб қилишига қарамасдан, дон Корлеонени ҳеч қачон «Чўқинтирган ота», деб атамаганди. Американинг қонсиз юзи қудранг тус олди. У айлантириб ўтирмасдан тўғрисида сўради:

– Агар иложи бўлса, сиз билан ёлғиз гаплашсам дегандим.

Дон Корлеоне бошини чайқади.

– Мен бу одамларга бутун борлигимни ишонаман. Уларнинг ҳар бири менинг ўнг қўлим. Чиқиб туришларини илтимос қилиш, уларни ҳақорат қилиш билан баробар бўлади.

Мурдашўй бир неча дақиқа кўзини юмиб турди-да, сўнгра одатда ўз мижозларини юпатаётгандай, овозини кўтармай бир хилда гапира бошлади.

– Мен қизимни Америкада қабул қилинган талаблар асосида тарбияладим. Американи ҳурмат қиламан. Америка менга оёққа туриб олишимга имкон берди. Мен қизимни эркин қўйдим, лекин айна пайтда унга ҳеч қачон оиламиз ор-номусини ерга урмасликни ўргатдим. Қизим италиялик бўлмаган бир йигит билан танишиб қолди. Кинога бирга борадиган бўлиб қолишди. Кеч қайтарди. Йигит бирор марта ҳам уйимизга киргани йўқ, биз билан, яъни қизнинг ота-онаси билан танишгани йўқ.

Ҳаммасига чидадим. Лом-мим демадим – менинг айбим шу. Икки ой илгари йигит қизимни сайр қилиб келишга таклиф этди. Яна бир ўртоғини ҳам етаклаб

олибди. Қизимга виски ичиришиб, уни зўрламоқчи бўлишибди. Уддасидан чиқишолмабди. Қизим бунга йўл қўймабди. Шунда уни дўппослаша бошлабди. Итдай калтаклашибди. Касалхонага бориб кўрдим, икки кўзи моматалоқ бўлиб кўкариб кетибди. Қаншарини уриб синдиришибди. Жағини пачақлашибди. Докторлар симли тахтакач қўйишди. Қизим азоб-уқубатга бардош беролмай: «Ота, отажон, гуноҳим нима? Нега улар мени бу қўйга солишди?» деб хўнграб йиғлади. Унга қўшилиб мен ҳам йиғладим.

Гарчи овозидан ҳамон унинг ҳаяжонланаётганини сезиш мумкин бўлмаса-да, кўз ёшлари гапиришга халақит бера бошлади.

Дон Корлеоне беихтиёр ишора билан ҳамдардлик билдирди. Бонасера давом этди, энди унинг овозида чинакам инсоний изтироб бор эди.

– Қўзимнинг оку қораси бўлган қизим жуда ёқимтой, чиройли эди. Одамларга ишонарди. Энди ҳеч қачон ҳеч кимга ишонмайди. Энди ҳеч қачон аввалгидай ёқимтой ҳам бўлмайди. – Бонасеранинг елкалари силкина бошлади. Унинг заҳил ёноқларида хунук қизил доғлар пайдо бўлди. – Мен интизомли америкалик сифатида полицияга мурожаат қилдим. Безориларни қамоққа олишди. Кейин суд қилишди. Далил-исботларни рад этиб бўлмасди. Ҳар икки йигит ҳам ўзини гуноҳкор деб тан олди. Судья уларни ҳар бирини уч йилдан муддатга шартли тарзда ҳукм қилди. Ўша куниёқ суд залининг ўзида уларни озодликка чиқариб юборишди. Мен аҳмоқ бўлиб қолавердим. Анави махлуқлар эса менинг устимдан кулишиб, ошқора масхара қилишди. Ана шунда хотинимга: «Адолатни дон Корлеонедан излаш керак», дедим.

Дон Бонасеранинг гапларини бегона одамнинг ғамташвишига ҳамдардлик белгиси сифатида бошини эгиб ўтириб тинглади. Бироқ Бонасера гапини тугатгач:

– Нега полицияга мурожаат қилдингиз? Нега бошидаёқ менинг олдимга келмадингиз? – деди. Бу сўзлардан унинг кадр-қиммати ҳақоратланганини сезиш қийин эмасди.

Бонасера эшитилар-эшитилмас:

– Мен нима қилишим керак? Мендан нима талаб қилинади? Фақат мен илтимос қиладиган нарсани қилиш зарур! – деди. Бу сафар унинг овози совук, қўрс эшитилди.

– Хўш, сиз илтимос қилган нарса нима экан? – жиддий сўради дон Корлеоне.

Бонасера Хейген ва Сонни Корлеоне томон қаради ва бошини чайқади. Дон ўрнидан турмасдан бутун гавдаси билан олдинга эгилди. Бонасера бир оз жим туриб, кейин лабларини доннинг жуни кўришиб турган қулоқларига теккудай яқин келтирди. Дон Корлеоне Бонасеранинг гапларини нигоҳини олис бўшлиқларга тиккан ҳолда, худди тавба-тазарру қилиб сиғинаётган руҳонийдек эҳтироссиз, бепарво тинглади. Анча вақт ўтди. Бонасера сўнги сўзларини пичирлаб айтиб, қаддини ростлади. Дон унга ўткир нигоҳини қадади. Бонасера қизариб кетди, лекин кўзини олиб қочмади.

Ниҳоят дон:

– Бунинг иложи йўқ, – деди. – Ҳар қандай иш ҳам меъёрида бўлишини билиш керак.

Бонасера овозини кўтариб, лўнда қилиб:

– Бу ёғидан ташвиш қилманг. Қанча бўлади? – деди.

Бу сўзлардан Хейген сергакланди ва асабий ҳолда бошини кўтарди. Сонни Корлеоне суҳбат бошлангандан буён биринчи марта ўтирилиб қаради ва истехзоли жилмайиб, қўлларини кўкраги устида чалкаштирди.

Дон ўрнидан турди. Унинг юзидан ҳеч нарсани англаб бўлмаса-да, овозидан томирдаги қон музлаб қолгудай эди.

– Бир-биримизни кўпдан бери биламиз, – деди у. – Лекин бошингизга ташвиш тушгунга қадар менинг олдимга бирор марта ёрдам ёки маслаҳат сўраб келмагандингиз. Сўнги марта қачон мени бир пиёла чойга таклиф қилганингизни ҳам нима учундир эслай олмаяпман. Ахир ёлғиз қизингизни менинг хотиним чўқинтиргандику! Очиқчасига айтганда, сиз дўстлигимизни писанд қилмадингиз. Менга боғланиб қолишдан кўрқдингиз.

– Бошимга кўнгилсизликлар орттириб олишни хоҳламагандим, – деди Бонасера бўғиқ овоз билан.

Дон кафти очик кўлини кўтарди.

– Йўқ, шошманг. Бирпас жим туринг. Американи сиз ўзингизча жаннат деб тасаввур қилгандингиз. Катта ишлар қилдингиз, мўмай-мўмай пул топдингиз. Сиз бу дунёни хоҳлаганингизча ўйнаб-кулиб яшайдиган тинчсокин маскан, деб ўйладингиз. Ишончли дўстлар орттиришни хаёлингизга ҳам келтирмадингиз. Бунинг сизга кераги ҳам йўқ эди. Чунки сизни полиция кўриқлар, қонун ҳимоя қилар экан, сиз ва ҳамтовоқларингиз нимадан ҳам ташвиш қилардинглар. Дон Корлеоненинг сизга нима кераги бор эди? Нима ҳам қилардик. Менга осон бўлгани йўқ. Лекин қадрламайдиганларни, писанд қилмайдиганларни мажбур қилиб дўст туғинишга ўрганмаганман. – Дон бир дақиқа тўхтаб мурдашўйга мулойим ва истехзоли жилмайиш билан қараб қўйди. – Мана энди остонамга келиб: «Дон Корлеоне, адолат юзага чиқишига ёрдам беринг», деяпсиз. Шунда ҳам ҳеч қандай хурмат-эҳтиромсиз сўраяпсиз. Дўстлигингизни таклиф этмаяпсиз. Қизимнинг никоҳ тўйи куни уйимга келиб, менга қотилликни таклиф қиляпсиз. Сўнгра эса: «Қанча пул кетса тўлайман», дейсиз. Йўқ, мен хафа бўлаётганим йўқ, фақат мени бунчалик менсимаганлигингизнинг сабаби нима эканлигини тушунолмапман.

Азоб-уқубат ва кўрқиб яшашдан зада бўлиб қолган мурдашўйнинг қалб тубидан бир нидо отилиб чиқди.

– Америка мени бағрига олди, бошпана берди. Мен бу юртнинг намунали фуқароси бўлмоқчи эдим. Фарзандларим Америка фарзандлари бўлиб қолишларини орзу қилгандим.

Дон маъқуллаш маъносида кафтларини икки марта бир-бирига уриб қўйди.

– Ажойиб сўзлар. Жуда зўр. Шундай экан, шикоят қилишингизга ҳеч қандай асос йўқ. Бориб касалхонадаги қизингиздан хабар олинг, гуллар,ширинликлар олиб боринг. Қизингиз ҳам хурсанд бўлади, сиз ҳам юпанасиз.

Ростини айтганда, бу сиз ўйлагандай ташвишли нарса эмас. Йигитлар ёш, қизикқон пайти. Бунинг устига улардан бири катта амалдорнинг ўғли. Шунақа, азизим. Америго, сиз ҳамма вақт тўғрисиў одам бўлиб келгансиз. Гарчи мени назар-писанд қилмай келган бўлсангиз ҳам Америго Бонасеранинг гапларига шак-шубҳасиз ишонишимни эътироф этишим керак. Шунинг учун ҳам бу ярамас ўйларни миянгиздан чиқариб ташлашга ваъда беринг. Бу америкаликларга хос нарса эмас.

Бу сўзларнинг замирида аччиқ, заҳарханда киноя бор эдики, доннинг овозидаги яширин қаҳр-ғазабдан ҳамма иш чапсасидан кетганини сезган бечора мурдашўй ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Лекин бу гал ҳам бўш келмади:

– Мен адолат юзага чиқишини илтимос қиламан.

Дон Корлеоне бўлиб-бўлиб:

– Адолат судда юзага чиққан, – деди.

Бонасера ўжарлик билан бош чайқади.

– Йўк. Судда анави махлуқлар учун адолат юзага чиқди. Менга нисбатан адолатсизлик бўлди.

Дон бу фарқнинг нозик жиҳатларига тўғри баҳо бергандай бошини эгди.

– Сизнингча, адолат юзага чиқиши учун нима қилиш керак? – сўради дон.

– Қонга-қон, жонга-жон бўлиши керак, – деб жавоб берди Бонасера.

– Жуда ошириб юбордингиз, – деди дон. – Ахир қизингиз тирик қолибди-ку!

– Қизим тортган азоб-уқубатларни улар ҳам бошларидан ўтказишсин, – деди Бонасера истаб-истамай.

Дон унинг яна нима дейишини кутиб турди. Бонасера сўнги журъат билан:

– Бунинг учун қанча тўлашим керак? – деди.

Бу изтироб тўла қалб нидоси эди.

Дон Корлеоне ўтирилиб олди. Бу – гап тамом, дегани эди. Бонасера қилт этмай тураверди.

Шунда дон дўсти янглишиб, хато қилганда ундан



хафа бўлмайдиган кўнгилчан одамдай, бу дақиқада ранги ҳар қандай ўлик ранги билан рақобатлаша оладиган туста кирган мурдашўйга қаради. Энди дон Корлеоне шопилмасдан, мулойимлик билан гапирди.

– Энг аввало, менинг ҳомийлигим остида бўлишдан нега кўрқасиз? – деди у. – Адвокатларга пул сарфлайсиз: улар эса сизни хоҳлаганларича лақиллатишлари мумкинлигини яхши билишади. Сиз суд ҳукми ҳақида куйиниб гапиряпсиз, у судья эса исловотхоналардаги аёллар сингари сотқин бир нарса. Ким кўпроқ узатса, ўшанинг ишини тўғрилайди. Шунча йилдан бери пул керак бўлса судхўрлик қилиб терингизни шилиб олаётган банкка бордингиз, олган қарзингизни қайтариш имкониятига эга эканлигингизни суриштириб билгунларига қадар, овқат ейдиган идишингизга бурунларини суққунларига қадар, эшигингиздаги қулф тешигидан мўралашиб, сизнинг кимлигингизни билгунларига қадар садақа сўраган гадойдай қўл чўзиб жим тураверасиз.

Дон бир дақиқа жим қолди. Яна гапира бошлаганда эса унинг овозида қатъият, жиддийлик бор эди.

– Агар менинг олдимга келганингизда ҳамёнимни қўлингизга тутқазиб қўйган бўлардим. Агар менинг олдимга келганингизда, қизингизга озор берган анави махлуқлар бугун аччиқ кўз ёшларини тўкиб ўтиришган бўларди. Агар, Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлиб, душман орттириб олсангиз, у менинг ҳам душманимга айланарди. Унда, – дон қўлини кўтариб, бармоғи билан Бонасерани кўрсатиб, – душманларингиз сиздан кўрққан бўлишарди, – деди.

Бонасера бошини ҳам қилиб, эзилган овоз билан пичирлади:

– Ёрдам қилинг, ҳамма шартларингизга кўнаман.

Дон Корлеоне унинг елкасига қўлини қўйди.

– Яхши, – деди у. – Майли, адолат юзага чиқсин. Эҳтимол, шундай кун келарки, гарчи шундай кун, албатта, келади, деб айта олмасам ҳам, менга ёрдамингиз керак бўлиб қолар, яхшилигимга яхшилик билан жавоб қайтарарсиз. Ҳозир эса бу келишувимизни менинг

хотинимдан, қизингизнинг чўқинтирган онасидан совға сифатида қабул қилинг.

Бонасера алланималар деб миннатдорчилик билдириб ташқарига чиққач, дон Корлеоне Хейгенга:

– Бу ишни Клеменцага топшир. Қон ҳидини сезиб, ўзини йўқотиб қўймайдиган, оғир-босиқ йигитлардан танлаб олсин. Анави мурдалар ҳамтовоғи қовоқ калласини пуч хомхаёллар билан тўлдириб олганлигидан қатъи назар, биз қотил эмасмиз.

Дон ота-онасининг умиди бўлган тўнғич ўғли боғда бўлаётган тўй-томошаларини кўриш учун яна деразага қараб олганлигини кўрди. Бундан ҳеч бало чиқмайди, ўйлади у. Сантино ўжарлик қилиб бу ишга мутлақо қизиқиш билдирмаётганлигидан кейин ҳеч қачон оилавий ишни эплай олмайди, ундан ҳеч қачон дон чиқмайди. Бошқа одам излашга тўғри келади. Асло кечиктирмаслик керак. Ахир доннинг ўзини ҳам бу дунёга боғлаб қўйган эмас.

Боғдан бирдан кўтарилган шоду хуррамлик овозлари эшитилди. Ҳар учаласи хушёр тортди. Сонни Корлеоне деразага ёпишди. Ташқарига қараб олгач, чеҳраси ёришиб, тез эшик томон юрди.

– Айтмаганмидим, Жонни ҳар ҳолда тўйга келибди. Хейген дераза ёнига келди.

– Чиндан ҳам ўша, сиз чўқинтирган Жонни, – деди дон Корлеонега. – Шу ерга чақирайми?

– Йўқ, – деди дон. – Меҳмонларни хурсанд қилаверсин. Олдимга киришга улгуради, – у Хейгенга кулиб қаради. – Ҳали кўрасан. У яхши йигит.

Хейгеннинг қалбида рашкми, ҳасадми, шунга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Қуруққина қилиб:

– Икки йилдан буён қорасини кўрсатмаганди. Яна бирор кўнгилсизлик юз берган бўлса керак. Ёрдам зарурдир, – деди.

– Бошига иш тушганда Чўқинтирган отасининг олдига келмай, кимнинг олдига келади? – деди дон Корлеоне.

Боққа кириб келаётган Жонни Фонтейнни биринчи бўлиб келинчак Конни Корлеоне кўриб қолди. Шу

дақиқадаёқ унинг қалбаки жиддийлигидан асар ҳам қолмади.

– Жон-ни-и! – дея қичқириб, ўтирган жойидан отилиб турди-да, югуриб бориб, унинг бўйнига осилиб олди.

Жонни Фонтейн уни маҳкам бағрига босди, лабларидан ўпди, бир қўли билан келинчакни қучоқлаб олган ҳолда бошқалар етиб келгунга қадар тураверди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси Жоннининг қадрдон дўстлари эдилар. У Уэст-Сайд кўчаларида ана шу дўстлари билан бирга улғайган эди. Конни уни куёвтўра олдига судраб келди. Малла сочли куёв энди бутунги куннинг қахрамони бўлмай қолганлигидан хафа бўлаётганлиги яққол сезилиб турарди. Бундан Жоннининг кулгиси қистади. У одатдаги одамшавандалигини кўрсатиб, куёвнинг қўлларини маҳкам қисди ва унинг шарафига бир қадах винони шарт кўтариб юборди.

Меҳмонлар ўтирган айвончадан таниш овоз эшитилди:

– Эй, Жонни, яхшиси биронта қўшиқ айтиб берсанг-чи!

Жонни бошини кўтариб қаради: юқоридан Нино Валенти унга кулиб қараб турарди. Жонни сакраб айвонга чиқди-да, Нинони қучоқлаб олди. Илгари уларнинг орасидан қил ҳам ўтмас, бир-биридан ажралишмас, бирга куйлашар, қизлар билан сайрга бирга боришарди. Кейин Жонни қўшиқчи бўлиб, радиога ўрнашиб олгач, доврўғи кўтарилиб кетди. Кинога тушиш учун Голливудга жўнаб кетгач эса Нинога шунчаки у ёқ-бу ёқдан лақиллаш учун бир-икки марта кўнғироқ қилди ва Нинонинг овозини маҳаллий клублардан бирида эшитиб кўришларига эришишга ваъда берди. Лекин сўзининг устидан чиқишга уриниб ҳам кўрмади. Ҳозир Нинонинг овозини эшитиб, унинг жилмайиб турган чехрасида ўша бепарволик, сархушлик, жиндеккина сурбетликни кўриб, Жоннининг дўстига нисбатан меҳри яна товланиб кетди.

Нино мандолина торларини чертди. Жонни Фонтейн унинг елкасига қўлини ташлади.

– Келинчак шарафига, – деди-да, ер тепиниб, сицилианча беҳаё ишқий лапарлардан бирини куйлай бошлади. Жонни куйларкан, Нино чиройли хатти-ҳаракатлари билан гавдасини қимирлатиб, унга жўр бўлиб турди. Бундан боши осмонга етган келинчак очилиб-сочилиб ўтирар, меҳмонлар эса мамнун эканликларини қийқириқлар билан ифода қилишарди. Охирига бориб ҳамма ер тепиб, лапарнинг ҳар бир тўртлиги охиридаги шўхлик ифода-ланган сатрига жўр бўла бошлади. Сўнгра Жонни янги кўшиқ айтишга тайёрланиб, томоғини хўлаб олгунга қадар тўхтамай қарсақ чалиб туришди.

Ҳамма у билан фахрланарди. Жонни туриш-турмуши билан бу ердагиларнинг ўзлариники эди. У машҳур кўшиқчи, кино юлдузи бўлиб етишди. Ер юзидаги энг жозибали, энг латофатли аёллар ҳам уни йўлдан уриб, ўзига оғдириб олиш дардида юришарди. Бунга қаранг – у мағрурланиб кетмабди, Чўқинтирган отасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уч минг мил йўл босиб, тўйга етиб келибди. У Нино Валентига ўхшаган эски қадрдонларини ҳамон севарди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган Жонни ва Нино биргаликда дўриллаб кўшиқ айтиб юрган пайтларда вақти келиб Жонни Фонтейн элик миллион аёл қалбига ўт солиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган кунларни ким эсламайди дейсиз. Жонни Фонтейн айвончадан чўзилиб, келинчакни кўтариб олди-да, ўзи билан Нинонинг ўртасига қўйди.

Кўшиқчилар бир-бирларига қараб сал энгашдилар. Нино мандолина торларини чертиб юборди, торлар бўғиқ овоз билан тиринглади. Бу хонандаларнинг эски одати, жасорат ва муҳаббат биринчилиги учун ҳазил олишуви эди. Уларнинг овози худди шамшир каби бири-бири билан кесишди, кўшиқ нақаротини навбат билан гоҳ униса, гоҳ буниса балан овозда куйлашарди. Жонни мамнуният билан Нинога ўз овози билан унинг ҳаммага маълум ва машҳур овозини босиб кетишга, иккинчи қўли билан келинчакни ушлаб олиб, Нино кўшиқни ёлғиз ўзи ғолибона тугаллашига имкон берди ва ўзи жим бўлди. Қийқириқлар ва қарсақлар остида учаласи бир-

бирини қучоқлашди. Тўйга келган меҳмонлар янги-янги қўшиқлар куйлаб беришни талаб қилишарди.

Фақат бир кишигина Жоннининг турмушида қандайдир қўнғилсизлик юз берганини сезиб турарди. Бу дон Корлеоне эди. У қўполроқ, лекин беғараз овоз билан меҳмонларни асло ранжитиб қўймаслик кераклигини айтди:

– Мен чўқинтирган одам бир тупканинг тагидан тўйимизга ташриф буюриб, ҳурмат-иззат кўрсатса-ю, унинг томоғини намлаб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса.

Жоннига дархол ўнлаб шароб тўла қадаҳлар узатилди. У ҳар бир қадаҳдан бир ҳўпламдан ичди-да, Чўқинтирган отаси томон ташланди. Улар қучоқлашиб кўришдилар. Жонни доннинг қулоғига бир нарсалар деб пичирлади – дон уни уйга етаклаб кириб кетди.

Жонни хонага кирди. Том Хейген унга қўл узатди. Жонни унинг қўлини қисиб:

– Ишларинг қалай, Том? – деб сўради.

Бироқ бу мулозаматда Жоннининг одатдаги самийлигидан асар ҳам йўқ эди. Унинг бегоналарча мулозаматидан Хейген бир оз хафа бўлди. Лекин у бунга қўниқиб кетганди. Том дон Корлеоненинг ўтқир шамшири эди. Баъзида ана шундай муомалаларга бардош беришга тўғри келарди.

– Тўйга таклифнома олганимда мен ўзимга ҳа, Чўқинтирган отам мендан хафа эмас экан, дедим, – дея бошлади гапини Жонни Фонтейн донга қараб. – Хотиним билан ажралишганимдан буён сизга беш марта қўнғироқ қилишга уриниб кўрдим. Ҳар гал Том ё йўқ, ё банд деб жавоб беради. Бу беҳуда гаплигини, мендан ранжиб қолганлигингизни билардим.

Дон икки стаканга биллур шишадан шароб қуйди.

– Ўтмишни қовлаштиришнинг нима кераги бор. Хўш, қалай? Ҳали яна бирор кунингга ярайманми? Ёки шоншўхратинг, миллионларинг сени ёрдам қўли етмайдиган юксакликка кўтариб қўйдими?

Жонни оловранг шаробни бир кўтаришда сипқорди-ю, бўш стаканни доннинг олдига қўйди. У ҳеч нарсадан тортинмай бепарво гапирарди.

– Қайдаги миллионларни айтасиз, отахон. Ишим тобора чаппасидан кетяпти. Тўғри айтган экансиз. Хотиним ва болаларимни ташлаб, саёқ хотинга уйланмасам бўларкан. Мендан тўғри хафа бўлган экансиз.

Дон елкаларини қисди.

– Мен сенинг ташвишингни қилдим. Ҳар ҳолда чўқинтирган ўғлимсан. Бор гап шу.

Жонни хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Ўша аҳмоқни деб ақлимни еб қўйган эканман. Голливуднинг биринчи юлдузи. Фариштадек гўзал. Кинони суратга олишлар тугагандан кейин нималар қилганини билсангиз эди! Агар гримчи сал яхшироқ пардоз берса, ўша билан тунайди. Агар оператор яхшироқ қилиб суратга олса, ҳожатхонага чақиради-да, ихтиёрини унга топширади. Тўғри келган одам билан дон олишиб кетаверади. Худди чойчақа бераётгандай, ҳар қадамда ўз танасини ҳада қилаверади. У жодугарнинг жойи шайтоннинг базмхонаси экан.

Дон Корлеоне унинг сўзини бўлди.

– Оилангнинг аҳволи қалай?

Жонни чуқур хўрсинди.

– Оиламни маблағ билан таъминлаб қўйганман. Ажралишганимиздан кейин Жинни ва қизларимга суд ҳукмида белгиланганидан кўпроқ пул тўлай бошладим. Ҳар ҳафтада хабар олиб турибман. Уларсиз зерикаман. Баъзида шундай сиқилиб кетаманки, ақлдан озай дейман. – У яна бир стаканни бўшатди. – Кейинги хотиним эса менинг устимдан кулгани кулган. Нега уни рашк қилишимни тушунмайди. Ҳаётдан орқада қолаётганмишман, италянча эҳтиросларни оммалаштираётганмишман, қўшиқларим эса бўлмағур, пуч нарсалар эмиш. Бу ёққа келаётиб яхшигина дўппосладим. Фақат юзига урмадим, чунки ҳозир кинога тушяпти. Биқинлари, қўл-оёқларини кўкартириб ташладим. У бўлса, худди

мени эрмаклагандай ҳиҳилаб кулади. – Жонни сигарета тутатди. – Шунақа гаплар, отахон, шунинг учун ҳам тўғриси айтсам, бундай ҳаётдан тўйдим, яшагим келмай қолди.

Дон Корлеоне лўнда қилиб:

– Бу ишларда сенга ёрдам бериб бўлмайди, – дедида, жим қолди. Сўнгра: – Овозингга нима бўлди? – деб сўради. Тақдир ҳазили туфайли кўз очиб юмгунча Жонни Фонтейннинг манманлигидан, димоғдорлигидан асар ҳам қолмади. У ели чиқиб кетган коптоқдай шалпайиб қолди.

– Отахон, энди мен қўшиқ айта олмайман, томоғим оғрияпти, нима бўлганлигини докторлар аниқлаша олаяпти.

Хейген ва дон ҳайратланиб унга қарадилар. Жонни Фонтейндан ҳар нарсани кутиш мумкин эди, бироқ умидсизлик, қўрқоқлик унинг учун бутунлай бегона нарса эди. Жонни давом этди:

– Менинг икки фильмим катта даромад келтирди. Кино юлдузи эдим. Энди мени кинодан суриб чиқаришмоқчи бўлишяпти. Кўндан бери студия хўжайинининг мени кўрарга кўзи йўқ. Мен билан орани очик қилиб олиши учун унга жуда қулай пайт келди. Дон Корлеоне ўрнидан туриб дағдаға билан сўради:

– Нега у сени ёмон кўриб қолди?

– Мен сўлларнинг митингида сўзга чиқдим, қўшиқлар куйладим. Эсингиздами, бу ишим сизга ҳеч қачон ёқмасди. Жек Вольцга ҳам ёқмади. У менга коммунист деган лақабни ёпиштирмоқчи бўлди. Бироқ қанчалик уринмасин, бу лақабни менга ёпиштира олмади. Кейин у кўз остига олиб юрган қизни йўлдан урдим. Шундай бўлиб қолди. Фақат бир кечага, тўғрироғи, қиз мени йўлдан урди. Хўш, шундай вазиятда мен нима қилишим керак эди? Бу ҳам етмагандай энди анави фоҳиша ҳам мени уйдан ҳайдаяпти. Агар тиз чўкиб ялиниб бормасам, Жинни ва болалар ҳам мени уйга киритишмайди. Қўшиқ ҳам айта олмайман. Нима қилишим керак, отахон, нима қилишим керак?

Дон Корлеоненинг қиёфасида совуқ нафрат ифодаси пайдо бўлди. Унда ҳамдардликдан заррача ҳам асар йўқ эди.

– Энг аввало, ўзингни эркак кишидек тутишинг керак, – деди у.

Кутилмаганда ғазабдан унинг юзлари тиришди.

– Ўзингни эркак кишидай тутишинг керак! – ўшқирди у.

Дон Корлеоне стол устидан чўзилиб, ғазаб ва айни пайтда меҳр билан Жоннининг сочларидан тортди.

– Ё Худо, менинг ёнимда шунча вақт бирга юргандан кейин ҳам аммамнинг бузоғидай лаңдавурлигича қолаверса-я! Сен, Голливуднинг хунаса қўғирчоғи, кўз ёшингни оқизиб, мендан ёрдам сўраб келдингми? Хотин кишиларга ўхшаб «Нима қиламан? Вой, энди нима қиламан?» деб нола қилгани келдингми?

Дон Корлеоненинг гаплари кутилмаганда Жоннининг гапларига шу даражада ўхшаб кетдики, Жонни ва Хейген кулиб қотиб қолишди. Дон Корлеоне хурсанд эди. Жонни унинг қалбидан чуқур жой олганди. Қизиқ, пуштикамаридан бўлган ўғилларининг сочидан тортса, қандай жавоб беришаркин? Сантино узоқ хафа бўлиб, жирракилик қилиб юрарди. Фредо ўлакса қилиб калтакланган итдай бўлиб юрарди. Майкл совуққина кулиб қўярди-да, уйдан чиқиб кетиб, бир неча ой қорасини кўрсатмайди. Жонни эса бутунлай бошқача, доннинг ҳамма сўзларини сабр-тоқат билан илжайиб ўтириб тинглайди, гапнинг муқаддимасиданоқ отахоннинг мақсадини англаб олади.

Дон Корлеоне давом этди.

– Сенга қараганда ўн чандон обрўлироқ бўлган продюсерингнинг тумшуғи остидан у кўз остига олиб юрган аёлни илиб кетсанг-у, кейин ишдан ҳайдаяпти, деб шикоят қилиб юрсанг. Ўйлаб топган нарсасини қаранг! Бир фохишанинг орқасидан оилангни ташлаб, фарзандларингни отасиз қолдириб кетасан-у, яна мени кучоқ очиб кутиб олишмаяпти, деб кўз ёши қиласан. Кинога тушаётганлиги учун аяб хотин кишининг башарасига мушт



тушира олмайсан-у, яна у сени масхара қилиб кулганидан таажжубланасан. Аҳмоқона яшадинг, аҳмоқлигингча қолганинга таажжубланмаса ҳам бўлади.

Дон Корлеоне нафасини ростлаб олди-да, шошмасдан сўради:

– Эҳтимол, бу сафар менинг маслаҳатларимни қулоғингга оларсан?

Жонни Фонтейн елка қисди:

– Жинни билан қайта яраша олмайман, чунки у қўядиган шартларга риоя қилолмайман. Мен ўйнаб-куламан, ичаман, бўйдоқлар даврасида бўламан, буларсиз яшай олмайман. Латофатли, офатигон аёллар орқамдан соядек эргашиб юришади, уларни қувлаб юборишга журъат этолмайман. Шулардан кейин Жиннининг олдига борганимда ўзимни энг разил, энг жирканч одамдай ҳис қиламан. Бу ола-хуржунни қайтадан бўйинга илиш йўқ, мутлақо тўғри келмайди.

Дон Корлеоненинг сабр косаси тўлиб-тошаётганлиги кўриниб турарди. Бундай ҳол камдан-кам рўй берарди.

– Хотининг билан яраш деб сени биров мажбур қил-яптими? Билганингни қил. Қизларингга оталик қилмоқчи экансан, жуда соз. Агар эркак киши фарзандларининг чинакам отаси бўлмас экан, у эркак эмас. Шундай экан, хотинингни шартларингга кўндир. Болаларинг билан бирга яшай олмайсан, деб қаерда айтилган? Фақат шахсий орзу-истакларингни деб шахсий турмушингни йўлга солишга ҳақ-хуқуқинг йўқлиги қаерда ёзилган?

Жонни Фонтейн кулимсиради.

– Йўқ, отахон, қадимги италиялик аёлларга ўхшаган сабр-тоқатли аёллар ҳозир кам. Жинни мутлақо кўнмайди.

Дон ачитиб:

– Сен ўзинг лапашангсан, – деди. – Бир аёлга белги-ланганидан ортиқча пул тўлайсан, иккинчисининг эса кинога тушаётганлиги учун башарасига туширишдан кўрқасан. Сен ўзи доим хотинларни ёқлаб иш тутасан. Гарчи у дунёда тўғри жаннатга тушсалар ҳам хотинлар бу дунёда фақат ишга халал берадилар. Биз эркак бечоралар бўлса дўзах ўтида жизғанақ бўламыз.

Яна бир гап. Шу йиллар мобайнида сени зимдан кузатиб юрганимдан хабардорсан. – Энди дон жиддий гапира бошлади. – Ҳа, сен мен чўқинтирган энг яхши одамлардансан. Шу пайтгача менга нисбатан бирор марта хурматсизлик қилганинг йўқ. Хўш, эски дўстларинг билан муносабатларинг қандай? Сени бугун биттаси билан, эртасига иккинчиси билан кўришаётганмиш. Киноларда кулгили ролларда ўйнаган анави италиялик эсингдами? Нимадир бўлиб, иши юришмай қолди-ю, у билан учрашмай қўйдинг. Энди сен машҳур одамсан-да, шунақами? Ёки мактабга бирга қатнаган, бирга кўшиқлар айтиб юрган болаликдаги қадрдон дўстинг Нино. Иши юришмаганидан ҳаддан ташқари кўп ича бошлади, лекин турмушидан шикоят қилганини ҳали бирон одам эшитгани йўқ.

Эшакдай ишлайди, юк машинасида шағал ташийди, шанба кунлари хонадалиқ қилиб, чой-чақа топяпти. Ҳеч қачон сен ҳақингда ёмон гап айтмайди. Унга ёрдамлашсанг бўларди. Нима қипти? Яхшигина овози бор.

Жонни оғир-босиқ, лекин ҳорғин овозда тушунтирди: – Отахон, унда истеъдод йўқ. Тўғри, тузуккина кўшиқ айтади. Лекин зўр эмас.

Дон Корлеоне қовоқларини шундай уйдикки, кўзлари ўрнида узун чизиқча пайдо бўлди. Хўш, сен ўзинг-чи, ахир сен ҳам осмондан юлдузни узиб олмагандинг-ку! Хоҳлайсанми, ишга жойлаштириб қўяман? Нино билан юк машинасида шағал ташийсан.

Жонни лом-мим демади, дон давом этди:

– Дўстлик ҳамма нарсадан улуғдир. Дўстлик истеъдоддан юқори туради. Дўстлик ҳар қандай ҳукуматдан кучлидир. Дўстлик оиладан сал пастроқда туради, холос. Сен буни ҳеч қачон унутма. Агар дўст орттирганингда бугун менинг олдимга ёрдам сўраб келмаган бўлардинг. Энди айт-чи, нега кўшиқ айтолмайман, деяпсан? Боғда яхшигина куйладинг-ку! Нинодан қолишганинг йўқ.

Хейген ва Жонни бу ўткир пичингга жавобан кулиб қўйишди. Энди оғир-босиқ бўлиш, мурувват кўрсатиш навбати Жоннига келди.

– Томоқни ишдан чиқариб олдим. Икки-учта қўшиқ айтганимдан кейин бир неча соат, баъзида бир неча кун овозим чиқмай қоляпти. Репетиция, ёзув пайтида айтаётган қўшиғимни охиригача етказа олмай қоляпман. Томоғим бўғиладиган бўлиб қолди.

– Шунақа дегин. Демак, аёллар масаласида ишинг чаппасига кетибди-да. Овозинг бўғилиб қолибди. Энди айт-чи, анави амалдор, голливудлик pezzonovante билан ораларингдан қандай қора мушук ўтди?

Шу вақтгача куруқ гап-сўз бўлаётганди. Энди амалий иш бошланди.

– У, ҳақиқатан ҳам, катта амалдор, – деди Жонни. – Киностудиянинг хўжайини, кино воситалари ёрдамида ҳарбий ташвиқот бўйича президент маслаҳатчиси.

Бир ой олдин бу йил катта шов-шувга сабаб бўлган романни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди. Бу китобни дўконлардан топиб бўлмайди; уни қайта-қайта нашр этиб улгуришмаяпти. Асардаги бош қаҳрамон менга худди қуйиб қўйгандай ўхшайди. Мен учун бу ролни ўйнашга зарурат ҳам йўқ – экранда шунчаки кўриниб қўйсам бўлади. Ҳатто қўшиқ айтишнинг ҳам ҳојати йўқ эди. Шу ролни ўйнасам, менга академиянинг мукофотларини беришлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Мен худди шу роль учун яратилганимни, шу ролни ўйнасам бу сафар актёр сифатида яна шон-шухрат чўққисига кўтарилишимни ҳамма билади. Итдан тарқаган Вольц эса ўчакишиб, менга бу ролни бермаяпти. Бу ролни энг паст ставкада ҳақ тўлашса ҳам, амалда бекорга ўйнашга ҳам розиман. Бироқ у барибир мени яқинлаштирмаяпти. Агар студияга келиб ҳамманинг олдида кетимдан ўпса, ўшанда ҳам ўйлаб кўраман, деб гап тарқатганмиш.

Дон Корлеоне бетоқатлик билан бу лирик хотимани тўхтатди. Ақлли одамлар ҳамма вақт турмуш қийинчиликларидан чиқиш йўлини топишади. У Жоннининг елкасини силади.

– Ҳамма нарсадан кўнглинг совиб кетганини кўриб турибман. Энди мен ҳеч кимга керак эмасман, ҳамма мендан юз ўгирди, деб ўйлайсан. Топдимми? Бунинг усти-

га озиб, куруқ чўп бўлиб қолибсан. Кўринишингдан кўп ичасан, шундайми? Кечалари ухлай олмай, тугма дори ютасан, тўғрими? – У норози бўлиб бошини чайқади.

– Энди маслаҳатларимга кулоқ солиб, менинг айтганларимни қиласан, – давом этди дон.

– Марҳамат қилиб, меникида бир ой қоласан. Марҳамат қилиб, одамлардек овқатланасан, тўйиб-тўйиб ухлайсан, сал ўзинга келиб оласан. Бирга бўлсак, менга ҳам яхши, балки сен кўқларга кўтариб мақтаган Голливудда керак бўлиб қоладиган турмуш масалаларида Чўқинтирган отангдан анча-мунча нарсаларни ўрганиб оларсан. Хонадаликни, ичкиликбозликни, аёлларни хаёлингдан чиқариб ташлайсан. Бир ойдан кейин Голливудингга қайтиб боришинг мумкин. Ана шунда анави амалдор *pezzonovante* сен орзу қилаётган ишни беради. Келишдикми?

Жонни Фонтейн доннинг қўли узатган жойига етишига ишонмасди. Тўғри, унинг Чўқинтирган отаси сўз бериб устидан чиқолмаган ҳол бўлган эмас.

– У ярамас Эдгар Гувернинг кадрдон дўсти, – деди Жонни. – У сизнинг гапингизга парво ҳам қилмайди.

– У ишбилармон одам, – деди дон зерикарли оҳангда. – Мен шундай бир нарсани таклиф қиламанки, у қандай қилиб кўниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади.

– Энди кеч қолдик, – деди Жонни. – Ҳамма шартномаларга қўл қўйиб бўлинди, бир ҳафтадан кейин суратга олиш бошланади. Сизнинг боришингиздан ҳеч бир фойда чиқмайди.

Дон Корлеоне унга:

– Бор, меҳмонларнинг олдига чиқ, – деди. – Дўстларинг сени кутиб қолишди. Бу ёғини менга қўйиб бер.

Дон Жоннини эшик томонга қараб, елкасидан туртиб қўйди. Хейген столга ўтириб, ён дафтарчасига алланарсаларни ёзиб олди.

Дон чуқур хўрсинди.

– Яна одам қолдими?

– Солоцонинг ишини энди кечиктириб бўлмайди.

Шу ҳафтада уни қабул қилишингиз керак. – Хейген қўлида қалам билан календарь ушлаб, тайёр бўлиб турарди.

Дон елкасини қисди.

– Тўй ўтди, майли, сен айтган кунинг қабул қилайлик.

Бу сўзлардан Хейген икки хил хулоса чиқарди. Энг муҳими, Виргилий Солоццога рад жавоби берилади. Иккинчиси, дон Корлеоне жавобни қизининг тўйи ўтгунга қадар кечиктирган экан, демак, унинг рад жавоби бирор-бир кўнгилсизлик билан боғлиқ бўлади.

Хейген эҳтиёткорлик билан сўради:

– Клеменцага одамларининг бир қисмини уйга жойлаштиришини тайинлайми?

Дон афтини буриштирди.

– Нега? Тўйгача жавоб бермаганимнинг сабаби шундаки, бир умр эсдан чиқмайдиган бу кун ҳақида ҳатто келажакда ҳам заррача кўнгилсизлик бўлишини хоҳламадим. Бундан ташқари, Солоццонинг ўй-фикрларини олдиндан билиб олишни хоҳлардим. Энди у бизга нима таклиф қилмоқчи бўлаётганлиги маълум. Бу шармандалик ва разилиқдан бошқа нарса эмас.

– Демак, рад жавоби бермоқчисиз? – деди Хейген.

Дон бош қимирлатди.

– Мен бу масалани оилавий кенгашда муҳокама қилиб, кейин жавоб бериш керак, деб ҳисоблайман, – қўшимча қилди Хейген.

Дон кулиб қўйди.

– Шунақа дегин. Майли, муҳокама қилайлик. Калифорниядан қайтиб келганингдан кейин. Эртагаёқ Калифорнияга уч. Калаванинг учини топишга ҳаракат қил. Ўша кино корчалони билан учраш. Солоццога сен келганингдан кейин қабул қилишимни айтиб қўй. Яна нима гап?

Хейген эътиборсизлик билан аниқ ахборот берди:

– Касалхонадан кўнғироқ қилишди. Consigliori Аббандандонинг нон-насибаси битганмиш, эрталабгача етмаслигини айтишди. Қариндош-уруғлари видолашиб қолишсин, дейишди.

– Меҳмонларни кузатиб бўлайлик, – деди дон Корлеоне. – Женкога ҳеч нарса қилмайди, кутиб туради.

– Сенатор қўнғироқ қилди, – деди Хейген. – Тўйга келолмаганлиги учун узр сўради. Сизни ўзи тушунади, деб кўшиб қўйди. Уйингиз рўпарасида машиналарнинг номерларини ёзиб юрган ФБРнинг икки одамини кўзда тутган бўлса керак. Совғасини ишончли одамдан бериб юборибди.

Дон бошини қимирлатиб қўйди. Сенаторга тўйга келмасликни ўзи маслаҳат берганини айтиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди.

– Совғаси арзигуликми?

Хейгеннинг италян-ирландча қиёфасида ғаройиб бир ифода пайдо бўлди. Бу юксак мақтов белгиси эди.

– Антика қумуш буюм, қимматбаҳо нарса. Агар сотмоқчи бўлишса, нақ мингга пуллашади. Бу ноёб буюмни топгунча сенатор анча овора бўлган. Унинг даврасидаги одамларга буюмнинг қанча туриши эмас, ноёблиги муҳим.

Дон Корлеоне Хейгеннинг гапларини хурсанд бўлиб тинглади. Бу сенатордек одам томонидан унга кўрсатилган катта ҳурмат-эҳтиром эди. Люка Бразига ўхшаб сенатор ҳам дон Корлеоне қудратининг мустақкам таянчларидан бири эди.

Люка сингари у ҳам совғаси билан донга нисбатан сўнмас садоқатини яна бир карра исботлаганди.

Жонни боғда пайдо бўлиши билан Кей Адамс уни таниди. Таниди-ю, қаттиқ таажжубланди.

– Жонни Фонтейн билан танишмисизлар? Нега илгари айтмадинг? Энди албатта, сенга тегаман, хотирингни жам қилавер.

– Хоҳласанг сени ҳам таништириб қўяман, – деди Майкл.

– Энди кераги йўқ, – деди Кей хўрсиниб. – Уч йил унинг ишқида қуйиб-ёндим. Унинг концертига тушиш учун ҳар сафар Нью-Йоркка келардим. Ҳар бир концертдан хириллаб, овозим бўғилиб чиқардим. Жуда зўр қуйларди-да!

– Шошма, танишиб оласан ҳали, – деди Майкл.

Жонни иккинчи қўшиқни тугатиб, дон Корлеоненинг орқасидан уйга кириб кетганда Кей истехзо билан:

– Ҳар нарса десанг дегину, фақат Жонни Фонтейн каби сахна юлдузи ҳам отамдан ёрдам сўрайди дема, – деди.

– Жонни отамнинг чўқинтирган ўғли, – деди Майкл. – Агар отам бўлмаганда у ҳеч қачон сахна юлдузи бўлмасди.

Кей Адамс кувонганидан:

– О, яна бир ажойиб воқеа эшитишга тўғри келади, шекилли, – деди.

Майкл бош чайқади.

– Бу воқеани сенга айтишга ҳаққим йўқ.

– Менга ишонишинг мумкин, – деди Кей.

Майкл ҳазил-хузулни йиғиштириб қўйиб, воқеани унга айтиб берди. Фақат саккиз йил олдин отаси ҳали қизиққон одам бўлганлигини, у ўзи чўқинтирган одам манфаатлари тўғрисида гап кетаётганлиги учун ишни ёпди-ёпди қилишни ор-номус иши деб билганлигини таъкидлаган ҳолда, ҳеч қанақа изоҳ келтирмасдан сўзлади.

Воқеанинг моҳиятини икки оғиз сўз билан баён этиш мумкин эди. Саккиз йил илгари Жонни машҳур жаз ансамбли таркибида мислсиз муваффақиятларга эриша бошлади. У радио-тингловчилар учун бериладиган концертларда лаққа хўракка айланиб қолди. Бахтга қарши ансамблнинг раҳбари, эстрадачилар даврасида анча машҳур бўлган Лесс Галли деган кимса оғир шартлар билан беш йил муддатга Жоннининг қўл-оёғини боғлаб олган эди. Бошловчи муסיқачилар билан ҳар қадамда шундай иш тутишарди. Жоннини Лесс Галлидан бошқалар ҳам ёллаб олишлари мумкин эди. Пулини эса Лесс Галли туя қилиб кетаверарди.

Дон Корлеоне шахсан ўзи у билан музокаралар олиб боришга киришди. У Жонни билан бўлган шартномани бекор қилиш учун Галлига йигирма минг доллар таклиф қилди. Галли Жонни келтирадиган даромаднинг ярмини олиш шарти билан рози бўлишини айтди. Бу доннинг нафсониятига тегди. У йигирма мингни ярми-

гача камайтирди. Жон-дилидан севадиган эстрада билан боғлиқ бўлмаган ишларда ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган ансамбль раҳбари шу шартноманинг мағзини чақишга мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди. У Доннинг таклифини рад қилди.

Эртаси куни дон Корлеоне эстрада бошлиғи ҳузурига шаҳсан ўзи ташриф буюрди. У дўстлари – маслаҳатчиси Женко Аббандандо ва Люка Брази билан келди. Бошқа гуруҳлар йўқ эди. Дон Корлеоне Лесси Галлини ўн минг долларлик чек қоғозини олгандан кейин, Жонни Фонтейн фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай даъволардан воз кечиши ёзилган қоғозга қўл қўйишга мажбур қилди. Мажбур қилганда, етарли даражада асосли далил билан мажбур қилди: чеккасига тўшпончани тақадиди-да, бир дақиқа ичида ё қоғозда мистер Галлининг имзоси бўлишини, ё миясининг қатиғи чиқишини кескин қилиб айтди. Табиийки, Лесс Галли қўл қўйди. Дон Корлеоне тўшпончани чўнтагига яширди-да, Галлига имзоланган чекни узатди.

Бу воқеанинг давоми тарих саҳифаларида қолиб кетди. Жонни Фонтейн ва унинг қўшиқлари Америкада шов-шув кўтарди. Жонни иштирок этган икки мусиқали кинокомедия Голливуд студиясига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даромад келтирди. Унинг пластинкаларини сотиш эвазига миллион-миллион даромад олишди. Кейин у қаттиқ суюшига қарамасдан, болалик йилларидан бери яхши билган хотини билан ажралишиб, икки боласини ташлаб кетди ва Голливуднинг ақлни оладиган энг гўзал малласоч кино юлдузига уйланиб олди. Орадан кўп ўтмай кейинги хотини унинг кўзига чўп санчиб, ҳаёсизларча фоҳишалик қилишини сезиб қолди. Шундан кейин ичкиликка берилиб кетди, қиморхоналардан келмай қўйди, хотинларнинг кетидан соядек эргашиб юрадиган бўлиб қолди. Овоздан маҳрум бўлди. Пластинкаларига бўлган талаб камайиб кетди. Киностудия у билан қайта шартнома тузишдан воз кечди. Унинг олдида фақат битта йўл қолган эди. У ҳам бўлса Чўқинтирган отаси ҳузурига қайтиш. Мана, Жонни Чўқинтирган отаси олдида ўтирибди.



Кей ўйчан деди:

– Отанга ҳасад қилмайсанми? Гапларингга қараганда отанг бошқаларга кўп яхшилик қиларкан. – У бурнини жийирди. – Гарчи қонун йўл қўймайдиган усуллардан фойдаланса ҳам, жуда кўнгилчан одам бўлса керак.

Майкл хўрсиниб қўйди.

– Сиртдан қараганда, ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин сенга бир нарсани айтиб қўяй. Биласанми, кутб тадқиқотчиларида шундай бир қоида бор – кутб томон кетишаётганда йўлнинг маълум бир қисмини босиб ўтишгач, ҳар эҳтимолга қарши бирор кори ҳол юз берса керак бўлиб қолади, деб махсус жойларда озиқ-овқат қолдириб кетишади. Отамнинг одамларга қиладиган яхшиликлари ҳам шунга ўхшаган гап. Шундай кун келадики, отам яхшилик қилган ҳар бир одам марҳамат қилиб, жавоб қайтаришга мажбур бўлади.

Тўй пирогини келтиришгач, қий-чув қилиб мақтаб-мақтаб тановул қилиб бўлгунларига қадар қош қорая бошлади. Тўй муносабати билан Назорин бор маҳоратини ишга солиб тайёрлаган пирог томоша қилиб ўтирадиган даражада чиройли безатилган эди. Келинчак малласоч қаллиғи билан тўй сафарига жўнаб кетаётиб ҳам ундан бир бўлагини ушатиб олиб, шошилиб оғзига солди. Дон меҳмонларни ҳурмат-эҳтиром билан кузатди, айти пайтда ФБР айғоқчиларининг қора машинаси ҳам ғойиб бўлганлигига эътибор берди.

Ниҳоят, уй олдида охириги автомобиль – узун қора «Кадиллак» қолди: унинг рулида Фредди ўтирарди. Дон ёши ва гавдасига нисбатан тез ва чаққон одимлаб келди-да, олдинги ўриндиққа ўтирди. Сонни, Майкл ва Жонни Фонтейн орқа ўриндиққа жойлашдилар. Дон елкаси оша қайрилиб Майклга:

– Жазманинг шаҳарга ўзи етиб оладиган бўлди-да, майлими? – деди.

Майкл бош қимирлатди.

– Том етказиб қўядиган бўлди.

Дон Корлеоне мамнун бўлди. Хейген ҳеч бир нарсани кўздан қочирмас, ҳамма ишга улгурарди.

Ҳали талонга бензин олиш бекор қилинмаган, шунинг учун ҳам Манхэттенга олиб борадиган айланма йўл бўм-бўш эди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан машина француз касалхонаси жойлашган қўча томон бурилди. Йўл-йўлакай дон Корлеоне кенжа ўғлининг ўқишлари билан қизиқди. Майкл ҳаммаси кўнгилдагидай бўляпти, деди. Сонни олдинги ўриндикқа эгилиб:

– Том Жоннининг Голливуддаги кўнгилсизликларини бартараф этиб, ишларини битириб бермоқчи бўлганингизни айтди. Мен ҳам борсам, бирор ёрдамим тегиб қолармиди!

Дон Корлеоне қисқа жавоб берди:

– Том бугун Калифорнияга учади. Иш мураккаб эмас, ёрдамчи керак бўлмайди.

Сонни хахолаб кулди.

– Жонни сизнинг уринишларингиздан ҳеч бир иш чиқмайди, деяпти. Шунга ёрдамим тегмасмикин, деб ўйлагандим.

Дон Корлеоне Жонни Фонтейн томон бурилиб:

– Шубҳаланишга қандай асосларинг бор? Чўқинтирган отанг бирор марта ваъдасининг устидан чиқмаган вақт бўлганми? Қачондан бери мени қўлидан ҳеч қандай иш келмайдиган ваъдабоз деб ўйлайдиган бўлиб қолдиларинг? – деди.

Жонни ноқулай аҳволга тушиб қолди.

– Отахон, сиз тушунинг, студияга жуда катта одам, ҳақиқий pezzonovante хўжайинлик қилади. Уни қўлга олиш осон эмас, бу борада ҳатто пул ҳам иш бермайди. Таниш-билишлари кўп. Бу ишни уддалай олишингизни ҳатто тасаввур ҳам қилолмаяпман.

Дон аста жилмайиб:

– Мен айтдимми, тамом, ўша роль сенга тегади, – деди. У ҳазиллашиб тирсаги билан Майклни туртиб қўйди. – Нима дейсан, Майкл, чўқинтирган ўғлимизни хижолат қилиб қўймаймизми?

Майкл бош чайқади: у отасиниг сўзларига заррача ҳам шубҳа қилмасди.

Ҳаммаси касалхона эшиги томон боришаётганда дон Корлеоне ўглининг қўлига туртиб қўйди ва улар бошқалардан орқада қолишди.

– Дорилфунунни битирганингдан кейин тўғри уйга кел, иш бор, – деди Дон. – Баъзи бир нарсаларни сенга мўлжаллаб қўйганман. Кейин афсусланмайсан, деб ўйлайман.

Майкл индамади. Дон норози бўлиб томоғини қирди.

– Сени нималар қизиқтиришини мен билмайман, деб ўйлайсанми? Ёмон нарсани раво кўрмайман. Ҳозирча эса хоҳлаган ишингни қилавер – эркаксан, ахир. Лекин ўқишингни битирганингдан кейин ўғилга ўхшаб олдимга кел.

Женко Аббандандо узоқ вақтгача ўлимга панд бериб келди. Лекин мана энди касалхона каравотида тинка-мадори қуриб, ётган жойида ажал ҳар дақиқада бўғзидан олишини биларди. У озиб-тўзиб, чўп бўлиб қолган, қалин коп-қора сочлари ўрнида жонсиз толалар қолганди.

– Женко, дўстгинам, мана, ҳузурингга таъзимга ўғилларимни бошлаб келдим. Нақ Голливуднинг ўзидан қанақа меҳмон қадам ранжида қилганини ҳам кўриб қўй. Жоннини танияпсанми?

Ўлим тўшагида ётган Аббандандо миннатдорчилик билдириб, нурсиз кўзлари билан донга қаради. Семиз, бақувват кўллар қуруқ устихон бўлиб қолган кўлни секин силади. Хотини ва қизлари каравот олдида қатор ўтиришиб, Женконинг бетларидан ўпишар, нариги кўлини силашарди. Дон қадрдон дўстининг бармоқларини кафтлари орасига олди.

– Тезроқ тузалиб чиқ. Иккимиз Италияга, ватанимизга, кишлоққа жўнаймиз, – деди мулойимлик билан. – Худди оталаримиз, боболаримиз сингари қовоқхона деразаси остида шар ташлашамиз.

Ҳаёт билан видолашаётган Женко бошини қимирлатди. Сўнгра қўли билан имлаб, иккаласини ёлғиз

қолдиришни сўради. Омбурдек қўллари билан доннинг билагидан маҳкам ушлади. У бир нарса демоқчи бўларди. Дон Корлеоне бошини эгиб, стулини сурди ва яқинроқ ўтирди. Женко Аббандандо болалик йиллари тўғрисида алланималар деб ўлддиради... Бирдан унинг кўмирдай қоп-қора кўзлари йилтиллаб кетди. Энди у пичирлаб гапира бошлади. Дон янада яқинроқ сурилди. У бошини чайқади, палатадагилар ҳайрон бўлиб қотиб қолдилар: дон Корлеоненинг кўзларидан тинимсиз ёш қуйиларди. Узуқ-юлуқ пичирлаш овози аста-секин кучайиб, бутун палатани тутди. Аббандандо жон талвасаси билан бошини ёстиқдан кўтарди ва хира кўзлари билан дон томонга қараб қоқ-қуруқ бармоқларини ниқтади.

– Отагинам, – деди изтироб тўла овоз билан. – Чўқинтирган отагинам, илтижо қиламан, мени қутқариб қол. Бутун жону таним оловда ёняпти, миямни қурт-қумурсқалар емираётганини аниқ эшитиб турибман. Мени қутқариб қол, отагинам, сенинг қўлингдан ҳамма нарса келади, бечора хотинимнинг кўз ёшларини даф қил. Ахир Корлеонеда талашиб-тортишиб, бирга улғайганмиз-ку! Наҳотки сон-саноқсиз гуноҳларим учун тўппа-тўғри дўзахга тушишдан ваҳима босаётган шу дақиқаларда ўлиб кетишимга йўл қўйсанг?

Дон жим турарди. Аббандандо давом этди:

– Бутун қизингнинг никоҳ тўйи. Илтимосимни рад этишга ҳаққинг йўқ.

Дон ҳар бир сўзи куфронийлик ва алаҳсираш пардаси орқали нишонга аниқ етиб борсин, деган мақсадда оғир-вазминлик билан дона-дона қилиб шундай деди:

– Қадрли дўстим, бу менинг қўлимдан келадиган иш эмас. Агар куч-қудратим етганда, сенга Парвардигори оламдан кўпроқ меҳр-шафқат кўрсатган бўлардим. Лекин сен ўлимдан кўрқма. Ҳар куни эрталаб ҳам, кечқурун ҳам черковда сенинг руҳингга ибодат қилишади. Хотининг ва болаларинг сенинг арвоҳингга дуо қилишади. Ҳар томондан гуноҳларингни кечиришни сўраб, илтижолар ёғилиб турса, сени жазолашга Парвардигори олам қандай журъат қилади?

Женко Аббандандонинг суяклари туртиб чиққан юзидаги яширин ифода тиниқлашди, унинг лабларида истехзоли жилмайиш пайдо бўлди.

– Э-ҳа, демак, Худо билан келишиб қўйган экансан-да? Жавоб кескин ва совуқ жаранглади.

– Худога шак келтирма. Тақдирга тан бер.

Аббандандо бошини ёстиққа қўйди. Кўзларидаги талвасали умид учқунлари сўнди. Палатага ҳамшира кирди ва касал кўргани келганларни чиқара бошлади. Дон ўтирган жойидан турди. Аббандандо унга қўлларини чўзди.

– Кетма, отахон, – деди у, – мен билан бирга бўл, ажални кутиб олишимга ёрдамлаш. Балки, Ажал бува ёнимда сен ўтирганингни кўриб қўрқар, мени ажал чангалидан қутқариб қолишни илтимос қиларсан, а? – ўлим тўшагида ётган Женко энди ўзини жинниликка солиб, донни ошкора масхара қила бошлаганди. – Ахир сен ҳар ҳолда Ажал бува билан қариндошсан-ку! – Дон бу гаплардан хафа бўлишидан қўрқиб, Женко унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. – Кетма, қўлингни менга бер. Биз қанчадан-қанча одамларни бирга лақиллатиб кетганимиз сингари, Ажал бувага ҳам чап бериб кетамиз. Отахон, мендан узоқлашма.

Дон икковларини ёлғиз қолдириш тўғрисида ишора қилди. Ҳамма чиқди. Дон Корлеоне Женко Аббандандонинг қоқ-курук қўлини катта кафтлари орасига олди. Ажал писиб кириб келишини кутиб, қадрдон дўстини мулойим, ёқимли гаплар айтиб юпатди. Ҳақиқатан ҳам, у Женко Аббандандо ҳаётини инсоннинг ҳамма душманлари орасида энг маккори ва разили бўлган ажал чангалидан қутқариб қолиш қудратига эгадек туюларди.

Конни Корлеоне учун тўй кўнгилдагидек ўтди. Карло Рицци куёвлик бурчини бинойидай адо этди. Бунга келиннинг ҳамёнидаги йигирма минг доллардан ортиқ тўёна пуллари кўпроқ туртки бўлди. Айни пайтда ке-

линчак ҳамёндан ажралишдан кўра қизлик иффати билан видолашишга кўпроқ тайёр эканлигини кўрсатди. Куёв ҳамёнга эга бўлиш учун Коннининг қош-қовоғини кўкартиришига тўғри келди.

Люси Манчини уйга келиб Соннининг қўнғироқ қилишини ва албатта, учрашувга таклиф этишини кутди. Охири сабр-бардоши чидамай, ўзи қўнғироқ қилди. Аёл киши жавоб берди. У телефон гўшагини илиб қўйди. Сонни билан ярим соат йўқ бўлиб кетган пайтда хотинлар унинг хатти-ҳаракатини қийиб-бичишганидан, қадрдон сингисининг энг яқин дугонаси Сонни ҳирс-эҳтиросининг янги қурбони бўлганлиги тўғрисида миш-мишлар пайдо бўлганлигидан беҳабар эди.

Кей Адамсни меҳмонхонага Клеменца ва Поли Гатто етказиб қўйишди. Нью-Йорк томон кетиб боришаркан, Кей гоҳ униси билан, гоҳ буниси билан шакаргуфторлик қилиб борди ва улар Майкл ҳақида ҳурмат, самимий хайрихоҳлик билан гапиришганда жуда ажабланди. Ўз отаси хонадонидан ёт ва бегона деган ўй-фикрни Кейга сингдириш Майклга нима учун керак бўлиб қолдйкин. Клеменца эса ҳирқироқ овоз билан гўё доннинг ўзи Майклни ўғиллари орасида энг қобили деб ҳисоблаганини ва фақат Майклгина ундан кейин дон Корлеоне оиласини бошқара олишини айтганлигини Кейга уқтирмоқчи бўларди.

– У қанақа иш ўзи? – ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдай сўради Кей.

Поли Гатто унга бирров қараб олди ва руль чамбарагига маҳкамроқ ёпишди.

Орқа ўриндиқда ўтирган Клеменца ҳам соддадиллик билан:

– Майкл ҳали сизга айтгани йўқми? – деди. – Мистер Корлеоне Америкага Италиядан зайтун мойи келтириб сотадиган энг йирик савдогар-ку!

Уруш тугади, энди ишлар юришиб кетади. Фақат дадил бўлиш керак. Майклга ўхшаган мияси бутун йигитлар жуда керак бўлади.

Шаҳарга етиб келишганда Клеменца Кейни меҳмонхона навбатчиси столи олдигача кузатиб қўймоқчи бўлди. Кей қаршилиқ қилишга уриниб кўрди.

– Хўжайин хонангизнинг эшигигача соғ-саломат етказиб қўйишимни тайинлаган. Мен топшириқни адо этишим керак, – деди жозибали соддалик билан.

Кей калитни олди. Клеменца уни лифтгача кузатиб қўйди ва лифтга чиққунча кутиб турди. Кей хайрлашаётиб унга жилмайиб қўл силкиди ва Клеменца унга самимий табассум билан жавоб қилганидан мамнун бўлди. Яхшики, Кей Клеменца навбатчидан:

– У меҳмонхонага қандай фамилия билан жойлашган? – деб сўраганини кўрмади.

Навбатчи Клеменцанинг бошидан-оёғигача совуқ назар ташлади. Клеменца кафтлари орасида коптокча қилиб думалоқланган кўк қоғозни стол устига ташлади. Навбатчи қоғозни чаққон илиб олди-да, дарҳол жавоб берди:

– Мистер Майкл Корлеоне рафиқаси билан.

Машинада Поли Гатто:

– Дўндиқ қиз экан, – деди.

–Эрталаб эртароқ кел. Хейгеннинг бизга топшириғи бор экан. Дарҳол ишга киришиш керакмиш, – деб тўнғиллади Клеменца.

Шундай бўлдики, Хейген якшанба куни кечқурун хотини билан хайрлашиб, аэропортга жўнади.

Кун оғир бўлди, лекин Том Хейген учун омадли кун бўлди. Тунги соат учда Женко Аббандандо оламдан кўз юмди. Дон Корлеоне касалхонадан қайтаётиб, Хейгенни расмий равишда ўзининг янги маслаҳатчиси – *consigliori* этиб тайинлаганлигини айтди. Бу ҳамма нарсадан ташқари Хейген бугундан бошлаб бой бўлиб қолганлигини билдирарди. Бугундан бошлаб у қанчалик қудратли бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Дон қадимий ва ҳамма вақт қадрлаб келинган анъанани бузди. Асрлардан буён фақат насл-насаби асл ҳақиқий сицилияликларгина *consigliori* бўла олиши одат тусига

кириб қолганди. Хейгеннинг дон оиласида тарбияланиб, улғайганлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлолмасди. Бу борада *omerta* талаблари-ю, ҳамма нарсада сукут сақлаш, моҳиятан эса бир-бирини қўллаб-қувватлаш қонуниятлари она сути билан бирга қон-қонига сингиб кетган туб сицилияликкагина ҳар бир дон империясида муҳим позиция бўлган маслаҳатчилик лавозимини ишониб топшириш мумкин эди.

Корлеоне хонадони уруғ-аймоғи бошида дон турар, у хонадоннинг бутун фаолиятини бошқариб борарди. Дон билан унинг хоҳиш-иродасини амалга оширадиганлар, буйруқларини бевосита ижро этадиганлар ўртасида учта тўсиқ, учта қатлам бор эди. Жиноятчининг изига тушган биронга одам ҳам унинг охирига етиб боролмасди. Бунинг ёлғиз битта шарти бўлиб, *consiglioti* хиёнат қилмаслиги керак эди. Дон Корлеоне ўша якшанба куни эрталабоқ Америго Бонасеранинг қизини калтаклаган ўсмирларга нисбатан қандай йўл тутиш кераклиги тўғрисида батафсил кўрсатмалар берди. Лекин ҳамма гапни якка-ёлғиз қолишганда Том Хейгеннинг ўзига айтди. Хейген бўлса бу кўрсатмани кундуз куни гувоҳларсиз, ёлғиз қолишганда Клеменцага етказди. Буйруқни ижро этишни, Клеменца ўз навбатида Поли Гаттога топширди. Поли Гатто керакли одамларни танлаши ва буйруқни аниқ адо этиши керак эди. Лекин Поли Гатто ҳам, унинг одамлари ҳам бундай топшириқ нима сабабдан берилганлигини, у дастлаб кимдан чиққанлигини билишмайди. Доннинг бу буйруққа дахлдорлигини исботлаш учун занжирнинг ҳамма бўғинлари нобоп бўлиши керак – аммо ҳеч қачон бундай бўлмаган. Лекин бундай ҳол юз бермайди, деб ким кафолат бера олади? Дарвоқе, шундай бўлиб қолганда қандай йўл тутиш кераклиги ҳам белгилаб қўйилган. Ҳалқалардан энг муҳим бўғини йўқ қилиб ташланади.

Маслаҳатчи дон номидан очиқ-ойдин иш тутадиган ҳоллар ҳам бўларди. Бундай пайтларда ҳам дон бир четда қолиши учун ҳамма иш қилинарди. Ҳозир худди ана шундай иш юзасидан Хейген Калифорнияга учиб кета-



ётганди. Хейген унинг *consigliori* лавозимидаги бундан кейинги тақдири кўп жиҳатдан шу топшириқнинг қандай бажарилишига боғлиқ эканлигини яхши тушунарди. Иш нуқтаи назаридан қараганда Жонни Фонтейн янги фильмдаги орзу қилган ролини олиш-олмаслигининг мутлақо аҳамияти йўқ эди. Хейген томонидан шу жумага белгиланган Виргилий Солоццо билан бўладиган учрашув масаласи муҳимроқ эди. Лекин дон нуқтаи назаридан қараганда, ҳар икки масала тенг қимматга эга эканлигини, ақлли *consigliori* шунинг ўзидан ҳамма нарсаи тушуниб, тегишли хулоса чиқариб олиши кераклигини Хейген яхши биларди.

Самолёт корпуси дирилларди. Бу дириллаш унингсиз ҳам безовталаниб келаётган Хейгенга таъсир қиларди. Асабларини тинчитиш учун у стюардессадан мартини сўради. Бу ёққа жўнашидан олдин у кино корчалони Жек Вольц ҳақида батафсил маълумот олганди. Унинг Жоннига айтган гапларига қараганда, Хейген ҳар қандай вазиятда ҳам Жек Вольц билан тил топиша олмаслигини тушунди. Айни пайтда дон, албатта, Жоннига берган ваъдасининг устидан чиқишига Хейген заррача шубҳаланмасди. Демак, унинг вазифаси Вольц билан боғланиш ва музокара бошлашдан иборат.

Хейген кресло суянчиғини орқага ётқизиб, фикрини бир жойга тўплашга уриниб кўрди. Шундай қилиб, Жек Вольц ҳақида қуйидагиларни билиб олди. Бу одам Голливуддаги энг йирик уч кино корчалонидан бири, ўзининг студияси бор, ўнлаб етакчи киноартистлар у билан шартнома тузишган. У Қўшма Штатлар президенти қошидаги ҳарбий ахборотлар бўйича маслаҳат кенгашининг аъзоси, киноматография бўлимига бошчилик қилади, яъни лўнда қилиб айтганда, урушни улуғловчи картиналар яратади. Оқ уйга тушликка таклиф этилган. Голливуддаги ишхонасида Эдгар Гуверни қабул қилган. Бу гаплар, албатта, қулоққа дабдабали эшитилади, лекин аслида ҳам шундаймикин? Аслида бу гаплар расмий муносабатлардан бошқа нарса эмас. Вольц асосан ўта сўл

реакцион эътиқодни, қисман ўзини улуғлашга берилиш, кўп душман орттириб олиш билан ҳисоблашмасдан, салтанатидан хоҳлаган тарзда фойдаланиш туфайли сиёсий давраларда ҳеч қандай таъсирга эга эмасди.

Хейген чуқур хўрсинди. Йўқ, Жек Вольц билан тўкнашиш бўлмағур иш. У портфелини очди. Ҳозир айнаи ёзув ишлари билан шуғулланадиган пайт эди, лекин чарчаганди. У стюардессадан яна битта мартини сўраб олди-да, ўз ҳаётига оид хаёлларга берилиб кетди. У ҳеч нарсадан афсусланмас, аксинча, ўн йил илгари шу йўлни танлаб олишга нималар сабаб бўлганидан қатъи назар, иши ўнгидан келганди. Муҳими, унинг учун бу йўл тўғри бўлиб чиқди. У муваффақиятларга эришди. У катта кишилар мамнун бўладиган даражада бахтли, турмушидан рози эди.

Том Хейген ўттиз беш ёшида новча, қотмадан келган, сочини калта қилиб олдирган, бир сўз билан айтганда, диққат-эътиборни тортмайдиган одам эди. У маълумотига кўра юрист бўлиб, дипломни қўлга олгандан кейин уч йил мутахассислиги бўйича ишлади. Лекин ҳозирги иши Корлеонелар хонадонининг ошқора иши – мамлакатга зайтун мойи келтириб сотиш билан унчалик боғлиқ эмасди...

Том ўн бир ёшида тенгдоши Сонни Корлеоне билан дўстлашиб қолди. Хейгеннинг онаси кўр бўлиб қолган, ичкиликни қанда қилмайдиган отаси шундан кейин ароқхўрликка муккасидан берилиб кетганди. Унинг касби дурадгорлик бўлиб, ҳаётида бирон марта диёнатсизлик қилмаган, ҳалол одам эди. Лекин ичкилик туфайли у оиласини, хотини ўлгандан кейин кўп ўтмай эса ўзини ҳам адоий тамом қилди. Етим қолган Том Хейген кўчаларда тентираб, дарвозаларнинг тағларида тунаб юрди. Синглисини бегоналар тарбиясига беришди. 1920 йилда Америка жамияти қаровсиз қолган болаларни қарамоғига оладиган, меҳр-мурувватли хонимлар қўлидан қочиб кетадиган ўн бир ёшли кўрнамак безори болалар билан шуғулланмасди. Бунинг устига Хейгеннинг кўзи йиринг-

лашадиган бўлиб қолди. Қўшнилар ўртасида болага кўз оғриги онасидан юққан, ундан узокроқ юрган маъқул, деган гап-сўз тарқалди. Одамлар уни четлаб ўтадиган бўлиб қолишди. Ҳали бағритошлик, шафқатсизлик нима-лигини билмаган ўн бир ёшли Сонни Корлеоне дўстига ачиниб, уйига бошлаб келди ва уни қабул қилишларини қатъий талаб қилди. Том Хейгенни қуюқ, ёғли томат қайла солинган спагетти билан меҳмон қилишди – бу овқатнинг мазаси бир умр унинг оғзида қолди. Сўнгра йиғма каравотга жой қилиб беришди.

Дон Корлеоне сўраб-суриштириб, гап-сўз қилиб ўтирмасдан безори болани оиласида олиб қолди. Шахсан ўзи болани врачга олиб борди ва кўзини даволатди. Дон Томни коллежда, сўнгра дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик бўлимида ўқитди. У асранди болага ота сифатида эмас, кўпроқ ҳомий сифатида ёрдам кўрсатди. У ҳеч қачон болага кўнгилчанлик қилмади, бироқ ажабланадиган жойи шундаки, пуштикамаридан бўлган ўғилларига нисбатан Хейген билан кўпроқ ҳисоблашарди ва ҳар қандай масалада хоҳиш-иродасини унга зўрлаб ўтказмади. Коллежни битиргандан кейин ҳуқуқшунослик ўқишига Хейген ўз хоҳишига кўра кирганди. Кунларнинг бирида у дон Корлеоненинг: «Қўлида портфели бор бир қонуншунос, қўлида автомати бор юз нодонга нисбатан кўпроқ нарсани ўмариб кетади», – деганини эшитиб қолганди.

Бу орада Сонни билан Фредди ўрта мактабни тамомлаганидан кейин дон Корлеоненинг норозилигига қарамасдан, қатъий туриб ота изидан бориш истагини билдирдилар. Фақат Майкл дорилфунунга ўқишга кирди, лекин Япония уруши бошланган куннинг эртасигаёқ кўнгилли бўлиб, пиёда денгизчилар сафига жўнаб кетди.

Адвокатлик дипломини олгандан кейин Хейген ота-онаси Нью-Жерсида ўтроқлашиб қолган ёш италиялик қизга уйланди ва алоҳида яшай бошлади. Хотини ҳам дорилфунунни тамомлаган бўлиб, бу ўша даврда унинг тоифасидаги қизлар учун камдан-кам учрайдиган ҳол

эди. Тўйдан кейин (тўй эса, табиийки, дон Корлеоне ҳовлисида ўтди) дон Хейгенни у бошлайдиган ҳар қандай ишда: адвокатлар идораси ташкил этиб, мижозлар топишда ё бўлмаса унинг учун ер-сув, уй-жой каби мол-мулк билан савдо қилишни йўлга қўйишда қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини айтди.

Хейген бунга жавобан одоб билан бош эгиб:

– Сизнинг қўл остингизда ишламоқчи эдим, – деди.

Дон бундан ажабланди, лекин мамнун бўлганлиги ҳам кўриниб турарди.

– Мен қанақа ишлар билан шуғулланишимдан хабардормисан? – сўради у.

Хейген тасдиқ ишорасини билдирди. Йўқ, у пайтларда Хейген доннинг қанчалик катта куч-қудратга эга эканлигини билмасди. У роса ўн йил, Женко Аббандандо ётиб қолиб, *consigliorilik* вазифаси зиммасига юклангунга қадар бундан бехабар юрди. Шунга қарамасдан Хейген ўша пайтда дон ишларидан хабардор эканлигини билдириб, бош қимирлатган ва дон Корлеоненинг кўзига дадил қараган эди.

– Худди ўғилларингиз каби мен сизнинг қўл остингизда ишлашни хоҳлайман, – деди Хейген.

Бошқача қилиб айтганда, Хейген чексиз садоқат ва итоат билан дон салтанатини сўзсиз тан олиш билан хизмат қилиш орзусида эди. Дон ҳам Хейген унинг уйига қадам босган дастлабки кундан бошлабоқ асраб олинган бу болага оталарча меҳрибонлик кўрсатганди – доннинг одамга бехато баҳо бериши тўғрисида бекорга латифалар тўқилмаганди. Дон Хейгенни дарҳол бағрига босди ва шундан кейин у билан деярли ўз ўғлидай муносабатда бўла бошлади. Лекин гоҳи-гоҳида унга ёки ўзигами:

– Том, ота-оналарингни унутма, – деб эслатиб қўярди.

Хейген ота-онасини унута олармиди? Мана, бир неча йилдирки, тунлари уни даҳшатли бир туш таъқиб этиб келади. Тушида худди онасига ўхшаб кўр бўлиб қолганмиш. Улғайиб қўлидаги ҳасса билан ерни дўқиллатиб, йўл босиб садақа сўраб юрганмиш, орқасидан болалари кичкина ҳассачаларини дўқиллатиб, садақа сўрашармиш.

Хейген ётган жойидан сакраб туриб кетар, унинг кўз олдидан мисоли туманли парда ортида кўриниб турган дон Корлеоненинг қиёфаси сузиб ўтар, шундан кейин Хейген тинчланиб, кўнгли ўрнига тушарди.

Дастлабки уч йил мобайнида дон ундан фақат Корлеоне хонадони ишлари билангина эмас, шунингдек, одатдаги хусусий амалий ишлар билан ҳам шуғулланишни талаб қилди. Бу йўл билан тўпланган тажриба кейинчалик унга беҳад катта фойда бўлди. Бундан ташқари, ана шу йиллар мобайнида унинг кўнглидаги дон Корлеоне қўлида ишлайми ёки ишламайми, деган шубҳа ҳам бутунлай барҳам топди. Кейин доннинг алақандай алоқалари бўлган криминалист-адвокатларнинг машхур фирмасида яна икки йил ишлаб, йўл-йўриқ ўрганди. Жиноий ҳуқуқшунослик билан шуғулланар экан, фавқулодда қобилиятга эга эканлигини намойиш қилди. Буни ҳамма эътироф этди. Шундан кейин бутунлай дон Корлеоне хизматига ўтгач, олти йил мобайнида дон унинг ишидан ҳеч қандай камчилик топа олмади.

Хейген зиммасига *consigliori* вазифаси юклангандан кейин сицилиялик бошқа йирик оилавий концернлар Корлеоне оиласини камситиб «Ирландияликлар тўдаси» деб атайдиган бўлишди. Бундан Хейген хурсанд бўларди. Бироқ бу айна пайтда у вақти келиб доннинг ўрнини эгаллаб олишига ва оилавий концернни бошқаришига умид қилолмаслигининг ҳам ифодаси эди. Дарвоқе, бунинг қанақа фарқи бор? У ҳеч қачон олдига бундай мақсад қўймаган. Бу валинеъматига ва у кўрсатган меҳр-қоибатига нисбатан ҳурматсизлик бўларди.

Самолёт Лос-Анжелесга қўнганда ҳали тонг отмаган эди. Хейген меҳмонхонадан калитни олиб хонасига кирди, соқолини олди, душда чўмилди, кейин шаҳар узра тонг отишини кузатиб, дераза ёнида узоқ турди. Сўнгра Жек Вольц билан соат ўнга белгиланган учрашувни кутиб, бир оз дам олди. Учрашувни келишиб олиш кутилганидан осон бўлди.

Учрашувдан олдин Хейген кино ходимлари касаба уюшмасининг ҳар қандай иш қўлидан келадиган ходими Билли Гоффга қўнғироқ қилди. Дон Корлеоненинг кўрсатмаларини яна бир марта эсга олган Хейген Гофдан эртага Жек Вольц билан учраштиришни, унга Хейген учрашув якунидан қониқмаса, киностудия ходимлари иш ташлашлари мумкинлигини шама қилиб ўтишни илтимос қилди. Гофф бир соатдан кейин учрашув соат ўнда бўлишини, иш ташлаш ҳақидаги шамани Вольц тушунганлигини, лекин бу унга мутлақо таъсир қилмаганлигини айтди.

– Агар зарурат туғилиб қолгудай бўлса, дон билан шахсан ўзим гаплашишимга тўғри келади, – деб қўшимча қилди Гофф.

– Зарурат туғилиб қолгудай бўлса, сиз билан доннинг ўзи гаплашади, – деди Хейген.

Гофф доннинг орзу-истакларига қўшилаётганлигига Хейген асло таажжубланмади. Аслида-ку, Нью-Йорк Корлеоненинг отамерос мулки ҳисобланарди, лекин дон Корлеоне касаба уюшмаси раҳбарларига ёрдам берган кунлардан куч-қудратга эга бўла бошлагани ҳам тасодифий ҳол эмасди. Уларнинг кўпчилиги ҳамон дондан қарздор эдилар.

Аммо учрашув эрталабки соат ўнга тайинланганлиги яхшилик аломати эмасди. Демак, у биринчи бўлиб қабул қилинади ва тушликка таклиф этилмайди. Демак, Вольц уни шунчаки кичкина югурдаклардан бири, деб ўйлаяпти. Демак, Гофф унга дурустроқ дўқ-пўписа қилмаган – эҳтимол, Вольцдан Гоффнинг ўзи ҳам пора олар. Ҳар ҳолда доннинг панада туриш одати айрим пайтларда Корлеонелар оиласига зарар ҳам келтиради, – ўйлади Хейген. – Унинг исми бегона одамлар учун таниш эмасди.

Хейгеннинг тахминлари тўғри чиқди. Вольц уни қабулхонада ярим соат кутишга мажбур қилди. Майли, ҳечқиси йўқ. Қабулхона жуда муҳташам, қулай эди. Хейгеннинг рўпарасидаги бинафшаранг диванда жуда

чиройли бир қизча ўтирарди. Хейген бунақасини умрида кўрмаганди. Ёши ўн иккиларда, бундан катта эмас. Гарчи кийимлари қимматбаҳо бўлса ҳам катталарга ўхшаб, оддийгина кийинган. Қизнинг ақл бовар қилмайдиган олтинранг сочлари, чуқур, худди денгиз сингари кўм-кўк, катта-катта кўзлари, янги пишган гилосдай алвонранг дудоқлари нигоҳни оҳанрабодай тортарди. Қизчанинг ёнига, онаси бўлса керак, бир аёл келиб ўтирди. Аёлнинг муз каби совуқ такаббуруна қарашлари Хейгенни қиздан кўзини олиб қочишга мажбур қиларди. Хейген мамнуният билан унинг қулоғи тагида шовла қайнатишга ҳам тайёр эди. Аждаҳо-она таъқибдаги фаришта қизча, ўйлади ўзича Хейген кўзлари аёлнинг совуқ нигоҳи билан тўқнашаркан.

Ниҳоят тўладан келган ўрта ёшлардаги баёят башанг кийинган аёл чиқиб, Хейгенни қатор хоналар орқали кино корчалони ўтирган катта хонага бошлаб кирди. Хонадаги ҳамма нарса – жиҳозлар ҳам, иш қилиб ўтирган одамларнинг ташқи кўриниши ҳам кўзни ўйнатарди. Хейген истеҳзоли жилмайиб қўйди. Юлдузни бенарвон урадиган бу олғирларнинг ҳаммаси кинофильмларда ўйнаш илинжида хизматга киришган. Уларнинг кўпчилиги бир умр шу ерда қолиб кетишади, баъзи бирлари эса омадсизликка учрагач, қадрдон гўшасига қайтиб кетишади.

Жек Вольц қадди-қомати келишган, семира бошлаган қорни костюми остида деярли билинмайдиган новча одам эди. Хейген унинг таржимаи ҳолини яхши биларди. Ўн етти ёшида Ист-Сайдда бўш пиво бочкаларини юмалатар, дўкондан майда-чуйда олиб чиқиб, кўчада савдо қиларди. Йигирма ёшида тикувчилик устахонасидаги чеварларни сиқиб сувини ичишда отасига ёрдамлашди. Ўттиз ёшида Нью-Йорқдан Фарбга кетиб, арзон кинотеатр очди ва суратга олинаётган фильмларни молиявий жиҳатдан таъминловчи бўлиб қолди. Қирқ саккиз ёшида Голливуд қироллари орасида биринчи бўлиб олди. Ёшлигидаги каби кўпол, дағал, ўтакетган хотинбоз, ҳимоячиси йўқ асл кино юлдузлари орасида

ёвуз қашқирга айланди. Эллик ёшга етганда бошқача йўл тутиб, қиёфасини ўзгартиришга киришди. Сухандонликдан сабоқ ола бошлади. Уйда майда-чуйда ишларни қилиб юрадиган англиялик одамдан кийинини, яна бир англиялик бош хизматкордан жамоатчилик орасида ўзини тутишни ўрганди. Бева қолганидан кейин номи дунёга танилган, чиройли, лекин ишни ёқтирмайдиган актриса аёлга уйланди. Ҳозир у олтмишдан ошганди, Президентлик маслаҳати кенгашининг аъзоси эди, кино санъатини ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи ўз номидаги миллион-миллион пули бор фондга асос солган эди. Қизи англиялик лордга турмушга чиқиб кетган, ўғли эса италиялик маликага уйланганди.

Репортёрлар бутун Америкага жар солганларидек, унинг энг сўнгги қизиққан нарсаси шахсий йилқи заводи бўлиб, фақат ўтган йилнинг ўзида заводга ўн миллион доллар сарфлаганди. Хартум лақабли машҳур инглиз айғирини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган баҳога – олти юз минг долларга сотиб олиб, яна бир катта шов-шувга сабаб бўлди. У мисли кўрилмаган бу йўрға бундан кейин мусобақа йўлакларига чиқарилмайди, фақат насл олиш учун отхонада қолдирилади, деб эълон қилди.

У Хейгенни назокат билан, силлиқлаб қиртишланган, офтобда бир текис қорайган юзида табассумга ўхшаш бир ифода билан кутиб олди. Энг зўр пардозчилар бор маҳоратини ишга солганликларига, қилинган ҳаракатларга қарамасдан, унинг қиёфасида йиллар қолдирган асорат яққол кўриниб турар, юзи худди ошланган тери парчаларидан тикилган нарсага ўхшарди. Бироқ ҳаракатлари чаққон, дон Корлеоне каби у ҳам ўзи яшаётган дунёни бир ўзи идора этиб тургандай ҳис этиши яққол сезилиб турарди.

Хейген дарҳол мақсадга кўча қолди. У мижози, дўсти Жонни Фонтейннинг топшириғига биноан келганлигини, у нуфузли, обрў-эътиборли одамлиги, мистер Вольц арзимаган ёрдам туфайли унинг миннатдорчилигига ва бир умр ихлос қўйишига умид қилиши мумкинлиги



тўғрисида гапирди. Арзимаган ёрдам эса киностудияда келгуси ҳафтада суратга олина бошлайдиган янги ҳарбий фильмга Жонни Фонтейнни таклиф қилишдан иборат эди.

Ошланган терини эслатадиган қиёфа совуққонлигича, назокатлилигича қолди.

– Дўстингиз менга қанақа хизмат кўрсатмоқчи? – сўради Вольц. Унинг овозида сезилар-сезилмас такаб-бурлик ифодаси бор эди.

Хейген бунга эътибор бермади.

– Корхонангизда касаба уюшмаси томонидан кўн-гилсизликлар бўлиши мумкинлиги кутиляпти, – деб тушунтирди у. – Дўстим сизни ана шу кўн-гилсизликлардан халос этаман, деб тўла кафолат беради. Сизда машхур бир актёр бор. Студиянгиз у туфайли катта пул топади. Лекин айти пайтда у учига чиққан гиёҳванд ҳамдир. Ҳозир нашадан героинга ўтди. Дўстим шундай йўл тутиши мумкинки, у бундан кейин героин тополмай қолади.

Келгусида эса ҳар қанақа мушкуллик юз берганда менга кўнғироқ қилсангиз ҳаммасини тўғрилаймиз.

Жек Вольц мақтанчоқ ёш боланинг гапларини эшит-таётгандай бу гапларга сабр-тоқат билан қулоқ солди. Кейин жўрттага Ист-Сайдча йўл тутиб, тиккасидан сўради:

– Нима, ҳали менга дағдаға қилиб кўрқитмоқчимисиз? Хейген вазминлик билан жавоб берди:

– Мутлақо ундай эмас. Мен дўстона ёрдам сўраб келдим. Сиз бундан ҳеч нарса ютқазмаслигингизни айтмоқчи эдим, холос.

Шу дақиқада худди биров буйруқ бергандай Вольцнинг юзи ўзгариб, баджаҳл қиёфага айланди. Лаблари буришди, бўялган қалин қошлари олов чақнаган кўзлари устида қора тасмачага айланди. У стол устидан Хейген томон энгашди.

– Гап бундоқ, ўша хўжайинингизга қисқа ва дўнда қилиб айтиб қўйишингиз мумкин, Жонни Фонтейн бу картинада ҳеч қачон ўйнамайди. Майли, ўша мафиядаги

ўғриваччалар корхона эшикларидан чигирткадай ёпирилиб киришсин, уларнинг ҳаммасига тупурдим. – У ўзини орқага ташлади. – Сизга эса, биродар, кичкина маслаҳат. Жон Эдгар Гувер деган бир одам бор, балки эшитгандирсиз! – Вольц такаббуруна кулиб қўйди. – У яқин дўстим бўлади. Менга тазйиқ ўтказмоқчи бўлаётганингизни сал шипшиб қўйсам, тамом, азизим, устихонларингизни ҳам йиғиштириб ололмай қоласизлар.

Хейген унинг гапларини тишини-тишига қўйиб эшитди. У Вольцдай одамдан каттароқ нарсаларни кутган эди. Наҳотки ўзини аҳмоқона тутадиган шундай бир кимса юз миллионлаб маблағи бор компанияни бошқарса! Бу масалада бош қотирса бўлади. Бунинг устига дон сармойасини кўпайтирадиган ширкат қидираётган эди. Агар кинога Вольцга ўхшаган тўнкалар хўжайинлик қилишаётган бўлса, балки донга энг керакли нарса ҳам шудир. Ҳақоратлар Хейгенга мутлақо таъсир қилмади. Музокара олиб бориш санъатини у доннинг ўзидан ўрганганди. Ҳеч қачон кўрқитма, дағдаға қилма, аксинча, мухалиф томонни соғлом фикр юритишга мажбур қил. «Фикр юритиш» сўзи сицилианча «гајунан», текшириб кўрмоқ деган маънони билдирар ва бирмунча жаранглироқ эшитиларди. Музокара олиб бориш санъатидаги энг муҳим нарса ҳақоратларга, дағдағаларга эътибор бермасликдан, ўнг юзинга шапалоқ туширишса, чап юзингни тутиб беришдаи иборат эди. Хейген дон катта шов-шув кўтарган йирик мафиянинг аъзоси бўлган ашаддий гангстерни гапга кўндириш учун саккиз соат ҳақоратларга бардош қилиб ўтирганининг гувоҳи бўлганди. Саккиз соат – кейин дон Корлеоне ноилож кафти очик қўлини юқори кўтариб, стол атрофида ўтирганларга мурожаат қилар экан, шундай деган эди: «Бу одам масалани у билан шошилмай, тинч ҳал қилишимиз кераклигини тушунмаяпти». Сўнг бир-бир босиб хонадан чиққанди.

Ваҳимага тушган гангстер бўрдай оқариб кетганди ўшанда. Доннинг орқасидан югуриб бориб, чақариб

келишганди. Ўшанда музокаралар битимга келишиш билан тугаганди, лекин икки ойдан кейин гангстерни саргарошхонада отиб кетишганди.

Хейген секин, мулойим овоз билан давом этди:

– Кўз югуртириб қўярсиз, мана бу менинг ташрифномам, – деди у. – Адвокатман. Наҳотки оғримаган бошимга бекордан-бекорга ғавво орттириб олишни хоҳласам? Ақаллиси бирон-бир сўз билан сизга дағдаға қилдимми? Мен шунчаки Жонни Фонтейн шу фильмда суратга тушиши учун ҳар қандай шартингизга кўнишга тайёрман, дедим. Менимча, арзимаган илтифотингиз учун анча нарса таклиф қиляпман. Бунинг устига сиз кўрсатадиган илтифот манфаатларингизга ҳам мос келади. Жоннининг айтишига қараганда, бу ролга ундан бошқа ҳеч ким мос келмаслигини сиз дутфан эътироф этгансиз. Айтиб қўяй, акс ҳолда биз сизга ҳеч қачон мурожаат этмаган бўлардик. Бунинг устига агар пул масаласи ташвишлантираётган бўлса, фильмни суратга олишни молиялаштиришни дўстим зиммасига олади. Фақат илтимос, мени нотўғри тушунманг. Иложи бўлмаса, йўқ денг. Сизни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ, мажбур қилолмайди ҳам. Дарвоқе, айтиб қўяй, хўжайинимиз мистер Гувер билан дўстлигингиздан хабардор ва бу дўстликни қадрлайди, беҳад ҳурмат қилади.

Вольц ғоз патидан қилинган катта қизил ручкада алланарсаларни ёзиб ўтирарди. Пул ҳақидаги гапни эшитгач, бошини кўтарди. Унда дастлабки қизиқиш пайдо бўлди.

– Ҳисоб-китобларга қараганда бу картина беш миллионга тушади, – деди такаббурлик билан.

Хейген бу рақам унга таъсир қилганлигини билдириб, хуштак чалди. Кейин ўша бепарволик билан:

– Хўжайиннинг у бошлайдиган ҳар бир ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган дўстлари кўп, – деди.

Фақат ҳозиргина Вольц унга жиддий эътибор бера бошлади. У Хейгеннинг ташрифномасига кўз югуртириб чиқди.

– Нима учундир сиз ҳақингизда эшитмаган эканман, – деди у. – Нью-Йоркдаги йирик адвокатларнинг кўпчилиги менга таниш. Сиз қаёқдан келиб қолдингиз?

– Мен катта бир фирманинг вакилиман, – деди Хейген қуруққина қилиб. – Фақат шу фирма ишлари билан бандман. Бошқа ҳеч қанақа иш билан шуғулланмайман. – У ўрнидан турди. – Хўп майли, бошқа вақтингизни олмайман.

У қўлини узатди. Вольц унинг қўлини қисди. Хейген эшик томон бир неча қадам ташлаб, кейин ўтирилиб қаради:

– Менинг билишимча, ўзини катта одам қилиб кўрсатадиган кичик одамлар билан тез-тез учрашиб туришингизга тўғри келади, шекилли. Мен билан бўлган бутунги учрашув бунинг акси. Ҳар иккимизни танийдиган одамлардан менинг кимлигимни батафсил сўраб-суриштиришингиз мумкин. Агар бирор янги фикр туғилиб қолса, менга, меҳмонхонага қўнғироқ қиларсиз. – У жим қолди. – Эҳтимол, сизга ақл бовар қилмайдиган нарсасдек кўринар, лекин мижозим кўлидан шундай ишлар келадики, унинг олдида ҳатто мистер Гувер ҳам ип эшолмайди. – У корчалоннинг кўзлари қисилганини кўрди. Вольц ниҳоят қаршисида қанақа одам турганлигини тушунди. – Ҳа, дарвоқе, мен картиналарингизнинг ашаддий ишқибозиман, – қўшиб қўйди Хейген хушомад қилиб. – Эзгулик йўлида ижод қилишингизга ҳеч нарса ҳалақит бермайди деб умид қиламан. Ватан сизга раҳмат айтади.

Кечкурунга бориб, Хейгенга продюсернинг котибаси қўнғироқ қилиб, тахминан бир соатдан кейин машина боришини, тушлик қилгани шаҳардан ташқарига Вольц хузурига етказиб қўйишини, уч соат йўл юрилишини, лекин машинадаги музлаткичда ичкилик ва егулик овқат борлигини айтди. Вольц уйига шахсий самолётида боришини Хейген биларди. Нега уни бирга учишга таклиф қилмадийкин? Котиба назокатли овоз билан давом этди:

– Мистер Вольц буюмларингизни олволишингиз

кераклигини айтди. Эрталаб сизни аэропортга етказиб қўйишармиш.

– Яхши, – деди Хейген.

Буниси ҳам қизиқ тушди. Эрталаб Нью-Йоркка учиб кетишимни Вольц қаёқдан билдийкин? У бир дақиқа ўйланиб қолди. Вольц ўзининг изидан айғоқчи қўйгани аниқ. Ундай бўлса Вольц Хейген доннинг номидан иш кўраётганлигини ҳам билади, демак, дон ҳақида ҳам баъзи бир тасаввурга эга. Энди у ишга жиддий киришади, қарабсизки, иш ўнгидан келиб турибди, ўйлади Хейген. Вольцнинг калласи у бугун эрталаб ўйлаганига қараганда тузукроқ ишлаши ҳам мумкин экан.

Жек Вольцнинг ер-мулки худди эртақлардаги, дабдабали олди-қочди фильмлардаги ажойиб манзарани эслатарди. Уйи айнан заминдор қулдорнинг саройи, катта боғ, унинг орқасида бўрсилаб турган қора тупроқли ер устига ётқизилган от миниб сайр қиладиган йўлак, отхона, бутун бир умрга мўлжалланган ўтлоқ. Яшил тўсиқлар, гулзорлар, майсазорлар таниқли киноюлдузларининг сочи сингари текис қилиб қирқилган.

Вольц Хейгенни кондиционерли ойнаванд айвонида кутиб олди. Продюсер уйбоп бўлиб, қайтарма ёқали кўк шойи кўйлак, хантал рангли шим, юмшоқ чарм сандал кийиб олганди. Ёрқин ранглар ва қимматбаҳо газламалар Вольцнинг ошланган терига ўхшаган дағал башарасини бўғтириб кўрсатарди. У патнисдаги мартини қуйилган икки новча стаканнинг бирини Хейгенга узатди. Вольц ўзини эрталабдагига қараганда анча мулозаматли тутарди. У Хейгеннинг елкасига қўл ташлаб:

– Тушликка бир оз вақт бор экан, – деди. – Юринг, отларимни кўрсатаман.

Отхонага йўл олишаркан:

– Сизнинг кимлигингизни суриштириб кўрдим, Том, – деди. – Корлеоне сизнинг хўжайинингиз эканлигини дарҳол айтмасдан бекор қилибсиз. Сизни Жонни томонидан ёлланиб, сурбетлик билан мени қўлга олмақчи бўлаётган ўртамиёна фирибгарлардан

бири деб ўйлабман. Мени сурбетлик билан қўлга олиб бўлмайди.

Бу билан душманларимни кўпайтириб олмоқчи эмасман, йўқ, бунақа одатим йўқ. Дарвоқе, келинг, кайфиятимизни бузмайлик. Иш ҳақида тушликдан кейин гаплашсак ҳам бўлади.

Ажабланадиган жойи шунда эдики, Вольц анча сертавозе мезбон экан. У Америкадаги ҳамма йилқи заводларини синдиришга ёрдам берадиган янгиликларини жорий этаётганлиги тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Отхона тўла ўтга чидамли материаллардан қурилган бўлиб, ёғ томса ялагудек тоза сақланар ва махсус хусусий хуфиялар гуруҳи томонидан қўриқланар экан. Охирида Вольц Хейгенни «Хартум» сўзи ёзилган оғир бронза тахтача михланган бўлма ёнига бошлаб келди.

Ҳатто бу соҳада мутлақо тажрибаси бўлмаган Хейген ҳам бўлмадаги айғирнинг бениҳоя зўрлигини осонгина ҳис қилди. Бошидан оёғигача бир текисда қоп-қора айғирнинг фақат кенг пешанасида оппоқ юлдузчаси бор эди. Хартумнинг узун жигарранг кўзлари олтин олмалардай ялтилар, таранг қора сағриси атласдай товланарди. Вольц болаларча ғурур билан:

– Бу дунёдаги энг зўр арғумоқ, – деди. – Ўтган йили Англияда нақ олти юмалоққа сотиб олганман. Ишонтириб айтаманки, ҳатто рус подшолари ҳам битта отни бунча пулга сотиб олишмаган. Лекин уни пойгага қўймайман, наслини кўпайтираман. Ҳали Америкада кулоқ эшитмаган тез чопадиган отлар етиштираман. – У секин «Хартумжон, Хартум!» дея отнинг яғринини силаб қўйди. Вольцнинг овозида юрак тубидан чиққан бир меҳр бор эди. От ҳам буни сезди.

– Биласизми, отда жуда яхши юраман. Ваҳоланки, биринчи марта эгарга ўтирганимда эллик ёшда эдим. – У қулди. – Момом Россияда бирон казак билан пинҳона дон олишиб қўйган бўлса керак, томиримда казак қони бор. – Вольц Хартумнинг қорнини қитиқлаб қўйди ва завқ ҳамда ҳасад билан қўшимча қилди: – Қаранг, табиат

унга ато қилган кўрк-нафосатни. Агар шундай отлардан бир уюр бўлгандами...

Уйга қайтиб киришди. Дастурхон устида уларга бош хизматкор назорати остида уч қарол хизмат қилди. Дастурхон олтин попуқлар билан безатилганди, овқатни кумуш идишларда келтиришди. Лекин таомнинг ўзи Хейгенга ўртамиёна кўринди. Вольц ёлғиз яшаб, овқатга лоқайд қарайдиган бўлиб қолган бўлса керак. Хейген иш ҳақида оғиз очмасдан кутиб турди. Вольц билан йўғон Гавана сигараларини туташтиришгандагина сўради:

– Хўш, шундай қилиб Жоннига роль берасизми?

– Иложи йўқ, – деди Вольц. – Ҳатто мен хоҳлаганимда ҳам Жоннининг бу фильмда қатнашишининг иложи йўқ. Ҳамма билан шартнома тузиб қўйилган, келгуси ҳафтадан суратга олиш бошланади. Ҳозир бирон нарса ўйлаб топиш қўлимдан келмайди.

Хейген шошмасдан деди:

– Мистер Вольц, бировга бўйсунмайдиган одам билан иш олиб бораётганда катта битта устунлик бор – бу сиз айтаётган ўй-фикрлар билан ҳисоблашмаслик. Хоҳлагандай иш тутиш сизнинг ихтиёрингизда. – У сигарасини бурқситиб тортди. – Менинг дўстим ваъдасининг устидан чиқа олишига ишонмаяпсизми?

Вольц қуруққина қилиб:

– Мени касаба уюшмалари билан кўнглисизликлар кутаётганини биламан, – деди. – Гофф кўнгироқ қилди. Шундай кўпол муомала қилдики, аблаҳ, гўё ҳар йили меңдан конвертга солинган юзлаб пулни ўмариб кетаётганини эсидан чиқариб қўйгандай. Ҳақиқий эркаклар ролини ўйнайдиган анави актёрни гиёҳвандликдан халос этишга эришдингиз ҳам дейлик. Лекин буларнинг ҳаммаси мени унча қизиқтирмайди. Картиналарга ўзимнинг пулим етади. Ҳамма гап шундаки, ўша разил Фонтейнни кўргани кўзим йўқ. Хўжайинингизга айтиб қўйинг, бу – мен рад қилишга мажбур бўлган унинг ягона илтимоси бўлади, бошқа ҳамма илтимосларини мамнуният билан қабул қиламан. Ҳар қандай илтимосларини. Фақат бир оғиз шама қилиб қўйса бас.

Ундай бўлса, аблаҳ, нега мени бу ерга – тупканинг тагига етаклаб келдинг, ўйлади Хейген. Продюсер яна ниманидир айта олмайгани кўриниб турарди.

Хейген совуққина қилиб деди:

– Сиз аҳволни ногўғри тасаввур қилдингиз, деб кўркаман. Мистер Корлеоне Жонни Фонтейнга Чўқинтирган ота бўлади. Улар ўртасидаги муносабат ўта яқин бўлиб, муқаддас черков билан боғлиқ. – Бу гаплар айтилаётганда Вольц одоб сақлаб бошини эгиб турди. Хейген давом этди. – Италияликларда шунақа ҳазил бир гап бор: Ҳаёт шунчалик шафқатсизки, яна бир отасиз яшаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларда Чўқинтирган оталар бўлади. Жоннининг отаси вафот этган. Шунинг учун ҳам мистер Корлеоне унинг олдида жавобгардир. Сизга бошқа бирон-бир масала билан илтимос қилишга келсак, бундай илтимос бўлмайди. Мистер Корлеоне жуда инжиқ одам, у бир марта илтимосини рад этган одам билан бошқа гаплашмайди.

Вольц елкасини қисди.

– Афсус. Мен барибир рад жавоби беришга мажбурман. Лекин сиз шу ердалигингизда ҳал қилиб олайлик, айтинг-чи, касаба уюшмалари туфайли бўладиган кўнгилсизликларни бартараф этиш қанчага тушади? Нақд тўлайман. Ҳозирнинг ўзида.

Баъзи бир нарсалар ойдинлаша бошлади. Жоннига роль бермасликка қатъий аҳд қилган экан, Вольц у билан нега овора бўлиб ўтирганини билиб олиш учун энди Хейген бош қотирмаса ҳам бўларди. Бу учрашув ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Вольц ўзини хавф-хатардан олис, деб ҳис қила бошлади. Унга дон Корлеоне салтанати кўрқинчли эмасди. Ҳақиқатан ҳам, Вольц дон Корлеоненинг нимасидан кўрқади? Олий сиёсий давралардаги алоқалари, ФБР бошлиғи билан танишлиги, кинофильмлар ишлаб чиқариш саноатидаги сон-саноксиз маблағи, чексиз ҳукмронлиги билан нимадан кўрқади? Соғлом фикр юритадиган ҳар қандай одам, шу жумладан, Хейген ҳам, Вольц ўз имкониятини тўғри баҳолайди,



деб ҳисобларди. Агар продюсер иш ташлаш туфайли юз берадиган зарарга рози бўлса, дон ҳеч қандай йўл билан унга яқинлаша олмайди. Бу ҳисоб-китобларнинг ҳаммасида битта нозик жой бор эди. Дон Корлеоне Жоннига ўша ролни сен ўйнайсан, деб ваъда бериб қўйганди. Хейген эса бундай ҳолларда дон Корлеоне бирон марта ваъдасининг устидан чиқа олмаганини эслай олмайди.

Хейген оғир-босиқлик билан:

– Гапларимнинг мазмунини атайлаб бузаяпсиз, – деди. – Сиз мени таъмагирликка шерик қилиб қўймоқчисиз. Мистер Корлеоне касаба уюшмалари билан бўладиган жанжалда фақат дўстлик туфайли, унинг ҳомийлиги остидаги одамга ёрдам берганингиз учун миннатдорчилик билдириш мақсадида сизнинг ёнингизни олишга ваъда беряпти. Сиз бир томондан, у бир томондан ҳаракат қилсангизлар, бу бир-бирингизга ўзаро дўстона илтифот кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Лекин сиз бу ишга жиддий ёндашмоқчи эмаслигингизни кўриб турибман. Мен шахсан сиз хато қияпсиз, деб ҳисоблайман.

Вольц худди қулай пайтни кутиб тургандай бирдан тутқиқ кетди:

– Мен ҳаммасини жуда яхши тушундим, – деди у. – Бу ерда мафиянинг қўли борлигини кўриб турибман. Сиртдан қараганда ҳаммаси осонгина, силлиққина, аслида эса дағдаға, кўрқитиш. Очиқчасига гаплашайлик. Гарчи Жонни Фонтейн худди шу роль учун туғилган бўлса ҳам, у ҳеч қачон бу ролни ўйнай олмайди. Аммо буюк экран юлдузлари қаторидан ўрин олиш учун унга фақат шу ролни ўйнаш кифоя. Лекин у буни ҳеч қачон ўйнай олмайди. Чунки мен жирканч, ғаламислар доирасига ўйнайдиган бу одамдан нафратланаман ва уни кино олампидан супуриб ташлайман. Бунинг сабаблари бор. У менинг химоямдаги энг умидли шогирдларимдан бирини нобуд қилди. Бир қизчани беш йил ўқитдим – ашула дарси, рақс дарслари, актёрлик маҳорати дарслари учун ўқитувчилар ёлладим, юз минглаб доллар сарфладим. Уни кино юлдузи қилиб тарбияламоқчи эдим.

Мен ҳам кўнгилхушлик қилишдан, завқланишдан холи қолмаганлигимни далиллаш учун сизга бор гапни айтаман. Гап долларда ҳам, центларда ҳам эмас. Қизча бениҳоя гўзал эди, бундан ташқари жуда кўп аёллар билан кўнгилхушлик қилганимга қарамасдан, тўшақда ундан жозибалироғини, офатижонроғини кўрмагандим. Ҳамма куйлайверадиган тенор овози ва италянча енгил-елпи опера кўшиқлари билан Жонни пайдо бўлди-ю, қиз ҳам дом-дараксиз ғойиб бўлди. Жоннини афзал кўриб, мени ҳаммага масхара қилиб ташлаб кетди. Менинг мартабада, мистер Хейген, масхара бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Фонтейн билан ана шунақа ҳисоб-китобларим бор.

Хейген энди, ҳақиқатан ҳам, таажжубланди. Ақли расо, нуфузли, бадавлат одам жиддий масала ҳал бўлаётганда арзимаган майда-чуйдалар ҳақида гапириб ўтирса-я! Ақл бовар қиладими? Хейгенлар, Корлеонелар даврасида аёллар гўзаллиги, уларнинг ишқий сарғузаштларининг муҳим масалаларга мутлақо даҳли бўлмасди. Гап никоҳ ва оила шарафи ҳақида борган ҳоллардан ташқари ҳамма ҳолларда бу ҳар кимнинг хусусий, шахсий иши ҳисобланарди. Хейген сўнги марта уриниб кўрмоқчи бўлди.

– Сиз мутлақо ҳақсиз, мистер Вольц, – деди у. – Лекин сизнинг даъво-дастурларингиз шунчалик муҳимми? Амалда арзимаган нарса бўлган бу хизматингиз менинг мижозим учун қанчалик муҳим эканлигини сиз ҳисобга олмаяпсиз. Мистер Корлеоне Жоннини гўдаклигидан, чўқинтирган пайтидан бери билади. Жоннининг отаси вафот этганда оталик бурчини мистер Корлеоне ўз зиммасига олган. Шунини унутмангки, жуда кўп одамлар уни Чўқинтирган ота, деб аташади, яхшилиги учун миннатдорчилик билдирадиган, ҳурмат қиладиган одамлар жуда кўп. Мистер Корлеоне ҳеч қачон дўстлари бошига иш тушганда ташлаб кетмайди.

Вольц шитоб билан ўрнидан турди.

– Бўлди, етарли, гаплашиб бўлдик. Ҳар қанақа мутгаҳамлар менга ўз шартларини тиқиштиришлари

етмай турганди. Улар менинг шартларимни бажаришсин. Шундай телефон гўшагини кўтарсам, азизим, сизнинг ҳам панжара орқасида тунашингизга тўғри келади. Агар ўша томтешар ошнангиз куч ишлатмоқчи бўлса, тезда мен унга ўхшаш ношуд эстрадачи эмаслигимга ишонч ҳосил қилади. Ҳа, бунақа воқеаларни эшитганмиз. Тушунинг, ахир ўша мистер Корлеоненингизни ҳам исини чиқармасдан гумдон қилишади. Зарур бўлса бунинг учун ҳатто Оқ уйдаги ошна-оғайниларимни ҳам ишга соламан.

Тўнка, вой ярамас тўнка-ей! Қандай қилиб бу тўнка pezzonovante бўлиб қолдикин, деб ўйлади Хейген. Президентнинг маслаҳатчиси, дунёдаги энг йирик киностудиянинг хўжайини эмиш яна. Очиғини айтганда, дон бу ишга пул сарфласа бўларкан. Вольц ҳар бир сўзни айнан ўз маъносида тушунади. Унинг негизида қандай маъно борлигига ақли етмайди.

– Меҳмондорчилик учун, кўнгилли оқшом учун миннатдорман, – деди Хейген. – Аэропортга етиб олишимга ёрдамлаша олмайсизми? Тунагани қолмаганим маъқул. – У Вольцга совуқ жилмайиш билан қараб қўйди. – Мистер Корлеоне нохуш хабарни дарҳол эшитишни афзал кўради.

Хейген чироқлар билан ёритилган устунлар орасида машина кутиб турганда йўлак олдида лимузинга икки аёл ўтираётганини кўриб қолди. Бу аёллар Хейген эрталаб Вольцнинг қабулхонасида кўрган ўн икки ёшли олтин сочли кичкина гўзал қизча ва унинг онаси эди.

Фақат ҳозир қизчанинг янги пишган гилосдай лаблари шишиб, қандайдир шакли йўқ, чаплашиб кетган қипқизил лой парчасига айланганди. Кўм-кўк кўзлари хиралашган, пиллапоядан лимузиннинг очиқ эшиги томон тушиб келаркан, узун оёқчалари яраланган тойчоқнинг оёқларидай букилиб, чалишиб кетарди. Онаси қизчани қўлтиқлаб ўриндиққа ўтқазди-да, кулоғига алланималар деб пичирлади. Сўнгра секин ўгирилиб, Хейгенга бошдан-оёқ кўз югурчириб чиқди. Унинг ёввойи қушларниқига ўхшаш кўзлари тантанавор ифода билан ёнарди. Бир дақиқадан кейин у ҳам машина ичида кўринмай қолди.

Шунинг учун Вольц Лос-Анжелесдан самолётда бирга учишни таклиф қилмаган экан-да, ўйлади Хейген. Демак, тушликкача дам олиш ва ҳали она сути оғзидан кетмаган кичкина қизча билан қўнғилхушлик қилишга вақт қолиши учун қизча ва онаси билан бирга учган. Ҳали Жонни шунақа даврада яшамоқчимиз? Начора, унга, дарвоқе Вольцга ҳам, омад тилашдан бошқа илож йўқ.

\* \* \*

Поли Гатто ҳар қандай ишга, айниқса, муштлашишга шошилмай, ҳафсала билан тайёргарлик кўрарди. У ҳамма нарсани олдиндан, ҳар томонлама пухта режалаштириб олишни яхши кўрарди. Чунончи, бутунгига ўхшаш, гарчи иккита мишиқининг яхшигина таъзирини бериб қўйишни иш деб ҳисобламаса ҳам, вазифа аниқ бажарилмаса ишқал чиқиши мумкин. У пиво симираркан, мишиқи кучукваччаларнинг бар пештахтаси олдида турган қизлар билан нималар тўғрисида гаплашаётганлигини билиш мақсадида улар томонга қаради.

Исми-шарифлари Жерри Вагнер ва Кевин Мунан бўлган бу кучукваччаларнинг кимлигини Поли Гатто миридан-сиригача ўрганиб чиққанди. Таътилдан коллежга қайтгунларига қадар зудлик билан яхшилаб таъзирини бериб қўйиш зарурлигини Полига Клеменца тайинлаганди. Қанақа фалокат босиб бу топшириқни, албатта, Нью-Йоркда адо этиш керак бўлиб қолдйкин? Буйруқни бериб, хоҳлаган жойингда, хоҳлаганингдек бажар дейиш ўрнига бу ярамас Клеменца ҳам уни ундоқ, буни бундоқ қил, деб ҳар қадамда кўрсатма беради. Мана, ҳозир ҳам анави жонончалар ўсмирларга эргашиб олишса, яна бир оқшом бекор ўтди, деявер.

У қизлардан бири хахолаб кулганини эшитди.

– Нима бало, ақлингни еб қўйганмисан? Машинага? Сен билан-а? Йўғ-а, зарил келгани йўқ. Анави бечора қизга ўхшаб касалхонага тушиш ниятим йўқ.

Қизнинг овозида ғурур, айна пайтда бошқа бировнинг бахтсизлигидан севиниш бор эди.

Поли Гаттога шу керак эди. У кружкадаги пивони ичиб, кўчага чиқди. Тунги соат бир. Вазият кўнгилдагидай. Фақат бардангина чироқ кўриниб турибди. Бошқа ошхоналар ва дўконлар аллақачон ёпилган. Полициячиларнинг кўриқчи машинаси билан шуғулланишни Клеменца зиммасига олган. Машина радиосигнал олмагунча кўринмайди. Шунда ҳам воқеа содир бўлган жой томон шошилмасдан йўл олади.

Поли машина эшигига суянди. Новчалигига қарамасдан орқа ўриндиқда икки одам деярли кўринмасдан ўтирарди.

– Эшикдан чиқиши билан дарҳол қўлга олинглар, – деди Поли.

Дарҳол қўлга олинглар эмиш. Полиция унга архивдан олинган икки суратни берган ва бу махлуқлар ҳар куни кечкурун қайси барда бўлишларини, пештахта олдида туриб олиб қизларнинг жиғига тегишларини айтган эди. Поли икки бақувват ёрдамчини танлаб олди-да, яхшилаб ақлини киритиб қўйиш керак бўлган ўсмирларни тасвирлаб берди. Қай даражада дўппослаш кераклигини айтди. Бир сўз билан айтганда бошга урмаслик керак, гарданига хоҳлаганча тушириш мумкин. Бошқасини ўзлари билишади.

– Лекин битта шарти бор, – деди Гатто. – Агар ўсмирлар касалхонада бир ойдан кам ётишса, яна ўша юк машинасида ишлашларингга тўғри келади.

Икковлон машинадан тушишди. Униси ҳам, буни-си ҳам оддий боксчи бўлишган, лекин иккаласи ҳам инқирозга учраган спорт клубидан нарига ўтишолмаган, шунда Сонни яхшигина пул ишлаб олишлари учун имконият яратиб, уларни қутқариб қолганди. Ҳозир уларнинг ҳаёти унчалик ёмон эмас. Табиийки, ҳар иккиси ҳам бу яхшилиқни унутмаганликларини кўрсатиб қўйиш имконияти туғилганидан хурсанд эдилар.

Жерри Вагнер ва Кевин Мунан бар эшигидан чиқишганда ҳар иккиси ҳам Поли кутган даражада маст эди. Қиз уларнинг хоҳишига кўнмади, мақсадларига эришолмаган йигитчаларнинг жаҳди чиқди. Эринчоқлик билан

машина копотига суяниб турган Поли Гатто хахолаб кулди ва кесатиб:

– Бу дейман, қиз жуда чиройли қилиб бошлаб кетдику. Икки қўлинг бурнингда қолавердинг-ку, – деди.

Бу гап йигитларнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Улар Поли томон югуришди. Шунақаларни дўппослаб хумордан чиқасан-да. Пакана, нимжон, бунинг устига ўлгудай сурбет, биринчи бўлиб ўзлари ташланишади. Йигитлар югуриб келиб Гаттога ташланишди. Худди шу дақиқада Полининг шериклари орқадан келиб, йигитларнинг қўлларини қайиришди. Поли дарров буюртма билан махсус тайёрланган калта темир тиканаклар қадалган кастетни ўнг қўлига тақди. У ҳафтасига уч марта спорт машғулотларига қатнардди. Шунинг учун ҳам аниқ ишларди. Бир зарба билан Вагнер исмли кучукваччанинг қаншарини пачақлади. У шалпайиб тушиб, жим бўлди. Бунга беш секунд вақт кетди, холос.

Навбат Кевин Мунанга келди. Бунинг устига у дағдаға қила бошлади. Боксчилардан бири забардаст қўли билан секингина мушт туширганди, Мунан ҳам шилқ этиб тушди. Боксчи иккинчи қўли билан овоз чиқармайдиган қилиб Мунаннинг томоғидан бўғди.

Поли Гатто машинага шўнғиди-да, моторни ўт олди. Бу пайтда икки шериги Мунаннинг дабдаласини чиқаришарди. Улар худди вақт зиқлигини унутиб қўйишгандай ҳафсала билан ишлашарди. Мунаннинг қорнига туширилган ҳар бир зарба шилқиллаганга ўхшаш кўнгила айнитадиган овоз чиқарарди. Гатто кўзи Мунаннинг юзига тушиб қолди. Уни таниб бўлмасди. Иккала боксчи Мунанни йўлақда қолдириб, энди Вагнерга ташланишди. Бу пайт инқиллаб оёққа туриб олган Вагнер одамларни ёрдамга чақира бошлаган эди. Овозни эшитиб, бардан кимдир бошини чиқарди, энди шошилиш керак эди. Чалиб юборишганди, Вагнер тиззалаб қолди. Калтакловчилардан бири унинг қўлини қайирди-да, белига чунонам тепдики, нимадир қисирлагани аниқ эшитилди. Вагнернинг мудҳиш чинқирғини эшитиб,

ҳамма уйларнинг деразалари очила бошлади. Энди анави иккови жуда тез ишлай бошлашди. Бири Вагнернинг бошини худди тахтакачдай кафтлари орасига олиб, уни кўтариб турди. Иккинчиси бу жонсиз нишонга тинимсиз зарба туширди. Бардан одамлар югуриб чиқишди, лекин бу жанжалга аралашिशга ҳеч бири журъат этолмади. Шу пайт Поли Гатто бақирди:

– Тугатинглар, бу ердан ғойиб бўлдик.

Икки забардаст кимса сакраб машинага чиқишди. Поли тўла газ берди. Кейин кимдир машинанинг қандай рангда, қандай кўринишда эканлигини айтади, бошқа биров унинг номерини эслайди, шу билан ҳамма иш тугайди. Номер Калифорниядан келган машинадан ўғирлаб олинган эди. Қора «Шевроле» каби машиналардан эса Нью-Йоркда камида юз мингта бор.

## ИККИНЧИ БОБ

Хейген пайшанба куни эрталаб шаҳарга, ўзининг адвокатлик идорасига жўнаб кетди. У беҳуда кетган вақт ўрнини қоплаши, қоғозларни тартибга келтириши, Виргилий Солоццо билан жума куни бўладиган учрашувга тайёрланаркан, масалани тўла аниқлаштириб олишни режалаштирган эди. Бу учрашув шу даражада муҳим эдики, улар олган маълумотларга қараганда Солоццо Корлеонелар оиласига қиладиган таклифни муҳокама қилиш учун Хейген дондан уни бир оқшом бўшатиб қўйишни сўради. Ҳа, ҳар бир ишда аниқлик бўлиши, энг кичкина майда-чуйдалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги, бутун ўй-фикрини дон билан бўладиган кенгашга қаратиши учун ҳеч нарса халақит бермаслиги керак.

Сешанба куни кечқурун Калифорниядан қайтиб келган Хейген Вольц билан олиб борган музокаралари қандай тутаганлигини айтиб берганда дон таажжубланмади. У фақат ҳеч нарсани, ҳатто майда-чуйда нарсаларни ҳам қолдирмасдан тўла, батафсил айтиб беришни талаб қилди. Чиройли қизча ва унинг онаси ҳақида гапирганда

нафратланиб пешанасини тириштирди. Сўнгра эшитилар-эшитилмас қилиб «Infamita» деб тўнгиллади. У бу сўзни бирор нарсадан ўта қаттиқ жирқангандагина тилга оларди. Сухбат охирида у Хейгенга шундай савол берди:

– Бу одамнинг ишонган қалъаси, ҳақиқатан ҳам, шунчалик мустаҳкамми?

Хейген саволнинг маъносини илғаб олиш учун бир неча дақиқа жим қолди. Дон нуқтаи назари жиҳатидан бошқа одамлардан шу даражада фарқ қилардики, ҳатто унинг сўзларидан ҳам бошқача маъно кутиш мумкин эди. Узоқ йиллар мобайнида Хейген бунга ишонч ҳосил қилганди. Вольцда характер борми? Ирода кучи борми? Бор, албатта, лекин дон буни сўраётгани йўқ. Бошқа бировлар дўқ-пўписа, дағдаға қилишларига йўл қўймасликка жасорати етадими? Студияда иш тўхтаб қолиши ва кўкларга кўтариб мақтаган артисти нашавандликда фош этилгач юз берадиган жанжал туфайли бўладиган катта зарарларга кўз юмишга қатъияти етадими? Кўринишидан етади. Лекин дон буни ҳам кўзда тутаётгани йўқ. Ниҳоят Хейген тўғри жавоб топгандай бўлди: Жек Вольц бор-будидан воз кечиб, кадрқимматини ҳимоя қилиш учун, қасос олиш юзасидан, принцип жиҳатидан таваккалига иш тута оладими?

Хейген жилмайиб қўйди. У ҳар доим ҳам доннинг саволига ҳазил билан жавоб беравермасди, аммо ҳозир ўзини тутолмади.

– Сицилиялик эмасми демокчисиз, шундайми? – Дон мамнун бош ирғади. Бу кинояни тўғри илғаб олганлигига берилган баҳо ва жавоб маъқул бўлганлиги белгиси эди.

– Йўқ, – деди Хейген.

Тамом. Дон кўп бош қотириб ўтирмади. Чоршанба кунини ланчдан кейиноқ Хейгенни чақириб, зарур кўрсатмалар берди. Куннинг қолган қисмини Хейген хурсандчиликка монанд бир кайфиятда ўтказди. Дон масалани ҳал қилганлигига, Вольц эртага эрталабоқ кўнғироқ қилиб, янги фильмдаги бош ролни Жонни Фонтейн ўйнайди, деб айтишига заррача шубҳа қилмади.



Телефон жиринглади – йўқ, у эмас. Америго Бонасеранинг овози. Миннатдорчилигининг чеки йўқ эди. У Хейгендан мурдашўй ўла-ўлгунча доннинг дўсти эканлигини, ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрлигини унга бир оғиз айтиб қўйишни илтимос қилди. Америго Бонасера Чўқинтирган ота учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр, Худо хайрини берсин. Хейген ҳаммасини донга айтиб қўйишга ваъда берди.

«Дейли ньюс» газетаси Жерри Вагнер ва Кевин Мунаннинг калтаклашиб дабдаласи чиққан пайтдаги суратини ўртадаги қўш саҳифада босиб чиқарди. Тажрибали суратчи йўлақда бир халта гўшт бўлиб ётган йигитларда одам рафтори қолмаганлигини аниқ кўрсатганди. «Дейли ньюс» уларнинг ҳар иккаласи қандайдир бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолганлиги, лекин одам бўлиб кетишлари учун касалхонада неча ой ётишлари, неча марта пластик операция қилинишлари ноаниқлиги тўғрисида ёзганди. Хейген ён дафтарчасига «Клеменцага айтиш керак, йўлини қилиб Поли Гаттони тақдирлаб қўйсин», деб ёзиб қўйди. Кўринишидан, вазифасини яхши биларди.

Иш кўпайгандан-кўпайди. Донга қарашли қурилиш фирмаси, чет элдан зайтун мойи келтириб сотувчи компания, кўчмас мулк билан савдо қилувчи компания келтирган фойда тўғрисидаги ҳисоботларни жамлаш учун Хейген уч соат қоғоз титиб ўтирди. Ҳозиргача савдо ишлари бир нави бўлиб турганди. Лекин уруш тугади, энди ҳар уч корхонадан бири катта даромад келтирадиган бўлиши керак. Котиба қиз кириб Калифорниядан қўнғироқ қилишаётганини айтганда, Хейген Жонни Фонтейнни ҳам, унинг мухлисларини ҳам эсдан чиқара бошлаган эди. Бутун вужуди жимирлаб кетган Хейген телефон гўшакни кўтарди.

– Хейген эшитяпти.

Телефондаги қаҳру ғазаб, чексиз нафрат тўла овозни таниб бўлмасди.

– Ярамас аблаҳ, – деб бидирларди Вольц. – Ҳаммангни турмага тикаман. Сўнги тийинимгача сарфлаб бўлса ҳам ҳаммангни қамоқхонада чиритаман. Ўша лаънати Жонни

Фонтейнингни туққан онаси ҳам танимайдиган тасқара қилиб қўяман. Эшитяпсанми, ўлаксахўр италян?

Хейген юмшоққина қилиб:

– Мен ярим немис, ярим ирландияликман, – деди.

Узоқ жимлик чўқди, кейин телефондан «шилқ» этган овоз эшитилди – Вольц гўшакни қўйганди. Вольц дон Корлеоненинг ўзи ҳақида бир оғиз ҳам ёмон гап айтмади. Бу Хейгеннинг истеъдоди эътироф этилганлигининг далили эди.

Жек Вольц доим ёлғиз тунарди. Унинг каравотига ўн киши бемалол сиғиши, ётоқхонасида эса бутун бир балл саҳнасини суратга олиш мумкин эди. Шунга қарамасдан биринчи хотини ўлгандан буён, мана ўн йил бўляптики, ёлғиз ётарди. Лекин бу аёллар билан унинг иши йўқ эди, деган гап эмасди. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай ҳали кўнгилхушликни яхши кўрарди. Бироқ энди ёш-ёш қизчаларгина унинг эҳтиросини уйғота олар, унинг куч-қувватию ҳафсаласи икки соатга етарди, холос.

Бу пайшанба куни у нима учундир эрта уйғонди. Ташқарида тонг ёришаётганди, лекин кенг ётоқхонада ҳали худди ўтлоқ устидаги туман сингари хира парда сузиб юрарди. Пастда, кенг каравотнинг оёқ томонида қандайдир таниш бир нарса кўзга ташланди. Вольц унинг нималигини аниқроқ кўриш учун тирсақларига суяниб гавдасини сал кўтарди. Кўзига кўринган нарса отнинг калласига ўхшарди. Вольц уйқусираб, стол устидаги чироқни ёқди.

Кўрган нарсаси тўсатдан хуруж қилган касаллик каби уни довдиратиб қўйди. Кимдир босқон билан калласига туширгандай бўлди. Юраги уришдан тўхтаб қолди, кейин беҳад тез ура бошлади. Вольц гулдор гиламча устига йиқилди.

Ўша машхур Хартумнинг қонга беланган қоп-қора ипакдай калласи каравотнинг суянчиғига боғлаб қўйилганди. Калланинг қон томирлари оппоқ ипдай дик-кайиб турарди. Отнинг тумшугида қўпик қотиб, олтин олма сингари йилтиллаб турган кўзларига қон тўлиб

қолганди. Вольц ҳайвонларга хос даҳшатта тушганидан ўзиникига ўхшамаган бегона овоз билан хизматкорларини чақира бошлади. Ўша даҳшат талвасасида Хейгенга қўнғироқ қилиб, уни бўралаб сўқди, дағдаға қилди. Вольц шундай талвасага тушдики, ўзини йўқотиб қўйган бош хизматкор унинг шахсий врачини, киностудиядан ёрдамчисини чақирди. Улар етиб келишганда Вольц ўзини тутиб олганди.

У жуда қаттиқ изтироб чекди. Баҳоси олти юз минг доллар бўлган отни сўйиб, калласини олиш учун қанчалик ваҳший одам бўлиш керак? Бирор марта ҳам огоҳлантиришмаса-я! Бу ваҳшийлик олдини олиш учун бирор марта келишув йўлини таклиф этишмаса-я! Бу ваҳшийлик ҳар қандай одам ва ҳар қандай бойлик, кадр-қимматни мутлақо менсимаслик, ўзининг шахсий хоҳиш-иродасидан бошқа қонун-қоидани, ўзидан бошқа ҳеч кимни тан олмаслик эди. Бу ваҳшийлик жиноятга қўл урган одамнинг ўта шафқатсизлигини кўрсатиб турарди. Бунинг устига у шу қадар кучли, шу қадар тадбиркорки, ҳеч қандай соқчилик унга тўсиқ бўлолмайди. Чунки бу пайтга келиб, айғирга аввал ухлатадиган дори беришгани, кейин болта билан шошилмасдан калласини кесишгани аниқ бўлганди. Қоровулар ҳеч нарсани сезмадик, ҳеч нарса эшитмадик деб қайта-қайта қасам ичишарди. Вольц бунга ишонмади. Бари беҳуда гап, лекин уларни тилга киритиш мумкин. Қоровуларни сотиб олишган, улар билан ким ҳисоб-китоб қилганлигини аниқлаш мумкин.

Вольц анчагина ақлли, бироқ ўзига беҳад ишонадиган одам эди. Куч-қудратда дон Корлеонедан устун тураман, деб ўйлаб хато қилганди. Бу ўй-фикри хато эканлигига ишонтириш учун далил-исбот керак эди. Бу гал унинг кўзи мошдай очилиб, ҳамма нарсани ақл тарозисидан бирма-бир ўтказди. Қанчалик бой-бадавлат, Қўшма Штатлар президенти олдига бемалол кира оладиган одам бўлмасин, ФБР директори билан ошна бўлмасин, касби-кори Италиядан зайтун мойи келтириб сотишдан

иборат бўлган, ҳеч ким танимайдиган бир кимса уни ўлдиртириб юбориши мумкин экан. Жонни Фонтейнга ўша ролни бермагани учун ҳам ўлдиртириб юбориши мумкин. Бу ақл бовар қилмайдиган нарса. Одамларнинг бундай йўл тутишга ҳаққи йўқ. Агар одамлар шундай йўл тутишадиган бўлса, демак, бу дунёда нимадир издан чиққан. Бу ақлсизлик, тентаклик. Бу сен ўз пулингдан, сенга қарашли бўлган корхоналардан, сенга бериб қўйилган ҳукмронликдан хоҳлаганингча фойдалана олмайсан, демақдир. Бу ҳар қандай коммунизмдан юз карра даҳшатлироқдир.

Врач унга тинчлантирадиган дори берди. Вольц асабларини тинчитиб, ўй-фикрларини бир жойга тўплай бошлади. Ҳаммасидан кўра ўша Корлеоне деган кимса овозаси дунёга кетган, баҳоси олти юз минг доллар бўлган отини осонгина ўлдириб кетгани қаттиқ эсанкиратиб қўйди. Олти юз минг-а! Ҳазилакам гапми? Бу ҳали бошланиши, холос. Вольцни қалтироқ босди. У ҳаёти ҳақида ўйланиб қолди. Бой, бадавлат. Дунёдаги энг жозибали, дилбар аёллар ҳам у шундоққина кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақириб, рози қилишга ваъда берса, хизматига тайёр туришади. Қироллар ва қироличалар унинг шарафига қабул маросими ўтказишади. Шоҳона яшаш учун унда пул ҳам, бойлик ҳам бор. Арзимаган нарсани деб шундай ҳаётни қурбон қилиш аҳмоқлик бўларди. Эҳ, ўша лаънати Корлеонега қўли етганда эди! Қизиқ. Қонунда от ўлдирганга қанақа жазо бериларкин? У ғайритабиий равишда хахолаб кулиб юборди, врач ва хизматкорлар чўчиб унга қарашди. Бирдан унинг калласига бошқа фикр келди. Ахир қандайдир бир сурбет журъат этиб, уни бадном қилганлиги бутун Калифорнияга ёйилиб, шарманда бўлиш хавфи тузилганди-да! Бу фикр, шунингдек, балки улар ҳали мени ўлдиришмас, балки уларнинг бундан ҳам кўрқинчлироқ, бундан ҳам даҳшатлироқ мақсадлари бордир, деган фикр ҳамма нарсани ҳал қилди.

Вольц буйруқ бера бошлади. У ҳамма яқин танишбилишларини ишга солди. Доктор ва хизматчиларни агар

оғзидан гуллаб кўйса, бир умр Вольцнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлиши билан кўрқитиб, сир сақлаш тўғрисида қасам ичирди. Матбуотга Хартум лақабли машхур йўрға касаллик курбони бўлганлиги, Европадан олиб келинаётганда айғирни бу касалликдан сақлаб қолиша олманлиги тўғрисида хабар берилди. Отнинг жасади Вольц мулкида кўмиб ташланди.

Орадан олти соат ўтгач, фильмни суратга олувчи режиссёр Жонни Фонтейнга кўнғироқ қилиб, душанбадан иш бошлаши кераклигини айтди.

Ўша куни кечқурун Хейгеннинг дон Корлеоне олдига келишдан мақсади уни эртага Виргилий Солоццо билан бўладиган ўта муҳим учрашувга тайёрлаш эди. Дон Корлеоне катта ўғли Сонни Корлеонени ҳам чақиртирганди. У эринчоқлик билан виски хўплаб ўтирарди. Ҳорғинликдан Соннининг юзлари сўлишиб, кўзлари киртайиб қолганди. Кечаларини келинчакнинг дугонаси билан ўтказса керак, ўйлади Хейген. Энди шу етмай турганди.

– Керакли нарсаларнинг ҳаммасини пухта ўрганиб чиқдингми? – сўради дон Корлеоне.

Хейген турли ёзувлар билан тўла папкасини очди. Унда энг муҳим нарсаларни эсдан чиқармаслик учун фақат Хейгеннинг ўзигина тушунадиган қилиб ёзилган ёзувлар бор эди. Бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

– Солоццо биздан ёрдам сўраб келади, – деди Хейген. – У қонундан ҳимояланиш учун Корлеонелар оилавий концернидан энг камида миллион доллар сўрайди. Бу бизни у режалаштираётган ишда иштирок этишимизни таъминлайди. Лекин қай даражада иштирок этамиз, буниси ҳали номаълум. Солоццо томонида Таттальялар оиласи турибди. Улар ҳам бу ишда ўз улўшлари билан иштирок этишмоқчи. Кўзланаётган иш эса гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилишдан иборат. Солоццонинг Туркия билан алоқаси бор. Бу мамлакатда кўкнори етиштирилади. Солоццо у ердан молни Сицилияга олиб ўтади. Бу осон иш. Сицилияда кўкноридан қорадори тайёр-

ланади. Гарчи Сицилияда қорадори тайёрлаш мутлақо хавфсиз бўлса ҳам эҳтиёткорлик учун фақат морфий тайёрлаш ҳам мумкин. Яккаю ягона қийинчилик тайёр молни мамлакатга олиб келиш ва тарқатишдан иборат. Иш бошлаш учун Солоццонинг маблағи камлик қилади. Ахир миллион доллар кўчада ётмайди-да!

Хейген дон Корлеоненинг пешанаси тиришганини кўриб қолди. У иш юзасидан бўладиган суҳбатларда ҳиссиётга берилишни ёқтирмасди. Том Хейген шошилиб гапира бошлади.

– Солоццога Турк деб лақаб қўйишган. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси, у Туркияда узоқ яшаганлигидир. Миш-мишларга қараганда, у ерда хотини ва болалари ҳам бор эмиш. Иккинчи сабаби, айтишларига қараганда ҳуда-беҳудага пичоққа қўл югуртирармиш. Ҳар ҳолда ёшлигида кўпроқ шундай қиларкан. Ўшанда ҳам фақат иш манфаатлари талаб қилганда ҳамда иззат-нафсига тегишганда пичоққа қўл югуртираркан. Мияси яхши ишлайди, бировга ялинмайди. Икки марта қамоқда ўтириб чиққан – бир марта Италияда, бир марта Штатларда қамалган. Наркотик моддалар билан савдо қиладиган одам сифатида маъмурларга яхши таниш. Бирор кор-хол юз берадиган бўлса, бу томони бизга яхши. Чайқовчиларнинг каттаси деб ҳисобланиши, бунинг устига қамалиб чиққанлиги туфайли судда гувоҳ сифатида қатнаша олмайди. Бу ерда, Америкада ҳам хотини ва уч боласи бор. Яхши оила бошлиғи ҳисобланади. Оила аъзолари ҳеч муҳтожлик сезмасдан яшаётганига ишончи комил бўлса, ҳар қанча муддат бўлса ҳам қамоқда ўтираверади, сотқинлик қилмайди.

Дон Корлеоне сигарасини бурқситиб тутатди-да, сўради:

– Сантино, сен нима дейсан?

Хейген Соннининг нима дейишини олдиндан биларди. Югурдак бола бўлиб юравериш унинг жонига текканди. Мустақил тарзда Солоццо таклиф қилаётган ишга ўхшаш йирикроқ юмуш билан шуғулланишни хоҳларди.

Сонни вискидан бир хўплади.

– Оқ кукун – кони фойда, – деди у. – Лекин хавфли томони ҳам бор. Йигирма йилни елгага олиб кетавериш ҳам мумкин. Мен бу ишда бевосита иштирок этишдан четда турадиган, фақат маблағ билан таъминлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини зиммамизга оладиган бўлсак, бу ёмон гоյ эмас, деб ўйлайман.

Хейген унга маъқуллаб қараб қўйди. Яхши гапирди. Бу ишнинг яққол кўриниб турган фойдали томонини таъкидлади – унинг ҳолатида бу энг тўғри йўл эди.

Дон Корлеоне яна сигарасини бурқситди.

– Сенинг фикринг қандай, Том?

Хейген ошқора гапиришга шайланди. У дон Корлеоне Солоццонинг таклифига рад жавоби беришини тушунганди. «Энг ёмони шундаки, – ўйлади Хейген, – унинг хотирасида сақланиб қолган дон Корлеоне ҳамма нарсани олдиндан кўра билмаган камдан-кам ҳоллардан бири эди. У ҳозир келажакни кўра олмаётганди».

– Қани, бошла, Том, – дон Корлеоне унга дадда берди. – Ҳатто сицилиялик *consigliori* ҳам ҳар доим хўжайинининг фикрига қўшилавермайди.

Учаласи қулишди.

– Сиз таклифни қабул қилишингиз керак, деб ўйлайман, – деди Хейген. – Бунинг сабаби аниқ. Энг муҳими, наркотик моддалар ҳар қандай бошқа ишга қараганда кўпроқ фойда келтириши кўриниб турибди. Агар биз рад этсак, бу таклифни бошқалар, масалан, Таттальялар оиласи қабул қилишлари мумкин. Унда улар оладиган даромад туфайли сиёсатга ҳам, полиция аппаратига ҳам кучлироқ таъсир кўрсатадиган бўлишади. Кейинчалик бизга тенглаша бошлайдилар, биз ҳозир эга бўлиб турган ҳамма нарсаларни қўлга ола бошлайдилар. Худди дунё сиёсатида бўлганидек, бир мамлакатда қуро-яроғ бўлса, демак, иккинчи бошқа мамлакат ҳам қуро-яроғ бўлади. Агар Таттальяларнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланиб борса, улар биз учун хавфли бўлиб қоладилар. Ҳозир қиморхоналар ва касаба уюшмалари бизнинг қўлимизда,

бугунги кунда асосий куч-қудратимиз ҳам шунда. Лекин келажакда наркотиклар билан шуғулланганлар ютади. Мен таклифни қабул қилиш керак, деб ҳисоблайман, акс ҳолда қўлимиздаги ҳамма нарсани бой беришимиз мумкин. Ҳозир эмас, лекин ўн йилдан кейин сўзсиз бой берамиз.

Бу гаплар дон Корлеонега таъсир этгандай бўлди. У яна сигарасини бурқситиб тортди ва секин:

– Бу, албатта, энг муҳим нарса, – деди.

У чуқур хўрсинди ва ўрнидан турди.

– Хўп, эртага ўша ғайридин билан учрашувимиз соат нечада бўлади?

– Эрталаб соат ўнда, – жавоб берди Хейген. Унинг қалбида умид илинжи пайдо бўлди. Эҳтимол, дон бу ишга журъат этар.

– Сухбатда иккалангиз ҳам қатнашасизлар, – деди Дон.

У қаддини ростлаб, ўғлининг қўлига туртди.

– Сантино, ҳеч бўлмаса бугун яхшилаб тўйиб ухлаб олгин. Қара, озиб нақ шайтоннинг ўзига ўхшаб қолибсан.

Отасининг бу гапидан руҳланган Сонни Хейген журъат этолмаган саволни берди:

– Падари бузруквор, таклифга нима деб жавоб берамиз?

Дон Корлеоне кулиб қўйди.

– Бу таклифнинг тафсилотларини, қанақа фойда-зарар келтиришини билмасдан туриб қандай жавоб бераман? Бундан ташқари, сизларнинг гапларингиз мағзини яхшилаб чақиб кўришим керак. Устига-устак мен шошилиб иш қиладиганлардан эмасман.

«Турк» Солоццо ўрта бўйли, бақувват, буғдойранг одам эди. Хунук қора кўзлари, узун қирра бурни билан, ҳақиқатан ҳам, туркларга ўхшаб кетарди, кадр-қимматини биларди.

Сонни Корлеоне уни эшик олдида кутиб олди-да, Хейген ва дон ўтирган хонага бошлаб кирди. Люка Бразини ҳисобламаганда кўриниши бундан кўрқинчлироқ махлуқни умримда учратмаганман, ўйлади Хейген.



Ҳаммаси самимий қўл олишиб кўришишди. Агар дон бу одамнинг ишонч қалъаси мустаҳкамми, деб сўраса, ҳа, мустаҳкам, деб жавоб берардим, хаёлидан ўтказди Хейген. Бугун доннинг кайфияти жуда яхши бўлишига қарамасдан, ҳатто у ҳам куч-қудратда ўзини Солоццодан ожизроқ сезарди. Дон ўта содда эди, у қишлоқиларча оддий саломлашди.

Солоццо дарҳол мақсадга кўчди. Гап наркотиклар ҳақида борди. Ҳамма иш кўнгилдагидай. Туркиядаги кўкнорифурушлар ҳар йили мунтазам тарзда маълум миқдордаги хомашё билан таъминлаб туришади. Францияда морфий, Сицилияда эса героин ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Франция ва Сицилияга мол олиб ўтиш анча осон. ФБРни сотиб олиш мумкин эмаслиги туфайли дон Корлеоне ҳам, Солоццо ҳам Қўшма Штатларга келтириладиган наркотик моддаларни сотишдан олинadиган даромаднинг беш фоизи йўқолишини яхши билишарди. Шунга қарамасдан катта даромад олиш имконияти бор, амалда эса деярли хавф-хатар йўқ.

– Нима учун энди хусусан менга мурожаат қиляпсиз? – сўради мулозимлик билан дон. – Бундай шарафга муяссар бўлганлигимнинг сабаби нима?

Солоццонинг буғдойранг юзида ҳатто битта тук ҳам ўзгармади.

– Менга икки миллион доллар нақд пул керак, – деди у. – Яна бир муҳим нарса, юқори лавозимларда обрў-эътиборли оғайнилари бор одам керак. Гоҳида менга қарашли одамларнинг баъзи бирлари қўлга тушиб қолади. Бу сўзсиз бўладиган воқеа. Уларнинг ўтмиши тозалигига мен кафолат бераман. Демак, мантиқан олиб қараганда, судда улар енгил жазо билан қутулиб кетишлари мумкин. Менга қўлга тушганлар қамоқхонада бир-икки йилдан ортиқ ўтирмайдиган бўлишлари керак. Ана шунда улар сир сақлашади. Агар улар ўн-йигирма йилга ҳукм қилинса, нима бўлишини ким билади? Ҳар хил одамлар бор. Оғзидан гуллаб қўйиши мумкин, уларга

қараганда кераклироқ одамларнинг бошига бало-қазо ёғдириши мумкин. Биз учун қонун ҳимоясида бўлиш биринчи даражали зарурат. Дон Корлеоне, мен сизнинг судьялардан жуда кўп ошна-оғайнилариңиз бор, деб эшитдим.

Дон Корлеоне бу мақтовга эътибор бермади.

– Биз оладиган улуш қанча бўлади? – сўради у.

Солоцонинг кўзлари чақнаб кетди.

– Эллик фоиз, – деди у. Бир оз тургандан кейин секин кўшиб кўйди. – Биринчи йили уч ёки тўрт миллион бўлади. Кейин улушингиз кўпайиб боради.

Дон Корлеоне дўстона деди:

– Сизни жиддий одам, деб эшитиб, учрашишга розилик бергандим. Ҳозир эса таклифингизни рад этишга мажбурман, лекин сабабини тушунтириб бераман. Сизлар кўзлаган иш келтирадиган фойда катта, лекин хавф-хатари ҳам катта.

Сиз билан ҳамкорлик қилгудек бўлсам, бошқа ишларимни зарба остига қўйган бўламан. Тўғри, муҳим сиёсий лавозимларда жуда кўп дўстларим бор, лекин улар қиморхоналар ўрнига наркотиклар билан шуғулланаётганимдан хабар топсалар, менга нисбатан муносабатларини кескин ўзгартирадилар. Қиморбозликни улар шунчаки ишқибозликка ўхшаган зарарсиз нарса деб ҳисоблайдилар. Наркотик моддалар савдоси эса уларнинг назарида жуда ифлос иш. Йўқ, йўқ, эътироз билдирманг. Мен эмас, улар шундай деб ҳисоблашади. Қандай йўл билан пул топиш ҳар кимнинг ўз иши. Мен сизнинг таклифингизнинг ўта хавфлилигини айтмоқчиман, холос. Мана, ўн йилдирки, оила аъзоларим тинч, беташвиш яшашмоқда. Очкўзлик қилиб уларнинг ҳаётини хавф остига қўёлмайман.

Солоццо Хейген ва Сонни томонга ёрдам умид қилиб, тез-тез қараб қўяётганлигидан у норози бўлаётганлигини сезиш мумкин эди.

– Сиз икки миллион пулингизнинг ташвишини қил-япсизми? – сўради у.

Дон Корлеоне куруққина кулиб қўйди.

– Йўқ, – деди у.

Солоццо яна бир уриниб кўрди.

– Сармоянгизнинг тўла сақланишига Таттальялар оиласи ҳам кафолат беради.

Шу чоқ Сонни қўпол хатога йўл қўйди.

– Яъни Таттальялар сармомизнинг сақланишини таъминлайди ва бунинг учун ҳақ талаб қилмайди, демокчисиз, шундайми? – қизиқиб сўради у.

Хейгеннинг вужуди музлаб кетди. У дон Корлеоне совуқ, ғазабли нигоҳини ўғлига қадаганини кўриб қолди. Сонни кўрққанидан бирданига талмовсираб қолди. Солоццонинг кўзлари яна чақнади, бу сафар унинг кўзларида мамнуният бор эди. У Корлеоне қалъасидаги нозик жойни топган эди. Дон Корлеоне яна гапира бошлади.

Шунда қабул маросими тугаганлиги аниқ бўлиб қолди.

– Ёшларга ҳамма нарса камлик қилади. Устига-устак ҳозирги ёшлар яхши тарбия кўришмаган. Катталарнинг гапини бўладилар. Дахли бўлмаган ишларга бурнини суқадилар. Мен фарзандларимни яхши кўраман. Уларни сал эркалатиб юборганимни кўриб турибсиз. Шундай қилиб, синьор Солоццо, менинг «йўқ» деганим охирги қатъий сўзимдир. Шунга қарамасдан ҳамма ишларингизда сизга шахсан омад тилайман. Мен бир-биримизга халақит бермаган ҳолда ўз ишимиз билан шуғулланаверишимиз мумкин, деб ўйлайман. Илтимосингизни рад қилганимдан афсусдаман.

Солоццо таъзим қилиб, дон Корлеоненинг қўлини қисди. Хейген уни машинагача кузатиб қўйди. Солоццо Хейган билан хайрлашганда унинг қиёфасидан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмасди.

Хейген хонага қайтиб кирди. Дон Корлеоне ундан сўради:

– Бу одам ҳақида қандай фикрдасан?

– У сицилиялик, – жавоб берди Хейген вазминлик билан.

Дон Корлеоне ўйчан бош силкиди. Кейин ўгли томон ўтирилиб, юмшоқлик билан шундай деди:

– Сантино, режаларингни, ўй-фикрларингни ҳеч қачон нотаниш одамга айтма. Бегона одамларга сиригини берма. Анави қиз билан ҳаддан ортиқча ўралашиб қолганлигинг туфайли ҳам миянг яхши ишламаяпти. Бас қил, иш билан шуғуллан. Энди эса бор.

Отасининг таъна-дашноmidан Соннининг аввал таажжубланганлигини, кейин нафратланганлигини Хейген кўриб турарди. Наҳотки, Сонни дон унинг янги саргузаштларидан беҳабар деб ўйласа? Наҳотки, ҳозир қандай жиддий хатога йўл қўйганлигини тушунмаган бўлса.

Шундай бўлгани ҳолда Хейген дон Сантино Корлеоне оиласида *consigliori* бўлишни хоҳламасди.

Дон Корлеоне Соннининг чиқиб кетишини кутиб турди. Кейин чарм қопланган креслога чўкди. Хейген қадаҳга ичкилик қуйиб узатди. Дон Корлеоне бошини кўтариб, нигоҳини унга қадади.

– Менга Люка Бразини чақириб бер, – деди у.

Орадан уч ой ўтди. Хотини ва болаларига Рождество байрами совғалари харид қилиш учун Хейген шаҳардаги идорасида ишни эртароқ тугатишга шошилаётганди. Телефон қўнғироғи унинг хаёлини бўлди. Жонни Фонтейн қувончини ифодалашга сўз тополмасди. Фильмни суратга олиш тугалланибди. Кўрикдан ҳам ўтибди. Катта шовшув кўтарилибди. Рождество байрамига дон Корлеонега мисли кўрилмаган ажойиб совға тайёрлаб қўйганмиш. Шахсан ўзи олиб борармиш. Ҳали иш тўла тугамаганмиш, Голливуддан жилишнинг иложи йўқмиш. Хейген бу гапларни чала-чулпа эшитди. Жонни Фонтейннинг сеҳрли сўзлари ҳеч қачон унга таъсир этмаганди. Шунга қарамасдан, у совғага қизиқиб қолди.

– Қанақа совға? – сўради.

Жонни Фонтейн қикирлаб кулди.

– Айтмайман! Қанақа совғалигини олдиндан айтиб қўйсам, қизиғи қолмайди.

Хейгеннинг диққати ошди ва мулойимлик билан гапни калта қилди.

Яна телефон жиринглади. Хейген қоғозларни бир четга қўйди. Ҳаммасининг падарига лаънат. Бўлди, ишни тугатаман. Уйга кетаман. Лекин барибир гўшакни олди. Қўнғироқ қилаётган Майкл Корлеоне эди. Хейгеннинг ранжишидан асар ҳам қолмади. У Майклни яхши кўрарди.

– Том, – деди Майкл Корлеоне, – эртага Кей билан бораман. Байрамгача отам билан гаплашиб оладиган муҳим гап бор. Эртага кечқурун отам уйда бўладими?

– Ташвишланмай келавер, уйда бўлади, – деб жавоб берди Хейген. – Рождество байрамида ҳеч ёққа бормайди. Яна нима гаплар бор?

Майклдан бирор нарсани сўраб билиш дон Корлеонедан сўраб билишдан осон эмасди.

– Бошқа гап йўқ, – деди у. – Байрамда кўришамиз, ҳамма тўпланадими?

– Ҳамма тўпланади, – жавоб берди Хейген. Майкл гўшакни илди. Қизик, бир оғиз ортиқча гап айтмайди-я!

Хейген бир оз кечикиб қолишини, лекин кечки овқат пайтида, албатта, уйда бўлишини хотинига айтиб қўйишни котибага тайинлади. У кўчага чиқиб, шошилиб магазин томон юрди. Шу пайт кимдир олдидан чиқиб, йўлини тўсди. Хейген ҳайратга тушди. Унинг олдида Солоццо турарди.

– Қўрқманг, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор, холос, – деди Солоццо секин ва Хейгеннинг қўлтиғидан олди. Йўл четида турган машинанинг эшиги очилди. Солоццо кескин қилиб:

– Биз гаплашиб олишимиз керак, ўтиринг, – деди.

Хейген қўлини тортди. У ҳали ҳеч қандай хавфхатарни сезмаган, фақат уни йўлдан қолдиришаётганидан ранжиганди.

– Шошиб турибман, – деди у.

Унинг орқасида шарпа пайдо бўлди. Бирдан Хейгеннинг тиззалари қалтираб кетди.

– Машинага ўтир, – деди Солоццо мулойим овозда. – Агар сени ўлдириш ниятим бўлганда аллақачон нариги дунёда юрган бўлардинг. Ҳа, ишонавер.

«Ишонавер? Солоццога-я?» Хейген машинага кирди.

Майкл Корлеоне Хейгенга ёлғон гапирганди. У Нью-Йоркдан, Хейген идорасидан тўрт қадам наридан, «Пенсильвания» меҳмонхонасидан қўнғироқ қилганди. Майкл телефон гўшагини қўйганда Кей Адамс чекаётган сигаретасини ўчирди.

– Аммо ёлғонни ҳам қойиллатиб ташлайсан-да, Майкл! Майкл каравотга, унинг ёнига ўтирди.

– Сени деб ёлғон гапиришга мажбурман, жонгинам. Агар бизникилар шу ердалигимизни билиб қолишса, дарҳол уйга боришга тўғри келади.

Унда ресторанда овқатланиш, театрга тушиш, бирга тунаш ҳақида гап-сўз ҳам бўлмайди. Тўйимиз бўлмагунча отамга кўринишни хаёлингга ҳам келтирма.

У Кейни аста кучоқлади, нозик лабларидан ўпди. Кей кўзларини юмди. Бахт дегани шу бўлса керак, ўйлади Майкл. Тинч океандаги лаънати оролларда қон кечиб, лойга ботиб жанг қилганда, у Кей Адамсдек ажойиб гўзал, хипча бел, бадани сутдай оппоқ қизни учратишни орзу қилганди. Кей кўзларини очиб, унинг бошини бағрига босди.

Улар Рождество байрамида шов-шувсиз, ими-жимида ўйланишга, дўстларидан икки кишини гувоҳликка олиб никоҳдан ўтишга қарор қилишганди. Лекин Майкл, албатта, отасининг олдидан бир қарра ўтиб қўйишни лозим деб топди. Отаси, албатта, қаршилик қилмайди. Фақат ундан сир тутишмаса бўлгани. Кей ота-онаси қаршилик қилмаслигига шубҳаланарди. Яхшиси, тўйгача уларнинг билмай турганлари маъкул.

– Ота-онам, албатта, мени ҳомиладор бўлса керак, деб ўйлашади, – деди Кей.

– Бизникилар бундай деб ўйлашмайдимми? – жилмайди Майкл.

Майклнинг оиласидан бирмунча узоқроқ туришга тўғри келишлари ҳақида иккаласи ҳам лом-мим дейишмади. Тўғри, Майкл унингсиз ҳам қариндош-уруғларидан узоқлашиб кетганди. Лекин ҳар ҳолда айбдорлик туйғуси ҳар иккисини ҳам бир оз қийнади. Ўқишлар тугагунга қадар шанба ва якшанба кунларигина учрашиб туришга, таътилни бирга ўтказишга тўғри келади. Бахтли оилавий турмушдан нимаси ёмон...

Театрга тушиб, «От ўйин» спектаклини томоша қилишди. Спектакль тугагач, кўчага чиқишди. Салқин тушиб совуқ бўлиб қолганди. Кей Майклнинг пинжига кирди.

– Уйланганимиздан кейин сен ҳам мени дўппослаб калтаклайсан, кейин анави қўшиқда куйланганидек, менга совға қилиб юлдузни ўғирлаб келасан, шундайми?

Майкл қулиб юборди.

– Мен математикадан дарс бераман... – Кейин сўради: – Хоҳлайсанми, меҳмонхонага боришдан олдин тамадди қилиб оламиз?

Кей рад қилди, лекин Майклнинг овқатлангиси бор эди. Бўпти, хонага бутерброд келтиришга буюртма беради.

Вестибюлда Майкл Кейни туртиб, дўкон томонни кўрсатди.

– Мен хонанинг калитини олгунча, сен газета сотиб ол.

Майкл навбатга турди – урушдан кейин меҳмонхоналарда хизматкорлар етишмасди. Ниҳоят, калитни олиб, шошилиб у ёқ-бу ёққа қаради. Кей дўкон ёнида қўлида газета билан турарди. Майкл унинг ёнига келди. Кей бошини кўтарди. Унинг кўзи тўла ёш эди, Кей йиғларди.

– Майк, – деди у. – Оҳ, Майк!

Майкл унинг қўлидан газетани юлиб олди. У отанинг кўприк устида қонга ботиб ётган суратини кўрди. Укаси Фредди отасининг ёнида, йўлакда йиғлаб ўтирарди. Майклнинг бутун вужуди музлаб кетди. Унинг қиёфасида ғам-андух ҳам, даҳшат ҳам йўқ эди, фақат чексиз қаҳр-ғазаб бор эди.

– Сен хонага чиқавер, – деди у Кейга.

Бироқ лифтга қадар Кейни қўлтиқлаб боришга тўғри келди. Иккаласи биргаликда жим юқорига кўтарилишди. Хонага киргач, Майкл каравотга ўтириб газетани ёзди ва сарлавҳага кўз югуртирди:

ВИТО КОРЛЕОНЕГА ЎҚ УЗИШДИ.  
ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН РЭЖЕТЧИЛАР  
САРДОРИ ҚАТТИҚ ЯРАЛАНГАН.  
ВРАЧЛАР ПОЛИЦИЯНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН  
СОҚЧИЛИГИ ОСТИДА ОПЕРАЦИЯ  
ҚИЛМОҚДАЛАР. ҚОНЛИ ХУНРЕЗЛИК  
БЎЛИШ ЭХТИМОЛИ БОР.

Бирдан Майклнинг тиззалари қалтираб кетди.

– Хайрият, тирик экан. Аблахлар отамни ўлдириша олмабди, – деди у.

Кейин хабарни қайта ўқиб чиқди. Соат бешда отишган. Демак, Кей иккаласи тўшакда кўнгилихушлик қилиб ётишган пайтда, бирга овқатланишган, театрда ўтиришган пайтларда ажал отасининг орқасидан соядек эргашиб юрган. Майклнинг тишлари гижирлаб кетди.

– Касалхонага борамизми? – сўради Кей.

Майкл бош чайқади.

– Аввал уйга кўнғироқ қилиб кўрай. Отамга ҳеч нарсадан тап тортмайдиган аблахлар ўқ узишган. Агар улар отамнинг тирик қолганлигини билишса, ҳар қандай разилликка қўл уришлари мумкин. Улардан ҳар нарсани кутса бўлади.

Уйдаги ҳар икки телефон ҳам банд эди. Майкл йигирма дақиқалардан кейин кўнғироқ қилолди, холос. Гўшакни Сонни олди.

– Лаббай.

– Сонни, бу менман, – деди Майкл.

Сонни енгил нафас олди.

– Ўх, лаънати, бу ерда биз сенинг ташвишингни қилиб, кўрқиб ўтирибмиз. Қаерларда юрибсан? Шаҳарчангга одам юбордик, хабар олиб кел, деб.



– Отамнинг аҳволи қандай? – сўради Майкл. – Қаттиқ жароҳатланганми?

– Жуда қаттиқ, беш марта ўқ теккан. Лекин бўш келмаяпти, – Соннининг овозида ғурурланиш туйғуси пайдо бўлди. – Врачлар тузалиб кетади, дейишяпти. Менга қара, ҳозир бандман, сен билан гаплашолмайман. Ҳозир қаердасан?

– Нью-Йорқдаман, – жавоб берди Майкл. – Менинг келишимни Том айтмадими?

Сонни тугилиб қолди.

– Томни ушлаб кетишибди. Сендан нега ташвишланганимни энди тушунгандирсан? Хотини шу ерда ўтирибди. Ҳали қеч нарсадан хабари йўқ. Полиция ҳам билмайди. Ҳозирча шундай бўлгани маъқул. У аблаҳлар қандай ишга қўл уришганини жуда яхши билишган. Дарҳол уйга етиб келиб, оғзингга талқон солиб ўтирасан, тушундингми?

– Тушундим! – деди Майкл. – Бу кимларнинг иши эканлиги маълумми?

– Албатта-да, – жавоб берди Сонни. – Шошилмай тур, Люка Брази келсин, таъзирини беради уларнинг.

– Бир соатдан кейин такси билан етиб бораман, – деди Майкл.

У телефон гўшагини илди. Мана уч соатдирки, газета сотиляпти. Балки, радиодан ҳам эшиттиришгандир. Наҳотки, Люканинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаса? Люка Брази қаёққа гумдон бўлдийкин? Хейген ҳозир шу ҳақда ўйлаётганди. Бу савол Сонни Корлеонени ҳам ташвишга солаётганди.

Дон Корлеоне соат ўн беш дақиқа кам бешда зайтун мойи билан савдо қилувчи компания бошқарувчиси тақдим этган ҳисоб-китоб қоғозларини кўздан кечириб бўлди. Пиджагини кийиб, газета ўқиб ўтирган Фреддининг бошига чертиб қўйди.

– Гаттога айт, машинани келтирсин, – деди. – Ишни тугатдим. Уйга кетамиз.

Фредди норози оҳангда тўнғиллади.

– Машинани ўзим келтираман. Поли касал, кўнғироқ қилди, шамоллаб қолганмиш.

Дон Корлеоне ўйчан деди:

– Шу ойнинг ўзида учинчи марта шундай бўляпти. Бақувватроқ хайдовчи топишга тўғри келади, шекилли. Томга айтиб қўй.

Фред эътироз билдирди.

– Йўқ, Поли ишга ярайди. Ахир ҳар бир одам ҳам касал бўлиши мумкин. Машинани келтириш ҳам иш бўлганими.

У чиқди. Дон Корлеоне деразадан ўғли тўққизинчи авеньюдан ўтиб, автомобиллар турадиган жой томон бораётганини кўрди. Дон Хейгенга кўнғироқ қилиш учун бир оз ушланиб қолди. Хейгеннинг идорасидан ҳеч ким жавоб бермади. Кейин уйига кўнғироқ қилди. Уйда ҳам ҳеч ким телефонни кўтармади. Қизиқ. Дон яна деразадан қаради. Машина йўлакда турарди. Фредди машина қанотига суянган ҳолда қўл қовуштириб, магазинларга байрамолди савдосига келган одамларни томоша қиларди. Дон пиджагининг тугмасини қадади. Бошқарувчи унга пальтосини узатди, у раҳмат деб минғирлади ва зинапоядан пастга туша бошлади. Идора иккинчи қаватда эди.

Қиш бўлганлиги сабабли тез қош қорая бошлади. Йўлакдан отаси чиқиб келаётганини кўрган Фредди машинани айланиб ўтиб, рулга ўтирди. Дон Корлеоне машина эшигини очмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтиб, бурчакдаги мева-чева сотиладиган бозорча томон юрди. Яқиндан бери бу унга одат бўлиб қолганди. Қиш пайтида пештахталарда товланиб турган меваларни, сап-сарик шафтолиларни, апельсинларни кўриб завқланарди. Мевафуруш уни хушмуомалалик билан қарши олди. Дон Корлеоне мевага қўл тегизмас, бармоқлари билан кўрсатарди. Мевафуруш фақат бир марта эътироз билдирди: дон танлаган шафтолининг бир ёни сал заҳаланган эди. Дон Корлеоне мева тўла қоғоз халтани олди, пулини тўлади,

қайтимини олди ва машина томон юрди. Бурчақда, унинг қаршисида икки кимса пайдо бўлди. Дон Корлеоне яшин тезлигида вазиятни тушунди.

Нотаниш кимсалар қора пальто кийишиб, қора шляпаларини кўзигача тушириб олишгани учун уларни таниб олиш қийин эди. Лекин улар ҳисобдан янглишган эдилар. Дон Корлеоне чаққон ҳаракат қиларди. У қўлидаги қоғоз халтани улоқтирди-да, ўзининг оғирлигига мос бўлмаган чаққонлик билан машина томон югураркан:

– Фредо! Фредо! – деб бақирди.

Фақат шундагина нотаниш икки кимса унга қараб автоматдан ўқ узишди. Биринчи ўқ дон Корлеоненинг орқасига тегди. Икки кураги ўртасига кимдир болға билан қаттиқ ургандай бўлди, шунга қарамасдан бор куч-қувватини тўплаб, машина томон шошилди. Яна икки ўқ думбасига тегди. Дон йўл ўртасида йиқилди. Қувиб келаётган икки кимса оёқлари остида сочилиб ётган мевалар устидан сакраб ўтиб, тугатиб қўя қолиш учун Донга яқинлаша бошладилар. Лекин орадан беш сония ҳам ўтмаган эдики, отасининг чинқирғинини эшитган Фредерико машинадан отилиб чиқди. Нотаниш кимсалар йиқилиб ётган донга қараб яна шоша-пиша икки марта ўқ узишди. Бир ўқ Доннинг қўлига тегди, суягига ўтмади, иккинчиси ўнг сонига тегди. Жароҳатлар енгил бўлишига қарамасдан кўп қон кетди, дон қонга беланиб ётарди. У хушидан кетди.

Фредди отаси уни болаликдаги исмини айтиб чақираётганини, дастлабки икки ўқ овозини эшитди. Машинадан сакраб тушди-ю, тахтадай қотиб қолди, ҳатто автоматини елкасидан олишни ҳам унутди. Қотиллар уни отиб ўлдиришлари мумкин эди. Лекин уларнинг асаблари дош бермади. Бурчақдан ўтиб ғойиб бўлдилар. Фредди қонга беланиб ётган отаси билан бир ўзи қолди. Ўткинчилар йўлакларга яшириндилар, кимдир ерга ётди, бошқалар қўрқишиб бир жойга тўпланиб олдилар.

Фредди қўлига қурол олмади. У қарахт бўлиб қолганга ўхшарди. Фредди қон тўпланган кўлмакчага мукка тушиб

ётган отасига маъносиз тикилиб турарди. Кўлмакча унга худди қора кўлга ўхшаб кўринарди. У қоқшол теккан одамдай серрайиб туриб қолди. Аста-секин яширинган жойларидан одамлар чиқа бошладилар, шов-шув кўтарилди. Фредди пастга сурилиб кетаётганлигини кўрган аллаким уни тортиб йўлак чеккасига ўтқазиб қўйди. Дон Корлеоне олдига оломон тўпланди. Одамлар тўпланиб турган жойга сиренасини чинқиртиртиб биринчи полиция машинаси келгандагина оломон тарқалди. Полиция кетидан «Дейли ньюс» газетасининг радио қурилмаси ўрнатилган машинаси етиб келди. Ундан суратчи сакраб тушди-да, қонга беланиб ётган дон Корлеонени суратга ола бошлади. «Тез ёрдам» машинаси пайдо бўлди. Суратчи ўтириб олиб, хўнграб йиғлаётган Фреддини суратга олишга киришди. У юзига, қалин лабларига, семиз бурнига кўз ёшни суртаётганини кўриш ачинарли ва кулгили эди. Оломон ичига фуқаро кийимидаги хуфиялар келиб қўшилди. Аллақандай бир хуфия Фреддининг олдига чўккалаб ўтириб олиб, унга саволлар берарди. Фредди ҳамон ўзига келолмасди. Хуфия унинг чўнтагига қўл солиб, ҳамёнини олди. Ҳайдовчилик гувоҳномасига кўз югуртирди-ю, шеригига қараб ҳуштак чалди. Дарҳол фуқароча кийим кийган полициячилар Фреддини оломондан ажратиб қўйишди. Биринчи хуфия унинг елкасидан автоматни олди. Фреддини турғизишиб, ҳеч қанақа белгиси бўлмаган машинага туртиб киритишди. Суратчи ҳамон ҳамма нарса ва ҳамма одамларнинг суратини оларди.

Суиқасд қилингандан кейин ўтган ярим соат вақт мобайнида Сонни Корлеоненинг телефони тўрт марта жиринглади. Биринчи бўлиб қўнғироқ қилган одам хуфия Жон Филипс эди. У Корлеонелар хонадонидан моёна олиб турарди. Воқеа содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган машинадаги хуфиялар орасида у ҳам бор эди.

– Мени танияпсизми? – сўради у.

– Албатта, – жавоб берди Сонни. Хотини телефонга қақирган пайтда у мудраб ўтирганди.

Филипс бидирлаб шуларни айтди:

– Отангизни кимдир идораси ёнида отиб кетибди. Ўн беш дақиқа бўлди. Отангиз тирик, лекин қаттиқ яраланган. Укангиз Фредди ҳозир Челсида, полиция бўлимида. Жавоб беришгач, унга врач чақиринг. Ҳар эҳтимолга қарши мистер Корлеоне маълумот бера олар, деб касалхонага кетяпман. Сизни хабардор қилиб тураман.

Соннининг хотини Сандро эрининг юзи оқариб, кўзлари шишадек совуқ ялтираганини кўриб:

– Тинчликми, нима бўпти? – деб сўради пичирлаб.

Сонни ундан нари сурилди ва телефонни тўсиб ўтириб олди.

– Тириклиги аниқми?

– Аниқ. Кўп қон йўқотган. Шунга қарамасдан тузук. Бундан ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин эди.

– Раҳмат, – деди Сонни. – Эртага эрталаб соат саккизда уйда кутиб туринг, мендан минг доллар олиб бориб беришади.

У икки қўли билан столга таяниб туриб қолди. Ҳеч қаёққа чиқмасликка ўзини мажбур қилди. Соннининг энг нозик жойи жаҳли чиққанда ўзини тута билмаслиги эди. Бунга ўзи ҳам яхши биларди. Ҳозир ўзини тута билмаслик ҳалокатга дучор бўлиш билан баробар эди. Энг аввал, Том Хейген билан боғланиш керак. Гўшакка қўл узатишга улгурмагани, яна телефон жиринглади.

Бу гал қўнғироқ қилган «Дейли ньюс» репортёри эди. У исми-шарифини айтиб улгурмасданок Сонни гўшакни улоқтириб ташлади.

Кейин Хейгеннинг рақамини терди. Гўшакни хотини олди.

– Том уйдами? – сўради Сонни.

– Йўқ. Йигирма дақиқалардан кейин бўлади. Кечки овқатга келишини кутяпман.

– Менга қўнғироқ қилсин, – деди Сонни.

У вазиятга тўғри баҳо беришга, унинг ўрнида бўлганда отаси қандай йўл тутишини тасаввур этишга ҳаракат қилди. Суиқасд Солоццонинг иши эканлигига

заррача ҳам шубҳа йўқ эди, лекин бирор кимсанинг катта мададига таянмаса Солоццо ҳеч қачон дондек одамга қўл кўтаришга журъат этолмасди. У ўйининг охирига етмаганди ҳамки, телефон учинчи марта жиринглади. Гўшакдан юмшоқ, нозик овоз сўради.

– Бу Сантино Корлеонеми?

– Ҳа, менман, – жавоб берди Сонни.

– Том Хейген бизнинг қўлимизда, – деди қўнғироқ қилган одам. – Уч соатдан кейин қўйиб юборамиз. У бизнинг таклифларимизни сенга етказди.

Ҳозирча шошилма. Ортиқча қўнғилсизликнинг кераги йўқ. Бўлар иш бўлди. Ўйлаб иш қил. Қизиққон одамлигини ҳамма билади. Ўзингни бос.

Телефондаги одамнинг овозида пичинг бор эди. Қўнғироқ қилган Солоцзонинг ўзи бўлса керак, лекин аниқ айтиш қийин эди. Сонни атайин қайғули овоз билан:

– Яхши, кутаман, – деди.

Солоццо гўшакни қўйди. Сонни катта олтин соатига кўз ташлади-да, оқ клеёнкага телефонда гаплашган вақтини ёзиб қўйди:

У ғамгин стол ёнидаги ўтирғичга ўзини ташлади.

– Нима гап, Сонни? – сўради хотини.

– Отамни отиб қўйишибди, – жавоб берди у.

Хотинининг юзидаги ваҳимани кўриб дағалроқ овозда қўшиб қўйди.

– Йиғлама, отам тирик экан. Ташвиш қилма, бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

У Хейген ҳақида гапириб ўтирмади. Телефон тўртинчи марта жиринглади. Бу Клеменца эди. Гўшакдан бақалоқнинг хириллаган овози эшитилди.

– Отанг билан бўлган воқеани эшитдингми? – сўради у.

– Эшитдим, – деди Сонни. – Лекин отам тирик. Узоқ жимликдан сўнг Клеменца энтикиб нафас олди.

– Хайрият-э, Худога шукур, минг қатла шукур.

Дарҳол шошиб сўради:

– Аниқ биласанми? Ўша ернинг ўзида, кўчада ўлип-ти, деб эшитдим.

– Аниқ, тирик, – деди Сонни. У Клеменцанинг ҳар бир сўзини бутун вужудини қулоқ қилиб тинглади. Клеменца, ҳақиқатан ҳам, ташвишлангандай туюларди, лекин айна пайтда хизмат тақозоси ундан яхшигана артист бўлишни ҳам талаб қиларди-да!

– Энди сен иш бошлашинг керак, Сонни, – деди Клеменца. – Менга қанақа хизмат бор?

– Дарҳол бу ёққа кел, – буюрди Сонни. – Поли Гаттони ҳам олиб кел.

– Бошқа гап йўқми? – сўради Клеменца. – Балки, йигитларни касалхонага ва сенинг олдинга жўнатиш керакдир?

– Йўқ, Поли Гатто билан етиб кел.

Орага жимлик чўқди. Клеменца баъзи бир нарсаларни тушуна бошлади. Сонни овозига табиий тус берди.

– Дарвоқе, Поли қаерларда юрибди? Лаънати нима иш қиляпти?

Гўшақдаги бўғиқ овоз жим қолди. Клеменца анчадан кейин жавоб берди.

– Соғлигининг мазаси йўқ, шамоллаб қолибди. Уйда ётибди. Қиш ичи оғриб чиқди.

Сонни дарров хушёр тортди.

– Кейинги ойларда неча марта ишга чиқмади?

– Уч-тўрт марта, – деди Клеменца. – Ҳар гал ўрнига бошқа одам юборишни Фреддига таклиф қилдим, у керакмас деди. Ташвишланишга ўрин йўқ эди, ўзинг биласан, ўн йилдан бери бинойидек ишлаб келаётганди.

– Тўғри, – деди Сонни. – Иккалангизни отамнинг уйида кутаман. Полисиз келма. Йўл-йўлакай учраб, олиб кел. Касалми, соғми, бунинг аҳамияти йўқ. Тушундингми?

Клеменцанинг жавобини кутмасданоқ гўшақни қўйди.

Хотини унсиз йиғларди. Сонни у томонга қаради-да, бўғиқ овоз билан:

– Ўзимизникилар сўрашса, отамнинг уйига, унинг шахсий телефони орқали қўнғироқ қилишсин. Бегона

одамлар сўрашса, билмайман, деб айт. Томнинг хотини кўнғироқ қилса, эринг ишда бир оз ушланиб қолармиш, деб қўй, – деди. Бир оздан кейин: – Бирор гап бўлса кўнғироқ қил, лекин худа-беҳудага кўнғироқ қилма. Кейин йиғини бас қил, – деб қўшиб қўйди.

У уйдан чиқди.

Атрофга қоронғилик чўккан, декабрь шамоли ачи-тиб эсарди. Сонни ўзини зулмат қўйнига урди. Хиёбон атрофига ярим ҳалқа шаклида қурилган саккиз уйнинг ҳаммаси дон Корлеонега қарашли эди. Кираверишдаги икки уйда доннинг ишончли одамлари оила аъзолари билан яшашарди, биринчи қаватдаги уйлар бўйдоқларга берилган бўлиб, улар ҳам донга қарашли одамлар эди. Қолган олти уйдан бирида Том Хейген, яна бирида Сонни, учинчи оддийгина чоғроқ уйда дон Корлеоненинг ўзи яшарди. Қолган уч уй доннинг хизматни тугаллаган, аммо зарурат туғилиб қолганда эшитган заҳотиёқ ёрдамга етиб келадиган дўстларига бепул берилганди. Боғ ичидаги бир парчагина бу ер, ҳақиқатан ҳам, қалъа сингари мустаҳкам эди.

Саккиз уйнинг ҳар бири устидаги прожекторлар атрофни кундузгидек ёритиб турар, бу ерда бирор кимсанинг пусиб, яшириниб олиши мумкин эмасди. Сонни бошқа томондан кирди ва ўзининг калити билан уйнинг эшигини очди.

– Ойи, қаердасиз? – чақирди у.

Онаси ошхонадан чиқиб келди. Димоққа қовури-лаётган қалампирнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди урилди. Сонни онасини қўлидан ушлаб, стулга ўтқазди.

– Менга ҳозир кўнғироқ қилишди, – деди у. – Сиз ташвишланманг. Отам касалхонага тушиб қолибди. Яра-ланган. Кийининг, отамнинг олдига борасиз. Ҳозир ма-шина келади. Хўпми, ойижон?

Онаси унинг юзига тик қаради.

– Отангни отиб қўйишибдимми? – сўради ойиси итал-ян тилида.

Сонни «ҳа» дегандай бош қимирлатди. Онаси бир дақиқа тақводорлик билан бош эгди-да, ошхонага қайтиб



кириб кетди. У онаси газни ўчириб, овқат пишаётган товани плита устидан олиб қўйиб, ошхонадан чиқиб, пиллапоядан отасининг ётоқхонасига кўтарилгунга қадар қараб турди. Кейин бурчакдаги катта хонага – отасининг иш хонасига ўтди, махсус тайёрланган стол тортмасини очиб, телефон ашпаратини чиқарди. Бу дон Корлеоненинг номаълум манзил бўйича номаълум одам номига расмийлаштирилган махфий телефони эди. Сонни дастлаб Люка Бразига кўнғироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермади. Кейин Бруклинда яшайдиган, дон Корлеонегга бениҳоят содиқ бўлган иккинчи сароғегиме Тессюга кўнғироқ қилди. Унга бўлган воқеани айтиб, ишончли одамлардан элликтасини танлаш тўғрисида кўрсатма берди. Бу одамларнинг бир қисмини бу ерга, Ланг-Бичга юбориш зарурлигини, иш борлигини айтди.

– Клеменцям ўйиндан чиқдимиз? – сўради Тессю.

– Ҳозирча Клеменцанинг одамларидан фойдаланмоқчи эмасман, – жавоб берди Сонни.

Тессю гап нимадалигини тушунди, бир оз жим тургандан кейин:

– Мени кечиргин-у, Сонни, аммо сенга отанг айтдиган гапни айтмоқчиман. Қизиққонлик қилма, оғир бўл. Мен Клеменцанинг сотқинлик қилишига ишонмайман.

– Начора, раҳмат, – деди Сонни. – Бунга мен ҳам ишонмайман, аммо энг аввало, ўзимизга хушёр бўлишимиз керак, тўғрими?

– Тўғри, – маъқуллади Тессю.

– Яна бир гап, – деди Сонни. – Хабаринг бор, Майкл Хановерда, дорилфунунда. Бостондаги одамларимиздан бироргасини жўнат. Уни бу ерга олиб келсин. Тўполонлар босилгунча биз билан бирга туради. Кўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўяман. Ҳар эҳтимолга қарши. Ҳозирги шароитда ҳар нарсани кутиш мумкин.

– Маъқул, – деди Тессю. – Ҳозир топшириқларингни бажариб қўйиб, етиб бораман. Йигитларимни танийсанми?

– Таниб оламан. – Сонни шундай деб гўшакни қўйди.

У девор ичига жойлаштирилган кичкина сейфни очди. Тери муқовали алфавитли кўк китобчани қўлига олди. Истаган нарсасини топгунча уни varaқлади. «Рей Фаррел. Рождество байрамига 5000\$». Бу сўзлар ёнида телефон рақамлари ёзилганди. Сонни рақамларни териб сўради:

– Бу Фаррелми?

– Ҳа, мен, – деган овоз эшитилди гўшақдан.

– Мен Сантино Корлеонеман, – деди Сонни. – Сизга шошилинич бир илтимос бор. Иккита телефонни текшириб берсангиз. Кейинги уч ой мобайнида бу телефонлардан қайси телефонларга кўнғироқ бўлган ва бу телефонларга кимлар кўнғироқ қилган.

У Фаррелга Поли Гатто ва Клеменцанинг уй телефонларини айтди.

– Бу жуда муҳим. Агар бугун билиб берсангиз, Рождество байрамини яна ҳам кўнғиллироқ ўтказишингиз мумкин бўлади.

Энди бошни қотириб ўйлаш керак, бироқ аввал Люка Бразига яна бир марта кўнғироқ қилиш лозим эди. Яна ҳеч ким жавоб бермади. Бу Соннининг шубҳасини оширди. У шубҳали хаёлларни калласидан қувди. Люка бу хабарни эшитиши биланоқ етиб келади. Сонни креслога ўзини ташлади. Бир соатдан кейин уйга одам сиғмай кетади. Уларнинг ҳар бирига топшириқ бериш керак. У ҳозир ниҳоят ўйлаб кўриш учун вақт топилгандагина даҳшатли воқеа юз берганини бутун вужуди билан ҳис этди. Бу ўн йил мобайнида дон Корлеоне оиласига ва унинг салтанатига нисбатан биринчи қарши чиқиш эди. Бу Солоццонинг иши эканлиги аниқ эди, лекин Нью-Йоркдаги энг йирик беш зодагонлар оиласидан ҳеч бўлмаганда биттасининг ёрдамига таянмаса, Солоццо бу ишга ҳеч қачон журъат этолмасди. Бу Таттальялар оиласи бўлса керак. Демак, ё уруш бўлади ёки Солоццонинг таклифларини қабул қилган ҳолда тўла таслим бўлиш керак. Сонни ғамгин кулиб қўйди. Турк ҳамма нарсани

мукаммал ҳисобга олганди, бироқ омад ундан юз ўтирди. Дон тирик қолди, демак уруш бўлади. Корлеонелар оиласининг куч-қудрати ва алоқалари, бунинг устига уларнинг ихтиёрида Люка Бразидек хуфия борлиги ҳисобга олинса, уруш қандай тугабини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Сонни яна шубҳага, ташвишга тушиб қолди. Люка Брази қаёққа ғойиб бўлдийкин?

### УЧИНЧИ БОБ

Хейгенни ҳам қўшиб ҳисоблаганда машинада беш киши бор эди. Уни орқага, кўчада тўсатдан орқасида пайдо бўлган икки киши ўртасига ўтқазиди. Солоццо олдинда ўтирарди. Хейгеннинг ўнг томонида ўтирган кимса унга қараб шляпасини кўзига бостириб қўйди. Хейген ҳеч нарса кўрмай қолди.

Анча узоқ, йигирма дақиқалар чамаси йўл юришди. Машинадан тушишганда Хейген қаерга келиб қолишганини аниқлай олмади – қоронғи тушиб қолганди. Уни ярим ертўлага олиб киришиб, стулга ўтқазиб қўйди. Солоццо рўпарасидаги стол орқасига ўтирди. Унинг буғдойранг юзида бургутга хос қандайдир ваҳшиёна ифода бор эди.

– Сен кўрқмасанг ҳам бўлади, – деди у. – Сен Корлеонелар оиласининг мияси эканлигини, ишни бошқалар қилишини биламан. Мен уларга ҳам, менга ҳам ёрдам беришингни истайман.

Хейген сигарета тутатди, унинг қўллари қалтирарди. Кимдир бир шиша арақ келтирди. Қаҳва ичиладиган финжонга арақдан қўйиб, унга узатди. Хейген арақни ютоқиб ичиб юборди. Титроғи босилди, оёқларига ҳам мадор киргандай бўлди.

– Хўжайининг нариги дунёга равона бўлди, – деди Солоццо ва жим бўлиб қолди. Хейгеннинг кўзлари ёшланганди. Солоццо давом этди: – Уни кўчада, шундоққина идорасининг олдида отиб ўлдиришди. Менга хабар беришлари биланоқ сенинг олдинга жўнадим. Сонни билан битим тузишимизга ёрдам берсанг.

Хейген жим ўтирарди. Доннинг ўлимини эшитиб, чуқур қайғуга тушганидан ўзи ҳайратда эди. Ўлим ва кўрқиш ҳис-туйғуси аралаш-куралаш бўлиб кетди.

Солоццо давом этди:

– Сонни менинг таклифимни қабул қилган бўларди. Тўғрими? Сен ҳам яхши биласан, бу – шуғулланса арзийдиган иш. Келажак наркотик моддалар билан савдо қилувчиларники. Икки йилдан кейин ҳаммамиз бойиб кетамиз. Бу ишнинг таги олтин. Дон ҳаётдан орқада қолган одам эди, унинг даври ўтганди. Бунини ўзи ҳам сезмай қолди. Қуйиниб нима қиласан, фойдаси йўқ, ўлган одамни тирилтириб бўлмайди. Мен яна битим тузишга тайёрман, сен эса Соннини рози бўлишга кўндирасан.

– Бу беҳуда иш, – деди Хейген. – Сонни охирги қони қолгунча қасос олади.

Солоццо унинг гапини бўлди:

– Дастлабки пайтларда қизиққонлик қилиб, шундай дейди. Ақлини жойига келтириб қўйиш керак. Мени Таттальялар ва улар тарафидаги ҳамма одамлар қўллаб-қувватлайдилар. Нью-Йоркдаги бошқа корчалон оилалар эса очик урушни бартараф этиш учун ҳамма ишни қиладилар. Чунки уруш бўлса одамлар ўлади, иш ўлда-жўлда қолиб кетади. Агар Сонни билан бир битимга келишса олсак, Америкада бирорта оилавий синдикат, ҳатто доннинг энг қадрдон эски дўстлари ҳам бизга халақит беролмайди.

Хейген тирноқларига тикилиб жим ўтирарди. Солоццо тилёғламалик билан давом этди:

– Энди дон илгаригидек абжир, сезгир дон эмасди. Илгари уни ғафлатда қолдириб бўлмасди. Сени ўзига *consigliori* қилиб тайинлагани учун ҳам бошқа оилалар унга ишонмай қўйишди. Ахир сицилиялик эмассан-да, ҳатто италиялик ҳам эмассан. Агар иш урушгача бориб тақаладиган бўлса, Корлеонелар оиласи тамом бўлди, деявер. Бундан ҳамма ютқазади, шу жумладан, мен ҳам. Корлеонеларнинг сиёсатдонлар билан алоқаси мен учун пулдан кўра муҳимроқ. Сонни билан, *caporegimesi* би-

лан гаплашиб кўр, қон тўкилишининг олдини олишга ёрдам бер.

Хейген финжонни узатди, унга яна арақ қуйиб беришди.

– Уриниб кўраман, – деди Хейген. – Тўғри, Соннини кўндириш қийин. Люка Бразини эса Сонни ҳам тўхтатиб қололмайди. Сизлар Люкадан эҳтиёт бўлишинглар керак. Агар сизлардан воситачи бўлиб борадиган бўлсам, мен ҳам ундан эҳтиёт бўлишим керак.

– Люкани менга қуйиб бер, – деди Солоццо бепарво. – Сен Сонни ва доннинг қолган ўғиллари билан шуғуллан. Менга қара, уларга айтиб қўй, бугун менинг йигитларим Фреддини ҳам отаси билан қўшмозор қилишлари мумкин эди, мен рухсат бермадим. Муносабатларни беҳуда чигаллаштиришнинг нима кераги бор? Айтиб қўй, Фредди тирик қолганлиги учун мендан бир умр қарздор.

Хейген ниҳоят ўзини тутиб олди. Фақат эндигина Солоццо уни ўлдирмоқчи эмаслигини тушунди. Ўлим ваҳимаси чекинди. Хейген аллақандай енгиллик ҳис қилди ва уялганидан қизариб кетди. Солоццо масхаромуз илжайиш билан унга қараб турарди.

Қандай йўл тутса тўғри бўларкин? Агар Солоццонинг воситачиси бўлишдан бош тортса ўлдириб юборишлари мумкин. Нега бош тортади? У Солоццонинг таклифини батафсил баён этади, холос. Бу ҳар қандай *consigliorini*нинг вазифасига киради. Агар жиддий ўйлаб кўриладиган бўлса, Солоццо унчалик ҳам ноҳаққа ўхшамайди. Таттальялар ва Корлеонелар ўртасида хунрезлик бўлишига ҳар қандай вазиятда ҳам йўл қўймаслик керак. Корлеонелар оиласи донни охириги йўлга кузатиб, ҳамма нарсани унутишса ва бир битимга келишса яхши бўларди. Вақти келиб Солоццо билан ҳисоб-китоб қилиб олиш мумкин.

Хейген бошини кўтарди – Солоццо унинг ўй-фикрларини ўқиб турганга ўхшарди. У кулиб қўйди. Шу пайт Хейгеннинг миясида чақмоқ чақилгандек бўлди. Люка Брази қаерда, нега Солоццо бепарво кулимсираб ўтирибди? Люка буларга сотилган бўлса-я! Хейген дон

Корлеоне Солоцонинг таклифини рад этган куни Люка Бразини хузурига чақирганини эслади. Улар ўртасида қандай суҳбат бўлиб ўтганини ҳеч ким билмади. Ҳозир ўша гапларни эслайдиган пайтми? Ҳозир фақат бу қашқирлар қўлидан соғ-омон чиқиб, Корлеонелар оиласининг Ланг-Бичдаги мустаҳкам қўрғонига кириб олиш тўғрисида ўйлаш керак.

– Қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, – деди у Солоццога. – Гапларингиз тўғри деб ўйлайман. Бундай вазиятда дон Корлеоненинг ўзи бизга фотиҳа берган бўларди.

Солоццо мамнун бўлгандай бош қимирлатди.

– Жуда соз, – суҳбатга яқун ясади у. – Қон тўкилишини ёқтирмайман. Мен корчалон одамман, қон тўкилиши эса қимматга тушади.

Телефон жиринглади, Хейгеннинг орқасида ўтирганлардан бири гўшакни олди. Бир оз жим тургач, қисқа қилиб:

– Хўп, айтиб қўяман, – деди.

У Солоцонинг олдига келиб, унинг қулоғига алланималар деб пичирлади. Туркнинг юзи докадай оқариб, кўзлари чақнаб кетди. Хейгеннинг бутун танасида чумоли ўрмалаб юргандай бўлди. Солоццо бир нарсаларни ўйлагандай унга қаради. Бирдан Хейген қўйиб юбормасликларини тушуниб қолди. Нимадир юз берди, у билан ўлимнинг ораси яна икки қадам бўлиб қолди.

– Чол ўлмабди. Бу сицилиялик тўнғизнинг танаси бешта ўқ билан илма-тешик бўлса ҳам ўлмабди, тирик қолибди.

Солоццо тақдирга тан бергандай елкасини қисди.

– Омадимиз келмади, – деди у Хейгенга. – Сенинг ҳам, менинг ҳам. Омад биздан юз ўгирди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Майкл Корлеоне отасининг Лонг-Бичдаги уйига яқинлашаркан, боққа кираверишдаги тор йўлакка қўндалангига оғир занжир тортиб қўйилганини кўрди. Сак-

киз прожектор ярим ҳалқа шаклидаги майдончани ёри-тиб турарди. Қайрилма йўл четида ўнга яқин машина қатор тизиб қўйилганди.

Занжирга ўтириб олган икки киши ўзаро суҳбатлашаётганди. Майкл уларни танимади.

– Кимсан? – сўради улардан бири бруклинча талаффуз билан.

Майкл ўзини таништирди. Биринчи уйдан бир киши чиқиб, унга тикилиб қаради.

– Доннинг ўғли, – деди у. – Мен кузатиб қўяман.

Майкл унинг орқасидан юрди: уй эшиги олдида уларни яна икки киши тўхтатди. Текшириб кўргач, ўтказиб юборишди.

Уй одамлар билан тўла эди. Майкл улардан бирор-тасини ҳам танимади. Меҳмонхонада Том Хейгеннинг хотини Тереза диванда қимирламасдан сигара тортарди. Унинг олдида, столчанинг устида виски қуйилган стакан турарди. Диваннинг нариги чеккасида тунд Клеменца ястаниб ўтирарди. Саforegimенинг юзидан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмасди, лекин пешанасини майда тер қоплаган, бармоқлари орасидаги чайналган сигара тупуқдан қорайиб кетганди.

Клеменца Майклга ҳамдардлик билдириб, қўлини қисаркан:

– Онанг касалхонада, отангнинг ёнида. Отанг тузук, ҳаммаси ўтиб кетади, – деди.

Поли Гатто ҳам келиб ундан ҳол-аҳвол сўради. Майкл унга синчковлик билан тикилди. У Поли отасининг шахсий соқчиси эканлигини биларди, лекин унга ҳали ҳеч ким Поли бутун шамоллаб қолганлиги туфайли ишга чиқмаганлигини айтмаганди. Полининг озгин буғдойранг юзидаги безовталиқ ифодаси Майклнинг эътиборини тортди. У Гаттони ўз ишига пишиқ, ишончли, гапнинг мағзини дарҳол илғаб оладиган одам деб эшитганди. Бутун эса лапашанглик қилибди... Майкл уйда яна қандайдир одамлар тимирскиланиб юришганини кўрди, лекин уларни танимади. Улар Клеменцанинг одамлари

эмасди. Майкл ҳамма нарсани қиёслаб кўриб, Клеменца ва Гатгодан шубҳаланишаётганини тушунди. Поли суиқасд юз берган жойда бўлган деб ўйлаган Майкл унинг юзидagi майда тиришларга синчиклаб тикилди.

– Фредди тузукми? – сўради у.

Клеменца жавоб бердн:

– Укол қилишди, ҳозир ухлапти.

Майкл Хейгеннинг хотини олдига келиб эгилди-да, бетидан ўпиб қўйди. Азалдан уларнинг бир-бирига майллари бор эди.

– Томдан ташвишланма, – деб пичирлади Майкл Терезанинг қулоғига. – Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади. Сонни билан гаплашдингми?

Тереза бир дақиқа унинг пинжига кирди, кейин бош чайқади. Нозик, чиройли бу аёл италиялик эмас, кўпроқ америкаликларга ўхшарди. Ҳозир у жуда-жуда кўрқиб кетганди. Майкл уни қўлларидан тортиб, дивандан турғазди-да, отасининг ишхонасига етаклади.

Сонни ёзув столи орқасида бир қўлида сариқ дафтарча, иккинчи қўлида қалам билан ўтирарди. Унинг олдида фақат сароqегime Тессиио бор эди, холос. Майкл уни таниди ва уйдагилар кимнинг одамлари эканлигини, ҳовлидаги янги соқчилар қаердан пайдо бўлиб қолишганини дарҳол тушунди. Тессиио ҳам дафтарча ва қалам ушлаб олганди.

Хонага кирганларни кўриб, Сонни ўрнидан турди ва Хейгеннинг хотинини секин қучоқлади.

– Қўрқма, Тереза, – деди. – Том тинч. Улар шунчаки Том орқали ўз таклифларини жўнатишмоқчи, демак, уни қўйиб юборишади. Томнинг бу ишга дахли йўқ – у бизнинг адвокатимиз, холос. Уни хафа қилишнинг фойдаси йўқ.

У Терезани бўш қўйди-да, Майклни ўзига тортиб, юзидан ўпиб қўйди. Бундан ўта таажжубланган Майкл акасини итариб юборди-да, илжайди:

– Бир умр дўппослаб келдинг, энди бўлса бемаврид эрқалатасан.

Болаликда улар доим бир-бири билан уришиб ўйнашарди.



Сонни елка қисди.

– Биласанми, Хановерда йўқлигингни эшитиб беҳад ташвишландик. Сени ўлдириб кетишса, менинг парвойимга ҳам келмайди-я, лекин ойимизга нима дейман. Отам тўғрисидаги гапни минг бир изтироб билан айтганим ҳам етар.

– Ойим тузукми?

– Жуда яхши, – деди Сонни. – Бундай воқеага биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Мен ҳам. Сен ҳеч нарсага ақлинг етмайдиган кичкина бола пайтингда бундай воқеалар кўп бўлган. Кейин тинч яшай бошлаганмиз. – У жим қолди, кейин қўшиб қўйди: – Ойим касалхонада, отамнинг ёнида. Врачлар отамни тузалиб кетади дейишяпти.

– Балки, биз ҳам бориб келармиз? – сўради Майкл. Сонни бош чайқади.

– Ҳамма иш бир ёқлик бўлмагунча уйдан чиқиш йўқ.

Телефон жиринглади. Сонни гўшакни олиб, бутун вужудини қулоқ қилиб тинглади. Майкл беихтиёр столга яқинлашиб, сариқ дафтарчага қаради. Унга саккиз кишининг исм-шарифи ёзилганди. Солоццо, Филипп Татталья ва Жон Таттальялар биринчилар қаторида туришарди. Майклнинг устига қайноқ сув қуйгандай бўлди. Демак, у кирганда Сонни ва Тессио гумдон қилиниши керак бўлган одамларнинг рўйхатини тузишаётган экан-да!

Сонни гўшакни қўйди.

– Меҳмонхонада кутиб туринглар, майлими? – деди Тереза билан Майклга. – Тессио иккаламиз баъзи бир нарсаларни ҳал қилиб олишимиз керак.

Хейгеннинг хотини йиғламсираб сўради:

– Ҳозир Том тўғрисида қўнғироқ қилишмадими?

Тереза қўрққанидан қалтирарди. Сонни унинг елкасига қўл ташлади-да, эшик томон етаклади.

– Унга ҳеч нарса бўлмайди, мен сўз бераман, – деди у. – Меҳмонхонада кутиб тур. Бирор хабар бўлса, дарров чиқиб айтаман.

– Сонни унинг орқасидан эшикни ёпди. Майкл энди тери қопланган катта креслога ўтириб олганди. Сонни унга тез ўтқир қараш қилди-да, столга келиб ўтирди.

– Менга қара, Майк, – деди у. – Бу ерда қолсанг шундай нарсаларни эшитасанки, кейин хафа бўлиб юрасан. Майкл сигара тутатди.

– Балки керак бўлиб қоларман.

– Э, йўқ, – эътироз билдирди Сонни. – Сени бу ишларга аралаштирсам, отам мени бир умр кечирмайди. Майкл сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Менга қара, тўнка, у менинг ҳам отам бўлади. Ахир мен ҳам ёрдам бера оламан-ку! Бунинг учун, албатта, кимдир отиш керакми? Мен бошқа йўл билан ёрдам бераман. Мен билан ёш боладек гаплашишни ҳам йиғиштир. Мен уруш кўрганман. Яраланганман. Эсингдан чиқдимми? Одамларни, японларни ўлдирганман. Нимадан кўрқасан? Ҳушидан кетиб қолади, деб кўрқаясанми?

– Балки, ҳозир «Қўлингни кўтар!» деб буйруқ ҳам берарсан? – қулди Сонни. – Бўпти, қолсанг, қол, телефонга қараб турасан. – У Тесссиога ўтирилди. – Ҳозир бизга ўта зарур бўлган маълумотни айтишди. – Сонни Майклга қаради. – Кимдир отамни уларга рўпара қилиб қўйган. Балки Клеменцадир, балки Поли Гаттодир. Нима учундир у худди шу бугун ўчакишгандай касал бўлиб қолди.

Уларни отамга рўпара қилиб қўйган одамнинг кимлигини мен аллақачон билиб олдим. Қани, кўрайлик-чи, сенинг миянг қанақа ишларкин, ахир сен маълумотли одамсан. Айт-чи, бизни Солоццога сотган одам ким?

Майкл жойига ўтирди-да, кресло суянчиғига ўзини ташлади. Шошилмасдан билган нарсаларининг ҳаммасини хаёлидан бирма-бир ўтказа бошлади. Корлеонелар салтанатида Клеменца *consigliori* лавозимида эди. Клеменцанинг миллионер бўлиб қолишига дон Корлеоне ёрдам берган, йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери Клеменца доннинг яқин дўсти. Ташкилотдаги муҳим бўғинлардан бири унинг қўлида. Ҳўш, Клеменца донга сотқинлик қилиб нима ютиши мумкин? Пулми? У жуда бой, аммо очкўзлик, бойиган сари янада бойроқ бўлишга интилиш одамларга хос нарса-ку! Ҳокимиятми? Ёки эски дилсиёҳликлар учун, етарли кадрланмаганлиги учун ўч

олмоқчи бўлганми? Ёки лавозимига Хейген тайинлангани билан келиша олмадими? Ё иш нуқтаи назаридан қараб, Солоццо устун чиқади, деб ўйладимикин? Йўқ, Клеменца сотқин бўлиши мумкин эмас эди. Шу пайт Майкл Клеменца ўлишини истамаётганлиги учун ҳам шундай ўйларга бораётганлигини тушуниб қолди. Майкл болалик пайтида бақалоқ Клеменца унга совғалар олиб келарди, отаси банд бўлса, у билан сайр қиларди. Йўқ, Клеменца эмас.

Айни пайтда Солоццо Корлеонелар томонидан худди Клеменцага ўхшаган одамни оғдириб олишга уринган бўлиши ҳам мумкин.

Поли Гатто. У ҳали бойлик орттириб улгургани йўқ. Яхши ходимлар қаторида тез ўсяпти, лекин ҳамма нарсага эришгунча кўп йиллар ўтиши керак. Поли ёш, демак, ҳокимиятга интилади. Ҳа, Поли сотқинлик қилгани ишончлироқ... Майкл у билан бирга мактабга, олтинчи синфга борган чоғларини эслади-ю, кошкийди Поли бўлмаса, деб қолди.

У бошини чайқаб:

– Униси ҳам эмас, буниси ҳам, – деди.

Соннига сотқиннинг кимлиги аниқлиги учун ҳам шундай деди. Агар Майклга ҳукм чиқаришга тўғри келганда эди, у Поли Гаттони айбдор деб топарди. Сонни кулиб қўйди.

– Ўзингни бос, – деди у. – Клеменцанинг ҳамма иши жойида. Сотқин – Поли.

Майкл Тессионинг енгил нафас олганини, кўнгли ўрнига тушганини сезиб қолди. У ўзи сароғегиме бўлганлиги учун ҳам қуролдош дўсти сифатида Клеменцанинг ташвишини қилаётганди. Бундан ташқари, энг юқори поғонада хиёнат юз бермаган экан, демак, аҳвол унчалик жиддий эмас.

– Эртага йигитларга жавоб берворсам бўлаверади-ми? – сўради Тессио.

– Индинга жавоб берасан, – деди Сонни. – Унғача Поли ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмаслиги керак. Ҳозир

эса узр, мен укам билан шахсий ишларимиз ҳақида оғаниларча гаплашиб олмоқчиман. Меҳмонхонада кутиб тур, хўпми?

Рўйхатни кейин тугатамиз. Камчилигини Клеменца билан тўлғазасизлар.

– Тушунарли, – деди Тессо.

У хонадан чиқди.

– Сотқин Поли эканлигини қаёқдан билдинг? – сўради Майкл.

– Телефон компаниясида одамларимиз бор, – тушунтирди Сонни. – Полининг кимлар билан гаплашганини текширттирдик. Клеменцанинг телефонини ҳам текширттирдик. Шу ойнинг ўзида Поли уч марта касал бўлиб ишга чиқмади.

Шу кунлари унга отамнинг идораси қаршисидаги автомат-телефондан кўнғироқ қилишган. Бугун ҳам кўнғироқ қилишибди. Поли ишдами ёки унинг ўрнига бошқа одам ишляптими, деб текширишган. Эҳтимол, бошқа бирор сабаблар билан кўнғироқ қилишгандир. Энди бунинг аҳамияти йўқ, – Сонни жунжикиб кетди. – Худога шукурки, сотқин Поли бўлиб чиқди. Клеменцасиз аҳволимиз мушкул бўларди.

– Демак, уруш бўлади, шунақами? – сўради Майкл ишонқирамай.

– Аввал Том қайтиб келсин, – деди Сонни унга қараркан ғазаб билан. – Ҳа, агар отам қаршилиқ қилмаса уруш бўлади.

– Нега энди отам фикрини айтишини кутмаслигимиз керак? – сўради Майкл.

Сонни унга шубҳа билан қараб қўйди.

– Медалларни қанақа хизматларинг учун олгансан? Ахир биз душманларимизга нишон бўлиб турибмиз-ку! Жанг қилиш керак. Фақат Томни қўйиб юборишмайди, деб кўрқаман.

– Нега? – таажжубланди Майкл.

Сонни шошмасдан тушунтирди:

– Улар отамни ўлган деб ўйлашганди. Томни ушлаб кетишдан мақсадлари эса энди улар мен билан

битим тузиш учун Томни воситачи қилиб, ундан менга битим шартларини бериб юборишдан иборат эди. Отам тирик бўлгандан кейин, мен уларнинг шартларига кўнмаслигимни тушунишади. Демак, Том ҳам уларга керак эмас. Уни қўйиб юборишлари ҳам, ўлдиришлари ҳам мумкин буни Солоццо ҳал қилади. Агар ўлдиришса, кўрқитиш учун, биз билан ҳазиллашмаётганлигини кўрсатиш учун ўлдиришади.

– Нега энди сен билан шартнома тузиш мумкинлигига Солоццонинг ишончи комил?

Бирдан Соннининг жаҳли чиқди, аммо дарров жавоб бермади.

– Бир неча ой илгари Солоццо уйимизга келиб, наркотик модалар билан савдо қилишни йўлга қўйишга қўшилишимизни таклиф қилди. Отам унинг таклифини рад этди. Сухбат пайтида мен бир ножўя гап айтиб қўйдим. У мени битим тузишга қарши эмас экан, деб ўйлади. Мен ана шу тарзда хатога йўл қўйдим. Ахир отам менга оила ичидаги қарама-қаршиликларни дунёда ҳеч бир одам билмаслиги керак, деб қайта-қайта тушунтирганди-да! Солоццо ўйлаганки, агар оила бошлигини ўртадан олиб ташласа, мен унинг компаниясига қўшиламан. Отамиз бўлмаса оиламиз ҳозиргидан энг камида икки марта кучсиз бўлиб қолади. Мен унингсиз ҳам оилавий ишни қўлда сақлаб қолиш мақсадида ҳаёт учун эмас, ўлим учун кураш олиб боришга мажбур бўлардим. Келажак наркотиклар билан савдо қилувчилар қўлида. Биз бир битимга келишган бўлардик. Солоццо шахсий манфаатларини ўйлаб отамни ўлдиришни буюрмаган, у бунга ишнинг кўзини биладиган одам сифатида қўл урган. Мен ҳам иш манфаатлари юзасидан у билан ҳамкорлик қилган бўлардим. Албатта, у мени ишга яқинлаштирмасди, ҳар эҳтимолга қарши четроқда ушлаб турарди. Агар мен унинг шартларини қабул қилсам, икки йилдан кейин фақат ўч олиш мақсадида у билан уруш қилишимга бошқа оилалар йўл қўймасликларини яхши биларди. Устига-устак Таттальялар оиласи у томонда.

– Агар улар отамни отиб ўлдириб қўйишганда нима бўларди? – сўради Майкл.

– Солоцони барибир ўлдираман, – лўнда қилиб жавоб берди Сонни. – Ҳеч нарса мени бу йўлдан қайтара олмайди. Майли, Нью-Йоркдаги беш улкан оиланинг ҳаммаси менга қарши чиқишсин. Ҳамма Таттальяларни битта қолдирмасдан тиғдан ўтказаман. Ҳаммамиз бирга қурбон бўлсак ҳам майлига.

– Отам бошқача йўл тутган бўларди, – деди секин Майкл.

Сонни жаҳли чиқиб бақирди:

– Биладан, лекин отамдек бўлишимга ҳали узоқ. Фақат сенга шуни айтиб қўяйки, яқин масофада жанг қилишда мендан зўрини топиш қийин. Буни отам ҳам билади. Тессио ва Клеменца ҳам билади. Солоццо ҳам билади. Биринчи марта одам ўлдирганимда ўн тўққиз ёшда эдим. Оиламиз уруш олиб бораётганда, мен отамнинг ёрдамчиси эдим. Бунақа ишларга кўникиб кетганман. Шундай бўлгач, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Бунинг устига ҳамма кучлар бизнинг қўлимизда. Эҳ, агар Люка билан алоқа боғлай олганимизда эди!

– У, ҳақиқатан ҳам, кучлими? – қизиқиб сўради Майкл. – Унга шунчалик кўп нарса боғлиқми?

Сонни бош қимирлатди.

– Ёлғиз унинг ўзи бутун бир армияга тенг. Уни учала Таттальяларга қарши қўймоқчиман. Виргилий Солоццо билан ўзим шуғулланаман.

Меҳмонхонадан аёл кишининг чинқиргани эшитилди. Жин урсин, ўйлади Майкл, ахир бу Томнинг хотини-ку! У эшикка отилди. Диван олдида одамлар тўпланиб турарди. Том Хейген хижолат тортиб, Терезани қучоқлаб олганди. Тереза хўнграб йиғларди. Эрини кўриб, қувонганидан чинқирганини Майкл тушунди. Том Хейген хотинининг қўлини олиб, уни диванга ўтқазди. Майклга хўмрайганча қулимсиради:

– Сени кўрганимдан хурсандман, Майк, жуда хурсандман, – деди-да, йиғлаб ўтирган хотинига қарамасдан, иш-

хонага кириб кетди. У шунча йил Корлеонелар оиласида бекорга яшамаган, ўйлади Майкл ажойиб бир ғурур билан. Қанчалик таажжубланарли бўлмасин, дон унга ҳам, шунингдек, Соннига ҳам ўз таъсирини ўтказибди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Саҳар соат тўртга яқин Сонни, Майкл, Том Хейген, Клеменца ва Тессио дон Корлеоненинг хонасига тўпландилар. Тереза Хейгенни уйига чиқиб кетишга қўндирдилар. Тессио одамларига Поли Гаттодан қўз узмасдан кузатиб туришни топширди. Буни хаёлига ҳам келтирмаган Поли Гатто ҳамон меҳмонхонада кутиб ўтирарди.

Том Хейген тўпланганларга Солоццонинг шартларини айтди. Доннинг ўлмайд қолганлигини эшитгандан кейин Солоццо Томни ўлдирмоқчи бўлганлигини айтиб берди. Хейген кулимсиради.

– Ҳатто Олий суд олдида ҳам бугун бу лаънати Турк олдидагидек ўлиб-тирилиб сайрамаган бўлардим.

Дон тирик қолганлигига қарамасдан, оиланинг у билан шартнома тузишига қўндиришга ваъда бердим. Мен сени, Сонни, бу масалада бемалол қўғирчоқ қилиб ўйнатаман, дедим. Болалиқдан бери дўстлигимизни айтиб бердим. Кўнглингга келмасину, сен оила бошлиғи ўрнини эгаллашга қарши эмаслигингни ҳам шама қилиб ўтдим. Парвардигори олам, ўзинг кечир, осий бандангни.

У айбдордек Соннига қараб кулиб қўйди. Сонни ҳаммасини тушунаман, деган маънода кафти очик қўлини юқори кўтарди.

Телефон олдидаги креслога ястаниб ўтириб олган Майкл уларнинг ҳар иккисини ҳам кузатиб турарди. Хейген хонага кирганда Сонни дарҳол ўрнидан турди-да, уни кучоқлаб қарши олди. Кўп жиҳатдан унга нисбатан Том Хейген акасига қадрдонроқ эканлигига ғайирлиги келди.

– Энди ишга киришайлик, – деди буйруқ оҳангида Сонни. – Ҳаракат режасини ишлаб чиқишимиз керак.

Тессио билан биргаликда баъзи бир нарсаларни белгилаб қўйдик. Тессио, рўйхатни Клеменцага узатвор.

– Агар биз қарор қабул қиладиган бўлсак, Фреддини ҳам йиғилишга чақириш керак, – деди Майкл.

– Фреддисиз иш қилишга тўғри келади, – ғамгин жавоб берди Сонни. – Врач унинг қаттиқ хаяжонланганини ва унга тинчлик, осудалик кераклигини айтди. Отамнинг жароҳатланганини кўриб, кўрқиб кетган бўлса керак. Отам унинг учун доим худо билан тенг эди-да. Биз Майкл иккимиз бошқачароқмиз.

– Бўлди, Фреддини қўйинглар, – деди Хейген шошиб. – Унга тегманглар, умуман, бу ишнинг унга дахли бўлмаслиги керак. Қулоқ сол, Сонни, ҳамма ишимиз кўнгилдагидек тугамагунча кўча-кўйда қорангни кўрсатмайсан. Бу ер мутлақо хавф-хатарсиз жой. Шу ердан ҳеч қаяққа жилмайсан. Солоццога кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ўз ишида у устаси фаранглардан. Касалхонада соқчилар борми?

Сонни бош ирғади.

– Полиция дарвоза олдига соқчилар қўйди. Менинг йигитларим эса отамдан кўз узмай ўтиришибди. Хўш, Том, рўйхатга нима дейсан?

Хейген рўйхатни ўқиркан, қовоғини солди.

– Сонни, сен эҳтиросга берилиб кетяпсан. Агтанг, дон бошқача йўл туган бўларди. Ахир тушунсанг-чи, ҳозир энг муҳими, Солоццо. Ўшани гумдон қилсанг, қолган ишлар ўрнига тушиб кетади. Анави Таттальяларнинг сенга нима кераги бор?

Сонни ҳар икки сароqегимега қаради. Тессио елка қисди:

– Тўғри, бу осон иш эмас.

Клеменца сукут сақлади. Бу Тессио фикрини маъқуллаш ифодаси эди. Сонни Клеменцага:

– Бир нарса аниқ. Полини гумдон қилиш керак, – деди. – Бу борада баҳслашиб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак. Майли, биринчиси Поли бўлсин.



Бақалоқ сароғегіме бош қимирлатди.

– Люкага нима бўлди? – сўради Хейген. – Менимча, Солоццо ундан мутлақо хавфсирамаяпти. Шунинг учун мен Люкадан ташвишланияпман.

Агар Люка бизни сотиб қўйган бўлса, ишимиз пачава. Энг аввало, шуни аниқлашимиз керак. Ким у билан боғлана олди?

– Ҳеч ким, – жавоб берди Сонни. – Кечқурун жуда кўп марта қўнғироқ қилдим.

– Майк, жавоб беришгунча қўнғироқ қил. Ҳар ўн беш дақиқада қўнғироқ қилавер, – деди Хейген.

– Менга қара, Том, – деди шошиб Сонни. – Ахир сен маслаҳатчисан. Шундай бўлгач, маслаҳат бер. Биз нима қилайлик? Сенингча қандай йўл тутсак, тўғри бўлади?

Хейген ўзига виски қуйди.

– Отанг тузалиб чиқиб, ҳамма ишни қўлга олгунга қадар Солоццо билан музокара олиб борамиз. Иложи қолмаган тақдирда, ҳатто битим тузишимиз ҳам мумкин. Дон тузалиб чиққандан кейин ҳамма нарсани ўзи ҳал қилиб, жой-жойига қўйиб олади. Биз оила аъзолари эса у тутган йўлни маъқуллаймиз.

Соннининг жаҳли чиқди.

– Демак, сенингча мен Солоццога бас келолмайман, шунақами?

Том Хейген унинг кўзларига тик қаради.

– Бас келасан. Корлеонелар оиласи кучли. Клеменца ва Тессио сингари кучли одамларинг бор. Бироқ агар масала урушгача бориб тақалгудек бўлса, уларнинг ҳар бири минглаб одам тўплай олади. Унда бутун Шарқий соҳилда хунрезлик бошланади. Қолган оилаларнинг ҳаммаси айбни Корлеонеларга тўнкайди. Ўзимизга душман орттириб оламиз. Отанг бундай пайтларда бошқача йўл тутишни ўргатган.

– Агар отам тирик қолмаса-чи, унда қандай маслаҳат берасан, маслаҳатчи? – деди Сонни.

Хейген оғир-босиқлик билан жавоб берди:

– Биладан, сен менинг фикримга қўшилмайсан. У ҳолда Солоццонинг таклифини қабул қилиб, наркотик-

лар билан савдо қилишни бошлаб юборганинг маъқул. Отаннинг алоқаларисиз, унинг шахсий таъсирисиз Корлеонелар оиласининг куч-қудрати икки баравар камаяди. Ақалли узоқ давом этадиган қирғинбаротлик урушининг олдини олиш учун ҳам Нью-Йоркнинг бошқа оилавий синдикатлари Солоццо ва Таттальяни қўллаб-қувватлайдилар. Агар отанг ўлиб қолгудек бўлса, сен Солоццонинг шартларига рози бўл. Кейин бир гап бўлар.

Ғазабдан Соннининг юзи докадай оқариб кетди.

– Сенга айтишга осон-да, а? Сенинг отангни отишмаган-да!

Хейген шошиб, ғурур билан деди:

– Мен ҳам унга худди сенга ёки Майклга ўхшаган ўғилман, балки ўғилдан ҳам яқинроқдирман. Сен билан мен ҳозир маслаҳатчи сифатида гаплашдим. Агар сени шахсий фикрим қизиқтираётган бўлса, билиб қўй: уларнинг ҳаммасини бирма-бир шу қўлларим билан бўғиб ўлдирган бўлардим.

Сонни хижолат бўлиб:

– Кечир, Том, ўзимни тутолмай қолдим, – деди.

Аслида у ўзини тутолмай қолмаганди. Қариндош қариндош экан-да, начора, нима ҳам қила олардинг. Сонни ғамгин ўйланиб қолди. Ҳамма ноқулай вазият-да, унинг нима дейишини кутарди. Мана, ниҳоят Сонни оғир хўрсинди-да, секин гапира бошлади.

– Майли, отам тузалиб чиққунча кутиб турамиз. Лекин сен ҳам, Том, шу ерда ўтирасан, беҳуда таваккалчиликнинг кераги йўқ. Сен ҳам Майк, гарчи Солоццо бутун оила аъзоларимизни пичоқлаб ўлдиришга аҳд қилмаган бўлса-да, эҳтиёт бўл. Тессо, одамларинг тайёр бўлиб туришсин. Шаҳарда бўлаётган воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлишсин. Клеменца, Гаттони гумдон қилганингдан кейин одамларингнинг бир қисмини касалхонага, Тессо йигитларининг ўрнига жўнатасан. Тессо, ҳар эҳтимолга қарши сенинг йигитларинг ҳам ҳозирча касалхонада туратуришсин. Том, эртага эрталабданок

телефон ёки воситачи орқали Солоццо ва Таттальялар билан музокарани бошлайвер. Майк, эртага Клеменца йигитларидан икки нафарини олиб, Люканикига бор, уни кут ёки қаерга ғойиб бўлганлигини билиб кел. Агар юз берган воқеадан хабардор бўлса, эҳтимол Солоццонинг бўғзидан олгандир. Турк унга қанчалик катта бойлик ваъда қилмасин, Люка доннинг юзига оёқ босишига ишонмайман.

– Бу ишга Майкни аралаштириш зарурмикин? – сўради шубҳа билан Хейген.

– Сен ҳақсан, – деди Сонни. – Майк, ҳамма топшириқ бекор қилинади. Телефон олдида ўтир, бу мен учун муҳим.

Майкл индамади. У ноқулай вазиятга тушиб, ҳатто хижолат бўлиб қолди. Тессио ва Клеменца уни назар-писанд қилишмаётганини яширишиб, бепарво ўтиришарди. Майкл гўшакни қўлига олиб, Люка Брази телефони рақамларини терди. Гўшакни қулоғига босиб, узун-узун ту-тулаган овозини эшита бошлади.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Питер Клеменца тун бўйи босинқираб чиқди, яхши ухлай олмади. Эрта туриб ўзи нонушта тайёрлади. Чўмилганда кийиладиган эски халат ва кигиз шиппақда хона бўйлаб у ёқ-бу ёққа юраркан, олдинда турган иш режаларини пишитди. Кеча Сонни аниқ кўрсатма берди. Поли Гатто зудлик билан гумдон қилиниши керак. Демак, бугун топшириқ адо этилиши зарур.

Клеменца ташвишда эди. У ўзи тавсия қилган Поли сотқин чиқиб қолганидан хижолат бўлаётганди. Полининг сотқинлик қилиши Клеменцага зарар етказмасди. Устига-устак Полининг ҳаёти ҳаммага маълум бўлиб, бу унинг фойдасига хизмат қиларди. У сицилияликлар оиласида туғилган, Корлеонелар билан қўшни яшаган, унинг болалари билан бирга ўсган, доннинг ўғилларидан бири билан мактабда бирга ўқиган эди.

Синовдан ўтказишди – у ишга яроқли эканлигини исботлади. Поли қотиллар қаторига қўшилди. Корлеонелар оиласи унга яхшигина маош белгилади. У Ист-Сайддаги тотализатордан ҳамда касаба уюшмасидан тушадиган даромаддан улуш олиб турадиган бўлди. Клеменца Поли Гатто Корлеонелар оиласида ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизомга қарши бориб, ҳаётини хавф-хатар остига қўйган ҳолда ўғирлик қилиб, қўшимча даромад топади, деб шубҳаланарди. Айни пайтда бу Клеменцанинг кўз олдида унинг кадр-қимматини оширарди ҳам. Буйруқни менсимаслик – дадиллик ва жасурлик далили ҳисобланарди. Албатта, ёшларнинг чойчақасига кўп пул керак. Бунинг ҳаммаси табиий ҳол. Лекин Поли Гатто сотқинлик қилади, деб ким ўйлабди дейсиз.

Йўқ, бугун эрталабданоқ Клеменцани ташвишлан-тирган нарса бошқа эди. Поли Гаттони гумдон қилиш кунда-кунора бўлиб турган одатдаги ишлардан бири, холос. Лекин ўрнига ким шахсий соқчи бўлади? Оддий югурдак учун бу лавозим мансаб пиллапоясидан катта кўтарилиш бўлади. Бу ишга жиддий ўйлаб ёндашиш керак. Лапашанг ва ношуд одам бўлмаслиги керак. Ишончли, қўлга тушиб қолса тилини тия оладиган, бир сўз билан айтганда, Сицилиянинг omerta қонун-қоидасига қаттиқ амал қиладиган одам керак. Яна бир масала. Янги лавозим учун қанча пул тўласа тўғри бўларкин? Тўстўполон бошланганда олов чизигида энг аввало, шахсий соқчи бўлади. Клеменца яхши ишлаётган оддий югурдакларга кўпроқ ҳақ тўлаш кераклиги тўғрисида донга бир неча марта гапирди, лекин дон лом-мим демади. Поли пуддан қийналмаганда маккор Туркнинг тузоғига илинмаган бўларди.

Ниҳоят, Клеменца Рокко Лампонега тўхталди. Корлеонелар оиласида Рокко яқиндан бери хизмат қиляётганди. Шунга қарамасдан бирмунча кўтарилишга эришганди. У Африкада жанг қилган, жароҳатланиб, 1943 йилда қайтиб келганди. Лампоне ўшанда қаттиқ оқсоқланиб

юрарди. Бирок Клеменца барибир уни қабул қилганди. Клеменца унинг соғлом фикрлашини қадрларди. Лампоне унча катта бўлмаган муддат ёки йирик жарима билан қутулиб кетиш имкони бўлган жойда ўзини ўтга уришнинг, жиддий қўнғилсизликларга дучор бўлишнинг кераги йўқлигини яхши тушунарди. Тўланадиган жарима эса қўлга киритиладиган бойликка қиёслаганда, денгиздан томчи, холос. Керагидан ортиқча ошириб юбориш ўрнига сал-пал қўрқитиб қўйиш яхшироқ натижа беришини у яхши биларди. Рокко шов-шувсиз иш қиларди. Аслида айна шу нарса талаб қилинарди.

Худди ходим танлашда мураккаб вазифани ҳал қилган ҳалол маъмурият бошлиғидай, Клеменцанинг қўнғили ўрнига тушди. Шундай қилиб, у ёрдамчиликка Рокко Лампонени олади. Клеменца топшириқни адо этишда фақат ёш, тажрибаси йўқ Роккога унинг биринчи жиноий ишида ёрдамлашиш учунгина эмас, шунингдек, Поли Гаттодан қасд олиш мақсадида қатнашмоқчи эди. Поли унинг васийлигида эди. Клеменца муносиброқ ва ишончлироқ одамларни қолдириб, Полини шахсий соқчиликка кўтарди. Унинг биринчи қотиллик қилишига ёрдамлашди, мансаб поғонасидан кўтарилишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Поли фақат Корлеонелар оиласигагина эмас, шунингдек, ўзининг ҳомийси Питер Клеменцага ҳам хиёнат қилганди. Нонқўрлик қилганлиги учун у жазоланиши керак.

Бошқа ишлар пухта режалаштириб қўйилганди. Соат учда Поли Гатто одатдагидай ўз машинасида Клеменцага учрайди. Клеменца телефонга келиб, Рокко Лампонега қўнғироқ қилди. Кимлигини айтмади. Қисқа қилиб:

– Бугун соат иккидан кеч қолмай меникига кел. Иш бор, – деди.

Жавоб ҳам қисқа бўлди:

– Ҳўп.

Клеменца гўшакни қўйди. У *caporegime* Тесссионинг дон Корлеоненинг эшидаги йигитларини алмаштириш

тўғрисида ўз одамларини хабардор қилиб қўйганди. Битта ташвиш камроқ бўлгани яхши. Унинг йигитлари чаққон, ҳамма ишни ўзлари уддалашади.

Ҳозирча машинасини ювиб турсамикин. Машина юваётганинда калланга ажойиб фикрлар келади. У отаси Италияда доим хўтиқларини чўтка билан ювиб, тозалашдан завқланганлигини эслади.

Клеменца машинасини иссиқ гаражда ювди. У совуқни жинидан ёмон кўрарди. Поли билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. У каламуш сингари хушёр, хавф-хатарни дарҳол сезади. Биринчидан, нима учун Рокко бирга кетаётганлигини у ишонадиган қилиб тушунтириш керак. Иккинчидан, қаерга, нима учун бориш кераклигини шундай пухта режалаштириш керакки, Поли заррача шубҳаланмасин.

Дарвоқе, тўғрисини айтганда, бунинг зарурати ҳам йўқ. Полига ортиқча мулозамат қилиб ўтирмасдан, осонгина саранжом қилиш ҳам мумкин. Лекин Клеменца ими-жимида иш битиришни ёқтирарди, бу борада ҳеч қачон эринчоқлик қилмаганди. Устига-устак, агар хавф-хатар мавжуд бўлса ҳам, уни бартараф этиш керак. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Чунки ҳаёт ва ўлим тўғрисида гап кетяпти.

Питер Клеменца мовийранг машинасини юваркан, хатти-ҳаракатларини, имо-ишораларини ўзича пиши тарди. У Поли билан худди бирор гуноҳ қилиб қўйган одамдай дағал муомала қилади. Бу ҳайвонларга хос сезига эга бўлган, ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган Поли Гаттони чалғитади ёки ҳеч бўлмаганда ўзига бўлган ишончдан маҳрум қилади. Ортиқча хушмуомалалиқдан ҳам у шубҳаланади. Албатта, меъеридан ошириб юбормаслик керак. Хаёли паришон, бир оз асабийлашган, ташвишли хўжайин ролини ҳам ўйнаш мумкин... Энди Лампонега келсак, у Полини шубҳага солса-чи? Бунинг устига Рокко орқага ўтирса. Сен руль бошқариб борсанг, орқанда Лампоне ўтирган бўлса, демак, қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўласан. Клеменца ма-

шинасини кўзни оладиган қилиб ялтиллади тозалади. Мураккаб масала. Жуда мураккаб. Яна бирор кимсани жалб этсамикин? Йўқ, жалб этмагани маъкул. Клеменца лўнда фикрларди. Иштирокчилардан бири Клеменцага қарши кўрсатма берадиган вазият юз бериб қолиши ҳам мумкин. Агар гувоҳ битта бўлса, кўрсатмалар тенглашади. Агар яна бир одам бўлса, икки кишининг гувоҳлиги босиб кетади. Йўқ, яхшиси режалаштирилгандай бўлавергани маъкул.

Афсусланадиган жойи шундаки, жиноятнинг изини йўқотиш мумкин эмас. Ўликни топишади. Агар у бутунлай йўқотиб юборилганда яхши бўларди. Одатда, ўликлар океанга ёки оила дўстларига қарашли бўлган Нью-Жерси ботқоқликларига чўктириб юбориларди, баъзида эса янада мураккаброқ йўллар билан йўқ қилиб ташланарди. Лекин бу сафар бошқа сотқинларга ибрат қилиб кўрсатиш, айти пайтда душманга Корлеонелар оиласида аҳмоқлар ва лапашанлар улар ўйлаган даражада кўп эмаслигини яна бир марта исботлаш мақсадида очик дарс ўтказишга қарор қилишди. Айғоқчиси бунчалик тез фош этилганини кўрган Солоццо, аламдан куйиб ўлади. Корлеонелар оиласи қисман бўлса ҳам бой берилган обрў-эътиборини тиклаб олиши керак. Донга ўқ узишга журъат этишиб, уларни масхара қилишди.

Клеменца нафасини ростлади. Машина худди катта пўлат тухумга ўшаб ялтиларди. У бўлса ҳалигача ишонли сабаб ўйлаб тополмади. Ниҳоят калласига бир фикр келиб қолди. Рокко Лампоненинг иштирокини, нима учун унинг Поли билан бирга боришини, имижимида, шов-шувсиз ҳаракат қилиш кераклигининг сабабини содда ва лўнда қилиб тушунтиради.

У Полига агар бирор кор-ҳол рўй берадиган бўлса, оила аъзолари яширинадиган жой – «тўшакхона» излашга боришларини айтади.

Оилавий синдикатлар ўртасидаги урушлар кескинлашиб кетган пайтларда қарши томонлар биноларни ижарага олиб, «солдатлар» ерга тўшалган тўшаклар устида

думалаб ётадиган штаб қароргоҳини ташкил этишарди. Бу қариндош-уруғларни омон сақлаб қолиш учун қилинмасди, ҳеч ким ҳеч қачон олишувга дахли бўлмаган аёллар ва болаларга қўл кўтаришга журъат этолмаган. Бундай қилиш ҳар икки томон учун ҳам хавfli эди. Шунчаки соғлом фикр душман кўзидан ёки урушга араллашиб қолгудек бўлса, полициядан узоқроқ бўлиш учун яширинишни тақозо этарди.

Одатда, бундай жойни ишончли сароғегиме излаб топар, тўшақларни ҳам у келтирарди. Хужумга ўтилганда эса ана шу ердан шаҳарга жўналарди. Бундай топшириқни адо этиш учун биринчи бўлиб Клеменцани юборишарди. Бу табиий ҳол ҳисобланарди. Бундай жойни жиҳозлаш, кўчиб боришга ёрдамлашиш учун Гатто ва Лампонени жалб этиши ҳам табиий ҳол ҳисобланарди. Бундан ташқари –Клеменца кулиб қўйди – нафси наҳанг Поли дарҳол бундай қимматли маълумотлар учун Со-лоццо қанча пул тўлашини ҳисоблай бошлайди.

Рокко Лампоне барвақтроқ келди. Клеменца вазифа-ни яхшилаб тушунтирди. Лампоне ҳайрон бўлиб, айна пайтда миннатдорчилик билдириб, унга қаради – бу мансаб поғонасида сезиларли кўтарилиш эди, унга оилага хизмат қилиш имконияти берилганди. Рокко эҳтиром билан Клеменцага миннатдорчилик билдирди. Клеменца ёрдамчини тўғри танлаганлиги учун ўзидан яна бир бор мамнун бўлди. Лампоненинг елкасига уриб қўйди.

– Эртадан фақат нон пулигина эмас, балки мой пули ҳам ола бошлайсан. Бу ҳақда кейин бафуржа гаплашамиз. Хабаринг бор, ҳозир донникида бундан муҳимроқ ташвишлар бор.

Лампоне, тушунаман, деган маънода қўлини кўтарди – албатта, кутиб туради, ишга яраша ҳақ олишига шубҳа қилмайди.

Клеменца устахонасига кириб, сейфни очди. Ундан тўппонча олиб, Лампонега берди.

– Ма, ол, – деди. – Ҳеч ким танимайди. Кейин машинага, Полининг ёнига ташлаб қўясан. Ишни тутатга-



нимиздан кейин хотининг ва бола-чақаларингни олиб, Флоридага жўна. Ёнингдан пул сарфлаб турасан. Кейин тўлаб беришади. Қуёшда қорайиб, дам ол. Керак бўлиб қолсанг, қаердан топишни билишим учун Корлеонеларнинг Майами-Бичдаги меҳмонхонасига туш.

Клеменцанинг хотини эшикни чертиб кириб, Поли Гатто келганини айтди. Уй олдида унинг машинаси турарди. Гараждан олдин Клеменца, унинг кетидан Лампоне чиқди. Сароғегите олдинги ўриндиққа, Гаттонинг ёнига ястаниб ўтирди-да, Полининг саломига бир нималар деб гўлдираб жавоб берди. Тирноқ остидан кир қидиргандай, Гатто кечикиб келмадимми, деб соатига қаради.

Полининг чўзинчоқ юзи хушёр тортиб, қотиб қолди. Нима гаплигини англаб олишга уринди. Лампоне орқа ўриндиққа ўтирганди, Полининг пешанаси тирришди.

– Четроққа ўтир, Рокко. Шунчалик баҳайбатсанки, ойнада сендан бошқа нарса кўринмай қолди.

Лампоне бу илтимосда ғайритабиий ҳеч нарса йўқдай, дарҳол сурилиб, Клеменцанинг орқасидаги ўриндиққа ўтирди.

Клеменца норози оҳангда Гаттога шундай деди:

– Сонни тентак кўрқиб, талвасага тушиб қолди. «Тўшакхона» ташвишини қиялпти. Уэст-Сайддан жой топишни буюрди. Поли, у кўрсатма бергандан кейин Рокко билан бирга кўрпа-тўшак ва озиқ-овқатларни ташиб келтириб, ҳамма нарсани тахт қилиб қўясизлар. Кўз остингга олиб юрган бирор жой йўқми?

Клеменцанинг ўйлагани тўғри чиқди – очкўзлик устун келди. Поли қармоққа илинди – у бу маълумотларни Солоццога қанчага пуллаш ҳақида бош қотира бошлади, ўзининг хавфсизлиги тўғрисида ўйлашни халёлига ҳам келтирмади. Дарвоқе, Лампоне ўзига ажратилган ролни аъло даражада ўйнамоқда. У пинагини бузмасдан ойнадан ташқарини томоша қилиб келялпти. Клеменца уни танлагани учун яна ўзидан мамнун бўлди. Гатто елкасини қисди.

– Ўйлаб кўриш керак.

– Ўйла, лекин машинани ҳам тезлат, – деб тўнғиллади Клеменца. – Мен Нью-Йоркка эртага эмас, бугун етиб боришим керак.

Шаҳарга эрта тушадиган қиш оқшоми чўкканда кириб келишди. Ҳаммаси жим бўлиб қолишди. Клеменца машинани Вашингтон-Хайтс райони томон буришни буюрди. Бир неча квартирани кўрган бўлишди. Кейин Полига машинани Артуравенюга қўйиб, уни ўша жойда кутиб туришни тайинлади. Рокко Лампонени ҳам машинада қолдирди, ўзи эса Вера Марио ресторанига кириб кетди. Енгилроқ овқат – сўқим гўшт ва салат буюрди, таниш-билишлар билан бир-икки оғиз гаплашди. Бир соатдан кейин қайтиб келиб, машинага ўтирди. Гатто ва Лампоне кутиб ўтиришганди.

– Иблислар, – тўнғиллади Клеменца. – Ланг-Бичга қайтиб кел, деб чақиринишяпти. Шошилишчи иш чиқиб қолганмиш. Сонни «тўшакхона»ларинг туриб турар, деяпти. Рокко, сен шаҳарда яшайсан-ку, етказиб қўяйликми?

Рокко хотиржам жавоб берди:

– Машинани сизнинг уйингиз олдида қолдириб келганман. Эртага эрталаб хотинимга машина керак бўлади.

– Ундай бўлса бирга қайтамыз, бошқа иложимиз йўқ.

Жим кетишди. Шаҳардан чиқишгандан кейин Клеменца тўсатдан:

– Поли, тўхталик. Иш чиқиб қолди, – деди.

Гатто таажжубланмади: у бақалоқ сароғегиме билан биринчи марта йўлга чиқаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам унинг нозик жойларини яхши билади. Машина тош йўлдан чиқиб, ботқоқликка олиб борадиган тупроқ йўлга кириб тўхтади. Клеменца машинадан тушиб, чакалакзорга кирди. Заҳартангдан бўшаниб қайтиб келди. Машина эшигини очаркан, тош йўл томон қаради. Йўлда бирорта чироқ кўринмасди. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи эди.

– Бошла, – деди Клеменца.

Машина ичида ўқ овози янгради. Поли Гатто худди олдинга сакрагандек, кўкраги билан рулга суяниб қолди, кейин аста ўтирғичга сирғалиб тушди. Қон сачрамаслиги учун Клеменца шошилиб ўзини орқага олди.

Рокко Лампоне машинадан тушди ва тўппончани ботқоқликка улоқтирди. Сўнгра шошиб шу атрофда яшириб қўйилган машина томон юришди. Унга ўтиришди. Лампоне ўтирғич остини тимирскилаб, калитни топди ва машинани ўт олдирди. Клеменцани уйига етказиб қўйгач, бошқа йўл билан Нью-Йорк орқали Манхэттенга, сўнг уйига жўнаб кетди.

### ЕТТИНЧИ БОБ

Дон Корлеонега ўқ узилган кун арафасида кечкурун унинг энг кучли, энг садоқатли ва энг қўрқинчли мухлисларидан бири душман билан юзма-юз чиқишга тайёрланаётганди. Бу Люка Брази эди. Бир неча ой муқаддам Люка Брази Солоццо одамлари билан алоқа ўрнатди. Дон Корлеоненинг шахсан ўзи шу ҳақда буйруқ берганди. Таттальяларга қарашли тунги клублардан бирини қанда қилмайдиган бўлиб қолган Люка у ерда дўндик аёллардан бири билан танишиб қолди. У билан бирга ётаркан, Корлеонелар оиласида қадрлашмаётгани, суриб чиқаришмоқчи бўлишаётгани ҳақида гап учуриб қўйди. Бир ҳафтадан кейин тунги клубнинг эгаси Бруно Татталья Люка билан гаплашиб қолди. Бруно Таттальянинг кенжа ўғли бўлиб, маълум бўлишича, оиланинг энг сердаромад машғулоти бўлган фоҳишабозликка алоқаси йўқ экан. Шунга қарамасдан Нью-Йоркдаги сон-саноксиз фоҳишалар Брунонинг тунги клубидаги машхур «мактаб»да сабоқ олишганди.

Биринчи учрашув самарали бўлди – Татталья Люкага назоратчи-зўпидин ўрнини тавсия қилди. Бир ойга яқин унинг атрофида гирдикапалак бўлишди. Люка Брази эҳтирослардан довдираб қолган, ёши қайтган содда одам ролини ўйнади. Бруно Татталья эса рақибининг

яхши ходимини оғдириб олишга уриниб юрган корчалон киёфасига кирди. Сухбатлардан бирида Люка ўзини ён босаётгандай қилиб кўрсатди.

– Фақат битта шартим бор, – деди у. – Ҳеч қачон Чўқинтирган отага қарши бормайман. Мен дон Корлеонени хурмат қиламан. Иш юзасидан менга эмас, ўзининг пуштикамаридан бўлган фарзандларига кўпроқ ишонишини табиий ҳол, деб тушунаман.

Бруно Татталья ёш эди, шунинг учун ҳам Люка Брази, дон Корлеоне, ҳатто ўзининг отаси каби эски тартиб тарафдорларини назар-писанд қилмас, ортиқча иззат-икромни эса ниқобга ўралган менсимаслик деб ўйларди.

Ҳозир у:

– Менинг отам ҳозир сиздан Корлеонега қарши боришни кутаётгани йўқ. Бунинг аслида нима кераги бор? Ҳозир ҳамма тинч-тотув яшаш тарафдори, эски замонлар ўтди. Агар сизга иш керак бўлса, мен отамга айтай. Сизга ўхшаган одамлар бизга доим керак. Хизматингиз оғир, кўнгилдагидай иш олиб бориш учун жиддий одамлар керак бўлади. Ўйлаб кўринг, агар рози бўлсангиз, айтарсиз, – деди.

Люка елка қисди.

– Аслида ҳозирги ишим ҳам ёмон эмас.

Шундан сўнг хайрлашишди.

Люка Брази хатти-ҳаракатининг моҳияти Таттальяда гўё наркотиклар билан савдо қилишдек серфойда ишдан хабардордек, бу ишда мустақил иштирок этиш нияти бордек таассурот қолдиришдан иборат эди. Агар иши ўнгидан келиб, бу нияти амалга ошиб қолса, эҳтимол у Солоццонинг режаларини, хусусан, Турк дон Корлеонени таъқиб этиш-этмаслиги тўғрисидаги режаларини билиб олиш бахтига муяссар бўларди. Орадан икки ой ўтди. Дон Корлеоне худди шу руҳда давом эттиришни, чизикдан чиқмасликни топширди.

Дон Корлеонега суиқасд қилинган кун арафасида Люка тунги клубга кирди. Бруно Татталья дарров унинг ёнига келиб ўтирди.

– Танишларимдан бири сиз билан гаплашмоқчи, – деди у.

– Бошлаб кел, – деди Люка. – Сенинг танишинг бўлса гаплашаверамиз.

– Йўқ, – деди Бруно. – У гувоҳларсиз, ёлғиз гаплашмоқчи.

– Ким у? – сўради Люка.

– Шунчаки таниш, – чайналди Бруно Татталья. – Сизга баъзи бир нарсаларни таклиф қилмоқчи. Балки, бугун кечроқ гаплашарсизлар?

– Майли, – розилик берди Люка. – Қачон, қаерда? Татталья овозини пасайтирди.

– Клуб эрталаб соат тўртда ёпилади. Хоҳласангиз зални тозалаб бўлишгунча шу ерда гаплашиб олишингиз ҳам мумкин.

Менинг қачон ётиб, қачон туришимни ҳам билишаркан, ўйлади Люка. У ҳеч қачон тонг отмасдан ухлмасди. Шунинг учун ҳам учрашувни шу вақтга белгилашяпти.

– Бўлди-бўлди, – деди у. – Соат тўртда кираман. У клубдан чиқиб, такси ушлади-да, учинчи авенюга, уйига жўнади.

Шундай қилиб маккор тулки инидан думини чиқармоқчи. Агар суҳбат кўнгилдагидай ўтиб, Солоццо режаларини очиб ташласа, бу дон Корлеонега яхшигина рождество совғаси бўлади.

Люка хонасига кириб, каравот тагидаги сандиқчани тортиб чиқарди-да, уни очиб оғир камзул-совут олди. Ечиниб, ички жун кийими устидан совутни, унинг устидан кўйлак ва пиджагини кийди. Донга кўнғироқ қилиб, янгиликни айттайми, деб ҳам ўйлади. Лекин дон Корлеоне ҳеч қачон бундай пайтларда телефонда гаплашмаслигини яхши биларди. Топшириқ шахсан Люканинг ўзига берилганди. Хейген ҳам, Сонни ҳам ҳеч нарса билмасди. Демак, топшириқни сир сақлаш дон учун ўта муҳим.

Люка ҳар доим ёнида қуроли олиб юрарди. Унинг қуроли олиб юришга гувоҳномаси бор эди. Бу гувоҳнома жуда катта пул эвазига қўлга киритилганди. Унга ўн минг

доллар тўланганди. Лекин тинтув пайтида қўлга тушиб қолса, бу гувоҳнома Люкани қамоққа тушишдан сақлаб қоларди. Корлеонелар салтанатидаги жуда кўп нарсалар Люка каби хуфияларнинг фаолиятига боғлиқ эди. Бироқ бутун агар Солоццони саранжом қилиш имконияти туғилиб қолгудек бўлса, бундай имкониятдан фойдаланиш учун кимга тегишли эканлигини аниқлаш қийин бўлган автомат олишни лозим топди. Лекин фойдаси ва зарарига хизмат қиладиган ҳамма нарсаларни таққослаб кўриб, бутун фақат Таттальялар таклифини эшитаман ва бу ҳақда Чўқинтирган отага – дон Корлеонегга ахборот бераман, деган фикрга келди.

Тун аллақачон ярмидан ўтганди. Люка клуб томон борарди. Йўлда ҳеч ерда ичмади. Қирқ саккизинчи кўчадаги ўзи яхши кўрадиган мўъжазгина италян ресторани Патсида бемалол ўтириб овқатланди. Кейин шошилмасдан клуб томон борди. Эшик оғаси йўқ, кийимхонадаги хотин ҳам кетганди. Уни Бруно Татталья кутиб олди ва залнинг ичкарисидagi бўшаб қолган бар олдига бошлаб борди. Ўнг томонда зал бўйлаб столчалар сочилиб ётар, ўртада худди қимматбаҳо тошга ўхшаб, мумланган яшил паркет тўшалган рақс майдончаси ялтиларди. Наридида ғира-шира қоронғиликда оркестр супачалари кўзга ташланар, нозик оёқча учидagi микрофон худди гулга ўхшаб кўринарди.

Люка барга яқин жойга ўтирди. Татталья тўсиқ ортига ўтди. Люка ичкиликни рад этди ва сигарета туташтирди. Турк кўринмасди, балки унинг ўрнига бошқа биров келар. Шу пайт Люканинг кўзи залнинг ғира-шира ичкарисида пайдо бўлган Солоццога тушди.

Солоццо унинг қўлини сиқиб, ёнига ўтирди. Татталья уларнинг олдига стакан келтириб қўйди. Солоццо ишора билан миннатдорчилик билдирди.

– Менинг кимлигимни биласизми? – сўради Солоццо, Люка бош силкиб, ваҳимали кулиб қўйди. Чўчитиб юборилган ваҳший ҳайвон инидан чиққанди. Қўланса ҳид келиб турган Турк ниқобидаги сицилиялик бу иблисни саранжом қилса, беҳад зўр иш бўларди-да!

– Сиздан нимани илтимос қилишимни ҳам биласизми? – гап бошлади Солоццо.

Люка бош ирғади.

– Биз жиддий иш бошляпмиз, – деди Солоццо. – Бу ишнинг тепасида турганлар миллионлаб пул ишлаб олишлари мумкин. Биринчи партиядан сизга эллик минг ваъда қиламан. Мен наркотиклар ҳақида гапиряпман. Келажак наркотиклар билан савдо қилувчиларнинг қўлида бўлади.

– Нега бу ҳақда мен билан суҳбатлашяпсиз? – деди Люка. – Бу гапларни донга етказишимни истайсизми?

Солоццо пешанасини тириштирди.

– Дон билан гаплашиб кўрдим, у бу ишга қўл уришни хоҳламаяпти. Майли, ўзимиз ҳам удалаймиз. Бироқ соқчилик учун бақувват одам керак. Эшитишимча, Корлеонелар хонадонидаги турмушингиз ночорроқмиш. Агар ҳақиқатан ҳам, шундай бўлса хўжайинни алмаштириш керак.

Люка елка қисди.

– Агар шартлари менга тўғри келса...

Дастлабки дақиқаларданоқ Солоццо уни диққат билан кузатди – мана энди бир қарорга келди шекилли.

– Икки кун муҳлат бераман. Ўйлаб кўринг. Кейин бу суҳбатга қайтамиз, – деди у.

Солоццо хайрлашиб қўлини узатди, бироқ Люка атайин кўрмаганга олиб, сигарета олиш учун чўнтагига қўл солди. Бруно Таттальянинг қўлида зажигалка пайдо бўлди. Уни ёндириб Люкага тутди. Шу пайт зажигалкани тушириб юборди-да, Люканинг ўнг қўли тирсагидан худди омбир билан қисгандай маҳкам ушлади.

Люка тез ҳаракат қилиб, ўтирғичдан сирғалиб тушди-да, қўлини тортиб олди. Солоццо унинг иккинчи тирсагидан ушлади. Ҳатто шунда ҳам Люка уларнинг қўлидан чиқиб олиши мумкин эди. У Солоццо ва Брунонинг иккаласидан ҳам кучлироқ эди. Лекин орқадаги

қоронғиликдан кўзга кўринмас қўллар унинг бўйнига ин-гичка ипак чилвир солишди. Чилвир тортилди – Люканинг нафаси бўғилди. Юзларига қип-қизил қон тепиб чиқди, қўллари шалвираб осилиб қолди.

Қотил қурбонининг ҳаракатини такрорлаб, тиззалаб ўтирди-да, чилвирни тобора қаттиқроқ торта бошлади. Чилвир Люканинг семиз томоғи орасида кўринмай қолди. Люканинг косачасидан чиқиб кетган кўзлари худди шу ишларга таажжубланиб қараб турганга ўхшарди. Ана шу ҳайратланишгина ундаги одамга ўхшашликни сақлаб қолганди, холос. У ўлган эди.

– Уни тополмасликлари керак, – деди Солоццо. – Вақти-соати келгунга қадар топа олмасликлари жуда муҳим.

У товонлари учида оҳиста ўтирилди-да, сал олдинроқ чиқиб келган қоронғилик қўйнига сингиб, кўздан ғойиб бўлди.

### САККИЗИНЧИ БОБ

Суиқасд қилинган куннинг эртасига иш жуда кўпайиб кетди. Майкл телефон олдида ўтириб, олинган маълумотларни Соннига етказарди. Том Хейген Солоццо билан музокаралар олиб бориш учун ҳар икки томонга манзур бўладиган воситачи изларди. Клеменца ва Тессионинг одамлари унинг изини қидириб, шаҳарнинг ҳар бир кўчасида изғиб юришганидан хабар топган бўлса керак, Турк инидан чиқмай қўйди. Солоццо ҳам, Таттальялар оиласининг юқори табақаси ҳам пусиб кетди. Ана шундай эҳтиёткорлик чораси кўрилишини Сонни олдиндан биларди.

Клеменца Поли Гаттони саранжом қиладиган бўлди. Тессиога Люка Бразининг қаердалигини аниқлаш юзасидан топшириқ берилди. Икки кундирки, у уйда йўқ – бу яхшилик нишонаси эмас. Тўғри, Брази сотқинлик қилганига ёки ғафлатда қўлга тушиб қолганлигига Сонни ишонмасди.



Корлеонеларнинг онаси шаҳардаги дўстлариникида, касалхонага яқинроқ жойда тунаб қолди. Куёв Карло Рицци хизматини таклиф қилди, лекин унга ўзининг иши билан шуғулланишни тавсия қилдилар. У Манхэттеннинг италянлар яшайдиган районида пойгада отларга пул тикиб ўйналадиган томошани ташкил этувчи бюрода ишлар, яъни тотализаторлик қиларди. Онаси билан бирга отасини кўриб келган Конни ҳам танишлариникида эди.

Кўпроқ уйқу дори берилган Фредди ҳали уйғонмаганди. Хабар олгани кирган Сонни ва Майкл у ўзини олдириб қўйганлигини кўришиб, ҳайрон бўлишди. Дон Корлеоне вақт-соати келиб, ўртанча ўғлининг ташкилотда ўзига лойиқ ўрин эгаллай олармикин, деб бекорга ташвишланмаган экан. Фредди калтафаҳмроқ эди, бунинг устига унда қатъият, ирода кучи, ўзига нисбатан ишонч етишмасди...

Кечқурун Голливуддан Жонни Фонтейн кўнғироқ қилди. Гўшакни Сонни олди.

– Йўқ, Жонни, келишнинг фойдаси йўқ. Биринчидан, отамнинг аҳволи оғир, олдига киритишмайди, иккинчидан, газеталарда шов-шув кўтарилади. Буни дон маъқулламайди. Сабр қил, сал ўзига келсин, уйга олиб тушайлик, ўшанда келсанг бўлади. Айтиб қўяман, албатта, айтиб қўяман, раҳмат.

Сонни гўшакни илиб, Майклга ўтирилди.

– Калифорниядан Жонни йўқлаб учиб келмоқчи бўлганлигини эшитса, чол беҳад хурсанд бўларди.

Кейинроқ Клеменцанинг йигитларидан бири Майклни ошхонадаги шаҳар телефонига чақиришаётганини айтди. Кўнғироқ қилган Кей эди.

– Отанг яхшими? – сўради у. Кейнинг овозида безовталик, ғайритабиийлик бор эди. Ҳали ҳам ишонмаяпти, ўйлади Майкл. Унинг отаси газеталар тили билан айтганда, ҳақиқатан ҳам, гангстер эканлигига ишонмаяпти.

– Тузук, – деди Майкл.

Орага ноқулай жимлик чўқди. Кейин Кей сўради:

– Ўзинг-чи, Майк, ўзинг ҳам тузукмисан? Соғ-са-ломатмисан?

– Ўзинг биласан-ку, мен нозикниҳол одамман, ёпишмаган чипта ямоқман. Мендан ким ҳам кўрқарди? Ўз навбатида мен кимга ҳам керак бўлардим? Ҳаммаси ўтда. Кей, ҳаммаси тугади. Умуман олганда, бу бир тасодиф бўлди. Учрашганимизда ҳаммасини айтиб бераман.

– Қачон учрашамиз ахир? – сўради Кей.

Майкл ўйланиб қолди.

– Балки, бугун кечқурун учрашармиз. Меҳмонхонада, сенинг хонангда овқатланамиз, қиттак-қиттак оламиз. Кейин мен касалхонага, отамнинг олдига ўтаман. Телефон олдида ўтиравериш жонга тегиб кетди. Келишдикми?

– Келишдик, – деди Кей. Майкл гўшакни илиб қўйди.

Ниҳоят топшириқ билан кетган Клеменца қайтиб келди. Бир неча дақиқадан кейин ҳаммаси хонага тўпланишди. Сонни қисқагина қилиб Клеменцадан сўради.

– Қалай, иш жойидами?

Клеменца маъқуллаш маъносида бош ирғади.

– Энди у билан ҳеч қачон кўришмайсизлар.

Майкл бу жумбоқни дарҳол тушунди: ахир улар Поли Гатто ҳақида гаплашишяпти-ку – кичкина Поли ўлдирилган, уни мана шу Клеменца, синглизининг тўйида очилиб-сочилиб ўйинга тушган Клеменца ўлдирган.

Сонни Хейгендан сўради:

– Ҳали Солоццо билан боғлана олганинг йўқми?

Хейген бош чайқади.

– Нима учундир музокара бошлашга шошилмаяпти. Барибир мажбур бўлади. Бошқа иложи йўқ. Учрашиш ҳақида эртага шартлашиб оламиз. Бу аниқ.

Эшикни Клеменцанинг одамларидан бири чертди. У кириб:

– Ҳозиргина радиодан эшиттиришди, полиция Поли Гаттонинг жасадини машинасидан топибди, – деди.

Клеменца бошини ирғади:

– Бор, сен бунинг ташвишини қилмай қўя қол, – деди.

Йигит ўзининг сарога таажжубланиб қараб қўйди, унинг гапини тушунди ва хонадан чиқди.

Сонни Хейгендан сўради:

– Доннинг соғлиги қандай, тузукми?

Хейген бош қимирлатди.

– Сал тузук, лекин ҳозирча гапира олмайди. Онанг кун бўйи ёнида ўтирди. Конни ҳам ўша ерда. Касалхона тўла полициячи. Ҳар эҳтимолга қарши Тессионинг йигитлари ҳам яқин атрофда юришибди. Икки кундан кейин анча ўзига келиб қолади. Ўшанда кўрамиз, нима деркин. Ҳозирча Солоццонинг ҳаддидан ошишига йўл қўймаслик керак. Шунинг учун ҳам у билан музокара бошлашни сендан талаб қиляпман.

– Клеменца билан Тессио уни излаб топишлари керак, ахир, – гўлдиради Сонни. – Балки, ўшанда бир зарба билан бу тутунни ечиб ташлашга муваффақ бўлармиз.

– Бунга умид қилма, – деди Хейген. – Солоццо аҳмоқ эмас. – У жим қолди. – Агар музокара бошланса, кўп жиҳатдан ён босишга мажбур бўлишини у яхши билади. Шунинг учун ҳам шошилмаяпти. Кўринишидан дон розилик бергач, уни йўқ қилиб ташлашимизнинг олдини олишга, Нью-Йоркдаги бошқа оилаларнинг қўллаб-қувватлашларига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса керак.

Сонни қовоғини солди:

– Нима учун қўллаб-қувватлашади?

Хейген шошилмасдан тушунтирди:

– Хунрезлик бўлмаслиги учун. Хунрезликдан ҳамма зарар кўради, газеталар қўшиб-чатиб ёзади, ҳукумат аралашади. Бунинг устига Солоццо уларнинг наркотиклар билан савдо қилишда пайчи сифатида иштирок этишига ваъда берган. Ўзинг биласан, бу тубсиз олтин булоқ, Корлеонелар оиласи бунингсиз ҳам иложини қилади – бизнинг қиморхоналаримиз бор. Бу энг қулай усул. Бироқ бошқалар пулга ўч. Солоццо пихини ёрган одам, у ишни ривожлантириб юборишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Корчалонлар учун тирик Солоццо – сармоя, ўлик Солоццо кўнгилсизликдан бошқа нарса эмас.

Сонни Тессииога ўгирилиб қаради.

– Люка қаердалигини аниқладингми?

Тессиио бошини чайқади.

– Йўқ. Туркнинг қўлига тушиб қолган бўлса керак.

Хейген секин деди:

– Солоцонинг Люкани менсимаслиги менга ёқмаганди. У жуда ақлли одам. Люкадай одамни менсимаслиги учун бирор асоси бўлиши керак. Балки, Солоццо уни саранжомлаб бўлгандир?

– Фақат Люка бизга қарши чиқмаса бўлгани.

Мен қўрқаётган яккаю ягона нарса шу. Клеменца, Тессиио, сизлар қандай фикрдасизлар? – деб тўнғиллади Сонни.

Клеменца шошилмай гапирди:

– Ҳар бир одам панд бериши мумкин. Ана, Полини олиб кўринг. Лекин Люка панд бермайди. Унинг битта худоси бор – у ҳам бўлса Чўқинтирган ота. У фақат ўшандан кўрқади. Фақат кўрқибгина қолмасдан, сенинг отангни ҳаммадан кўра кўпроқ хурмат қилади. Биласанми, Чўқинтирган отани ҳамма хурмат қилади. У бундай хурматга лойиқ. Йўқ, Люка ҳеч қачон сотқинлик қилмайди. Ҳатто маккор Солоццо ҳам уни гафлатда қолдириб, қўлга туширолмайди, деб ўйлайман. Люка ҳаммадан ва ҳар бир одамдан шубҳаланарди, энг муҳим воқеаларга ҳам доим тайёр турарди. Бир-икки кунга бирор ёққа кетворган бўлса керак. Тез орадаёқ пайдо бўлиб қолади.

Сонни Тессииога қаради. Бруклинлик сароғегиме елкасини қисди.

– Ҳамма сотқинлик қилиши мумкин. Люка кўнгилчан одам. Балки, дон уни бирор нарсада хафа қилгандир. Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин мен ҳар ҳолда уни Солоццо қўлга туширган деб ўйлайман. *Consigliori* ҳаққа ўхшайди. Нохуш хабар кутишга тўғри келади.

– Тез орада Поли Гатто тўғрисидаги хабарни эшитади. Бу хабарни қандай қабул қиларкин? – деди Сонни.

Клеменца хўмрайиб жавоб берди:

– Яхшилаб ўйланади. Корлеонелар оиласидагиларнинг ҳаммаси ҳам лапашанг эмаслигини тушунади. Куни кеча осон қутулгани, иш ўнгидан келганлиги ҳақида ўйланади.

Сонни кескин деди:

– Иши ўнгидан келганлиги нимаси? Солоццо бу суиқасд тўғрисида кўпдан бери бош қотириб юрган. Аксинча, унинг иши ўнгидан келмади. Ишни лапашангларга топширган. Отамиз эса ернинг тагида илон қимирласа сезади. Агар отамни ўлдиришганда, менинг Солоццо билан музокара тузишдан бошқа иложим қолмасди. Бундан эса у ютган бўларди. Тўғри, фақат ҳозир ютган бўларди. Лекин беш ёки ўн йилдан кейин мен уни, албатта, ўлдирган бўлардим. Ҳа, иши ўнгидан келди. Унингсиз ҳам кейинги йилларда Солоццога ўхшаб бизга тишини қайраганлар кўпайиб кетди.

Кимдир ошхонадан товоқда спагетти, ликопча, санчқи, вино келтириб қўйди. Ҳаммаси овқатланишга киришишди.

– Албатта, мен бу ишларга яхши тушунмайман, – деди босиқлик билан Майкл. – Лекин сизларнинг Солоццо ҳақидаги гапларингизга, шунингдек, Том билан музокара олиб боришдан қочиб юрганига қараганда, менимча, унинг қандайдир қаттиқ ишонаётган бир нарсаси бор. Эҳтимол, устунликка эга бўлиш учун яна бирор нарсани режалаштириб юргандир. Агар унинг мақсадини аниқ билганимизда, биз ютиб чиққан бўлардик.

– Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйландим, – деди Сонни истар-истамас. – Унинг ишонган нарсаси Люка бўлиб чиқмасайди, деб қўрқаман. Ҳозирча шубҳа остида экан, Люка пайдо бўлиши биланоқ бу ерга олиб келишларини тайинладим. Яна бир фикр бор. Солоццо Нью-Йоркдаги бешта синдикат билан битим тузган ва агар Туркнинг шартларига кўнмасак, эртага улар бизга қарши уруш эълон қилганини эшитамиз. Тўғрими, Том?

Хейген бош ирғади:

– Ҳа, шунақага ўхшайди. Отангсиз бунақа душманларга бас келолмаймиз. Фақат дон Беш оилага қарши

тура олади. Доннинг сиёсий алоқалари бор. Душманларда эса худди шундай алоқа йўқ. Музокаралар давомида агар зарурат туғилса, дон худди шу алоқаларни ишга солади. Сонни Тессиодан сўради:

– Касалхонада нима гап? У ерда одамларинг борми?

Суҳбат бошлангандан бери Тессио биринчи марта дадил ва ишонч билан жавоб берди.

– Ичкарида ҳам, ташқарида ҳам одамларим бор, – деди у. – Куну тун соқчилик қилишяпти. Полициячилар ҳам етарли. Палатанинг эшиги олдида кўрсатма олиш мумкин бўлган вақтни кутиб, айғоқчилар ўтиришибди. Кулгили... Ошхонадан ташвишланмаса ҳам бўлади. Донни ҳозирча найча орқали овқатлантиришяпти. Акс ҳолда Турк заҳарлашдан ҳам тоймайди. Йўқ, донга етишга уларнинг қўли калталиқ қилади. Мутлақо унга етиша олмайди.

Сонни ўзини орқага ташлади.

– Менинг пайимга тушишмайди. Чунки улар мен билан музокара олиб боришади. Уларга бизнинг ташкилотимиз керак. – У кулиб Майклга қаради. – Балки сенинг пайингга тушиб юришгандир? Балки Солоццо сени тузоққа илинтириб, биз унинг шартларини қабул қилмагунимизча гаров сифатида ушлаб турмоқчидир?

Кей билан бўладиган учрашувга ҳам чечак чиқди, ўйлади Майкл ранжиб, Сонни энди мени уйдан бир қадам ҳам ташқарига чиқармайди. Лекин Хейген шошилиб шундай деди:

– Йўқ, агар Солоццо эҳтиёткорлик чорасини кўрмоқчи бўлганда, Майклни хоҳлаган пайтида қопқонга тушириши мумкин эди. Майкл бизнинг ишларимиздан олислигини ҳамма билади. У пашшага ҳам озор бермайдиган одам. Агар Солоццо Майклни ушлаб олгудек бўлса, Нью-Йоркдаги ҳеч ким уни қўллаб-қувватламайди. Ҳатто Таттальялар ҳам унга қарши чиқишади. Менимча, бу иш жуда ўнғай. Эртага ҳузуримизга Беш оила вакили келади ва Турк таклиф қилаётган ишга қўшилиш керак дейди.

– Жуда соз, – деди Майкл енгил нафас олиб. – Бугун эса мен шаҳарга чиқаман.

– Нимага? – сўради кескин Сонни.

Майкл кулиб қўйди.

– Касалхонага бориб отамга учрайман, ойимни ва Коннини кўриб келаман. Бошқа баъзи бир ишлар ҳам бор.

Худди донга ўхшаб Майкл ҳам ишларини сир тутарди. Зарурат бўлмаса индамай қўя қоларди. Одати шунақа. Ҳозир ҳам Кей Адамс олдига кетаётганини айтмади.

Ошхонадан ҳар хил овозлар эшитилиб қолди. Клеменца нима гаплигини билиш учун чиқди. У Люка Бразининг камзул-совутини кўтариб кирди. Совутга катта ўлик балиқ ўраб қўйилганди.

Клеменца куруққина қилиб:

– Мана, Турк Поли Гатто ўлимидан хабар топибди, – деди.

Тессо ҳам куруққина:

– Энди биз ҳам Люка Бразимизнинг қаердалигидан хабардор бўлдик, – деди.

Сонни сигара туташтирди, кейин вискидан ҳўплади. Ҳеч нарсага тушунмаган Майкл сўради:

– Нега совутга балиқ ўралган? Бу нимани билдиради?

Унга *consigliori*, ирландиялик Хейген жавоб берди:

– Бу Люка Брази океан тубида тинч ухляпти, деган маънони англатади. Қадим замонлардан бери Сицилияда бундай воқеа ҳақида шундай йўл билан хабар қилишади.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ўша куни оқшомда Майкл Корлеоне шаҳарга жўнаркан, кўнгли ғаш эди. Уни оилавий ишларга қўшилишга мажбур қилишаётганди – Майкл ҳатто Сонни уни телефондаги кўнғироқларга жавоб бериб ўтиришга мажбур қилганидан аччиқланди. Оилавий кенгашларда сукут

сақлашиб, қотилларнинг тафсилоти билан бемалол та-ништиришганда у ғалати бўлиб кетарди. Мана ҳозир ҳам Кейнинг олдига йўл оларкан, унинг олдида ўзини айбдордек ҳис қиларди. Ҳеч қачон унга оиласи ҳақида бор ҳақиқатни гапириб бермаганди. Ҳазил ва қизиқарли воқеалар айтиб бериш билан унинг қариндош-уруғларини асл қиёфасида эмас, балки саргузашт фильмларнинг қаҳрамонлари сифатида тасвирларди. Мана, отасини кўчада отиб кетишди, акаси эса бунга қотиллик билан жавоб беришни ўйлаб юрибди. Майкл бу воқеаларни ҳозир ўзи эътироф этганидек, Кейга ошкора, очиқ-ойдин айтиб беролмайди. У Кейга бу воқеалар ҳақида гапираркан, тасодиф юз берган, ҳамма ташвишлар орқада қолди, деди. Аслида эса, э-ҳа, ҳаммаси энди бошланаётганга ўхшарди. Сонни ва Том Солоцзонинг имкониятларини баҳолашда хато қилишди. Сонни етарли даражада тажрибали бўлишига ва хавф-хатарни олдиндан кўра билишига қарамасдан, ҳатто ҳозир ҳам Солоццо имкониятларига тўғри баҳо беришолмаяпти. Туркнинг кучи нимада эканлигини қандай билса бўларкин-а? Қўринишидан у жасур, ақли, ҳаддан ташқари ирода кучига эга одам бўлса керак. Демак, у ҳар қадамда қутилмаган қабиҳликлар қилиши мумкин. Сонни, Том, Тессио ҳаммаси бир оғиздан ҳамма чора-тадбирлар кўриб қўйилган дейишяпти. Ахир Майклга қараганда уларнинг тажрибаси кўп-да! Майкл ўзини бу урушда «беозор бир одам» деб ўйларди. Майклни бу кирғинда қатнашишга мажбур қилиш учун унга жанговар мукофотлардан беҳад устун турадиган мукофотлар ваъда қилиш керак эди.

Бу ғавғолардан четда туришни, ўз ташвишлари билан яшашни Майкл ҳаммадан кўра кўпроқ хоҳларди. Лекин вазият изга тушмагунча оила билан алоқани узолмасди. Бирдан Майкл унга инида пусиб ётган каламуш, ҳарбий хизматдан озод қилинган имтиёзли кузатувчи роли зўрлаб тиқиштирилаётганидан жаҳли чиқаётганлигини аниқ сезиб қолди. «Беозор одам» сўзи унинг миясини эговлаётгани ҳам шундан эди.



У меҳмонхонага кириб борди. Кей вестибюлда кутиб турарди.

Бирга овқатланишди, қиттак-қиттак ичишди.

– Касалхонага қачон борасан? – сўради Кей.

Майкл соатига қаради.

– Касалхонага саккиз яримгача қўйишади. Ҳамма кетгандан кейин борганим маъқулроқ. Мени қўйишади. Отам алоҳида палатада, унинг олдида хусусий ҳамширалар бор. Шунчаки бир оз ўтириб қайтаман. Отам ҳозирча гапира олмайди. Балки, мени танимас ҳам. Лекин барибир боришим керак.

Кей оҳиста деди:

– Отанга жуда-жуда ачиняпман. У тўйда менга жуда ёққан эди. Газеталар у ҳақда ёзаётган гапларга ҳеч-ҳеч ишонгим келмаяпти. Бу гапларнинг кўпи ёлгон бўлса керак.

– Мен ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлайман, – деди Майкл.

Кей олдида очилмаган сирли сандиқ эканлигидан Майкл ўзи ҳам таажжубланарди. У Кейни севади, унга ишонади, лекин ҳеч қачон отаси ҳақида ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб беролмайди. Шу маънода Кей унга бегона бўлиб қолаверади.

– Ҳўш, сен-чи? – сўради Кей. – Газеталар ваҳимали қилиб ёзаётган гангстерлар урушида сен ҳам қатнашсанми?

Майкл кулимсираб пиджагининг тугмаларини ечдида, этакларини икки томонга очди.

– Қўряпсанми, қуролим йўқ.

Кей кулди.

Улар хонага қайтиб киришганда Майкл ташвишланиб соатига қаради.

– Эҳ, жин урсин, – деди у, – ўн бўляпти. Касалхонага жўнаш керак.

У ваннахонага кириб ювинди, таранди. Кей орқасидан келиб уни қучоқлаб олди.

– Қачон никоҳдан ўтамыз? – сўради у.

– Хоҳлаган пайтингда, – деди Майкл. – Оиламиз атрофида бўлаётган тўс-тўполонлар сал тинчиб, отам сал тузалсин. Лекин сен ота-отанга баъзи бир нарсаларни яхшилаб тушунтириб қўйишингга тўғри келади.

– Нимани тушунтиришим керак экан? – секин сўради Кей.

Майк сочини тараркан:

– Уларга чиқиб келиши италян бўлган бир йигит билан танишиб қолдим, ёмон йигит эмас, дейсан. Дортмунд дорилфунунда ўқиётганимни айтасан. «Жанговар хизматлари учун» хоци, «Қирмизи юрак» медали бор. Ҳалол, меҳнаткаш йигит, дейсан. Лекин отаси жиноятчиларнинг бошлиғи, ёмон одамларни ўлдиради, баъзан юқори лавозимдагиларга пора ҳам бериб туради, шундай ҳоллар ҳам бўладики, иш юзасидан унга гоҳи-гоҳида ўқ узиб туришади, дейсан. Аммо буларнинг ҳаммаси унинг ҳалол ва меҳнаткаш ўғлига мутлақо дахлдор эмас, дейсан. Эслаб қоласанми ҳаммасини?

Кей ундан нари тисарилиб эшикка суяниб қолди.

– Шуларнинг ҳаммаси ростми? – сўради у. – Отанг, ҳақиқатан ҳам, шунақа одамми? – Кей жим қолди. – У одам ўлдирадими?

Майкл тарокни жойига қўйди.

– Аниқ билмайман, – деди у. – Ҳеч ким аниқ билмайди. Лекин шундай бўлиши ҳам мумкин.

Майкл эшикдан чиқаётганда Кей ундан сўради:

– Яқин орада учрашамизми?

Майкл уни ўпди.

– Уйингга жўна, сокин, тинч шаҳарчангда яхшилаб ўйлаб кўр. Сен ҳар ҳолда бу ишлардан четроқда бўлишинг керак. Рождество байрамидан кейин дорилфунунга қайтаман. Хановерда учрашамиз. Келишдикми?

– Келишдик, – деди Кей.

У Майкл хонадан чиқиб, унга қўл силтаб хайрлашиб, лифтга ўтиргунча орқасидан қараб турди. Майкл унга ҳеч қачон бунчалик яқин, бунчалик суюкли бўлмаганди. Агар ҳозир кимдир унга энди Майкл билан роппа-роса уч йил учрашмайсан, деса Кей ақлдан озиши мумкин эди.

Майкл Французлар касалхонаси олдида таксидан тушаркан, кўчада мутлақо одам йўқлигини кўриб таажжубланди. Касалхона ичкарасига кирди. Вестибюль бўм-бўшлигини кўриб, яна таажжубланди. Лаънати Клеменца билан Тессио нима қилиб юришибди, ўйлади у. Улар ҳарбий таълимни ўқишмагани ростдир, лекин соқчи қўйиш учун, албатта, Уэст-Пойитни тамомлаш шартми? Вестибюлда энг камида икки киши навбатчилик қилиши керак.

Беморлар олдига кеч қолиб келган одамлар ҳам кетиб бўлишганди. Соат ўн яримга яқинлашиб қолганди. Майкл хушёр тортди, бутун ақлу хушини йиғди. Маълумотнома ёнида тўхтамади. У отаси бешинчи қаватда ётишини, қайси палатадалигини биларди. Шошиб лифтда юқорига кўтарилди. Қизиғи шундаки, бешинчи қаватдаги навбатчи столи олдига бориб қолгунга қадар уни ҳеч ким тўхтатмади. Навбатчи ҳамшира уни чақирди, лекин Майкл қайрилиб қараб ҳам қўймади, йўлида давом этди. Палата эшиги олдида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Дондан маълумот олишни кутиб ўтирган икки хуфия қаерда қолди? Клеменца ва Тессионинг одамлари қани? Лаънатилар! Балки, палатада бирон одам навбатчилик қилаётгандир. Эшик очик эди. Майкл палатага кирди. Каравотда бир одам ётарди – Майкл отасини совуқ ой нури тушиб турган юзидан таниди. Ҳатто ҳозир ҳам отасининг юзида совуққонлик намоён эди, нотекис нафас олишидан кўкраги билинар-билиномас кўтарилиб турарди. Каравот ёнидаги капельница-томизгичдан унинг бурун катакчаларига иккита ингичка найча тортилган эди. Полга қўйилган шиша идишга ҳам найчалар уланган эди. Майкл бир оз қараб турди-да, кейин секин тисарилиб, палатадан чиқди.

– Мен Майкл Корлеонеман, отамнинг олдида бир оз ўтирмақчи эдим, – деди навбатчи ҳамширага. – Уни қўриқлаётган полициячилар қаёққа даф бўлишди?

Ёшгина, кўхликкина ҳамшира кўринишидан оқ халатининг кучига қаттиқ ишонарди.

– Отангизнинг олдига жуда кўп одам келди. Улар врачга халақит беришди, – деди у. – Бундан ўн дақиқа олдин полициядан одамлар келиб, ҳаммани тарқатворишди. Соқчиларни эса яна беш дақиқадан кейин телефонда чақириб олишди. Сиз ташвишланманг, мен отангиздан доим хабар олиб турибман. Ҳамма гапини эшитаман. Эшикни шунинг учун очиб қўйганмиз.

– Раҳмат, – деди Майкл. – Бир оз отам ёнида ўтирмоқчиман, майлими?

Ҳамшира Майклга кулиб қаради.

– Фақат узоқ ўтирмайсиз, тезроқ чиқишингизга тўғри келади. Иложим йўқ. Тартиб шунақа.

Майкл палатага қайтиб кирди. Ички телефонда, касалхона коммутатори орқали Ланг-Бичга, отасининг хонасига қўнғироқ қилди. Гўшакни Сонни олди.

– Сонни, – пичирлади Майкл. – Мен касалхонадаман, ҳозир келдим. Сонни, бу ерда ҳеч ким йўқ. Тессионинг одамлари йўқ. Палата эшиги олдидаги хуфиялар ҳам йўқ. Отамнинг олдида бирон тирик жон йўқ.

Унинг лаблари қалтирарди.

Сонни анчагача жим турди. Кейин бўғиқ, бошқача овоз билан:

– Шунақа дегин, демак, лаънати Солоццонинг нияти бошқача экан-да...

– Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман, – деди Майкл. – Лекин полиция касалхонадаги ҳамма кўриқчини тарқатиб юборишга қандай эришди, хуфиялар қайга гумдон бўлишди? Тессионинг одамларига нима бўлган? Наҳотки бу иблис итвачча Солоццо Нью-Йорк шаҳар полиция бошқармасини сотиб олган бўлса?

– Сал секинроқ, қария, – Соннининг овози хотиржам эшитилди. – Яна ишимиз ўнгидан келди. Сенинг касалхонага кеч борганинг фойда қилди.

Палатадан чиқмай ўтир. Ичидан беркитиб ол. Ўн беш дақиқа бардош бериб ўтириб тур. Мен бир жойга қўнғироқ қиламан, холос. Ақл-хушингни йўқотма, бўптими?

– Ташвишланма, йўқотмайман, – деди Майкл.

У гўшакни илиб қўйди-да, қўнғироқ тугмачасини босди. Соннига қараб ўтирмасдан, ўзи ҳаракат қилгани, ўзича иш тутгани яхши. Ҳамшира кирди.

– Қулоқ солинг, фақат ваҳима қилманг, – деди Майкл. – Гап бундай. Отамни дарҳол бу ердан бошқа палата ёки бошқа қаватга кўчириш керак. Каравотни ғилдиратиб чиқиш учун найчаларни қандай қилиб узса бўлади?

Ҳамшира эътироз билдирди:

– Нималар деяпсиз? Врачнинг рухсатисиз...

Майкл унинг сўзини бўлди.

– Отам ҳақида газеталар нималар деб ёзганини ўқидингизми? Ўзингиз кўриб турибсиз – соқчиларсиз қолибди. Ҳозир мени огоҳлантириб айтишдики, бу ерга отамни ўлдиригани келишаётганмиш. Ҳа, шунақа. Яхшиси, менга ёрдамлашиб юборинг.

Зарур пайтда Майкл ҳар қандай одамни ҳам ишонтира оларди.

– Найчаларни узмаса ҳам бўлади. Бу кўчма қурилма, – деди ҳамшира.

– Бўш палата борми? – пичирлаб сўради Майкл.

– Бор, йўлакнинг охирида, – жавоб берди ҳамшира. Ҳамма иш бир зумда, жуда чаққонлик билан қилинди.

– Одамлар ёрдамга етиб келишгунча отамнинг олдида ўтириб туринг, – деди Майкл ҳамширага. – Йўлақда ўтиришингиз хавфли.

Каравотдан хириллаган, лекин аниқ овоз эшитилди:

– Сенмисан, Майкл? Нима гап, нима бўлди?

Майкл каравот устига энгашди. Отасининг қўлини қўлига олди.

– Ҳа, бу мен, Майклман, – деди. – Қўрқманг, жим ётаверинг. Агар биров сизни отингизни айтиб чақирса, жавоб берманг. Сизни ўлдиришмоқчи, тушундингизми? Лекин мен шу ерда эканман, бунга йўл қўймайман. Қўрқманг.

Дон Корлеоне қандай ҳодиса юз берганини ҳали тўла хис этмаган, оғриқ азобидан карахт ётган ҳолда, худди кенжа ўғлига гапираётгандай пичирлади.

– Э, нимадан кўрқаман? Мени кўздан буён ўлдирмоқчи бўлишади. Биринчи марта ўн икки ёшлик пайтимда уриниб кўришган...

Бу гапларни овоз чиқариб айтишга кучи етмади.

### ЎНИНЧИ БОБ

Касалхона кичкина бўлиб, чоғроқ алоҳида бинога жойлашган, ягона кириш йўлагига эга эди. Майкл деразадан қаради. Касалхонанинг ярим ҳалқа шаклидаги ҳовлисида пиллапоя орқали кўчага чиқиларди. Фақат ана шу йўлак орқалигина касалхонага кириш мумкин эди. Машина кўринмасди. Лекин бирон дақиқани ҳам беҳуда йўқотмаслик кераклигини Майкл яхши тушунарди. У палатадан югуриб чиқди, бешинчи қаватдан югуриб пастга тушди ва кенг эшиқдан ҳовлига чиқди. Ҳовлида касалхона машиналари турадиган жой бор эди. Ҳозир бу жой ҳам бўм-бўш эди.

Майкл тротуарга тушиб, сигарет туташтирди. У пальтоси тугмаларини очиб, чироқ остига келиб турди. Ёруғлик унинг юзига тушиб турарди. Учинчи авенюдан тугунча қўлтиқлаб олган бир йигит касалхона томон тез-тез кела бошлади. У ҳарбий куртка кийиб олган, қалин қора сочлари жингалак эди. Йигит чироқ ёруғига кирганда унинг юзи Майклга таниш кўринди. Йигит унинг олдига келиб тўхтади, қўлини узатаркан, кучли италянча талаффуз билан:

– Дон Майкл, мени эслайсизми? – деди. – Мен новвой Назориннинг куёви Энцо бўламан. Илгари унинг ёрдамчиси эдим. Отангиз елиб-югуриб, Америкада қолишимга рухсатнома олиб берган. Шу йўл билан менинг ҳаётимни қутқариб қолган. Майкл йигитнинг қўлини қисди. У эсига тушганди.

– Отангизни йўқлаб келгандим. Киритишармикин ёки кеч қолдимми?

Майкл кулиб бошини чайқади.

– Киритишмайди, лекин барибир раҳмат. Келга-

нингни Донга айтиб қўяман. Кўчадан катта тезликда гуриллаб машина ўтди. Майкл дарҳол сергакланди.

– Тезроқ бу ердан кет, – деди у Энцога. – Бу ер нотинч бўлиб турибди. Сен полициянинг қўлига тушмаслигинг керак.

У италиялик йигитнинг юзида ташвиш ифодасини кўрди. Агар полициянинг кўзи тушадиган бўлса, уни ватанига жўнатиб юборишлари, Америка фуқаролигидан маҳрум қилишлари мумкин. Лекин барибир Энцо кетмади. Италия тилида шивирлади:

– Агар нотинчлик бўлса, ёрдамлашгани қоламан. Мен Чўкиттирган ота олдида қарздорман.

Бу гапдан Майкл тўққизинчи кетди. У Энцони қувиб юбормоқчи эди, лекин кейин ўйланиб қолди. Қолаверсин. Касалхона эшиги олдида икки киши турганлиги, балки, Солоцонинг одамларини чўчитар. Бир одамдан мутлақо чўчимасликлари ҳам мумкин.

У Энцога сигарета тутиб, жажигалкасини ёқди. Улар кўчадаги чироқ остида декабрь туни совуғида жунжикиб туришарди. Тўққизинчи авенюдан чиқиб, ўттизинчи кўчага бурилган узун, қора машина шундоққина тортуар чеккасидан улар томонга кела бошлаганда сигареталарини чекиб бўлишаёзганди. Аста секинлаган машина бирдан тезликни ошириб, кўздан ғойиб бўлди. Машинадагилар Майклни таниб қолишганди. У Энцога яна битта сигарета тутди. Шу чоқ новвойнинг қўллари қалтираётганига кўзи тушиб қолди. Ўзининг қўлига қаради. Қизик, мутлақо қалтирамаётганди.

Яна сигарета чекиб туришди. Орадан ўн дақиқага яқин вақт ўтди. Тун сукунатини полиция машинасининг сиренаси бузди. Тўққизинчи авенюдан чиққан машина касалхона олдидаги келиб тўхтади. Унинг кетидан яна икки полиция машинаси келиб тўхтади. Касалхона олдидаги кўча бир зумда полиция формасидаги ва фуқаро кийимидаги одамларга тўлиб кетди. Майкл енгил нафас олди. Офарин, Сонни, тез фармойиш бериб улгурибди... Майкл улар томон юрди.

Барзангидай икки нафар полициячи унинг қўларидан ушлаб олди. Учинчиси тинтиб чиқди. Фураж-касида олтин уқаси бор, полиция капитани формасидаги семиз киши пиллапоядан қўтарила бошлади. Унга тобе одамлар дарҳол четга чиқишди. Анчагина қорин солган, чаккалари оқарган бўлишига қарамасдан капитан дадил, шаҳдам қадам ташларди. Чорпахил юзи ловулларди. У Майклнинг олдига келиб бақира бошлади:

– Италиялик безориларнинг тухумини қуритиб бўл-дик, деб ўйлагандим! Кимсан, бу ерда нима қилиб сан-қиб юрибсан?

Полициячилардан бири Майклнинг ёнига келиб турди.

– Бу топ-тоза, капитан, – деди Майклни тинтиб чиққан полициячи.

Майкл жим эди. У капитаннинг юзига, металдай йилтиллаб турган совуқ қўк кўзларига тикилиб турарди. Фуқаро кийимидаги агент тушунтирди:

– Бу доннинг ўғли Майкл Корлеоне.

Майкл хотиржам сўради:

– Соқчилар қаёққа ғойиб бўлди? Уларни ким бу ердан олиб ташлади?

Капитаннинг чорпахил юзига бирдан қон тепиб чиқди.

– Ҳали сен безори, менга кўрсатма ҳам бермоқчи бўлдингми? Хўш, нима дейсан, мен уларни олиб ташладим. Сенлар, ифлос гангстерлар, менга деса бир-бирларингни уруғ-чуруғингача қириб ташламайсанларми. Ҳаммасига тупурдим. Сенинг отангга қўриқчилик қилишга келсақ, мен шахсан қўлимни совуқ сувга ҳам урмаган бўлардим. Энди туёгингни шиқиллатиб қол бу ердан. Қабул йўқ соатларда бу ерда сенинг қорангни кўрмай, итвачча!

Майкл ҳамон унинг юзига диққат билан тикилганича турарди. Капитаннинг гаплари унга заррача ҳам таъсир қилмади. У жуда тез фикрларди. Нахотки, бояги биринчи машинада Солоцдонинг ўзи ўтирган бўлиб, унинг ка-



салхона эшиги ёнида турганини кўрган бўлса? Наҳотки, Солоццо полиция капитанига кўнгироқ қилиб: «Касалхона эшиги олдида Корлеонеларнинг одамлари нима қилиб ўралашиб юришибди? Касалхонада уларнинг изи ҳам қолмаслиги учун сизга пул тўламаганмидим?» деган бўлса? Наҳотки, Сонни ҳақ бўлиб, буларнинг ҳаммаси пухта ўйланган режанинг бир қисми бўлса? Шунақага ўхшайди.

Майкл пинагини бузмасдан:

– Отамнинг палатасига соқчи қўйилмагунча ҳеч қаёққа кетмайман, – деди капитанга. Капитан ҳатто унга жавоб ҳам бермади. Майклнинг ёнида турган полициячига буюрди:

– Фил, бу итваччани олиб бориб қамаб қўй.

Полициячи иккиланиб, эътироз билдирди.

– Бу йигит топ-тоза, капитан. Устига-устак уруш қахрамони, ҳеч қачон жиноий ишларга аралашмаган. Газеталар айюҳаннос солишади.

Ҳазабдан қип-қизариб кетган капитан у томон қадам ташлади.

– Олиб бориб қамаб қўй, деб айтдимми, вассалом!

Майклнинг мияси ҳамон соат сингари аниқ ишларди – Ҳазаб, нафрат унинг ақлини хиралаштирганди. У пухта ўйлаб, аниқ-лўнда қилиб:

– Капитан, отамнинг қўл-оёғини боғлаб берганингиз учун Турк кўп пул тўладими? – деди.

Капитан қайрилиб қаради. У икки бақувват полициячига буюрди.

– Қани, ушланглар уни!

Майклни ушлаб, қўлларини ёнига маҳкам босиб туришди. У капитаннинг оғир мушти ҳавода учиб, унинг башарасига яқинлашаётганини кўрди ва чап беришга ҳаракат қилди. Мушт тумшугига келиб тушди. Майклнинг миясида граната портлагандай бўлди. Оғзи қон ва майда суякларга тўлди. У тишлари тўкилганини тушунди. Бети худди дам берилган коптоқдай шишиб кетди. Тиззалари букилди, агар ёнидаги полициячилар уш-

лаб туришмаганда, йиқилиб тушарди. Лекин у хушини йўқотмади. Фуқаро кийимидаги агент олдинга ташланиб, Майклни иккинчи зарбадан тўсиб қолди.

– Ё Раббий, ахир сиз уни майиб қилиб қўйдингиз-ку! Капитан дона-дона қилиб:

– Мен унга қўлимнинг учини ҳам теккизганим йўқ, – деди. – Ўзи менга ташланмоқчи бўлиб, қоқилиб кетди. Тушунарлими? Қамоққа олинаётганда қаршилик кўрсатди.

Майкл хира парда орасидан касалхона олдига бирин-кетин икки машина келиб тўхтаганини кўрди. Машиналардан одамлар тушишди. Майкл Клеменцанинг адвокатини таниди – у капитанга илтифот билан, кескин гапирди:

– Корлеонелар оиласи хусусий жиноий қидирув компаниясига мурожаат қилиб, мистер Корлеонени қўриқлаш ҳақида битим тузишди. Соқчиларнинг қурол олиб юришга ҳуқуқи бор. Агар сиз уларни қамоққа олсангиз, эртага эрталаб судда тушунтириш беришингизга тўғри келади.

Адвокат Майклга қаради.

– Сизга нима бўлди? Ким калтаклади? – сўради у. – Жиноий иш очайликми?

Майклнинг пастки жағи зўрға-зўрға қимирлар, у гапирганда қийналарди.

– Қоқилиб кетдим, – деди бир амаллаб. – Қоқилиб кетиб, йиқилиб тушдим.

Майкл капитаннинг юзидаги тантана ифодасини сезиб қолди ва унга жавобан масхаромуз жилмайишга ҳаракат қилди. Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам у миясида чарх ураётган аниқ совуқ фикрларни, танасидаги ҳар бир катакчани тўлдириб турган қаттиқ нафратни бошқалар кўзидан яшириши керак эди. Бу қандайдир ажойиб бир истак эди. У ҳозир нималарни ўйлаётганини бирон бир тирик жон сезмаслигини хоҳларди. Унинг ўрнида отаси ҳам шундай қилган бўларди. Кейин у ўзини касалхонага олиб кетишаётганини тушунди ва хушидан кетди.

Эрталаб уйғонганда Майклнинг жағи тахтакачлаб қўйилган, чап томонидаги тўртта тишининг ўрни бўш эди. Ёнида Хейген ўтирарди.

– Менга наркоз беришдимиз? – сўради Майкл.

– Ҳа, – жавоб берди Хейген. – Қаттиқ азоб беради деб, милкларингдан суяк парчаларини олиб ташлашди. Сен барибир хушсиз эдинг.

– Бошқа жойларим бутунми? – сўради Майкл.

– Бус-бутун, – деди Хейген. – Қулоқ сол. Сонни сени уйда даволангани яхши деяпти. Йўлга бардош беролсанми?

– Албатта, – деди Майкл. – Доннинг аҳволи қандай? Хейген қизариб кетди.

– Менимча, биз бу муаммони ҳал қилдик. Махфий айғоқчиларни ёллаб, хар бир маҳаллага қўйиб чиқдик. Яхшиси, қолган гапни машинада гаплашайлик, хўпми?

Машинани Клеменца ҳайдаб борар, Майкл билан Хейген орқада ўтиришарди. Майклнинг чаккаси лўқилларди.

– Хўш, кеча қанақа ишлар бўлди?

Хейген хотиржам гап бошлади:

– Полицияда Соннининг Филипс деган одами бор. Кеча сени ҳимоя қилган одам. У бизга муҳим ахборотлар берди. Маълум бўлишича, касалхонада қабул соати тугаши биланоқ капитан Маккლოსки Тессионинг касалхона ва ҳовлини қўриқлаб турган йигитларини тарқатиб юборибди. Йигитларнинг баъзи бирлари қуролланган экан, шуни баҳона қилибди. Кейин Маккლოსки ўрнига бошқа одамлар жўнатсин, деб палата эшиги олдидаги агентларни олиб ташлабди. Уни сотиб олишибди. Филипсинг айтишича, у энди тиниб-тинчимас эмиш. Солоццо унга катта пул берганлигига, кейин янада кўпроқ беришга ваъда қилганлигига шубҳа йўқ.

– Ҳалиги йигитча, Энцомиди, яширинишга улгурдимиз?

– Албатта-да, – деди Хейген. – Сенга қараганда чаққонроқ экан. Полиция кўриниши биланоқ кўздан

гойиб бўлибди. Солоццо машинада ўтиб кетганда сен билан бирга турган эканми? Шу тўғрими?

– Тўғри, – тасдиқлади Майкл. – Зўр йигит экан.

– Яхши, биз ҳам қарздор бўлиб қолмасмиз, – деди Хейген. – Сен хурсанд бўладиган янгилик бор. Корлеонелар оиласи ҳисобни тенглаштира бошлади. Бруно Татталья гумдон қилинди. Бугун эрталаб соат тўртда.

Майкл қаддини ростлади.

– Бу қанақаси бўлди? Отамнинг тузалиб чиқишини кутамиз, деб ўйлагандим.

Хейген елка қисди.

– Касалхонадаги воқеалардан кейин Соннини тўхтатиб бўлмай қолди. Ақл-хушини йиғиб олишга кўндиришга уриниб кўрдим. Бўлмади. Балки, сен ҳам ҳаракат қилиб кўрарсан, Майкл? Хунрезликнинг олдини олишга ҳали вақт бор.

– Уриниб кўраман, – деди Майкл. – Эрталаб тўпланамизми?

– Тўпланишга тўғри келади, – жавоб берди Хейген. – Солоццо ниҳоят хабар берди. Музокара олиб боришга тайёрмиш. Дарвоқе, Люка ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси тўғри чиқди. Уни донга суиқасд қилинган куни тунда Бруно Таттальянинг клубида ўлдиришибди. Тасаввур қиласанми?

– Унда Люканинг ғафлатда қолганини тушунса бўлади, – деди Майкл. Боғ йўлагини тўсиб турган узун қора машинага икки киши суяниб турарди.

Хиёбоннинг ўнг ва чап томонидаги уйларнинг юқори қаватларидаги деразалар ланг очиқ эди.

Клеменца машинани боғ эшиги ёнида тўхтатди. У ёғига пиёда кетишди. Машинага суяниб турган икки киши Клеменца отрядидан бўлса керак, саломлашиш ўрнига уларга хўмрайиб қараб қўйди.

Эшикдаги кўнғироқ тугмасини босишга ҳожат қолмади. Чамаси, деразадан кўриб туришган бўлсалар керак, эшикни очишди. Сонни ва Тессю уларни бурчақдаги хонада кутиб ўтиришарди. Сонни укасига яқинлашди,

бошини кафтлари орасига олиб, унга тикилиб қаради-да, пичинг аралаш:

– Жуда чиройли бўлиб кетибсан-ку! – деди.

Майкл унинг қўлларига уриб қўйди.

Улар худди ўтган галгидек шу хонада тўпланишди. Фақат бу сафар муҳит бошқача эди. Сонни жонланиб қолган, қувноқ эди. Майкл бу қувноқликнинг сабабини тушунди. Акаси энди иккиланмас, қатъий қарорга келган эди. Энди уни тўхтатиб бўлмасди. Солоццонинг кейинги ҳамласи сабр косасини тоширган томчи бўлди. Сулҳ ҳақида энди сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди.

– Сен йўқ пайтингда воситачи қўнғироқ қилди, – деди Сонни Хейгенга, – Турк музокара бошламоқчи эмиш, – Сонни кулди. – Бу ит эмган отдан тушса ҳам узангидан тушмайди, – қойил қолгандай бошини қимирлатиб қўйди. – Кеча қутурган итдай хуруж қилган одам, бугун битим тузишга рози эмиш. Биз эса кейинги оёқларимизда тик туриб, унинг қўлидан овқат ермишимиз. Вой сурбет-эй!

Том эҳтиёт бўлиб сўради:

– Сен нима деб жавоб бердинг?

– Худо ҳаққи, хоҳлаган пайтида битим тузишга розимиз, дедим, – Сонни кулди. – Менинг шошилаётган жойим йўқ. Юзлаб одамларим шаҳарда туну кун навбатчилик қилишмоқда. Солоццо инидан чиқиб, қорасини кўрсатиши биланоқ тамом бўлади. Кўнглига сиққанича ўйлаб кўрсин. Мен шошилаётганим йўқ.

– Аниқроқ бирор таклиф айтдингми? – сўради Хейген.

– Бўлмасам-чи, – жавоб берди Сонни. – Биз унинг олдига Майклни юборамиз. Солоццо унга таклифларини айтади. Воситачи Майклнинг дахлсизлигини таъминлайди. У ўзининг дахлсизлигини таъминлашни сўрамаяпти – бефойдалигини билади. Хўп, майли, бу майда-чуйда гап. Демак, бундай учрашув Солоццо худудида бўлади. Майклни келиб Солоццо ҳузурига олиб кетишади. Майкл Солоццонинг гапларини эшилтади, кейин уни қўйиб юборишади. Учрашувнинг аниқ

қаерда бўлиши номаълум. Биз учун шундай қулай шартларни ваъда қилишяптики, рад этишнинг иложи йўқ.

Хейген сўради:

– Таттальялар жим қараб ўтиришаверади, деб ўйлайсанми? Бруно учун қасос олишмайдами?

– Буни ҳам гаплашдик. Воситачининг айтишига қараганда Таттальялар оиласи Солоццонинг режаларига рози эмиш. Бруно Таттальянинг ўлими ҳисобдан чиқариб ташланганмиш. У отамизга қилинган суиқасднинг хуни эмиш. Бошга – бош.

– Сонни яна қулди. – Шунақа, безбетликнинг чега-раси бўлмас экан.

Хейген яна эҳтиёткорлик билан сўради:

– Уларнинг таклифларини эшитсак бўлармиди?

Сонни бошини чайқади:

– Йўқ, *consigliori* йўқ, етарли бўлди! – энди сезилар-сезилмас италянча талаффуз билан гапира бошлади. – Ё менга Солоццони ушлаб келтиришади ёки Корлеонелар оиласи уруш эълон қилади. – Сонни жим бўлиб қолди. – Том, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги гаплар тугади. Ҳамма нарса ҳал этилган. Энди сенинг вазифанг менга ғолиб чиқишда ёрдамлашиш. Тушундингми?

Хейген аста бош ирғади. Бир оз жимликдан кейин:

– Мен полициядаги одамнинг билан гаплашиб кўрдим, – деди. – У капитан Маккლოსки маълум миқдорда маош олиб, Солоццога хизмат қилади, деб айтди. Маоши шоҳона эмиш. Маккლოსкисиз Турк ҳеч жойда қорасини кўрсатмасмиш. У Майкл билан учрашган пайтда ҳам олдида фуқаро кийимида ёнида қурол билан Маккლოსки ўтирган бўлади. Сен оддий нарсага тушунмаяпсан. Сонни, бунақа шахсий қўриқчи билан Солоццо беҳато йўл тугади. Нью-Йоркда полиция капитанини ўлдириб, сувдан қуруқ чиққан ҳол ҳали бўлган эмас. Буни эсда тутсанг бўларди. Сонни елка қисди.

– Маккლოსки бир умр Солоццонинг орқасидан соядек эргашиб юрмас, ахир. Кутамиз.

Майкл бутун суҳбат давомида биринчи марта гапга аралашди. У Хейгендан сўради:

– Отамни уйга олиб тушса бўладими?

Хейген бош чайқади:

– Сўраб-суриштириб кўрдим. Ҳозирча мумкин эмас. Аҳволи оғир. У тузалиб кетади, лекин бунинг учун парвариш керак, даволаниш тартибига риоя қилиш керак. Балки, яна операция қилишга тўғри келар.

– Унда Солоццони дарҳол саранжом қилиш керак, – деди Майкл. – Энди кутиб бўлмайди. Бу жуда хавфли. Балки, яна бирор разилликни ўйлаб топар. Эсингиздами, унинг асосий мақсади отамни ўлдириш эди. Агар Солоццо уни гумдон қилмоқчи эканлигимизни сезиб қолгудек бўлса, яна суиқасд уюштиради. Унга полиция капитани ёрдам бераётган экан, бу сафар ҳам хатога йўл қўяди, деб бўлмайди. Хавф-хатар катта, бу ишда таваккал қилиш ярамайди.

Сонни ўйчан томоғини қашлади.

– Гапларинг тўғри, – деди у. – Солоццо яна отамизга қарши қўл кўтаргунча кутиб туришга ҳаққимиз йўқ.

Хейген хотиржам сўради:

– Капитан Маккლოსкини нима қиламиз? Сонни ғалати бир табассум билан Майклга қаради.

– Ҳа-я, полиция капитанини нима қилсак бўларкин?

Майкл секин деди:

– Албатта, бу сўнгги чора. Лекин сўнгги чоралар ҳам ўзини оқлайдиган вазиятлар бўлади. Айтайлик, биз Маккლოსкини саранжом қилмоқчимиз. Бундай ҳолда унинг кирдикорини очиб ташлашимиз, у ўз бурчини ҳалол бажараётган полиция капитани эмас, балки ифлос, фирибгарлик ишларида аралашиб юрган қаллоблигини, шубҳали шахс эканлигини, ҳар қандай муттаҳам сингари у ҳам жазоланиши кераклигини фош этиб, шармандаи шармисор қилишимиз керак.

Биздан маош олиб ишлаётган газетачилар бор. Ишот қилинган шундай ҳужжатлар берамизки, уларни ҳеч ким рад этолмайди.

У бу гапларни маъқуллашларини кутиб, атрофга қаради. Тессио ва Клеменца қовоқларини солиб, жим ўтиришарди. Сонни боягидек истехзо билан деди:

– Қани, гапиравер, қария, оғзингга шакар, жуда зўр гаплар бўляпти, деган бўларди бу гапларни эшитиб дон.

Хейген четга қараб пиқиллаб кулиб қўйди. Майкл қизариб кетди.

– Нима бўпти? Солоццо мени учрашувга таклиф қиляпти. Учрашувда фақат уч киши – мен, Солоццо ва Маккლოსки бўламиз, бошқа ҳеч ким бўлмайди. Учрашувни индинга белгиланглар. Айғоқчиларимиз учрашув қаерда бўлишини билиб беришсин. Одамлар бўладиган жойда учрашишга уларни мажбур қилиш керак. Квартира ёки шахсий уйга мен бормайман. Майли, ресторани ёки бар бўлсин. Мен бемалол ҳаракат қила олишим учун тушлик вақти бўлиши керак. Бу уларга ҳам маъқул тушади. Полиция капитанини отиб ўлдиришимиз мумкинлиги, ҳатто Солоццонинг хаёлига ҳам келмайди. Албатта, энг аввало, мени бошдан-оёқ тинтиб чиқишади, демак, мен учрашувга қуролсиз бораман. Улар билан суҳбатлашаётган пайтимда менга қурол етказиб бериш йўлини излашга сизлар бош қотиришарди. Иккаласини ҳам отиб ўлдираман.

Тўрт калла бирданига у томон ўттириди. Клеменца ва Тессио жиддий, айна пайтда ҳайратланиб қарашди. Хейгеннинг қиёфасида ташвиш ифодаси бор эди, лекин у мутлақо таажжубланмади. Бироқ Соннининг бесўнақай қиёфаси сўлқиллаб бошлади – тўсатдан у бор овози билан кулиб юборди. Овози томоғига тикилиб, у кўрсаткич бармоғи билан Майклни кўрсатаркан, кулги орасида шундай деди:

– Вой зиёли, олий маълумотли студент-эй, ахир сен бурнингни жийириб, оилавий бизнестан нарида юрардинг-ку! Энди бўлса фақат Маккლოსки башарангга бошлаб туширганлиги учун полиция капитанини ва Туркни ўлдиришмоқчи бўляпсанми, а? Сени ҳақорат қилишдимми? Ахир бу бизнес, иш юзасидан бўлиб ту-



радиган воқеа, холос. Буни қаранглар, хафа бўлганмиш. Фақат уриб тишини синдиргани учун иккаласини ҳам ўлдирмоқчи эмиш. Демак, майда-чуйда топшириқлардан кўнглинг тўлмай юрган экан-да! Қаранглар, шунча йилдан бери билмабмиз-а!

Ҳеч нарсага тушунмаган Клеменца ва Тессио Сонни укаси бўйига қараб тўн бичмаётганлигидан куляпти, деб ўйлашди. Улар ҳам такаббурлик қилиб кулишди. Фақат Хейген хушёр тортиб, жиддийлигича қолди.

Майкл ҳаммага бир-бир қараб чиқди, кейин ҳамон кулишда давом этаётган Соннига кўзларини қадади.

– Демак, сен иккаласини гўдон қиласан. Сен-а? Полициячи башаранга бошлаб туширгани учун уни ўлдиришга тайёрсан, шунақами? – У яна қиқирлаб кулди.

Майкл ўрнидан турди.

– Бас қил! – деди у. Ундаги ўзгариш шунчалик кескин эдики, Тессио ва Клеменцанинг юзидаги табассумдан из ҳам қолмади. Акаси катта ва кучлироқ бўлишига қарамасдан Майкл унга ташланишга ҳам тайёр эди. Агар Майклнинг қўлида қурол бўлганда Соннининг ҳаёти қил устида турган бўларди. Соннининг томоғига бир нарса тикилиб қолгандай бўлди. Майкл совуқ, бегона овоз билан:

– Сен, аблаҳ, бу иш менинг қўлимдан келишига ишонамаяпсанми ҳали? – деди.

Сонни кулишдан ўзини тўхтатиб олганди.

– Ишонаман, албатта, ишонаман, – деди у. – Мен гапинга кулаётганим йўқ. Кулгилиси шундаки, ҳаётда бундай ҳоллар бўлиб туради. Мен сени доим кучли йигит, ҳатто доннинг ўзидан ҳам кучлироқ деб ўйлаб юрардим. Солоцонинг кўзи олдида сен нимжон, мишиқи бир одамсан. Чунки Маккლოსки тишларингни тўкиб ташлаганда ҳам лом-мим демадинг, ҳар доим оилавий жанжаллардан четда юрасан. У сен билан учрашганда, заррача кўркмаси ҳам бўлади, деб ишонади.

Сонни жим бўлди, кейин секин кулиб қўйди.

– Жин урсин, ниҳоят сен ҳам Корлеонелардан эканлигингни кўрсатдинг. Шундай бўлишини фақат мен би-

лардим. Отамизнинг жароҳатланганига уч кун бўлди. Уч кундан бери уруш қаҳрамони, футбол юлдузи ва яна алламбало ниқобларингни қачон ечиб ташларкинсан, деб кутаман. Мен ўнг қўлим бўлишингни, биргаликда отамизни ва оиламизнинг ҳамма аъзоларини қириб ташламоқчи бўлган аблахларни тавбасига таянтириб қўйишимизни кутаман. Бунинг учун бор-йўғи уни башаранга яхшилаб бир тушириши кифоя қилди, холос. Хўш, нима дейсан?..

Сонни кулгили қилиб афтини бужмайтирди ва тиззасига уриб қўйди.

– Йўқ, ростдан ҳам нима деса бўлади, а?

Вазият юмшади. Майкл бошини чайқади.

– Сонни, бошқа илож йўқ, бундай қарорга келганимнинг сабаби шу. Яна суиқасд қилишларини кутиб ўтиролмайман. Солоццо фақат мени ёнига яқинлаштиришини яхши биласан. Ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Полиция капитанини мендан бошқа ҳеч ким ўлдиролмайди. Тўғри, Сонни, бу иш сенинг ҳам қўлингдан келарди, лекин сенинг хотининг, болаларинг бор. Устига-устига, отамиз соғайиб чиққунга қадар сен оила бошлиғисан. Демак, Фредди иккимиз қоляпмиз. Фредди эса ўйиндан чиқди. Демак, мен. Бор гап шу. Шапалоқнинг бу ишга ҳеч қанақа дахли йўқ.

Сонни Майклни қучоқлади.

– Ҳамма далилу рўкачларингга тупурдим. Энг муҳими, сен ўзимизникисан. Яна бир нарса: гапларингнинг ҳаммаси бошидан охиригача тўғри. Сен нима дейсан, Том?

Хейген елка қисди.

– Гаплари жуда тўғри. Бунинг устига Солоццо биз билан, ҳақиқатан ҳам, битим тузмоқчи бўлаётганлигига мен ишонмайман. Қисқаси, Солоццони гумдон қилишимиз керак. Бунинг учун ҳатто полиция капитанини гумдон қилишга тўғри келса ҳам, ягона йўл шу. Фақат бир нарса: ни унутмаслик керак – бу ишни қиладиган одамнинг бошида чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдирайди. Нахотки, Майклдан бошқа одам бўлмаса?

Хейген Клеменца ва Тессиога қаради:

– Йигитларингиз орасида бу топшириқни бажара оладиган тажрибали, ақлли одам йўқми? Кейин бир умр бизнинг таъминотимизда бўлади.

Аввал Клеменца гапирди.

– Йўқ, Солоццо ҳамма йигитларни танийди. Дастлабки дақиқадаёқ у ҳамма режаларимизни пучга чиқаради. Мен ёки Тессио борса ҳам худди шундай бўлади.

– Янги келганлардан ҳеч ким танимайдигани йўқми? – сўради Хейген.

Ҳар икки сароғегиме бош чайқади. Сонни қатъий хулоса чиқарди:

– Бу ишга Майкдан бошқа ҳеч ким бормайди. Сабаби – минг битта. Энг муҳими, Майкни менсишмайди. Кейин у бу топшириқни уддалашига ишонаман. Яна бир муҳим нарса – бу иблис Туркка яқинлашишнинг бошқа иложи йўқ. Демак, вазифамиз ҳар томонлама мукамал тайёргарлик кўриш. Унутма, Майк, ўқ узишинг биланоқ тўшпачани ерга ташла. Эсингда тут, ҳамма нарсани – гувоҳларни ҳам, бошқаларини ҳам иложини қилиб, тўғрилаш мумкин, лекин агар қўлингда қурол билан ушлаб олишса, тамом бўлдим деявер. Транспортни ҳам, яширинадиган жойни ҳам тахт қилиб қўямиз, кейин ғойиб бўласан, қор ёғиб излар босилгунча таътилда юргандек юраверасан. Майк, узок муддат бу жойларда бўлмайсан, севгилинг билан ҳатто телефон орқали ҳам хайрлашма. Ҳамма ишни тугатиб, сени соғ-омон чет элга ўтказиб юборганимиздан кейин мен ўзим кўнғироқ қилиб, соғ-омонлигингни унга айтиб қўяман.

Майкл Корлеоне яна худди бошидан муздай сув қуйилаётгандай таниш ажойиб туйғуни ҳис қилди. У акасига:

– Менга Кейга нимани айтиш керагу, нимани айтмаслик кераклигини ўргатиб, бекорга овора бўляпсан. Сен ахир ҳозир кўнғироқ қилиб, Кей билан хайрлашимни эмас, худди шу нарсани кўзда тутдинг. Тўғримми?

Сонни шошиб:

– Жаҳлинг чиқмасин, сен янги одамсан, ҳозирча мен кўрсатма бераяпман. Бу гапни унутайлик, – деди.

Хейген ҳаммага виски қўйди ва ғамгин:

– Бўпти, ҳар ҳолда энди нима қилишимизни аниқ биламиз-ку! – деди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

Полиция бўлими хонасида капитан Марк Маккლოსки девордаги осма соатга қараб қўйди. Солоццони олиб келадиган, бетини юлмаган бу Туркни Корлеонелар оиласи вакили билан учрашувга кузатиб борадиган вақт бўлганди. Маккლოსки шкафни очиб, фуқароча кийимини кия бошлади. Кейин хотинига қўнғироқ қилиб, кечки овқатга боролмаслигини, топшириқ билан кетаётганлигини айтди. У ҳеч қачон хотинига қўнғилидагини очиб айтмасди. Тентак, ҳамон эри олаётган биргина маошнинг ўзига ҳозиргидек яшашлари мумкин деб ўйлайди. Маккლოსки кинояли кулиб қўйди. Онаси ҳам шунақа эди.

Лекин Маккლოსкининг кўзи эрта очилди – отаси унга пул топишнинг яширин йўллари кўрсатиб берди.

Отаси полицияда сержант лавозимида хизмат қиларди. У ҳар ҳафтанинг охирида ўғлини етаклаб олиб, участкасини айланиб чиқарди. Катта Маккლოსки олти ёшли ўғилчасини дўкондорларга кўрсатаркан:

– Бу бизнинг кичкинтойимиз, – дерди.

Дўкондорлар сержантнинг қўлини қисисшар, болани мақташар, кассаларини жиринглашиб очишиб, боланинг киссасига эллик доллар пул солиб қўйишарди. Куннинг охирига бориб, кичкина Марк Маккლოსкининг чўнтаклари пулга тўлар, ўзи эса отасининг ўртоқларига ёққанидан, уни кўришлари биланоқ пул берганликларидан фахрланиб қувонарди. Табиийки, отаси бу пулларни ўғлини коллежга жойлаштиришга керак бўлади, деб банкка қўяр, Маркнинг қўлига беш-ўн цент берарди, холос.

Кейин улар уйга қараб йўл олишарди. Полициячи амакилар ундан катта бўлсанг ким бўласан, деб сўрашар, у

эса «Полициячи» деб жавоб берар, амакилар қоринларини ушлаб, хахолаб кулишарди. Мактабни битиргандан кейин у отаси ўйлагандек коллежга эмас, полициячилар курсига ўқишга киргани тушунарли ҳол эди.

У ҳалол, тиришқоқ, жасур полициячи эди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган безорилар уни кўришлари билан жуфтакни ростлаб қолишарди. Кейинчалик эса унинг участкасида мутлақо безорилар қолмади. У отасига ўхшаб, ўғилларини дўконларда етаклаб юрмас, тўлиб-тошиб ётган ювинди идишларга ва рухсат берилмаган жойга қўйилган машиналарга панжа орасидан қараганлиги учун дўкондорлардан хайр-садақа тамагирлик қилмасди. У очиқчасига пул оларди, чунки уни ҳалол ишлаб топилган пул деб ҳисобларди. Бошқа полициячиларга ўхшаб у навбатчилик пайтида кинотеатрларга кирмас, совуқ қиш кечаларида ресторанларда ўтирмасди. Участкасини айланиб юрарди. Дўкондорлар у туфайли ўзларини худди тош девор ичидаги каби беҳатар ҳис қилишар, ундан миннатдор бўлишар ва бу миннатдорчиликни амалда исбот қилишарди.

У айёрлик қилмас, шубҳали ишларга аралашмас, фақат пора оларди. Гарчи сакрашлар бўлмаса-да, у хизмат поғонасидан тинмай кўтарилиб борди.

Тўрт ўғил тарбиялаб ўстирди, лекин улардан биронтаси ҳам полицияда хизмат қилишга кирмади. Ҳаммаси дорилфунунга ўқишга кирди. Бу йиллар давомида Маккლოსки сержантликдан лейтенантликкача, лейтенантликдан капитанликкача кўтарилди. Шунинг учун ҳам ўғиллари ҳеч нарсадан камчилик сезмадилар. Худди шу пайтга келиб учига чиққан муттаҳам, фирибгар сифатида Маккლოსкининг номи чиқа бошлади. Унинг участкасидаги букмекерлар қонундан ҳимоя қилганлиги учун унга Нью-Йоркдаги бошқа участкалардагига нисбатан кўп ҳақ тўлайдиган бўлишди. Ахир тўрт ўғилни дорилфунунда ўқитиш осон эмасди-да!

Маккლოსки бегоналар ишини тушунмасликка олишни ўзи учун қонун қилиб олди. Солоццо Корлеоне ётган

палатадан соқчиларни олиб ташлаш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилганда Макклоски «Нима учун?» деб сўрамади, «Қанча бўлади?» деб сўради. Солоццо ўн минг беришини айтганда Макклоски нима учунлигини дарҳол тушунди. У ўйлаб ўтирмади. Корлеоне Америка мафиясининг йирик бошлиқларидан бири эди. Ҳукумат аппаратида унинг таниш-билишлари шунчалик кўп эдики, ҳатто Ал Капоненинг ўзи ҳам бу борада унинг олдига тушолмасди. Корлеонени ўлдирган ҳар қандай одам Макклоскига яхшилик қилган бўларди. Макклоски ваъда қилинган пулни олдиндан олди ва Солоццо илтимосини адо этишга киришди. Солоццо кўнгиноқ қилиб, касалхона олдига Корлеонеларнинг икки одами турганлигини айтганда у ғазаб отига минди. Бу қанақаси бўлди? Ахир у Тессионинг ҳамма одамларини тарқатиб юборганди-ку! Корлеоне палатаси олдига полициячилар постини олиб ташлаганди-ку! Энди ваъдасининг устидан чиқолмаган одам сифатида ўнг мингни Солоццога қайтариб беришга тўғри келади. Ваҳоланки, бу пулни у невараларини ўқитишга ажратиб қўйганди. Касалхонага қутурган ҳолда учиб келганлигининг, Майкл Корлеоненинг тумшуғига туширганининг сабаби ҳам ана шунда эди.

Хайриятки, иши ўнгидан келди. Таттальянинг тунги клубида Солоццони учратиб қолди ва унга янада мўмайроқ даромад келтирадиган ишни таклиф қилишди. Макклоски савол бериб ўтирмади, чунки жавобини олдиндан биларди. Фақат хизмат ҳақи тўғрисида қатъий келишиб олди. Ҳаётини хавф остига қўяётгани унинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Бирор кимсанинг калласига Нью-Йорк полицияси капитанини ўлдириш тўғрисидаги кулгили фикр келишини тасаввур қилиб бўлмасди. Энг кичик полиция хизматчиси мушт туширганда ҳам ҳатто энг учига чиққан каззоб-ўғри ҳам унга қарши қўл кўтаришга журъат этолмасди. Полициячини ўлдириш фойдасиз иш. Чунки қамоққа олишда қаршилик кўрсатди ёки қочишга уринди, деган баҳона билан бирин-кетин ҳамма ўғриларни отиб ташлашади. Бунга ким тўсқинлик қила олади?

Маккლოსки чукур хўрсинди-да, хонадан чиқишга тай-ёрланди. Ташвишлар, бир умр тугамайдиган ташвишлар. Ана, хотинининг Ирландиядаги опаси рақдан ўлди. Бир неча йил касал бўлиб ётди, врачларга қанчадан-қанча пул кетди. Энди дафн этишга ҳам пул керак. Картошка экилган далаларда тонг отмасдан кун ботгунга қадар тер тўкиб, аранг тирикчилик қилаётган қариндош-уруғлари – хола ва тоғаларига ҳам баъзи-баъзида бўлса-да, ёрдамлашиб туриши керак. Йўқ, у хасислик қилаётгани ёки нолиётгани йўқ. Лекин хотини билан юртига борганда уларни шоҳона кутиб олишарди. Бу йил ёзда бориб келишса яхши бўларди – уруш тугади, қўлига пулнинг ўзи сувдай оқиб келиб турибди. Маккლოსки навбатчига агар керак бўлиб қолса, қаердан топишни айтди. Унга эҳтиёткорликнинг зарурати йўқ эди. Ҳар доим айғоқчи билан учрашдим, дейиши мумкин. У полиция бўлиmidан чиқиб, икки квартал пиёда юрди, кейин таксига ўтириб, Солоццо кутаётган уй томон жўнади.

Майклни мамлакатдан қочириб юбориш учун зарур бўлган сохта паспорт, денгизчилар гувоҳномаси, Сицилия портларидан бирига борадиган Италия савдо кемасидан бўш каравот тайёрлаш каби ишлар Том Хейген зиммасига юкланди. Шу куннинг ўзида Сицилия тоғларида иш кўраётган мафия бошлиғи ҳузурида Майклни яширинадиган жой билан таъминлаш мақсадида самолёт билан Сицилияга элчилар жўнатилди.

Сонни Майклни Солоццо билан учрашадиган ресторандан чиққанда уни машина билан ишончли одам кутиб туриши ҳақида огоҳлантирди. Бу сафар ана шундай ишончли одам Тессио бўлади – устига-устак кўнгилли тарзда унинг ўзи бу вазифани адо этиш истаги билан чиқди. У кўринишидан пачоғи чиққан аравага ўхшаш, лекин бақувват мотор билан жиҳозланган машина миниб келади. Машинага қалбаки номер илинган бўлади. Унингсиз ҳам бу машина қаердан келганлигини, кимга қарашли эканлигини аниқлаб бўлмайди. Бу машина юз бериши мумкин бўлган худди мана шундай

ҳаддан ташқари алоҳида ҳолатлар учун атайин сақлаб қўйилган эди.

Майкл кун бўйи Клеменца билан унга етказиб бериладиган митти тўппончадан отишни ўрганди. Тўппончанинг овозни сўндирадиган мосламасини кийдирмайдиган бўлишди. Чунки бирон-бир жанжалкаш ёки бекорчи нималар юз бераётганини суриштирмасдан тўполонга аралашиб, бекордан-бекорга ўлиб кетиши мумкин. Ўқ овозини эшитганда эса тумшугини суқмайди.

Майкл тўппонча отишни ўрганар, Клеменца эса унга тинимсиз кўрсатма берарди:

– Ўқ узиб бўлишинг билан тўппончани секин ерга ташла. Ҳеч ким сезмайди. Ҳамма сени аввалгидек қуроли бор, деб ўйлайди. Ҳеч ким кўлингга қарамайди, ҳамма юзингга қарайди. Шу пайт сен дарҳол жуфтакни ростлаб қоласан, лекин югурма, юриб чиқавер. Ҳеч кимнинг кўзига тик қарама, аммо одамлардан кўзингни ҳам олиб қочма. Шуни унутмаки, сен атрофдагиларнинг ҳаммасини даҳшатга солиб қўясан. Ҳа, шундай бўлади, бунга ишончинг комил бўлаверсин. Ресторандан чиқишинг билан сени Тессио кутиб олади. Дарҳол машинага ўтирасан. Қолганини Тессиога қўйиб берасан. Қани, энди шляпани кийиб кўр-чи.

У Майклнинг бошига похол шляпани кийдирди. Умрида шляпа киймаган Майкл афтини буриштиради, лекин Клеменца қаттиқ турди.

– Кийиб олавер, зарар қилмайди, сени таниш қийин бўлади. Энг муҳими, бу гувоҳларга адашганликларини тушунтирганимизда улар берган кўрсатмаларидан тонишларига туртки бўлади. Эсингда тут, Майкл, бармоқ излари бошингни оғритмасин. Тўппончанинг дастаси ва тепкисига махсус юпқа парда қопланган бўлади. Бошқа қисмларига қўл теккизма.

– Солоццо мени авраб, қаёққа олиб бормоқчи бўлаётганини Сонни аниқладими? – сўради Майкл.

Клеменца елка қисди.

– Ҳозирча аниқлай олгани йўқ. Солоццо жуда эҳтиёткорлик қилмоқда. Лекин ташвиш қилмасанг ҳам



бўлади, у сенга тегмайдн. Сен соғ-саломат қайтиб келгунингча унинг воситачисини гаровда ушлаб турамыз. У Солоццо одамлари орасида «олтилик» эмас, энг камида қирол кузир. Солоццо уни сенга алмаштирмайди. Бу ерда бошқача ҳисоб-китоб бор. Сенга ҳеч нарса қилмайди. Азобини кейин биз тортамыз.

– Сизларга қийин бўладими?

– Эҳ-ҳе, нимасини айтасан, жуда қийин бўлади, – деди Клеменца. – Ошкора уруш бўлади. Таттальялар оиласи Корлеонелар оиласига қарши урушади. Бу йил қишда кўча тозаловчилар кўплаб ўликларни йиғиштириб олишади. – У бошини чайқади. – Начора, сал ён берсанг, улар беш панжасини тенг оғзига солишади, бошинга чиқиб олишади. Яхшиси, вақтида таъзирини бериб қўйиш керак, Гитлернинг ҳам Мюнхенда таъзирини бериб қўйишганда зап иш бўларди.

Бунинг ўрнига оппа-осонгина қўйиб юборишиб, бошларига ташвиш орттириб олишди.

Шунга ўхшаган гапни Майкл 1939 йилда, ҳали уруш бошланмасдан олдин отасидан ҳам эшитганди. Оилавий мафиячиларга давлат департаментида иш олиб бориш имкониятини беришганда борми, қарабсизки, иккинчи жаҳон уруши ҳам бўлмасди, ўйлади Майкл кулиб.

Улар доннинг Сонни штаб-квартирага айлантририб олган қароргоҳига қайтиб келишди. Сонни диванда мудраб ўтирарди. Дон пайтида одатда саранжом-саришта турадиган хона арзон меҳмонхонанинг ташландиқ хонасига ўхшаб қолганди. Майкл акасининг елкасидан туртди:

– Менга қара, хонани тозалаб қўйсанг бўлмайдами? Туриш-турмушинг худди дарбадар одамларнинг турмушига ўхшайди.

Сонни эснаб кўзини очди.

– Хўш, казармани текшираётган қайси командир экан? Бемаъни гапларни қўй, Майк, ҳалигача бу иблис Солоццо билан Маккლოსки сени қаерга олиб боришларини билолганимиз йўқ. Ким билсин, сенга қандай қилиб куrol етказиб берамиз?

– Балки, ўзим билан бирга олволарман? – сўради Майкл. – Топиб олишган тақдирда ҳам нима қипти, қуrolни тортиб олишади, холос.

– Йўқ, бунақаси кетмайди, – деди у. – Бу Солоццо-ни гумдон қилишнинг ягона йўли, уни барбод қилиб бўлмайди. Клеменца тўппончани ерга ташлаб юбор, деб айтдимми?

– Юз марта айтди, – деди Майкл.

Сонни дивандан туриб, Майклга яқинлашди.

– Жафинг тузукми, қария?

– Расво, – деди Майкл. Чап томони тинимсиз қаттиқ азоб бераётганди. У стол устида турган вискини олди-да, шиша оғзидан ича бошлади. Оғриқ бир оз босилгандай бўлди.

– Эй, Майк, ҳозир виски ичадиган пайт эмас, учиб қолмагин тагин.

Майкл жеркиб ташлади.

– Бор-э, гашимга тегмаган сен қолгандинг... Агар билсанг, фронтда Солоццоингдан бақувватроқ йигитлар билан солишганман. Шароит ҳам бундан бешбаттар оғир эди. Ҳамма гап қасд қилишда. Ўлдириш ҳеч гап эмас. Энг қийини қасд қилиш. Қасд қилдингми – тамом.

Хонага Том Хейген кирди. Соннининг сўзсиз саволига у бош чайқаш билан жавоб берди.

– Миқ этган овоз йўқ, – деди у. – Кўринишидан Солоццо охирги дақиқагача миқ этмайди.

Телефон жиринглади. Гарчи ҳамма жим бўлиб қолган бўлса ҳам, шовқин қилмасликлари учун Сонни гўшакни баланд кўтарди. У дафтарчага алланарсаларни ёзаркан, «Жуда соз, ўша жойда бўлади» деб гўшакни илиб қўйди.

– Вой аблах, вой сурбет-эй. Демак, гап бундай. Кечкурун соат саккизда Солоццо капитан Макклоски билан бирга Майклни олиб кетгани Бродвейдаги Жек Жемпси барига машинада келади. Шу ердан учаласи музокара олиб бориладиган жойга жўнашади. Қайси томонга жўнашлари номаълум. Яна бир гап – анави ирландиялик искович ҳам балони тушунмаслиги учун Майкл Солоццо билан италянча гаплашишади. Маккლოს-

ки италянча «сальдо» сўзидан бошқасини тушунмайди. Сен хусусингда эса, Майкл, улар сицилияча талаффузни тушунишингни суриштириб билишибди.

Майк қуруққина қилиб:

– Анча-мунча эсимдан чиққан, лекин суҳбатимиз узок чўзилмайди-ку, – деди.

– Воситачи келмагунча Майк бу ердан чиқмайди, – деди Том Хейген. – Бу ҳақда аниқ келишиб олганмиз.

Клеменца бош қимирлатди.

– Воситачи шу ерда, менинг уч йигитим билан карта ўйнапти. Улар менинг қўнғироғимни кутишади. Менинг рухсатимсиз унга жавоб беришмайди.

Сонни чарм қопланган креслога ўтирди.

– Уҳ-х, аҳвол роса мушқуллашди. Музокарани қаерда олиб боришларини қаердан билсак бўларкин?

Хейген оғир нафас олди.

– Уларнинг орқасидан айғоқчи қўйишдан ва тақдирга умид боғлашдан бошқа чорамиз йўқ.

Сонни бош чайқади.

– Э, йўқ, айғоқчини осонгина лақиллатиб кетишлари мумкин. Улар, энг аввало, шунинг ташвишини қилишади.

Бу пайтда соат кечки бешга яқинлашиб қолган эди.

Хейген ўрта ва бош бармоқларини бир-бирига уриб шиқирлатди.

– Анави полициядаги йигит Филипс бор-ку, Сонни, ўшанга қўнғироқ қилиб кўрмайсанми? Агар зарур бўлиб қолса капитан Маккლოსкини қаердан излаш кераклигини бўлимдан билиб берсин. Капитаннинг қаерга кетганлиги билан ким нима учун қизиққанлигига у сариқ чақачалик ҳам эътибор бермайди.

Сонни телефон рақамларини терди, паст овозда нималардир деди, кейин гўшакни илиб қўйди.

– Билиб, кейин қўнғироқ қилади.

Орадан ярим соат ўтгач, телефон жиринглади. Филипс қўнғироқ қилганди. Сонни яна дафтарчасига нималарнидир ёзиб олди-да, гўшакни илиб қўйди. Ёноқларини шиширди.

– Менимча, баъзи бир нарсалар ойдинлашяпти. Капитан Маккლოსки у билан боғлана олишлари учун қаерга боришини иш жойига айтиб кетишга мажбур экан. Шундай қилиб, бугун у соат саккиздан ўнгача Бронксдаги «Мовий камар»да бўларкан. Бу жойни ким билади?

– Мен биламан, – деди дадил Тессио. – Айни бизбоп жой. Кичкина, тинч оилавий ресторан. Меҳмонлар бегона кўздан пана бўлишлари учун столлар орасига тўсиқчалар қўйилган. Яхши таом тайёрлашади. Биров билан бировнинг иши йўқ. Жуда соз жой. – У столга яқинроқ сурилди. – Клеменца, вақт зиқ. Дарҳол тўппончани яшириб қўядиган одамни жўнат. Ресторандаги ҳожатхона эскича жиҳозланган, бак идиши билан девор оралиғида бўш жой бор. Қуrolни бак идишнинг орқасига ёпишқоқ мато билан ёпиштириб қўйсин. Майк, сени машинада тинтиб кўришади, ҳеч нарса йўқлигига ишонишгач, тинчланишади. Ресторанда бошқаларнинг кўзини чалғитиш учун аввал бир оз ўтир, кейин узр сўраб ҳожатхонага ўт. Лекин қайтиб кирганинда асло вақтни бой берма. Қайта ўтирма, тиккасидан от. Мўлжални аниқ ол. Ҳар бирининг калласига қаратиб, биттадан ўқ уз, кейин дарҳол жуфтакни ростлаб қол.

Клеменца ишончли қилиб, қўшиб қўйди:

– Тўппонча жойида бўлади, мен бунга кафолат бераман.

– Вазифа аниқ, – деди Сонни. – Демак, ишга киришдик.

Тессио билан Клеменца ташқарига чиқишди. Том Хейген сўради:

– Сонни, Майкни Нью-Йоркка етказиб қўяйми?

– Йўқ, – деди Сонни. – Сен бу ердан жилмайсан. Майк топшириқни бажаргандан кейин бу ерда шундай ишлар бошланадики, эҳ-ҳе, ўшанда сен менга керак бўласан. Газетачилар билан келишиб қўйдингми?

Хейген бош қимирлатди.

– Тўс-тўполон бошлангандан кейин уларга ахборот бера бошлайсан.

Сонни ўрнидан туриб, Майкнинг олдига келди ва унинг юзига тикилиб қаради. Укасига қўлини узатиб:

– Мана, қария, сенга ҳам навбат келди, ўзингни кўрсат, – деди. – Ойим билан хайрлаша олмайсан, унга ўзим тушунтириб қўяман. Севгилингга ҳам айтиб қўяман. Фақат кейинроқ, маъқулми?

– Начора, маъқул, – деди Майкл. – Қандай деб ўйлайсан, неча йил узоқларда юришимга тўғри келади?

– Энг камида бир йил, – деди Сонни.

– Илгарироқ қайтиб келишинг ҳам эҳтимолдан холи эмас, – гапга аралашди Том Хейген.

– Лекин, Майк, сен умидсизланма. Қачон қайтиб келишинг жуда кўп нарсаларга боғлиқ. Газетачилар биз ташлаган хўракка илинишадими, йўқми? Полиция бошқармасидагилар ходимини ҳимоя қилишадими, йўқми? Бошқа оилалар бизга қарши туришадими, йўқми? Лекин шу нарса аниқки, бизни олдинда жуда қаттиқ таъқиблар, қийинчиликлар кутяпти. Олишув қизгин бўлади.

Майк Хейгеннинг қўлини қисди.

– Ҳар ҳолда сен ҳаракат қил, узоқ санқиб юрмай, – деди у. – Уч йил бегона юртларда юрдим, яна узоқлашиб кетгани тоқатим йўқ.

– Майк, ҳали ҳам кеч эмас, ўрнингга бошқа бировни юборишимиз мумкин, – деди Хейген мулойимлик билан. – Агар уриб жағингни пачоқлагани учун шу ишга бораётган бўлсанг, чакки қиласан. Биринчидан, Маккло-ски аблаҳ бир тўнка, кейин бу шахсий ўч олиш эмас, корчалонлар ўртасида тез-тез бўлиб турадиган воқеа, холос.

Бугунги кунда у иккинчи марта Майкл Корлеонинг юзи қотиб қолганлигини кўрди, бу юзда доннинг қиёфасидагига ўхшаш аллақандай белгилар пайдо бўлди.

– Том, бу масалада сен ўзингни ўзинг алдама. Корчалонлар ўртасида бўладиган ҳар қандай иш кимгадир нисбатан шахсий ўч олиш бўлади. Ҳар бир одам кундалик

иш туфайли ичига ютишга мажбур бўладиган ифлослик ҳам шахсий ўч олиш бўлади. Биласанми, буни мен кимдан ўрганганман? Дондан. Ўз отамдан. Чўқинтирган отадан. Агар ўртоғини яшин урса, отам буни ҳам шахсий ўч олиш деб ҳисобларди. Яна бошқа баъзи бир нарсаларни ҳам айтиб берайми? Бахтсиз ҳодисаларни шахсий ҳақорат сифатида қабул қиладиганлар билан ҳеч бир бахтсиз ҳодиса юз бермайди. Ҳа, жағимни пачоқлашганини мен шахсий адоват деб ҳисоблайман. Ҳа, жин урсин, Солоццо отамни ўлдиришни ўйлаганини ҳам мен шахсий адоват деб биламан. – Майкл кулиб қўйди. – Донга айтиб қўй, буларнинг ҳаммасини мен ундан ўрганганман. У менга қилган ҳамма яхшиликлари учун яхшилик билан жавоб қайтариш имконияти тузилганидан хурсандман. У менга ҳақиқий оталик қилди.

Майкл бир оз жим тургач, қўшиб қўйди:

– Ишонасанми, у бирон марта менга, ё Соннига ёки Фреддига қўл текизганини эслай олмайман. Конни ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унга ҳатто бирон марта пўписа ҳам қилмаган. Энди Том, менга тўғриси айт, сенингча дон ўз қўли билан ёки бошқалар қўли билан нечта одам ўлдирган?

Том Хейген кўзини олиб қочди.

– Мен сен отангдан ўрганиб улгурмаган нарсаларинг ҳақида гапирай, – деди у. – Шундай ҳоллар бўладики, бирон иш амалга оширилади-ю, кейин бу ҳақида қайта оғиз очилмайди. Бундай ишларни оқлашга ҳам уринмайсан. Уларни оқлаб ҳам бўлмайди. Бундай ишларни бажарасан, тамом. Кейин унутасан.

Майкл Корлеоне қовоғини уйди. У хотиржам сўради:

– Сен *consigliori* сифатида Солоццонинг тирик қолиши дон ва оиламиз учун хавфли эканлигига қўшиласанми?

– Қўшиламан, – деди Хейген.

– Тушунарли, – деди Майкл. – Демак, мен уни ўлдиришим керак.

Майкл Корлеоне Бродвейда Жек Жемпси ресторани ёнида Солоццони кутиб турарди. У соатига қаради. Беш дақиқаси кам саккиз. Солоццо роса белгиланган вақтда келса керак. У эса илгарироқ келишга шошилди. Мана, ўн беш дақиқадирки, Солоццони кутяпти.

Бродвейда одам унча кўп эмасди. Совуқ, гарчи кечки спектаклларнинг бошланишига оз қолган бўлса-да, вақт анча ноқулай эди. Майкл чўчиб тушди: тротуар чеккасига катта қора машина келиб тўхтади, ҳайдовчи ўриндик устидан чўзилиб, олдинги эшикни очди.

– Ўтир, Майк.

Қоп-қора текис сочлари бир томонга таралган, қайтарма ёқали кўйлак кийган бу болани Майкл биринчи марта кўриши эди. Шунга қарамай, унинг гапига кўнди. Орқада капитан Маккроски ва Солоццо ўтирарди.

Ўтиргич суйанчиғи орасидан Солоццо қўлини узатди. Майкл унинг қўлини қисди. Солоццонинг қўли қаттиқ, иссиқ, қуруқ эди.

– Келганинг яхши бўлди, Майк, – деди Солоццо. – Сен билан бирга бу кўнгилсизликларга нуқта қўямиз, деб умид қиламан. Бу даҳшатли иш мутлақо мен ўйламаган томонга оғиб кетди. Яхши бўлмади, бу ҳеч кимга керак эмас.

Майкл Корлеоне бепарволик билан:

– Тўғри, сиз билан тил топишимизга умид қиламан, – деди. – Мен отамга энди бошқа тегишмаса, дейман.

– Тегишмайди, – деди Солоццо ишонадиган қилиб. – Болаларимнинг соғлиги ҳаққи қасам ичаман, энди ҳеч ким тегмайди. Фақат сен масалага ақл-идрок билан ёндашишга ҳаракат қил. Сен аканга ўхшамайсан, деб умид қиламан. Сонни худди қуруқ пайраҳага ўхшайди. У билан иш тўғрисида гаплашиб бўлмайди.

Капитан Маккроски минғирлади:

– Бу йигит билан тил топишса бўлади, ажойиб йигит. – У олдинга энгашиб, Майклнинг елкасига уриб қўйди. – Кечаги ишга хафа бўлма, Майк, кечир. Қарияпман, ўзимни тутолмай қоляпман, тушунасанми? Дам

олгани чиқадиган вақт бўлди шекилли. Асаблар панд беряпти – ахир кун бўйи асаблар таранг тортилган бўлади. Баъзида ўзингни тутолмай қоладиган вақтлар бўлиб қолади... – Маккლოსки ғамгин хўрсинди ва гап жараёнида Майклнинг қуроли бор-йўқлигини усталик билан текширди.

Ўн дақиқадан кейин машина кичикроқ италянлар маҳалласига кирди ва ресторанча олдига келиб тўхтади. Кўчада ҳеч ким кўринмасди. Ресторанда уч-тўртта кеч қолган мижозлар овқатланиб бўлишаётганди. Майкл ҳайдовчи ҳам бирга кирмасайди, деб ташвишланганди, йўқ, яхши, у машинада қолди. Воситачи ҳайдовчи ҳақида лом-мим демаганди, умуман, у ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Тўғриси айтганда, Солоццо ҳайдовчи билан келиб, шартномани бузганди. Гарчи олдиндан унинг сукут сақлашини иродасизлик белгиси, музокаралар муваффақиятсиз тугашидан қўрқиш далили, деб тушунишларини билса ҳам Майкл бу ҳақда оғиз очмасликка қарор қилди.

Улар доира шаклидаги ягона бўш столга ўтиришди. Тўсиқчалар билан ажратилган столчалардан бирига ўтиришни Солоццо рад қилди. Энди улардан ташқари ресторанда бор-йўғи икки киши қолганди. Туркнинг одамлари эмасмикин, деган фикр ўтди Майклнинг миёсидан. Дарвоқе, бунинг аҳамияти йўқ эди.

Маккლოსки қизиқиб сўради:

– Бу ерда италянча овқатларни яхши тайёрлашадими?

Солоццо уни тинчлантирди:

– Биргина сўқим гўштини олиб кўринг, бунақасини Нью-Йорқдан бошқа жойда тополмайсиз.

Қўлида бир шиша вино билан официант пайдо бўлди. У шишанинг оғзини очди. Қизиғи шундаки, Маккლოსки ичмайдиганлардан чиқиб қолди.

– Ҳамма ирландияликлар орасида ичмайдигани битта мен бўлсам керак, – деди у. – Бу заҳар кўп яхши одамларнинг ёстиғини қуритди. Мен уларнинг жуда кўпини кўрдим.



Солоццо капитанга хотиржам деди:

– Мен Майкл билан италянча гаплашаман. Кўнглингизга менга ишонмаяпти деган шубҳа келмасин. Шунчаки, фикримни инглиз тилида ифодалашга қийналяпман. Майкни эса мен бу ишга яхши ният билан қўл ураётганимга, агар бутун битимга кела олсак, бундан ҳамма ютишига ишонтиришим керак. Айбга буюрмайсиз, бу мутлақо сизга ишонмаганлигимдан эмас.

Капитан Маккроски унисига ҳам, бунисига ҳам қулимсираб қараб қўйди.

– Тушунарли, гаплашаверинглар, – деди у. – Мен эса сўқим гўшти ва спагетти билан машғул бўламан.

Солоццо Майклга қараб сицилианча лаҳжада гап бошлади:

– Энг аввало, отанг иккимизнинг ўртамизда бўлган ҳамма воқеанинг илдизи фақат ишга бориб тақалишини тушунишинг керак. Мен дон Корлеонени чуқур ҳурмат қиламан, жон-жон деб унинг қўлида хизмат қилган бўлардим. Лекин айти пайтда отанг масалага эскича қарайдиган одам эканлигини тушунсанг керак, деб ўйлайман. Ҳамма олға қараб ҳаракат қиляпти, отанг эса йўлга қўндаланг бўлиб турибди. Мен бошлаган иш эртанги куннинг иши, келажак даъвати, бу иш замирида сон-саноксиз миллионлар ётибди. Отанг эса умрини яшаб бўлган аллақандай инжиқлиги туфайли оқимга қарши боряпти. Шу йўл билан менга ўхшаганларга ўз ҳукмини ўтказяпти. Тўғри, у билганингизни қилинг, бу сизнинг ишингиз, деяпти, лекин бу қуруқ гапдан бошқа нарса эмаслигини иккаламиз ҳам яққол кўриб, билиб турипмиз. Амалда эса иккаламиз ҳам бир-биримизнинг бўғзимиздан олишга пайт пойлаб турибмиз. Аслида у мен бошқа нарсани, бу фойдали бизнестан воз кечишимни айтяпти. Мен ўзимни ҳурмат қила билганлигим ва ҳеч қачон бошқалар менга ҳукмини ўтказишларига йўл қўймаслигим учун кутилаётган воқеа юз берди. Қўшимча қилиб шуни айтишим керакки, мен Нью-Йоркдаги Беш оиланинг, гарчи улар сукут сақлашган бўлсалар ҳам,

маъқуллашлари асосида бу ишга қўл урдим. Таттальялар оиласи пайчи бўлиб бу ишга қўшилишди. Агар бу жанжал давом этадиган бўлса, Корлеонелар оиласи ҳаммага қарши бир ўзи ёлғиз қолади. Албатта, агар отанг соғ бўлганда сизлар матонат билан қарши туришинглар мумкин эди. Лекин сен қўнглингга олмагину, аканг ҳали Чўқинтирган ота бўлишига, consiglierингиз ирландиялик Хейгеннинг, жойи жаннатда бўлсин, Женко Аббандандога тенглашишига ҳали узок. Шунинг учун ҳам мен тинчлик, тўғрироғи, сулҳ таклиф қияпман. Келинлар, сенинг отанг тузалиб чиқиб, музокараларда шахсан иштирок эта олунга қадар душманлик ҳаракатларини тўхтатиб турайлик. Татталья менинг маслаҳатим ва қафолатим билан ўғли Бруно ўлими учун қасд олиш фикридан воз кечишга рози. Тинчликда яшайлик. Ҳозирча эса барибир тирикчилик қилиш керак бўлади. Шундай экан, мен аста-секин ўзимнинг савдо ишларим билан шуғулланаман. Мен сизларни шерикликка чақираётганим йўқ. Мен фақат Корлеонелар оиласидан халақит бермасликни илтимос қияпман. Менинг ўй-мулоҳазаларим шундай. Агар янглишмасам сенга бу ўй-фикрларим сизларга тўғри келиш-келмаслигини ҳал этиш ҳуқуқи берилган. Майкл ҳам сицилияча лаҳжада сўзлади:

– Тушунарлироқ қилиб айтинг-чи, сиз ишни қандай олиб бормоқчисиз, бу ишда бизнинг оиламизга қандай вазифа берилади, биз ундан қанақа фойда кўраимиз?

– Сен таклифларимнинг моҳиятини батафсил баён қилиб беришимни хоҳлаяпсанми? – сўради Солоццо.

Майкл жиддий жавоб берди:

– Энг аввало, менга отамнинг ҳаётига яна суиқасд бўлмаслиги учун қафолат керак.

Солоццо маъноли қилиб қўлини кўтарди.

– Мен қанақа қафолат беришим мумкин? Ҳозир ўзим зўрға жон сақлаб юрибман. Имконият берилганди, мен уни бой бердим. Оғайни, сен мен ҳақимда жуда юқори фикрда экансан. Мен, агар билсанг, сеҳргар эмасман.

Бу учрашувдан мақсад вақтдан ютиш, бир неча кунлик муддатга эга бўлишдан иборат эканлигига Майклда

шубҳа қолмади. Дон Корлеонени орадан олиб ташлашга Солоццо, албатта, яна уриниб кўради. Турк уни менсимаетганлиги, лапашанг, она сути оғзидан кетмаган гўдак деб ўйлаётганлиги Майклга жуда қаттиқ таъсир қилди. Учинчи марта унинг танаси бўйлаб ёқимли ва игна сингари совуқ бир ҳис-туйғу таралди. У бир нарсадан озор тортгандай қошларини чимирди.

– Нима бўлди? – деб сўради қисқа қилиб Солоццо.

– Вино... Кўпроқ ичиб қўйибман шекилли. Бир дақиқага чиқиб келсам майлими? – сўради инглиз тилида Майкл хижолат бўлиб.

Солоццонинг қора кўзлари синовчан нигоҳ билан унинг юзига қадалди. Майкл лабларини қисди.

– Мен уни тинтиб чиқдим, топ-тоза, – деди Маккლოსки.

Солоццо ноиложликдан:

– Бўпти, фақат тезроқ бўл, – деди. Бу одамда ҳайвонларга хос сезги бор эди. Унда ҳозир ҳам шубҳа туғилганди.

Майкл ўрнидан туриб, ҳожатхона томон юрди. У сув тўла эмалланган бак идиш орқасига қўлини тиқиб, ёпишқоқ мато билан идиш орқасига ёпиштириб қўйилган миттигина тўмтоқ тўппончани пайпаслаб кўрди. Клеменца ёпишқоқ матода қоладиган бармоқ изларидан ташвишланма, деб айтганди. Майкл ёпишқоқ тасмачани юлиб ташлади-да, тўппончани белига қистириб, устидан пиджак тугмаларини қадаб олди. Қўлини ювиб, сочини хўллади. Рўмолчаси билан бармоқ излари қолган кранни артди. Кейин секин чиқди.

Солоццо ҳушёр тортиб, қоп-қора кўзлари йилтиллаб, шундоққина ҳожатхона эшиги рўпарасида ўтирарди. Майкл унга қараб кулиб қўйди.

– Энди бемалол гаплашсак бўлаверади, – деди енгил нафас олиб.

Капитан Маккლოსки бу вақт ичида келтириб қўйилган сўқим гўшти ва спагеттини тушириш билан овора эди. Нариги чеккадаги девор ёнига қўйилган столда ўтирган мижоз ҳам Майклни кузатаркан, аста бўшашиди.

Майкл аввалги жойига ўтирмади. Клеменцанинг жойинга қайтиб ўтирма, ҳожатхонадан чиқишинг билан тиккасидан отиб ташла дегани эсида эди. Бироқ ғайриихтиёрий бир истак устун келдими ёки кўрққаниданми, у бошқача йўл тутди. Агар шошилиб ҳаракат қилгудек бўлса, дастлабки уринишдаёқ отиб ташлашларини яхши биларди. Энди у ўзини дадилроқ тута бошлади. Ҳа, оёқлари қалтираб, тиззалари букилиб, тик туришга мадори қолмаган экан, демак, кўрққанлиги рост.

Солоццо бутун гавдаси билан у томон энгашди. Майкл Солоццонинг гапларига асаблари таранг ҳолда кулоқ соларкан, сал энгашган ҳолда стол устини пана қилиб, пиджагининг тугмаларини ечди. У Солоццонинг сўзларини тушунмасди. Қон босимидан чакка томирлари лўқиллар, тинглаётган овозининг маъноси миясига етиб бормасди. Ўнг қўли стол остида пайпаслаб тўппончани топди ва белидан суғуриб олди. Шу пайт буюртма қабул қилиш учун официант келиб қолди. Солоццо официант томон ўтирибди. Майкл чап қўли билан столни итариб юборди-да, ўнг қўлидаги тўппончани худди Солоццонинг пешанасига олиб борди. Турк жуда чаққон ҳаракат қилиш қобилиятига эга эди. Майкл қимирлашга улгурмасданоқ у орқага ташланди. Лекин Майкл ёш эди, унинг мияси тезроқ ишлади ва у тепкини босишга улгурди. Қаердандир унда Солоццога битта ўқ етарли, деган ишонч пайдо бўлди. Сўнгги дақиқада Солоццо ўтирилиб қаради ва Майкл худди ўчиб бораётган шам каби унинг кўзларида сўнаётган ҳаётини яққол кўрди.

Орадан бир дақиқа ўтгач, у тўппончанинг оғзини Маккლოსкига тўғрилади. Худди юз берган воқеанинг унга мутлақо дахли йўқдай полиция капитани Солоццога хайрон бўлиб, кўзлари бақрайиб қараб қолди. Капитан Майклга қараганда унинг киёфасида шунчалик ўзига ҳаддан ортиқча ишонч ва нафрат бор эдики, она сути оғзидан кетмаган бу гўдак ҳозир ё унга таслим бўлади, ёки жуфтакни ростлаб қолади, деб ўйлаш мумкин эди. Майкл унинг истехзоли жилмайишига бардош беролмай

тепкини босди. Мўлжални аниқ ололмади. Ўқ Макклоскининг ҳўкиз бўйнидаи йўгон бўйнини ялаб ўтди. Майкл совуққонлик билан капитаннинг оқ оралай бошлаган калласининг тепасини мўлжаллаб, иккинчи ўкни узди.

Ресторан ичини пуштиранг тутун қоплагандай бўлди. Майкл шошиб девор ёнидаги столга қаради. У ерда ўтирган одам жойидан қимирламаган эди. У очик қўлларини стол устига қўйиб, кўзини олиб қочди. Майкл бармоқларини ёзди, тўпшонча унинг ёнидан сирғалиб, ерга тушди. Девор ёнидаги столчада ўтирган одам ҳам, официант ҳам у қўлидаги қуролни қандай қилиб ташлаганини сезмай қолишди. Майкл бир неча қадам ташлаб, эшик ёнида пайдо бўлди, эшикни очди. Солоццонинг машинаси ҳамон йўлак чеккасида турар, лекин ҳайдовчиси кўринмасди. Майкл чап томон юриб, бурчақдан ўтиб бурилди. Олдинда чироқ кўринди ва унинг олдига пачағи чиққан усти ёпиқ эски машина келиб тўхтади. Машина эшиги очилди. Майкл ўзини ичкарига урди ва машина бўкириб, олдинга ўқдай учиб кетди. Рудда Тессио ўтирарди. Унинг бўртиб чиққан қиёфаси худди мрамрдан ясалгандай қотиб қолганди.

– Солоццони гумдон қилдингми? – сўради у.

– Иккаласини ҳам саранжомладим, – деди Майкл.

– Бунга ишончинг комилми?

– Иккаласининг миясининг қатиги сочилиб ётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Майкл алмаштириб кийиб оладиган кийимлар машинада эди. Йигирма дақиқадан кейин у Сицилия қирғоқларига жўнаб кетаётган Италия савдо кемаси бортида эди. Икки соатдан кейин эса кема денгизга чиқди ва Майклга иллюминатор ортида худди дўзах алангасига ўхшаб шуълаланаётган Нью-Йорк чироқлари кўринди. У ўзини жуда енгил ҳис қилди. У ўт ичидан қутулиб чиқди, энди у ҳеч нарсага дахлдор эмас. Бу таниш ҳис-туйғу эди. У денгизчи пиёдалар отряди билан бирга тушган оролдан ўзини қандай олиб кетишганини эслади. Ҳали жанг давом этарди, лекин енгил яраланган Майклни сузиб

юрувчи госпитал бортига жўнатишганди. Ўшанда ҳам уни худди ҳозиргидек қувонч, шодлик туйғуси қамраб олганди. Ҳа, энди бу ерда жаҳаннамнинг эшиги очилади, лекин Майкл узоқларда бўлади.

Солоццо ва Маккლოსки ўлимнинг эртаси куни Нью-Йорк полициясининг ҳар бир бўлими участка инспекторлари орқали шундай кўрсатма берди: капитан Маккლოსкининг қотили топилмагунча қиморхоналар, фоҳишахоналар, тотализаторлар ёпилади. Шаҳар бўйлаб ёппасига қуршаб олишлар бошланди. Қонунни бузиб даромад келтирувчи ҳар қандай иш тақиқлаб қўйилди.

Кечга яқин Нью-Йоркдаги Беш оилавий синдикат воситачи орқали Корлеонелар оиласи қотилни беришга рози ёки рози эмаслигини сўради. Воситачига бу воқеанинг бу оилага дахли йўқ, деб жавоб беришди. Қоронғи тушганда Корлеонеларга қарашли уйлар яқинида портлаш юз берди – паркка кираверишда занжир билан тўсиб қўйилган жойга яқин келган машина секинлади, ундан бомба ташланди, кейин машина ўкириб кўздан ғойиб бўлди. Орадан яна озгина вақт ўтгач эса Корлеонеларнинг оддий хизматчиларидан икки кишини Гринич Виллиждаги италян ресторанларидан бирида тушлик қилиб ўтирган жойида отиб кетишди. 1946 йилдаги ўзаро уруш ана шундай бошланганди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЎН ИККИНЧИ БОБ

Жонни Фонтейн эринчоқлик билан имо қилиб, хизматкорига жавоб бериб юборди.

– Эрталабгача хайр, Билли, – деди у.

Қора танли бош хизматкор Тинч океанга қаратиб солинган ярми ишхона, ярми меҳмонхонадан иборат катта хонадан таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Жоннини олдинда танҳоликда ўтказадиган узоқ оқшом кутарди. Жек Вольц бошловчи ва ҳамманинг қўли етадиган кино юлдузчалар гуруҳини «Гўшт комбинати»

деб атарди. Оқшомни кўнгилли ўтказишнинг энг қулай ва осон йўли ана шу «гўшт комбинати» хизматидан фойдаланиш эди. Лекин Жонни бундақа хизматлардан зериккан, одамларча мулоқотни қўмсаётганди. Бирон-бир кимса билан шунчаки у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириш истаги бор эди унда. Эсига биринчи хотини Виржиния тушди. Жонни телефон гўшагини кўтарди.

У Виржиниянинг овозини дарҳол таниди. Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ эди. У бу овозни биринчи марта ўн ёшлигида, Виржиния билан бирга тўртинчи синфга борганида эшитганди.

– Салом, Жинни, – деди у. – Бугун нима иш қилмоқчисан? Бирров кириб ўтсам майлими?

– Майли. Лекин қизлар ухлашяпти. Билмадим, уларни уйғотишнинг зарурати бормикин?

– Қўявер, ухлашаверсин, – деди у. – Мен сен билан гаплашмоқчи эдим.

Жинни бир дақиқа тутилиб қолди, кейин ўзини босиб, безовта бўлаётганлигини сездирмасликка уринди:

– Шунчалик муҳим гапми? Жиддийроқ бирор нарса бўлдимми?

– Э, йўқ, – деди Жонни. – Бугун суратга олинаётган кинодаги ишимни тугатдим. Шунчаки учрашиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирамыз, деб ўйлагандим. Қаттиқ ухлашаётган бўлсалар ҳам қизларимни кўрардим.

– Бўпти, майли, – деди Жинни. – Бу роль сенга текканидан беҳад хурсандман.

– Раҳмат, – деди Жонни. – Ярим соатда етиб бораман. Беверли-Хилзда Жонни Фонтейн машинадан тушишга шошилмади. Бир оз илгари ўзи яшаган уйга ўйчан қараб турди. Чўқинтирган отанинг шахсий турмушининг ўзинг хоҳлаганингдай қуришинг мумкин, деган сўзлари хаёлидан ўтди. Қандай истакларинг борлигини аниқ билсанг яхши. Лекин у билармикин?

Биринчи хотини уни эшик олдида кутиб олди. Жинни уларнинг кўчасида яшайдиган қора соч, кичкина шўх қизча эди. Кейин италян оиласидан чиққан андишали,

номусли, бегонани яқинлаштирмайдиган қиз бўлиб вояга етди. Ўз вақтида Жонни ҳам унинг ана шу хислатларини яхши кўрганди. Балки, мен истаётган нарса Жиннидир, сўради у хаёлан ўзидан ва йўқ, деб жавоб берди. Биринчидан, у Жиннига кўп талпинмай қўйди, йиллар уларнинг эҳтиросини сўндирди. Кейин Жинни бир умр кечирмайдиган бошқа ишлар ҳам бўлиб ўтди. Лекин ҳар ҳолда улар бир-бирларига душман бўлиб қолмадилар.

Жинни меҳмонхонага, унинг олдига қаҳва қайнатиб олиб кирди.

– Хоҳласанг, диванга чўзилиб дам ол, – деди у. – Чарчаганга ўхшайсан.

Жонни пиджагини, туфлисини ечди, бўйинбоғини бўшатди. Жинни қаршисида ўтириб, уни жиддий, айни пайтда жиндай истехзо билан кузатиб турарди.

– Қизик, – деди у.

– Нимаси қизик? – Жоннини йўтал тутди, қўйлагига қаҳва тўкилиб кетди.

– Аёллар атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиган Жонни Фонтейн оқшомни кўнгилли ўтказадиган одам тополмаса.

Жонни зўрма-зўраки кулиб қўйди.

– Аёллар атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиган Жонни Фонтейннинг бугун ҳам учрашуви бор эди. Лекин уни лақиллатиб кетишди. Ишонсанг, бундан у елкасидан тоғ қулагандай хурсанд бўлди.

Жонни Жиннининг юзига қандайдир ғазаб, нафрат соя ташлаб ўтганини сезиб қолди.

– Ҳар қандай манжалақилардан хафа бўлаверма, – деди Жинни. – Шу йўл билан улар ўз қадрини оширишмоқчи бўлишади-да!

Жоннини лақиллатиб кетганликлари учун у чиндан ҳам ачинаётганлиги кулгили ҳол эди.

– Э, нимасини айтасан, – деди Жонни Фонтейн.

– Билсанг, ҳаммаси жонга тегди. Ахир қачонлардир ақл ҳам кириши керак-да! Бунинг устига ҳозир мен қўшиқ айтмаяпман, демак, энди аёллар масаласи ҳам



қийинлашса керак. Чиройга умид қилмасам ҳам бўлади, ўзинг биласан.

Жинни эътироз билдирди:

– Сен ҳаётда доим суратлардагидан, экрандагидан чиройли бўлгансан.

Жонни бошини чайқади:

– Семириб кетяпман, соч ҳам тўкиляпти... Умуман, агар шу картина обрў-эътиборимни кўтармаса фақат битта иш – бориб пицца пишириш қолади. Кел, сени студияга оламиз, кинода суратга тушасан, кўринишинг ҳалиям жозибадор.

Тўғри, ўттиз беш ёшда эканлиги ҳисобга олинса, чиройли эди. Лекин ҳар ҳолда ўттиз беш ёш ўттиз беш-да! Голливудда эса ўттиз беш ёшдаги чирой юзга кирган кампирнинг шафтолиқоқига ўхшаган башараси билан тенг баҳоланади. Шаҳарга лемминг<sup>1</sup> тўдалари сингари бостириб кириб келган ёш, чиройли қизлар бир йил, узоғи билан икки йил даврон суришарди. Бир қиё боқиш билан эркакларнинг юрагига ларза соладиган, бу борада эришган ютуқларидан кўзини ёғ босиб, мағрурланиб кетмаган хурлиқолар ҳам бор эди. Оддий аёллар жисмоний гўзалликда улар билан рақобатлашишни хаёлларига келтиришмаса ҳам бўларди. Ақл-идрок, орасталик, назокат ҳақида қанча гапирманг, ҳар нарсадан устун турадиган навқирон гўзаллик билан ҳеч нарса рақобатлаша олмас эди. Агар бундай гўзаллар кўп бўлмаганда, балки оддий, кўҳликкина жувон бирор нарсага умид боғлаши мумкин эди. Уларнинг деярли ҳар бири Жонни Фонтейннинг имосига жон-жон деб югуриб келишини Жинни яхши биларди. Жоннининг гаплари шунчаки уни хурсанд қилиш учун айтилган гаплар эканлигини ҳам тушунарди.

Жинни дўстона кулиб:

– Сен мени бир марта кўндиргандинг, – деди. – Эсингдами, Жонни. Роппа-роса ўн икки йил илгари. Энди овора бўлмай қўяқол.

---

<sup>1</sup> Лемминг – кемирувчиларга хос ҳайвон.

Жонни хўрсинди ва диванга чўзилди.

– Мен ҳазиллашаётганим йўқ, Жинни, тўғрисиани айт-  
япман. Кўз тегмасин, кўринишинг чиройли. Қанийди,  
менда шунақа кўриниш бўлса.

Жинни жавоб бермади. Жонни нимадандир рухий  
эзилганлиги яққол кўзга ташланиб турарди.

– Картина қалай, зўр чиқдимми? Ундан сенга бирор  
фойда тегишига умидинг борми?

Жонни бош қимирлатди.

– Картина жуда зўр. Яна шуҳрат чўққисига кўта-  
рилишим эҳтимолдан узоқ эмас. Агар Академия мукофо-  
тига сазовор бўлиб, бунинг устига сал ақлимни йиғиб ол-  
ганимда борми, қўшиқ айтмасам ҳам бўлаверарди. Унда  
сен билан болаларимга ҳам кўпроқ пул теккан бўларди.

– Қаёқда бизга кўпроқ тегади, – деди Жинни. – Унинг-  
сиз ҳам...

– Кейин мен қизчаларим билан тез-тез кўришиб  
турмоқчиман, – деди Жонни. – Сал ўзимни ҳам тийиб  
олсам дегандим. Ҳар жума куни тушликка келиб тур-  
сам, нима дейсан? Қасам ичиб айтаманки, бирор мар-  
та ҳам кеч қолдирмайман, қанчалик узоқда бўлмайин,  
қанчалик банд бўлмайин, ҳар сафар келаман. Имконият  
бўлганда шанба ва якшанба кунларини қизчаларим билан  
ўтказишга ҳаракат қиламан ёки таътилга чиқишганда  
ўзим билан олиб кетаман.

Жинни унинг кўкрагига кулдонни қўйди.

– Мен қарши эмасман, – деди Жинни. – Сен қиз-  
ларимнинг отаси бўлиб қолишинг учун ҳам турмушга  
чиқмадим. Дарвоқе, биласанми, ким қўнғироқ қилди?

Жонни бунақа топишмоқ ўйинни жинидан ҳам ёмон  
кўрарди.

– Ким? – сўради у.

– Ҳеч бўлмаса одоб юзасидан ҳам ким қўнғироқ  
қилганини ўйлаб топишга уриниб кўрсанг бўларди, –  
деди Жинни... У эса жим турарди. – Сенинг Чўқинтирган  
отанг қўнғироқ қилди.

Жонни астойдил ҳайратланди.

– Ана, холос! Ахир у ҳеч ким билан телефонда гаплашмасди-ку. Хўш, нима деди?

– Сенга ёрдам беришимни, қўллаб-қувватлашимни илтимос қилди. Сен бундан ҳам каттароқ ютуқларга эришишинг мумкинлигини, омадинг юриша бошлаганини, фақат яқинларингдан бирор киши сенга ишониши зарурлигини айтди. Бу гапларга менинг қанақа дахлим бор, дедим. Дахлинг борлиги шундаки, у икки болангнинг отаси, деди у. Жудаям ажойиб отахон экан. Нега энди у ҳақда ҳар хил бўлмағур нарсаларни ёзишяпти?

Ошхонада телефон жириглади. Жинни чиқди. У меҳмонхонага ажабланиб қайтиб кирди.

– Жонни, сени сўрашяпти, – деди. – Том Хейген. Зарур иши бормиш.

Жонни ошхонага кириб, гўшакни олди.

– Қулоғим сенда, Том.

Том Хейген оғир-босиқ овоз билан гапира бошлади:

– Жонни, Чўқинтирган ота сен билан учрашишим кераклигини айтди. Фильмни суратга олиш тугади, энди келажак ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди, деди. Эрталабки рейс билан учишимни айтди. Мени Лос-Анжелесда кутиб ололасанми? Нью-Йоркдан соат ўн биру ўттизда учаман.

– Албатта, кутиб оламан, – деди Жонни.

– Ўзинг машинадан чиқма, – деди Хейген. – Мени кутиб олиб, олдинга олиб бориши учун биронтасини жўнат.

– Нима десанг – шу.

Жонни меҳмонхонага қайтиб кириб, яна диванга чўзилди. Қаттиқ чарчаганидан кўзлари юмила бошлади.

– Балки, ётиб қоларсан? Ҳозир кеч бўлиб қолди. Қаёққа ҳам борасан? Эрталаб қизлар билан нонушта қиласан... Бутун бир уйда бир ўзинг ёлғиз қандай яшяпсан, умуман тасаввур қилолмайман. Наҳотки зерикмасанг?

– Уйда деярли бўлмайман-да, – деди Жонни.

Жинни кулди.

– Демак, мутлақо ўзгармабсан, – у бир дақиқа ўйланиб қолди... – Нима қилай, бўш хонага жой солиб берайми?

– Сенинг хонангда ётсам бўлмайдимми? – сўради Жонни.

Жиннининг бирдан жаҳли чиқди.

– Йўқ!

Эрталаб Жонни кеч уйғонди. Тортиб қўйилган пардага қуёш нури тушиб турарди. Бу хонага соат ўн иккидан олдин нур тушмасди.

– Ҳой, Жинни, менга нонушта берасанми? – бақирди у.

– Ҳозир, бирпас сабр қил, – узоқдан Жиннининг овози эшитилди.

Ҳақиқатан ҳам, у бирпасда нонушта олиб келди. Ҳамма нарсани олдиндан тайёрлаб қўйган бўлса керак. Жонни биринчи сигаретани чекиб тугатмаган ҳам эдики, эшик очилиб, қизчалари ғилдиракли аравагани суриб киришди.

Қизчалар шу қадар кўхлик эдики, Жоннининг юраги жиғиллаб кетди. Уларнинг тоза қилиб ювилган юзлари ловуллаб турар, чақноқ кўзларида қизиқиш ва тоқатсизлик бор эди – қизчаларга отаси билан учрашишдан олдин яхшилаб оро берилган эди, узун сочлари майда қилиб ўрилган, чиройли қўйлақларининг тугмалари қадалган, оёқларига локланган оқ туфли кийишган эди. Жонни сигарета қолдиғини ўчиришини кузатишаркан, кучоғини кенг очиб, уларни чақирешишни кутиб, нонуштали столча ёнида туриб қолдилар. Иккаласи ҳам отаси бағрига тенг ташланишди. Қизчалар муаттар ҳид таралиб турган нозик юзларини отасининг юзига босишди. У эркалаб соқолини қизчаларининг бетига суртди, қизчалар чинқириб юборишди. Эшик олдида Виржиния кўринди ва Жонни бемалол ўтириб нонушта қила олиши учун столчани диван ёнига суриб келди. Ўзи каравот чеккасига ўтириб, Жоннига қаҳва қуйиб, қовурилган нонга ёғ суркаб берди. Қизчалар отасининг рўпарасидаги кушеткага ўтириб олишиб, пахмайиб кетган сочларини

текислашар, ўзларига оро беришарди. Қизлар катта бўлиб қолишганди. Улар билан энди ёстиқ отишиб ёки гиламда юмалаб ўйнаш мумкин эмасди. Эҳ, жин урсин, ўйлади Жонни, эртагаёқ улғайишиб, орқасидан Голливуд безорилари соядек эргашиб юрадиган бўлиб қолишади.

Жонни қизларини қанчалик яхши кўришини фақат Жинни ва баъзи бир яқин дўстларигина билишарди. У хотини билан ажрашиб, уйдан чиқиб кетаётганда шу қизчаларини деб ҳаддан ортиқча қийналган, юраги эзилиб, қон бўлганди. Ўшанда Жонни фақат бир нарсани – ўзининг оталик ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилганди. Ҳар томонлама пухта ўйлаб, ҳамма нарсани тарозига солиб кўриб, у Жиннига эрга тегса, қаттиқ норози бўлишини айтди. У хотинини бўлғуси эридан эмас, аксинча, қизчаларини ўғай отасидан рашк қиларди. Жиннига нафақа ажратаркан, унинг эрга тегмасликдан манфаатдор бўлиши учун ҳаракат қилди. Албатта, Жинни жазманлар топиб олиши мумкин, фақат уларни уйига олиб келмаса бўлгани. Дарвоқе, бу борада ҳам Жонни унга тўла ишонарди. Ишқий масалаларда у ўта тортинчоқ ва мутаассиб эди. Жиннининг машхур эридан келадиган пул ва бойликларга кўз тикиб, унинг орқасидан соядек югурган голливудлик ошиқлар бармоқларини тишлаб қолавердилар.

– Тезроқ кийин, – деди Жинни. – Том етиб келадиган пайт бўлиб қолди.

Жонни қизчаларини хонадан чиқариб юборди.

– Ҳозир кийинаман, – деди Жонни. – Дарвоқе, эшитдингми, Жинни, мен хотиним билан ажрашяпман. Яна эркин куш бўлиб қоламан.

Жинни кийинаётган Жоннига қараркан:

– Рождествога бор-йўғи икки ҳафта қолди, – деди. – Тайёргарлик кўраётганда сени ҳисобга олайми-йўқми?

– Албатта, ҳисобга оласан-да, – деди Жонни. – Арафани ҳам, Рождествони ҳам сизлар билан бирга байрам қиламан. – Унинг янги йилни бирга кутиб олиш тўғрисида оғиз очмагани тасодифий эмасди. Янги йил арафасида

Жонни тун бўйи улфатлари билан бирга бўлар, вақти-вақти билан у ана шундай зиёфатларни соғиниб қолар, бундай жойларга хотинини олиб бормас эди. Бундан унинг виждони ҳам азобланмасди.

Жинни унга пиджагини узатди, пиджакка ёпишиб қолган парни олиб ташлади.

Уни бутун оила аъзолари дарвоза олдида турган машинагача кузатиб чиқишди. Қизчалар икки ёнида қўлларидан ушлаб олишди. Онаси эса сал олдинроқда борарди. Жонни жуда хурсанд эди, уни ҳозир кўрган одамнинг баҳри-дили очиларди. Машина олдида у қизчаларини навбат билан қўлтиғидан олиб, ирғитиб ерга тушираркан, ўпиб қўйди. Кейин собиқ хотини билан ҳам ўпиб хайрлашди-да, машинага ўтирди.

У хайрлашиш онларининг узоққа чўзилишини ёқтирмасди.

Жоннининг ёрдамчиси ва реклама бўйича агент ҳамма топшириқларни у айтгандан ҳам зиёда қилиб бажаришганди. Жонни уйга яқинлашиб келганда, уни ижарага олинган машина ҳайдовчиси кутиб турарди. Машинада реклама бўйича агент ва яқин кишилардан бири ўтирарди. Жонни машинасини бир четга қўйди-да, чаққонлик билан уларнинг машинасига ўтирди. Бир дақиқадан кейин улар аэропорт йўлида учиб боришарди. Хейгенни ёрдамчи кутиб оладиган, Жонни машинада кутиб турадиган бўлди. Бир неча дақиқадан кейин Том унинг ёнига ўтириб, қўлини қисди ва ҳаммаси Жоннининг уйи томон йўл олишди...

Ниҳоят Жонни Том билан меҳмонхонада ёлғиз қолишди. Улар ўлганининг кунидан ноилож бирга ўтиришарди. Жонни Томни дон Корлеоненинг тўйи арафасида бўлиб ўтган қора кунлардан бери кечирмас эди. Ўшанда Жонни доннинг ғазабига гирифтор бўлиб, қанча уринмасин, унинг олдида киролмаган, Том Хейген ўртада пахса девор бўлиб туриб олган эди. Хейген эса ўзини оқлашга уриниб ҳам кўрмади. Бунинг уддасидан

чиқолмасди ҳам. Одамлар бирор иш билан доннинг олди-га киришмоқчи бўлишса, у яшин қайтаргич вазифасини ўташи керак эди. Лекин дондан хафа бўлишга журъат қилолмаган одамлар consigliogідан хафа бўлишарди.

– Чўқинтирган ота мени баъзи бир нарсаларда сенга ёрдам бергани жўнатди, – деди Хейген. – Бу ишни Рож-дествогача тугатишни хоҳлардим.

Жонни Фонтейн елкасини қисди.

– Нима десамикин? Картина суратга олиниб бўлди. Режиссёр яхши одам экан, ҳар ҳолда мен билан яхши муомалада бўлди. Мен суратга тушган лавҳалар шу даражада муҳимки, ҳатто Вольц бу лавҳаларни, демак, уларга қўшиб мени ҳам дафн этмоқчи бўлса-да, уддасидан чиқолмайди. Ўн миллион долларга тушган фильмни ким ҳам чиқитга чиқариб ташларди... Демак, энди ҳамма нарса фильм экранларга чиққанда танқидчилар қандай фикр билдиришларига боғлиқ.

Хейген эҳтиёткорлик билан сўради:

– Анави Академия берадиган мукофот, ҳақиқатан ҳам, актёрлар тақдирида катта аҳамият касб этадиган мукофотми ёки амалда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган оддий реклама ўйинчоғими? – У хато қилганини сезиб қолди ва дарров уни тугатишга киришди. – Албатта, шуҳратни ҳисобга олмаганда – ҳамма шуҳрат қозонгиси келади.

Жонни Фонтейн кулимсираб қўйди.

– Чўқинтирган отадан ва сендан ташқари... Йўқ, Том, у шунчаки ўйинчоқ эмас. Академия мукофотига сазовор бўлган артист камида ўн йиллик муваффақият билан олдиндан таъмин этилган деявер. У энг яхши ролларни танлаб олиш имкониятига эга бўлади. У иштирак этган картиналарга томошабин тўп-тўп бўлиб келади. Албатта, мукофотнинг ўзи ҳеч нарса эмас, лекин киноактёр ҳаётида энг муҳим воқеа. Умуман, бу мукофотни менга беришадди, деб ўйлайман. Машҳур артист бўлганим учун эмас, биринчидан, мени қўшиқчи сифатида ҳамма танийди, иккинчидан, ролнинг ўзи жуда зўр. Бунинг устига мен ҳам ёмон ўйнамадим шекилли.

Том Хейген бош чайқади.

– Чўқинтирган ота эса бугунги кунда сенинг мукофот олишинга умид йўқ деяпти.

Жонни Фонтейн бирдан қизишиб кетди.

– Нималар деб валдираётганингни биласанми ўзинг? Ҳали лента монтаж қилингани йўқ. Бунинг устига доннинг кинобизнесга алоқаси йўқ. Уч минг мил масофадан нахотки мана шу аҳмоқона гапни айтиш учун келган бўлсанг? – У жаҳли чиққанидан ва алам қилганидан йиғлаб юборай деди.

– Жонни, сенинг кинога оид ишларинг мен учун қоронғи ўрмондай бир гап, – деди Хейген уни юпатмоқчи бўлиб. – Мен бор-йўғи доннинг чопари эканлигимни унутма. Лекин сенинг ҳозирги аҳволингни дон иккимиз бир неча марта ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқдик. Дон сендан, сенинг келажагингдан ташвишланыпти. У ҳозирча сенга ёрдам бериб туриш зарур, деб ҳисоблаб, бу борадаги муаммоларни бир йўла ҳал қилмоқчи. Менинг бу ерга келишимдан мақсад сенинг ишларинг бундан кейин силлиқ бориши учун чора-тадбирлар кўришдан иборат. Лекин бунинг учун сен ақл-хушингни йиғиб олишинг керак, Жонни. Ўзингга фақат кўшиқчи ва актёр сифатида қарашни бас қил энди. Каттароқ ишлар билан шуғулланадиган вақт келди.

Жонни Фонтейн кулиб, ўзига виски қуйди.

– Агар «Оскар» мукофотини беришмаса, менинг кучим тахминан қизчаларимнинг билак кучи билан тенг бўлиб қолаверади. Овозимни йўқотдим. Агар овозим тикланганда эди, бирон нарсага уриниб кўриш мумкин эди. Бу аҳволда эса... Лаънати! «Оскар» менга тегмаслигини Чўқинтирган ота қаёқдан била қолдийкин? Йўқ, билса керак. У ҳали бирон марта хато қилмаган.

Хейген сигарета туташтирди.

– Бизда сенинг номзодингни қўллаш учун Жек Вольц киностудия фондидан сариқ чақа ҳам ажратмаслиги тўғрисида маълумотлар бор. Бу ҳам етмагандек, у овоз беришда қатнашадиган ҳар бир одамни сени мукофот-



ланганлар орасида кўришга кўзи йўқлиги тўғрисида огоҳлантириб қўйибди. Реклама ва бошқа мақсадлар учун ажратиладиган маблағни қисиб қўйганлиги туфайли ҳам сен бир чеккада қолиб кетишинг мумкин. Айни пайтда у ҳамма воситалар билан рақибларингдан бири имкони борича кўпроқ овоз олишига ҳаракат қилади. У ўйлаб ўтирмасдан керакли одамларни ҳаммасини, бирини амал билан, иккинчисини пул билан, бошқасини қизлар билан сотиб олади. Жек Вольц ҳамма воситаларни ишга солган. Айни пайтда у ақл-идрок билан, имкони борича картинага зарар етмайдиган қилиб иш тутайди.

Жонни Фонтейн елкаларини кўтарди. У яна стаканга виски қуйди-да, шарт кўтариб юборди.

– Шу гаплар рост бўлса, мени куним битди, деявер, – деди Жонни. У ўрнидан туриб, хонада у ёқдан бу ёққа юрди. Кейин Хейгеннинг рўпарасига келиб ўтирди... – Биласанми, тақдир тақозоси билан кўп вақтгача омадим юришиб ишим ўнгидан келиб юрдим. Лекин Жинни билан ажралишганимдан кейин ишим бирин-кетин чаппасидан кетаверди. Аввал овоздан айрилдим. Пластинкаларимга бўлган талаб камайиб кетди. Кинога таклиф қилишмай қўйди. Чўқинтирган ота ҳам мендан юз ўтирди, кўнғироқ қилсам, гўшакни олмайди. Нью-Йоркка учиб борсам, қабул қилмайди. Ҳар сафар ўртамизда сен пайдо бўласан. Гарчи сен унинг кўрсатмаларига биноан иш тутаётганингни билсам ҳам қаттиқ жаҳлим чиқарди. Ахир унинг ўзига аччиқ қила олмайсан-да!..

Бу дақиқада Хейген ўртадаги совуқликни унутди.

– Бекорга подадан олдин чанг чиқаряпсан, – деди у. – Дон Вольцнинг ҳийла-найрангларини фош қила олишини айтди. Мукофотни сен олишинг ҳам деярли аниқ. Лекин бу сенинг муаммоларингни тўла ҳал этолмайди, дейди дон. У сенда продюсер бўлиш, картиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бу ишни бошидан охиригача қўлга олиш учун ақл-идрок, маҳорат етишадими – шуни билмоқчи.

– Қизиқ, қандай қилиб дон менга «Оскар» мукофотини олиб бермоқчи? – ишонқирамай сўради Жонни.

– Нега энди сен бу Вольцнинг қўлидан келишига осонгина ишона қолдингу, Чўқинтирган отанга ишонмайсан? – деди кескин Хейген. – Ҳар иккимизнинг олдимизда бу масалани ҳал этиш вазифаси тураркан, бунинг учун сенинг ишончинг зарур экан, сенга бир гапни айтиб бера қолай. Гап шундаки, Чўқинтирган отанг Жек Вольцга қараганда муҳим соҳаларда беҳад катта имкониятларга эга. У сенга мукофот берилишига қандай эришмоқчи эканлигини билмоқчимисан? Кино саноати касаба уюшмаларининг ҳаммаси, демак, мукофот берадиганларнинг ҳаммаси ёки деярли ҳаммаси унинг, тўғрироғи, унга боғлиқ бўлган кишиларнинг қўлида. Албатта, сен ўзинг ҳам мукофотга лойиқ бўлишинг, бошқалар билан рақобатлаша олишинг керак. Лекин менга ишонавер.

Чўқинтирган отанг сенга мукофотни олиб беришга қудрати етди. Агар у бу ишга қўл урмаса, мукофотни етти ухлаб, тушингда ҳам кўролмайсан.

– Мен ишондим ҳам дейлик, – деди Жонни. – Продюсер бўлиш учун ишончим, қобилиятим етади ҳам дейлик. Лекин барибир бу ишларга менда пул йўқ. Биронта ҳам банк менга пул бермайди. Фильм яратиш учун миллионлаб пул керак бўлади.

– «Оскар»ни олишинг билан ишга кириш. Дастлабига учта картина чиқарасан. Учтадан бештагача картина яратишни мўлжаллаб, энг яхши операторларни, энг яхши актёрларни, умуман, шу соҳадаги энг яхши кишиларни ёлла, – деди Хейген қуруққина қилиб.

– Ақлинг жойидами? – деди Жонни. – Бунга қанча пул кетишини биласанми? Йигирма миллион...

– Пул керак бўлганда, – деди Хейген, – менга қўнғироқ қил. Шу ерда, Калифорнияда қайси банк сени маблағ билан таъминлашини айтаман. Мутлақо ташвишланма, кино ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳамма банклар пул беради. Қабул қилинган умумий тартибга кўра қарз беришларини илтимос қиласан, ишончли далиллар тавсия қиласан, қисқаси, одатдагидек иш юзасидан бўладиган битим тузасан. Сенинг таклифларингни, албат-

та, қабул қилишади. Фақат олдин мен билан учрашиб, ҳисоб-китобларингни кўрсатасан, режаларингни баён қиласан. Қалай, маъкулми?

Жонни анча жим турди. Ниҳоят, секин сўради:

– Шартлари қанақа бўлади?

Хейген кулиб қўйди.

– Сенга бериладиган йигирма миллион қарз эвазига бирор хизмат қилиш керак бўладими деган маънода сўраяпсанда-а? Бўлмасам-чи! – У бир оз жим қолди, лекин Жонни бу сукутга ҳеч қандай муносабат билдирмади. – Бу хизмат доннинг илтимосига кўра сен унга кўрсатишинг мумкин бўлган хизматлардан оғир эмас.

– Лекин сен айтаётган хизмат жиддийроқ бўлса, шахсан доннинг ўзи илтимос қилиши керак. Яъни сенинг ёки Соннининг кўрсатмалари ўринга ўтмайди.

Хейген ундан бундай фикр чиқишини кутмаганди. Ҳар ҳолда Фонтейннинг анча-мунча нарсаларга ақли етаркан, елкасида калласи бор экан. Эҳтиёткорлик билан иш тутиш ва чўқинтирилган ўғилга муҳаббати туфайли ҳам дон унга ҳеч қачон хавfli ишларни буюрмаслигини, Сонни эса талаб қилиши мумкинлигини тушунди.

– Бу масалада ташвишланмасанг ҳам бўлади, – деди Хейген. – Сонни иккаламиз агар ошкор бўлиб қолса, шубҳага қўядиган ишларга сени жалб этмаслик юзасидан қаттиқ кўрсатма олганмиз. Дон ўзи эса ҳеч қачон бундай ишга йўл қўймайди. Бу ерда гап у илтимос қилиб улгурмасданоқ сен ўзинг ихтиёрий тарзда адо этадиган хизматлар тўғрисида бормоқда. Хўш, қалай, маъкулми?

Жонни кулди.

– Маъкул.

– Яна бир гап, дон сенга ишонади, – деди Хейген. – Сени уddaбурон, қўлидан иш келадиган одам деб ҳисоблайди. Сен туфайли банк ҳам анча-мунча фойда кўришига ишонади. Демак, доннинг ўзи ҳам анча-мунча пул ишлаб олади. Бу борада доннинг ўз ҳисоб-китоблари бор, буни унутма. Пулни беҳуда сарф қилма. Гарчи сен унинг суюкли чўқинтирган ўғли бўлсанг-да, йигирма

миллион ҳазилакам пул эмас. Бунча пулни топиш учун дон анча бош қотиришга мажбур бўлади.

– У ташвишланмаса ҳам бўлади, – деди Жонни. – Жек Вольцга ўхшаган кимсалар кино олами даҳолари қаторида юрганда биз ҳам донни хижолат қилиб қўй-масмиз.

– Чўқинтирган отанг ҳам шундай деб ўйлаяпти, – деди Хейген. – Энди одамларингга айтсанг, мени аэропортга етказиб қўйишса. Айтадиган гапларнинг ҳаммасини айтдим. Шартнома тузадиган пайт келганда мен иштирок этмайман, юристлар ёлла. Агар эътироз билдирмасанг, ҳужжатларни имзолашдан олдин менга бир кўрсатиб қўй. Дарвоқе, касаба уюшмалари билан ҳеч қанақа англашилмовчиликка дуч келмайсан. Бу ҳар бир картинага сарфланадиган маблағни бирмунча камайтиради. Бу моддани харажатлар пайтида ҳисобга олмасанг ҳам бўлади.

– Тушундим, – деди Жонни. – Аэропортга сени ўзим етказиб қўяман. Чўқинтирган отага раҳмат айтиб қўй. Ўзим кўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдиришим мумкин эди, бироқ у гўшакни олмаяпти. Дарвоқе, бунинг сабабини сен билмайсанми?

Хейген елка қисди.

– У деярли телефондан фойдаланмайди. Овозини ёзиб олишларидан чўчийди. Шунчаки гап бўлса ҳам телефонда бутунлай бошқача маъно берадиган қилиб ўзгартириб юборишлари мумкин. Телефонни олмаслигининг сабаби шу бўлса керак, деб ўйлайман. Дон ҳар доим яккаю ягона бир нарсадан, маъмурлар эртами, кечми унга қарши бирор бир жиноий иш тўқиб чиқаришларидан хавфсирайди. Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилади.

Улар машинага ўтириб, аэропортга жўнашди. Хейген шу пайтгача Фонтейнни менсимасдан келганлиги, у эса эътиборга лойиқ одам эканлиги тўғрисида ўйлаб борди. Ҳар қандай нарсани дарров илғаб олади, масалан, мана, Хейгенни аэропортга ўзи олиб кетаётганлигини олиб

кўрайлик. Арзимаган илтифот. Кўзга кўринмайдиган бундай майда-чуйдаларга дон бекорга алоҳида эътибор бермасди. Энди Жоннининг олдида яна бир имтиҳондан – фаросат имтиҳонидан ўтиш вазифаси турарди. У доннинг хизматини қилиши керак. Лекин у бутунги шартнома-нинг муҳим шартларидан бири тўғрисида оғиз очмаганидай, қанақа хизмат эканлиги тўғрисида дон ҳам оғиз очмайди. Қизиқ, бу шарт нимадан иборат эканлигини бошқа бировнинг ёрдамисиз англаб олишга Жонни Фонтейннинг фаросати етармикин?

Аэропортга кираверишда Хейгенни тушириб қўйган Жонни (самолётга йўловчилар чиқарилгунга қадар бирга бўлиш тўғрисидаги таклифни Хейген қатъий рад этди) орқага, Жиннининг уйига қайтди.

Икки ҳафта, имкони бўлса бир ой унинг уйида қолса ёмон бўлмасди. Ҳар куни қизчалари билан сайр қилиб келарди, дўстларидан баъзи бирларини меҳмонга чақирарди. Сал ўзига ҳам қараган, спиртли ичимликлар ичмаган, чекмаган бўларди. Шунда эҳтимол овози ҳам ўрнига тушиб қолармиди. Овози чиқиб қолса, бунинг устига дон Корлеоне молиявий жиҳатдан қўллаб турса, у оёққа туриб олган бўларди. Бу куч-қудрат унинг товуш найчаларини соғломлигига ва қўшиқ шинавандаларининг унга нисбатан хайрихоҳлигига боғлиқ бўлмайди. Пул ва ҳукмронлик – орзиқиб кутилган, ўзига хос бўлган ҳукмронлик – унинг куч-қудрати ана шунга асосланган бўлади.

Унинг келишига меҳмонхонани супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйишганди. Бу ҳатто бир том остида бўлишса ҳам Жинни билан алоҳида-алоҳида яшашга тўғри келишининг ифодаси эди.

Жинни қаҳва ва печенье келтириб, хонанинг меҳмонхона вазифасини ўтайдиган қисмидаги узун столга қўйди. Жонни унга тафсилотларга берилмасдан бир неча картина яратиш учун қарз олишга Хейген ёрдам бермоқчи бўлаётганлигини айтди. Бу янгилик Жиннини

хаяжонга солди. Демак, у яна катта одам бўлиб кетади. Жинни дон Корлеоненинг ҳамма нарсага қўли етишига шубҳа қилмасди. Лекин Хейгеннинг Нью-Йоркка сафар қилишидан воқеанинг бунчалик аҳамиятга эга эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Хейген бундан ташқари унга адлиявий жиҳатдан бир қатор маслаҳатлар ҳам берганлигини қўшиб қўйди.

Қаҳвадан кейин у бутун оқшом ишлашини, керакли одамларга қўнғироқ қилишини, ҳаракат режалари тузишини айтди.

– Ишлаб топадиган маблағимнинг ярмини қизчаларимга бераман, – деди у.

Жинни бу меҳрибончиликка нисбатан миннатдор бўлиб кулди ва хонадан чиқаркан, уни ўпиб қўйди. Ёзув столи устидаги шиша қутичага у яхши кўрадиган ҳарфлар ёзилган сигареталар, намлагичли портсигар, йўғон ва худди қалам сингари ингичка куба сигаралари солиб қўйилганди. Жонни стулга қулайроқ ўтириб олди-да, қўнғироқ қилишга киришди. Миясида фикрлар гўжгон ўйнарди. Дастлаб у янги ёзган романи шов-шувга сабаб бўлган ва эндигина суратга олиб бўлинган фильмга асос бўлган ёзувчига қўнғироқ қилди. Ёзувчи у билан тенгдош, шуҳрат қозонгунча оғир, мураккаб йўлни босиб ўтган, лекин ҳозир адабий давраларда донг таратган одам эди. У Голливудга ҳам ана шундай шон-шуҳрат қозониш мақсадида келганди, лекин кўп муаллифларга ўхшаб, бу ерда оёқ остида қолган ахлатдан бошқа нарса эмаслигига тез орадаёқ ишонч ҳосил қилди. Кунларнинг бирида шаҳар маъмурлари томонидан уюштирилган зиёфатда Жонни унинг ҳақоратланганлигининг гувоҳи бўлган эди. Анчагина машҳур, сийнаси балаңд кино гўзалларидан бири ўша оқшом, ўша тунда ҳам ёзувчининг кўнглини олишга ваъда берганди. Бироқ чақчақлашиб ўтиришган пайтда комик роллар ижро этадиган қамишдай озгин артист бармоғи билан имлаб чақиргач, бу гўзал машҳур ёзувчини ташлаб кетворганди. Ана шунда Голливуддаги мартабалар жадвалида ким қандай ўринда туриши

хақида ёзувчи аниқ тасаввурга эга бўлганди. У бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлган китоб ёзса нима бўпти? Кино гўзали эса ҳеч иккиланиб ўтирмасдан кино олами билан алоқаси бўлган хунук, бадбашара бир махлуқни ундан устун қўйди.

Жонни Фонтейн ҳозир Нью-Йоркка ана шу ёзувчига, гўё худди унга мўлжаллаб ёзилган ажойиб роль учун миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб қўнғироқ қилганди.

Жонни уни кўкларга кўтариб мақтаркан, булбулигўё бўлиб кетди. Кейин у гўё тасодифан эсига тушиб қолгандай ёзувчининг янги ёзаётган романи қай ҳолатдалиги ва нима ҳақида эканлигини сўраб қолди. Ёзувчи романинг энг қизиқарли бобларидан бирини батафсил ҳикоя қилиб бергунча сигара туташтирди ва қулай пайт пойлаб:

– Яхши нарсага ўхшайди, тугатганингизда ўқиб кўрсам бўларкан. Балки, бирор нусха жўнатарсиз? Агар маъқул бўлса Вольц таклиф қилган шартлардан яхшироқ шарт билан қабул қилишим мумкин, – деди.

Ёзувчи бу таклифни дарҳол қабул қила қолганидан Жонни нишонга аниқ урганини тушунди. Жек Вольц бу одамни алдаб, китоблари учун арзимаган ҳақ тўлаб келарди. У байрамлар ўтиши биланоқ Нью-Йоркда бўлишини айтди. Улар бирга овқатланишга келишиб олдилар.

Кейин Жонни Фонтейн куни кеча суратга олиб тугалланган фильмни экранлаштирган режиссёрга ва операторга қўнғироқ қилди. Бошқаларга айтмаслик шarti билан ҳар иккаласига бир нарсани – Вольц унинг кинода суратга тушишига қарши бўлганлигани билишини, бу борада унга ёрдам берганликлари ва яхши муносабатлари учун беҳад миннатдор эканлигини, бутундан бошлаб улардан қарздорлигини, хоҳлаган пайтларида мурожаат қилишлари мумкинлигини айтди.

Сўнгра Жек Вольцга қўнғироқ қилди, фильмдаги ажойиб ролни ўйнашга имконият яратиб берганлиги учун миннатдорчилик билдирди, яна бирга ишлашса мамнун бўлишини айтди. Вольцни ташвишга солиш, Вольцнинг юрагига ғулғула солиш мақсадида атайин

шундай қилди. Шу кунгача у мунофиқлик, иккиюзлама-чилик қилмаганди. Бир неча кундан кейин Вольц Жонни амалга ошираётган ишлардан хабардор бўлади ва бундай маккорликдан кейин довдираб қолади. Жонни Фонтейн эса худди шунга эришмоқчи.

Энди собиқ хотини, нуридийдаси бўлган қизчалар ухлаб, хонага сукунат чўккач, Жонни ниҳоят орқага, хотини ва қизчаларини ташлаб кетган кунларига қайрилиб қарашга журъат этди.

У ансамбль билан мамлакат бўйлаб қўшиғини айтиб юрганди. Сўнгра радио ва кейинроқ кино-концертларда чиқадиغان бўлди ва ниҳоят экран юлдузига айланди. Ана шу йиллар мобайнида хоҳлаганидек яшади, кўнглига сикқан ишни қилди, хотинлар билан осон тил топишарди.

Лекин уйи, оиласи Жонни учун мустаҳкам таянч бўлиб келди. Бироқ актриса Марго Эштонга дуч келди-ю, ақл-хушини йўқотиб қўйди. Жонни унга уйланиб олди. Кейинчалик ишию мартабаси ҳам, овозию оиласи ҳам унутилди. Бу ҳол бор нарсасидан маҳрум бўлиб, икки қўли бир тепа бўлиб қолгунча давом этди.

Ниҳоят, боши бориб тақ этиб деворга теккандан кейин, кинодан иш беришмай, қўшиқ айтолмай қолиб, кейинги хотини хиёнат қилиб кетгач, кунлардан бирида кечқурун яккаю ёлғиз қолиб, зерикканидан кейин бир неча кунга Жинни ва қизчаларининг олдига келди. Аслида у биринчи хотинига бош эгиб келганди. Ўша куни у пластинкага ёзиб олинган қўшиқларидан бирини қўйиб эшитди – овози жуда ёмон эди. Жонни ёзув пайтида атай қилган деб режиссёрни айблади. Аста-секин у ўзининг асл овозини эшитаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, пластинкани ерга уриб синдирди ва концертларини бекор қилди. Конни Корлеоненинг тўйида Нино билан бирга қўшиқ айтганини ҳисобга олмаса, ўшандан буён бирон марта ҳам нотага тушолмаганидан қаттиқ хижолат бўлди.

Жинни унинг бошига тушган бало-қазолар тўғрисидаги хабарни қандай қиёфада кутиб олганлигини



ҳали унутгани йўқ. Жиннининг юзидаги бу ифода бир дақиқагина кўринди, лекин уни бир умр эслаб қолиш учун ана шу дақиқа етарли эди. Бу ғолибона ва қахрли тантана ифодаси эди. Бу ифода фақат бир нарсани – ўтган йиллар мобайнида Жиннининг қалбида унга нисбатан нафрат ва адоват яшириниб келганлигининг белгиси эди. У дарҳол ўзини қўлга олди ва хушмуомалалик билан ҳамдардлик билдирди. Жонни унинг сўзларини юракдан қабул қилаётгандай бўлиб кўринди. Орадан икки-уч кун ўтгач, узоқ йиллар бошқаларга нисбатан қадрдонроқ бўлиб қолган уч аёл билан учрашди. У бу аёллар билан дўстона алоқаларини сақлаб қолганди, гоҳи-гоҳида улардан бириникида тунаб қолар, бу уларнинг яхши дўст бўлиб қолганларига халақит бермасди. Жонни уларга кўлидан келган ёрдамини берар, совғалар ҳадя этар, ишга жойлаштириб қўярди. Агар Жонни уларга қилган яхшиликларни пулга чақадиган бўлса, юзлаб минг долларни ташкил этган бўларди. У бу аёлларнинг юзида ҳам энди ана шундай оний қахрли тантана ифодасини кўрди.

Жонни уларни кечирди: буларнинг ҳаммаси гулдан-гулга учиб юрган капалак сингари аёллар ўртасида қўлма-қўл бўлиб юрган ўша эркин кунлар учун олинадиган интиқом эканлигини у яхши биларди. Ўшандан бери беқарорлиги учун ўзини гуноҳкор деб ҳисобламасди. Жиннини ночор аҳволда ташлаб кетганлиги, оталик ҳукуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилгани ҳолда Жинни билан ярашишини хаёлига ҳам келтирмаганлиги ва буни ундан яширмаганлиги учун ўзини мутлақо гуноҳкор деб ҳис этмаганди. У бошига тушган бало-қазолардан фақат шу ҳис-туйғунигина – хотинларга етказган озор учун бепарволикнигина ўзи билан олиб қолди.

У чарчади, ётадиган вақт бўлганди. Лекин унинг миёсига ўрнашиб қолган бир лавҳа – Нино Валенти билан бирга куйлагани хаёлидан нарига кетмади. Тўсатдан у дон Корлеонега ёқадиган бир нарсани топгандай бўлди. Гўшакни олиб Нью-Йорк билан боғлашни илтимос

қилди. Аввал Сонни Корлеонега қўнғироқ қилди. Нино Валентининг телефонини ёзиб олди. Сўнгра Нинога қўнғироқ қилди. Овозига қараганда Нино ҳар доимгидек ширакайф эди.

– Қулоқ сол, Нино, Лос-Анжелесга кўчиб кел, десам, бу таклифга нима деб жавоб берган бўлардинг? – сўради Жонни. – Мен билан бирга ишлайсан. Сенга ўхшаган ишончли одам жуда керак бўляпти.

Нино одатига кўра ҳазилкашлик қилди:

– Нима десамикин, Жонни, юк машинасидаги ишим топ-тоза, йўл-йўлакай машинамга лобар аёллар тез-тез чиқиб туришади. Йўлдан четга чиқиб улар билан хоҳлаганча қўнғилхушлик қилишим мумкин. Бунинг устига ҳафтасига юз эллик чўнтагимга тушиб турибди. Хўш, сен нималар билан мени оғдириб олмоқчисан?

– Дастлаб ҳафтасига беш юз ва қўнғилхушлик қилиш учун икки кино юлдузини бера оламан, – деди Жонни. – Қалай? Баъзида уйга меҳмонлар келганда қўшиқ айтишга ҳам рухсат бераман.

– Майли, ўйлаб кўрай, – деди Нино. – Бир оз муддат берсанг, юристим билан, бирга ишлайдиган шеригим билан маслаҳатлашиб кўрардим.

– Жиннилик қилма, Нино, – деди Жонни. – Сен менга кераксан, тушундингми? Эртагаёқ самолётга ўтириб, ҳафтасига беш юз олиш шарти билан бир йил муддатга шартнома тузиш учун етиб кел. Ана шунда менга қарашли севикли жононлардан бирини йўлдан урганинг учун сени ковушингни тўғрилаб қўйганимда ҳам чўнтагингда бир йилга етадиган пулинг бўлади. Келишдикми?

Орага жимлик чўқди. Бу гал Нино жиддий овоз билан сўради:

– Ҳой, Жонни, ҳазиллашаётганинг йўқми?

– Йўқ, оғайни, мен жиддий гапиряпман, – деди Жонни. – Менинг Нью-Йоркдаги гумаштамга учра. Унинг идорасида сенга самолётга билет ва пул тайёрлаб қўйишади. Мен қўнғироқ қилиб, тайинлаб қўяман.

Идорага кундузи учра. Хўпми? Мен бирон кишини аэропортга жўнатаман, сени кутиб олиб, менинг олдимга олиб келади.

Орага яна жимлик чўкди, кейин Нинонинг бўғиқ, иккиланган овози эшитилди:

– Хўп, Жонни. – Унда ширакайфликдан асар ҳам қолмаганди.

Жонни гўшакни қўйиб, ётишга тайёрлана бошлади. Ўша лаънати пластинкаларни уриб синдирганидан буён унинг бугунгичалик кайфияти аъло бўлмаганди...

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

Жонни Фонтейн овоз ёзиб олинадиган студия жойлашган катта залда ўтириб, сариқ дафтарча варағида харажатларни ҳисоблаётганди. Эшик олдида бирин-кетин муסיқачилар пайдо бўлишди. Уларнинг ҳаммаси Жоннининг танишлари бўлиб, ҳар бирини ёшлигидан, жаз оркестрли эстрадада қўшиқ айта бошлаган пайтидан бери биларди. Енгил мусиқа дунёсида анча таниқли бўлган дирижёр оркестр мусиқачиларига ноталар тарқатиб, оғзаки топшириқлар берди. Дирижёрнинг исм-шарифи Эдди Нилс эди. У жуда банд одам бўлиб, бу галги овоз ёзиб олишга илтифот кўрсатиб, Жонни билан эски дўстлиги хурмати рози бўлганди.

Нино Валенти рояль ёнида асабий ҳолда клавишларни босиб-босиб ўтирарди. Вақти-вақти билан у узун стакандаги муз солинган вискидан хўплаб қўярди. Бироқ бу Жоннини ташвишлантормасди. У Нино ширакайфлигида ҳушёрлигига қараганда ёмон куйламаслигини биларди. Устига-устак бутун ундан юксак ижрочилик маҳорати ҳам талаб қилинмасди.

Эдди Нилс бу галги ёзув учун бир неча қадимий италян ва сицилианча халқ қўшиқларига куй мослаган ва Конни Корлеоненинг тўйида Жонни Нино билан бирга куйлаган ҳазил лапарни қайта ишлаган эди. Дон халқ қўшиқларини яхши кўришини ва Рождество байрамида

унинг учун ана шундай кўшиқлар ёзилган пластинкадан яхшироқ совға бўлмаслигини Жонни биларди. Бу ёзувни у асосан ана шу мақсадда ташкил этган эди. Бундан ташқари ички бир сезги унга пластинкалар тез ва албатта, миллионга етиб эмас, лекин ҳар ҳодда кўп тарқалишини айтиб турарди. Яна Жонни дон Корлеоне ундан нима кутаётганлигини, у Нинога ёрдам бериш кераклигини, шу билан Жоннининг ўзига кўрсатилган ёрдам учун орани очиқ қилиб олмоқчи бўлганлигини сезиб қолди. Ахир Нино ҳам охир-оқибатда донга чўқинтирилган ўғил-да...

Жонни сариқ дафтарчани ёнида турган йиғма стол устига қўйди-да, ўрнидан шахд туриб рояль ёнига келди.

– Ҳўш, қалай, ҳамшаҳар? – деди у.

Нино бошини кўтариб, унга қаради ва ноилож жилмайди. Унинг кайфияти яхши эмаслиги кўриниб турарди. Жонни энгашиб унинг елкасига уриб қўйди.

– Ўзингни эркин тут, ҳеч нарсани ўйлама, – деди у. – Агар бугун бор маҳоратингни намойиш қилсанг, Голливуднинг энг машҳур, ҳамма ҳавас қиладиган юлдузларидан бири билан таништириб қўяман.

Нино стакандаги вискидан бир хўплади.

– Ким у? – дея тўнғиллади. – «Лэсси» лақаблиси эмасми?

Оркестр бир текисда попурига киришни бошлади. Жонни Фонтейн диққат билан тинглади. Эдди Нилс мусиқа жўрлигини махсус аранжировкада ижро этди. Кейин синов ёзуви бўлди. Мусиқани тингларкан, Жонни ҳар бир сўзни қандай қилиб бир кўшиқдан иккинчисига ўтиш зарурлигини хаёлида белгилаб борарди. У овози кўпга етмаслигини биларди, лекин ҳечқиси йўқ, кўшиқни асосан Нино айтди, у эса фақат баъзи-баъзида кўшилиб турарди. Албатта, лапар-дуэтни истисно этганда дуэт учун овозни эҳтиёт қилиб сақлаши керак.

У Нинони кўлидан тортиб студдан турғизди ва бирга микрофонга яқин келишди. Нинонинг гапи ичига тушиб кетди. Саросимага тушиб қолган Нинонинг афти бужмайиб кетди. Жонни ҳазиллашиб сўради:

– Вақтни чўзяпсанми, а? Ортиқча вақт учун қўшимча ҳақ олмоқчимсан?

– Ўрганиб қолганман, – деди Нино. – Қўлимда мандолина бўлмаса, қўшиқ айтолмайман.

Жонни бир дақиқа ўйланиб қолди.

– Қани, мана бу стаканни ушла-чи.

Гарчи гоҳи-гоҳида Нино стаканни лабига тегизиб олганлигини ҳисобга олмаса, бу ёрдам берди. Бундан қўшиққа зарар етмади. Жонни ярим овоз билан, зўриқмасдан куйлади. Нино бошлар, у эса қўшилар, асосни куйни енгил безаклар билан безарди. Бунақа қўшиқ айтиб қоникмайсан, лекин Жонни ўзининг овоз бошқариш санъатидан ўта мамнун бўлди. Ҳа, қўшиқ айтиб ўтказган ўн йили бекорга кетмаганди.

Навбат пластинкага ёзиладиган охирги қўшиқ дуэт-лапарга келганда Жонни бор овози билан куйлади. Кейин томоғи қичишиб қолди. Бу ҳатто кўпни кўрган тажрибали оркестр муסיқачиларни ҳам ҳайрон қилди. Бунақаси камдан-кам бўлади. Машшоқлар камонча ва бармоқ суяклари билан асбобларни чертишди, қарсақ чалиш ўрнига ер тешишди. Ударник<sup>1</sup> мамнуният билдириш маъносида асбобини дириллатиб чалиб қўйди.

Дам олишлар, танаффуслар бўлиб, тўрт соат ишлашди. Кетишдан олдин Эдди Нилс Жоннининг олдига келиб секин:

– Азизим, овозинг жуда яхши, – деди. – Яна янги пластинкага қўшиқ ёзиш учун овозинг етилибди. Дарвоқе, худди сенга аталгандай янги қўшиқ ҳам бор.

Жонни бош чайқади.

– Қўй, Эдди, кераги йўқ. Икки соатдан кейин овозим шундай бўғилиб қоладики, ҳатто гапира олмай қоламан... Нима деб ўйлайсан, сенингча ёзган қўшиқларимизнинг куйларини қайта ёзишга тўғри келса керак, а?

Эдди ўйчан деди:

---

<sup>1</sup> Ударник – уриб чалинадиган чолғу асбоби.

– Эртага Нино студияга борсин. Гарчи мен ўйлагандан анча яхши куйлаган бўлсанг ҳам, кўшиқнинг баъзи бир жойларида камчиликлар бор. Агар сенинг кўшиқларингда маъқул бўлмайдиган жойлари чиқиб қолса техника ёрдамида тўғрилаймиз. Эътироз билдирмайсанми?

– Э, йўқ, – деди Жонни. – Қачон эшитса бўлади?

– Эртага, кечга яқин, – деди Эдди. – Хоҳласанг сеникида эшитишимиз ҳам мумкин.

– Майли, – деди Жонни. – Раҳмат, Эдди. Демак, эртагача хайр.

У Нинонинг тирсагидан олди ва иккаласи студиядан чиқишди.

Дон Корлеонега суиқасд қилинганлиги тўғрисидаги хабарни эшитганда Жонни Фонтейннинг хаёлида дастлабки дақиқадан бошлаб Чўқинтирган отанинг ҳаётидан ташвишланиш туйғуси эндиликда ўзи мустақил тарзда фильмлар чиқариш учун пул олиш-ололмаслиги тўғрисидаги шубҳа билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди. У донни касалхонага бориб кўриб келиш учун Нью-Йоркка отланганда матбуотда сўзсиз салбий мақолалар пайдо бўлишига олиб келадиган бундай хатти-ҳаракатни энг аввало дон Корлеоне маъқулламаган бўларди, деб айтишди. Жонни кута бошлади. Бир ҳафтадан кейин Том Хейгендан вакил келди. Фильм қўйишга қарз бериш тўғрисидаги битим ўз кучида қолганди. Фақат бешта фильм бирданига эмас, балки бирин-кетин навбат билан суратга олинадиган бўлди.

Шу аснода Голливуд билан ўзи хоҳлаганича танишиш ихтиёрини Нинонинг ўзига қўйиб берди. Вақти-вақти билан у кадрдон дўстини чақириб турар ва оқшомларни бирга ўтказиш учун бирор жойга олиб борар, лекин ҳеч бир масалада унга таъсир ўтказишга уринмасди. Кунлардан бирида дон Корлеонега қилинган суиқасд ҳақида гап борганда Нино шундай деди:

– Биласанми, бир пайтлар мен ташкилотга ишга кирмокчи бўлгандим, мени дон қабул қилмаганди. У

пайтда юк машинасида ишлаш жонимга текканди, ташкилотда ишлаб яхшироқ пул топмоқчи бўлгандим. Биласанми, дон нима деганди ўшанда: «Ҳар бир одамнинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган бўлади, сенинг пешананга артист бўлиш ёзилган. Бизнинг ишимизда сендан ҳеч қанақа фойда чиқмайди».

Унинг гаплари Жоннини ўйлантириб қўйди. У ташкилот ишида Нинога ўхшаган одамлардан фойда чиқмаслигини, бундай одамлар панд бериши ёки уларни ўлдириб кетишларини дарҳол билган Чўқинтирган отанинг зийраклиги ва заковатлилиги ҳақида ўйларди. Салгина бежо қадам ташладими – бўлди, ўлдириб кетишади.

Лекин Нинонинг пешанасига артист бўлиш ёзилганини дон қаёқдан билади? Э, жин урсин, ахир доннинг ҳисоб-китобларига қараганда Нинонинг артист бўлишига эртами-кечми Жонни Фонтейн ёрдам бериши керак-да! Шундан билади. Хўш, ҳисоб-китобларида нимага асосланган? Буниси жуда осон, ўйлади Жонни, суҳбат пайтида Нинонинг оғзидан гўёки тасодифан шу сўз чиқиб кетади, мен донга миннатдорчилик билдириш йўлини тополмай юрганим учун бу сўзга маҳкам ёпиша қоламан. Йўқ, бунини тўғридан-тўғри илтимос қилишни у ўзига муносиб деб билмайди. Фақат шу йўл билан уни хурсанд қилишим мумкинлигини шама қилган, холос... Жонни хўрсинди. Энди бўлса Чўқинтирган отанинг ўзи фалокатга дучор бўлиб турибди. Вольц бўлса унинг чўқинтирган ўғлига гўр қазияпти, ёрдам кутадиган жой йўқ – шундай бўлгач, алвидо ширин орзу бўлган «Оскар». Бу борада фақат дон таниш-билишлари орқали ёрдам бериши мумкин эди. Лекин ҳозир Корлеоне оиласининг бошида бошқа ташвишлар тўлиб-тошиб ётибди. Жонни уларга ёрдам бермоқчи бўлганди, Хейген гапни калта қилиб рад этди.

Ҳозирча Жоннининг биринчи картинасини суратга олишга қизгин тайёргарлик борарди. Жонни Фонтейн иштирок этган сўнгги фильм сценарийсининг муаллифи бўлган ёзувчи янги романини ёзиб тугатди ва унинг

таклифига кўра, шахсан, воситачиларсиз музокара олиб бориш учун Калифорнияга келди. Ёзувчининг иккинчи китоби Жоннининг режаларига жуда мос эди. Энг муҳими, фильмининг бош қаҳрамони кўшиқ айтмайди, устига-устак фожа сарғузаштларга тўла сюжет, аёллар, фахш ва худди Нинога мўлжаллаб ёзилган роль. Персонаж худди Нинога ўхшаб гапирар, ҳаракат қилар, ҳатто ташқи кўриниши ҳам куйиб қўйгандай Нинога ўхшарди. Нинодан камера олдида туриб бериш талаб қилинарди, холос.

Иш юришиб кетди. Жонни кино ишлаб чиқариш соҳасида ўзи ўйлаганидан кўпроқ нарсадан хабардорлигини сезиб қолди. Лекин корхонани бошқариш учун ҳар ҳолда бир пайтлар қора рўйхатга тушиб, ишдан ҳайдалган, эндиликда иш излаб юрган билимдон, ўз ишининг устаси бўлган одамни таклиф қилди. Жонни унинг ночор аҳволдалигидан фойдаланиб қолишни хаёлига ҳам келтирмади, балки ҳар икки томон учун адолатли бўлган шартлар асосида битим тузди ва:

– Сизнинг даромадингиз билан кўпроқ даромад оламан, – деб чин кўнгилдан тан олди.

Кейин бу одам Жоннинг олдига келиб касаба уюшмаси корхоналари қўлига эллик минг доллар атрофида пул тутқазиш кераклигини айтганда у анча довдираб қолди. Ортиқча ишлар ва битимлар билан боғлиқ бўлган бир қатор мушкулликлар пайдо бўлди. Шундай экан, бу ҳаракат ўзини оқлайди. Лекин Жоннида бу одам қаллоблик қилмоқчи эмасмикин, деган шубҳа пайдо бўлди.

– Менинг олдимга ўша касаба уюшмасининг вакилини жўнатиб, – деди.

Касаба уюшмасининг вакили Билли Гофф экан. Жонни унга:

– Мен касаба уюшмасининг ҳамма парракчалари мойлаб қўйилган, деб ўйлагандим, – деди. – Дўстларим бу масалада мутлақо ташвишланмаслигим тўғрисида огоҳлантиришганди.



– Ким огоҳлантирганди? – сўради Гофф.

– Ким огоҳлантирганини сиз мендан яхшироқ биласиз. Мен унинг кимлигини айтишим шарт эмас. Лекин у огоҳлантирган экан, демак, шундай бўлиши керак.

– Вазият ўзгарди, – деди Гофф. – Танишингиз ҳаётида кўнгилсизликлар юз берди. Энди унинг гапи Ғарбий соҳилда бутунлай кучини йўқотди.

Жонни елкасини қисди.

– Икки кундан кейин менга учрашинг, хўпми?

Гофф илжайди.

– Худо ярлақасин, Жонни. Бироқ Нью-Йоркка қиладиган кўнғироғингизнинг фойдаси кам бўлади, деб ўйлайман.

Лекин Нью-Йоркка қилинган телефон кўнғироғи ёрдам берди. Жонни Хейгеннинг идорасига кўнғироқ қилди. Хейген сариқ чақа ҳам тўлама, деб аниқ кўрсатма берди.

– Агар сен ўша муттаҳамга ақаллиси ўн цент берадиган бўлсанг, яхшиси кейин Чўқинтирган отанинг кўзига кўринма. Бу доннинг обрў-эътиборига путур етказди. Ҳозирги вазиятда у бундай қилишингга мутлақо йўл қўймайди.

– Мен ўзим дон билан гаплашиб кўрсам бўлмайдими? Ё сен гаплашиб кўрсанг ҳам бўлармиди? Ахир картинани давом эттириш керак...

– Ҳозир ҳеч кимга дон билан гаплашиш мумкин эмас, – деди Хейген. – Унинг аҳволи ўта оғир. Сенинг ишинг юзасидан Сонни билан маслаҳатлашаман. Лекин менинг қарорим қатъий – у муттаҳамга сариқ чақа ҳам берма. Бирор янгилик бўлса хабар қиламан.

Жонни жаҳди чиқиб, гўшакни қўйди. Касаба уюшмаси билан бўладиган чалкашликлар фильмнинг харажати ҳаддан ташқари кўпайтириб юбориши ёки умуман студияни бутунлай синдириши мумкин. У бир дақиқа иккиланиб қолди – шов-шувсиз ўша эллик мингга Гоффга бергани маъқул эмасмикин? Ниҳоят дон, Чўқинтирган ота, ўзи гапиргани бошқа-ю, Хейген гапириб кўрсатма бергани бошқа-да! Лекин ҳар ҳолда бир неча кун кутишга қарор қилди.

Ана шу қарори эллик минг долларни тежаб қолишга сабаб бўлди. Орадан икки кун ўтгач, Гоффни Глендейлдаги уйи ётоқхонасида отиб ўлдирилган ҳолатда топишди. Шундан кейин касабани уюшмалари бошлиқларининг оғзини мойлаш зарурлиги тўғрисида ҳеч ким оғиз очмади. Бу воқеалар Жоннини бирмунча гангитиб қўйди. Доннинг узун қўли биринчи марта шундоққина унинг яқинидаги одамга ҳалокатли зарба урган эди.

Ҳафта ўтган сайин Жонни Фонтейн ишга тобора чуқурроқ шўнғиб кетди: ҳали сценарий устида ишлар, ҳали актёрлар танлар, юзлаб майда-чуйда ишларга берилиб кетарди. У овоздан маҳрум бўлганлигини, энди қуйлай олмаслигини унутганди. Шунга қарамасдан Академия мукофотига номзодларнинг исми-шарифлари тилга олинганда, улар орасида Жонни ҳам бор эди. Мукофотлаш тантаналари пайтида телевидение орқали бутун мамлакатга намойиш қилинадиган «Оскар»га тавсия қилинган бирорта қўшиғи билан қатнашишга таклиф қилмаганликлари учун хафа бўлди. Бироқ у мунгли ўй-фикрларини бир четга йиғиштириб қўйди-да, яна муккасидан ишга киришиб кетди. Ҳозир Чўкинтирган ота ишни бошқаришдан четга чиқиб қолган бир пайтда, у мукофотдан умидини узиб қўйганди. Номзод қилиб кўрсатишганлиги учун раҳмат. Бу ҳам ҳар ҳолда ҳазилакам гап эмас...

Италян халқ қўшиқлари ёзилган сўнги пластинкани қўшиқ шинавандалари тез орада талаб кетишди. Яқин орада бундай ҳол бўлмаганди. Бу кўпроқ Ниннинг муваффақияти эканлигини Жонни яхши биларди. У қўшиқчилик фаолияти тугаганлигини ноилож тан олишга мажбур бўлди. Аммо картина устида иш олиб боришга муккасидан киришиб кетди. У уйга кеч келарди, кўпинча ёлғиз ўзи қиттак-қиттак ичиб, эски пластинкалардан бирини қўйиб эшитар, айрим жойларида секин жўр ҳам бўларди. Ҳа, бир пайтлар яхши қўшиқ айтарди. Яхши қўшиқчи эканлигига ўзи ҳам шубҳаланмасди. Ҳатто камдан-кам учрайдиган овози-

нинг ўзига хослигини ҳисобга олмаганда ҳам барибир ажойиб қўшиқчи эди. Овозининг ноёблиги эса унинг хизмати эмас, балки табиатнинг унга берган инъоми эди. У ҳақиқий артист эди, лекин буни ўзи сезмасди. Бундан ташқари қўшиқлари унинг учун қанчалик қадрли эканлигини ҳам тушунмасди. Ичкилик ичди, тамаки чекди, аёллар билан кўнгилхушлик қилди ва айнан баъзи бир нарсаларни тушуна бошлаган пайтида овозини ишдан чиқарди.

Қиттак-қиттак қилгани гоҳо Нино кириб келар, у ҳам қўшиқ эшитарди. Бундай пайтларда Жонни кесатиб:

– Эшитяпсанми, тарбия кўрмаган қовоқ? Сен икки дунёда ҳам бундай қўшиқ айта олмайсан, – деб қоларди.

Нино фақат унинг ўзигагина хос бўлган мулоим жилмайиш билан Жоннига боқаркан, бошини чайқаб:

– Тўғри, сен каби қўшиқ айтолмаслигим аниқ, – деди. Унинг овозида ҳамдардлик бўларди. У Жоннининг қалбида туғён ураётган ҳис-туйғулардан хабардор эди.

Ниҳоят, кинони суратга олиш бошланишига бир ҳафта қолганда мукофотлар топшириладиган кун етиб келди. Жонни Нинодан бирга боришни сўраганда у ўжарлик қилди.

– Дўстим, сендан ҳеч қачон ҳеч нарса илтимос қилган эмасман, тўғрими? Бугун бир марта илтифот кўрсатиб, мен билан бирга боргин. Агар менга бериладиган мукофотни бошқа бировга инъом қилиб юборишса, фақат сен менга чин юракдан ҳамдард бўла оласан.

Нино бир дақиқа саросимага тушиб қолди, лекин дарҳол жавоб берди.

– Албатта, бораман, ҳеч қанақа гап-сўз бўлиши мумкин эмас, – деди. У индамай қолди. Кейин: – Агар мукофотни бошқа бировга инъом қилиб юборишса парво қилма. Ҳаммасига тупур. Бошингни балаңд кўтар, ўзингни дадил тут, сир берма. Мен ёнингда бўламан. Бир култур ҳам ичмайман. Таваккал, нима бўлса бўлди. Хўш? Бундай дўст ҳақида нима дейсан?

– Тўғри, оғайни, – деди Жонни Фонтейн. – Буни чи-  
накам дўстлик деб биламан.

Мукофотлаш тантанасида эркаклар ижро этган энг  
яхши роль учун «Оскар» мукофоти кимга берилиши эъ-  
лон қилинганга қадар Нино ўлгудай зерикиб ўтирди.  
«Жонни Фонтейн» сўзларини эшитганда қандайдир  
куч уни ўтирган жойидан турғазиб юборди. У сакраб  
турди-да, қарсақка зўр берди. Жонни унга қўлини узат-  
ди. Нино бу қўлни маҳкам қисди. Нино унинг дўсти  
ҳозирги дақиқада меҳр-муҳаббатта, ҳамдард одамга ўта  
муҳтожлигини билар ва уни тантанали дақиқаларда Жон-  
нининг ўзидай майпараст дўстидан бошқа суянадиган  
одами йўқлигидан қаттиқ афсусланди.

Кейин эса кўз қўриб, кулоқ эшитмаган воқеалар  
бошланди. Ҳамма бош мукофотлар Жек Вольцнинг  
картинасига берилди. Ғалаба тантаналари нишонлана-  
ётган студияга газетачилар, кино оламида сал бўлса-да  
кўтарилиш илинжида ҳамма нарсага тайёр турган йи-  
гитлар, қизлар тўсиқларни ағдариб, ёпирилиб киришди.  
Ваъдасига содиқ қолган Нино оғзига бир қултум ҳам  
ичкилик олмасдан Жоннини кузатиб юрди. Лекин аёллар  
бир-бирига гал бермай Жонни Фонтейнни икки оғиз сўз  
айтиш учун бўш хоналарга тортиша бошлади. Борган  
сари Жоннининг кайфи оша бошлади.

Аёллар ролини энг яхши ижро этганлиги учун  
«Оскар» мукофотига сазовор бўлган актриса ҳам шу  
қисматга дучор бўлди. Лекин бу актрисага хуш ёқар ва  
у осонгина қутуларди. Бу ерга тўпланганлардан фақат Ни-  
ногина у билан ёлғиз бирга бўлиш истагини билдирмади.

Тантана охирида кимнингдир миясига ажойиб бир  
фикр келди. Ҳамма жой-жойига ўтирадиган ва «Оскар»  
мукофотига сазовор бўлганлар томошабинларнинг кўз  
олдида ишқий иш билан шуғулланадиган бўлишди.

Актрисани бирпасда қип-яланғоч қилиб ечинтириш-  
ди. Бир тўп аёллар Жонни Фонтейннинг кийим-кечагига  
ёпишишди. Бу маросимда якка-ёлғиз хушёр одам Нино  
эди. Шу пайт у ярим яланғоч Жоннини шарт елкасига

кўтарди-да, одамлар орасидан ўтиб, ташқарига чиқди ва уни машинага ётқизди.

Агар шон-шухрат дегани шунақа бўладиган бўлса, ўйлади Нино Валенти, унга текинга ҳам керак эмас.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Дон ўн икки ёшга тўлгандаёқ катта киши бўлиб қолганди. Ўрта бўйли, буғдойранг, қадди-қомати келишган бу йигитча Сицилиянинг кўринишидан Мавритания қишлоқларини эслатувчи ўзига хос қишлоғи Корлеонеда яшарди. Унинг исм-шарифи Вито Андолини эди. Кунларнинг бирида қишлоққа бегона одамлар бостириб киришиб, отасини ўлдириб кетишди. Кейин ўғлини ҳам ўлдиarmoқчи бўлишганда онаси уни Америкага, дўстлари олдига қочириб юборди. Шундай қилиб янги ерда она қишлоғи билан боғлаб турувчи ришта узилмасин, деган мақсадда Вито ўзига бошқа, Корлеоне деган исм-шариф олди. Бу унинг бутун умри мобайнида қилган камдан-кам кўнгилчанликларидан бири эди.

Аср бошида мафия Сицилияда ўзига хос иккинчи ҳукумат бўлиб, ҳукмронлик қилиш жиҳатидан қонуний Рим ҳукуматига нисбатан бир неча баравар устун турарди. Витонинг отаси ҳамқишлоғи билан бўлган қаттиқ низога аралашиб қолди. Ҳамқишлоғи кўзи олдида бўлган муштлашувда маҳаллий мафия бошлиғини ўлдириб қўйди. Бир ҳафтадан кейин унинг калта милтиқдан отиб, илма-тешик қилиб ташланган жасадини топишди. Отасини дафн этишиб, орадан бир ой ўтгач, мафиянинг қуролланган одамлари ўн икки ёшли Витони излаб келишди. Унинг ўсиб-улғайиб, Худо кўрсатмасин, отиб ўлдирилган отасининг қасдини оладиган кунни яқинлашайтганидан ташвишга тушиб қолишган бўлсалар керак. Вито қариндош-уруғлариникига яширинди, кейин Америкага жўнатиб юборишди. Америкада Витони эрхотин Аббандолар қарамоғига олишди. Йиллар ўтиб,

уларнинг ўгли Женко дон Корлеоненинг маслаҳатчиси – *consigliori* бўлиб хизмат қилди.

Ёш Вито Аббандонининг Тўққизинчи авенюда, Нью-Йоркнинг қашшоқлар яшайдиган қисми – «жаҳаннам ошхонаси» ёнгинасида жойлашган баққоллик дўконидан ишлай бошлади. Вито ўн саккиз ёшга кирганда, эндигина Сицилиядан келган италян қизга уйланди. Қиз бор-йўғи ўн олти ёшга кирганди, лекин супуриб-сидириш, хўжаликни бошқаришни яхшигина ўрганиб олганди. Ёш келин-куёвлар Ўнинчи авенюдан, Вито ишлайдиган баққоллик дўконидан бор-йўғи бир неча маҳалла наридаги ўттиз бешинчи кўчадан ижарага уй олишди. Учинчи йили Парвардигори олам уларга тўнғич фарзандлари Сантинони ато этди. Отасига маҳкам боғланиб қолганлиги учун уни ўртоқлари ҳаммаси «Сонни» – эркатой деб аташа бошлади.

Уларнинг яқинида гавдали, йўғон, ташқи кўриниши кўрқинчли, доим қимматбаҳо оч ранг костюм ва оч сарик шляпа кийиб, пўрим бўлиб юрадиган Фануччи исми италян яшарди. Уни мафия шохобчаларидан бири бўлган, қонли ўч олиш билан кўрқитиб дўкондорлар ва тинч аҳолидан пул таъма қиладиган «Қора қўл» гуруҳининг аъзоси дейишарди. Тўғри, шаҳарнинг бу қисмидаги аҳоли ҳам ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, бурни қонаса ҳам ўч оладиган одамлар эди. Шунинг учун ҳам ёвуз Фануччининг дағдағалари кўпроқ ёнини оладиган одамлари йўқ кексаларга ва болалари йўқларга таъсир қиларди, холос. Дўконлардан баъзи бирлари беғалвароқ тирикчилик қилишлари мақсадида Фануччига арзимаган чойчақа бериб қутулишарди. Бироқ бундан қониқмаган Фануччи худди ўлаксахўр ёввойи қушдек ўз оғайнилари – яширинча Италия лотерея билетларини сотадиган фирибгарлар, майда қиморбозлар уйига тўпланадиганлар ўлжасининг бир қисмини тортиб оларди. Ҳали мўйлаби сабза урмаган Женко отасига Фануччини остонасига қадам босмайдиган қилиб қўйишга кучи етишини айтиб, қанчалик қаршилик кўрсатмасин, Аббандонининг баққолчилик дўкони ҳам унга озроқ тўлов тўлаб турарди.

Вито атрофидаги воқеаларни бепарво, гўё унга дахли йўқдек кузатарди.

Кунлардан бирида ёш агентлардан уч нафари Фануччига хужум қилиб, томоғини қулоғидан қулоғигача пичоқ билан тилиб ташлашди. Жароҳати енгилроқ экан, ўлмади. Кўп қон йўқотди. Йигитлар Фануччини роса кўрқитишди. Орадан икки ҳафта ўтгач, кимдир Фануччини пичоқлаганлардан бирини отиб ўлдирди. Қолган икки йигитнинг ота-онасидан маълум миқдорда пул олгач, уларга тегмасликка сўз берди. Бу воқеадан кейин Фануччига тўланадиган солиқ миқдори кўпайди, яширин қиморхоналарнинг эгалари эса унга улуш тўлаб туришга мажбур бўдилар. Вито Корлеоне ҳамон бу воқеалардан ўзини четда тутарди. Эшитган гапини дарҳол калласидан чиқариб ташларди.

Зайтун мойи келтириш қийинлашган Биринчи жаҳон уруши йилларида Фануччи Аббандонинг баққоллик ишига шерик бўлиб кирди ва дўконни фақат зайтун мойи билангина эмас, шунингдек, Италиянинг думба ёғлари, турли навлардаги пишлоқ, дудланган чўчка гўшти билан таъминлай бошлади. Тез орада у жиянини дўконга ишга жойлаштирди. Шундай қилиб, Вито Корлеоне ишсиз қолди.

Бу пайтга келиб Витонинг иккинчи ўғли Фредерико туғилганди, энди у тўрт кишини боқиши керак эди. Шу пайтгача у вазмин, жиддий, ўй-фикрларини сир тутадиган одам эди. Дўкондорнинг ўғли Женко Аббандонинг қадрдон дўсти эди. Вито қутилмаганда отаси тутган иш учун дўстига таъна қилди. Қаттиқ номус қилган Женко Вито ҳар ҳолда ҳеч бўлмаганда озик-овқатдан қийналмаслиги учун онг ичди. У дўкондан маҳсулот ташиб, дўстини зарур ҳамма нарсалар билан таъминлаб турди. Вито уни қаттиқ койиб, бундай қилмасликка ундади – бола отасининг молини ўғирласа уят бўлади.

Лекин энди манфур Фануччига нисбатан унда совуқ бир нафрат уйғонди. Вито буни ҳеч кимга сездирмасдан қулай пайт пойлади. У бир неча ой темир йўлда

ишлади. Кейин уруш тўхтаб, ишчиларга бўлган талаб камайди. Кунбай ишлашга тўғри келди. Ўнбошиларнинг кўпчилиги ё туб маҳаллий аҳоли вакиллари ёки ирландияликлар бўлиб, қора ишчиларни оғзига келганини қайтармасдан ҳақорат қилишарди. Вито гўё ҳеч нарсани тушунмагандай бу ҳақоратларга тишини тишига қўйиб, бардош берарди. Ҳолбуки, гарчи сўзларни ғализ айтса ҳам инглизчани жуда яхши тушунарди.

Бир куни кечқурун Вито оила аъзолари билан кечки дастурхон устида ўтирганди, уларнинг уйи билан кўшни ўртасидаги чуқур қудуққа ўхшаган ҳовлига қараган деразаси ойнасини кимдир чертди. Вито пардани тортиб, рўпарадаги деразадан уларнинг кўчасида яшайдиган йигит Питер Клеменца бошини чиқариб турганлигини кўриб таажжубланди. У оқ латтага ўроғлик қандайдир бир нарсани узатди.

– Қулоқ сол, ҳамюрт, – деди Клеменца. – Мана бу нарса сеникида тура турсин, кейин қайтиб оламан. Ма, олиб қўй.

Вито беихтиёр тубсиз бўшлиқ устига энгашиб, тугунчани олди. Клеменцанинг қиёфаси асабий, ташвишли эди. Жиддийроқ бир нарса бўлганлиги аниқ эди. Витони қандайдир ички бир куч унга ёрдам беришга ундади. Ошхонага кириб, Вито тугунчани очиб кўрди – ёғ доғлари теккан оқ латта ичида ҳеч қандай белгиси йўқ тўшпонча бор эди. Вито тугунчани кийимхонадаги шкафга яширди ва кейин нима бўлишини кутди. У Клеменцани полицияга олиб кетишганини эшитди. Балки, қуролларни Витога узатаётган пайтда полициячилар эшигининг олдида бостириб киришга тайёр туришгандир.

Бу воқеа ҳақида Вито бирор тирик жонга оғиз очмади. Унинг хотини эса эрини қамаб қўйишларидан кўрқиб, ҳатто кўшни аёллар билан ғийбатлашгани чикқанда ҳам ғинг демади. Орадан икки кун ўтгач, Питер Клеменца кўчада Витони учратиб қолиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай сўради:

– Мен берган нарса уйингдами?



Вито тасдиқ маъносида бошини қимирлатди. У ҳар доим камгап эди. Клеменца унинг уйига кирди. Вито уни вино билан меҳмон қилди. Кейин шкафдан тугунни олиб берди.

Клеменца вино ичаркан, унинг семиз юзидан хушму-омалалиги кўриниб турар, айна пайтда у уй эгасининг ҳар бир ҳаракатини хушёр бўлиб кузатиб турарди.

– Очиб кўрдингми?

Вито лоқайд бош чайқади.

– Бировларнинг ишига бурнимни суқадиган одатим йўқ.

Ўша оқшом иккаласи алламаҳалгача майхўрлик қилиб ўтиришди. Улар бир-бирига ёқиб қолишди. Клеменца латифа айтишга, Вито эса миқ этмасдан тинглашга уста эди. Ана шу тарзда улар биродарлашиб қолдилар.

Орадан бир-икки кун ўтгач, Клеменца Вито Корлеонининг хотинидан, уйдаги катта хонага чиройли гилам керак эмасми, деб сўраб қолди. У Витони совғани олиб келишга ёрдамга чақирди.

Улар оқ мармар устунли пешайвони бор катта уй олдига келишди. Клеменца ўзининг калити билан эшикни очди ва Витони чиройли хонага киритди.

– Нариги томонга ўтиб, ўрашга ёрдамлашвор, – деди Клеменца.

Гилам соф жундан тўқилган бўлиб, чиройли, қизил гуллари бор эди. Вито Корлеоне Клеменца бундай катта совға тақдим этишини мутлақо хаёлига ҳам келтирмаган эди. Улар гиламни ўраб олишди. Клеменца бир бошидан, Вито иккинчи бошидан елкаларига қўйишди-да, эшик томон юришди.

Шу пайт пастда кимдир қўнғироқ тугмасини босди. Клеменца дарҳол елкасидан гиламни ташлаб, дераза ёнига келди. У пардани сал суриб, эшик тирқишидан қаради ва дарҳол ўзини орқага олди-да, қаердандир пиджаги остидан тўппонча чиқарди. Фақат шундагина довдираб қолган Вито бегона уйга кириб, ўғирлик қилишаётганини тушунди.

Яна кўнғироқ жиринглади. Вито Клеменцанинг ёнига келиб, ташқарига қаради. Катта эшик олдида полициячи кийимидаги одам турарди. У кейин яна бир марта кўнғироқ тугмасини босиб, елкасини қисиб, бинонинг мраммар қанотидан тушганлиги ва нари кетганлигини Вито ва Клеменца кўриб туришди.

Клеменца хурсанд бўлиб, енгил нафас олди.

– Қани кетдик, – дея тўнғиллади у ўрамнинг бир бошини кўтараркан. Вито гиламнинг иккинчи бошини кўтарди. Полициячи бурчакдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлиши биланоқ елкаларига гиламни кўтариб, оғир эман эшикдан ўтишди-да, кўчага чиқиб олишди. Ярим соатдан кейин улар уйда гиламни ёзиб ўлчаб кўришди, у Вито Корлеоненинг катта хонасига катталик қилди. Ошган қисми ётоқхонага жуда боп келди. Клеменцанинг қўлидан ҳар қандай иш келарди. Ҳали қорин солиб улгурмаган бўлса ҳам устидаги кенг, тахи бузилиб, этаги осилиб қолган пиджагининг кенг чўнтагидан гилам қирқадиган асбоб топилди.

Кунлар ўтиб борар, лекин Вито оиласининг турмушида ҳеч қандай енгиллик йўқ эди. Чиройли гилам билан оила аъзоларининг қорнини тўйғазиб бўлмасди-да! Иш йўқ эди, демак, Вито Корлеоненинг хотини ва болалари очликдан шишиб ўлишидан бошқа иложи йўқ эди. Нима қилишини билмай Вито Корлеоненинг боши қотди. Ҳозирча унинг қадрдон дўсти Женко бир-икки марта халтада озиқ-овқат келтириб берди. Ана шундай кунларнинг бирида Клеменца ва ундан қолишмайдиган шу кўчада яшайдиган Тессо Вито билан суҳбатлашиб қолишди. Иккаласи Витони, уни сир сақлай билиш оdatини мақташди. Улар Витонинг ночор аҳволда эканлигини билишарди. Клеменца ва Тессо унга ўттиз биринчи кўчадаги шойи кўйлақлар тикиладиган фабрикадан юк ташийдиган машинани талаш билан шуғулланадиган гуруҳга қўшилишни таклиф қилишди.

Вито Корлеоне ўлганининг кунидан – ноиложликдан ақл-идрокига қарши бориб, рози бўлди. Босқинчиликдан

кейин унинг улуши энг камида минг доллар бўлиши тўғрисидаги гап ҳал қилувчи туртки бўлди. Витонинг фирмачи, унинг ёш шериклари пухта тайёргарлик кўришмас, шошилиб иш қилишар, қўлга тушган ўлжани орқа-олдига қарамасдан шошиб-пишиб пуллашар, ишга ўта енгилтаклик билан киришишарди. Шунга қарамасдан Вито уларни ишончли, мақтовга лойиқ йигитлар деб тан оларди. Басавлат, норғул Питер Клеменца ўз ишига пишиқ эди, одамови, қотма Тессиога ҳам ишонса бўларди.

Босқинчилик хамирдан қил суғургандай ўтди. Шериклари қўлда қурол билан шойи кўйлақлар юкланган машина ҳайдовчисини кабинадан тушишга мажбур қилишганда Вито мутлақо қўрқмади. Бундан ўзи ҳам жуда ҳайратланди. У Клеменца ва Тессионинг совуққонлигига ҳам қойил қолди. Улар агар жим турса, хотинига икки-уч кўйлақлик бўлиб қолиши мумкин, деб ҳайдовчига тегажоқлик қилишарди... Вито улушига теккан кўйлақларни ўзи сотишни лозим топмади, ўғирлик моллар билан савдо қиладиган савдогарга олиб бориб, ҳаммасини улгуржисига бор-йўғи етти юз долларга сотди. 1919 йилда бу ҳам катта пул эди.

Эртаси кунни уни кўчада сарғиш рангли костюм ва сафсар ранг шляпа кийиб олган Фануччи тўхтатди.

– Бу дейман, оғайни, – деди у Витога сицилианча сўзларни бузиб, – одамлар сени бойиб кетди, дейишяпти. Сен ҳам, шерикларинг ҳам бойиб кетганмишсизлар. Мени эсдан чиқариб қўяётганинг йўқми, а? Ўзинг ўйлаб кўр, ахир, бу менга қарашли кўча бўлса, демак, сен салпал менинг томоғимни мойлаб туришинг керакдир, а? Нима дейсан?

У Сицилия мафиясида кўп қўлланиладиган «Fagi vagnari a pizzu» иборасини ишлатди. «Pizzu» – ҳар қандай кичкина, масалан, канарейканинг тумшуғи, дегани. Ибора эса ўлжанинг бир қисмини тўкиб қўй, деган маънони билдирарди.

Вито одатига кўра индамади. Фануччи нимага ишора қилаётганлигини у дарҳол тушунганди, лекин Фануччи-

нинг имо-ишорасиз дангал гапиришини кутди. Фануччи оғир тин олди.

– Беш юз доллар берасан, фақат шундагина сени кечиршим мумкин. Ахир ёшлар мендек одамга иззат-хурмат билан муомала қилишни қаёқдан ҳам билишарди...

Вито Корлеоне кулимсираб қўйди. Ҳали ёшгина, қўлини ҳеч кимнинг қонига бўямаган бу одамнинг кулимсирашида шундай совуқ бир ифода бор эдики, ҳатто Фануччи ҳам бир дам довдираб қолди, лекин ҳар ҳолда ўзини тутиб олиб қўшиб қўйди:

– Акс ҳолда, уйингга полиция бостириб келади, хотининг ва болаларинг бошига оғир кунлар тушади. Албатта, агар ўлжани ошириб-тошириб гапиришган бўлса, мен камроғига ҳам розиман. Яхшиси, мени лақиллатаман, деб овора бўлма.

Энди Вито Корлеоне биринчи марта гапирди. У мулоҳаза билан, аччиқ-тизиқсиз гапирди. Унинг овозида ёши катта билан, бунинг устига Фануччига ўхшаш нуфузли одамлар билан суҳбатда бўладиган хурмат-эйтибор бор эди.

– Менга тегадиган улуш ҳозирча шерикларимда, – деди у хушмуомалалик билан. – Улар билан гаплашиб кўришим керак.

Фануччининг кўнгли ўрнига тушди.

– Шерикларингга айтиб қўйишинг мумкин, улар ҳам шунчадан тўлашлари керак. Мен улар томоғимни мойлаб қўйишни эсдан чиқаришмайди, деб умид қиламан. Айтиб қўй, ҳа, айтиб қўявер, қўрқма, – деди кескин Фануччи. – Клеменца билан эски кадрдонмиз, у ўзи тушунади. У қандай йўл тутишини сен кузатиб юр. Бу соҳада унинг катта тажрибаси бор.

Вито Корлеоне оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига олди. Унинг юзида хиёл саросималик пайдо бўлди.

– Албатта, – деди у. – Бу ишларнинг ҳаммаси менга қандайдир ғайритабиийдек туюляпти. Худди Чўқинтирган отадек қилган панд-насиҳатларингиз учун раҳмат.

Унинг сўзларидан Фануччи таъсирланиб кетди.

– Сен яхши йигитга ўхшайсан, – деди у Витонинг қўлини жундор қўллари орасига олиб қисаркан. – Катталарни хурмат қиларкансан. Ёшлиқда бу жуда яхши нарса. Эсингда тут, ишингда бирор кор-хол юз берса, дарров менинг олдимга кел. Агар бирор ишни режалаштириб юрган бўлсанг, балки ёрдамим тегиб қолар.

Орадан йиллар ўтгач, Вито Корлеоне ўшанда Фануччининг феъл-атворидаги нозик нуқтани қандай қилиб беҳато топа олганини тушунди. Сицилия мафияси томонидан ўлдириб кетилган ўжар отасининг тақдири уни эҳтиёткор бўлишга ўргатганди. Лекин ўша дақиқаларда ҳаётини, эркини тикиб, қўлга киритган пулини тортиб олмоқчи бўлишаётгани учун жуда қаттиқ нафратланганди. Вито кўрқмади. Устига-устак Фануччи билан бўлган суҳбатдан кейин у учига чиққан аҳмоқ экан, деган хулосага келди. Сицилиялик бақалоқ Клеменца ўлимига рози бўлиши, лекин қўлга киритган ўлжасидан ақалли бир центини бермаслигини Вито яхши биларди. Ахир гилам ўғирлаб чиқишаётганда полицияни ўлдиришга шайланган ўша эмасмиди! Қотма, тадбиркор Тессио ҳам бекорга ҳар дақиқада захрини сочишга тайёр турган илонга ўхшамасди.

Бироқ кечқурун Питер Клеменцанинг қудуқ-ховлининг нариги томонидаги уйида Вито яна бир сабоқ олди. Клеменца болаҳонадор қилиб сўқинди, Тессионинг қиёфаси қора булут тусига кирди, лекин шундан кейин ҳар иккиси Фануччи икки юз долларга рози бўладими-йўқми, дея муҳокама қила бошлашди. Тессио у рози бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Клеменца бўлса аксинча бўлишига ишонарди.

– Йўқ, бу битлиқи, биз мол сотган одамдан қанча пул олганимизни искаб билган. Фануччи уч юздан сариқ чақа ҳам камайгирмайди. Уч юз беришга тўғри келади.

Вито гарчи таажжубланаётганлигини яширишга уринса-да, қулоқларига ишонмасди.

– Умуман, нега энди унга пул беришимиз керак? Бир ўзи учаламизга қарши нима қила олади? Биз ундан

кучлироқмиз. Бизда ҳам қурол бор. Нега энди пешана тери билан топган пулимизни бировга беришимиз керак?

Клеменца шошилмасдан тушунтирди.

– Фануччининг ваҳший ҳайвондан ҳам баттар дўстлари бор, Полиция билан ҳам алоқаси бор. Кўрдингми, бизни лақиллатиб, ўйлаб юрган режаларимизни билиб олишга ҳаракат қиляпти. Биласанми, нега шундай қиляпти? Изимизга айгоқчиларни солади. Шу йўл билан полицияни қарздор қилиб қўяди. Бу унинг синовдан ўтган усули. Бундан ташқари Маранцелла ўзи унга тўлов ундириб олиш учун маҳалламизни ажратиб берган.

Исми ва қилган ишлари ҳақида газеталарнинг саҳифаларида тез-тез мақолалар босиладиган гангстер Маранцелла миш-мишларга қараганда тамагирлик, қиморбозлик, қуролли босқинчилик билан шуғулланадиган тўданинг бошлиғи эди.

Клеменца ўзи тайёрлаган хонаки вино келтирди. Уй бекаси ёғ, зайтун меваси ва италянча нон солинган ликопча келтириб қўйди ва ўзи стул кўтариб дугоналари билан ғийбатлашиш учун пастга, эшик олдига тушиб кетди. Клеменцанинг хотини ёш бўлиб, Америкага яқинда келган, инглизчани тушунмасди.

Вито Корлеоне оғайнилари билан вино ичиб ўтираркан, ўйларди. У ҳеч қачон ҳозиргидагидек қаттиқ берилиб ўйламаганди. Мияси аниқ ишлаётганидан, фикрлар қуйилиб келаётганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. У Фануччи ҳақида билган ҳамма нарсаларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Фануччини пичоқлаган болани қандай қилиб ўлдиришганини, унинг икки шериги Фануччига пул тўлаб, жазодан қутулиб қолишганини эслади. Бирдан унда Фануччининг ҳеч қанақа муҳим алоқалари йўқ ва бўлган ҳам эмас, деган қатъий ишонч пайдо бўлди. Полицияда айюқчилик қилишдан орланмайдиган, пул эвазига ўч олишдан воз кечадиган одамнинг қанақа алоқаси бўлиши мумкин? Ҳеч қанақа! Ўзининг кадр-қимматини биладиган ҳар қандай мафия бошлиғи ўзига ҳужум қилган одамларнинг ҳаммасини гумдон қилмагунча

тинчимайди. Фануччи биттасини гумдон қилди, лекин қолган иккитасини сал-пал қўрқитиб қўйди. Фануччи энди уларни гумдон қилолмаслигини тушунарди. Шунинг учун ҳам уларнинг тўлов тўлашларига рози бўлди. Худди шундай. Дўкондорлар ва кичик қиморхоналар эгаларини унга тўлов тўлашга мажбур қилган нарса Фануччининг сурбетлиги-ю, забардаст муштлари эди. Шунини ҳам айтиш керакки, Вито Корлеоне Фануччига ҳар ҳолда сариқ чақа ҳам тўламайдиган бир уйни биларди. Лекин бу уй эгасининг ҳалигача биронта одам муштутини пишт деб ҳам қўйгани йўқ.

Демак, Фануччи ёлғиз. Ёки у зарур пайтларда арзон баҳога ёллаши мумкин бўлган қандайдир куроли ўсмирлар бор. Энди Вито Корлеоненинг олдида сўнгги масалани ҳал этиш вазифаси турарди. Бундан бу ёғининг ҳаёти қайси йўналишда давом этади...

Ана шу иккиланишдан кейин у кейинчалик доим такрорлаб юрадиган тақдир ҳар бир одамнинг йўлини белгилаб берган, деган хулосани чиқарди. Ахир у ўша оқшом Фануччига тўлови тўлаши, кейин яна дўконга ишга жойлашиб олиши ва қарабсизки, бир неча йил ўтгач, ўзининг шахсий баққоллик дўконига эга бўлиши мумкин эди-да! Бироқ тақдир унинг пешанасига дон бўлишини ёзиб қўйганди ва Витони аввалдан тайёрлаб қўйган сўқмоқ йўлга солиб юбориш учун Фануччи билан тўқнаштирди.

Шишадаги винони тугатишгач, Вито эҳтиёткорлик билан Клеменца ва Тессюга ўз таклифини айтди.

– Агар хоҳласангиз, менга икки юздан беринглар – Фануччига ўзим олиб бориб бераман. Ишонтириб айтаманки, у олади. У ёғини менга қўйиб беринглар. Бу ишни ўзим тўғрилайман, иккалангиз ҳам хурсанд бўласиз.

Клеменца унга шубҳали назар ташлади. Вито совуққина қилиб:

– Мен дўст деб билган одамларимга ҳеч қачон ёлғон гапирмайман, – деди. – Сен эртага Фануччи билан гаплашиб кўр. Майли, у сендан пул талаб қилаверсин – энг

муҳими сен унга сариқ чақа ҳам берма. Лекин унга гап қайтарма. Бориб пул олиб келишингни, бу пулни мен орқали олишини айт. Қанча хоҳласа, шунча беришга тайёр тургандай кўрсат ўзингни. Камайтиришни илтимос қилма. У билан мен ўзим савдолашаман. Агар у, ҳақиқатан ҳам, сизлар айтаётгандай хавфли одам бўлса, жаҳлини чиқаришнинг кераги йўқ.

Шунга келишишди. Эртаси куни Клеменца Фануччи билан гаплашиб кўриб, Вито уларни алдамаганлигига ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин Витонинг уйига кириб, унга икки юз доллар берди.

– Фануччи уч юз энг сўнги марра эканлигини, ундан камига мутлақо кўнмаслигини айтди, – деди ва қизиқиб Витонинг юзига қаради. – Сен қандай қилиб уни камроққа кўндирмоқчисан?

– Бу ёғи билан ишинг бўлмасин, – деди Вито ишончли қилиб. – Сенинг ишинг мен қилган яхшилиқни унутмасликдан иборат.

Кейинроқ Тессио келди. Тессио Клеменцага нисбатан одамови, жисмоний жиҳатдан Клеменцадан кучлироқ бўлса ҳам, лекин заҳарроқ ва айёрроқ эди. У бу ишда қандайдир сир, қандайдир фирибгарлик борлигини сезиб, бирмунча ташвишга тушиб қолганди.

– У аблаҳ билан ўта хушёр бўлиб гаплашиш керак, – дея огоҳлантирди у Витони. – У маккорликда шайтонга ҳам дарс беради. Агар хоҳласанг, пулни бераётганингда бирга бўлишим мумкин. Гувоҳ бўламан.

Вито Корлеоне бош чайқади. У ҳатто жавоб беришни ҳам лозим топмади. Фақат:

– Фануччига айтиб қўй, пулни бутун кечқурун соат тўққизда шу ерда – менинг уйимда олади, – деди. – Вино билан меҳмон қиламан, кейин балки гаплашиб ўтириб, камроққа кўндирарман.

Тессио бошини қимирлатди.

– Бунга умид қилмай қўяқол! Фануччи айтган гапидан ҳеч қачон қайтган эмас.



– Ҳечқиси йўқ, – деди Вито Корлеоне, – у билан тил топишиб оламиз.

Кейинчалик унинг бу гапида даҳшатли маъно яширинганлигини ҳамма тушуниб қолди. Бу сўнги огоҳлантириш – илоннинг ўлжасига захар солишга ташланишидан олдинги ҳолати эди. Вито Корлеоне дон бўлганидан кейин ҳам бирор масалада унга қўшилмаган одамларни ўтириб, гаплашиб олишга таклиф этар экан, улар бу ишни қон тўкмасдан тугаллаш ва омон қолишнинг сўнги имконияти эканлигини тушунардилар.

Кечки овқатдан кейин Вито Корлеоне хотинига болалари Сонни ва Фредони кўчага олиб чиқиб кетишини ва у рухсат бермагунча уйга киритмасликни, катта эшик олдида уларга қараб ўтиришни тайинлади. Унинг Фануччи билан гаплашиб оладиган иши бор. Болалар халақит бермасликлари керак. Қўрқиб кетган хотинининг юзини кўрган Вито қуйилиб келган нафратини зўрға босди.

– Эҳтимол сен аҳмоқ одамга эрга теккан эканман, деб ўйлаётгандирсан? – деб сўради бепарволик билан.

Хотини жавоб бермади. У Фануччидан кўрққанидан эмас, эридан кўрққанидан индамади. Эри соат сайин ўзгариб борар, унинг кўз олдида бутун вужудидан қандайдир ёвуз, даҳшатли куч ёғилаётган бегона одам турарди. Вито илгари ҳам одамови эди, кам гапирарди, лекин ҳар доим мулойим, оғир-босиқ эди, ўйлаб иш қиларди. Бу, айниқса, ёш сицилияликларда камдан-кам учрайдиган хислат эди. Ҳозир тақдир даъватига жавоб беришга тайёрланар экан, итоаткор, кўзга ташланмайдиган фақир одам ниқобини, яъни ҳимоя воситасини улоқтирган эди – хотини ана шуни кўрганди. У ўз фаолиятини кеч, йигирма беш ёшга кирганда бошлади. Лекин катта шов-шув билан бошлаш бахтига муяссар бўлди.

Вито Корлеоне Фануччини ўлдириб, етти юз долларни киссага уриш фикрига тушиб қолганди. Унинг Фануччи билан ҳеч қанақа олди-бердиси йўқ эди. Шундай экан, нима учун Фануччига етти юз долларни ўз қўли би-

лан бериши керак? Дунё Фануччисиз остин-устин бўлиб кетмайди.

Бундай қарорга келишининг, албатта, жиддий сабаби бор эди. Ҳақиқатан ҳам, Фануччининг қулай пайт келганда қасос оладиган шафқатсиз тарафдорлари бўлиши мумкин эди. Бунинг устига Фануччининг ўзи ҳам хавфли одам эди, уни гумдон қилиш осон эмасди. Лекин Вито Корлеоне отасини ўлдириб кетишгандан бери бир ўлимни зиммасига олиб яшаб келарди. Жаллодлар таъқибидан қочиб, ўн икки ёшлик бола пайтида океандан ўтиб, бегона юртга оёқ босди, бошқа ном билан яшай бошлади. Атрофида бўлаётган воқеаларни жим кузатиб юрди ва ўтган йиллар мобайнида бошқаларга нисбатан ақллироқ ва дадилроқ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шу пайтгача ақли ва дадиллигини амалда синаб кўриш имконияти бўлмаганди. Шунга қарамасдан тақдирида ёзилган дастлабки қадамни ташлашдан олдин у ҳар ҳолда бирмунча иккиланди. Ҳатто бир пачкада етти юз доллар пулни тайёрлаб, шимининг олиш осон бўлган ён чўнтагига солиб ҳам қўйди. Ўнг чўнтагига эса шойи юкланган юк машинага ҳужум қилишдан олдин Клеменцадан олган тўппончани солди...

Фануччи кечикмади, роппа-роса соат тўққизда келди. Вито Корлеоне стол устига кўзада хонаки вино қўйди. Винони ҳам Клеменца берган эди.

Фануччи ҳар хил шубҳаларга бормаслиги учун Вито дарҳол унга пулни берди ва Фануччи пулни санаб, каттагина ҳамёнига жойлаб, чўнтагига солиб қўйгунча диққат билан кузатиб турди. Кейин Фануччи винодан ҳўплади-да:

– Сендан яна икки юз доллар, - деди.

Унинг тунд, жун билан қошланган юзи қилт этмади. Вито одатига кўра, совуққонлик билан мулоҳазали жавоб берди:

– Ҳозирча ишсиз юрганлигим учун қўлим бир оз калталиқ қилиб турибди. Агар йўқ демасангиз, қолган пулингизни икки ҳафтадан кейин берсам.

Бу маълум ва синовдан ўтган найранг эди. Фануччи пулнинг асосий қисмини олганди, қолганини кейинроқ олишга рози бўларди. Яхшилаб илтимос қилинса, у олган пули билан чекланиши ёки муддатни бир оз узайтириши эҳтимолдан холи эмасди. Фануччи «ҳм-м, шунақами» деди-да, яна вино хўплаб, давом этди:

– Ўз ишингга пишиқ йигит экансан! Нега сенга илгари кўзим тушмаган экан, а? Ўта одамовисан, бундан кўп нарса ютқазасан. Сенга пул чиқадиган яхшигина иш топиб беришим мумкин.

Вито Корлеоне унинг гапларига диққат билан қулоқ солгандай бўлиб, тавозе билан бош эгди ва кўзачадан Фануччига тўқ қизил рангдаги винодан қуйди. Лекин Фануччи винони ичмади, ўрнидан туриб, хайрлашиш учун Витога қўлини узатди.

– Хўп, йигитча, омон бўл, – деди у. – Мендан хафа бўлма, хўпми? Агар керак бўлиб қолсам, хабар берарсан. Бугун эсдан чиқмайдиган яхшилик қилдинг.

Вито Фануччи зинапоядан тушиб, уйга кириладиган йўлақдан кўчага чиққунча кутиб турди. Кўча тўла одам эди, ўнлаб гувоҳлар унинг бу уйдан соғ-омон чиққанлигини тасдиқлашлари мумкин эди. Вито деразадан қаради. Фануччи Ўн биринчи авеню томон юрди, демак, уйига кириб, ўлжани маҳкамроқ жойга яширади. Балки, қуролни ҳам яширар. Вито Корлеоне хонадан чиқди-да, шотидан кўтарилиб, томга чиқди.

Вито Корлеоне чорси шаклидаги томлардан юриб, кварталнинг қарама-қарши томонига ўтди, бўш ётган омборхонанинг ўт ўчирувчилар нарвонидан орқадаги ҳовлига тушди. Орқа эшикни тегиб очди-да, катта эшик орқали кўчага чиқди. Фануччининг уйи кўчанинг нариги бетида эди.

Бу мавзедаги Ўнинчи авенюгача то ғарб томон кичик юклар вақтинча сақланадиган омборхоналар жойлашган бўлиб, улар юкларни Марказий темир йўл орқали ташийдиган ва Ўн биринчи авенюдан тортиб Гудзон дарёсигача бир-бирига туташиб кетган юк станцияла-

рига осон чиқадиган йўлга муҳтож бўлган компаниялар томонидан ижарага олинган эди. Фануччининг квартираси ана шу станциялар орасидаги уйлардан бирида эди. Бу уйларда бева юкчилар, тормоз кондукторлари, омборхона қоровуллари ва арзон фоҳишалар яшашарди. Бу маҳалланинг одамлари ҳақиқий италияликларга ўхшаб, кечқурунлари қўшнилари билан ҳасратлашгани кўчага чиқишмас, ишлаб топган пулини ичиб тутатиш учун пивохоналарга тарқалиб кетишарди. Вито Корлеоне кимсасиз Ўн биринчи авенюнинг иккинчи томонида осонгина ўтиб олди ва Фануччи яшайдиган уйнинг подъездида кўздан ғойиб бўлди. Эшик орқасига ўтиб, ҳалигача бирон марта отилмаган тўппончани қўлига олди-да, кута бошлади.

Кўчанинг нариги бетидан уй томон келаётган оқ нуқта қоронғи йўлакдан аниқ кўриниб турарди. У Фануччи эди. Вито кураклари нарвонга олиб чиқадиган ички эшикка теккунча тисарилиб борди. У тўппонча ушлаган қўлини олдинга чўзди. Унинг қўли билан ташқи эшик орасида ўн фунт масофа қолди. Эшик очилди. Кенг оқ кийим чўзилиб кетган биринчи авенюда асосан катта кийиб олган, вино ва тер ҳиди анқиб турган Фануччи ёруғ тушиб турган йўлакдан ичкарига кириб кела бошлади. Вито Корлеоне ўқ узди.

Фануччи ярим очиқ эшик остонасига чўккалаб қолди. У чидаб бўлмайдиган оғриқдан шикоят қилгандай алам-ли ингради. Бу инграшда айни пайтда қандайдир кулгили ҳолат ҳам мавжуд эди. Фануччи инграшда давом этди. Вито тўппончанинг оғзини Фануччининг тер босган семиз чаккасига тақаб туриб бошига ўқ узгунга қадар камидан уч марта инграгани эсида. Орадан узоқ давом этган беш сонияга яқин вақт ўтди. Шундан кейин Фануччининг жонсиз танаси бир қоп юкдай чўзилиб тушди-да, очиқ эшикни тўсиб қолди.

Вито Корлеоне эҳтиёткорлик билан Фануччининг пиджаги чўнтагидан семизгина ҳамённи олди ва қўйнига яширди. Кейин кўчанинг иккинчи томонидаги бўш ётган

омборхона томон ўтди, орқа эшиқдан ҳовлига чиқди ва ўт ўчирувчилар нарвонидан томга кўтарилди. Томдан пастга қаради. Фануччининг танаси бир қоп юкдай подъезд эшиги остонасида ётар, кўча эса ҳамон кимсасиз эди. Деразалардан бири, кейин иккинчиси очилди. Улардан пастга бўй чўзиб қараган одамларнинг каллалари худди қора нуқталарга ўхшарди, лекин уларнинг юзини кўриб бўлмасди. Демак, Витонинг юзини ҳам ҳеч ким кўрмаган. Бунинг устига бу ердагиларнинг ҳеч бири полицияга хабар бермайди. Агар полициячи тунда участкасини айланиб юриб, Фануччининг жасадига дуч келиб қолмаса, у эрталабгача шу ерда ётавериши мумкин. Бу ерда яшайдиган одамлардан эса ҳеч бири ўз ихтиёри билан шубҳа остида қолишни ва кетма-кет сўроқ бергани полицияга қатнашни хоҳламайди. Эшикларини беркитиб олиб, ҳеч нарса эшитмагандай, кўрмагандай ўтиришаверади.

Энди Вито шошилмаса ҳам бўларди. У томлардан ўтиб, уйининг чордоғига чиқадиган тешик оғзига келди ва нарвондан пастга тушди. Хонасининг эшигини очиб кириб, ичидан қулфлаб олди. Кўйнидан ҳамённи чиқариб, ағдарди. Стол устига ўзи берган етти юз доллардан ташқари бир нечта бир долларлик ва битта беш долларлик қоғоз пул тушди.

Ҳамённинг майда пуллар сақланадиган чўнтакчасида, эҳтимол тумор бўлса керак, беш долларлик эски тилла танга бор эди. Агар Фануччи, ҳақиқатан ҳам, бой гангстер бўлганда эди, бойликларини ёнида олиб юрмасди. Демак, Витонинг шубҳалари ҳозирча тўғри чиқяпти.

Вито ҳамён ва тўппончани йўқотиш кераклигини биларди. Ўшандаёқ тилла тангага тегмаслик кераклигини ўйлаб қўйганди. У яна томга чиқди, уч-тўртта томдан ўтиб, ҳамённи қудуқ-ховлилардан бирига улоқтирди. Кейин тўппонча ўқдонида қолган ўқларни тўқди ва тўппончанинг стволини томнинг ҳарисига урди. Ствол синмади. Кейин тўппонча стволдан ушлаб, тутқичини мўри чеккасига урди. Тутқич қирсиллаб ёрилди. Яна бир марта урганди, тутқич иккига бўлинди. У стволни бир

томонга, тутқични иккинчи томонга улоқтирди. Тўппонча қисмлари беш қаватли бино тоmidан ташланганлигига қарамасдан, ерга тарақлаб тушмади, балки сассиз-овозсиз қалин ахлат устига тушди. Эрталаб деразалардан яна ахлат ташлашади, қарабсизки, Худо хоҳласа тўппонча қисмлари ахлат остида қолиб кетади... Вито орқага қайтди.

У билинар-билимас қалтирар, лекин ўзини босиб олганди. Қон сачраган бўлиши мумкинлигидан хавфсираб, кийимларини алмаштирди. Ечган кийимларининг ҳаммасини хотини кир ювадиган рух тоғорага ташлади. Ишқор, бир парча кир совун топиб, кийимларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида темир тахтага ишқаб, узок ювди. Кейин тоғорани ишқор ва совун билан тозалади. Ётоқхона бурчагида турган ювилган кирлар тутунини топиб, усти-бошини ундаги кирлар билан аралаштириб юборди. Сўнгра тоза қўйлак-иштон кийиб, пастга тушди ва эшик олдида болаларига қараб ва қўшни хотинлар билан гаплашиб ўтирган хотинининг ёнига бориб ўтирди.

Кейинчалик бу эҳтиёткорликларнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. Фануччининг жасадини эрталаб топишди, лекин Витони полицияга чақириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Бундан ташқари, ўлимидан бир кун олдин кечқурун Фануччи Витонинг уйига келганики билган полиция ҳатто қизиқиб ҳам қўймади. Вито бўлса, Фануччи унинг уйидан чиқиб кетаётганлигини кўрсин, деб ўзига далил тайёрлаб қўйиш устида ҳам бош қотирганди... Кейинчалик полициядагилар Фануччидан қутулганликларидан хурсанд бўлишгани, уни ким отиб ўлдирганлигини аниқлашга унчалик ҳаракат қилмаётганлиги маълум бўлди. Улар бунини шунчаки, бир тўданинг аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб, деб илгари майда фирибгарлик, ўғрилик, зўрлик туфайли полицияга тушган безориларни сўроқ қилдилар, Вито бундай ишларга аралашмаганди, уни ҳатто эсларига ҳам олишмади.

Ҳа, Вито полицияни лақиллатди, лекин бу шериклари ҳам лақиллаб қолаверишди, деган сўз эмасди. Пит Клеменца билан Тессио бир ҳафта, икки ҳафта, уч ҳафта ундан олисроқда юришди. Ниҳоят, бир куни кечкурун иккаласи уникига кириб келишди. Ҳар иккаласи Витога очикдан-очик хурмат-эътибор кўрсатишди. Вито Корлеоне уларни пинагини бузмасдан, хушмуомалалик билан кутиб олди, вино билан меҳмон қилди.

Биринчи бўлиб Клеменца сўз бошлади.

– Тўққизинчи авенюдаги дўкондорларни соғадиган одам қолмади, – деди тилёғламалик қилиб. – Кварталимиздаги қиморхоналар ва яширин тотализаторлар ҳам ҳеч кимга тўлов тўламаяпти, Вито ўткир нигоҳини уларнинг биридан иккинчисига қадади. Тессио гапга аралашди.

– Фануччининг мижозларини қўлга олса бўлади, – деди у. – Тўлов беришади.

Вито Корлеоне елка қисди.

– Бунга менинг нима даҳлим бор? Бу менинг вази-фамга кирмайди.

Клеменца хахолаб кулди. Ҳали қорин қўйиб улгурмаган ёшлик йилларида ҳам у семиз одамларга ўхшаб хахолаб куларди.

– Мен берган тўппонча турибдими? Эсингдами, юк машинасини тозалашга отланганимизда бергандим? – деди у. – Агар сенга бошқа керак бўлмаса, балки қайтариб берарсан?

Вито Корлеоне ўйланиб турди-да, шошилмасдан ён чўнтагидан бир даста пул чиқариб, бешта ўнталикни ажратди.

– Мана, ўша тўппончангнинг пули. Уни ўша босқинчиликдан кейин ташлаб юборганман, – деди ва кулиб қўйди.

Бу жилмайиш одамларга қанақа таъсир қилишини у вақтда Вито Корлеоне ҳали билмасди. Бу жилмайиш унинг юзида фақат кимнингдир ажали сояси сифатида пайдо бўларди. Сиртдан ҳар доим вазмин, мулоҳазали

кўринган бу одам ҳақиқий башарасини кўрсатганда, жуда-жуда кўрқинчли эди...

Клеменца бош чайқади.

– Менга пул керак эмас.

Вито пулни чўнтагига солиб қўйди. У сабр қилиб турди. Вито ва бу иккаласи бир-бирларини жуда яхши тушунишарди.

Фануччини Вито ўлдирганини Клеменца ва Тессо билишарди. Гарчи униси ҳам, буниси ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган бўлишса-да, тез орада бутун мавзе бундан хабардор бўлди. Вито Корлеоне билан ҳурматга лойиқ одам сифатида муомала қила бошладилар. У бўлса ҳамон Фануччидан қолган текин даромад манбаи бўлган дўкондорлар ва қиморхоналарни кўлга олишга шошилмасди.

Шундан кейин юз бериши муқаррар бўлган воқеа содир бўлди. Кунларнинг бирида кечқурун Витонинг хотини қўшни бева аёлни бошлаб кирди. Бева италиялик бўлиб, андишали, ҳалол аёл эди. Етим қолган болалари ташвишида, эрталабдан кечгача хўжайин ишларидан бош кўтармасди. Унинг ўн олти ёшли ўғли маошини, Италияда расм бўлганидек, ёпиштирилган конвертда ойисига келтириб берарди. Ўн етти ёшли чевар қизи ҳам шундай қиларди. Кечқурунлари ҳаммаси тўпланишиб картон қоғозларга тугма қадашарди. Бу арзимайдиган пул тўланадиган оғир меҳнат эди. Қўшни аёлнинг исми синьора Коломбо эди.

Вито Корлеонининг хотини:

– Синьора сендан ёрдам сўраб чиқибди. Оиласида кичкина кўнгилсизлик юз берибди, – деди.

Вито пул сўраса керак, деб кутганди ва пул беришга тайёр эди. Лекин қўшнининг илтимоси бошқача бўлиб чиқди. Синьора Коломбо ит боқарди. Кенжа ўғилчаси бу итни шунчалик яхши кўрардики, ундан жонини ҳам аямасди. Қўшниларида кимдир уй эгасига ит кечаси билан ҳуриб чиқади, деб шикоят қилибди. Уй эгаси синьорага итни йўқотишни тайинлабди. Синьора Коломбо



уй эгасини алдаб, итни яшириб олиб қолибди. Бундан хабардор бўлиб қолган уй эгаси синьоранинг дарҳол кўчиб кетишини буюрибди. Синьора бу сафар унинг буйруғини сўзсиз бажаришини айтиб, Худонинг зорини қилиб ёлворибди, итни ҳам берибди. Лекин ғазаб отига миниб олган уй эгаси кўнмабди. Ё уйни ўзи бўшатиб қўйишини, ёки бўлмаса полиция ёрдамида кўрпа-тўшагини кўчага чиқариб ташлашини айтибди. Кенжа ўғли эса итни Лонг-Айленддаги қариндошлариникига олиб кетишганда юм-юм йиғлаганмиш. Нега итни олиб кетишади? Ахир уларни барибир уйдан ҳайдаб чиқаришади-ку!..

Вито Корлеоне мулойимлик билан сўради:

– Нега энди меңдан ёрдам сўраяпсиз?

Синьора имлаб Витонинг хотинини кўрсатди.

– Хотинингиз айтди.

У таажжубланмади. Хотини ундан ўша оқшомда нега кийимларини ўзи ювганини сўрамаганди. Ишламаётган бўлсанг, пулни қаёқдан топяпсан, деб бирон марта сўрамади. Мана, ҳозир ҳам унинг қиёфасида совуққонлик мавжуд эди.

– Кўчиб кетишингиз учун кетадиган харажатлар пулини бераман, маъкулми? – деди Вито қўшни аёлга.

Қўшни аёл бош чайқади, унинг кўзларига ёш тўлди.

– Италияда бирга ўсган дугоналарим, дўстларим шу ерда яшашади. Ҳеч кимни танимайдиган бегона жойга қандай қилиб кўчиб кетаман? Хўжайин шу ерда қолишимга рухсат берсин, мен учун илтимос қилиб кўринг.

Вито бош эгди:

– Хўп, майли. Эртага у билан гаплашиб кўраман. Кўчиб кетишингизга зарурат қолмайди.

Вито хотинининг чеҳрасига табассум югурди. Гарчи сездирмаса ҳам Вито Корлеоне бундан хурсанд бўлди. Синьора Коломбо эса ҳамон шубҳада эди.

– Хўжайин илтимосингизни рад этмаслигига ишонасизми?

– Синьор Робертоми? – таажжубланиб сўради Вито. – Албатта, ишонаман. Унга яхшилаб тушунтириш керак, холос. Аҳволингизни билгач, албатта, сизга яхшилик қилади. Сиз ташвишланманг. Ташвишланишнинг кераги йўқ. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, ахир болаларингиз бор.

Уй сохиби мистер Роберто унга қарашли бешта уй қатор турган кўчага ҳар куни келарди. Вито Корлеоне икки оғиз гапи борлигини айтиб, уни тўхтатганда мистер Роберто кескинроқ муомала қилди. Жанубликларнинг, гарчи буниси ювошроқ кўринса-да, сал нарсага пичоққа қўл югуртирадиган одати борлигини билганлиги учун ҳам кўрслик қилмади.

– Синьор Роберто, – деди Вито Корлеоне. – Хотинимнинг таниши бўлган бир бевадан нима учундир уйингиздан кўчиб кетишини талаб қилганингизни эшитиб қолдим. Жуда қаттиқ хафа бўляпти. У аёлнинг эри, ҳимоячиси йўқ. Пули ҳам, шу кўчада яшаётган дўстларидан бошқа танишлари ҳам йўқ. Мен сиз билан гаплашиб кўришимни, сиз ақлли одам эканлигингизни, фақат англашилмовчилик туфайли шундай қилганингизни айтдим. Кўнгилсизликнинг бошланишига сабаб бўлган итни бериб юборибди-ку, энди ўзи яшайверса бўлмайдими? Италян италяндан илтимос қилганидек сўранаман, бир яхшилик қилинг.

Синьор Роберто рўпарасида турган одамнинг бошидан оёғигача кўз югуртирди. Ёш, ўрта бўй, кўринишидан бақувват. Лекин қишлоқи. Яна «италиялик»миш. Роберто елка қисди.

– Мен у квартирани бошқа оилага қимматроқ ижарага бериб юбордим, – деди у. – Сизнинг танишингизни деб одамларни қувиб чиқара олмайман.

Вито Корлеоне хафа бўлмади, тушунгандай бош қимирлатди.

– Қанча қимматга бердингиз? – сўради у.

– Беш доллар, – деди мистер Роберто.

Бу ғирт ёлгон эди. Биридан бирига ўтадиган тўртта хонадан иборат бўлган қоронғи, зах уйни бева аёлга ойига ўн икки доллардан тўлаш шарти билан ижарага берганди. Янги келганларнинг ҳеч бири бунчалик кўп пул бермасди.

Вито Корлеоне чўнтагидан бир даста пул чиқариб, учта ўн долларликни ажратди.

– Мана, ўша кўшимчаси, ярим йил муддатга олдиндан олиб кўйинг. Ижарачига айтиб ўтиришнинг кераги йўқ, у мағрур аёл. Ярим йилдан кейин менга мурожаат қилинг. Албатта, итни ҳам қолдиришга рухсат берасиз, деб ўйлайман.

– Рухсат бериб бўлман, ҳеч нарсага рухсат бермайман, – деди мистер Роберто. – Менга қара, умуман сен ўзинг кимсан, менга кўрсатма берасан? Оғзингга қараб гапир, сицилиялик тасқара. Яна ўзинг кўчада қолмагин!

Вито Корлеоне ҳайрон бўлиб, кафти очиқ қўлини кўтарди.

– Мен сиздан фақат илтимос қилдим холос, бошқа ҳеч нарса деганим йўқ. Ким билади дейсиз, балки вақти келиб, менинг ҳам сизга ёрдамим керак бўлиб қолар, тўғрими? Бу пулларни яхши ниятим далили сифатида қабул қилинг, қолганини ўзингиз биласиз. Ахир мен сизнинг гапингизни қайтара олармидим, – у мистер Робертонинг қўлига учта қоғозни мажбур қилиб қистирди. – Илтимос, илтифот қилиб пулни олинг, кейин ўйлаб кўринг. Бор гап шу, холос. Агар хоҳласангиз эртага эрталаб қайтариб беришингиз мумкин. Агар сиз барибир ўша аёлни ҳайдаб чиқармоқчи бўлсангиз, мен қандай қилиб қаршилик кўрсатаман? Ахир уй сизники-да! Уйда ит бўлмаслигини хоҳларкансиз – буни ҳам тушунаман. – У мистер Робертонинг елкасига уриб кўйди. – Шу кичкинагина илтимосимни рад этманг, хўпми? Мен буни ҳеч қачон унутмайман. Мавзедаги танишларингизнинг ҳаммасидан сўраб кўринг, мен қарз бўлиб қоладиган одамлардан эмаслигимни ҳар бири айтишади.

Бироқ мистер Робертонинг ўзи ҳам баъзи бир нарсаларни тушуна бошлаганди. Кечқурунга бориб, у Вито Корлеоненинг кимлигини сўраб, суриштириб билди. Тонг отишини кутиб ўтирмади. Қоронғи тушганда Корлеоненинг эшигини тақиллатди, бемаҳалда безовта қилганлиги учун узр сўради, синьора Корлеоненинг қўлидан бир стакан вино ичди. У Вито Корлеонега танимасни сийламас, деганларидек қиттак англашилмовчилик юз берганлиги, синьора Коломбо, албатта, квартирасида қолавериши, итни ҳам боқавериши мумкинлигини айтди. Қўшнилари ким бўпти? Арзимаган пул тўлашади-ю, бирон ҳайвон сал овоз чиқарса дарҳол шикоят қилишади... Гап охирида у Вито Корлеоне кундузи қўлига қистириб қўйган долларни стол устига қўйди ва самимият билан таъкидлаб шундай деди:

– Сиз олиҳимматлилигингиз, бечора бева аёлга ёрдамга тайёр турганлигингиз билан мени қаттиқ уялтирдигиз. Инсонларга хос бўлган меҳр-шафқат туйғусидан мен ҳам марҳум эмаслигимни исботлаш мақсадида, ижара ҳақи аввалги миқдорда қолади.

Томоша маҳорат билан ўйналганди. Вито стаканларга вино қуйди, хотинини чақириб печенье олиб келишни буюрди, мистер Робертонинг қўлини силтар экан, яқин кишиларнинг дардига ҳамдард бўлганлиги учун мақтади. Мистер Роберто хўрсинар, Вито Корлеонедек одам билан учрашгани унда инсоний саҳоватга ишонч туйғусини қайта уйғотгани ҳақида такрор-такрор гапирарди. Улар бир-бирлари билан зўрға ажрашдилар. Мистер Роберто тасодиф туфайли бир ўлимдан қолганлиги тўғрисидаги фикрдан тиззаларидаги қалтироқни базўр енгиб, трамвайга ўтирди ва Бронксдаги уйига келиб, ўзини кўрпага ташлади. Кейин у уч кунгача қорасини кўрсатмади.

Шу кундан бошлаб Вито Корлеоне кварталда ҳамма ҳурмат қиладиган одам бўлиб қолди. Унинг Сицилиядаги мафия билан алоқаси бормиш, деган гаплар ҳам тарқалди. Кунлардан бирида қиморбозлар тўпланиб қарта ўйнайдиган мебеллар билан жиҳозланган уй эгаси

келиб, ўз хоҳиши билан шунчаки, «дўстлик учун» унга ҳар ҳафтада йигирма доллардан тўлаб туришини айтди. Бунинг эвазига қиморбозлар унинг ҳомийлигида эканлигининг исботи сифатида Вито ҳафтада икки марта у ерга бориб туриши керак эди.

Она сути оғзидан кетмаган безориваччалар тинкасини қуритаётган дўкондорлар ёрдам беришини сўраб, унга мурожаат қилишди. Вито уларга ёрдам берди ва албатта, куруқ қолмади, тегишлича мукофот олди. Тез орада унинг ҳафталик даромади юз долларга етди. Бу ўша вақтларда жуда катта пул эди. Клеменца ва Тессо унинг ўртоқлари, дўстлари эдилар, демак, пулнинг бир қисмини уларга бериб туриш керак эди. Вито бу борада ўзи ташаббус кўрсатди, уларнинг пул сўрашларини кутиб ўтирмади. Ниҳоят, у болаликдан қадрдон дўсти Женко Аббаңдандо билан шерик бўлиб, зайтун мойи келтириб сотадиган савдо уйи очишга қарор қилди. Женко Италияда арзон баҳода мой сотиб олиш, келтириш ва отасининг омборхоналарида сақлаш ишларига бошчилик қилади. Бу соҳада унинг тажрибаси бор эди. Клеменца ва Тессо маҳсулотни сотиш билан шуғулланишади. Улар Манхэттендаги, кейин Бруклиндаги, сўнгра эса Бронксдаги италян дўконларини айланиб чиқишади, дўкондорлар ўртасида «Женко пура» (ўта камтарлиги туфайли Вито Корлеоне янги маркадаги ёғни ўз номи билан аталишидан воз кечди) тоза зайтун мойини сотиб олиш ва ғамлаб қўйиш юзасидан ташвиқот олиб боришади. Сармойанинг асосий қисми Вито зиммасига тушганлиги учун, табиийки, фирмага у раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, баъзи бир дўкондорлар Клеменца ва Тессо билан тузган шартномаларига риоя қилмай қўйган алоҳида вазиятларда Витонинг аралашуви талаб қилинарди. Бундай пайтларда Вито Корлеоне ўзининг рад қилиб бўлмайдиган ишонтириш воситаларини ишга соларди.

Вито Корлеоне ёшлигидан вазмин ва мулоҳазали одам сифатида танилганди, ҳеч қачон дағдаға қилмас, кўрқитмасди. У мантиқ кучига таянарди ва ҳеч қачон

бундан панд емаган эди. Ҳар доим шартномадан қарши томон ҳам фойда олиши, ҳеч ким зарар кўрмаслигини ўйларди. Албатта, у ўз мақсадларига аниқ воситалар билан эришарди. Кўплаб иқтидорли корчалонларга ўхшаб, эркин рақобат эмас, балки фойда берадиган монополия мақсадга мувофиқлигини у ёшлигиданоқ ўзлаштириб олганди. Ўйлаб ўтирмасдан ана шундай монополия тузишга киришди. Бруклинда зайтун мойи билан чакана савдо қилувчи сержаҳл, қайсар, ақл-идрок овозига қулоғини қар, кўзини кўр қилиб оладиган, ҳатто шошмасдан ҳар томонлама мукаммал тушунтиргандан кейин ҳам Вито Корлеоненинг таклифларига кўнмайдиган одамлар чиқиб қолди. Вито Корлеоне кафти очиқ қўлини кўтариб, ноилож бундай ўжар дўқондорлар билан алоқани узар ва уларни тартибга чақириб қўйиш учун Бруклинга Тессони юборарди. Шундан кейин омборхоналар ловуллаб ёнар, зайтун мойи юкланган машиналар ағдарилар, тош йўллар четларида ёқимли яшил ранг зайтун мойи кўлмақчалари пайдо бўларди. Диндор одам Худого ишонганига нисбатан полицияга кўпроқ ишонадиган, ўзига бино қўйган қайсар, шошқалоқ миланлик бир дўқондор ўзининг италян биродарлари устидан, қулоқ эшитмаган иш – маъмурларга шикоят қилди ва минг йиллардан буён давом этиб келаётган сукут сақлаш қонуни – омергани бузди. Аммо маъмурлар ҳали жиноий иш қўзғашга улгурганлари ҳам йўқ эдики, у ном-нишонсиз ғойиб бўлди. Содик хотини, Худого шукурлар бўлсинки, балоғатга етган, демак, отасининг ишини давом эттира оладиган ва бош уриб келиб «Женко пура» компанияси шартларини қабул қиладиган уч боласи билан қолаверди.

Маълумки, одамлар буюк бўлиб туғилмайдилар – буюк бўлиб балоғатга етадилар. Спиртли ичимликлар сотишни ва истеъмол қилишни ман этувчи қонун чиққан пайтда Вито Корлеоне гарчи ўз иш услубларига кўра кучлироқ бўлса-да, ўртача корчалон билан қудратли дон, жиноятчилар дунёси қиролларидан бири даражасига кўтариладиган сўнгги қадамни қўйди. Албатта, бунга бир кунда ёки бир ҳафтада эришгани йўқ, бироқ спиртли

ичимликлар ичишни ва истеъмол қилишни ман этувчи давр тугаб, «буюк турғунлик» даври бошланганда Вито Корлеоне йўқолди, унинг ўрнига Чўқинтирган ота, дон Корлеоне пайдо бўлди.

Ҳаммаси тасодифий бир воқеадан бошланди. Бу пайтга келиб, «Женко пура» савдо компанияси олти юк машинасидан иборат кичкинагина автомобиль парки ташкил этганди. Контрабанда йўли билан Канададан виски ва бошқа спиртли ичимликлар келтириб сотадиган буглагер – италянлар «артели» Клеменца орқали Вито Корлеонедан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Уларга яширин молни Нью-Йорк бўйлаб тарқатиш учун машина ва кузатувчилар керак эди. Бундан ташқари, кузатувчилар пишиқ, сир сақлайдиган, агар вазият талаб қилса, ҳеч иккиланмасдан қатъият кўрсата оладиган, аниқроқ айтганда, куч ишлата оладиган одамлар бўлиши керак эди. Машиналар ва одамларга яхши ҳақ тўлашга ваъда бердилар. Тилга олинган рақамлар қулоқ эшитмаган даражада катта эдики, Вито Корлеоне савдогарлик ишларини дарҳол тўхтатиб, машиналарнинг ҳаммасини фақат яширин молларни ташишга сафарбар этди.

Бу гал ҳам унинг режалари тўғри чиқди. Энг муҳими, иш ўрганди, тажриба тўплади, таниш-билишлар орттирди. Худди банк эгаси пулни тўплаб, эҳтиётлаб сақлагани каби, у ҳам одамларга кўпроқ яхшилик қилиб қўяверди. Орадан бир-икки йил ўтгач, Вито Корлеоне шунчаки қобилиятли одам эмас, балки ўзига хос ноёб истеъдод эгаси ҳам эканлиги яққол кўзга кўриниб қолди.

У уйда бўйдоқ йигитча ўн беш цент тўлаб, бир стакан виски ичиб кетадиган кичкина майхоналар ташкил этиб олган италян оилаларини ҳомийликка олди.

Синьора Коломбонинг кенжа ўғли конфирмация<sup>1</sup> қилинганда, Вито Корлеоне унинг чўқинтирувчи отаси сифатида иштирок этди ва болага ажойиб совға – йигирма долларлик тилла пул ҳадя этди. Бу пайтга келиб, маши-

---

<sup>1</sup> **Конфирмация** – болаларни черков аҳлига қўшиш ёки диндор қилиш маросими.

налардан биронтасини полиция, албатта, тўхтатишини ҳисобга олган ҳолда Женко Аббандандо полиция бошқармаси ва суд маҳкамалари билан яхши алоқаси бор малакали юристни ишга ёллади. Катталарни пора билан оғдириб олиш тизими ишлаб чиқилди ва йўлга қўйилди. Тез орада Корлеоне ташкилотида салмоқдорлар «рўйхатномаси», бошқача айтганда, ой сайин маълум миқдорда пул узатиб турадиган амалдорларнинг исм-шарифлари ёзилган дафтар пайдо бўлди. Харажатлар миқдорининг катталигидан хижолатда қолган юрист рўйхатини қисқартирмоқчи бўлганди, Вито Корлеоне уни тўхтатди.

– Йўқ, йўқ, қисқартиришнинг кераги йўқ, – деди у. – Ҳаммасини қолдираверинг, бугунги кунда бизга бирор-бир ёрдами тегмайдиганлар ҳам, майли, қолаверсин. Мен дўстликка ишонаман ва дўстона ҳис-туйғуларимни аванс орқали изҳор қилишга тайёрман.

Вақт ўтиб борди. Корлеоненинг мол-мулки кўпайди. Парк янги автомашиналар билан, «рўйхатнома» эса янги номлар билан тўлиб борди. Клеменца ва Тессо қўлида ишлайдиган одамлар сони ҳам кўпайиб борди. Бу катта хўжаликни бошқариш қийин бўлиб қолди. Охири Вито Корлеоне ўз ташкилотининг аниқ тузилмасини ишлаб чиқди. У Клеменца ва Тессога капитан ёки бошлиқ маъносини билдирувчи «*saroregime*» унвонини берди, уларнинг қўл остидагилар эса оддий хизматчилар бўлиб қолавердилар. Женко Аббандандо маслаҳатчи ёки «*consigliori*» даражасига кўтарилди. Вито ва унинг буйруғини ижро этувчилар ўртасида оралиқ тўсиқлар пайдо бўлди. Бирор топшириқни бажариш лозим бўлса, Вито ё Женкога, ёки *saroregimелардан* бирига яқка ҳолда буйруқ берарди. Уларга буйруқ берилаётганда жуда камдан-кам ҳоллардагина ўртада бошқа биров бўларди. Кейин у Тессонинг одамларини алоҳида отрядга бирлаштирди ва унга Бруклинда иш олиб боришни топширди. У Тессо ва Клеменцанинг вазифаларини ҳам бўлиштириб қўйди ва йил сайин аста-секин бир-биридан



ихлосини қолдира бошлади. Улар ўта зарур ҳолларни истисно этганда, ҳатто шунчаки дўстона тарзда ҳам учраша олмайдиган бўлиб қолдилар. Бундай чора-тадбир нима учун зарур бўлиб қолганлигини Вито ер остида илон қимирласа сезадиган Тессиога тушунтириб берди. Гарчи Вито буни фақат қонун олдида эҳтиёткорлик, деб изоҳласа ҳам, оғиз очиши биланок Тессио унинг мақсадини тушуниб олганди. Вито сароғимеларини унга қарши тил бириктириш имкониятидан марҳум қилмоқчи бўлаётганини Тессио тушунди. Шунингдек, Тессио бу уларга ёмонликни раво кўриш эмас, балки шунчаки эҳтиёткорлик чораси эканлигини ҳам тушунди.

«Буюк турғунлик» фақат Вито Корлеоне обрў-этиборининг ошишига хизмат қилди. Бу йиллар ҳурмат-эҳтиром билан унинг исмига «дон» сўзи кўшилиб айтила бошлаган йиллар бўлди. Бутун шаҳар бўйлаб ҳалол одамлар иш ҳақида илтижо қилардилар. Мағрур кишилар жирканч амалдорлардан ёрдам сўраб, ўзларини ҳам, оила аъзоларини ҳам таҳқирлашга мажбур бўлардилар. Вито Корлеоненинг одамлари эса чўнтақларини қаппайтириб олиб, кўчалардан қоматларини ғоз тутиб ўтишарди. Ишсиз қолиш ҳақида мутлақо ташвишланишмасди. Шундай экан, нега энг оддий, энг камтар дон Корлеоне ўзини-ўзи мақтамасин! У мол-мулкини кўпайтириш ҳақида ташвиш қиларди. Унга ишонганлар, тер тўкиб унга меҳнат қилганлар, ҳаёти ва эркини хавф остида қолдириб, унга хизматга ёлланганлардан биронтасини у алдагани йўқ. Тақдир тақозоси билан доннинг қўл остидагилардан биронтаси қўлга тушиб, қамалиб қолган пайтларда ҳам унинг оиласи ёрдам олиб турди. Шунчаки хайр-садақа эмас, тиланчи пули эмас, одатда, оиланинг боқувчиси ўзи қанча олиб келган бўлса, шунча миқдорда ёрдам бериб турилди.

Албатта, булар шунчаки олижаноблик, раҳмдиллик нуқтаи назаридан қилингани йўқ. Энг яқин дўсти ҳам дон Корлеонени олижаноб одам деб айта олмасди. Бундай ҳотамтойликнинг ўзига хос ҳисоб-китоблари бор эди.

Қамоқхонага тушган одам фақат сир сақлаши кераклигини, унинг хотини ва бола-чақаларини ўз ҳолига ташлаб қўймасликларини биларди. Агар у полицияга ҳеч нарса айтмаса, қутулиб чиққанда анча-мунча нарсалик бўлиб қолишини ҳам биларди.

Ўша йилларда дон Корлеоне ўзининг кичкинагина хўжалигини ҳар доим йўлига турли тўсиқлар қўйиб келаётган катта душманларига нисбатан муваффақиятлироқ бошқараётганига ишонч ҳосил қилди. Бундай фикрнинг туғилишига кварталнинг ҳамма томонидан нафақа олишга, ўсмир йигитларни қамоқдан қутқаришга ёки ишга жойлаштиришга ёрдамлашиши, арзимаган, лекин ўта зарур миқдорда пул қарз бериб туришни, ҳеч қанақа далил-дастурларга қулоқ солмасдан ишсизлардан ижара ҳақи талаб қилаётган уй эгасини инсофга чақириб қўйишни илтимос қилиб, кун сайин унинг олдига нажот излаб келаётган камбағал одамлар сабаб бўлишди.

Дон Вито Корлеоне ҳаммага ва ҳар бир одамга ёрдам қўлини чўзарди. Устига-устак у сидқидилдан, хушмуомалалик билан зориққан одам хижолат бўлмайдиган қилиб ёрдам берарди. Шундан кейин Штатларнинг қонунчилик органларига, муниципалитет органларига, конгрессга вакиллар сайлаш пайти келганда кимга овоз беришни билмай иккиланиб қолган италянлар маслаҳат сўраб ҳомийлари Чўқинтирган отага – дон Корлеонега мурожаат қилганларига таажжубланиб бўладими? Шундай қилиб, аста-секин у сиёсий майдонда ҳам партияларнинг соғлом фикр юритадиган етакчилари ҳисобга ола бошлаган кучга айланди. Камбағал италян оилаларидаги қобилиятли болаларнинг дорилфунунда билим олишига ёрдамлашиб, у узоқни кўра билиш сиёсати билан тутган йўлини мустаҳкамлаб борди. Йиллар ўтиб у ўқишга киришига ёрдамлашган ўсмирлардан адвокатлар, округ прокурорининг ёрдамчилари, ҳатто судьялар етишиб чиқди.

Спиртли ичимликлар тайёрлаш ва истеъмол қилишни ман этувчи қонуннинг бекор қилиниши Кор-

леоне империясига катта зарба бўлиб тушди. Лекин дон бу борада ҳам баъзи бир нарсаларни кўзда тутиб қўйганди. 1933 йилда у Манхэттен соҳилидаги жин кўчаларда қимор ўйнайдиган ва судхўрлик қиладиган, худди бейсбол ўйини пайтидагидек булочка ва сосиска сотиш билан шуғулланадиган ёки югуриш, чавандозлик, спорт мусобақаларини ташкил этадиган, қарта ёки яширин лотерея ўйнайдиган норасмий қиморхоналарни бошқарадиган одамга ишончли кишиларини вакил қилиб юборди. Бу одамнинг исм-шарифи Сальваторе Маранцано бўлиб, у Нью-Йоркнинг жиноятчилар даърасида *pezzonovante*, яъни нуфузли корчалонлардан бири ҳисобланарди. Корлеоненинг вакиллари Маранцанога тенг, ўзаро манфаатли шартлар асосида бирга иш олиб боришни таклиф қилдилар. Вито Корлеоне ишни яхши йўлга қўйиш, полициядаги ва давлат аппаратидаги алоқалари ёрдамида Маранцано ҳомийлиги остида олиб бориладиган ишларнинг муваффақиятини таъминлаш, оёққа туриб, бир оз мустаҳкамланиб олгач, Бруклин ва Бронксда унинг таъсир доирасини кенгайтиришни ўз зиммасига олди. Лекин Маранцано узоқни кўра билмайдиган одам эди. У Корлеоненинг таклифини менсимасдан рад этди. У Ал Капоненинг ўзи билан дўст эди, ўзининг ташкилотига ва одамларига эга эди, устига-устак ҳарбий харажатлар учун чегараланмаган маблағга эга эди. У ёнида ҳамма ишга бурнини суқувчи, парламентни рўқач қилиб иш кўрувчи, миш-мишларга қараганда ҳақиқий мафиячига ўхшамайдиган сафсатабоз одам ҳамкорлик қилишини ёқтирмади. Маранцанонинг рад жавоби 1933 йилдаги қонли урушнинг бошланишига туртки бўлди. Бу уруш Нью-Йоркдаги жиноятчилар дунёсининг бутун таркибини тубдан қайта тузди.

Дастлаб қараганда кучлар тенг эмасди. Сальваторе Маранцано унинг манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган бақувват босқинчилари бўлган қудратли ташкилотга эга эди. У Капоне билан дўст эди ва зарур бўлиб қолса, ёрдам сўраб Чикагога мурожаат қилиши

мумкин эди. У ҳамма моллар билан, шунингдек, гарчи у пайтларда эндигина бошланган бўлса-да, наркотик моддалар билан савдо қилишни ҳам қўлга олган Таттальялар оиласи билан ҳам яхши муносабатда эди. Маранцанонинг тикувчилар касаба уюшмасидаги яхудий арбобларга ҳамда қурилиш ишчилари уюшмасидаги италян анархо-синдикатчиларига дағдаға қилиб туриш учун унинг йигитлари ёрдамига муҳтож бўлган катта бизнес корчалонлари билан ҳам алоқаси бор эди.

Дон Корлеоне буларнинг ҳаммасига иккита кам сонли, лекин интизомга қаттиқ риоя қиладиган отрядни ёки Клеменца ва Тессіо бошлиқ регимеларини қарши қўйиши мумкин эди. Маранцанони йирик корчалонлар қўллаб-қувватлашлари туфайли сиёсий доиралардаги ва полициядаги алоқалари унга ҳеч қандай устунлик бермасди. Лекин дон Корлеоненинг бошқа устунлиги бўлиб, бу душманнинг унинг ташкилоти тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигида эди. Унинг қўшинларининг ҳақиқий жанговарлиги жиноятчилар дунёси учун сирлигича қолганди, ҳатто Тессіо ҳам Бруклинда ўзича мустақил иш олиб боради, деб ҳисобланарди.

Шунга қарамасдан Вито Корлеоне жуда пухта ўйланган кучли бир зарба билан ҳисобни тенглаштириб олгунга қадар жангда душман устунлик қилаётганди.

Тухумдан янги чиққан сурбетни жўжалигидаёқ гумдон қилишга аҳд қилган Маранцано Капонегга мурожаат этиб, Нью-Йоркка энг яхши мерганлардан икки кишини жўнатишни илтимос қилди. Корлеонелар оиласининг Чикагодаги хайрихоҳ дўстлари икки босқинчининг поездда йўлга чиққанлиги тўғрисида хабар беришди. Вито Корлеоне тегишли кўрсатмалар бериб, Люка Бразини уларни кутиб олишга жўнатди.

Брази тўртта ёрдамчи билан чикаголик олчоқларни вокзалда кутиб олди. Ёрдамчилардан бири такси топиб, вокзалдаги такси тўхтайдиган жойда ушлаб турди. Юкчилар меҳмонларнинг жомадонларини машинага жойлаштирдилар. Меҳмонлар таксига ўтиришлари биланок

Брази ҳам ёрдамчиларидан бири билан сиқилиб машинага чиқди ва курол билан дўқ-пўписа қилиб, ҳар икки меҳмонни пастга ётишга мажбур қилди. Такси Люка Брази олдиндан белгилаб қўйган пристан яқинидаги бўш ётган омбухоналардан бири томон йўл олди.

Бу ерда асирларнинг қўл-оёқларини боғлашди, додвой қилмасликлари учун ҳар бирининг оғзига паҳмоқ сочиқ парчасини тикишди.

Шундан кейин Брази девордаги миҳда осиглик турган болтани олди-да, Капоне элчиларидан бирини шопилмасдан нимталашга киришди. Бутун вужудидан куч ёғилиб туришига қарамай, ишни тугатгунча анча тер тўқди. Иккинчи вакилга қараркан, ҳеч қандай куч ишлаш зарурияти қолмаганлигини кўрди. Ал Капоненинг иккинчи мергани ўлим даҳшатидан ақлга сиғмайдиган иш қилганди – у латтани ютиб юбориб, тикилиб ўлганди.

Бир неча кундан кейин Чикагодаги Капонелар оиласи Вито Корлеонедан мактуб олди. Унда шундай деб ёзилганди: «Мен душманларимга нисбатан қандай иш тутишимни энди сиз билиб олгандирсиз. Икки сицилиялик жанжаллашиб қолганда неаполликнинг бу жанжалга аралашуви шартмикин? Агар хоҳласангиз, сизни дўстим деб ҳисоблашим мумкин. Шунга рози бўлсангиз, мен ўзимни сиздан қарздор деб ҳисоблайман ва хоҳлаган пайтингизда қарзимни бир йўла тўлайман. Сиздек ақлли одам бошқа бировлардан ялиниб ёрдам сўрамайдиган, балки якка-ёлғиз ишини удалай оладиган ва аксинча, оғир дақиқаларда ҳам доим ёрдамлашишга тайёр турган одам билан дўстлашиш қанчалик фойдали эканлигини шубҳасиз тушунади, деб ўйлайман. Агар менинг дўстлигимнинг сизга зарурати бўлмаса, майли, шундай бўла қолсин. Лекин агар шундай бўлса, шахримиз ҳавоси поклиги, неаполитанликлар учун тўғри келмаслиги тўғрисида сизни огоҳлантириб қўйишим ва бу ёқларга келмаслигингизни маслаҳат беришни бурчим деб ҳисоблайман».

Бу йўл фақат ўта шафқатсизлик билан иш тутилганлиги билангина эмас, шунингдек, довдиратиб кўядиган даражада тез амалга оширилганлиги, доннинг воқеага зудлик билан муносабат билдирганлиги туфайли ҳам муваффақиятли бўлиб чиқди. Агар унинг хуфиялари шу даражада мукамал ишлайдиган бўлсалар, бундан кейин қўйиладиган ҳар қандай қадам ўта хавфлидир. Яхшиси, таклиф қилинаётган дўстликни, вақти келиб эса мактубда тилга олиб ўтилган қарзни қабул қилган маъқул... Капонелар оиласи Вито Корлеонени бундан кейин унинг ишларига аралашмасликлари тўғрисида хабардор қилди.

Шундай қилиб, ҳисоб тенглашди. Бундан ташқари, Вито Корлеоне Капонени шармандаи шармисор қилиб, бутун Американинг жиноятчилар оламида катта ҳурмат қозониб олди. Ярим йилгача Маранцанонинг изидан қолмасдан таъқиб қилиб юрди. У Маранцано ҳомийлигида ошиқ ўйналадиган жин кўчаларга босқинлар уюштирди. Унинг қўли Гарлемдаги қарта ўйинида энг йирик банк кўювчигача етиб борди ва бир кунлик қимордан топган даромадини, фақат ютган пулларинигина эмас, балки ундан қарздор бўлганлар рўйхатини ҳам тортиб олди. Тикувчилик корхоналарининг хўжайинлари томонидан ёлланган Маранцанонинг бақувват йигитлари томонидан қўрқитиб қўйилган касаба уюшмаси арбобларини қўллаб-қувватлаш учун Клеменцани йигитлари билан жўнатиб, ҳатто тикувчилар кварталларига ҳам кириб борди. У бир йўла ҳамма соҳада душманларига қарши жанг олиб борди ҳамда ҳамма нарсадан хабардорлиги, стратегик истеъдоди ва ташкилотчилиги жиҳатидан устунлиги туфайли ҳамма соҳада ғолиб чиқди. Кейин эса дон Корлеоне охирида фойдаланиш учун асраб қўйган резервини ишга соладиган пайт келди ва regime Тессо Маранцанонинг изидан тушди.

Бу пайтга келиб, Маранцано сулҳ тузиш таклифи билан Корлеонега элчилар юборганди. Вито Корлеоне уларни қабул қилмади ва турли-туман баҳоналар билан

учрашувни орқага сураверди. Маранцанонинг бой берганлиги аниқ кўриниб турганлиги туфайли беҳуда ўлиб кетишни истамаган одамлар аста-секин бирин-кетин ўз бошлиқларини ташлаб кета бошладилар. Букмекерлар ва дўкондорлар ҳомийлик қилгани учун Корлеоне одамларига ҳақ тўлайдиган бўлишди. Уруш амалда тутаган эди.

Кейин янги 1934 йил арафасида Тессио Маранцанонинг шахсий мудофаасидаги нозик жойни аниқлаб, унинг ўзи билан юзма-юз келди. Шиддатли ва қисқа олишувдан кейин Маранцано гумдон қилинди. Уруш тутади.

Маранцано фаолият кўрсатган ҳудуд Корлеоне мулкига қўшилди. Дон Корлеоне ўзи томонга ўтган ҳар бир одамни хизматига яраша тақдирлади, даромад манбаи бўлган аввалги жойини – тотализатор ёки яширин лотерея ўйинхонасини улар ихтиёрида қолдирди. Буларнинг ҳаммасидан ташқари, дон Корлеоне тикувчилар касаба уюшмаси раҳбарлигига тасдиқланиб олди. Бу кейинчалик унга катта ёрдам берди. Ҳамма иш тартибга келтирилган ана шундай бир пайтда доннинг уйига фалокат бостириб кирди.

Сантино Корлеоне, Сонни ўн олти ёшга кирганди. У бўйи олти фут, елкаси барваста, бақувват, ҳиссиётли йигит бўлиб етишди. Фредо ювош, беозор, Майкл эса ҳали кичкина дўмбоқ бола эди. Сантино билан, албатта, бирор кор-ҳол юз берарди. Гоҳ кўчада болалар билан муштлашиб, гоҳ мактабдан ёмон баҳо олиб келарди. Буларнинг ҳаммаси шу билан тугадик, кунларнинг бирида Чўқинтирган отаси сифатида Сантино учун масъул бўлган ва сабр косаси тўлган Клеменца ортиқча жим юришни лозим топмай, бир куни оқшомда дон Корлеоне олди-га келиб, унинг ўғли хунук оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган аҳмоқона ишда, қуроли талончиликда қатнашганлигини айтиб берди. Бу ишни Сонни бошлаган, икки йигит унга шерик бўлган эди.

Вито Корлеоне ўзини тутолмай қоладиган камдан-кам ҳолатнинг бири ана шунда рўй берди. Уч йилдирки,

уларнинг уйида асранди ўғил Том Хейген яшаб келарди. Вито Клеменцадан Том бу ишга аралашганми-йўқми, деб сўради. Клеменца бош чайқади. Шундан кейин ўглини олиб келишга машина юборди. Уни «Женко пура» савдо фирмаси жойлашган идорага олиб келишди.

Дон умрида биринчи марта мағлубиятга учради. Ўғли билан ёлғиз қолгач, жаҳлига эрк берди. Бошқа бирор бир лаҳза юрагини тўла бўшатишга ёрдам беролмаслигини билиб, қовоқ солиб, ер остидан хурпайиб қараб турган Соннини сицилианча лаҳжада роса таъзирини бериб сўқди. Кейин ундан сўради:

– Талончилик қилишга сенга ким ҳуқуқ берди? Бунақа ишни қаёқдан ўргандинг?

Тумтайиб олган Сонни миқ этмасдан тураверди. Дон нафратланиб давом этди:

– Шунақа ҳам учига чиққан аҳмоқлик бўладими? Хўш, ўша оқшомда талончилик қилиб, қанча пул топдинг? Киши бошига эллик долларми? Йигирма долларми? Шу арзимаган йигирма долларни деб ҳаётинг учун хавфли ишга қўл урдингми?

Сонни худди кейинги гапларни эшитмагандай, томдан тараша тушгандай қилиб:

– Фануччини қандай қилиб ўлдирганингизни мен кўрганман, – деди.

Дон чуқур «оҳ» деди-да, креслога чўкиб, ўтириб қолди. У бу ёғи нима бўлишини кутди.

– Фануччи бизникидан чиқиб кетгач, ойим уйга киравериш мумкинлигини айтди. Мен уйга кириб, томга чиқаётганингизни кўриб қолдим ва орқангиздан эргашдим. Ҳамма-ҳаммасини – ҳамённи ва тўпшончани ирғитиб юборганингизни ҳам кўриб турдим. Мен томда эдим.

Дон чуқур хўрсинди.

– Шунақами ҳали? Ундай бўлса, сенга ҳеч нарса ўргата олмайман, йўл кўрсата олмайман. Лекин наҳотки дорил-фунунни битиришни хоҳламасанг? Ахир қўлида портфели бор битта қонуншунос ниқобланиб олган мингта қуроли босқинчидан кўп пул топади.



Сонни тишларининг оқини кўрсатиб тиржайди ва айёрлик билан:

– Мен оилавий ишимизда иштирок этишни хоҳлайман, – деди. Доннинг юзидаги бирорта тук ҳам қилт этмади. Буни кўриб, Сонни ҳазили ёқмаганлигини тушунди-да, шошиб: – Зайтун мойи билан савдо қилишни ўрганишим мумкин, – дея қўшимча қилди.

Дон яна индамади. Ниҳоят у елкасини қисиб:

– Начора, ҳар кимнинг тақдири пешанасига ёзиб қўйилган, – деди. У ўғлининг тақдири Фануччи ўлимининг гувоҳи бўлган ўша кундан аниқ бўлиб қолганлиги ҳақида лом-мим демади. Сўнгра ўгирилиб олди-да, қисқа қилиб: – Эртага эрталаб соат тўққизда келасан. Нима иш қилишингни Женко айтади, – деди.

Лекин Женко Аббандандо яхши *consigliorira* хос бўлган сезгирлик билан доннинг мақсадини тушуниб олди ва Соннини асосан отаси ҳузурида шахсий соқчи қилиб, дон бўлишдек мураккаб санъат сирларини ўрганиш имкониятини берадиган лавозимда ишлатадиган бўлди. Доннинг ўзида ҳам педагоглик қобилияти пайдо бўлди. У, албатта, фойдаси тегишига умид боғлаб, тўнғич ўғлига тез-тез ҳар бир ишда ютуққа эришиш йўлларида сабоқ берарди.

Отаси яхши кўрган «ҳар кимнинг тақдири пешонасига ёзиб қўйилган» деган панд-насихатдан ташқари, жаҳли тезлиги ва ўзини тута билмаслиги учун Сонни доим гап эшитарди. Дон дўқ уриш, дағдаға қилишни ўз сирини фош қилиб қўйишнинг энг аҳмоқона қўпол усули, тийиб бўлмайдиган кўр-кўрона баджаҳлликни эса энг хавфли тентаклик деб ҳисобларди. Ҳеч ким ҳеч қачон доннинг ошкора дағдаға қилиб, дўқ урганини эшитмаган, ҳеч ким унинг жаҳдини тия олмасдан жазавога тушганини кўрмаганди. Бунақа нарсани тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Дон ўзига хос бўлган вазминлик, сабр-тоқатлилик, ўзини тута билиш ҳисларини Соннига ҳам сингдиришга ҳаракат қилди. Душманинг камчилигини ошириб кўрсатгани, дўстинг фазилатларингга

етарли баҳо бера олмаганлиги сен учун вазиятларнинг энг қулайидир, деб уқтирарди у.

Сароregime Клеменца Сонни билан жиддий иш бошлади: унга милтиқ отишни, гарротадан фойдаланишни ўргатди. Сицилианча сиртмоқ Соннига маъкул бўлмади, у ўта америкалаштирилиб юборилган эди. У англосаксларнинг содда, жўн, бошқалардан фарқ қилмайдиган қуроли бўлган тўппончани афзал кўрар, бу эса Клеменцани ранжитарди. Аммо Сонни отасининг доимий ва ишончли ҳамроҳи бўлиб қолди, унинг машинасини бошқарар, майда-чуйда ишларда ёрдамлашарди. Ана шу тарзда икки йил ўтди; сиртдан қараганда ҳар куни учраб турадиган манзара – ўғил отаси корхонаси ишини аста-секин ўзлаштириб бораётгандай, осмондаги юлдузни бенарвон ураётгани йўқ, ўртача ишлаб, алоҳида саъй-ҳаракат ҳам кўрсатгани йўқ.

Бу пайтга келиб болалигидаги дўсти ва тутинган биродари Том Хейген коллежга ўқишга кирди, Фредо мактабни битирди, укаси Майкл иккинчи босқичга ўтди, сингилчаси Конни эса ҳали кичкина, эндигина тўрт ёшга кирганди. Уларнинг оиласи аллақачон Бронксга кўчиб ўтган, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйда яшашарди. Дон Корлеоне Лонг-Айленддан уй сотиб олишни ўйлаб юрар, лекин шошилмас, уни режалаштириб қўйган бирор иш билан бирга амалга ошириш истагида эди.

Вито Корлеоне атрофида рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини синчковлик билан англаб олар, улар қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра биларди. Американинг йирик шаҳарларини жинойтчилик оламидаги ўзаро жанжаллар ларзага солаётганди. Тез-тез қонли низолар рўй бериб турарди. Шухратпараст босқинчилар бошқалар мол-мулкининг бир қисмига эга бўлиш мақсадида ҳокимиятга интилишар, бошқалари эса Корлеонегга ўхшаб, мол-мулки чегаралари ва даромад келтирадиган жойларни тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳаракатида юришарди. Қулай пайтдан фойдаланиб, янада шафқатсизроқ қонунларни ишга солиш, яна кескинроқ

полиция чора-тадбирларини қўллаш мақсадида газеталар ва давлат органлари бу қотилликлар атрофида эҳтиросларни авж олдираётганлигини дон Корлеоне кўриб, сезиб турарди. У одамларнинг оммавий нафрати ҳозирги мурасасозлик руҳидаги тартиб-интизомни бекор қилишга олиб келиши мумкинлигини, агар шундай ҳол юз берса, у ва у билан боғлиқ бўлган одамларнинг ҳаммаси тамом бўлишини ҳам олдиндан кўра билганди. Унинг салтанати ички томондан пишиқ ва мустаҳкам эди. Шунинг учун ҳам у Нью-Йоркдаги бир-бирига душман гуруҳлар ўртасида, сўнгра эса бутун мамлакатда тинчлик ўрнатишга аҳд қилди.

Вито Корлеоне янглишмаганди, у бу вазифани зиммасига олиш нақадар хавфли эканлигини яхши биларди. Биринчи йили Нью-Йоркдаги турли гуруҳларнинг раҳбарлари билан учрашиш, замин тайёрлаш билан шуғулланди. У ҳар бир раҳбарнинг қўйнига қўл солиб кўрди, ҳар бир гуруҳни ихтиёрий тарзда ташкил этиладиган бирлашган кенгаш назорат қилиб турадиган чегаралари бўлишини таклиф этди. Бироқ гуруҳларнинг тарқоқлиги жуда катта, тор манфаатлар тўқнашган жойлар эса жуда кўп бўлиб чиқди. Бир битимга келишиш мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмасди. Бошқа кўплаб ҳукмдорларга ўхшаб, дон Корлеоне ҳам бошқармага бўйсунадиган мустақил гуруҳлар сонини энг кам даражага келтирмагунча тинчлик ва тартиб ўрнатиб бўлмайди, деган қарорга келди.

Шаҳарда беш-олтита энг қудратли оилалар бўлиб, уларни йўқ қилиб ташлашни ўйлашнинг ўзи ғирт аҳмоқлик эди. Лекин бошқалар – «Қора қўл»нинг маҳаллаларда қутуриб юрган йигитлари, ҳеч қандай лавозимга эга бўлмаган, ўзига бино қўйган судхўрлар, бошқача қилиб айтганда, қонуний маъмурлар ҳимоясини сотиб олганларнинг ҳаммаси йўқ қилиниши керак. Дон Корлеоне ташкилоти ихтиёрида бўлган ҳамма кучларни ана шу қаланғи-қасанғиларга қарши ташлаб, амалда мустамлакачилик уруши эълон қилди.

Нью-Йорк зонасини қўлга олишга уч йил вақт кетди. Бу пайтга келиб Сонни Корлеонега ҳам ўзини кўрсатиш имконияти туғилди. У сароqегите унвонига эга бўлди ва алоҳида отрядга бошчилик қилиб, шаҳар шароитидаги жанговар ҳаракатларда ажойиб қобилиятга эга эканлигини кўрсатди. У, шунингдек, истилочи сифатида дон Корлеоненинг яккаю ягона камчилиги бўлган ашаддий шафқатсизликни ҳам тўла намоён қилди.

1935 – 1937 йиллар мобайнида Сонни Корлеоне жиноятчилар оламида мисли кўрилмаган маккор ва шафқатсиз қотил сифатида ном қозонди. Лекин Люка Брази исмли мудҳиш одамнинг қалбларни ларзага соладиган ваҳшийликлари олдида ҳатто у ҳам ип эшолмай доғда қоларди.

Агар тасодифий муваффақиятсизликлар, баъзида оғир оқибатларга олиб келган майда-чуйда жанжаллар истисно этилса, 1937 йилга келиб, Нью-Йорк шаҳрида тинчлик ва аҳиллик ўрнатилди.

Қадимда шаҳар ҳокимлари шаҳар девори атрофида тинимсиз изғиб юрган бадавийлар қабилаларини мунтазам кузатиб турганлари каби дон Корлеоне ҳам бу оламда унинг қарамоғидаги ерлардан ташқарида бўлаётган воқеаларни синчковлик билан кузатиб борди. Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши ҳам, Испаниянинг таслим бўлиши ҳам, Германия Англияни келишувга мажбур қилган Мюнхен шартномаси ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. У бир четда туриб, жаҳон уруши яқинлашиб келаётганини ва бу урушнинг оқибатларини аниқ тасаввур қилиб турарди. Унинг шахсий мол-мулкига кўз олайтиришга ҳеч ким журъат этолмасди. Яна: олма пиш, оғзимга туш деб ётмайдиган, ақл билан иш тутадиган одам уруш пайтида осон бойлик тўплайди. Бунинг учун қалъа деворидан ташқарида қизгин уруш кетаётган ҳозирги пайтда ичкарида фақат тинчлик, осудалик бўлиши керак.

Бу даъватни дон Корлеоне бутун мамлакат бўйлаб ёйди. У Лос-Анжелесда, Сан-Францискода ва Кливлендда,

Чикаго, Филадельфия, Майами ва Бостонда ватандошлари билан кенгашиди. У жинойтлар оламида тинчлик тарғиботчисига айланди ва 1939 йилга келиб, душман давлатлар учун ҳатто Рим папаси ҳам уддалай олмайдиган вазифани бажаришга эришди: Американинг энг нуфузли яширин ташкилотлари ўзаро шартнома туздилар ва бир битимга келдилар. Қўшма Штатлар Конституциясига ўхшаб, бу битим шартномага имзо чеккан томонларнинг ҳар бирига ўз штати ёки шаҳри доирасида ички масалаларни ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини берарди. Битимда таъсир кўрсатиш чегарасини белгилаб қўйиш ва тинчликни сақлашда иштирок этиш кўзда тутилган эди, холос.

Худди шунинг учун ҳам 1939 йилда Иккинчи жаҳон уруши бошланганда ва 1941 йилда Қўшма Штатлар урушга қўшилган пайтда ҳам дон Корлеоненинг салтанатида тинчлик, осудалик ва Америка иқтисодиётида рўй берган юксалишнинг олтин меваларидан ҳамма билан тенг баҳам кўриш учун тўла тайёргарлик ҳукмрон эди. Корлеонелар оиласи чайқов бозорида озиқ-овқат карточкалари, бензин талонлари ва ҳатто темир йўл билетлари чиқаришда иштирок этди. Бу оила бир томондан кимнингдир ҳарбий буюртмаларини бажарарди, иккинчи томондан ҳарбий буюртмалари бўлмаганлиги сабабли хомашё таъминотида узилишларга дуч келиб, қийинчиликларни бошидан кечираётган тикувчилик фирмаларига чайқов бозоридан газлама топиб бериш билан шуғулланарди. Доннинг қўлидан бундан каттароқ ишлар ҳам келарди: унинг елиб-югуришлари туфайли доннинг хизматида бўлган чақириқ ёшидаги йигитчалар ҳарбий хизматга чақирилиш ва бутунлай бегона жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлишдан озод қилинарди. Бунга у ҳарбий кўриқдан ўтиш олди-дан қандай дорилар ичиш кераклигини айтиб берадиган врачлар ёрдамида эришар ёки йигитларни ҳарбий хизматдан озод қилинадиган ҳарбий саноат корхоналарига ишга жойлаштириб қўйиш билан эришарди.

Шундай экан, дон нега қўлга киритаётган муваффақиятлари билан фахрланмасин? Хўжайинига садоқатли бўлишга қасам ичганлар унинг қўл остида тинч, осуда яшашарди. Айни пайтда эса қонун ва тартиб-интизомга ишонган бошқа минглаб, миллионлаб одамлар ўлиб кетишарди. Фақат битта зирапча унинг юрагига найза бўлиб санчилди: пуштикамаридан бўлган ўғли Майкл Корлеоне отасининг гапларига кулоқ солмасдан кўнгилли бўлиб жангга жўнаб кетди. Донни ҳайратлантирган нарса шу бўлдики, унинг ташкилотига ўғлининг изидан борадиган ёш йигитлар чиқиб қолди. Улардан бири ақл бовар қилмайдиган бу хатти-ҳаракатини сароqегимега тушунтираркан, шундай деди:

– Бу мамлакат менга жуда кўп яхши нарсалар берди.

Бу гапни донга етказишганда у жаҳли чиқиб:

– Жуда кўп яхши нарсаларни унга мамлакат эмас, мен бердим, – деди.

Кўнгилли йигитлар билан кўнгилисизликлар юз бериши мумкин эди. Лекин Корлеоне ўғлини кечиргандан кейин ўз донига ва ўзларига нисбатан бурчи нимадан иборат эканлигини нотўғри тушунган, она сути оғзидан кетмаган анави йигитчаларни ҳам кечириши керак эди.

Иккинчи жаҳон уруши охирига келиб, дон Корлеоне ўзи мансуб бўлган олам талаблари ўзгараётганлигини, бошқа ташқи дунё талабларига зудлик билан мослашиш кераклигини тушуниб қолди. У ҳеч қандай зарар кўрмай бунга эриша олишига ишонч ҳосил қилди.

Бундай ишончни у ҳаётнинг ўзидан олди. Ўзи бошидан ўтказган икки воқеа ана шундай хулосага келишига сабаб бўлди.

Кўп йиллар олдин, у бу соҳада энди иш бошлаётган пайтда болаликдаги дўсти, новвойхонада ёрдамчи бўлиб ишлаётган ва уйланишга тайёргарлик кўраётган Назорин ёрдам сўраб келиб қолди. У яхши италян оиласидан чиққан ҳалол қиз –қаллиғи билан бирга маошидан озгина-озгинадан пул жамғариб қўярди. Улар уч юз доллар жамғаришди. Ўша давр учун бу катта пул эди.

Қаллиғи иккаласи пулни ҳамёнга солишиб, одамлар тавсия қилган мебеллар билан савдо қилувчи кўтарафуруш олдига боришди.

Кўтарафуруш уларга одмигина уйчаларини жиҳозлаш учун мебеллар танлашга рухсат берди. Назорин қаллиғи билан эртадан-кечгача мебеллар қалаштириб ташланган омборхонада юриб, мебель танлади. Кейин кўтарафуруш улардан пешана тери қилиб топилган она сугидай ҳалол уч юз доллар пулни олди-да, киссасига солиб қўйди ва бир ҳафта мобайнида мебелни Назорин ижарага олган уйга етказишади, деб ваъда берди.

Бироқ ўша ҳафтадаёқ мебелчининг фирмаси синди. Ҳеч бўлмаганда қарз берган одамларнинг бир қисми билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида мебеллар қалаштириб ташланган улкан омборхона муҳраб қўйилди ва ундаги жиҳозлар рўйхатга олинди. Кўтарафуруш қарз берганларга мушт дўлайтириб, дағдаға қилиш, нафратларини ҳавога тўкиб-сочиш эркини бериб, ғойиб бўлди. Улардан бири бўлган Назорин юристга мурожаат қилди. Юрист суд ҳамма қарз берганларнинг даъволарини қандай ҳал қилиш тўғрисида қарор чиқармагунча ҳеч бир иш қилиб бўлмаслигини айтди. Бунинг учун, эҳтимол, уч йил вақт кетар. Ўшанда ҳам Назорин кўтарафурушга берган уч юз долларнинг ҳар бир доллари ҳисобига ўн центдан ҳақ олишга эришса, яхши иш бўлади.

Вито Корлеоне бу воқеани ишонмасдан, илжайиб ўтириб эшитди. Қонунни оёқости қилиб, бундай талончиликка йўл қўйилиши мумкин эмас. Кўтарафуруш салобати жиҳатидан баъзи бир саройлардан қолишмайдиган шахсий уйда яшар, меҳмонларни Лонг-Айленддаги мулкида қабул қилар, ҳашаматли машинада сайр қилиб юрар, болалари коллежда ўқишар эди. Шундай одам бечора Назориннинг уч юз долларини осонгина чўнтакка уриб, гарчи пули тўлаб қўйилган бўлса ҳам унга мебель бермаётган бўлиши мумкинми? Ҳар эҳтимолга қарши Вито Женко Аббандога «Женко пура» компанияси ишлари билан

шуғулланувчи юристлар ёрдамида аҳволни текшириб кўриш тўғрисида топшириқ берди.

Хўш, нима бўлди денг? Юристлар Назориннинг гаплари тўғри эканлигини тасдиқладилар. Кўтарафурушнинг ҳамма мол-мулки хотини номига расмийлаштирилган экан. Мебель сотувчи фирма корпорацияга қарашли бўлиб, кўтарафуруш шахсан жавобгар эмас экан. Тўғри, у синишини била туриб, Назориндан пул олиб пасткашлик қилибди, лекин ҳамма ҳар қадамда шундай қилади. Қонун жиҳатидан қараганда бу борада ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайди.

Албатта, бу кўнгилсизлик осонгина бартараф этилди. Дон Корлеоне consiglieri Аббандандони кўтарафуруш билан гаплашиб келишга жўнатди. Зийрак савдогар худди кутилганидек, қайси томондан шамол эсаётганини дарҳол илғаб олди-да, мебелни эгасига етказиб бериш ташвишига тушиб қолди. Лекин ёш Вито Корлеоне учун бу жуда катта сабоқ бўлди.

Иккинчи воқеа унинг онгида янада чуқурроқ из қолдирди. 1939 йилда дон Корлеоне оиласини шаҳар ташқарисига кўчиришга қарор қилди. Ҳар қандай ота сингари у ҳам фарзандлари яхшироқ мактабларда ўқишини, ўзларига муносиб ўртоқлар топишини орзу қиларди. Бундан ташқари, уни шаҳардан ташқаридаги уйларнинг тарқоқлиги, кўшнининг кимлигини, нима иш қилишини билишинг шарт эмаслиги қизиқтирарди. У Лонг-Бич шаҳрининг парклар жойлашган минтақасидан ер участкаси сотиб олди. Ҳозирча бу ерда тўртта янги қурилган алоҳида-алоҳида уй бор эди. Лекин яна янги уйлар қуриш учун ер тўлиб-тошиб ётганди. Сонни Сандрога никоҳлаб қўйилганди, тўй яқин эди. Уйлардан бири унга берилди.

Яна бири доннинг ўзига ажратилди. Учинчисини Женко Аббандандо оиласи билан эгаллади. Тўртинчи уй ҳозирча бўш эди.

Улар янги жойга кўчиб келишгандан кейин бир ҳафта ўтгач, парк хиёбонининг ҳалқа йўлига юк машинаси



келиб тўхтади. Ундан ишчи жомакор кийиб олган уч киши тушди. Улар ўзларини Лонг-Бич шаҳри ҳудудида иситиш тармоғи ҳолати учун жавобгар бўлган техниклар деб таништиришди. Доннинг шахсий муҳофазасидаги ёш соқчи уларни буғ-қозонхонага бошлаб кирди. Доннинг ўзи хотини ва Сонни билан бирга денгизнинг шўр ҳавосидан нафас олиб, сайр қилиб юрарди. Шахсий соқчи чақириб келганидан дон Корлеоне қаттиқ норози бўлди. Бригадининг худди саралаб олинган семиз айғирларга ўхшаган ҳар учала аъзоси буғ-қозон олдида куймаланишарди. Қурилма қисмларга ажратилиб, майдаланиб ташланган, деталлар ерда сочилиб ётарди. Ишчиларнинг каттаси давангирдай бақувват йигит эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб:

– Қозонингиз ҳеч балога ярамайди, – деди. – Агар хоҳласангиз йиғиб, сошлаб берамиз. Хизматига юз эллик доллар тўлайсиз. Янги деталлар қўямиз – бу техник қаров ҳисобланади. Унга алоҳида тўлайсиз. – У чўнтагидан қалин қоғозга ёзилган ёрлиқ олди. – Мана бу ерга муҳр босилади. Шундан кейин инспекцияда сизни ҳеч ким безовта қилмайди.

Дон ишини ташлаб, оиласини кўчириб келтирганидан, янги жойда ўрнашиб олиш тараддудида юрганидан кейин бир ҳафта ўтгач, бунинг устига ишни бирмунча соғиниб қолган пайтда бундай воқеанинг юз бериши қизиқ эди. Сўзларни қўпол тарзда бузиб – одатда, у озмоз фарқ қилувчи талаффуз билан гапирарди – сўради:

– Агар тўламасам, иситиш масаласи нима бўлади? Ишчиларнинг каттаси елка қисди.

– Ишни шу ҳолда ташлаймиз-да, яхши қолинг, деб хайрлашиб кетаверамиз. – У қозонхонада сочилиб ётган қисмларни кўрсатди.

Дон итоаткорона овоз билан:

– Шошманглар, мен бориб пул олиб келай, – деди. У боққа чиқиб Соннига:

– Менга қара, қозонхонада монтажчилар ишлашяпти. Уларга нима кераклигини тушунмадим. Бориб, гаплашиб кўр, – деди.

Ҳазил-ку ўз йўлига-я! Лекин у ўғлини ўзига ўринбосар қилиб тарбиялаш ниятида эди. Бирор одамни раҳбарлик лавозимига кўтармоқчи бўлганда уни қайта-қайта синаб кўриш керак.

Сонни танлаган усул отасига унча маъқул бўлмади. У ўта қўпол, дангалчи эди, унда сицилианча назокат етишмасди. Сонни қилич тарафдори эмас, тўқмоқ тарафдори чиқиб қолди. Сонни бригадирнинг талабини эшитиб, дарҳол ҳар учаласига тўппонча ўқталди ва шахсий соқчига уларни қаттиқ калтаклашни буюрди. Кейин ишчиларни қозонни йиғнаб, бинони тозалаб қўйишга мажбур қилди. У ишчиларни тинтиб чиқди. Улар, ҳақиқатан ҳам, Суффолк округида жойлашган уй-жойларнинг инженерлик жиҳозларини такомиллаштириш бўйича компаниясида хизмат қилишаркан. Сонни компаниянинг эгаси кимлигини сўраб билиб олди-да, кейин учаласини ташқарига, юк машинаси турган жойга ҳайдаб чиқарди.

– Қайтиб бу ерда қораларингни кўрмайин, – деди уларга. – Учалангнинг каллангни олиб, итларга ташлайман.

Бундай товламачилик ҳам қонун доирасида юз бераётганди, – дон Корлеонеда чуқур таассурот қолдирган нарса шу эди. Ҳар бир одамнинг қобилияти, лаёқатига қараб, унинг жамиятдаги ўрни белгиланади. Баққоллик дўконидан чиққан ҳалол йигитчанинг йўли ҳам ана шундай бошланганди. У жамиятда ўз ўрнини топиб олиш ва мустаҳкам ўрнашиб қолиш сари қадам қўйганди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, Турк Солоццо битимни бузиб, дон Корлеоне давлатини урушга гирифтор қилиб, унинг ўзини касалхона каравотига миҳлаб қўйгунга қадар у Лонг-Бич шаҳарчаси яқинида ана шу тарзда яшаб, давлатини мустаҳкамлаш, унинг чегараларини кенгайтириб бориш билан машғул эди.

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Марказдан узоқ овлоқ жойдаги Нью-Гемпшир шаҳарчасида энг кичкина воқеа ҳам одамлар эътиборидан четда қолмайди. Бирор воқеа юз бергудай бўлса, уй бекалари дарҳол деразадан бошларини чиқариб, бир-бирларига хабар берадилар, мудраб ўтирган дўкондорларнинг дарров кўзи очилади. Адамслар уйи олди-га Нью-Йорк рақамига эга бўлган қора машина келиб тўхтаганидан санокли дақиқаларда ҳамма хабар топди.

Авлод-аждоди шу овлоқда яшаб келаётган, бекорга дорилфунунда ўқимаётган Кей Адамс ҳам ётоқхонаси деразасидан бошини чиқариб ташқарига қаради. У имтиҳонларга тайёрланаётганди, овқатланиб олиш учун пастга тушмоқчи бўлиб турганда, бегона машина эътиборини жалб этди ва машина уларнинг уйи олди-га келиб тўхтаганда, нима учундир таажжубланмади ҳам. Машинадан новча, тўладан келган икки йигит тушди. Одатда, кинофильмларда гангстерларни ана шундай қиёфада тасвирлашарди. Кей ана шундай ўй билан уларни эшик олдида ҳаммадан илгари қутиб олиш мақсадида, зинапоядан физиллаб пастга тушди. Кей улар Майк ёки унинг қариндош-уруғлари олди-дан келганига шубҳа қилмаганди. Шунинг учун меҳмонларни ота-оналари билан ўзи таништирмоқчи бўлганди. Йўқ, у Майкнинг дўстларидан уялишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Шунчаки унинг ота-оналари эскича одамлар, Янги Англияда туғилиб ўсган туб янкилар бўлганлиги учун бундай шубҳали одамлар билан қанақа танишлари борлигини тушунмасликлари мумкин.

У айнаи қўнғироқ чалинган пайтда эшик олди-га етиб келди ва онасига: «Ўтираверинг, ўзим очаман», деди-да, эшикни очди. Остонада икки меҳмон турарди. Улардан бири худди гангстерлар тўппончасини олаётгандагига ўхшаб, кўкрак чўнтагига қўл солди. Кей буни кутмаганидан секин войлаб юборди. Лекин эркак чўнтагидан чарм

муқовали дафтарча чиқарди ва уни қўл учида силтаб очди-да, Кейга гувоҳномасини кўрсатди.

– Жон Филипс, Нью-Йорк шаҳар полиция бошқармасидан, қидирув агентиман, – деди у.

Сўнг буғдойранг, этик мойи каби қоп-қора қошли хамроҳи томон бош силтаб:

– Менинг ходимим, агент Сириани, – деди. – Сиз эса мисс Кей Адамссиз, тўғрими?

Кей индамасдан бошини эгди.

– Майкл Корлеоне тўғрисида икки оғиз гаплашиб олиш учун киришга рухсат берсангиз, – деди Филипс.

Кей ўзини четга олиб, уларни уйга киритди. Шу пайт ён томондаги хонага олиб кирувчи йўлакда отаси кўринди.

– Нима гап, Кей? – сўради отаси.

Сочлари оппоқ, қотмадан келган салобатли бу одам маҳаллий баптистлар жамоасининг пасторигина эмас, шунингдек, рухонийлар даврасида билимдонлиги билан ҳам машхур эди. Кей отасининг кимлигини тўлиқ англаб етганман, дейишга журъат этолмасди, кўпинча уни тушунолмасдан ҳайрон бўлиб қоларди. Лекин отаси унчалик қизиқарли одам бўлмаса ҳам уни яхши кўришини биларди. Ота-бола ҳеч қачон сирлашган эмасди, бироқ Кей отасига ишонарди. Шунинг учун қувлик билан:

– Нью-Йорқдан, полициядан келишипти. Таниш бир студент ҳақида мендан баъзи бир нарсаларни сўрашмоқчи, – деб жавоб берди.

Мистер Адамс таажжубланмасди.

– Шундайми, балки менинг хонамга кирарсизлар? – деди у.

Агент Филипс эҳтиёткорлик билан:

– Биз қизингиз билан ёлғиз гаплашмоқчи эдик, – деди.

Мистер Адамс хушмуомалалик билан эътироз билдирди:

– Буни Кей ўзи ҳал қилади, деб ўйлайман. Қайсиниси сенга кўпроқ маъқул, қизим? Бу жаноблар билан ёлғиз

ўзинг гаплашасанми ёки менинг олдимда гаплашганинг яхшими? Балки, ойингнинг олдида гаплашарсан?

Кей бош чайқади:

– Яхшиси, бир ўзим гаплашаман.

– Менинг хонам сизларнинг ихтиёрингизда, – деди мистер Адамс Филипсга. – Кейин биз билан нонушта қиласизларми?

Меҳмонлар миннатдорчилик билдиришиб, таклифни рад этишди. Кей уларни отасининг хонасига бошлаб кирди.

Иккала меҳмон кушетканинг бир четига омонатгина ўтиришди. Кей отасининг кенг чарм креслосига бемалол жойлашиб олди. Суҳбатни Филипс бошлади.

– Мисс Адамс, сиз тасодифан кейинги уч ҳафта мобайнида Майкл Корлеоне билан учрашганингиз йўқмиди? Ёки, эҳтимол, ундан мактуб олгандирсиз?

Саволдан у дарҳол ҳушёр тортди. У уч ҳафта олдин Нью-Йорк полициясининг капитани ва наркотик моддалар билан савдо қилувчи Виргилий Солоццо исмли контрабандист ўлдириб кетилганлиги ҳақида Бостон газеталари катта умумий сарлавҳалар остида хабарлар босиб чиқарганини кўрганди. Газеталарда бу Корлеонлар оиласи ҳам аралашиб қолган яширин уруш операцияларидан бири эканлиги ҳақида ёзилганди. Кей бош чайқади.

– Йўқ, биз охириги марта у касалхонага, отасининг олдига борганда, тахминан бундан бир ой илгари учрашгандик.

Иккинчи агент чўрт кесди:

– У учрашувдан бизнинг жуда яхши хабаримиз бор. Сиздан, шундан кейин учрашмадингизми, деб сўраяпмиз. У ҳақда хат-хабар олмадингизми?

– Йўқ, – деди Кей.

Филипс вазмин оҳангда хушмуомалалик билан деди:

– Агар ҳар ҳолда қандайдир йўл билан алоқа боғлаб турган бўлсангиз бизни хабардор қилганингиз маъқул.

Майкл Корлеоне билан суҳбатлашиб олсак, жуда яхши бўларди. Бироқ сизни огоҳлантириб қўйишим керак – агар у билан алоқа қилсангиз, ўта оғир вазиятга тушиб қолишингиз мумкин. Сиз унга кўрсатадиган ҳар қандай ёрдам жиддий кўнгилсизликларга сабаб бўлади.

Кей уларга жим қараб ўтириб олди.

– Нега унга ёрдам бермаслигим керак? Биз турмуш қурмоқчимиз. Турмуш қурадиган одамлар бир-бирига ёрдамлашишлари керак.

– Агар ёрдам берсангиз жиноятнинг иштирокчиси бўлиб қоласиз. Сизнинг қаллиғингизни полиция излаяпти. Чунки у қотиллик қилган. Нью-Йоркда полиция капитанини, шунингдек, капитан билан учрашувга келган айғоқчини отиб ўлдирган, – деб жавоб берди Сириани. – Биз уларни Майкл Корлеоне отганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эгамиз.

Кей бу гапларга ишонмасдан меҳмонларни масхара қилгандай пиқиллаб кулди. Бу полиция айғоқчиларига таъсир қилганлигини сезиб қолди.

– Нималар деяпсиз, наҳотки Майклнинг кўлидан одам ўлдириш келса? У ҳеч қачон одам ўлдирмайди! У оиласи аъзолари ўртасида ҳам олақарфага ўхшаб, ажралиб туради. Биз Майклнинг сингисининг тўйига борганимизда қариндош-уруғлари у билан худди менга, яъни бегона одамга муомала қилгандай муомала қилишди. Бу яққол кўриниб турди. Агар у ҳозир, ҳақиқатан ҳам, яшириниб юрган бўлса, беҳуда шов-шувдан, унинг номи газеталарда босилишидан қочиб, яшириниб юрибди. Майкл жиноятчи эмас. Мен уни яхши биламан. Уни ҳеч ким менчалик билмайди. У жуда ҳалол одам, ҳеч қачон қотилликдай пасткашликка бормайди. Майкл Корлеоне ҳар қандай майда-чуйда ишларда ҳам қонунга риоя қилади. Мен бирор марта унинг ёлғон гапирганини эслай олмайман.

Филипс мулойимлик билан сўради:

– Уни кўпдан бери биласизми?

– Бир йилдан кўпроқ бўлди танишганимизга, – деди Кей. У полициячилар бир-бирига қараб кулимсираб қўйишганининг сабабини тушунмади.

– Кўринишидан сизни баъзи бир нарсалардан хабардор қилиб қўйсақ зарар қилмайдиганга ўхшайди, – деди Филипс. – Ўша куни кечқурун у сизнинг олдингиздан чиқиб, касалхонага борган. У ердан кетаётиб, касалхонага хизмат бурчи тақозоси билан келган полиция капитани билан айтишиб қолган. Капитан билан муштлашмоқчи бўлган, лекин яхшигина таъзирини еган. Аниқроқ қилиб айтганда, уни уриб жағини синдиришган, бешта тишини тўкиб ташлашган. Оғайнилари уни Лонг-Бичга, Корлеоненинг уйига олиб кетишган. Эртаси куни кечқурун у билан муштлашган капитанни отиб кетишган, Майкл Корлеоне эса ғойиб бўлган. Яширинган.

Бизда ўзимизнинг ахборот манбаларимиз, айғоқчиларимиз бор. Уларнинг ҳаммаси бир оғиздан бу Майкл Корлеоненинг иши дейишяпти. Бироқ суд учун бу далил бўлолмайди. Қотилликнинг гувоҳи бўлган официант Майклни суратидан танимади, балки ўзи билан учрашса танирмиди. Солоцонинг ҳайдовчиси қўлга олинди, бироқ у гапиришдан бош тортяпти. Агар Майкл Корлеоне қўлга тушганини кўрса, эҳтимол, ҳаммасини гапириб берган бўлармиди?! Бизнинг одамларимиз ҳам, ФБРнинг одамлари ҳам – ҳамма уни шунинг учун қидиришяпти. Лекин ҳозирча бирор натижа йўқ. Балки, бирор хабар топармиз, деб ўйлаб бу ерга келгандик.

Кей совуққина қилиб:

– Бу гапларнинг биронтасига ҳам ишонмайман, – деди.

Ўзининг эса юраги орқасига тортиб кетди. Чунки полициячилар Майклнинг уриб синдирилган жағи тўғрисидаги гапни мукамал тафсилотини тўкиб чиқаришлари мумкин эмасди. Майк жағини синдирган одамни ўлдириши эса бошқа масала эди.

– Хўш, агар Майкл қаердалигини билсангиз, бизга хабар берасизми? – сўради Филипс.

Кей бош чайқади.

Иккинчи айғоқчи Сириани бачканалик билан:

– У билан яшаганингиз бизга сир эмас, – деди.

– Меҳмонхоналарда рўйхат китоблари бор, гувоҳлар бор. Агар бу ҳақда биз беихтиёр газетачиларга шипшитиб қўйсақ, отажонингиз, ойижонингиз қандай аҳволга тушишларини биласизми? Ҳурматли, иззатли, эътиборли одамларнинг қизи гангстерлар билан ўралашиб юрса. Гап шу – ё билган ҳамма нарсангизни тўкиб соласиз, ёки ҳозир отангизни чақириб, бор ҳақиқатни юзига айтаман.

Кей хайрон бўлиб унга қараб турарди. Кейин ўрнидан туриб эшик олдига келди ва уни очди. Отаси сигара тутатиб, меҳмонхона деразаси олдида турарди. У отасини чақирди:

– Дада, бу ёққа қараб қўйинг!

Мистер Адамс қизига қулиб қаради-да, у томон юрди. У хонага кираркан, қизининг белидан ушлаб, полициячилар олдига келди.

– Қулоғим сизда, жаноблар.

Уларнинг иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди.

Шунда Кей уларнинг иккинчисига:

– Қани, бошланг, бор ҳақиқатни дадамнинг юзига айтинг, – деди.

Сириани қип-қизил бўлиб кетди.

– Мистер Адамс, мен ҳозир сизга айтадиган гап қизингизнинг фойдасига бўладиган гап. Қизингиз қотиллик қилган, полиция офицерини отиб ўлдирган бир безори билан ўралашиб юрибди. Мен агар у бизга ёрдам бермаса, катта қўнғилсизликларга дучор бўлиши тўғрисида огоҳлантирдим, холос. Лекин қизингиз бу иш қанчалик жиддий эканлигини тушунмаяпти, шекилли. Балки, у сизга қулоқ солар?

– Бу гапларга ишониб бўлмайди, – деди мистер Адамс бамайлихотир.

Сириани тумшуғини олдинга чиқарди.

– Қизингиз Майкл Корлеоне билан бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери учрашиб юрибди. Улар



меҳмонхоналарда жуда кўп марта бирга тунаб қолишган. Рўйхатномаларда эр-хотин сифатида қайд этилган. Ҳозир Майкл Корлеонега қидирув эълон қилинган, у полиция офицерининг ўлдирилганлиги тўғрисидаги иш юзасидан кўрсатма бериши керак. Сизнинг қизингиз эса бу вазифани енгиллатиши мумкин бўлган маълумотлар беришдан бош тортяпти. Бор гап шу. Сизнингча, бу гапларга ишониб бўлмайди, лекин мен ҳар бир сўзимни исботлаб беришим мумкин.

– Мен, сэр, сизнинг гапларингизнинг тўғрилигига шубҳа қилаётганим йўқ, – деди мулойимлик билан мистер Адамс. – Бошқа нарсага – қизимни катта кўнгилсизликлар кутаётганлигига ишониш қийин. Фақат, агар сиз унинг... – отанинг юзида шубҳаланиш ифодаси пайдо бўлди, – нима эди, ҳа, гумонаси бор, деб айтмаётган бўлсангиз.

Кей отасига қараркан, кўзлари косасидан чиқиб кетай деди. У отаси ҳазиллашаётганини тушунди. Лекин наҳотки отаси ҳозир эшитган гапларига шунчалик бепарво бўлса?

Мистер Адамс кескин давом этди:

– Шунга қарамасдан ишончингиз комил бўлсинки, сизни қизиқтираётган йигит келди дегунча мен дарҳол маъмурларга хабар бераман. Қизим ҳам шундай қилади. Энди маъзур тутасиз, биз нонушта қилишимиз керак.

У мулозамат билан айғоқчиларни кўчагача кузатиб қўйди ва уларнинг орқасидан эшикни назокат билан, лекин қаттиқ ёпди. Сўнгра Кейнинг қўлидан ушлаб, унинг ичкарисига, ошхона жойлашган қисмига етаклади.

– Юр, нонушта қилайлик, ойинг кутиб қолди.

Кей ошхона томон юраркан, ҳозиргина бўлиб ўтган воқеалардан, отаси бу воқеаларни сўраб-суриштириб ўтирмаганидан тўлқинланиб, кўзларига ёш тўлди. Келган одамларнинг кимлиги тўғрисида отаси огоҳлантириб қўйган бўлса керак, ойиси оғиз очмади. Кей столга келиб ўтирди, ойиси индамасдан унинг олдида овқат қўйди. Кейин ўзи ҳам ўтирди. Отаси бошини эгиб ибодат қилди.

Ўрта бўйли, тўладан келган миссис Адамс ҳар доим яхши кийиниб, тараниб, ясаниб, ораста бўлиб юрарди. Кей онасининг бирон марта ҳам пала-партиш бўлиб юрганини кўрмаганди. Эрига ўхшаб, у ҳам қизини ортиқча эркалаб-пўпаламасди, унча яқин тутмасди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

– Кей, кел, қўй энди, беҳуда қайғураверма. Буларнинг ҳаммаси сенинг хафа бўлишингга арзимайдиган нарсалар. Нима бўлгандаям, ҳар ҳолда ёш йигит – Дортмунд талабаси. Шундай йигитнинг жирканч ишларга аралашиб юрганига ақл бовар қилмайди.

Кей ҳайрон бўлиб бошини кўтарди.

– Майкнинг Дортмундда ўқишини сизлар қаёқдан биласизлар?

Миссис Адамс ғурур билан деди:

– Сиз ёшлар, ҳамма нарсани сир тутишни яхши кўрасизлар. Бироқ кимни алдамоқчи бўласизлар, ҳайронман. Унинг кимлигини, қаерда ўқишини бошидаёқ билганмиз, аммо ўзинг гап очармикансан, деб бу мавзуда оғиз очишни лозим топмадик.

– Ахир қаёқдан биласизлар? – Отаси унинг Майкл билан бирга тунаб юрганини эшитгандан кейин Кей отасининг юзига қарашга уяларди.

– Хатларини очиб ўқиганмиз, албатта, – деди отаси кулиб. Бироқ Кей боши қуйи солингани учун кулиб гапирганини кўрмади.

Қаттиқ хафа бўлганидан, жаҳли чиққанидан Кей бўғилиб қолди. Энди у отасининг юзига тик қаради. Отасининг қилмиши у қилган гуноҳдан уятлироқ эди. Кей отасининг шундай қилишига бир умр ишонмаган бўларди.

– Ёлғон, сиз ҳазиллашяпсиз. Бу ишга қандай қилиб қўлингиз борди?

Мистер Адамс мулойим табассум билан деди:

– Икки гуноҳдан қайси бири оғирроқ эканлигини – сенга келган хатларни ўқишми ёки менинг яккаю ягона

қизим оғир аҳволга тушиб қолаётган бир пайтда бундан беҳабар қолишми? Шундан енгилени танлаб олдим.

Миссис Адамс қайнатиб пиширилган товук гўштини чайнарган:

– Сен, қизим, ёшинга қараганда ҳали ҳам ўта соддасан, – деди. – Биз буни ҳисобга олишимиз, ишларингдан хабардор бўлиб туришимиз керак эди. Сен эса лом-мим демадинг.

Яхшиямки, Майклнинг ўлдим-куйдим, деб ҳис-туйғуларини очик-ошкора ёзадиган одати йўқ, деб ўйлади биринчи марта Кей. Яхшиямки, Кей ёзган хатлар ота-онасининг қўлига тушмаган.

– Унинг қандай оиладан эканлигини эшитиб, талва-сага тушиб қоласизлар, деб қўрқиб айтмагандим.

– Биз ростдан ҳам эс-хушимизни йўқотаёздик, – деди мистер Адамс. – Дарвоқе, Майкл қаерда эканлигидан хабар бергани йўқми?

Кей бош чайқади.

– Унинг айбдорлигига ишонмайман.

У ота-онаси бир-бири билан кўз уриштириб олганини сезиб қолди.

– Агар у айбдор бўлмаса, шунга қарамасдан ғойиб бўлган бўлса, демак, буни сал бошқачароқ тушуниш керакмикин?

Аввал Кей ҳеч нарсага тушунмади. Кейин ўтирган жойидан сакраб турди-да, хонасига югуриб чиқиб кетди...

Уч кундан кейин Кей Адамс Корлеоненинг Лонг-Бич шаҳри яқинидаги боғ ҳовлиси ёнида таксидан тушди. Олдиндан кўнғироқ қилиб қўйганлиги туфайли уни кути-шаётганди. Эшик олдида қизни Том Хейген кутиб олди.

Кейнинг юраги шув этиб кетди. У Хейгеннинг ҳеч нарса айтмаслигини биларди.

Меҳмонхонада унга чой тутишди. Кей уйда қандайдир бегона одамлар юрганини кўрди, бироқ Сонни кўринмасди. У Том Хейгендан шартта сўради:

– Майкнинг қаердалигини билмайсизми? У билан қандай боғлансам бўлади, айтиб бера олмайсизми?

Хейген ўйланиб ўтирмасдан дарҳол шундай деди:

– Биз Майклнинг соғ-саломатлигини биламиз, бироқ ҳозир қаердалиги номаълум. Анави капитанни отиб қўйишганини эшитгандан кейин айбни менга тўнкашади, деб қўрққан. Шундан овлоқроқ жойда яшириниб, ўтириб туришга қарор қилган бўлса керак. Менга икки ойлاردан кейин қаерда эканлиги тўғрисида хабар беришини айтишди.

Хейген Кейга илгаридан пухта ўйлаб тайёрлаб қўйилган, қалбакилиги очиқ-ойдин кўриниб турган жавобни айтди. Начора, шунисига ҳам раҳмат.

– Нима, анави капитан унинг жағини уриб синдирганлиги ростми?

– Рост бўлса керак, деб кўрқаман, – деди Том. – Лекин Майкл бунинг учун ўч оладиганлардан эмас. Ишончим комилки, бунинг қотилликка ҳеч қанақа дахли йўқ.

Кей сумкачасини олиб, ундан конверт чиқарди.

– У сиз билан алоқа боғлаганда шу хатни бериб қўя олмайсизми?

Хейген бош чайқади.

– Агар бу хатни унга етказиб бераман, деб қўлингиздан олсам ва агар сиз бу ҳақда судга кўрсатма берсангиз, суд мен хат етказиб бермоқчи бўлган одамнинг қаердалигини билишим тўғрисида хулоса чиқаради. Кутиб туриш, шошилишнинг нима кераги бор? Тез орада қаердалиги тўғрисида хабар беришига шубҳам йўқ.

Кей стакандаги чойни ичиб тугатди-да, ўрнидан турди. Хейген уни даҳлизга кузатиб чиқди, бироқ у эшикни очган ҳам эдики, кўчадан қора кийинган, бўйи пастрок, тўладан келган аёл кирди. Кей аёлни таниди – у Майклнинг онаси эди. Кей унга қўлини узатди:

– Кунингиз хайрли бўлсин, миссис Корлеоне, тинч ўтирибсизми?

У кичкина қора кўзларини дарров Кейнинг бошидан оёғигача югуртириб чиқди, буғдойранг, ажин босган чехрасига самимий табассум югурди.

– Э-э, Майкнинг қаллиги-ку, – миссис Корлеоне кучли италянча талаффуз билан гапирар, Кей унинг гапларига зўрға тушунарди. – Овқатландингми?

Кей овқатланмоқчи эмаслигини айтмоқчи бўлиб, «Йўқ» деди, лекин миссис Корлеоне Том Хейгенга гина қилиб, италянчалаб қаттиқ койиди.

– Бечора қизни бир пиёла қаҳва билан меҳмон қилишга ярамадингми, ноинсоф, уятсиз! – деди ва иссиқ, анча кекса аёл учун таажжубланидиган даражада кучли қўллари билан Кейни қўлидан тортиб, ошхонага етаклади. – Қаҳва ичасан, овқатланасан, кейин уйингга етказиб қўйишади. Кўҳликкина қиз экансан, поездларда санқиб юрсанг, яхши бўлмайди.

У Кейни ўтказди-да, йўл-йўлакай пальто ва шляпасини ечиб, стулга ташлади ва плита олдида куймалана бошлади. Орадан икки дақиқа ҳам ўтгани йўқ, стол устига нон, пишлоқ келтириб қўйди, плитада биқирлаб қаҳва қайнай бошлади.

Кей уялиб:

– Майк ҳақида бирор хабар эшитармикинман, деб келгандим, – деди. – Ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Мистер Хейген унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди, ўзи хабар бергунча кутиш керак, деяпти.

Хейген шошилиб:

– Ойи, ҳозирча фақат шуларни айтиш мумкин, холос, – деди.

Миссис Корлеоне унга норози бўлгандай қараб қўйди.

– Ҳали менга ақл ўргатмоқчи бўляпсанми? Худо ўзи кечирсин, менга ҳатто эрим ҳам ақл ўргатмаган, – деди. Кейин чўқиниб олди.

– Мистер Корлеоненинг соғлиги яхшими? – сўради Кей.

– Тузук. Аста-секин соғайяпти. Шу ҳолнинг юз беришигаки йўл қўйибдимиз, бу чол қариб, ақли камайибди, дейвер. – У бармоқларини букиб, аста бошига уриб қўйди.

Кейин у косачага қаҳва қуйди. Кейин нон ва пишлоқ билан меҳмон қилди.

Қаҳва ичиб бўлингач, миссис Корлеоне Кейнинг қўлини кафтлари орасига олиб, мулойимлик билан:

– Майк сенга хат ҳам ёзмайди, хабар ҳам бермайдди, – деди. – Сен уйингга, ота-онангнинг олдига бориб, яхши йигит топиб, куёвга чиқ.

Кей сумкачасидан хат чиқарди:

– Шу хатни менинг номимдан унга жўнатиб юбормайсизми?

Аёл хатни олиб, Кейнинг бетларини силади.

– Албатта, жўнатаман, ташвишланма.

Хейген эътироз билдирмоқчи бўлганди, у италян тилида қаттиқ бир нарса деди. Кейин Кейни эшиккача кузатиб чиқди. Остонада Кейнинг ёноғидан тезгина ўпди-да:

– Майкни унут, у энди сенга муносиб эмас, – деди.

Уй олдиди машина турар, унда икки киши кутиб ўтирарди. Улар Кейни Нью-Йоркка, меҳмонхонанинг эшиги олдигача етказиб қўйишди. Бутун йўл давомида чурқ этишмади. Кей ҳам жим келди. Кей ўзи севган одам эҳтиёткор, бешафқат қотил деган фикрга кўникишга уринди. Буни энг пишиқ ва ишончли манбадан – унинг онасидан сўраб билиб олганди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Карло Риццининг ҳамма нарсадан кўнгли сови-ди. Ширин орзулар билан Корлеонелар оиласига куёв бўлса-ю, уни Манхэттендек расво жойнинг расво бир бурчагига букмекер қилиб қўйишса. Бу итга суяк ташлаган билан баробар эди. Карло эса аҳмоқ бўлиб, Лонг-Бич яқинидаги алоҳида уйлардан бирига умидвор бўлганди, дон хоҳлаган вақтида у ерда яшаётганларни ҳайдаб чиқаради, деб ўйлаганди, уни ҳам ўзиникилар қатори ёнига олиб, тор доирадаги ишларидан хабардор қилади, одамлари билан таништиради, деб ишонганди. Дон эса унга нисбатан адолатсизлик қилди. «Буюк донмиш!» Карло Рицци лабини буриб, масхара қилди. Ёши-

ни яшаб, ошини ошаб бўлган бу ярамас чол уни иши юришмаган безорини кўчага ташлаб кетгандай, тумонат одам ичига ташлаб кўйди. Мияси ачитган чол оёқ-қўлини узатиб юборса қандай соз бўларди. Бир пайтлар Сонни Карлонинг оғайниси эди. Агар у оила бошлиғи бўлиб қолса, унга ҳам ёғлироқ жойлардан бири тегиб қолишига умид қилса бўлади.

Карло қаҳва қуяётган хотинига қараб турарди. Шу пайт хотини кўзига жуда ҳам хунук, бесўнақай кўриниб кетди. Ё алҳазар, келиб-келиб ҳаётини шу тасқара билан боғладими? Уйланганига ярим йил бўлгани йўғу, тарвақайлаб семириб кетди. Ўзи Шарқий штатдан чиққан хотинлар ҳеч қачон италиялик аёллардай қадди-басти чиройли бўлмайди.

У қўлини чўзиб, Коннининг тоғорадан кўпчиб чиққан ҳамирдай думбасини шапатилаб кўйди. Конни қулди. Карло ундан жиркангандай:

– Сўқимга боқилган чўчқадан ҳам баттар семириб кетдинг, – деди.

У хотини хафа бўлиб, афти буришганини, кўзи ёшланганини кўриб хурсанд бўлди. Буюк доннинг қизи бўлса нима қипти? Ҳозир унинг хотини, шахсий мулки, хоҳлагандай муомала қилади. Корлеоненинг қизини масхара қилаётганидан у шу дақиқада ўзига дондан ҳам зўрроқ кўриниб кетди.

Карло Рицци эринчоқлик билан қаҳвани секин ичди. Бу каталак унинг жонига теккан эди. У бундай каталакда яшашга ўрганмаганди. Невадада уйларни кенг қилиб қуришади. Бундан ташқари, бутун шаҳар оралаб ишхонага бориши керак, соат ўн иккига улгуриши лозим. Бугун якшанба, иш бошидан ошиб-тошиб ётибди, устига-устак бейсбол мавсуми авжи қизиган пайт, баскетбол мавсуми ниҳоясига етмоқда, кечки чавандозлик пойгаси ҳам бошланди. Орқа томондан келаётган куймаланиш овози хаёлларини чалғитди. Ўгирилиб қаради. Конни у жинидан ҳам ёмон кўрадиган, лекин Нью-Йорк шаҳридаги италян хотинлари ўртасида расм бўлган модада ясаниб

олган эди. Коннининг устидаги белбоғи бор, гулли, енгла-ри бурмали шойи кўйлак уни йигирма ёш катта қилиб кўйганди.

– Ҳа, йўл бўлсин? – сўради Карло.

– Лонг-Бичга, отамникига, – деди Конни бепарволик билан. – Отам ҳали ҳам касалхонадан чиқмабди, мен ҳам олдида бир-икки кун қараб ўтиришим керак.

Карло пайрахадай ловуллаб кетди.

– Э-ҳа, демак, оркестрга Сонни бошчилик қияпти экан-да!

Конни ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Қанақа оркестр?

Карло тутақиб кетди.

– Сен, кўтир, мен билан яна шунақа гаплашадиган бўлсанг, қорнингни ёриб ташлайман.

Конни кўрққанидан орқасига тисарилди, бундан Карлонинг баттарроқ ўти чиқди. Ўтирган жойидан шарт-та турди-ю, Коннининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Коннининг юзи шу онда лоладай қизариб кетди. Карло яна уч марта мушт туширди. Коннининг юқори лаби ёрилиб, қонаб кетганини кўрганидан кейингина ўзига келди. Лаби ёрилгани яхши бўлмади, из қолмаслиги керак эди. Конни отилиб ётоқхонага кирди-ю, эшикни ёпиб олди. Карло қулфнинг шиқирлаганини эшитди. У мазах қилгандай хахолаб кулди ва ўтириб, қолган қаҳвасини ича бошлади.

– Карло кўчага чиқди. Машинасининг ойнатозалаги-чи остида қистирилган қоғоз турарди. Бу рухсат этилма-ган жойда тўхтаганлиги учун тўланадиган жарима қоғози эди. Яшил қоғоз, демак, ўн беш доллар. У қоғозни ма-шинасининг кабинасидаги сандиқчасига ташлаб қўйди. Сандиқчада бунақа қоғоздан бир тўпи қалашиб ётарди. Энди унинг кайфияти аъло даражада эди. Доим шунақа бўлади – талтайиб кетган ярамас хотинни хумордан чиқиб калтакласанг, дарҳол кайфиятинг кўтарилади. Бундай пайтларда Корлеонелар уни камситишаётгани ҳам унутилгандай бўлади.



Биринчи марта уриб Коннининг кўзини кўкартирганида анчагача ачиниб юрганди. Конни эса дарҳол кўзини кўрсатиб, ота-онасига шикоят қилгани Лонг-Бичга кетворганди. Тўғриси айтганда, у қайтиб келгунча Карло бўларича бўлганди. Лекин ажабланарлиси шундаки, у ювошиб, итоаткор, меҳрибон италян хотини бўлиб қайтиб келди. Икки ҳафта чамаси сир бой бермай юрди. Ниҳоят, энди бундай ҳол такрорланмаслигига ишонч ҳосил қилди шекилли, бўлган воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.

Ота-онаси уни бепарволик, лоқайдлик билан кутиб олишибди, ҳатто ундан кулгандай ҳам бўлишибди. Тўғри, онаси қизига сал ачинибди. Ҳатто отасидан Карло Рицци билан гаплашиб қўйишни ҳам сўрабди. Лекин отаси рад этибди.

– Гарчи Конни менинг қизим бўлса ҳам, – деди отаси, – энди у эрининг хотини. Мен уларнинг ўртасига туша олмайман. Ҳатто Италия қироли ҳам эр-хотиннинг ишига аралашмаган. Уйига қайтиб борсин ва ўзини шундай тутсинки, эри урмасин.

– Сиз ўзингиз ҳаётингизда бирор марта ойимга қўл кўтарганмисиз? – деди Конни алам қилиб.

Конни отасининг эрка қизи эди. Шунинг учун ҳам унинг бундай чўрткесарлиги узрли эди.

– Ойинг бирон марта ҳам урадиган иш қилган эмас, – деб жавоб берди отаси.

Онаси бош қимирлатиб маъқуллаб, кулиб қўйди.

Конни ота-онасига тўйида совға қилинган пулни эри тортиб олганлигини, нимага сарфлаганлиги тўғрисида оғиз очмаганлигини айтиб берди. Отаси елка қисди.

– Агар менинг хотиним ҳаддан ортиқча ишларни ўзига раво кўрадиган бўлса, мен ҳам худди шундай қилган бўлардим.

Шундан кейин Конни попути пасайиб, уйига қайтиб келди. Отаси уни жуда яхши кўрарди, бу совуққонлик отасида қаердан пайдо бўлганлигини у тушунтириб беролмади.

Бироқ дон у ўйлагандай бағритош одам эмасди. У сўраб-суриштириб, деярли ўн беш минг доллардан иборат тўй совғасини Карло тунги барлардаги хотинларга сарфлаб юборганини аниқлади. У Риццининг тотализаторига махсус одамлар қўйди, улар Карлонинг букмекерлик лавозимидаги ҳар бир қадамидан Хейгенни хабардор қилиб туришарди. Бироқ дон унинг ишига аралашмади. Хотинининг ака-укалари, қариңдош-уруғларидан кўрқадиган эрдан нимани ҳам кутиб бўларди – у эр оилавий бурчини қандай адо этади? Бу ўта мураккаб вазият, шунинг учун ҳам қизининг ёнини олишга журъат этолмасди.

Лекин синглисининг калтакланганини эшитиб, Сонни Корлеоне қаттиқ ғазабланганини, фақат шахсан доннинг ўзи томонидан жорий қилинган, ҳатто Сонни ҳам инкор қилолмайдиган қатағонгина уни қасос олишдан тўхтатиб қолганлигини эшитганида эди, Карло Рицци ҳам сал ҳовуридан тушган бўлармиди. Айнан шунинг учун Сонни Рицци билан учрашиб қолишдан қочиб юрди, у ўзига ишонмас, ўзини тутолмай қолишдан кўрқарди.

Мана, бугун ҳам ўзига ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигига ишончи комил бўлган Карло Рицци шундай ажойиб якшанба кун тонгида Тўқсон олтинчи кўча бўйлаб машинасида Ист-Сайд томон учиб борарди. У иккинчи томондан уйининг олдида Сонни Корлеоненинг машинаси келиб тўхтаганини кўрмади.

Оила мулкидаги қароргоҳини тарк этган Сонни тунни шаҳарда, Люси Манчининикида ўтказди. Ҳозир уйга кетаётган йўлда уни тўрт шахсий соқчи – иккитаси олдида, иккитаси орқада кузатиб борарди. Унинг миясига шаҳарга келгандан кейин синглисига учраб ўтиш ва уни бирга Лонг-Бичга олиб кетиш тўғрисидаги фикр келиб қолди. Карло ҳозир Ист-Сайдда мазза қилиб юрибди, хотинини машинада етказиб қўйишга эса пулни аяйди, хасис. Шундай бўлгач, синглисини бирга олиб кетади.

Сонни ҳеч қачон лифтдан фойдаланмасди. У лифтни қопқон деб биларди. Шунинг учун зинапояннинг икки босқичини бир ҳатлаб, саккиз маршни<sup>1</sup> тез босиб чиқдида, Коннининг квартираси эшиги олдида тўхтади. Эшикни чертди. У Карло жўнаб кетганини кўрганди. Демак, синглиси уйда. Ҳеч ким жавоб бермади. У яна эшикни чертди. Синглисининг ҳадиксираган овози эшитилди.

– Ким у?

Ўқчиб айтилган бу гап Соннини доводиратиб қўйди. Синглиси болалигиданоқ ерга урса кўкка сапчийдиган, ўт-олов қиз бўлиб ўсганди. Оиланинг бошқа аъзолари каби ўзини дадил ҳимоя қила оларди. Нима бўлдийкин?

– Бу мен, Сонниман, – деди у.

Қулф шиқирлаб, эшик очилди ва Конни ҳўнграб акасининг бўйнига осилди. Сонни шу даражада ўзини йўқотиб қўйдик, дастлабки дақиқаларда қаққайиб туриб қолди. Кейин синглисини ўзидан сал нари итариб, шишиб кетган юзини кўрди-ю, нима бўлганлигини тушунди.

У пастга отилиб тушиб, синглисининг эри орқасидан қувмоқчи бўлди. Қаттиқ ғазабланганидан Соннининг афти буришиб кетди. Конни акаси ўзини тутолмаётганини кўриб, маҳкам ёпишиб олди, қўйиб юбормасдан, уй ичига тортди. Энди у қаттиқ кўрққанидан ҳўнграб йиғларди.

– Бўпти, – деди Сонни. – Бас қил. – У ошхонага кириб, телефон рақамларини тера бошлади. – Ҳозир врач чақираман, текшириб кўрсин. Ҳозирги аҳволингда эҳтиёт бўлишинг керак. Қанча қолди ўзи?

– Икки ой, – деди Конни. – Сонни, илтимос қиламан, унга тегма, ёлвораман.

Сонни кулди. Унинг қиёфасида шафқатсизлик намоён эди.

– Ташвиш қилма, – деди. – Боланг отасиз туғилмаслигига ҳаракат қиламан,

---

<sup>1</sup> **Марш** – зинапояннинг икки супа ёки қават ўртасидаги қисми.

У синглизининг соғ ёноғидан ўпиб қўйди-да, таш-қарига чиқди.

Ист-Сайддаги бир юз ўн иккинчи кўчада, қандолат-хона олдида, Карло Риццининг тотализатори жойлашган жойда машиналар икки қатор бўлиб, қатор тизилиб турарди. Тотализаторга кириш йўлагиди оталари якшанба куни эрталаб машинада сайр қилдириб келиш учун бирга олиб келган болалари билан қувлашмачоқ ўйнашарди. Бу ерга тўпланганлар бейсбол ўйинида у ёки бу команданинг тарафини олиб, ўртага пул қўйиб қимор ўйнашарди. Болалар эса команда танлашда оталарига ёрдам беришарди. Карло Рицци келганини кўриб, унинг мижозлари болаларни чалғитиш учун музқаймоқ олиб беришди, ўзлари эса бейсболчиларнинг қайси бири уларга ютуқ келтириши мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилиб, биринчи бўлиб тўп узатувчи бейсболчиларнинг исм-фамилиялари ёзилган газетани ўқишга киришдилар.

Карло савдо зали орқасидаги катта хонага ўтди. Унинг икки «мирза»си –кўринишидан ориқ, лекин чайир Салли Рэгс ва «Тренер» лақабли ўта бесўнақай яна биттаси қўйиладиган довни ёзиб бориш учун чизикли дафтарчани олиб, тайёр бўлиб туришарди.

Орадан ярим соат ўтгач, омадини синаб кўрмоқчи бўлганлар тарқалиб кетишди. Карло Салли Рэгс билан салқинлаб ўтириш учун айвонга чиқишди. Болалар асфальт йўлда шайба ўйнашарди. Полиция машинаси йўлдан катта тезликда ўтиб кетди. Карло билан Салли Рэгс бунга парво ҳам қилишмади. Қорхонанинг полиция участкасида кучли хомийлари бор эди, шунинг учун ҳам маҳаллий маъмурларнинг қўли калталик қиларди. Қиморбозларни қуршаб олиш учун энг юқоридан кўрсатма бўлиши керак. Бундай кўрсатма бўлган тақдирда ҳам тегишли одамлар Карло Риццининг одамларини олдиндан огоҳлантириб қўядилар.

Қандолатхонадан чиққан Тренер уларнинг ёнига келиб ўтирди. Бейсбол ҳақида лақиллаб ўтиришди, кейин суҳбат мавзуси аёлларга кўчди. Карло хурсанд бўлиб кулиб:

– Уйда ким бошлиқ эканлигини кўрсатиб қўйиш учун бугун яна хотинимни дўшпослашга тўғри келди, – деди.

Тренер эҳтиёткорлик билан:

– Яхши қилмабсан, эрта-индин кўз ёридиган одам... – деди.

– Э, қаёқдаги гапларни айтасан, башарасига икки марта яхшилаб туширдим, холос, – деди Карло. – Ўлмайдди. – У қовоғини солиб жим бўлди. – Ўзинг ўйлаб кўр, уйда ҳўжайинчилик қилмоқчи. Йўқ, бунақаси кетмайди.

Қандолатхонанинг олдида бекорчи ўйинчилар анча тўпланиб қолишганди. Улар ўзларича бейсбол ўйини ҳақида баҳслашишарди. Баъзи бирлари «мирза»лар ва Карло орқасидаги зинапояга келиб ўтиришди. Тўсатдан йўлда шайба ўйнаётган болалар қирғий човут солган чумчуқ галасидай ҳар томонга қочишди. Бир машина қандолатхона олдида ўқдай учиб келди ва шундай қаттиқ тўхтадики, қулоқларни тешиб юборадиган даражада чийиллаган овоз чиқди. Машина тўхтаб улгурмасданоқ олдинги эшиқдан бир одам шундай шошилиб тушдики, кутилмаган бу воқеадан ҳамма қотиб қолди. У Сонни Корлеоне эди.

Қаттиқ ғазабланганидан унинг чорпахил юзи оппоқ бўлиб кетган, дўрдоқ лаблари дир-дир титрарди. Кўз очиб юмгунча у зинапояга кўтарилди-да, Карло Риццининг ёқасидан олди. Бошқалардан ажратиб олиш ва йўлакка судраб чиқиш учун Карлони бор кучи билан тортди. Лекин Карло чайир қўллари билан эшик олдидаги темир панжарага маҳкам ёпишиб олганди. У юзи ва бошини оёқлари орасига яширишга уриниб, қўнишиб олди. Сонни ёқасидан олгач, устидаги қўйлаги йиртилиб кетди.

Шундан кейин бўлган воқеани кўрган одам, албатта, изтиробга тушарди. Сонни ғужанак бўлиб олган Карлони тинимсиз дўшпослар, мушт туширар, ғазабидан хириллаб қолган овози билан аямай ҳақорат қиларди. Ҳўкиздай кучи бўла туриб, Карло тирноқча қаршилиқ кўрсатмасди, шафқат қилиш, узр сўраш ҳақида оғиз ҳам

очмасди, ҳатто инграб ҳам қўймади. Тренер ва Салли Рэгс миқ этмасдан ўтиришди. Улар Сонни куёв боласини ўлакса қилиб калтаклайди, деб ўйлашгани ва унинг ҳолига тушишни хоҳлашмасди. Ўйинга халақит берган давангирни бошлаб сўкиб, хумордан чиқишга тўпланган чурвақалар ҳам бу томошани кузатиб туришди. Улар уришқоқ, жангари кўча болалари бўлишларига қарамай, ваҳшийлашган Соннини кўришиб, жим бўлиб қолишди. Бу орада иккинчи машина етиб келди, ундан Соннининг икки шахсий соқчиси отилиб тушди. Бўлаётган воқеани кўриб, улар ҳам аралашинишга журъат этишмади. Улар агар четдаги одамлардан биронтаси аҳмоқлик қилиб, Карлонинг тарафини олишмоқчи бўлса, дарҳол хўжайинини қутқаришга тайёр бўлиб турдилар.

Калтакланаётган одам бутунлай итоаткорлик қилиб турганлиги учун ҳам бу жуда мудҳиш томоша эди. Ким билади, дейсиз, балки унинг ҳаётини ана шу итоаткорлик қутқариб қолгандир. Темир панжарага маҳкам ёпишиб олиб, Сонни уни кўчанинг ўртасига судраб чиқишига йўл қўймади. Гарчи Сонни билан муштлашинишга етгудай кучи бўлса ҳам, ҳамон қаршилиқ кўрсатмасди. Бошига, бўйнига, елкаларига тинимсиз мушт ёғиларди. Бироқ Карло Сонни ҳолдан тойиб, жаҳлидан тушгунча лом-мим демай, бош эгиб тураверди. Сонни ҳансираб унга қаради-да:

– Итвачча, агар синглимга яна бир марта қўл кўтардиган бўлсанг, каллангни оламан, – деди.

Бу гап вазиятни юмшатди. Чунки агар Сонни, ҳақиқатан ҳам, Карлони ўлдирмоқчи бўлганда, дағдаға қилиб, қўрқитиб ўтирмасди. У аламидан, ноиложликдан дағдаға қиларди, чунки Карлони ўлдириш мумкин эмасди. Карло ундан кўзини олиб қочди. У бошини кўтармасдан панжаранинг темир тўсиқларини кўлида эгиб-букишда давом этди ва Соннининг машинаси моторини гуриллатиб олислаб кетгунча, Тренернинг ғайритабиий, деярли оталарча ғамхўрлик билан айтилган: «Бўлди, Карло, юр, дўконга кирайлик. Ҳаммага томоша

бўлишнинг нима кераги бор», – деган овози эшитилгунга қадар ана шу ҳолатда тураверди.

Шундан кейингина Карло зинапояннинг тош босқичларидан нигоҳини узишга, белини кўтариб, панжара тўсиқларидан қўлини олишга журъат этди. Қаддини тиклаб тик тураркан, бир одам иккинчисини ҳақорат қилганлигининг гувоҳи бўлган болалар кўзи косасидан чиқиб, пешаналари тиришиб, унга қараб туришганини кўрди. Карло Рицци дўлдай ёғилган қаттиқ зарбалардан шикастланмади. Кўпроқ руҳий изтиробдан, қаттиқ қўрққанидан бўлса керак, кўнгли айний бошлади. Тренер қўлидан етаклаб, қандолатхона орқасидаги хонага олиб кирди. Шикастланмаган, қонамаган, лекин ҳаяжон зарбидан кўкариб кетган, ғурра билан тўла юзига муз малҳам кўйганда қаршилиқ қилмади. Ваҳима чекиниб, энди қаттиқ ҳақоратланганини ўйлаганда, Карло кўнгли айниб, қайт қилди. Тренер унинг бошини чаноқ – сирланган қўл ювгич устида ушлаб турди, кейин худди маст одамни етаклагандай уни қўлтиқлаб, нарвондан дўкон устидаги хонага кўтарилишга ёрдам берди ва ётоқхоналардан бирига ётқизиб қўйди. Салли Рэгс сездирмасдан қайгадир ғойиб бўлганига Карло эътибор ҳам бермади.

Салли Рэгс эса пиёда юриб Учинчи авенюгача бордида, Рокко Лампонега кўнғироқ қилиб, бўлган воқеа ҳақида батафсил ахборот берди. Рокко бу хабарни хотиржамлик билан қабул қилди ва ўз навбатида телефон орқали сароғегите Пит Клеменцага етказди. Клеменца норози бўлиб томоғини қирди ва тўнғиллади:

– Э, қуриб кетсин, бу Сонни дегани қутурган буқа бўлди. – Бироқ аввал тугмани босиб, кейин гапиргани учун бу гапларни Рокко Лампоне эшитмади.

Сўнгра Клеменца Лонг-Бичга, Том Хейгенга кўнғироқ қилди. Хейген бир неча дақиқа жим тургач:

– Ҳар эҳтимолга қарши имкони борича тезроқ йўлга бир неча машина жўнатиш, – деди. – Машиналар тирбанд бўлиб, ё йўл ҳодисаси юз бериб ёки бошқа бирор сабаб билан Сонни ушланиб қолиши мумкин. Бундай

пайтларда у нима қилаётганини билмай қолади. Бизнинг дўстларимиз унинг шаҳарда эканлигини эҳтимол эшитишган бўлсалар керак. Лекин ҳар ҳолда...

– Мен йигитларни йўлга чиқариб улгургунимча Сонни уйда бўлади, – деди Клеменца шубҳаланиб. – Агар мен улгура олмасам, демак, Таттальярлар ҳам улгура олишмайди.

– Тўғри, биламан, – деди шошилмай Хейген. – Аммо кўзда тутилмаган бирор воқеа юз бериб, Сонни ушланиб қолиши мумкин. Ҳаракат қил, Пит.

Клеменца ичида сўкиниб, Рокко Лампонега қўнғироқ қилди ва Лонг-Бич йўлига бир неча машинада одамлар чиқаришни буюрди. Ўзи ҳам кўримсиз машинасини олиб чиқди-да, эндиликда унинг уйини кўриқлаётган қоровуллар отрядидан уч кишини олиб, Атлантик-Бич орқали кўприқдан ўтиб, Нью-Йорк томон йўлга чиқди.

Қаңдолатхона олдида ўралашиб юрган ўртача ўйинчи, лекин яхшигина айғоқчи бўлган, Таттальярлар оиласидан мояна олиб турадиган бекорчилардан бири алоқачига қўнғироқ қилиб, у орқали маълумотни хўжайинга етказди. Лекин Таттальярлар оиласи ҳали ҳарбий давр талабларига мослашиб улгуришмаганди. Шунинг учун ҳам маълумот оралиқ тўсиқлардан ўтиб, оила бошлиғи билан боғлайдиган сароғегимега етиб келгунча вақт бой берилди. Бу пайтга келиб, Сонни Корлеоне отасининг Лонг-Бич шаҳри яқинидаги уйига соғ-саломат етиб келган ва унинг қилмишларидан беҳад жаҳли чиққан дон олдида жавоб беришга тайёр турарди.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Корлеонелар оиласи ва уларга қарши бирлашган Беш оила ўртасида 1947 йилда бўлиб ўтган уруш ҳар икки томонга қимматга тушди. Капитан Маккლოსкининг ўлими учун қасд олиш мақсадида полиция уришаётган томонларга қаттиқ тазйиқ кўрсатганлиги вазиятни янада мураккаблаштирганди. Ҳозиргача полиция бошқармасининг



оператив раҳбарлари бойлик орттириш мақсадида турли қиморхоналар, ўғрихоналар ва фоҳишахоналарни ҳомийликка олган ҳокимиятга дахлдор бўлган амалдорларнинг сиқуви билан ҳисоблашмаган ҳоллар камдан-кам бўларди. Бироқ жанговар зобитлар юқоридан берилган буйруққа бўйсунмай қўйиб, армияда қўзғолон ва ғалаён рўй берганда штаб генераллари ожиз бўлиб қолганлари каби, бу амалдорлар ҳам ожиз эдилар.

Корлеонелар оиласи бундай ҳужумлардан душманларига нисбатан камроқ зарар кўрди. Бу оила бойлигининг асосий қисми қиморхоналардан келарди. Шунинг учун у яширин лотерея қиморхоналари таъқиб остига олинганидан кейин зарар кўрди. Ташкилотчилар ва патта сотувчиларни жинойт устида қўлга тушириб, аввал тўқмоқ билан роса савалашди, кейин қамоққа ташлашди. Бир неча яширин «банк»ларни ва қиморхоналар жойлашган уйлارни топиб олишди, қуршаб олишлар натижасида уларнинг эгалари, «банкчи»лар жиддий зарар кўрдилар. «Банкчи»ларнинг кўпчилиги катта тузлар бўлиб, сароларга шикоят қилишди, улар эса бу шикоятларни оила кенгаши муҳокамасига қўйишди. Лекин ҳеч қандай чора-тадбир ўйлаб топишнинг иложи йўқ эди. «Банкчи»ларга вақтинча қиморхоналарни ёпиб туриш тўғрисида кўрсатма берилди. Энг даромадли жой бўлган Гарлемда «банкчи»лар маҳаллий негрлар билан алмаштирилди. Улар таваккал қилиб, полициячилар тополмайдиган жойларда қиморхоналар очдилар.

Капитан Маккლოსки ўлимидан кейин гоҳ у, гоҳ бу матбуотда унинг исми Солоццо исми билан бирга тилга олинган хабарлар пайдо бўла бошлади. Уларда Маккლოსки ўлимидан сал олдин қаердадир катта миқдорда пул олганлиги айтиларди. Хейген ўйлаб топган бу маълумотлар, унинг елиб-югуриши билан матбуот саҳифаларида пайдо бўларди. Полиция идораси матбуот хабарларини ё тасдиқламас, ё рад этмасди. Бу пайтда эса бу хабарлар таъсир кучини кўрсата бошлаган эди. Сотиб олинган айғоқчилар, Корлеонелар оиласидан мояна олиб туради-

ган полициячилар орқали полицияга Маккроски учига чиққан товламачи бўлганлиги тўғрисида тинимсиз ахборотлар тушарди. Агар у шунчаки пул, оддий пора олганда майли эди, бу полициянинг оддий хизматчиси учун табиий ҳол эди. Лекин у олган пуллар энг жирканч пуллар – қотиллик, наркотик моддалар сотиш орқали топилган пуллар эди. Бу эса полициядаги ахлоқий талабларга кўра кечириб бўлмайдиган гуноҳ эди.

Қонунчилик ва интизомга кўр-кўрона ишониш ва унга риоя қилиш полициячига хос хусусият эканлигини Хейген тушунарди. Бу у хизматини қилаётган тирикчиликдан бошқа нарсани ўйламайдиган оддий одамлар ишончига қараганда табиийроқ, ҳалодроқ ишонч эди. Ахир тартиб-интизом, қонунчилик полиция ва унинг ҳар бир аъзоси роҳат-фароғатда яшашини таъминлайдиган, деярли унинг ҳар бир аъзосини ҳукмрон қиладиган сеҳрли кучда! Иккинчи томондан у зарур бўлган одамдан норози бўлиб юради. Оддий одам айни пайтда ҳам унинг васийлиги остидаги одам, ҳам ўлимга ҳукм қилиб қўйилган одамдир. Васийлиги остидаги одам сифатида у кўрнамак, кўпол, инжиқ, ўлимга ҳукм қилиб қўйилган одам сифатида эса қув, хавфли, ўта маккор. Агар тартиб соқчилари қўлига тушиб қолгудай бўлса, полициянинг ҳамма хатти-ҳаракатларини ҳар қандай йўллар билан барбод қилиш учун полиция қўриқлаётган жамият тўла ҳаракатга келади. Юқори амалдаги бошлиқларни сотиб олишга киришилади. Кўнгилчан суд учига чиққан муттаҳам ўғриларга нисбатан шартли ҳукм чиқаради. Агар оқловчилар жиноятчиларни оқлашга ожизлик қилиб қолишса, штатларнинг губернаторлари, ҳатто президентнинг ўзи уларни афв этишларини сўраб, бу ишга аралашшишдан тортинмайдилар. Вақт ўтиши билан полициячининг ҳам калласи ишлай бошлайди. Нега энди оми халқ қонуний жазодан қутулиш учун сарфлаётган пулларни полициячи ўз қўлига олиши мумкин эмас? Ахир бу пул унга бошқаларга қараганда кўпроқ керак-ку! Унинг фарзандлари ҳам коллежларда ўқисин. Уларнинг

бошқалар фарзандларидан кам жойи борми? Унинг хотини ҳам қимматбаҳо моллар сотиладиган дўконга бориб савдо қилсин. Қишда таътилга чиқиб, Флоридага бориб пляжда қорайиб келса, ўзига ҳам зарар қилмасди. Ахир ҳар ҳолда у хавф-хатар остида ишлайди, бу ҳазилакам гап эмас-да!

Лекин, шунга қарамасдан, у ҳатлаб ўтолмайдиган чегара ҳам мавжуд. Тўғри, у букмекердан пора олади, эвазига унинг фирибгарлик ишларига аралашмайди. У машинасини мумкин бўлмаган жойга қўйган ёки тезликни оширган ҳайдовчидан пул олади. Маълум миқдорда пул эвазига у таклифнома билан уйларга келадиган қизларни ҳам кўрмаганликка олади. Бундай қизлар кечкурунлари кўча-кўйда тўлиб кетади. Инсон табиатига хос бўлган бундай ишлар қадимдан мавжуд. Лекин полициячига одатда қуролли талончиликка, наркотик моддалар билан савдо қилишга, зўрлашга, қотилликка ва бошқа ёвузликларга бепарво қараганлиги учун зўрлаб пора берилмайди. Унинг тушунчасига кўра бундай жиноятлар унинг шахсий қудрати асосини емиради ва бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Полиция капитанининг ўлдирилиши, полиция хизматчилари нуқтаи назаридан қараганда, подшонинг ўлдирилиши билан тенг эди. Аммо Маккლოსки наркотик моддалар билан савдо қилувчи учига чиққан контрабандачи билан бирга отиб ўлдирилганлиги маълум бўлгач, инсон ҳаётига суиқасд қилишда иштирок этганликда ундан шубҳаланишаётганлиги ҳам маълум бўлиб қолди ва полициячилар даврасида ўч олишга бўлган эҳтирос аста-секин сўна бошлади. Бунинг устига қанчалик чирансанг ҳам барибир турмуш ўз йўлига соларкан. Насияга олган молларнинг пулини бериш керак, узоқ муддатга қарзга олган машинасининг пулини тўлаш керак, болаларни оёққа турғазини керак... «Рўйхатнома»дагилардан чўтал олмаса, полициячи маошини учма-уч етказиш учун бўзчининг мокисидай тинимсиз югуриши керак эди. Масалан, дейлик, нонуштага расмий рухсатсиз савдо

қилаётган дўкондордан чой-чақа ундиради. Масалан, дейлик, машинасини тўғри келган жойда қолдирган бирорта хайдовчи пайдо бўлиб қолади. Хўш, нима қилиши керак? Баъзи бировлар баччабозлик, ҳақорат ёки зўрлашда шубҳа қилиниб, участкага келтирилганларнинг чўнтақларини шу ернинг ўзидаёқ тозалаб қўйишарди. Буларнинг ҳаммаси юқоридаги полициячиларнинг ён босиши билан тугарди. Улар шу йўл билан кадр-қимматини ошириб олганларидан кейин оилавий синдикатларга тирикчилик қилишга рухсат беришди. Яна машиналар ишга тушди, яна маҳаллий маъмурларнинг тизмаси ва ой сайин ким қанча чой пули тўлаб туриши юзасидан кўрсатмалар, «рўйхатнома»лар ёзилди. Яна ижтимоий тартиб мавжудлигига ўхшаш жимлик вужудга келди.

Хатарли дақиқаларда дон Корлеоне ётган касалхонага хусусий айғоқчилардан соқчилар қўйиш фикри Хейгендан чиққан эди. Кейин бу соқчилар Тессо отрядидаги кучлироқ соқчилар билан алмаштирилди. Аммо бундан ҳам Соннининг кўнгли тўлмади. Февралнинг ўрталарига келиб, дон анча тузалиб, жойидан жилдириш мумкин бўлиб қолган-да, уни санитария машинасида уйга, парк ичидаги қароргоҳига кўчириб келишди. Уйда унинг келишига пухта тайёргарлик кўрилди – ҳар эҳтимолга қарши кўзда тутилмаган қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида ётоқхона энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, касалхона палатасига айлантирилди. Синчковлик билан саралаб олинган, синалган ҳамширалар туну кун беморнинг қаравоти олдида навбатчилик қилдилар. Қулоқ эшитмаган миқдордаги хизмат ҳақи эвазига дўхтир Кеннедини доимий врач сифатида ёки ҳеч бўлмаганда донни медицина ҳамширалари қарамоғида қолдириш мумкин бўлгунга қадар бу уй санаторийга кўчиб келишга кўндирдилар.

Боғ теграсига қадам қўйиш мумкин бўлмай қолди. Бу ердаги уйларда истиқомат қилаётган, лекин оила иши

билан банд бўлмаганлар дон Корлеоне маблағи ҳисобига она юртига – Италия қишлоқларига дам олишга жўнаб кетишди. Уларнинг ўрнига Сонни ва Клеменцанинг мерганлари жойлаштирилди.

Сал ўзига келиб олиши, шу билан бирга янги қурилаётган ҳашаматли меҳмонхона ва қиморхоналар комплекси оила учун қандай имкониятларга эга эканлигини чамалаб кўрсин деган мақсадда Фредди Корлеонени Лас-Вегасга жўнатиб юборишди. Лас-Вегас Ғарбий соҳил империясига қарашли бўлиб, ҳозирча бетараф эди. Бу империяни бошқараётган дон ўз теграсида Фреддининг хавф-хатарсиз яшашини таъминлашни зиммасига олган эди. Нью-Йоркдаги Беш оила Фреддини Лас-Вегасда таъқиб этиб, янги душман орттириб олишни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Нью-Йоркда ҳам уларнинг иши бошидан ошиб-тошиб ётганди.

Доктор Кеннеди бемор олдида иш ҳақида суҳбатлашишни ман қилди. Бироқ бу ман этиш билан ҳисоблашишни ҳеч ким ўйламасди. Дон уйга келган биринчи кунийёқ ҳарбий кенгаш ўтказишни талаб қилди. Кечга бориб унинг хонасига Сонни, Том Хейген, Пит Клеменца ва Тессио тўпланишди.

Дон Корлеоне камқувватлилигидан ҳали гапиришга қийналар, бироқ у ҳамма гапни тинглашни, зарур ҳолларда тақиқлаш ҳуқуқидан фойдаланишни хоҳларди. Фредди Лас-Вегасга қиморхонадаги ишни йўлга солиш учун жўнатилганини эшитиб, бош эгиб маъқуллади. Оила аъзоларининг Бруно Таттальядан қасд олганлиги тўғрисидаги хабарни эшитганда оғир хўрсиниб, норози бўлгандай бош чайқади. Лекин ҳаммасидан ҳам Майкл Солоццо ва Маккლოსкини отиб ўлдириб, Сицилияга қочиб кетишга мажбур бўлганлиги тўғрисидаги хабардан қаттиқроқ хафа бўлди. Бу хабарни эшитган дон кўли билан ҳамма хонадан чиқсин, дегандай ишора қилди. Кенгашни донсиз, бурчакдаги қонуншуносликка оид адабиётлар териб қўйилган хонада давом эттиришга тўғри келди.

Сонни Корлеоне ёзув столи орқасидаги катта креслога чўкди.

– Мен икки ҳафта, врач оилавий ишлар билан шуғулланса бўлади, деб рухсат бермагунча чолни безовта қилмаслик керак, деб ўйлайман. – У жимиб қолди. – У тузалиб, ўрнадан тургунча ишларни тўғрилаб қўйсақ, ёмон бўлмасди. Полиция рухсат берди. Демак, машинани ишга солишимиз керак. Энг аввало, Гарлемдаги яширин лотереяни қайтариб олиш зарур. Қора чурвақалар уч-тўрт кун шўхлик қилишди, бўлди, энди иззатини ҳам билишсин. Ҳаддидан ошиб кетишди, бас энди. Ҳар қадамда ютуқдан қисиб қолишяпти. Ўзлари машиналарда савлат тўкиб, сайр қилиб юришади. Тўловларни эса ё муддатини чўзиб юборишади, ё ўйинчига у ютиб олган ютуқнинг ярмини беришади, вассалом. «Банкчи»нинг мижозлар олдида ўз бойлигини кўз-кўз қилиши, башанг кийиниб олиб, чиройли машинада гердайиб юриши менга керак эмас. Ўйинчиларнинг ютуғидан уриб қолиш ҳам мутлақо керак эмас. Бўлди, якка хунармандчиликнинг кераги йўқ, улар номимизга доғ туширишади. Том, бу масалани зудлик билан ҳал этиш керак. Одамларга тўсиқ олиб ташланганлигини айтиб қўйсанг бас, у ёғи ўзи юришиб кетаверади.

– Гарлемда ҳеч кимдан тап тортмайдиган йигитлар бор, – деди Хейген. – Улар катта пулга мазахўрак бўлиб қолишди. Яна ташкилотчи ва банкчи бўлиш уларга ёқармикин.

Сонни елкасини қисди.

– Ёқмаса номма-ном Клеменцага айтиб қўясан, вассалом. Уларнинг ақлини киритиб қўйиш Клеменцанинг вазифаси.

– Тўғрилаймиз, ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас, – деди Клеменца.

Тессио энг оғир мавзуда гап бошлади.

– Иш бошлашимиз биланоқ Беш оила бизга қарши қўзғалади. Гарлемдаги «банкчи»ларимизга, Ист-Сайддаги букмекерларимизга хужумлар бошланади. Балки, биз-

нинг ҳомийлигимиздаги тикувчилар ҳам таъқиб қилинар. Бу уруш бизга қимматга тушади.

– Балки, бош қўтариша олмас, – деди Сонни. – Ахир хужум бошлашса, тегишли жавоб бўлишини улар ҳам билишса керак. Мен тинчлик музокаралари олиб бориш юзасидан қармоқ ташлаб кўрдим, кенжа Таттальяга хун тўлашда бир оз ён боссак, балки тил топишиб кетармиз.

– Бизнинг тинчлик тўғрисидаги таклифларимизни қабул қилишмайди деб ўйлайман, – деди Хейген. – Кейинги ойлар мобайнида улар жуда катта зарар кўришди. Сўзсиз, бунга бизни айбдор деб ўйлашади. Бунга уларда асос ҳам бор. Менимча, уларнинг мақсади бизни наркотик моддалар билан савдо қилишда иштирок этишга мажбур қилиш, оиланинг давлат аппаратидаги алоқаларидан фойдаланишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, Солоццо ғояларини Солоццосиз амалга оширишмоқчи. Лекин дастлабида кучларимизни пароканда қилиш учун бизга қандайдир зарба беришади. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра шундан кейин биз уларнинг наркотик моддалар тўғрисидаги таклифини қабул қилишга мажбур бўламиз.

Сонни чертиб-чертиб деди:

– Наркотик моддалар истисно қилинади. Бу таклифга дон «йўқ» деган, демак, йўқ. Бу масалани унинг ўзи ҳал қилса, билмадим.

– Демак, олдимизда тактик муаммо турибди, – деди Хейген ишбилармонлик билан. – Биз ошқора, ҳамманинг кўз олдида иш олиб боряпмиз. Тотализатор, лотерея, тўғри келиб савалайвер. Бу – заиф позиция. Таттальялар оиласи эса фоҳишабозлик, шу жумладан, уйга бориб хизмат қиладиган фоҳишабозлик билан шуғулланади. Докерлар касаба уюшмаси устидан назорат ўрнатган. Қайси томондан ёндашишни билмайсан. Қолган оилалар қиморхоналар ишида пайчи сифатида қатнашадилар, бироқ бу энг муҳими эмас. Энг муҳими, қурилиш ташкилотлари пудрати, судхўрлик, касаба уюшмаларини тинчитиш, ҳукумат буюртмаларини олишга ёрдамлашишда. Яъни, асосан куч ишлатиш йўли билан, бегуноҳ одам-

ларни қўрқитиш йўли билан пул топишади. Албатта, кўчаларда эмас. Таттальяларнинг тунги клуби жуда ҳам машҳур. Сал турткилайдиган бўлсак, шов-шув, тўполон кўтарилади. Сиёсий доиралардаги алоқаларга келсак, ҳозирча дон иш бошида эмас экан, улар билан бир хил шароитдамиз. Ҳар ҳолда бу жиддий муаммо.

– Бу муаммони менга қўйиб бер, Том, – деди Сонни. – Уни мен ҳал қиламан. Сен музокараларни тўхтатиб қўйма, мен айтган нарсалар билан жиддий шуғуллан. Ишга киришаверайлик, кўрамиз қанақа йўл тутишларини, бирор чорасини топармиз. Клеменца ва Тессининг аскарлари кўп. Гарчи улар Беш оила, биз бир оила бўлсак ҳам улар билан тепша-тенг миқдорда аскар ажратамиз. Жуда ноилож қолсак, яширинамиз. Бошқа илож йўқ.

«Якка ҳунармандлар», яъни рақиб негрларни суриб чиқариш, ҳақиқатан ҳам, қийин бўлмади. Полицияга хабар берилганди, қора танлилар тўғрисида гап кетаётганлиги учун ҳам уларни зудлик билан суриб чиқаришди. У пайтларда ноқонуний ишларга араллашиб қолган негр полициячиларнинг энг каттасига ёки амалдор раҳбарига пора бериб қутулиб кетиши қийин эди. Бунинг бошқа сабаблари йўқ эди, асосан, ирқий хурофот, ирқий нотўғри тушунча туфайли шундай қилинарди. Гарлемда жиддий қийинчилик бўлади, деб ҳеч ким ўйламаганди, у ерда ҳамма нарса осонгина ҳал бўлиши оддиндан маълум эди.

Беш оила биргалашиб, улар кутмаган томондан зарба беришди. Тикувчилар касаба уюшмасининг кўзга кўринган икки ходимини отиб ўлдиришди, уларнинг ҳар иккиси ҳам Корлеонелар оиласига хизмат қиларди. Ундан кейин соҳилдаги кўчалардан Корлеонеларнинг пайчиларини ҳайдаб чиқаришди, бу томонларга букмекерларни киритмай қўйишди. Порт ишчиларининг маҳаллий касаба уюшмалари душман томонга ўтиб кетишди. Хўжайинга садоқатини бузиб, унга хиёнат қилишларига эришиш мақсадида бутун шаҳар бўйлаб Корлеоне букмекерларини қўрқита бошлашди. Гарлемда Корлеонелар оиласининг қадрдон дўсти ва иттифоқчиси



бўлган йирик «банкчи», яширин лотереяхона хўжайини ваҳшийларча ўлдириб кетилди. Илож қолмаганди. Сонни сароғимеларга пистирмага ўтишга буйруқ берди.

Шаҳардаги икки уйга жойлашишди. Одамлар учун тўшаклар, озиқ-овқат учун музлаткич, қуроллар, ўқдорилар келтиришди. Бир уйга Клеменца, иккинчисига Тессио ўрнашиб олди. Оиланинг букмекерларига шахсий соқчилар бириктирилиб қўйилди. Лекин Гарлемдаги «банкчи»лар Беш оила томонга ўтиб кетишди: ҳозирча бунга қарши бирон-бир иш қилишнинг иложи йўқ эди. Куч-қудрат қўлдан чиқиб кета бошлади. Кирим жуда паст эди. Ана шу тарзда бир неча ой ўтди ва баъзи бир нарсалар, энг аввало, Корлеонелар оиласи ўз куч-қудратига ортиқча баҳо берганлиги аниқланиб қолди.

Бунинг қатор сабаблари бор эди. Дон соғайиб, бошқарув тизгинини қўлга олгунга қадар оиланинг сиёсий қудратига жиддий зарар етган эди. Бундан ташқари тинчликда ўтган кейинги ўн йиллик ҳар икки сароғиме Клеменца ва Тессионинг жанговарлик сифатларига салбий таъсир кўрсатганди. Ҳамон олдига ҳеч ким тушолмайдиган ижрочи ва ишбилармон бошқарувчи Клеменца ҳарбий етакчи учун хос бўлган ёшлик шижоати ва чарчоқ билмаслик хислатларини йўқотди. Тессио ҳам ёши ўтиб, аввалги шафқатсизлигини йўқотди. Том Хейген уруш даврида *consigliori* ролига тўғри келмасди. Унинг энг асосий камчилиги – сицилиялик эмаслиги эди.

Оила ҳарбий ҳолатга ўтиши биланоқ бу камчиликлар яққол сезилиб қолди, лекин Сонни уларни барта раф этишга ожизлигини биларди. У дон эмасди, сароғиме ва *consigliori*ларни фақат дон алмаштира оларди. Уларни алмаштириш вазиятнинг хавфлилигини янада чуқурлаштириши, хиёнатга туртки бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўларди. Дастлаб, Сонни оилани мудофаа қилмоқчи ва дон тузалиб, раҳбарликни қўлига олгунга қадар шу билан чекланмоқчи бўлди, бироқ «банкчи»ларнинг хиёнати ва букмекерларга нисбатан қилинган террор оиланинг аҳволини бутунлай

ночорлаштириб қўйди. Сонни қарши зарба беришга қарор қилди.

У душманнинг қоқ юрагига зарба бермоқчи бўлди. Тўғрироғи, бир зарба билан Беш оила раҳбарларини йўқ қилиб, душманни бошсиз қолдирмоқчи бўлди. Режалаштириб қўйилган бу операцияга тайёргарлик кўраркан, Сонни ҳар бир раҳбар изидан айғоқчи қўйди ва уларни таъқибга олди. Лекин орадан бир ҳафта ўтмасданок душман бошлиқлари ҳам бирин-кетин яшириндилар ва бошқа қорасини кўрсатмадилар. Шундай қилиб, Беш оила ва Корлеонелар империяси ўртасидаги уруш боши берк кўчага кириб қолди.

### ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Америго Бонасера дафн этиш бюроси жойлашган Молбери-стритдан бор-йўғи бир неча квартал нарида яшарди. Шунинг учун ҳам одатда кечки овқатга уйига келарди. Абадий уйқуда ётган марҳум олдидаги сўнги бурчини адо этишга келган одамлар билан бирга бўлишни бурчи деб билиб, кеч оқшомда яна ишхонасига қайтарди.

Овқат устида хотини ундан сўради:

– Бугун яна ишлайсанми?

Америго Бонасера бош силкиди. Хотини унинг ишини ҳурмат қиларди, бироқ кўп нарсага ақли етмасди. Эрининг ишида техник жиҳат унчалик муҳим эмаслигини тушунмасди. Кўпларга ўхшаб у ҳам марҳумни тобутда худди тирик ётгандек қилиб безата олиш қобилияти учун эрига пул тўлайди, деб ўйларди. Ҳақиқатан ҳам, бу санъатда унинг олдида туша оладиган одам йўқ эди. Бироқ унинг шахсан ўлим тўшаги олдида бўлиши зарурроқ ва муҳимроқ эди. Тунги бедорлик пайтида яқин кишидан жудо бўлган оила қариндош-уруғларини, яқин дўстларини қабул қилганда уларнинг олдида Америго Бонасера туриши керак эди.

Кечки овқатдан кейин бир оз мизғиб олиш унга одат бўлиб қолганди. Сўнгра душ қабул қилар, қалин кўкимтир-

қора соқолига тальк упадан мўл сепиб, қиртишларди. Албатта, тиш эликсири билан оғиз чайқарди. Вазифасига ҳурмат билан қарагани учун тоза ич кийим, кўзни қамаштирадиган оппоқ қўйлак, қора ботинка киярди. Бу кийимларнинг ҳаммаси бирга мунгли эмас, аксинча, юпатувчи таассурот қолдирарди. Бундан ташқари италянча тарбия олган кишига хос бўлмаса-да, сочини ҳам бўярди. Бунни олифтагарчилик учун қилмасди. Шунчаки, унинг фикрича, оқ оралаган қора соч унинг касбидаги одам қиёфасига ярашмаган доғ бўлиб тушарди.

Америго овқатини ичиб бўлди, хотини унинг косасига кичкина бифштекс, сап-сариқ зайтун мойи оқиб турган бир неча қошиқ исмалоқ солди. У тўйиб овқатланишни ёқтирмасди. Овқатдан кейин қаҳва ичиб ўтириб, «Кэмел» сигаретасини туташтирди. Қаҳва хўпларкан, бечора қизини ўйлади. Энди у ҳеч қачон аввалги ҳолига қайтмайди, қизининг чиройини ўрнига келтиришди, лекин унинг кўзидаги ит билан овланган ёввойи ҳайвон боласи кўзидагига ўхшаш хуркак нигоҳга қараш ўта оғир эди. Уч-тўрт кун меҳмон бўлиб келсин, деб уни Бостондаги холасиникига жўнатиб юборишди. Ҳар қандай дардни вақт даволайди. Бунни ҳаммадай кўра Бонасера яхшироқ билади: дард-алам ҳам, кўрқув-вахима ҳам унутилади, лекин ўлимнинг иши қийин. Ғассоллик ҳунари уни умидшонч билан яшашга ўргатиб қўйганди.

Меҳмонхонада телефон жиринглаганда, у қаҳвани ичиб бўлай деганди. Ўзи уйда бўлганда хотини телефон гўшагини олмасди. Шунинг учун ўзи ўрнидан турди, сўнгги қултум қаҳвани ичди, сигарета қолдигини ўчирди. Меҳмонхона томон юраркан, ётишга тайёрланиб, бўйинбоғини бўшатиб, қўйлаги тугмаларини ечди. Гўшакни олиб, таскин берувчи овоз билан:

– Қулоғим сизда, – деди.

Нариги томондаги одам хириллаган овоз билан чўрт кесиб:

– Мен Том Хейгенман. Дон Корлеоненинг топшириғига кўра қўнғироқ қиляпман, – деди.

Бонасеранинг томоғига бир нарса тиқилиб қолгандай, қаҳванинг таъми кўнглини айнитгандай бўлди. Қизининг қасдини олиш мақсадида ғам-андухда ёниб, дон Корлеонедан қарздор бўлиб қолганидан буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ана шу муддат мобайнида эртамикечми қарзни қайтариш керак, деган фикр анча эскириб улгурганди. Ўшанда газетада қонга бўялиб ётган икки аблахнинг суратини кўриб, беҳад хурсанд бўлганидан, дон учун дунёдаги ҳамма яхшиликни қилишга тайёр эди. Лекин вақт миннатдорчилик туйғусини тез, ҳатто гўзалликдан ҳам тезроқ олиб кетаркан. Энди Бонасерани худди унинг елкасига тоғ ағдарилгандай бир туйғу камраб олди. У зўрға-зўрға ғўлдиради:

– Ҳа, тушунаман. Эшитаман.

Хейгеннинг овозидаги совуққонлик уни хайрон қолдирди. Гарчи қелиб чиқиши италян бўлмаса ҳам *consigliori* ҳар доим хушмуомала эди. Ҳозир эса бўлиб-бўлиб, деярли дағал гапирарди:

– Дон бир пайтлар сизга яхшилик қилган эди. Сиз ундан қарздорсиз. Қарзингизни узишингизга у шубҳа қилмайди. Бундан ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз, деб ўйлайди. Бир соатдан кейин, ундан олдин эмас, эҳтимол кечроқ, дон дафн этиш бюросида, сизнинг олдингизда бўлади. Унинг сизга бир илтимоси бор. Кутинг. У борганда хизматчиларингиздан ҳеч ким бўлмаслигига ҳаракат қилинг. Уларнинг ҳаммасига жавоб бериб юборинг. Агар бирор сабабга кўра бу сизга маъқул бўлмаса, ҳозирнинг ўзидаёқ айтинг, мен дон Корлеонега айтиб қўяман. Унинг сиздан бошқа ҳам хизмат қилишга тайёр турган дўстлари кўп.

Америго Бонасера кўрққанидан бақириб юборай деди:

– Мен Чўқинтирган отанинг илтимосини рад этаманми? Шундай деб ўйлашга қандай ҳақдингиз сиғди? Қандай бўлишидан қатъи назар, албатта, унинг илтимосини бажараман. Қарзимни унутганим йўқ. Ҳозироқ мен идорага бораман.

Хейгеннинг овози сал илиқлашгандай бўлди, лекин барибир унинг овозида қандайдир ғалати бир нарса бор эди.

– Раҳмат сизга, – деди у. – Дон сиздан мутлақо шубҳа қилмаганди. Бутун кўнгилдагидай қилиб унинг ҳожатини чиқаришга ҳаракат қилинг. Кейин мен билан доимий дўст бўлиб қолишга умид қилишингиз мумкин. Бошингизга ҳар қандай ташвиш тушганда ҳам дадил менга келаверасиз.

Бу гаплардан Америго Бонасера янада қаттиқроқ ташвишга тушиб қолди. У дудуқланиб зўрға сўради:

– Менинг олдимга доннинг ўзи келадими?

– Ҳа, – деди Хейген.

– Демак, Худога шукур, бутунлай соғайиб, тузалиб кетибди-да? – Унинг бу гапи кутилмаганда худди сўроқдай янгради.

Нариги томонда жимлик чўқди, кейин Хейген эшитилар-эшитилмас овоз билан:

– Ҳа, – деди, кейин шилқ этган овоз эшитилди, у гўшакни илиб қўйди.

Бонасерани совуқ тер босди. У ётоқхонага кириб, кўйлагини алмаштирди, оғзини чайқади. Лекин соқолини олмади. Бўйинбоғини ҳам алмаштирмади. Кун бўйи тақиб юрган бўйинбоғини тақди. Кейин дафн этиш бюросига қўнғироқ қилиб, ёрдамчисига бу тун ўзининг ўрнига залга қўйилган марҳумнинг қариндош-уруғлари тўпланадиган тобут олдида қолишини тайинлади. Ёрдамчиси нимага деб сўрамоқчи бўлганди, Бонасера кескин унинг сўзини бўлиб, кўрсатмани такрорлади.

У пиджагини кийди, қаҳва ичиб ўтирган хотини ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Бирор иш чиқиб қолдими? – деди хотини.

Унинг қиёфасини кўрган хотини бошқа гап сўрашга журъат этолмади.

Бонасера уйдан чиқди, бир неча квартал пиёда юрди ва дафн этиш бюроси олдидан чиқди.

Бинонинг зал ва қабулхонадан товуш ўтказмайдиган оғир эшик билан бўлиб қўйилган орқа қисмида идора, мурда мўмиёланадиган ўликхона, тобутлар сақланадиган омборхона ва Бонасеранинг ваҳимали ҳунарига зарур бўлган кимёвий моддалар ва асбоб-ускуналар сақланадиган кичкина омборхона бор эди. У идорага кириб, стол орқасига ўтиб ўтирди, одатда, бу ерда чекмасди. Ҳозир «Кэмел» сигаретасини туташтирди ва дон Корлеонени кута бошлади.

У ночор-ноиложликдан мажбур бўлиб кутди. Чунки ундан қанақа хизмат талаб қилинишини жуда яхши тасаввур қиларди. Йил бошидан Корлеонелар оиласи Нью-Йорк мафиясининг беш йирик оилавий синдикатига қарши уруш олиб борди. Бу урушнинг акс-садоси газеталар саҳифаларида тўла акс этиб турди. У томондан ҳам, бу томондан ҳам кўп одам ҳалок бўлди. Энди эса кўринишидан Корлеонелар оиласидан бирон-бир каттароқ одам қурбон бўлган, унинг мурдасини беиз йўқотишмоқчи бўлишяпти. Мурдани расмий дафн этиш бюросининг эгаси ҳамма расм-русумлари билан жойига қўйса, пишиқ-пухта бўлади-да. Американи Бонасера бундай ишга қандай баҳо берилишини аниқлашда янглишмаганди. У қотилликнинг иштирокчиси бўлиб қолади. Агар бу қотиллик фош бўлиб қолгудай бўлса, узоқ муддатга қамоққа тушиши аниқ. Унинг қизи ва хотини ҳақоратланади, унинг – ҳурматли Бонасеранинг исми жиноий қирғиннинг қонли ботқоғига топталиб кетади.

Нима бўлса бўлди, у иккинчи сигаретани туташтирди. Шу чоқ янада даҳшатлироқ фикрдан бутун вужуди титраб кетди. Корлеонелар оиласининг ёрдамчиси эканлиги бошқа жамоалардаги мафиянинг қулоғига етиб боргудай бўлса, ундан душман қаторида қасос олишади.

Беш оила уни йўқ қилиб ташлайди. Энди Бонасера қизи учун қасос олишни илтимос қилиб Чўқинтирган ота олдига борган кунига лаънатлар ўқиди. У хотини дон Корлеоненинг хотини билан ўртоқ бўлиб қолган кунга ҳам лаънатлар ўқиди. Ҳаммаси – қизи ҳам, Америкаси

ҳам, севган иши ҳам қуриб кетсин... Шошма, нега энди? Бунчалик тушкунликка тушишнинг нима кераги бор? Дон Корлеоне ақлли одам. Балки, сир ҳеч қачон фош бўлмайди, деб у мени танлагандир. Ақл-ҳушни йўқотмаслик керак. Чунки ҳамма нарса ундай бўлиши ҳам, бундай бўлиши ҳам мумкин. Агар доннинг қаҳрига дучор бўлсанг, ҳар қандай ҳолатда ҳам тамом бўлдим, деявер.

Шағал йўлда ғилдиракларнинг ширилаган овози эшитилди. Бонасеранинг сезгир қулоғи тор йўлақдан машина юриб келиб, орқа ҳовлида тўхтаганини эшитди. У ўрнидан туриб, ёрдамчи эшикни очди. Йўғон Клеменца, унинг орқасидан нақ босқинчилар қиёфасидаги икки йигит кирди. Улар ҳеч нарса дейишмасдан бинони тинтиб чиқишди. Кейин Клеменца хонадан чиқди. Икки йигит қолди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Бонасера ҳовлига «Тез ёрдам» машинаси секин кириб келганини эшитди. Эшик олдида яна Клеменца пайдо бўлди. Унинг орқасидан икки киши замбил кўтариб кирди. Америго Бонасеранинг тахминлари тўғри чиқди. Замбилда кўкимтир аёлга ўралган жасад ётарди, сарғайиб кетган яланг оёқлари аёлдан чиқиб турарди.

Клеменца ишора қилди, мурдани ўликхонага олиб киришди. Шу пайт қоронғи ҳовлидан ёруғ хонага яна бир одам кириб келди. Бу дон Корлеоне эди.

Дон касал ётган даврида озиб, ўзини олдириб қўйганди, қандайдир қийшайиб юрарди. Шляпасини қўлига ушлаб олган, катта бошида сочлари ҳам сийраклашиб қолгандай эди. Бонасера билан тўйда учрашгандан буён ҳам қариган, ҳам озган эди, бироқ ҳамон ундан ҳукмрон куч ёғилиб турарди. У шляпасини кўксига босиб, Бонасерага қараб деди:

– Ҳўш, қадрдон дўстим, хизматимда бўласизми?

Бонасера бош ирғади. Дон замбилни олиб кириб кетишган ўликхона томон юрди. Бонасера унинг орқасидан кирди. Мурдани четида тарновчалари бор столлардан бирига ётқизиб қўйишди. Дон Корлеоне шляпасини се-

зилар-сезилмас силкитганди, хонадагиларнинг ҳаммаси чиқиб кетди.

– Менга қандай хизмат бор? – деди Бонасера дудуқланиб.

Дон Корлеоне кўз узмасдан столга қаради.

– Сиздан бутун маҳоратингизни, бутун санъатингизни ишга солишни илтимос қиламан, – деди у. – Онаси уни шундай ҳолда кўришини истамайман.

У стол олдига келиб, адёлнинг бир четини тортди. Бутун ирода кучига, кўп йиллик тажрибасига қарамасдан Америго Бонасера ғайриихтиёрий тарзда чинқириб юборди. Мурдалар мумиёлаштирадиган столда Сонни Корлеоненинг ўқдан илма-тешик бўлиб кетган танаси ётарди. Ўнг кўзи ўрнида қон тўлган тешик кўриниб турарди. Қаншари ва чап ёноғида гўшт ва суюқ парчалари қолганди.

Дон кўлини узатиб, бир неча дақиқа Бонасерага суюяниб қолди.

– Кўрдингизми, лаънатилар ўғлимни қандай аҳволга солишганини? – деди у.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Эҳтимол, Сонни Корлеоне рақобатлашаётган томонлар кириб қолган боши берк кўчадан чиқиш йўлини излаб, қонли ва ҳалокатли йўлга киргандир. Эҳтимол, уни тизгинда ушлаб турадиган ҳеч ким йўқлигидан, қизиққонлигидан ўзининг майл-истакларига йўл бериб, душманларнинг тинкасини қуритмоқчи бўлгандир. Қандай бўлишидан қатъи назар, шу йилнинг баҳор ва ёзида у душманнинг турли тоифадаги майда одамлари устига сон-саноксиз ва фойдасиз юришлар қилди. Гарлемда Таттальялар оиласининг штатли сутенёрлари<sup>1</sup> отишма остида қолиб ўлдилар, соҳил кўчаларида ёлланган босқинчилар ҳалок бўлдилар. Беш оила билан алоқада бўлган касаба уюшмаларининг бошлиқлари холис туриш

---

<sup>1</sup> Сутенёр – даъюс, маъшуқаши ҳисобига яшайдиган эркак киши.



юзасидан огоҳлантирилди, Корлеоненинг букмекер ва судхўрлари соҳилга ўтказилмай қўйганди Сонни Клеменцани порт маҳалларини вайрон қилишга жўнатди.

Бу ўч олишларнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди, чунки у уруш натижасига таъсир этмасди. Сонни ажойиб тактик эди, у бир қатор ёрқин ғалабаларни қўлга киритди. Лекин ҳозир бошқа, дон Корлеонедек заковатли стратег керак эди. Уруш фақат вайронагарчиликлар келтирадиган, фойдасиз партизанлик урушига айланди – ҳар икки томон ҳам одамларини йўқотар, бойлигини бой берар, иш эса олдинга жилмас эди. Корлеонелар оиласи қўп фойда берадиган бир неча букмекерлик дўконларини, шу жумладан, доннинг куёви Карло Рицци тирикчилигини ўтказиб турган дўконни ҳам ёпишга мажбур бўлди. Карло кайф-сафога берилиб кетди, тинимсиз ичар, тунги клублардаги қўшиқчи аёллар билан айш-ишрат қилар ва хотини Коннини қон қақшатарди.

Том Хейген *consigliori* сифатида Сонни тутган йўлни маъқулламасди, шунга қарамасдан маълум даражада бу йўл ўзини оқлаганлиги учун ҳам у эътирозларини донга айтишни лозим топмасди. Тинка қуритиш урушида Беш оила бир мунча ақлини йиғиб олгандай бўлди – уларнинг қарши зарбалари тобора камайиб борди ва охирида бутунлай тўхтади. Хейген дастлабки пайтларда бу душманнинг таслим бўлганлиги белгиси эканлигига ишонмади, бироқ Сонни хурсанд эди.

– Яна бир исканжага олсам, бу аблаҳлар олдимга сулҳ тузайлик, деб эмаклаб келишади.

Дон соғайиб борар, у ҳокимиятни қўлига оладиган кунлар яқинлашаётган эди. Ана шунда уруш натижаси аниқ Корлеонелар оиласи фойдасига ҳал бўлади, деб ишонарди Сонни. Унгача Сонни оила мулки чегараларини ҳимоя қилади. Шу йўл билан отасининг ишончини, меҳр-муҳаббатини қозонади ва – дон унвони авлоддан-авлодга ўтиши шарт бўлмаганлиги туфайли – Корлеоне империяси ворислигига даъвогарлиги асосли эканлигини далиллайди.

Бироқ бу пайтда душман ҳам бекор ўтирмасдан, режа тузаётганди. Вазиятни мукамал ўрганиб чиққан душман, тўла мағлубиятга учрамасликнинг бирдан-бир йўли Сонни Корлеонени орадан олиб ташлашдан иборат, деган хулосага келди. Энди рақиб томон аҳволни тўғри таҳлил қилар ва соғлом фикр юритиши, мулоҳазалилиги билан ном чиқарган дон билан музокара олиб бориш осон бўлишини яхши тушунарди. Сонни қонхўрлик билан душман қароргоҳида нафрат уйғотганди. Унинг қонхўрлиги жохиллик ва учига чиққан думбулбойваччалик ҳисобланарди. Ҳеч кимнинг аввалги ташвиш ва низоли кунларга қайтиш истаги йўқ эди...

Кунларнинг бирида кечқурун Конни Корлеоненинг уйида телефон жиринглади. Ёш аёл кишининг овози, кимлигини айтмасдан Карлони чақириб беришни илтимос қилди.

– Гапираётган ким? – сўради Конни.

Аёл ҳиҳилаб кулди.

– Ҳа, энди шунчаки танишларидан бириман. Фақат бугун меникига келмасин, деб огоҳлантириб қўймоқчи эдим. Шаҳардан ташқарига борадиган бўлиб қолдим

– Ў лаънати, беҳаё фоҳиша! – қичқирди Конни.

Гўшақдан шилқ этган овоз эшитилди.

Тушдан буён пойгада юрган Карло уйга кеч келди. У омади юришмаганидан жаҳли чиққан ва ширакайф эди – энди у доим ўзи билан бирга бир шиша виски олиб юрарди. Карло остонадан ҳатлаб ўтишга улгурмаган ҳам эдики, Конни таъна-маломатлар билан унга ташланди. Карло гўё унинг гапларини эшитмагандай душхонага кириб кетди. Кейин душхонадан яланғоч чиқди-да, Коннининг кўз олдида артинди ва қаёққадир отланиб ясана бошлади. Қаттиқ ғазабланганидан докадай оқариб кетган Конни икки қўлини белига тираб, ундан кўзини узмай қараб турарди.

– Бекорга овора бўляпсан, – деди у. – Ўйнашинг кўнғироқ қилди, бугун сен билан кўнгилхушлик қилолмасмиш. Ҳайвон, ўйнашларингга менинг телефо-

нимни беришга қандай ҳаддинг сиғди? Аблах, итвачча, сени ўлдириб ташласа ҳам оз.

У эрига ташланиб, юз-кўзига чанг солди.

Карло чайир кўллари билан уни нари сурди. Конни эса эри унинг ҳомиладорлигини ҳисобга олиб, эҳтиётлаб нари сурганлигини сезиб қолди ва бундан янада баттарроқ ўжиқди. Карло эса нима учундир ўзини тортиброқ турди. Буни кўрган Конни худди ғолиб чиққандай, яна авжланди.

– Қимирламай уйда ўтирасан, – деди. – Ҳеч қаёққа бормайсан.

– Бўпти, бўпти, ўзингни бос, – деди Карло. У сунъий кулди. – Лоақал менга овқат-повқат берарсан?

Уй бекаси эканлиги эсига тушгач, Конни сал ўзини босди. У мазали овқат пиширарди, пазандалик маҳоратини онасидан ўрганганди. Сўқим гўштига қалампир кўшиб қовурди, димланиб тобига етиши учун оловни пасайтирди-да, ўзи салат тайёрлашга киришди. Карло каравотга чўзилиб, эртага бўладиган пойга ўйинини кўздан кечираркан, стакандаги вискидан хўплаб-хўплаб кўярди.

Конни ётоқхонага кирди, эри чақирмагунча каравот ёнига бормасликка аҳд қилгандай эшик олдида тураверди.

– Овқатни столга келтириб қўйдим, – деди у ниҳоят.

– Ҳозирча овқатлангим йўқ, – жавоб берди Карло ўйиндан кўзини узмасдан.

– Ахир овқат келтириб қўйдим, – такрорлади Конни ўжарлик қилиб.

– Бор, ўзинг овқатланавер, менга деса тикилиб ўл! – Карло стаканда қолган вискини ичиб тугатди-да, шишани қийшайтириб, яна қуйди. Хотинига бошқа эътибор бермади.

Конни ошхонага кириб, овқат тўла ликопчаларни зарб билан чанокқа улоқтирди. Тарақ-туруқ овозни эшитган Карло ётоқхонадан югуриб чиқди. Ошхона деворига ёпишиб қолган гўшт ва қалампир парчаларини кўриб, кўнгли айниб ўқчиди.

– Ҳозир тозалаб қўй, манжалақи, – деди у ғазаби қайнаб. – Бўлмаса ақл-хушингни киритиб қўяман.

– Бекорларни бештасини айтибсан, тозаламайман. – Конни эрининг яланғоч қўкракларини тирноқлари билан тирнаб ташлашга тайёрлангандай қўлини чўзди.

Карло ётоқхонага кириб кетди-да, икки букланган чарм камарни кўтариб чиқди.

– Тозалайсанми, йўқми? – унинг овозида ошкора дағдаға бор эди. Конни миқ этмай тураверди. Карло хотинининг биқинига, гарчи унчалик қаттиқ бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда жони ачийдиган қилиб, икки марта камар билан туширди. Конни тисарилиб, девор ёнида турган ошхона столи олдига яқинлашди-да, қутидан узун пичоқни олди.

Карло тиржайди.

– Корлеонелар оиласининг ҳатто аёллари ҳам қотил.

У камарни стол устига ташлаб, хотинига яқинлашди.

Конни унга ташланмоқчи бўлди, лекин оғироёқлиги сабабли чайқалиб кетди ва Карло ашаддий ғазаб билан киндигидан пастроққа мўлжалланган зарбага чап бериб қолди. Хотинининг қўлидан пичоқни осонгина тортиб олди-да, юзи ёрилиб, қонаб кетмаслиги учун аяброқ, шошилмасдан шапалоқ тушира бошлади. Хотини шапалоққа чап беришга уриниб, чекина бошлади ва Карло аста-секин уни ётоқхонага суриб кирди. Оғрик ва ҳақоратдан ёш қизчалардай уввос солиб йиғламагунча шапалоқ тушираверди. Шундан кейингина у хотинини менсимасдан каравотга итариб юборди-да, ўзи тумбочка устида турган шишага ёпишди. Қаттиқ маст бўлиб қолганлиги кўриниб турарди – унинг мовий кўзларида кўрқинчли йилтираш пайдо бўлди. Конни, ҳақиқатан ҳам, ваҳимага тушиб қолди.

Карло хонадан чиқди. Қўрққан, эзилган Конни ҳатто қўшни хонада эри нима қилаётганлигига қарашга ҳам журъат этолмасдан каравотда ётарди. Ниҳоят у ўрнидан туриб, оёқ учида эшик олдига келди-да, яширинча меҳмонхонага мўралади. Карло янги виски шишасининг оғзини очиб, диванда ағанаб ётарди. Тез орада у ўликдай

ухлаб қолади, ана шунда секин ошхонага кириб, Лонг-Бичга, отасиникига қўнғироқ қилиши мумкин.

Дон Корлеоненинг ошхонасидаги телефон жирингланганда соат деярли кечқурун ўн эди. Телефонни шахсий соқчилардан бири олиб Соннини чақирди.

– Ҳа, Конни, мен эшитяпман.

Эри уйғониб қолиб, яна жанжал бошлашидан қўрққан Конни деярли пичирлаб гапирди.

– Сонни, менга машина жўнат, – унинг шишиб кетган лаблари зўрға қимирларди. – Айтарли ҳеч нарса бўлгани йўқ, борганимдан кейин ҳаммасини айтиб бераман. Фақат ўзинг келма. Томни жўнат, илтимос қиламан, Сонни. Айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ. Шунчаки сизлар билан бирга бўлгим келяпти.

Бу орада ошхонага Хейген кириб келди. Уйку дори ичиб олган дон тепадаги хонада ухлаб ётар, Хейген эса кутилмаган бирор ҳодиса юз берган пайтларда Соннини эътибордан қочирмасликни лозим кўрарди. Шу ерда ошхонанинг ўзида уйда навбатчилик қилаётган яна икки шахсий соқчи ҳам бор эди. Ҳаммасининг кўзи телефонда гаплашаётган Соннида эди. Уларнинг кўз олдида Соннининг бўйин томирлари бўртиб чиқиб, кўзлари хиралашиб, қўллари қалтирай бошлади. Аммо у гаплашаётганда овози босиқ эди.

– Бўпти, яхши, кут. Жим ўтириб кут. – У гўшакни илиб қўйди ва тўсатдан ёпирилиб келган қаттиқ ғазабдан довдираб қолгандай, бир зум туриб қолди. Сўнгра зўрға: «Палид... мараз...» – деди ва ташқарига отилди.

Соннининг қиёфасидаги бундай ифода Хейгенга таниш эди – бу ифода ҳар қандай ақл-идрок, фикрлаш туйғуси Соннини тарк этганини билдирарди. Бундай пайтларда ундан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Хейген ташқарида мотор гуриллаганини эшитди.

– Дарров изидан боринглар, – деб буюрди у шахсий соқчиларга.

Кейин Хейген шаҳарга қўнғироқ қилди. Сонни регимесидан Нью-Йоркда яшайдиган бир неча киши

Карло Рицциникига бориб, уни уйдан олиб кетишлари тўғрисида кўрсатма берди. Улардан бири онаси боргунча Конни билан бирга бўлиши кераклигини айтди. Хейген Соннининг йўлига кўндаланг бўлиб, катта масъулиятни зиммасига олаётганини биларди, аммо бирор қор-қол юз берса, дон уни қўллаб-қувватлашига шубҳа қилмасди. У Сонни Карлони гувоҳлар олдида ўлдириб қўймасайди, деб кўрқарди. Хейген рақиблар панд беришини кутмаганди. Беш оила аллақачон тинчиб кетган – улар суҳ тузиш йўлини излашаётганини аниқ эди.

...Бу пайтга келиб, ўқдай учиб бораётган машина боғ зонасидан чиққан, Сонни жаҳлидан тушиб, ўзини анча тўхтатиб олганди. У орқасидан бориш учун бошқа машинага икки шахсий соқчи шошилиб ўтирганини кўриб, мамнун бўлди. У даҳлиздан югуриб чиқаркан, йўл-йўлакай пиджагини олди, тўппонча эса асбоб-ускуналар турадиган тахта остидаги яширин қутичада эди. Машина одамларидан бирининг номига расмийлаштирилганди, шахсан унинг ўзи учун бирор кўнгилсизлик бўлиши хавфи йўқ эди. Дарвоқе, у қурол керак бўлади, деб ўйламаганди ҳам. Умуман Карло Риццига нисбатан қандай йўл тутишини ҳали билмасди.

Мана, энди ўйланишга вақти борлигидан Сонни ҳали туғилмаган боланинг отасини ўлдиришга қодир эмаслигини тушунди. Устига-устак, у бир туғишган синглисининг эри. Бундан ташқари оилавий жанжал туфайли одам ўлдириш бўлмаган гап. Лекин ҳамма гап шунда эдики, бу шунчаки оилавий жанжал эмасди. Карло ярамас куёв чиқди. Сонни синглисини ана шу аблаҳ билан таништириб қўйганидан хижолат эди.

Майли, мана энди у аблаҳнинг кўзини бир умр эсидан чиқмайдиган қилиб, мошдай очиб қўяман, деб ўйлади Сонни тўғон устидаги унча кенг бўлмаган бўғознинг нариги томонига, Жоунз-Бичга, боғ автомобиль йўлига ўтиб бораркан. У ҳар доим Нью-Йоркка шу йўлдан борарди. Бу йўлда машиналар кам бўлар, тез юриш мумкин эди. Юқори тезликда юриш турли хаёллардан чалғитиб, та-

ранг асабларни бўшаштиришини у тажрибасидан биларди. Шахсий соқчилар тушган машина орқада, узоқда қолиб кетди.

Тўғон устидан ўтадиган йўл яхши ёритилмаганди. Бу ерда ҳаёт нишонаси йўқ эди, биронта ҳам машина кўринмасди. Олисда солиқчининг конус шаклидаги дўкончаси оқариб кўринарди. Дўкончалар бир нечта эди, аммо бошқалари фақат машиналар серқатнов бўладиган кундузи ишларди. Сонни машинани секинлатиб, чўнтақларини кавлаштириб, майда пул излай бошлади. Бироқ майда тополмади. Ҳамёнини олиб, очиш учун қаттиқ силтади ва икки панжаси билан ҳамёндан битта қоғоз чиқарди. «Бьюик» чироқлар арки остига кириб борди. Сонни икки дўкон орасида тор йўлни тўсиб турган машинани кўриб, мутлақо таажжубланмади – эҳтимол ҳайдовчи солиқчидан йўлни сўраётгандир, деб ўйлади. Сонни сигнал чалди, машина итоаткорона унга жой бўшатиб, олдинга юрди.

Сонни солиқчига бир долларлик қоғозни уза-тиб, қайтимини кута бошлади. У машина ойнасини кўтармади, океандан эсаётган шамол машина ичини совутиб юборганди. Дўкондаги солиқчи худди атай қилаётгандай танга санаб тимирскиланарди... Энди бу ношуд, анқов қўлидаги тангалар ерга тўкилиб кетди. Анқов солиқчи энгашиб, тангаларни тера бошлади, унинг боши ва елкаси кўринмай қолди.

Шу пайт Сонни олдиндаги машина жўнаб кетмаганлигига, сал нарида ҳамон унинг йўлини тўсиб турганлигига эътибор берди. Айни пайтнинг ўзида кўз қири билан ўнг томондаги қоронғи дўконда ҳам одам борлигини сезиб қолди. У ҳар икки ҳолатни таққослаб кўришга улгурмаган ҳам эдики, олдиндаги машинадан икки киши тушиб, у томон юра бошлади. Солиқчи ҳамон кўринмасди. Шу чоқ бир неча сония ичида ҳали ҳеч қандай воқеа юз бермасдан туриб, Сонни Корлеоне бу дунёдаги нон-насибаси тугаганлигини тушуниб етди.

Яшашга бўлган ғайриихтиёрий бир куч таъсирида Соннининг семиз гавдаси қулафни синдириб, машина эшигига ташланди. Қоронғи дўкондаги одам ўқ отди. Ўқ текканда Сонни Корлеоненинг жуссадор танаси машинага осилиб қолганди. Ўқларнинг бири бошига, иккинчиси елкасига тегди. Олдиндан келган икки киши қуролини кўтарди, дўкондаги одам ўқ узишни тўхтатди. Соннининг танаси асфальт устида чўзилиб ётар, фақат оёқлари машинага илашиб қолганди. Олдиндаги машинадан келган кишилар Соннининг жонсиз жасадини ўқ ёғдириб, илма-тешик қилиб ташлашди, калласига тепиб, афти-ангорини таниб бўлмайдиган ҳолга келтиришди.

Орадан санокли дақиқалар ўтгандан кейин тўртовлон – уч қотил ва сохта солиқчи ўзларининг машинасида Жоунз-Бичдан кейин бошланадиган Медоубрук автомобиль йўлида учиб боришарди. Уларни таъқиб этмоқчи бўлганларнинг йўлини «бьюик» ва Соннининг дўконлар орасида чўзилиб ётган жасади тўсиб қоларди. Дарвоқе, бир неча дақиқадан кейин етиб келган Соннининг шахсий соқчилари уни кўришиб, душманни таъқиб этишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Дарҳол машинани орқага буришди-да, Лонг-Бич йўналишида жўнаб кетишди. Йўл бўйидаги дастлабки телефон-автоматга етишганда, улардан бири машинадан сакраб тушди-да, Том Хейгенга қўнғироқ қилди. У қисқагина қилиб шундай деди:

– Соннини ўлдириб кетишибди. Жоунз-Бичда пис-тирмага дуч келибди.

– Тушунарли, – Хейгеннинг овози мутлақо хотир-жам эди. – Клеменцага бориб айтинглар, дарҳол менинг олдимга етиб келсин. Нима қилиш кераклигини у сизларга айтади.

Хейген ошхонада осиглик турган телефонда гаплашди. Корлеоне оғи ҳам шу ерда қизининг келишини кутиб, қуймаланиб юрарди. Хейген ўзини тута билди – аёл ҳеч нарсадан шубҳаланмади. Дон билан узоқ бирга турмуш кечирган йиллари мобайнида у ҳамма нарсани била-вериш шарт эмаслигига қўниқиб қолганди. Агар ёмон



хабарни эшитиш шарт бўлса, унингсиз ҳам дарҳол ет-казишади.

Шунинг учун ҳам у Том Хейгенни одатда кенгашлар ўтадиган бурчакдаги хонага бемалол кириб олишига тўсқинлик қилмади. Хейген хонага кириб, эшикни ёпиши биланок, уни шундай қалтироқ босдики, стулга чўкиб, калласини титраб-қақшаётган елкаси ичига тортиб, кафтларини бир-бирига босган ҳолда тиззалари орасига олиб, худди илоҳий кучларга илтижо қилиб, дуо ўқиётгандай ўтириб қолди.

У уруш бораётган ҳозирги пайтда consigliorіликка ярамаслигини биларди. У сохта тинчлик билан Беш оила ўзини алдаб, лақиллатиб кетишига йўл қўйди. Душманлар писиб олишди, жимиб кетишди, айна пайтда эса аста-секин тузоқ тайёрлашибди. Пухта тайёрланиб олишгач, қон қўлларини яширишиб, душманнинг ҳаддан ортиқча ҳужумларига парво қилмай, қулай пайтни кутишди. Кутганига эришишди ҳам... Кекса Женко Аббандандо ҳеч қачон бунақа қармоққа илинмаган бўларди. У хавф-хатарни дарҳол сезарди, тутун ҳайдаб, душманни инидан ҳайдаб чиқарарди. Мукамал эҳтиёткорлик чораларини кўрарди. Хейген ана шу ҳақиқат аламини аччиқ айрилиқ алами билан бирга тортарди. Сонни, ҳақиқатан ҳам, унинг биродари, халоскори, ўсмирлик йилларининг қаҳрамони эди. Вақти келиб бу қаҳрамондан бераҳм, шафқатсиз, қайсар босқинчи етишиб чиққанининг Том Хейгенга аҳамияти йўқ эди.

Соннининг ўлими ҳақидаги хабарни Корлеоне ойига айтишга иродаси етишмаслигини билиб, ошхонадан қочиб чиқиб кетди. Бир неча ой мобайнида бу аёл ҳамма ўғилларидан жудо бўлди – Фредди Невадага жўнатилди, Майкл Сицилияда яшириниб юрибди, мана энди Сантино ўлдирилди. У ўғилларидан қайси бирини кўпрок яхши кўрарди? Буни ҳеч қачон сездирмаганди...

Саросима дақиқалари узоққа чўзилмади. Хейген ўзини қўлга олди, телефонга келиб, Коннининг рақамларини терди. Узоқ ту-тулаган овоз эшитилиб

турди, кейин гўшакни Коннининг пичирлаган овози эшитилди.

– Конни, бу мен Томман, – деди Хейген мулойимлик билан. – Эрингни уйғот, мен у билан гаплашиб олишим керак. Ўта муҳим гап бор экан, деб айт унга, ўта муҳим. Албатта, гўшакни олсин, хўпми?

Гўшақда уйкусираган, ширакайф Карлонинг овози эшитилгунга қадар беш дақиқача вақт ўтди. Уни ўзига келтириш учун Хейген чўрт гапирди:

– Қулоқ сол, Карло. Ҳозир мен сенга жуда ваҳимали хабар айтаман. Сен ўзингни бу хабарни эшитишга тайёрла. Ўзингни тут. Чунки бу хабарни эшитганигда ўзингни одатдагидай, гўё ғайритабиий ҳеч нарса бўлмагандай тутишинг, мен билан оғир-босиқ гаплашишинг керак. Коннини ўзимизнинг муҳим гапимиз бор, деб огоҳлантириб қўйдим. Ўзинг унга бирор нарса деб қўясан.

Масалан, оилавий кенгашда сизларни бу ердаги уйлардан бирига кўчириб келишга ва сени расмана ишга қўйишга қарор қилишганмиш, дейишинг мумкин... Оилавий турмушингизни ўнглаб олишингиз учун дон сенга лаёқатингни намоёйиш қилиш имкониятини берганмиш, дейишинг ҳам мумкин. Тушундингми?

Карлонинг овозида умид пайдо бўлди.

– Ҳа-ҳа, тушундим.

Хейген давом этди:

– Бир неча дақиқадан сўнг менинг одамларим етиб боради. Улар сени олиб кетишлари керак. Уларга айтиб қўй, аввал менга қўнғироқ қилишсин. Шу гапдан бошқасини айтма. Мен кўрсатмани бекор қиламан. Сен Конни билан қолишинг керак. Ҳаммасини тушундингми?

– Ҳа-ҳа, ҳаммасини тушундим, – шошилиб жавоб берди Карло.

Ниҳоят Хейген уни бекорга бунчалик зўр бериб этини ўлдирмаётганлигини сезиб қолди.

Энди Хейген гапни чўрт кесди:

– Бундан бир неча дақиқа олдин Соннини ўлдириб кетишди. Ўзингни тут, овозингни чиқарма. Сен ухлаёт-

ганда Конни унга кўнғироқ қилганди, у сизларникига кетаётганди. Мен Конни бу воқеани эшитишини истамайман, майли, миясини ишлатиб кўрсин, лекин аниқ билмасин. Акс ҳолда у ўзини айбдор, деб билади. Шунақа. Бугун сен уйда у билан бирга қоласан, лекин унга ҳеч гапни айтмайсан. У билан ярашиб оласан. Ўзингни хотинини севадиган эр сифатида тутасан. Эртага эрта-лаб ё сен, ё дон, ё онаси Коннига акасини ўлдириб кетишганини айтади. Шунда ҳам сен унинг ёнида бўласан. Сендан илтимосим шу. Бир яхшилик қилиб юборасан энди. Менда ҳам қолиб кетмайди. Фикрларимни аниқ тушунтира олдими?

Карло майин овоз билан жавоб берди:

– Албатта, Том, албатта. Менга қара, Том, биз иккимиз доим бир-биримиз билан тил топишиб келгандик. Миннатдорман. Мени тушундингми?

– Хўп, бўпти, – деди Хейген. – Конни билан жанжаллашиб қолганинг бу ишга сабаб бўлди, деб сени ҳеч ким қораламайди. Бунинг ташвишини қилма. Бу ёғини менга қўйиб бер... – У бир оз жим турди-да, кейин қўшимча қилди. – Бўпти, сен Коннининг ғамини е. – Хейген гўшакни қўйди.

У ҳеч қачон дағдаға қилмасликни Дондан пухта ўрганиб олганди. Карло ҳам, ажал ундан бир баҳя наридан ўтиб кетганлигини жуда яхши тушунди.

Кейин Хейген Тессюга кўнғироқ қилиб, уни шошилинч Лонг-Бичга чақирди. Сабабини айтмади, Тессю ҳам сўраб ўтирмади. Хейген нафасини ростлаб олди. Энди у олдида доим қалтираб турадиган одамга навбат келганди.

Уйку дори ичиб ухлаб ётган донни бориб уйғотиш керак эди. Дунёда ҳаммадан ортиқ яхши кўрадиган одамнинг вазифани удалай олмаганлигини, унинг мулкени, ҳатто ўғлининг ҳаётини сақлай олмаганлигини айтиш керак эди. Донга касал бўлишига қарамасдан ўзи жангга кирмаса, ҳамма нарса бой берилганини айтиш керак эди. Чунки ўзини ўзи алдашнинг мутлақо кераги

йўқ эди – бундай қақшатқич зарбадан соғ-омон қолишга фақат буюк доннинггина кўзи етарди. Хейген ҳатто дон Корлеоне врачининг фикрини сўраб ўтиришни ҳам лозим топмади. Бунинг қанақа фойдаси бор? Врачлар нима дейишидан қатъи назар, ўлим билан кўрқитиб, ўрnidан туришини ман этишган тақдирда ҳам у Чўқинтирган отасига бўлган воқеа ҳақида ахборот беришга, кейин унинг кўрсатмалари асосида иш тутишга мажбур. Доннинг қандай йўл тутишига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Мутахассисларнинг хулосаси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди, энди ҳамма нарса аҳамиятини йўқотди. Дон ҳамма нарсани билиши керак. Кейин ё қўмондонликни ўз қўлига олиши ёки Хейген Корлеонелар империясини Беш оилага топшириш тўғрисида буйруқ бериши керак.

Хейген *consigliorid*ан талаб қилинадиган нарсаларни биларди: у бўлган воқеа ҳақида ахборот бериши, аҳволни ўнглаш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириши ва шу билан оғзига талқон солиши керак. Шахсий кечинмаларга келсак, уларни дон лозим топган даражада баён этади. Агар дон унинг афсусланаётганини, тавба-тазарру қилаётганини кўришни истаётганини ҳис этса, айбининг оғирлигини сир сақлаб ўтирмайди. Агар қайғу-аламини изҳор этиши мумкинлигини тушунса, уни изҳор қилишга эрк беради.

Моторлар овози уни бошини кўтаришга мажбур қилди. Боғ зонасининг уй-жойлар жойлашган кафтдеккина майдонига машиналар келиб тўхтади. *Saroregim*елар келишган эди. Хейген уларни вазият билан қисқача таништиради, кейин юқорига чиқиб донни уйғотади. У ўрnidан туриб, ёзув столи олдига бориб, жавончадан стакан, шиша олди. Кейин шунчалик бўшашдики, стаканни тўлдириш ҳам унга ўта қийин бўлди. Бирдан у орқадаги эшик секин очилганини эшитди ва қайрилиб қаради – хонада узоқ вақтлардан буён биринчи марта кийиниб олган дон Корлеоне турарди.

Дон хонадан ўтиб бориб, ўзининг катта чарм креслосига ўтирди. У сал қийшайиб юрарди, устидаги пид-

жак кенгроқ келиб қолганга ўхшарди, лекин Хейгеннинг кўзига у аввалги дондай бўлиб кўринди. Бу хатти-ҳаракати, ирода кучи билан у ҳали таслим бўлмаган, камқувватлигининг сиртқи изларини сидириб ташлаган, деб ўйлаш мумкин. Унинг тунд қиёфасида аввалги салобат ва ирода намоён эди. Креслода ҳам савлат тўкиб ўтирарди.

– Қани, ароғингдан куй-чи, – деди у.

Хейген ўзига ҳам, донга ҳам қизилмия ўсимлиги таъми келиб турган ичкиликдан куйди. Бу хонаки ичкилик қишлоқда тайёрланган бўлиб, магазинларда сотиладиганларидан анча кучли эди. Доннинг қадрдон дўстларидан бири ҳар йили кичкина автофургонга сиғадиган миқдорда яшиқларда арақ совға қиларди.

– Хотиним йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди, – деди дон Корлеоне. – Вақт ярим тун бўлишига қарамасдан уй олдига сароғегителарнинг келишганини деразадан кўрдим. Шундай экан, мухтарам consiglieri, ҳамма хабардор бўлган воқеадан мен – донни ҳам огоҳ қиладиган вақт келмадимикин?

Хейген секин гапирди:

– Ойимга ҳеч нарса демадик. Ҳозир сизнинг олдингизга чиқиб, юз берган воқеа ҳақида гапириб беришга тайёрланиб тургандим. Бир дақиқадан кейин олдингизда бўлардим.

– Лекин олдин қиттак отиб олмоқчи бўлдинг, – деди дон бепарво.

– Тўғри, – деди Хейген.

– Ҳўш, отиб ҳам олдинг. Демак, энди гапириб беришинг мумкин. – Унинг сўзларида Хейгеннинг бу ожизлигидан жиддий норозилик ифодаси бор эди.

– Соннини Жоунз-Бич йўлида отиб кетишибди, – деди Хейген. – Ўлган.

Дон Корлеоне кўзларини қисди. Бир неча дақиқага ирода зирҳи чилпарчин бўлди, унинг мадорсизланиб бораётганлиги кўриниб турарди. Лекин дарҳол ўзини қўлга олди.

У қўлларини стол устига қўйиб қовуштирди ва Хейгеннинг қўзларига тик қаради.

– Нима бўлганлигининг ҳаммасини менга ипидан игнасигача батафсил айтиб бер, – деди. – Йўқ, – у кафти очиқ қўлини кўтарди. – Шошма, Клеменца билан Тессио келишсин. Акс ҳолда бошқатдан такрорлашингга тўғри келади.

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмаганди, шахсий соқчилардан бири хонага иккала сароғимени киритди. Дон уларга пешвоз турди – бу унинг ўғли ўлимидан хабардор эканлигини ифодаларди. Улар қадрдон ўртоқлар сингари дон билан кучоқлашдилар. Хейген стаканларга ичимлик қуйди. Ҳаммаси ичишди. Шундан кейин у бугун кечқурун бўлган воқеаларни батафсил сўзлаб берди. Гапини тугатгандан кейин дон Корлеоне фақат битта савол берди.

– Ўлдирилган одам аниқ менинг ўғлимми?

Унга Клеменца жавоб берди.

–Ҳа, аниқ. Нотўғри маълумот учун шахсий соқчилар боши билан жавоб беришларини яхши билишади.

Қисқа жимликни ҳисобга олмаганда, ўзининг ҳис-туйғуларини сездирмаган дон қатъий фикрга келганди.

– Ҳеч бирингиз ҳозир бу иш билан шуғулланмайсиз, – деди у. – Ҳеч ким менинг махсус буйруғимсиз қасос олишга уринмайди. Ҳеч ким ўғлимнинг қотилини таъқиб этиш ва жазолашга ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмасин. Мендан бевосита ва тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмагунча, ҳозирча Беш оилага қарши ҳамма душманлик ҳаракатлари тўхтатилади. Ҳозирдан бошлаб, ўғлим дафн этилгунга қадар оила иш юзасидан ҳар қандай операцияларни тўхтатади ва ҳомийлиги остидагиларнинг иш юзасидан операцияларига ҳомийлик қилмайди. Кейин ҳаммамиз яна шу ерда тўпланиб, қандай йўл тутишимизни келишиб оламиз. Бугун эса Сантино учун ҳали қилишимиз мумкин бўлган ишлар билан шуғулланамиз – уни расм-русумлар билан дафн этишимиз керак. Полиция ва тегишли маъмурлар билан бўладиган расмиятчиликларни тўғрилашни дўстларимга топшираман. Сен, Клеменца

ва сенинг регітеингдаги одамлар шахсий соқчиларим сифатида ҳар доим менинг ёнимда бўласизлар.

Сенга, Тессіо, оиланинг ҳамма бошқа аъзоларини муҳофаза қилишни топшираман. Том, Америго Бонасерага кўнғироқ қилиб, тунда, қачонлигини ҳали аниқ билмайман, у менга керак бўлишини айтиб қўясан. Ишхонасида кутиб турсин. Эҳтимол, бир соатдан кейин борарман. Лекин вазият шундай бўлиб қолиши мумкинки, икки соатдан кейин боришим ҳам мумкин. Ҳаммаси тушунарлими?

Ҳамма жим бош силкитди. Дон Корлеоне давом этди:

– Клеменца, одамларни ол-да, машиналарга ўтириб, мени кутиб турунглр. Бир неча дақиқадан кейин тайёр бўламан. Том, сен ҳамма ишни кўнгилдагидай адо этдинг. Эрталаб Констанция онасининг ёнида бўлсин. Энди у эри билан шу ерда яшайди. Ҳамма ишни ташкил эт. Аёллар, Сандронинг дугоналари унинг уйида тўпланишсин. Сандрони ёлғиз қолдиришмасин. Хотиним билан гаплашиб олганимдан кейин, у ҳам ўша ерга боради. У юз берган бахтсизликни Сандрога ётиғи билан айтади.

Аёллар эса дафн маросимига тайёрланишсин, жанозага месса<sup>1</sup> буюртиришсин.

Дон чарм креслодан турди. Бошқалар ҳам ўрнидан туришди. Клеменца ва Тессіо яна бир марта дон билан кучоқлашишди. Хейген эшикни очди – дон чиқаётиб, бир дақиқа тўхтаб қолди-да, Хейгеннинг юзига тикилди. У кафти билан Хейгеннинг бетини силади-да, тезда уни кучоқлади ва италян тилида:

– Сен яхши ўғил чиқдинг. Бу менга далда бўлади, – деди. Шу билан у Хейген ҳозирги ваҳимали пайтда тўғри йўл тутганини тасдиқлади.

Шундан кейин Дон хотини билан гаплашгани юқорига, ётоқхонага кўтарилди. Ана шунда Хейген Америго Бонасерага кўнғироқ қилиб, бир пайтлар дон Корлеоне қилган яхшиликка жавоб қайтариш вақти келганлигини айтганди.

---

<sup>1</sup> Месса – католикларда ибодат вақтида айтиладиган куй.

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

### ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Сантино Корлеоненинг ўлими худди осуда ҳовуз бетига ташланган тош сингари Америка жиноятчилар дунёсини остин-устин қилиб юборди. Бошқарув тизгинини қўлига олиш мақсадида дон Корлеоне касал ётган жойидан турганлиги тўғрисида хабар келганда, дафн маросимидан қайтган айғоқчилар кўринишидан дон бутунлай соғайиб кетганлигини айтишганда, Беш оила раҳбарлари душман бу зарбага қарши, албатта, қонли уруш бошлайди, деган шубҳага борди-да, мудофаага тайёргарликни авж олдириб юборишди. Ҳеч ким бундай муваффақиятсизликдан кейин дон Корлеоне билан ҳисоблашмаса ҳам бўлаверади, деган фикрга бормади. Дон Корлеоне ҳаётида камдан-кам хато қилганди, лекин ҳар бир хатодан тегишли хулоса чиқариб оларди.

Доннинг ҳақиқий режаларини фақат Хейген пайқай оларди, шунинг учун ҳам сулҳ тузишни таклиф этиб, Беш оила бошлиқларига вакиллар жўнатилганда у таажжубланмади. Дон шунчаки сулҳ тузишнигина эмас, балки Нью-Йорк шаҳридаги ҳамма оилаларни кенгашга чақириш, шунингдек, унга бутун мамлакатдаги оилавий синдикатларни таклиф этишни тавсия қилганди. Нью-Йоркда Американинг энг қудратли уруғ жамоалари тўпланишганди. Бошқаларнинг тинчлиги кўп жиҳатдан уларнинг ишига, турмуш кечиришига боғлиқ эканлигини ҳамма тушунарди.

Доннинг таклифини ишонқирамай қарши олишди. Бу нима – тузоқми? Душманнинг диққат-эътиборини чалғитиб, ғафлатда қолдиришга уринишми? Бирданига ҳамманинг калласини танасидан жудо қилиб, ўғли учун қонли қасос олишми? Бироқ дон Корлеоне ниятларининг самимий эканлиги тездаёқ далилланди. Биринчидан, у бу учрашувга мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан синдикатларни чақирди. Бундан ташқари унинг ўз фуқароларини ҳарбий ҳолатга ўтказишга ёки иттифоқчилар излашга



уринаётганлиги сезилмади. Кейин у ниятларининг самийлигини бир йўла ва сўзсиз далилловчи йўл тутди – олий даражадаги анжуман иштирокчиларининг дахлсизлигини таъминлади. Бунинг учун у Боккикьо оиласи хизматидан фойдаланадиган бўлди.

Боккикьолар оиласи бир замонлар Сицилия мафийасидан ажралиб чиққан, мисли кўрилмаган ёвузлиги билан донг таратган бўлиб, Америка қитъасида ўзига хос тинчлик қуролига айланиб қолган эди. Бир замонлар ашаддий ёвузлиги билан тирикчилик қилган бу уруф эндиликда ҳалол, пок йўл билан турмуш кечирарди. Боккикьолар бебаҳо бойликка – улар уруғининг негизини ташкил этувчи мустаҳкам қондошлик алоқаларига, ҳатто қариндош-уруғлик садоқатини эр-хотинлик садоқатидан ҳам юқорироқ ҳисоблайдиган тоифасида ҳам камданкам учрайдиган қабилавий аҳилликка эга эдилар. Мафийанинг рақобатлашувчи томонлари ярашиш йўлини излашаётган, тинч музокаралар олиб бориладиган пайтда Боккикьолар оиласини воситачи ва гаров сифатида қўйганлигининг асосий сабаби худди мана шунда эди.

Бу жамоа аъзоларининг ўзига хос бўлган битта хусусияти – ақл-идрокнинг чекланганлиги ёки янада тўғрироғи норасолик бирлаштириб турарди. Буни уларнинг ўзлари ҳам тан олишар ва корчалонликнинг фоҳишабозлик, қиморбозлик, қорадори билан савдо қилиш ва йирик товламачилик каби мураккаб соҳаларини ташкил этиш ва бўйсундириш учун курашда мафийанинг бошқа оилалари билан рақобатлашишга уринишмасди. Оддий полициячининг томоғини мойлашга уларнинг фаҳми етарди, лекин содда ва софдил бу одамларнинг каттароқ хизматдаги амалдорга пора бериши қийин иш эди. Уларни бошқалардан кескин ажратиб турадиган иккита устун томони бор эди. Бу улар тилида ор-номус деб аталган нарсага садоқат ва аввал таъкидлаб ўтганимиз ваҳшийлик эди.

Боккикьолардан бирон киши ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, сотқинлик қилмаган эди. Бу жумбоқ ўта ақли те-

ранлик билан боғлиқ эди. Боккикьолардан бирон киши озор берган одамни кечирмас ва ҳар қандай вазиятда ҳам жазоламасдан қўймасди. Ана шу хислатлари ва тасодифий бир ҳол уларни сердаромад ҳунар бўлиб қолган машғулотга дучор қилди.

Рақобатлашувчи оилаларда сулҳ тузиш ва музокара олиб бориш истаги туғилганда, уларнинг Боккикьолар жамоаси билан боғланиши кифоя қилди. Жамоа бошлиғи учрашувнинг дастлабки шартларини олдиндан келишиб олди ва талаб қилинган миқдордаги одамларни жўнатди. Майкл Солоццо билан учрашувга борадиган бўлганда ҳам Корлеоне қароргоҳида Боккикьоларнинг Солоццо томонидан ёлланган вакили Майклнинг дахлсизлиги учун гаров сифатида қолган эди. Агар Солоццо Майклни ўлдиришга журъат этганда эди, Корлеонелар қўлида гаров сифатида сақланаётган одам ҳам худди шундай қисматга дучор бўларди. Бунда Боккикьолар оиласи аъзолари улар уруғининг ўлимига сабаб бўлган Солоццодан қасос олардилар. Ҳеч нарса, ҳеч қандай жазо бу борада Боккикьолар йўлига тўсиқ бўлолмасди. Агар ўлиш керак бўлса, улар ҳеч иккиланмасдан жонини қурбон қилардилар. Сотқинлик қилганлиги учун жазодан қочиб қутулишнинг йўли йўқ эди. Боккикьолар оиласидан гаровга олинган одам тўла хавфсизлик кафолати бўлиб хизмат қиларди.

Шунинг учун ҳам дон Корлеоне воситачилик қилишни сўраб Боккикьога мурожаат этганида ва сулҳ кенгашида иштирок этишни лозим топган ҳар бир оилага тегишли миқдорда гаровга қўйиладиган одамлар бўлишига кафолат беришади, деб келишилганда, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади. Иккиюзламачилик, мунофиқлик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Кенгашга мутлақо шубҳаланмасдан, худди тўйга келгандай келиш мумкин эди.

Гаровга олинганлар ўз вақтида келишди: учрашув ўтадиган жой ҳам аниқланди. Учрашув унча катта бўлмаган тижорат банки биносининг директорлар

мажлис ўтказадиган залида ўтадиган бўлди. Дон Корлеоне банк акциячиларидан бири ҳисобланарди, бироқ унинг акциялари президент номида эди. Дон Корлеоне банк президентига жуда кўп яхшиликлар қилганди. Чўқинтирган отанинг илтимоси банк президенти учун буйруқ билан тенг эди. Шунинг учун ҳам белгиланган шанба куни идоранинг ҳамма бўлимлари бутунлай ажратилган, чарм қопланган чуқур креслолар билан жиҳозланган зали билан бирга оилавий синдикатлар ихтиёрига берилди.

Банк соқчилари махсус кийимидаги сараланган барваста йигитлар легиони соқчиликка қўйилди. Эрталаб соат ўнга яқин залга бирин-кетин учрашув қатнашчилари тўплана бошладилар. Кенгашда Нью-Йоркдаги Беш оиладан ташқари яна ўн жойдан, подадаги тиррақи бузоқ – Чикагодаги Капоне вотчинасини<sup>1</sup> истисно этганда, ҳамма жойдан вакиллар қатнашиши кўзда тутилганди. Чикаголик ёввойиларни ривожланган жамият талабларига мувофиқ муомала қилишга ўргатишга уринишлардан аллақачон воз кечишган, учига чиққан жоҳилларни кенгашга таклиф этишни эса ортиқча ташвиш деб ҳисоблашар эди.

Кенгаш қатнашчилари олдиндан белгилаб қўйилган тартиб навбати билан соат тўққиз яримдан ўнгача тўпланишди. Биринчи бўлиб сулҳ музокараларининг ташаббускори, демак, маълум маънода бу учрашувнинг эгаси бўлган дон Корлеоне келди. Аниқлик донга хос бўлган кўплаб хислатлар орасида алоҳида ўрин тутарди. Иккинчи бўлиб Жанубий штатлардаги бепоеён мулк эгаси бўлган Карло Трамонти келди. Ўрта ёш, басавлат, сицилияликларга хос бўлмаган новча, чиройли юзи бир текис қорайган, сочини текис қилиб тараган, башанг кийинган Трамонти италияликка ўхшамасди. Бўш вақтида ўзининг қайиғида балиқ овлашга чиққан америкалик миллионерларни журнал саҳифаларида шундай тасвирлашарди. Трамонтилар оиласининг бойлиги қиморбозликдан келарди. Бу оила дони билан учрашган ҳеч бир одам у

---

<sup>1</sup> **Вотчина** – отамерос мулк.

бир пайтлар ҳозирги империясини ўта шафқатсизлик билан қўлга киритган, деб ўйламасди.

Сицилиядан Флоридага болалигида келган Карло Трамонти шу ерда ўсиб улғайди. Жанубий шаҳарчаларда тарқоқ ҳолда жойлашган қиморхоналарга эга бўлган синдикатда ишлай бошлади. Синдикат хўжайинлари маҳаллий маъмурий органлардаги америкаликлар бўлиб, жиддий йигитлар эдилар – қайдаги дайдиб юрган сицилиялик бир кучуквачча уларни ортда қолдириб кетади, деган ўй ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Карлонинг ҳайвонларга хос ваҳшийлиги уларни эсанкиратиб қўйди. Карлога худди ана шундай ёмонлик билан жавоб қайтаришга эса журъат этишолмасди. Уларнинг фикрича, Трамонти бунга арзимасди. Трамонти оладиган фойдадан полицияга берадиган ҳиссани кўпайтириб, уни оғдириб олди ва овлоқ жойларда нўноқлик билан иш олиб бораётганларнинг йўлини кесиб қўйди. Трамонти Куба диктатори Батиста билан алоқа ўрнатди ва аста-секин Америка қитъасидаги маишатпараствларни жалб этиш мақсадида Гавананинг қиморхона, фоҳишахона каби кўнгил очиш уйларига катта маблағ сарфлай бошлади. Эндиликда Майами-Бичдаги энг ҳашаматли меҳмонхоналардан бири Трамонтига қарашли бўлиб, унинг бойлиги миллионлар билан ўлчанарди.

Худди ўзига ўхшаб куёшда қорайган consiglieri ҳамроҳлигида Трамонти залга кириб келди ва ўғлидан жудо бўлган отага ҳамдардлик ифодаси билан дон Корлеонени кучоқлади.

Учинчи бўлиб Детройтдан келган дон Жозеф Залукки ташриф буюрди. Залуккилар оиласи Детройт яқинида норасмий отчопарлардан бирига эга эди. Бундан ташқари маҳаллий қиморхоналардан анчагина қисми ҳам шу оиллага қарашли эди. Залуккининг тўла юзидан кўнгилчанлик, мулойимлик ёғилиб турар, унинг юз минглик данғиллама ҳовлиси шаҳарнинг энг дабдабали мавзеларидан бири бўлган Гросс-Пойнтда жойлашган эди. Унинг ўғли уйланиб, Америкадаги қадимий ва ну-

фузли фамилияга эга бўлган одамлар билан қариндош бўлиб қолган эди. Дон Корлеонега ўхшаб, Залукки ҳам эҳтиёткорлиги ва бошидан кўп иссиқ-совуқ ўтганлиги билан машхур эди. Мафия таъсири остидаги шаҳарлар ичида Детройт зўравонлик йўли билан қилинган жиноятлар миқдорига кўра охириги ўринда турарди. Сўнги уч йил мобайнида шаҳарда фақат икки марта ўлим чораси қўлланганди. Детройт дони қорадори билан савдо қилишни маъқулламаганди.

Залукки ҳам *consigliori* билан бирга келганди. Ҳар икиси дон Корлеоне билан кучоқлашиб, унга ҳамдардлик билдирдилар. Агар енгил талаффузи бўлмаганда, Залуккининг йўғон овозини туб америкаликнинг овозига ўхшатиш мумкин эди. У ҳақиқатан ҳам америкалик бизнесменга ўхшарди – башанг кийинган, ишчан, муомалада ўта самимий эди.

– Сизнинг даъватингиздан бошқа ҳеч қандай илтимос мени бу ерга келтиролмасди, – деди у дон Корлеонега.

Дон Корлеоне миннатдорчилик билдириб, бош эгди. У Залуккининг мададига ҳеч шубҳасиз умид қилиши мумкин эди.

Ғарбий соҳилдан икки дон Нью-Йоркка бир машинада келди. Улар бирга иш олиб боришар ва доим бирга юришни маъқул кўришар эди. Улар Фрэнк Фалконе ва Энтони Молилари бўлиб, иккаласи ҳам қирқ ёшда, яъни учрашувнинг бошқа ҳамма қатнашчиларидан ёш эдилар. Уларни, шунингдек, Голливуд таъсири остида кийинишидаги баъзи бир ўзига хослиги, биродарларча қилиқлар ажратиб турарди. Кино ходимлари касаба уюшмаси ва киностудиялардаги қиморхоналар Фрэнк Фалконе қарамоғида эди. Бундан ташқари у узоқ Ғарб штатларидаги фоҳишахоналар учун қизлар ёллаш ва мунтазам етказиб бериб туришни авж олдириб юборган эди. Сиртқи кўринишидан эстрада артистига ўхшаб юриш ўзини ҳурмат қиладиган дон учун қулоқ эшитмаган ҳол эди. Фалконе эстрада артистига ўхшаб кетарди.

Шунинг учун ҳам дон биродарлари унга ишончсизлик билан қарашарди.

Энтони Молилари Сан-Францисконинг порт кварталларида хукмронлик қиларди, бундан ташқари спорт тотализатори соҳасида ҳам унга тенг келадиган одам йўқ эди. Аждодлари италян балиқчилари бўлган Энтони Молилари Сан-Францискода «Денгиз тухфалари» деб аталган энг яхши ресторан очди. У бу ресторан билан фахрланар ва одамларнинг гапларига қараганда, таомлар нархи арзонлигидан зарар кўрса ҳам ресторанны ёпмасди. Профессинал ўйинчи қиёфасидаги бу одам Мексика чегараси ёки шарқий денгизлар орқали мамлакатга яширин йўл билан қорадори келтирилишига алоқадор, деган гаплар ҳам юрарди. Бу икки донни маслаҳатчи эмас, шахсий соқчилар эканлиги яққол кўриниб турган, лекин бу ерга қурол билан келишга журъат этишгани шубҳали бўлган икки бақувват йигит кузатиб келди. Бу йигитлар қаратэ усулларини пухта билиши ҳеч кимга сир эмасди. Вазиёт тўпланганларнинг кўпчилигини хурсанд қиладиган, лекин айни пайтда ташвишлантирадиган ҳам эмасди. Калифорниялик донлар бу учрашувга Рим папаси томонидан илоҳийлаштирилган тумор тақиб келишлари ҳам мумкин эди. Шуниси қизиқарлики, кенгашга келганлар орасида диңдор, художўй одамлар ҳам бор эди.

Кейин бошқаларнинг ҳурматидан марҳум бўлган Бостон оилаларининг вакили келди. Бу одам қўл остидагиларга нисбатан ноҳўя ишлар қилишини, уларни шафқатсизлик билан алдашини ҳамма биларди. Буниси ҳали ҳолва эди – одам очкўз бўлганидан кейин начора. Лекин кечириб бўлмайдиган нарса, унинг ўз мулкида тартиб-интизом ўрната олмаганида эди. Унинг худудида жуда кўп қотилликлар, ҳокимият учун майда-чуйда жанжаллар бўлиб турарди, ёлғиз иш кўрадиган ўғрилар ҳам, «эркин рассомлар» ҳам ўта кўп эди, бир сўз билан айтганда, Бостонда қонунчиликка ҳаддан ташқари ортиқча риюя қилинмаслиги одамларнинг ғашига тегарди. Агар Чикагода ваҳшийлар ўрнашиб олишган бўлишса, Бос-

тонда эса gavones – майда ўғрилар, қаланғи-қасанғилар хукмронлик қилишарди. Бостонлик доннинг исми-шарифи Доменик Панца эди. Пакана, суяклари бўртиб чиққан бу одам, донлардан бирининг таърифи билан айтганда, кўринишидан қуйиб қўйган ўғрининг ўзи эди.

Америкадаги қиморхона монополиялари ўртасида энг қудратлиси бўлган Кливленд синдикатидан озғин, юзи сўлгин, сочлари оппоқ, ёши анчага бориб қолган дон вакил бўлиб келганди. У бошчилик қилаётган синдикат мукаммал созланган машина сингари бехато ишларди. Қиёфаси нозиклигига қарамасдан, дон Винсент Форленцанинг бирон марта жаҳли чиққанини ҳеч ким кўрмаган эди. Хушмуомала, ширинсўз Винсент Форленца мулкани бошқаришда қаттиққўл эди. Кулиб туриб жонингни олади, деган гап худди шундай одамлар ҳақида айтилган.

Охирида Нью-Йоркнинг Беш оилавий синдикати бошлиқлари бирин-кетин кириб келдилар ва Том Хейген бу беш бошлиқ уларни ўраб турган провинциялардан келганларга нисбатан салобатлироқ, ишончлироқ эканлигини дарҳол ҳис этди. Тўладан келган, боши катта, барваста бу одамлар юз тузилишининг кенглиги – семизлиги, бурнининг катталиги, лабининг дўрдоқлиги, юзидаги чизиқларнинг узунлиги билан бошқалардан ажралиб турардилар. Уларнинг эгниларида на янги тикилган костюм бор эди, на сочлари текис қилиб таралганди. Уларнинг сиртдан кўринишлари доим иш билан банд бўлган бу жиддий одамларнинг ясан-тусан каби майда-чуйда нарсалар билан шуғулланишга вақтлари йўқлигини кўрсатарди.

Бу ерда Нью-Жерси штатида ва Манхэттеннинг Уэст-Сайд бўғозларида хукмронлик қиладиган Энтони Страччи ҳам бор эди. У Нью-Жерсидаги қиморхоналарни бошқарар ва Демократлар партияси аппаратида катта таъсир кучига эга эди. Страччи юк автомашиналари паркига эга бўлиб, ҳар бир ҳайдовчи белгиланганидан ортиқча юк билан йўлга чиқиши, йўлда уларни авто-

инспекция ходимлари тўхтатмаганлиги ва қويدани бузганлиги учун жарима солмаганлиги сабабли катта пул топарди. Тош йўллар оғир машиналарнинг ғилдираклари остида эзилар, бу йўлларни эса ўша Страччига қарашли йўл ремонтни компанияси штатдан қулай пудрат асосида ихтиёрига олиб таъмирларди. Шундай қилиб, бир фойда келтирадиган иш ўз-ўзидан иккинчи фойдали ишни келтириб чиқарарди. Бу осон ва қулай эди. Бунинг устига Страччи эскича қоидага риоя қилар ва гарчи порт қироли сифатида ноқонуний тарзда қорадори келтиришга хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам аралашмасдан туrolмаса-да, тирик мол савдоси билан ҳеч қачон шуғуланмаганди.

Нью-Йорк штатидан шимолда Оттилио Кунео ҳукмронлик қиларди. Унинг оиласи яширин тарзда Канададан чегара орқали италян муҳожирларини олиб ўтар, штатнинг шимолий қисмидаги ҳамма қиморхоналар унинг қўлида эди. Бундан ташқари Кунеонинг ёрдამисиз штат маъмурларидан отчопар ташкил этишга рухсат олишга уриниш бефойда эди. Сиртдан қишлоқ новвойига ўхшаган қулча юзли мулойим бу одам (асл машғулоти йирик сутчилик компаниясининг эгаси эди) кўзлаган мақсадидан қайтмас эди. У болаларни жуда яхши кўрар, невараларидан биронтаси ёки хизматкорларининг болалари учраб қолишса, эркалатиб хурсанд қилиш мақсадида, доим чўнтаклари тўла конфет олиб юрарди. Кунео худди хотинларнинг панамасига ўхшаган, гардишлари пастга қараб букилган юмшоқ шляпа кийиб юрар, бу шляпа остидан унинг чехраси худди қуёшга ўхшаб кулиб турарди. Бошқа донлардан фарқли ўлароқ у бирон марта ҳам қамалмаганди, унинг ҳақиқий фаолияти ҳақида ҳеч қачон, ҳатто шубҳа ҳам қилинмаганди. Бундан ташқари, унинг ҳалоллиги шу даражада шак-шубҳасиз эдики, у доим турли жамоатчилик ташкилотлари мажлисларида қатнашар, бир сафар ҳатто савдо палатасининг йил сайин бериладиган «Нью-Йорк штатининг энг яхши бизнесмени» унвонига ҳам сазовор бўлган эди.



Бу ерда Таттальялар оиласининг энг яқин итти-фокчиларидан бири дон Эмилио Барзини ҳам бор эди. Шаҳарнинг Бруклин ва Куинс каби мавзеларидаги қиморхоналар ва кўплаб фоҳишахоналар шу одамга қарарди. У четга қуролланган ёлланма одамлар етказиб берарди. Статен-Айленд устидан чекланмаган ҳокимиятга эга эди. Бронкс ва Уэстчестердаги спорт тотализаторларида иштироки бор, қорадори савдоси билан шуғулланарди. Кливленд ва Ғарбий соҳил синдикатлари билан мустақкам алоқа боғлаган эди. Неваданинг Лас-Вегас ва Рино каби очиқ шаҳарларидаги ишратхоналардан олинадиган фойдадан келадиган улущ, Майами-Бич ва Куба курортларидаги кўнгили очадиган бизнесларда иштирок этиш унинг зийраклиги, фаҳм-фаросатидан далолат берарди. «Барзини оиласи» деган тушунча остида ана шулар яширинган эди. Корлеонелар оиласидан кейин уни Нью-Йоркдаги, демак, бутун Америкадаги жамоаларнинг энг кучлиси деб аташ мумкин эди. Барзинининг қўли Сицилиягача етарди. Йирик фойда келтирадиган ноқонуний соҳанинг бирор қисми унинг иштирокисиз иш кўрмасди. Мишмишларга қараганда, у ҳатто Уолл-Стритга ҳам суқилиб кириб олишга муваффақ бўлганмиш. Яширин уруш бошланган дастлабки кунларданоқ у Таттальялар оиласини кўллаб-қувватлаш учун маблағи ва таъсир кучини ишга солди. Барзинининг эзгу орзуси дон Корлеонени майдондан суриб чиқариш ва Америкада мафиянинг энг қудратли ва ҳамма ҳурмат қиладиган бошлиғи мартабасини эгаллаш, шу билан бирга Корлеоне империясини қўлга киритишдан иборат эди. Дарвоқе, у кўп жиҳатдан дон Корлеонени эслатар, замон талабларига мослаша олиш маҳорати, масалага кенг миқёсда қараш, ишбилармонлик, чаққонлик каби масалаларда эса дондан устунлик қиларди. Эмилио Барзинини ёшини ёшаб, ошини ошаб бўлган чол, деб аташ ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Унда айни кучга тўлаётган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, дадил, ўзига ишонадиган ёш етакчи сиймоси мавжуд эди. Унда кучли, лекин совуқ дон Корлео-

нега хос самимиятдан асар ҳам бўлмаган шахс тимсоли кўзга ташланарди. Эҳтимол, ҳозирги пайтда у Бешликда энг «хурматли» одамдир.

Энг охирида Солоццони қўллаб-қувватлаб, Корлеоне ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун очиқдан-очиқ курашга чиққан ва бу мақсадга деярли эришган оила бошлиғи Филипп Татталья келди. Шуниси қизиқки, Бешликнинг бошқа аъзолари уни назар-писанд қилишмасди. Биринчидан, маълумки, у эҳтиётсизлик қилиб, Солоццонинг гапига лаққа тушган, маккор Туркнинг измида иш кўрган эди. Ишнинг пачавасини чиқариб, Нью-Йорк оилалари катта зарар кўришига сабаб бўлган ҳозирги ғалағовур ҳам унинг касофати туфайли юз берган эди. Иккинчидан, у олтмиш ёшдан ошган бўлишига қарамасдан, ўта олифга ва хотинбоз эди. Бунинг устига шахвоний хисларни қондирмоқ учун тўла эркинликка эга эди.

Ҳамма гап шундаки, Таттальяларнинг оилавий касб-кори аёллар савдоси эди. Улар даромадининг асосий қисми фоҳишабозликдан келар эди. Бундан ташқари Америкадаги тунги клубларнинг деярли ҳаммаси Таттальялар назорати остида эди. Қайси шаҳарда яшашидан қатъи назар, келажаги бор истеъдодлироқ одамни оғдириб олиш оилага қийин эмасди. Филипп Татталья қобилиятли қўшиқчи ёки қизиқчини ўзига қарам қилиб олиш, пластинкалар чиқарадиган фирмаларга шартини зўрлаб ўтказиш учун куч ишлатишдан тоймасди. Лекин шунга қарамасдан оила даромадининг асосий манбаси фоҳишабозлик эди.

Филипп Таттальяни одам сифатида иттифоқчилари ҳуш кўришмасди. У доим иши юришмаётганлигидан зорланар, шикоят қиларди. Аёллар ишққмас, тантиқ, бири қочиб кетади, бошқаси ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлади. Сутенёрларнинг ҳаммаси фирибгар ва мутгаҳам, арзимаган чақага хўжайинини ҳам сотиб юборишади. Бамаъни ходимни кундузи чироқ ёқиб излаб ҳам тополмайсан. Ўзимизнинг сицилиялик ёш йигитлар эса бундай иш билан шуғулланишдан бош тортишади, қиз олиб қочиб ва

сотиш уят деб ҳисоблашади, ўзлари эса, итваччалар, сени сўйиб ташлашдан ҳам қайтишмайди. Филипп Таттальянинг сал жирканчроқ, сал телбароқ одамлар даврасида ана шундай деб гап сотадиган одати бор эди. Татталья унинг тунги клубларида ва кабаресида спиртли ичимликлар билан савдо қилишни ман этиш ёки рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган чиновниклардан ҳаммадан кўпроқ, шикоят қиларди. Ҳатто Уолл-Стрит ҳам у бир ўзи давлатга қарашли матбуот воситаларини назорат қилиш учун қўйилган сотқинларга пора бериб кўпайтирган даражада миллионерларни кўпайтира олган эмас, деб Худо номи билан қасам ичади у.

Шуниси қизиқки, ҳатто Корлеоне жамоаси устидан ғалаба қозонишига сал қолганлигига қарамасдан, у хурмат-эътибор қозонолмаганди. Таттальянинг у пайтдаги кучи кимлардан иборат эканлигини ҳамма биларди. Бу куч биринчи навбатда Солоццо, сўнгра Барзинилар оиласи эди. У тўсатдан ҳужум қилишнинг устунлигидан ва тўла ғалаба қозониш имкониятидан фойдалана олмаган эди, бу ҳам унга фойда келтирмади. Агар у сал чакқонроқ бўлганида эди, ҳеч ким шунчалик ноқулайликларга дуч келмаган бўларди. Дон Корлеоненинг ўлими урушга бутунлай чек қўйган бўларди...

Дон Корлеоне ва Филипп Татталья уруш жараёнида ўғилларидан жудо бўлган душманларга хос тарзда учрашув пайтида расмий бош қимирлатиш билан саломлашиб кўяқолдилар. Беш оила етакчилари учун дон Корлеоне алоҳида диққат-эътибор талаб қиладиган шахс эди. Ундан ожизлик белгиларини, жудолик ва заифлик оқибатларини излаб, орқасидан ўта синчковлик билан кузатардилар. Севикли ўғлидан қасос олишганидан кейин дон Корлеоне сулҳ йўлларини излаётгани шубҳа уйғотарди. Бу мағлубиятга учраганлигини тан олиб берилган тилхатга ўхшарди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, Корлеоненинг куч-қудрати бутундан бошлаб аста-секин сўна бошлайди. Дарвоқе, буларнинг ҳаммаси тез орада маълум бўлиши керак.

Қутлов овозлари тўхтади. Тўпланганларга тутилган қадаҳлар бўшади. Ниҳоят дон Корлеоне ёнғоқ дарахтидан тайёрланган ойнадай силлиқ стол орқасидаги ўрнига бориб ўтиргунча ярим соатча вақт ўтди. Унинг орқасига, сал чапроққа худди соя сингари сездирмасдан Хейген бориб ўтирди. Бу бошқалар учун ишора эди: донлар стол атрофига ўтира бошлашди, ҳар бир дон орқасидан керак бўлса маслаҳат бериш мақсадида уларга энг яқин жойдан кузатувчи *consiglior*лар жой олдилар.

Биринчи бўлиб дон Корлеоне сўз олди – у гўё ҳеч нарса бўлмагандай гап бошлади. Гўё у оғир жароҳатланмагандай, катта ўғли ўлдирилмагандай, унинг империясини қонли қирғин вайрон қилмагандай, болаларини турли томонларга: Фреддини Ғарбга, Молилари оиласи ҳимоясига, Майклни эса бошпана излаб узоқ Сицилиянинг овлоқ бир бурчагига улоқтириб ташламагандай сокин, вазмин гапирди. Табиийки, у сицилианча шевада гапирди:

– Энг аввало, сизларга бу ерга келганларингиз учун миннатдорчилик билдираман, – деди у. – Буни шахсан менга кўрсатилган ҳурмат деб биламан ва ўзимни шу ерда ўтирган ҳар бир одам олдида қарздорман деб ҳисоблайман. Гапни бу ерга жанжаллашгани ёки ўзимнинг ҳақ эканлигимни исботлаш учун келмаганлигимдан бошламоқчиман. Менинг яккаю ягона мақсадим вужудга келган аҳволни муҳокама қилиш, тушуниб олиш, соғлом фикр юритиб, бу ердан дўстлар сифатида тарқалиб кетишимиз учун ҳамма ишни қилишдан иборат. Менинг сўзим бунга кафил бўла олади. Мени яхши танийдиганлар беҳуда гапирмаслигимни, айтган гапимнинг устидан чиқишимни тасдиқлашади. Бўлди, бу борада етарли. Энди ишга ўтайлик. Бу ерга бир-бирига муҳрланган ва имзоланган кафолатномалар топширадиган юристлар тўплангани йўқ. Биз ор- номусли одамлармиз.

У жим бўлиб қолди. Бу жимликни ҳеч ким бузмади. Кимдир сигарета тутатар, кимдир виски ҳўпларди.

Тўпланганларнинг ҳар бири бошқаларнинг гапини тинглашни, сабр-тоқат билан кутишни билишарди. Уларни яна бир нарса бирлаштириб турарди. Улар ўзига ўхшаганлар ўртасида инсоний қиёфасини йўқотган, уюшган жамият ҳокимлигини тан олмайдиган – бошқа бировларнинг ҳукмронлик қилишини рад этадиган ғалати одамлар эдилар. Ер юзида уларни ўз истакларига қарши боришга кўндира оладиган куч ҳам, инсон ҳам йўқ эди. Бу одамлар ҳийла-найранг, қотиллик билан ўз эркинлигини ҳимоя қилишган эди. Уларнинг иродасини фақат ўлим ёки ўта соғлом тафаккургина шубҳага солиши мумкин эди.

Дон Корлеоне нафасини ростлаб олди.

– Қандай қилиб бу иш шунчалик чуқур илдиз отиб кетди? – бу саволнинг жавоби ичида эди. – Дарвоқе, нимасини ҳам айтамин. Ҳеч кимга кераги йўқ, ачинарли кўп аҳмоқликлар қилинди. Агар ижозат берсангизлар, бу воқеаларни мен қандай тасаввур этишимни баён қилсам.

Воқеаларнинг бир томонлама баён қилинишига бирон кимса қаршилиқ кўрсатмасмикин, деган ўйда у яна бир оз жим қолди.

– Худога шукурки, мен яна соппа-соғман ва эҳтимол, вазиятдан чиқишнинг бирон-бир тўғри йўлини топарман. Балки менинг ўғлим шошма-шошарлик билан, ўнг-терсига қарамай иш қилгандир. Шундай бўлиши мумкин. Қандай бўлганда ҳам сизларга шуни айтишим керакки, маблағларим ва алоқаларимга умид боғлаб, Солоццо менга бир таклиф билан мурожаат қилганди. У Таттальялар оиласидан ёрдам беришга кафолат олганлигини айтганди. Гап қорадори ҳақида эди. Мени эса қорадори қизиқтирмайди. Мен оғир-босиқ, ювош-мўмин одамман. Менинг ёшимда қорадори билан шуғулланиш ҳаётимни ўта жонлантириб юборади. Солоццога унинг ўзига, Таттальялар оиласига чуқур ҳурматимни изҳор қилган ҳолда шуларнинг ҳаммасини айтдим. Ҳурмат-эҳтиром билан унинг таклифини қабул қилолмаслигимни айтдим. Унинг бу иши менга заррача

тўсқинлик қилмаслигини, унинг шу йўл билан пул топишига мутлақо эътироз билдирмаслигимни айтдим. Лекин Солоццо менинг рад жавобимни нотўғри тушунди ва бошимизга бало-қазолар ёғдирди. Начора, буни ҳаёт дейдилар. Бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири бошига тушган кулфатлар ҳақида ҳар қанча гапириши мумкин. Мен бундай қилмоқчи эмасман.

Дон Корлеоне Хейгенга минерал сувдан қуй, деб ишора қилди. Дарҳол стаканга тўлдириб сув қуйилди. У томоғини ҳўллаб олди.

– Бу баҳсни мен тинч йўл билан ҳал этишни хоҳлайман, – деди у. – Татталья ҳам ўғлидан жудо бўлди, мен ҳам ўғлимдан жудо бўлдим. Демак, орамиз очиқ. Агар одамлар ақл-идрок овозига кулоқ солмасдан, фақат бир-бирларидан қасос олиш билан шуғулланишса, ер юзида қандай воқеалар рўй бериши мумкин? Ахир эркаклар жон-жаҳди билан қонли қасос олишга киришиб кетиб, оиласига нон топиб беришга вақт тополмаётган Сицилиянинг офати ҳам шунда эмасми? Ахир бу учига чиққан телбалик-ку! Шунинг учун ҳам мен ҳозир ҳаммамиз аввалги ҳолатимизга қайтайлик, демоқчиман. Мен ўғлимга ким хиёнат қилганини, уни ким ўлдирганини аниқлашга киришганим йўқ. Агар бу ишни тинч йўл билан ҳал қила олсак, киришмайман ҳам. Ҳозир уйга қайтиб келолмаётган бошқа ўғлим бор – менга ўғлим ҳеч қандай қаршиликсиз, бемалол уйга қайтиб келишига эриша олганимда маъмурлар томонидан унга нисбатан тўсқинлик, дўқ-пўписа қилинмаслигига кафолат керак. Агар бу масалани ҳал эта олсак, ушбу учрашувимиз ҳар биримиз учун фойдали яқунланишини таъминлайдиган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилиш мумкин. – У ҳаммага маънодор тавозе билан қараб олиб, кафтларини стол устига қўйди. – Мен айтмоқчи бўлган гаплар шулар.

Дон Корлеоненинг нутқи таъсирли чиқди. Унинг қиёфасида яна аввалги, ҳамма биладиган дон Корлеоне мужассам эди. Мулоҳазали. Холис. Ширин сўз. Бироқ бу

ердагиларнинг ҳар бирига дарҳол доннинг соппа-соғлиги, бу эса дон Корлеоне оиласи бошига тушган ташвишларга қарамасдан, у ўзи билан ҳазиллашишга йўл қўймаслиги тўғрисидаги фикр келди. Шунингдек, у илтимос қилган нарсага эришмагунча, яъни сулҳ тузилмагунча, бошқа нарсалар ҳақида гап юритиш бефойда эканлиги ҳам эътибордан четда қолмади. Кейинги йилларда ҳаммадан кўпроқ зарар кўрганга қарамасдан, мавжуд ҳолатни сақлаб қолишни таклиф этаётганлиги, демак, ҳеч нарсадан воз кечмаслиги – ён босмоқчи эмаслиги ҳам эътибордан четда қолмади.

Лекин дон Корлеонега жавобан Татталья эмас, Эмилио Барзини сўз олди. Гарчи унинг нутқини ҳеч ким кўпол ва нафсониятига тегадиган деб айтмаса-да, қуруқ, дўнда гапирди.

– Айтилган гапларнинг ҳаммаси тўғри, – деб бошлади Барзини. – Лекин бор гапнинг ҳаммаси айтилмади. Дон Корлеоне камтарлик қилди. Гап шундаки, дон Корлеоненинг ёрдамисиз Солоццо ва Таттальялар оиласи янги бошлаётган ишни удалай олмасди. Дон Корлеоне таклифни рад этиб, амалда уларга катта зарар етказди. Албатта, бу у ўйламаган ҳолда юз берди. Аммо аслида шундай. Ҳатто қорадори ҳақида гап борганда ҳам дон Корлеонега қулоқ соладиган судьялар ва сиёсатдонлар бу масалада бошқа ҳеч кимни яқинлаштирмайдилар. Солоццо унинг одамларига мурувват кўрсатишлари юзасидан баъзи бир кафолатларга эга бўлмас экан, оёқ-қўли боғлиқ эканлигини яхши биларди. Бу ҳаммамизга тушунарли. Бунингсиз ҳаммамиз қашшоқлашиб кетган бўлардик. Жазо чоралари кучайган ҳозирги замонда агар одамларимиз қорадори билан қўлга тушиб қолсалар, ҳаддан ташқари кўп пул талаб қиляптилар. Йигирма йил муддат елкасига илиб қўйилгандан кейин, ҳатто сицилиялик ҳам omerta қоидасини бузиб, оғзидан гуллаб қўйиши мумкин. Адолат ташкилотлари тўла дон Корлеоненинг қўлида. Бизни у ташкилотлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этиш дўстона иш эмас. Бу хотинларимиз,

бола-чақаларимиз қўлидаги сўнги бурда нонни тортиб олиш билан баробар. Энди ҳар ким ўзи хоҳлагандек иш тутадиган замон эмас. Нью-Йорк шаҳрининг ҳамма судьялари Корлеонега қарам экан, демак, уларнинг хизматидан биз ҳам фойдаланишимиз ёки Корлеоне улар хузурига тўғридан-тўғри кира олишимиз учун йўл очиб бериши керак. Албатта, у бундай хизмат учун пул талаб қилиши турган гап – ахир биз охир-оқибатда коммунистлар эмасмиз-ку! Лекин у имкониятлардан фақат бир ўзи фойдаланишга ҳақи йўқ. Мутлақо ҳақи йўқ.

Барзини нутқини тугатди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳамма нарса очиқ-ойдин бўлган эди. Аввалги ҳолатга қайтиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Энг муҳими, Барзини агар сулҳ тузишга эришилмаса, Таттальялар томонида туриб Корлеонега очиқ-ойдин қарши чиқишини шаъма қилиб ўтди. Бунинг устига муҳим бир масалада устунликка эришди. Уларнинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳақиқатан ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланганди. Бирор хизмат юзасидан бир-бирининг илтимосини рад этиш аслида ҳақиқатан ҳам душманлик иши эди. Бундай хизматлар ҳақида беҳуда илтимос ҳам қилинмас, беҳуда рад ҳам этилмас эди.

Ниҳоят яна Дон Корлеоненинг овози янгради.

– Дўстларим, мен ёмон мақсадни кўзлаб рад жавоби бермагандим, – деди у. – Ҳаммангиз мени яхши биласиз. Кимга қачон ёрдамлашишдан бош тортганман? Бунақа одатим йўқ. Лекин бу сафар рад этишга тўғри келди. Нима сабабдан? Чунки биз учун қорадори билан шуғулланиш, менимча, яқин келажақда ҳалокатга дучор бўлиш деган гап. Бу мамлакатда қорадорига нисбатан ўта шафқатсизлик билан кураш олиб борилади, шунинг учун ҳам бизни кечиришмайди. Виски, қиморхона, ҳатто аёллар ҳам бошқа масала – булар кўпларнинг кўнгил хуши, лекин черков отахонлари ва давлат ман этадиган ишлар. Қорадори эса мутлақо бошқа иш. У қорадорини тарқатиш билан банд бўладиган ҳар бир одам учун хавфлидир. У бизнинг бошқа ҳамма ишларимизни хавф



остида қолдиради. Хўш, яна бир гап. Судья амалдорлари ва бошқа қонун ҳимоячилари орасида катта таъсир кучига эга эканлигимни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим. Қанийди ҳақиқатан ҳам шундай бўлса! Тўғри, баъзи ҳолларда бир оз гапим ўтади. Лекин ҳозир менинг гапимни олаётган одамлар қорадори ҳақида гап кетганда кар бўлиб олишлари мумкин. Бу заҳар билан савдо қилишга аралашиш, улар учун ўта қўрқинчлидир. Бунинг устига улар қорадори билан савдо қилишни мутлақо маъқуллашмайди. Қиморхоналаримиз, тотализаторларимиз, тунги клубларимизнинг бемалол ишлаб туришига ёрдамлашаётган полициячилар ҳам қорадори келтирилишини маъқулламайдилар. Шунинг учун ҳам мендан бу ишда кимгадир ёрдам берилишини илтимос қилиш, ўзига ёмонлик қилинишини илтимос қилиш билан баробар... Шунга қарамасдан, агар сизлар шундай чоратадбирни зарур деб ҳисобласангизлар, ҳозирги асосий масалани ҳал этиш мақсадида бу ишга киришаман.

У жим бўлди. Вазият бир оз юмшади: залда шивир-шивир бошланди, кимдир стол устидан чўзилиб шериги билан секин гаплаша бошлади. Дон Корлеоне энг муҳим масалада ён босган эди. У уюшган тарзда қорадори билан савдо қилиш ҳимоясини таъминлайди. Бошқача айтганда, у агар мамлакатнинг ҳамма томонидан бу ерга тўпланган кенгаш талаб қилса, Солоццо бошидаёқ таклиф қилган ишни қилишга розилик берганди. Тижорат асосида ёки шериклик йўли билан доннинг ўзи бу ишда иштирок этмайди. У бор-йўғи суд органларига таъсир этиш йўли билан қорадори операциясини ҳимоя қилади, холос. Лекин бу жуда катта ён босиш эди.

Биринчи бўлиб лос-анжелеслик дон Фрэнк Фалконе унинг гапларига фикр билдирди:

– Одамларимизни қорадори савдоси билан шуғулланишдан тўхтатиб қоладиган куч йўқ. Улар ҳозир якка-якка ўз ҳолича иш кўрмоқдалар ва осонгина қўлга тушмоқдалар. Қорадори савдоси ўта фойдали иш – ундан четда туришнинг иложи йўқ. Аини пайтда, ундан чет-

да туриш биз учун хавфли ҳамдир. Биз ҳеч бўлмаганда бу ишни яхши йўлга қўя оламиз, ҳимоя қила оламиз, эҳтиёткорлик чора-тадбирларини кўра оламиз. Ниҳоят, бизнинг вазифамиз унчалик ноҳўя ҳам эмас – ҳар қандай ишда тартиб-интизом бўлиши, у иш пухта ташкил этилиши, пишиқ бўлиши керак. Ҳар ким хоҳлаган иши билан шуғулланаверишига йўл қўйиб бўлмайди.

Корлеоненинг энг ишончли тарафдорларидан бўлган Детройт дони ҳам кенгашда дўстининг позициясига қарши сўзлади, воқеаларга соғлом ақл-идрок билан қарашга даъват этди.

– Мен қорадорига қаршиман, – деди у. – Одамларим қорадорига чалғиб кетмасин, деб йил сайин уларга қўшимча ҳақ тўлаб келяпман. Бунинг ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. Уринишларим фойда бермади. Тасаввур қилиб кўринг, кимдир келади-да: «Менда қорадори кукуни бор, уч-тўрт минг сўм қўшсанг, уни сотганимдан кейин эллик минг фойда кўрамиз», деб таклиф қилади. Бунақа мўмай фойдага ким лоқайд қараб тура олади? Аста-секин четдан пул топиб, қорадори гирдобига қўшилиб кета бошлайди, мен ҳақ тўлайдиган асосий иш эса зарар кўради. Чунки қорадори билан шуғулланиш фойдалироқ. Унга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб борапти. Биз бунга қаршилиқ кўрсата олмаймиз, демак, бизнинг вазифамиз ишни тартибга солишдан иборат. Қорадорини мактабларга яқинлаштирмаслик, болаларга заҳар сотишга йўл қўймаслик керак. Бу *infamita*, шармандалиқ бўлади. Мен шахримда уни асосан қора танли аҳолига сотишга ҳаракат қиламан. Улар энг яхши мижозлардир, кўнгилсизликлар камроқ бўлади, устига-устак улар бари бир ҳайвонлар-да! Қора танлига хотин, оила – ҳаммаси бир гўр, ўзини ҳам ҳурмат қилмайди. Шундай экан, бу заҳар билан ўзини заҳарлайверсин... Лекин бу ишдан четда туриш, уни ўз ҳолатига ташлаб қўйиш мумкин эмас – бу бошимизга бало бўлади.

Детройт дони нутқини кучли маъқуллаш овозлари остида яқунлади. У нишонга аниқ урган эди.

Ҳар ким ўз фикрини айтди. Ҳар бир одам қорадори савдоси ноҳўя иш эканлигига, охири яхшиликка олиб бормаслигига, аммо уни тўхтатиб ҳам бўлмаслигига қўшилди. Бу иш мўмай фойда келтиради, бу ишнинг ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган ашаддий, лекин нўноқ тарафдорлари ҳар доим ҳам топилади. Инсон табиати шунақа.

Ниҳоят бир битимга келишилди. Қорадори савдосида иштирок этиш ман этилмади. Мамлакатнинг шарқий қисмида уни дон Корлеоне қонундан ҳимоя қиладиган бўлди. Бу иш билан катта миқёсда асосан Барзини ва Таттальялар оиласи шуғулланадиган бўлди. Бу тўсиқни бартараф этгандан кейин кенгаш умумий масалаларни муҳокама қилишга ўтди. Кўп мураккаб масалалар тўпланиб қолган, уларни ҳал этиш керак эди. Лас-Вегас ва Майами чегараларини ҳар бир оила фаолият кўрсатиши учун очиқ деб келишиб олдилар. Бу шаҳарларнинг келажаги порлоқ деган фикрга келишилди. Кимнидир орадан олиб ташлаш зарур бўлган, лекин катта шов-шув кўтарилиши хавфи бўлган фавқулудда ҳолатларда, операцияни ушбу кенгаш маъқуллагандан кейин ўтказишга шартлашиб олдилар. Ўта зарурати бўлмаган ҳолларда оддий ижрочиларни куч ишлатиш ва шахсий қонли ўч олиш ҳолларига аралаштирмасликка келишилди. Шунингдек, талаб қилинганда оилалар бир-бирларига ўзаро хизмат кўрсатиши – каллакесарлар беришга, масалан, қасамёд қилганларни оғдириб олиш каби ҳаётий масалаларда ёрдамлашиш юзасидан ҳам келишиб олдилар. Кенгашнинг чўзилиб кетиш хавфи бор эди. Дон Барзини хулоса чиқаришни лозим деб топди.

– Шундай қилиб, муҳокама қилинадиган масалалар тугади, – деди у. – Сулҳ тузилди, бунинг учун дон Корлеонега ташаккур. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мен жуда хурсандман. Эски саҳифани ёпиб қўйиб, янгисини очамиз.

Фақат Филипп Татталья бир мунча безовта ўтирганди. Уруш қайта бошланган тақдирда, Сонни Корлеоне ўлди-

рилганлиги учун у кўпроқ ўз ҳаётидан ташвиш қилишига тўғри келарди. Энди у биринчи марта батафсил фикр-мулоҳазалар билдирди:

– Мен бу ерда билдирилган таклифларнинг ҳаммасига розиман. Бошимга тушган бахтсизликни унутишга тайёрман. Лекин мен баъзи бир масалаларда Корлеонедан жиддийроқ кафолат олишни хоҳлардим. Қани унинг қасос олишга ҳаракат қилмаслигига кафолат? Вақт ўтиши билан ўз позициясини мустаҳкамлаб олгач, ҳозирги дўстона ваъдаларини унутмаслигига кафолат борми? Биз бу ердан ҳақиқий сулҳ билан, хотиржамлик билан, беташвиш кета оламизми? Бунга дон Корлеоне сизларнинг олдингизда худди мен каби кафолат бера оладими?

Шундан кейин дон Корлеоне одамларнинг хотирасида узоқ сақланиб қоладиган нутқ сўзлади. Бу нутқда у вақти келиб, Черчилль ўйлаб топган «темир парда» ифодасидек машҳур бўлиб кетадиган ифодани қўллади. Тўғри, Черчиллнинг сўзи орадан ўн йил ўтгандан кейингина оммага маълум бўлган эди.

Бу сафар у тўпланганларга тик турган ҳолда мурожаат қилди.

– Ақл-идрок деган нарсанинг биз учун сариқ чақачалик қиммати бўлмаса, биз нима деган одам бўлдик? – деди у. – Унда ваҳший ҳайвондан нима фарқимиз бор? Йўқ, ақл-идрок бизга бекорга берилмаган. Биз биргалашиб, ёлғиз қолиб ўзимиз билан ўзимиз фикр юритиш қобилиятига эгамиз. Яна тартибсизликлар бўлишининг, зўрлик қилинишининг, ғалаён кўтарилишининг менга қанақа фойдаси бор? Ўғлим ҳалок бўлди, бошимга оғир кулфат тушди, бундан кейин ҳам шу кулфат билан яшайман. Лекин мутлақо айбдор бўлмаган одамларнинг турмушини заҳарлашдан менга нима фойда? Кафолат бериб айтаманки, ҳеч кимдан қасос олмайман.

Биз ҳаммамиз ҳар доим ва ҳамма нарсада ўз манфатларимизни кўзлаб ҳаракат қилишимиз кераклигини айтиб ўтишим лозим. Бу ерга хўрликни, юқори ман-

сабда ўтирганларнинг қўлида оддий югурдак бўлишни истамайдиган одамлар тўпланишган. Биз бу мамлакатда бахтли бўлдик, ҳозирнинг ўзидаёқ кўпларимизнинг ўғил-қизларимиз бизга қараганда яхши яшашяпти. Кўпларимизнинг фарзандларимиздан ўқитувчилар, олимлар, бастакорлар етишиб чиқди. Бу ота-оналарнинг бахти. Болаларимиз бизнинг изимиздан боришини ҳеч биримиз хоҳламас эдик. Чунки бизникига ўхшаган ҳаёт бениҳоя оғир. Мана, масалан, менинг ҳам невараларим бор. Невараларимнинг болаларидан биронтаси губернатор ёки ҳатто президент бўлмайди, деб ким айта олади? Бу ерда – Америкада имконияти йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Фақат замонга ҳамоҳанг қадам ташлаш керак. Отишмалар, пичоқбозликлар даври ўтди. Корчалон одамлар эканмиз, ақл-заковат билан, зийраклик билан иш тутадиган пайтимиз келди. Бунинг ўзимизга ҳам, болаларимиз ва невараларимизга ҳам кўпроқ фойдаси тегади.

Қандай ишлар билан шуғулланишимизга келсак, қандай яшашимизни биз учун ҳал қилиб бераётган, бошлиқлардан, ўз бойликларини асраб уруш очаётган ва урушга бизни жўнатаётган анави *pezzonovantelar*дан сўраб ўтирмаймиз. Ким бизни уларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва бизга зарар келтириш юзасидан ўйлаб топган қонунларига риоя қилишга мажбурмиз, деб айтди? Улар ким бўлишибдики, биз манфаатларимизни ҳимоя қилсак аралашишади? Бу ўзимизнинг ишимиз. *Sonna cosanostra*, – деди дон Карлеоне. – Бизнинг ишимиз, бизнинг ташвишимиз. Хонадонимизда бўлаётган ишларни ўзимиз уддалаймиз, чунки бу бизнинг олашимиз, *cosanostrамиз*. Биз уни бегоналар бурнини суқишдан асрашимиз учун ҳам бирга бўлишимиз керак. Акс ҳолда, бу мамлакатдаги неаполитанликлар ва бошқа италияликлар каби бурнидан ҳалқа ўтказиб олинган бузоққа ўхшаб қоламиз.

Шунинг учун ҳам умумий манфаатларимиз йўлида мен ўлдирилган ўғлим учун қасос олишдан воз кечаман. Қасам ичиб айтаманки, ҳозирча оила аъзоларимнинг

хатти-ҳаракати учун мен жавоб берарканман, бу ерда ўтирганларнинг ҳеч бирига жиддий сабабларсиз пашша чаққанчалик ҳам озор етмайди. Умумий манфаатларимиз йўлида мен шунингдек, оладиган фойдамдан ҳам воз кечишга тайёрман. Сўзим, обрў-эътиборим бунга кафил. Доим сўзимнинг устидан чиқиб келганлигимни одамлар билишади.

Бироқ бу масалада менинг шахсий манфаатим ҳам бор. Солоццо ва полиция капитанини менинг кенжа ўғлим ўлдирган, деган шубҳа пайдо бўлгач, у қочиб кетишга мажбур бўлди. Эндиликда менинг зиммамда ундан бу сохта айбни олиб ташлашларига ва у бемалол уйга қайта олишига эришишдек вазифа турибди. Бу менинг ташвишим ва бунинг уддасидан чиқа олсам керак, деб ўйлайман.

Аммо бу ерда бир нарсани айтиб қўйишни хоҳлардим. Гарчи уят бўлса ҳам айтай, мен бидъатларга ишонадиган одамман. Шунақа, лекин начора. Хўш, гап бундай. Агар тасодифан кенжа ўғлим билан бирор бахтсиз ҳодиса юз берадиган бўлса, агар полиция офицери уни тасодифан отиб қўядиган бўлса, агар у қамоқхонада ўзини ўзи осиб қўядиган бўлса, агар унга қарши кўрсатма берадиган гувоҳлар топилгудек бўлса, мен бидъатпарастлигим туфайли, ўзим истамаган ҳолда, буниси ҳали ҳаммаси эмас. Агар ўғлимни яшин урадиган бўлса, унда ҳам шу ерда ўтирганлардан баъзи бирларини айбдор деб ҳисоблайман. Агар унинг самолёти денгизга қулаб тушса, агар кемаси чўкиб кетса, агар у шамоллаб ўлса, агар машинасини поезд уриб кетса, бидъатпарастлигим туфайли, демак, шу ерда ўтирганлардан кимдир ҳамон менга ёмонлик қиляпти, деб ўйлайман. Бундай машъум тақдирни, бундай фалокатни мен ҳеч қачон кечирмайман. Бошқа масалаларда эса, невараларим ҳаққи-ҳурмати қасам ичиб айтаманки, бугун тузилган сулҳ шартларини ҳар қандай шароитда ҳам бузмайман.

Шу сўзларни айтиб дон Корлеоне стол орқасидан чиқди-да, дон Филипп Татталья ўтирган томон юрди. Татталья ҳам ўрнидан туриб, унинг қаршисига чиқди – улар кучоқлашиб, ўпишишди. Залдагилар қарсак чалдилар, бошқа донлар ўрниларидан туриб, бир-бирларининг қўлини қисдилар, дон Корлеоне ва дон Таттальяни дўстона муносабатларнинг бошланиши билан табрикладилар. Бу дунёдаги энг самимий дўстлик бўлмаслиги, булар Рождество байрамида бир-бирларига совға-саломлар юбормаслигини, лекин ҳар ҳолда бир-бирларини ўлдирмасликларини ҳар бир одам тушуниб турарди. Ҳар ҳолда буниси ҳам ёмон эмас, буни ҳам дўстлик деб атаса бўлади.

Дон Корлеоне, Том Хейген ва бутунги шахсий соқчи – ҳайдовчи Рокко Лампоне Корлеоне қароргоҳи жойлашган парк зонасига кириб келишганда қоронғи тушиб қолганди. Уй томон боришаркан, дон Хейгенга:

– Ҳайдовчимиз Лампонега кўз-қулоқ бўлиб юр. Менимча, тузукроқ ишга муносибга ўхшайди, – деди.

Мўъжиза, ўйлади Хейген. Бутун кун мобайнида Лампоне бир оғиз ҳам гап гапирмади, улар орқа ўриндиқда ўтиришганда бирор марта қайрилиб қарамади. Демак, доннинг ўткир нигоҳи *consiglioti* эътиборидан четда қолган бирор нарсани кўрган.

Эшик олдида дон Хейгенга кечки овқатдан кейин Клеменца ва Тессио билан бирга келишини тайинлаб, рухсат берди. Дон уларни соат ўнда кутадиган бўлди. Унгача Хейген Клеменца ва Тессиони иш билан таништириши ва кенгаш қандай ўтганлигини уларга айтиб бериши керак.

Соат ўнда тўртовлон бурчақдаги хонада, дон иш хонасида тўпланишди.

– Шундай қилиб, сулҳни ҳам туздик, – деди дон Корлеоне. – Мен ор-номусимни ўртага қўйиб кафолат бердим, шунинг ўзи сизлар учун етарли, деб ўйлайман. Бироқ иттифоқчиларимиз унчалик ишончли одамлар эмас, шунинг учун ҳам илгаригидек эҳтиёткорлик би-

лан ҳушёр бўлиб туришимиз керак, – Дон Хейген томон ўтирилди. – Аनावи гаровга олинган Боккикьоларни жўнатиб юбордингми?

Хейген бош ирғади.

– Ҳа, етиб келишимиз биланоқ дарҳол Клеменцага кўнғироқ қилганман.

Корлеоне семиз сарорегимага қаради. У ҳам бош ирғади.

Уруш тугади, энди бир оз дам олиш мумкин эди. Дон Корлеоне ўзи ҳар бирининг олдига бир стакандан коктейл қўйди. У эҳтиёткорлик билан лабини стаканга тегизди-да, сигарета туташтирди.

– Мен Соннининг ўлими ким томонидан ва қандай уюштирилганлиги билан ҳеч бирингиз шуғулланмаслигингизни истайман. Бу масала тамом, уни эсдан чиқаринглар. Мен бошқа оилаларга, ҳатто уларнинг иштаҳалари очилиб, биз ўзимизга тегишли бўлган улушдан камроқ оладиган бўлган тақдирда ҳам уларга ҳар томонлама ёрдам бериб туришимизни истайман. Мен Майклни уйга қайтаргунимизга қадар бизга бўладиган ҳар қандай хужумлар ҳам, ҳар қандай ифвогарликлар ҳам бу сулҳни бузмаслигини истайман. Бу сизлар шуғулланишингиз керак бўлган масалаларнинг энг муҳими. Шуни унутмангларки, менга Майкл қайтиб келгандан кейин унга ҳеч нарса хавф солмаслиги юзасидан юз фоизли кафолат керак. Бизни энг кам ташвишлантирадиган одамлар ҳақиқий гувоҳлардир, уларнинг ҳаммаси бизга маълум. Бу гувоҳлар берадиган кўрсатмалардан кўрқмасам ҳам бўлади. Бошқа нарсадан – айғоқчилар капитан Маккლოსкини Корлеоне ўлдирган, деб яқдиллик билан тасдиқлашганлиги туфайли полициянинг ўзи сохта далил тўқиб чиқаришидан кўрқиб керак. Жуда соз! Демак, Беш оила имкониятларини тўла ишга солиб, бу тўғри эмаслигига полицияни ишонтиришларини, уларнинг ҳамма айғоқчилари полицияга бошқа далил-исбот келтиришларини талаб қилиш керак. Бутунги нутқимдан кейин янги иттифоқчиларимиз бизнинг талабларимизни бажа-



ришдан манфаатдор эканликларини тушунишади, деб ўйлайман. Лекин бу етарли эмас. Биз Майклни бутунлай оқлаш йўлини излашимиз керак. Акс ҳолда унинг бу ерга қайтиб келишидан фойда йўқ. Келинлар, шу масалада бош қотирайлик. Ҳозир бундан муҳимроқ иш йўқ.

Энди бу ёғини эшитинг. Инсон ҳаётда бир марта хатога йўл қўйиши мумкин. Мен бир марта хато қилдим. Энди мен ҳатто бир мил наридан бўлса ҳам бирор кимса деразасидан боғимга кўз ташлай олмаслиги учун парк хиёбони айланасидаги ҳамма участкаларни ва бу участкалардаги уйларни сотиб олмақчиман. Қўрғон атрофини тўсиб, ичкарида доимий, туну кун ишлайдиган соқчилик жорий қилмақчиман. Дарвоза олдида ҳам ана шундай соқчилик ўрнатаман. Қисқа қилиб айтганда, мен бугундан бошлаб қалъа ичида яшамоқчиман. Мени қисман ишдан узоқлашди, деб ҳисоблашларинг ҳам мумкин. Мени боғдорчилик қизиқтириб қолди. Узум пишганда ундан хонаки шароб тайёрламоқчиман. Мени уйдаги ўтроқ ҳаёт бағрига тортмоқда.

Ишни аста-секин тўла сизларга топшираман. Сантинонинг регимесини тарқатиб юбораман, одамларини сизларнинг отрядларингизга қўшиб бераман. Бу билан янги дўстларимиз кўнглини тинчитган, мақсадларим сулҳпарварликка қаратилганлигини исботлаган бўламыз. Том, сен Лас-Вегасга борадиган гуруҳни танлайсан ва у ерда бўлаётган ҳамма ишлар ҳақида менга батафсил ҳисоб берасан. Шу билан бирга Фредди у ерда нима иш қилаётганлиги тўғрисида ахборот олиб келасан. У таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган дейишяпти. Гўё пазаңдалиқ қилаётганмиш, хотинлар билан керагидан ортиқча кўнгилхушлиқ қилаётганмиш. Умуман, ҳаммасини аниқла. Хейген чўчиброқ сўради:

– Балки, куёвингизни жўнатармиз? Карло ҳар ҳолда невадалиқ, ҳамма тешиқларини билади.

Дон Корлеоне бош чайқади.

– Йўқ, олдида фарзандларимдан бири бўлмаса кампирим бу ерда зерикиб қолади. Констанция эри билан

бу ердаги алоҳида уйлардан бирига кўчиб келишни хоҳлайман. Карлога жиддийроқ иш бермоқчиман, эҳтимол унга нисбатан ҳаддан ортиқча қаттиққўллик қилгандирман, кейин... – дон Корлеоненинг пешанаси тирришди, – ёнимда ўғилларим йўқлиги билиниб қоляпти. Карлони қиморхонадан олиб, касаба уюшмасига қўй. У ерда баъзи бир қоғозлар билан шуғулланиши керак. Гап билан ҳам иш қилса бўлади. Бу унинг қўлидан келади, – доннинг овозида нафратланишга ўхшаган оҳанг пайдо бўлди.

Хейген бошини ирғади.

– Хоҳласангиз Фреддини бир неча кунга чақиртириб келаман.

Дон кескин:

– Нимага? – деди. – Кампирим ҳам мазали овқат тайёрлашни билади. У ўша ерда ўтираверсин.

Уч эркак ноқулай вазиятда қолишди. Улар отасининг Фреддидан шу даражада кўнгли қолганлигини билишмасди. Бунинг уларга номаълум сабаблари бўлиши мумкинлигини тушунишди. Дон Корлеоне нафасини ростлаб олди.

– Бу йил томорқада қалампир ва помидор кўп бўладиганга ўхшайди. Ҳаммасини ўзимиз еб тугата олмасак керак. Мендан капсан кутинглар. Қариган чоғимда тинчлик ва хотиржамликда беғалва яшамоқчиман. Сизларга айтмоқчи бўлган гапларим шулар. Коктейлдан қуйиб ичинглар.

Бу гап тамом, дегани эди. Ҳамма ўрнидан турди. Хейген Клеменца ва Тессиони машинага кузатиб қўйди, улар билан қачон учрашишни шартлашиб олди. Кейин хонага қайтиб кирди. У дон кутаётганлигини биларди. Дон Корлеоне пиджак ва бўйинбоғини ечиб қўйиб, кушеткада чўзилиб ётарди. Унинг жиддий қиёфасидан чарчаганли билиниб турарди. Хейгенга стулни кўрсатиб, қўлини аста силкиб қўйди.

– Хўш, *consigliori*, бугунги ишларим сенга маъқул бўлмаяптими?

Хейген дарров жавоб бера қолмади.

– Нега энди, – деди у. – Фақат хатти-ҳаракатларингизда изчилликни кўрмаяпман. Кейин, буларнинг ҳаммаси сизнинг ишларингизга ўхшамаяпти. Сиз Сантино қандай шароитларда ҳалок бўлганлигини аниқлашни хохламайман, дедингиз, қасос ҳам олмоқчи эмассиз. Мен бунга ишонмайман. Сиз сулҳни бузмасликка сўз бердингиз; демак, уни бузмайсиз, лекин мен душманларингиз гўёки бутун қўлга киритган ютуқларини сақлаб қолишларига йўл қўйишингизга ишонмайман. Сиз мен ечолмайдиган жумбоқ айтдингиз. Шундай экан, сизнинг хатти-ҳаракатларингизни қандай маъқуллай оламан ёки рад эта оламан?

Доннинг қиёфасида мамнунлик ифодаси пайдо бўлди.

– Ҳа, менинг қандай иш тутишимни мукамал ўрганиб олгансан, ёмон эмас.

Гарчи Сицилияда туғилмаган бўлсанг-да, ҳар ҳолда сицилиялик қилиб тарбиялабман. Ҳаммасини тўғри айтдинг. Жумбоқнинг эса ечими бор, сен уни жумбоқ ечилишидан анча олдин билиб оласан, деб ўйлайман. Лекин, Том, энг муҳим ишимиз Майклни имкони борича тезроқ уйга қайтариш. Бу бизнинг энг биринчи вазифамиз, ҳамма ўй-фикрингни, ишингни шунга қарат. Қанча пул кетишидан қатъи назар, ҳамма қонуний имкониятларни ўрганиб чиқ, Майкл қайтиб келгандан кейин худди кўз ёши сингари беғубор бўлиши керак. Энг кучли адвокат-криминалистлар билан гаплаш. Агар керак бўлса, сенга якка қабул қиладиган судьяларни ҳам айтиб бераман. Ҳозирча эса ўта ҳушёр бўлиб туришимиз керак. Ҳар дақиқада сотқинлик бўлиши мумкин.

– Мени худди сиз каби ҳақиқий далиллар эмас, балки сохта далиллар ташвишлантирмоқда, – деди Хейген. – Агар Майклни қамоққа олишгудек бўлишса, қамоқхонадаги азамат дўстларимиз уни ўлдиришлари

мумкин. Ё бир кишилик хонада ўзлари ўлдиришади ёки бу ишга қамоқда ётганлардан биронтасини ёллашади. Менинг фикримча, Майклни қамоққа олишга, ҳатто уни айблашга ҳеч қанақа баҳона бўлмаслиги керак.

Дон Корлеоне оғир хўрсинди.

– Биладан, биладан. Ҳамма гап шунда-да! Лекин бу ишни кейинга суриб ҳам бўлмайди. Сицилияда нотинчлик. Ёшлар катталарга қулоқ солишмаяпти. Бунинг устига Америкадан қайтариб жўнатилганлар орасида ҳам учига чиққан каллакесарлар бор. Маҳаллий донлар уларга бас келиша олмапти. Бири бўлмаса, бири Майклнинг изига тушиши мумкин. Мен баъзи бир чора-тадбирларни кўриб қўйганман, ҳозирча Майкл биров тополмайдиган жойда. Лекин қачонгача тополмасликлари мумкин? Бугун сулҳ тузишга мажбур бўлганлигимнинг сабабларидан бири ана шу. Барзинини Сицилияда дўстлари бор, улар Майклнинг изига тушишган. Бу сенга биринчи жавоб. Ўғлимнинг хавфсизлигини таъминлаш учун сулҳ тузишдан бошқа иложим қолмаганиди. Танлаш имкониятим йўқ эди.

– Таттальянинг одамлари билан майда-чуйда шартларни келишиб олаётганда улардан қорадори билан савдо қилишга фақат тоза одамларни қўйишларини талаб қилайми? Аввал судланган одамга енгил жазо беришни судьядан талаб қилиш қийин бўлади.

Дон Корлеоне елка қисди.

– Буни ўзлари ҳал қилишлари керак. Эслатиб қўй, лекин талаб қилишнинг кераги йўқ. Бизга боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммасини қиламиз, аммо улар бу ишга учига чиққан гиёҳвандни қўйишса ва у қўлга тушиб қолса, биз қўлимизни совуқ сувга ҳам урмаймиз. Кучимиз етмайди, деймиз. Бироқ Барзинига ўргатишнинг кераги йўқ, ўзи яхши билади. Эътибор бердингми, бир оғиз сўз билан бўлса ҳам ўзини аралаштирмади. Сиртдан қараганда бу ишларга мутлақо дахли йўқдай кўринади. Доим сувдан қуруқ чиқади.

– Яъни бу ишларнинг бошиданоқ у Солоццо ва Татальянинг паноҳида турган демокчисизда-а? – сўради Хейген шошиб.

Дон Корлеоне хўрсинди.

– Таталья бор-йўғи сутенёр, холос. У ҳеч қачон Сантино устидан ғолиб чиқолмасди. Дарвоқе, биласанми, бу воқеа қандай юз берганлигини аниқлашнинг нима учун ҳам менга аҳамияти йўқ? Бу ерда Барзинининг қўли борлигини биласан, шунинг ўзи етарли.

Хейген доннинг гапларини тинглаб, мағзини чақарди. Дон қадам-бақадам уни жумбоқнинг ечимига бошлаб келди, лекин муҳим бир нарсани четлаб ўтди. У нималигини Хейген биларди, бу ҳақда сўраш унинг иши эмаслигини ҳам биларди. У дон билан хайрлашиб, эшик томон юрди. Дон унга яхши тилак билдирди.

– Эсда тут, Том, энг асосий ишимиз Майклни қандай қилиб бўлса ҳам уйга қайтаришни ўйлаш, – деди у. – Туну кун шуни ўйла. Яна бир гап. Телефон узелидаги оператор билан ҳар ойда Клеменца ва Тессионинг телефондаги суҳбатларини, улар кимларга, кимлар уларга кўнгироқ қилганларини менга бериб туриши тўғрисида келишиб қўй. Мен улардан заррача ҳам шубҳаланаётганим йўқ. Улар ҳеч қачон менга хиёнат қилмасликларига ишончим комил. Бунга қасам ҳам ичаман. Лекин ҳар қандай арзимаган нарсани олдиндан билиб қўйиш зарар қилмайди, эҳтимол керак бўлиб қолар.

Хейген бош ирғаб, эшикдан чиқди. Қизиқ, дон уни ҳам текшириб турармикан? Бу шубҳадан ўзи уялиб кетди. Бироқ Чўқинтирган отанинг калласида, бу паст-балаңд ва мураккаб чалкаш йўлларда узоққа мўлжалланган режалар пишиб етилаётганига, бугунги чекиниш шунчаки тактик йўл эканлигига унинг ишончи комил эди. Бунинг устига ҳеч ким қила олмаган, ўзи сўрашга журъат этолмаган, дон Корлеоне ҳам индамасдан четлаб ўтган вазият ноаниқлигича қолди. Буларнинг ҳаммаси қасос олинадиган кунга тайёргарлик кўрилаётганлигининг белгиси эди.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Бироқ тақдир тақозоси билан дон Корлеоне ўғли Майклни Қўшма Штатларга қайтаришга эришгунча орадан яна деярли уч йил ўтди. Ана шу йиллар мобайнида оила аъзолари бунинг қулай йўлини топиш устида тинимсиз бош қотирдилар. Таклиф қилинган режаларнинг биронтаси ҳам донга маъкул бўлмасди.

Ниҳоят бу муаммони ҳал этишга Боккиёлар оиласида юз берган бахтсизлик ёрдам берди. Жамоа аъзолари орасида Америкада туғилган, она табиат бу сафар одатига хилоф равишда яхши ишлайдиган калла ато қилган Феликс исмли йигит бор эди. Боккиёларнинг асл касб-кори ахлат йиғиштирувчилик эди. Феликс эса оила касби билан шуғулланишни рад этди, насл-насаби инглиз бўлган обрў-эътиборли оиладан чиққан қизга уйланиб, қариндош-уруғлари билан бўлган узилишни янада чуқурлаштириб юборди. Юрист бўлишни мақсад қилиб олган Феликс кечқурунлари ўқишга қатнади, кундузи почтада ишлади. Бу йиллар давомида уч болали бўлди, бироқ хотини тежаб-тергаб оилани бошқариб турди. Феликс диплом олгунга қадар хотинининг маоши ҳисобига яшадилар.

Шундай қилиб, Феликс Боккиё кўп одамлар ёшлигида ўйлаганидек, тер тўкиб, қийинчиликлар билан касби бўйича билим олганимдан кейин орзу-истакларим ўз-ўзидан рўёбга чиқади, мўмай-мўмай пул оқиб келаверади деб ўйлаганди. Ҳаёт бу ширин орзуларни пучга чиқарди. Ҳамон у мағрурлик қилиб қариндошларининг ҳар қанақа ёрдамини қатъиян рад этиб келаётганди.

Ёш, лекин таниш-билишлари бор, келгусида йирик адвокатлар идорасида хизмат қилишдан умидвор бўлиб юрган таниш юристларидан бири Феликсни унчалик катта бўлмаган бир ишга ёрдамлашиб юборишга кўндирди. Гап сиртдан қараганда тўла қонуний, аслида эса қалбаки бир синиш билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб ва нозик

иш ҳақида борарди. Бу фирибгарликнинг ошкор бўлиб қолиш эҳтимоллиги жуда кам бўлиб, миллиондан бир даражада эди. Феликс Боккикьо таваккалига иш тутишга журъат қилди. Бу орада профессионал маҳорат талаб қилинадиган вазият эса унинг кўз олдида бу фирибгарликнинг жиноий ёки ҳеч бўлмаганда ножўя моҳиятини нима учундир ҳайрон қоладиган даражада камайтириб кўрсатган эди.

Нима бўлганда ҳам бу кўзбўямачилик фош бўлиб қолди. Таниш юрист Феликсга ёрдам беришда қўлини совуқ сувга ҳам урмади, ҳатто кўнғироқ қилганда гўшакни ҳам олмади. Бу ишнинг асосий иштирокчилари бўлган икки кекса ва учига чиққан ашаддий корчалон Феликс Боккикьони ишни чатоғи чиқмайдиган қилиб уддалай олмагани учун болахонадор қилиб сўкишиб, айбларини тан олиш ва терговга ёрдамлашишни лозим деб топдилар: улар Феликс Боккикьони бу кўзбўямачиликнинг ташаббускори деб айтишди ва гўё Феликс уларнинг корхонасига ўрнашиб олган ва уларни бўйсундириш мақсадида дўқпўписа қилиб, бу фирибгарликка кўндирган деб кўрсатма беришди. Кўрсатмаларида Феликснинг тоғалари ва ўтай акалари ўтмишда жиноий иш қилганликларини, зўравонлик қилиб судланганликларини айтишди. Ана шу гувоҳликлар асосида Феликс судга берилди.

Иккала корчалон шартли жазо билан қутулиб қолди. Феликс Боккикьо эса беш йил қамоққа ҳукм қилинди. Унинг қариндош-уруғлари ёрдам сўраб на дон Корлеонега, на бошқа оилаларга мурожаат қилишди. Чунки Феликс доим уларнинг ёрдамини инкор қилиб келганди. Шунинг учун оиладан бошқа ёрдам берадиган кимса йўқлигини, оилавий жамоа жамиятга қараганда садоқатлироқ ва ишончлироқ эканлигини унга ўргатиб қўймоқчи бўлишди.

Нима бўлганда ҳам Феликс уч йил ўтиргандан кейин қамоқдан чиқиб, уйига келди, хотини ва бола-чақаларини бағрига олди. Бир йил тинч, осуда яшади. Кейин Боккикьо деган исм-шарифни бекорга кўтариб юрмаганли-

гини исботлади. Қаердандир тўппонча топиб, ўша та-ниш юристни отиб ташлади. Кейин икки корчалоннинг йўлини пойлади. Улар газакхонадан чиқишганда иккаласининг калласини мўлжаллаб ўқ узди. Сўнгра уларнинг жасадларини четлаб ўтиб, газакхонага кирди-да, қаҳва ичиб, олиб кетишларини хотиржам кутиб ўтирди.

Тездаёқ суд бўлди, ҳукм шафқатсиз эди. Жиноятчилик дунёсининг учига чиққан каллакесари унинг қонуний қамалишига сабаб бўлган уч гувоҳни совуққонлик билан намойишкорона отиб ташлади. Бу жамиятга ошқора қарши чиқиш эмасми? Бу жамиятнинг баъзи бир ар-боб-арконлари, омма, матбуот, ҳатто кўнгилчан ва инсонпарварлик жонкуярлари ҳам яқдиллик билан Феликс Боккикьони электр стулга ўтқазиш тарафдорлари бўлиб чиқдилар. Табиийки, Боккикьолар жамоаси ҳукмни бе-кор қилиш учун юқори ташкилотларга пулни аяшмасди. Энди қариндош-уруғлари Феликс билан фахрланадиган бўлиб қолишди. Қонунда кўзда тутилган, дарвоқе, анча вақтга чўзилиши мумкин бўлган қуруқ расмиятчиликлардан кейин Феликс Боккикьони электр курсида ўлим кутаётгани.

Балки ёш йигитга ёрдам беришнинг бирон-бир йўли бордир, деган умид билан мурожаат қилган Боккикьолардан бирининг илтимосига кўра Хейген доннинг диққат-эйтиборини бу воқеага қаратди. Дон Корлеоне қисқа, қуруқ рад этиш билан жавоб берди. У сеҳргар эмас. Ундан имкони йўқ нарсани талаб қилишяпти. Лекин эртаси куни дон Хейгенни хонасига чақириб, бу ишни майда икир-чикирларигача батафсил сўзлаб беришни сўради. Хейген ҳикоясини тугатганда дон Корлеоне музокара олиб бориш учун Лонг-Бичга Боккикьолар жамоаси бошлиғини таклиф қилишни буюрди.

Боккикьони чақиритдан осон ва лўнда мақсад кўзда тутилган эди. Дон Корлеоне Феликс Боккикьонинг хотини ва бола-чақасини катта миқдорда нафақа билан таъминлашни зиммасига олади. Бу пул жамоа бошлиғига ҳозирнинг ўзидаёқ берилади. Бунинг эвазига Феликс



ўзини Солоццо ва полиция капитани Маккლოსкининг қотили деб аташи керак бўлади.

Бу масаланинг майда-чуйдалари келишиб олинди. Жамоа бошлиғи пулни олди. Бундан хабардор қилиш ва талаб қилинган кўрсатма бериш учун Феликс билан алоқа боғланди. Ўйланган режа амалга ошди – икки марта қилинган қотиллик катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай осон кўчди. Шунга қарамасдан дон Корлеоне ўзига хос эҳтиёткорлик билан яна тўрт ой кутди. Ҳукм ижро этилгандан кейингина ниҳоят Майкл Корлеонега уйга қайтиш тўғрисида кўрсатма берилди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Соннининг ўлимидан кейин Люси Манчини роса бир йил изтироб чекиб юрди: гарчи романлардаги маҳбубалардек бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда мушкул аҳволда қолса-да, севгилисини соғинди, қўмсади. Мана, орадан бир неча ой ўтгандан кейин Неваданинг оромбахш офтобида роҳатланиб қорайиб ётибди. Қадди-қомати келишган малласоч бир йигит унинг оёқ томонига ўтириб олиб, товонини қитиқлаб безор қилмоқда. Якшанба кўни бўлишига, кеч кириб бораётганига қарамасдан ҳашаматли меҳмонхонага қарашли кўл атрофи одамлар билан тўла эди.

– Бас қил, Жул, – деди Люси. – Мен ҳеч қачон врачлар шилқим бўлмасалар керак, деб ўйлагандим.

Жул бошини кўтариб, тишларини кўрсатиб тиржайди.

– Лас-Вегасдаги врачлар шунақа.

– Ростдан бас қил деяпман сенга! – деди жаҳли чиққан Люси қаттиқроқ овоз билан.

Жул дарҳол таслим бўлди.

– Хўп, митти қушчам, мана, бас қилдим.

Жул унинг юмшоқ болишдек тиззаларига бошини қўйди-да, аста чўзилди.

Люси бунга парво қилмасдан қий-чув қилиб чўмилаётганларни кузатиб ўтирарди. Орадан икки йил ўтмасдан ҳаётида шунақа кескин ўзгаришлар бўлишини ҳаёлига келтирганмикин? У Конни Корлеоненинг тўйида қилган ўша «тентаклиги»га бирон марта ҳам афсусланмади. Кейин у ҳеч қачон ўша пайтидагидай лаззатланмади. Ўша саргузаштни қайта-қайта ҳаёлидан ўтказди, кейин эса қайта-қайта амалда бошидан кечирди... Сонни энг камида ҳафтада бир марта уникага келиб турарди, тез-тез келадиган ҳоллар ҳам бўларди. Маънавий умумийлик уларнинг эҳтиросларига таъсир қилмас, Люси латофатлию гўзал бўлишга берилмасди, уларнинг севгиси шаҳвоний ҳислардан иборат энг қўпол, шиддатли, ибтидоий севги эди. Сонни бораман, деб қўнғироқ қилган кун у уйда ичкилик бор-йўқлигини, овқат эрталабки нонуштага ва кечқурунга етиш-етишмаслигини текширади, чунки Сонни тонг саҳаргача у билан бирга бўларди. Улар бахтиёр эдилар.

Соннининг отасини кўчада отиб кетишганда Люси биринчи марта унинг жазманига ҳам эҳтимол ўлим хавф солаётганлигини тушунди. Хонасида, тўрт девор ичида ёлғиз ўзи йиғлагани йўқ, ёввойи ҳайвон сингари бор овози билан чўзиб-чўзиб улиди. Шундан кейин Сонни деярли уч ҳафта қорасини кўрсатмади. Люси тунларни уйку дори ичиб ўтказди. Кундузлари эса дард-аламини унутиш учун ичкиликка зўр берди. Унинг бутун танаси қақшаб оғрирди. Ниҳоят Сонни келганда бир дақиқага бўлса-да узоқлашишдан қўрқиб, унинг қўлларидан маҳкам ушлаб оларди. Шундан кейин ўлимига қадар у учрашувларнинг биронтасига ҳам келмай қўймади.

Соннининг ўлимини Люси газетадан ўқиб билди ва ўша оқшом ҳаддан ортиқча кўп уйку дори ичиб олди. Бироқ ўшанда нега ўлмай қолганини ҳалигача тушунмайди. Лекин шунчалик қаттиқ заҳарландики, хонадан чиқиб, зўрға лифтнинг эшиги олдигача етиб олди-ю, йиқилди. Уни шу ердан, лифт майдончасидан топишди. Унинг Сонни билан бўлган муносабатларини ҳеч ким

пайқамаганди, шунинг учун ҳам бульвар газеталарида бу воқеага бир неча сатр жой ажратилди, холос.

Том Хейген ундан хабар олиш ва кўнгил сўраш ниятида касалхонага келди. Соннининг укаси Фредди Корлеоне бошчилик қилаётган Лас-Вегас меҳмонхонасида ишлашни унга Том Хейген таклиф қилди. Кўчиб бориш билан боғлиқ ҳамма ташвишларни у зиммасига олди. Лас-Вегасда Люсига олдиндан уй тайёрлаб қўйиш тўғрисида келишиб олди. Том Хейген ўзи уни аэропортга етказиб қўйди ва йўлда агар ёлғиз қолиб зерикса ёки бирор иш кўнгилдагидай бўлмаса, унга кўнғироқ қилишга сўз беришга Люсини кўндирди. Хейген унга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилишини айтди.

Самолётга йўловчилар чиқиши эълон қилинишидан олдин Люси иккиланиб сўради:

– Соннининг отаси хабардорми? Бу ишлар унинг кўрсатмаси билан қилиняптими?

Хейген кулди.

– Айтайлик, ўз ихтиёрим билан, лекин унинг кўрсатмаларига асосан иш тутяпман. У бу ишларга эски қонун-қоидаларга риоя қилувчи одам сифатида қарайди ва ҳеч қачон ўғлининг қонуний хотинига қарши бормайди. Лекин иккинчи томондан сендан талаб қилишган нарсани ҳам тушунишади. Сен қиз боласан, нима қилаётганини Сонни ўйлаши керак эди. Бироқ уйку дорига тўйиб олганинг, албатта, ҳаммани ваҳимага солди.

Кимнингдир калласига ўзини ўзи ўлдириш тўғрисидаги фикр келиши дон сингари одам учун мутлақо ақл бовар қилмайдиган нарса эканлигини айтмай қўя қолди.

Энди Лас-Вегасга келганидан бери бир ярим йилга яқин вақт ўтганидан кейин, Люси деярли бахтиёр эканлигини таажжубланиб тан олди. Ҳовузда сузар, Мид кўлида елканли қайиқда сайр қилар, бўш вақтларида чўлни айланар эди. Анча озди, бу унинг чиройини яна ҳам очиб юборди. У хизмат кўрсатиш бюросида ишлар ва иш юзасидан Фредди билан тўқнаш келмасди. Аммо дуч

келиб қолган пайтларда Фредди тўхтаб, у билан у ёқ-бу ёқдан лақиллашга қарши эмасди. Фредди бу ерда ўзини худди сувдаги балиқдай ҳис этарди. Худди қиморхона бошқарувчиси бўлиб туғилгандай эди.

Орадан ярим йил ўтгач, Том Хейген Люсидан хабар олгани келди. Люси ой сайин белгиланган маошидан ташқари етти юз долларга чек қоғози олиб турди. Хейген унга солиқ инспекциясига бу пулларни қаёқдан олаётганлиги ҳақида ҳисоб беришга тўғри келишини тушунтирди ва Люси унинг номига ишонч қоғози ёзишни, у Люсига даромадининг қонуний манбасини расмийлаштириб беришини айтди. Расмий жиҳатдан қараганда Люси ўзи хизмат қилаётган меҳмонхонадаги қиморхонанинг беш пўнкти эгаси ҳисобланади. Бу масалани бегона одамлар билан муҳокама қилиш мутлақо мумкин эмас. Агар текширгани келиб қолишса, инспекторни ўзининг адвокати ҳузурига жўнатади. Шундан кейин Люсини тинч қўйишади.

Люси рози бўлди. У коса тагида нимкоса борлигини тушунди, лекин ўзидан бошқа одам ўрнида фойдаланмоқчи бўлишаётганидан уялмади. Аслида шундай бўлиши ҳам керак – ахир бор товоғим, кел товоғим-да! Бироқ Хейген ундан атрофидаги воқеалардан хабардор бўлиб, Фредди ва унинг хўжайини, меҳмонхона эгасини кузатиб юришни илтимос қилди. Люси ўзини тутолмади.

– Фреддининг орқасидан айғоқчилик қилишим керакми? Том, наҳотки бу шунчалик зарур бўлса?

Хейген кулимсиради.

– Отаси ташвишланяпти. Моу Грин билан жуда қалинлашиб кетди, бирор фалокатга дучор бўлмасин, деб назорат қилмоқчи.

Лас-Вегас чўлининг ўртасидаги бу меҳмонхона қурилишига Дон фақат ўғлига бошпана учун эмас, энг муҳими, янги чегараларни қўлга киритиш учун плацдарм тайёрлашга пул сарфлаётганини тушунтиришнинг фойдаси йўқ эди.

Шу суҳбатдан кейин кўп вақт ўтмай меҳмонхонага янги врач-дўхтир Жул Сегал ишга келди. Қамишдай озгин, чиройли, ёқимли Жул Люсига ўта ёш, врачликка гўрдек кўринди. Унинг олдига қўлида, тирсагидан юқориқоқда пайдо бўлган ўсимтани кўрсатгани келди. Ваҳима қилиб уч кун ўйланди, тўртинчи куни эрталаб эса меҳмонхонадаги врач хонаси жойлашган қанотга келди. Ёқаси очиқ кўйлак, ёзлик енгил шим кийган дўхтир Сегал уни кутиб олди. Унинг мугуз кўзойнаги ва жиддийлиги, ўзини хотиржам тутиши Люсини бирмунча тинчлантирди, лекин бари бир салобатли таассурот қолдирмади. Люсининг юраги тўрида салобатсизлик медицинага мос эмас, деган эскича эътиқод бор эди.

Жул унинг қўлидаги ўсимтани кўздан кечирар экан, бу ўртача фиброма эканлигини, зарарсиз шишлар турига киришини, ташвишланишга ҳеч қандай асос йўқлигини шошилмасдан тушунтирди. Кейин стол устидан оғир медицина справочнигини қўлига олди.

– Қўлингизни олдинга чўзинг, – деди.

Люси чўчиб иккала қўлини олдинга чўзди. Шунда Жул биринчи марта кулимсиради.

– Ҳозир ўзимни хизмат ҳақидан маҳрум қиламан. Шу китоб билан қўлингизга ураман, қарабсизки, ўсимтадан асар ҳам қолмайди. Тўғри, ҳеч қачон қайта ўсиб чиқмайди, деб кафолат беролмайман. Лекин агар қўлингизни кесадиган бўлсақ, бинтланган қўлингизни чўзиб, тиланчилик қилишингизга тўғри келади. Хўш, розимисиз?

Люси енгил нафас олди. Нима учундир бу сўзлардан кейин унда дўхтиргга нисбатан ишонч пайдо бўлди.

– Майли, – деди ва шу дақиқадаёқ чинқириб юборди: дўхтир оғир китоб билан унинг қўлига қаттиқ урган эди. Усимтадан деярли из қолмади.

– Наҳотки, қаттиқ оғриган бўлса? – сўради дўхтир.

– Э, йўқ. – У касаллик тарихи варақчасига қаради. – Энди кетаверсам бўладими?

Дўхтир ёзишда давом этаркан, унга қарамасдан бошини ирғади. Люси хонадан чиқди.

Бир ҳафтадан кейин улар буфетда учрашиб қолдилар. Дўхтир унинг ёнига бориб ўтирди.

– Хўш, қўл қалай?

Люси самимий кулимсиради.

– Яхши. Сиз рухсат берилмаган усулларни қўлларкансиз, лекин натижаси ҳаммани ҳайратга солди.

– Қандай қўллашим ҳақида сиз оддий тушунчага ҳам эга эмассиз, – деди у. – Сизнинг бой аёл эканлигингиз ҳақида мен ҳам тасаввурга эга эмасман. Маҳаллий «Сан» газетаси меҳмонхонамиздаги «пункт» эгаларининг рўйхатини босиб чиқарибди. Люси Манчини ихтиёрида ўнлаб пунктлар бор экан. Чакки эмас! Қани эди менга ҳам текин даромад келадиган шунақа жой бўлса!

Тўсатдан Хейгеннинг гаплари эсига тушди-ю, Люси ҳеч нарса демади. Унинг суҳбатдоши «ҳм» деб қўйди.

– Қўрқманг, ҳаммасидан хабарим бор. Сиз бор-йўғи ниқоб вазифасини ўтаяпсиз, холос. Бунақалар Вегасда ҳар қадамда тўлиб-тошиб ётибди... Бугун кечқурун мен билан бирга бўлолмайсизми – кабарегга кирамиз, овқатланамиз, рулетка<sup>1</sup> ўйнаймиз. Рулетка соққалари пулини эса мен тўлайман.

Люси иккиланар, у эса кўндиришга уринарди.

– Мен мамнуният билан таклифингизни қабул қилардим, – деди ниҳоят Люси, – фақат умидларингиз пучга чиқармикин, деб қўрқяпман. Мен баъзи бир одамлар ўйлаётгандай «анақа»лардан эмасман, Вегасда эса қизларни ўзингиз биласиз...

– Шунинг учун ҳам сизни таклиф қияпман-да, – деди дадиллашиб Жул.

– Бугун эрталабгача дам оламан, деб аҳд қилиб қўйганман.

Люси маъюс кулиб қўйди.

– Демак, дам олишингиз аниқ, шунақами?

Жул шошиб бошини ирғади.

---

<sup>1</sup>Рулетка – айланиб турувчи гардишга рақамлар терилган қимор ўйини.

– Майли, овқатланамиз, лекин соққалар пулини ўзим тўлайман.

Кабареда овқатланиб ўтиришганда Жул бу ерда аёллар очиқ сийналари ва сонларини намойиш қилишаётганидан фойдаланиб, олимларнинг сийналар ва сонлар тўғрисидаги асарлари ҳақида гапириб, Люсини зериктирмай ўтирди. Овқатдан кейин иккаласи шерик бўлиб рулетка ўйнашди, юз доллардан кўпроқ ютиб олишди. Кейин кўлга боришди ва ойдинда, Боулдер-Дэм тўғони устида ўпишишди. Люси уни итариб юборганди, Жул бунга одатдаги ҳол, деб эътибор бермади.

– Мен сенга айтгандим-ку, – деди Люси ярим таъна, ярим айбдор овоз билан.

– Ҳеч бўлмаганда уриниб кўрмасам, сен қаттиқ хафа бўлардинг-да, – деди Жул.

Люси беихтиёр пиқиллаб кулди, чунки у тўғрисиини айтганди.

Улар бир неча ой ичида чинакамига дўстлашиб қолишди, лекин ораларида ишқий муносабатлар бўлмади. Люси ҳамон уни яқинлаштирмасди. Маҳкам турганлигидан унинг гаранг бўлиб юрганини Люси кўриб турарди, лекин Жул хафа бўлмас, жаҳли чиқмасди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, албатта, шундай қилган бўларди. Бундан Люсининг унга бўлган ишончи тобора ортиб борди. Жулнинг хирурглигини, бир пайтлар Нью-Йоркдаги машҳур касалхонада ишлаганлигини у тасодифан эшитиб қолди. Шундай экан, уни бу ерга, тупканинг тагига келишга нима мажбур қилганлигини тушуниб бўлмасди. Люси шу ҳақда сўраганида у тўсатдан:

– Кел, келишиб олайлик, сен менга сирингни очасан, мен эса сенга, – деди.

Люси қизариб кетди. Унинг аёлларга хос баъзи бир аъзолари дардга чалинган эди, лекин у ўлса ўлардики, буни Жулга айтмасди. Бироқ иш шу билан тугадики, Люси унга кўринишга рози бўлди. Жул яхши дўст эди, у билан дўстона муносабатда эди, уни қадрларди. Бу Люсининг уят ва ҳижолатпазликни янчиб ўтишига ёрдам

берди. Уни яхшилаб текшириб чиққандан кейин Жул токчадан дарсликни олди ва худди Люсининг касалига ўхшаш воқеа баён қилинган ва даволаниш учун операция қилиш зарурлиги айтилган саҳифани очди. Люси кизиқиш билан ўқиб чиқди.

– Бошқа иложи йўқ, ётишга тўғри келади, – деди Жул. – Соғлиқ билан ўйнашиб бўлмайди...Шундай қилиб мен сиригни билиб олдим. Ўзимнинг сиригни ҳам айтаман. Газеталарда ёзишганидек, мамлакат шарқидаги энг истеъдодли ёш хирурглардан бири бўла туриб, бу ишратхонада нима қилиб юрганганини сўраяпсан. Гап шундаки, мен аборт қилиб, қўшимча пул топардим. Бу ҳеч нарса эмас эди, чунки бу иш билан врачларнинг ярми шуғулланади. Лекин менинг улардан фарқим қўлга тушиб қолганлигимда бўлди. Қора рўйхатга тушдим. Уюшмадан ҳайдашди, касалхонадан қувишди. Танишларимдан бири, дўхтир Кеннеди – у билан интернатурада бирга бўлганмиз – Корлеонелар оиласи орқали ёрдамлашишга ваъда берди. Мени бу ерга ўшалар жойлаштиришди. Ёмон ҳақ тўлашмаяпти, керакли иш билан шуғулланишман. Бу ердаги қизларни даволаб улгурсанг, бас. Тўғриси айтиш керак, ишим оғир эмас, фақат вақтида мурожаат қилишса бўлгани...

Икки ҳафтадан кейин Жул Сегал Лос-Анжелес касалхонасида дўсти дўхтир Фредерик Келнер Люси Манчинини операция қилаётганини кузатиб турарди. Бехуш қилувчи дори беришдан олдин Жул энгашиб, Люсининг қулоғига пичирлади:

– Сенга кўз тикиб юрганлигимни айтиб, уни огоҳлантириб қўйдим. Ишончинг комил бўлсинки, таъмирлаш ишлари аъло даражада ўтади.

Кутилмаганда Люсидаги кўркувдан асар ҳам қолмади.

Эртасига эрталаб Люсидан хабар олгани келган Жул палата гулларга кўмиб ташланганлигини, каравот олдида бегона икки эркак ўтирганини кўриб таажжубланди. Люси очилиб-сочилиб ёнбошлаб ётарди. Ўтирганлардан бирини Люси таништиришга улгурмасданоқ бир кў-



ришда таниди. У машхур Жонни Фонтейн эди. Басавлат, кучли, сал сурбетроқ ва доим кулиб турадиган иккинчиси Нино Валенти эди. Иккаласи ҳам Жул билан қўл бериб кўришишди-ю, дарҳол уни эсдан чиқаришди. Улар Люсига тегажаклик қилишар, Нью-Йоркдаги эски маҳалласини, болалиқдаги қандайдир воқеаларни, қандайдир одамларни эслашарди. Бу гапларнинг Жулга ҳеч қанақа дахли йўқ эди.

– Кейин кирарман, – деди у Люсига.

Лекин Жонни Фонтейн дарҳол одамшавандалигини намоиш қилди.

– Шошманг! Кетманг! Биз ҳозир чиқамиз. Буни яхшилаб даволанг, дўхтир.

Жул унинг овозидаги хириллашни сезиб қолди ва бирдан Жонни Фонтейн бир йилдан ортиқ вақтдан бери қўшиқ айтмаётганлигини, «Оскар» мукофотини унга қўшиқчилиги учун эмас, кинода ўйнаган роли учун беришгани эсига тушди. Наҳотки роса етук ёшида овози бузилган бўлса-ю, бу ҳақда гезаталар, атрофдагилар лом-мим дейишмаган бўлса? Жул пинҳоний сирларни эшитишни жон-жонидан яхши кўрарди. У Фонтейннинг овози нима сабабдан ўзгарган бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида гапларига қулоқ сола бошлади. Балки шунчаки чарчаганидандир ёки эҳтимол, ортиқча ичганлигидан, чекканлигидандир, ниҳоят, аёллар билан ортиқча ўралашиб қолганлигидандир. Унинг овози жуда дағал эшитиларди. Бундай овоз билан саҳнага чиқишни ўйламаса ҳам бўларди.

– Сиз томоғингизни шамоллатиб олибсиз, шекилли? Фонтейн мулойимлик билан жавоб қайтарди.

– Агар гап менинг томоғим ҳақида бораётган бўлса, уни уринтириб олганман. Кеча кечкурун қўшиқ айтишга уриниб кўрдим. Йиллар ўтиши билан овоз ҳам ейилиб боради деган оддий ҳақиқатни ўз вақтида тушуниб олишга қурбим етмади, шекилли. Қарилик, қочиб қутулолмайсан, – у бепарво кулди.

Жул эҳтиёткорлик билан:

– Врачларга кўринганмисиз? – деб сўради. – Балки, даволаниш керақдир?

Фонтейндаги дилкашлик бирмунча сўнди. У Жулга анчагача совуқ тикилиб турди.

– Бундан икки йил олдин энг яхши мутахассисларга кўринганман. Шахсий врачим ҳам даволаган. Бу соҳада уни энг йирик мутахассис ҳисоблашади. Кўпроқ дам олишни, толиқмасликни тавсия этишди. Ташвишланидиган жойи йўқ, бу ёшга боғлиқ нарса.

У ўтирилиб фақат Люсига мурожаат қилган ҳолда ҳамма хотинларни ширин ҳазил-ҳузуллари билан ром этганидек, бўлиниб қолган суҳбатни келган жойидан давом эттириб, унинг ҳам кўнглини олди. Жул унинг овозига яна диққат-эътибор билан қулоқ солди. Овоз пайчаларида янги шиш пайдо бўлганлиги аниқ. Наҳотки мутахассислар буни пайқамай қолишган бўлса? Эҳтимол хавfli ва операция қилиб бўлмайдиган шишдир. Унда бошқа йўл билан даволаш керак эди.

У Фонтейннинг гапини бўлди.

– Охирги марта врачга қачон кўрингансиз?

– Бундан бир ярим йил илгари. – Бу саволлар Фонтейннинг энсасини қотираётгани, у Люси ҳурмати учун ўзини тутиб турганлиги кўриниб турарди.

– Шахсий врачингиз-чи, у сизни тез-тез текшириб турса керак?

– Албатта, – деди Жонни Фонтейн ранжиб. – Доим текшириб туради. Сиз эҳтимол, ундан кўпроқ нарса биламан, демоқчидирсиз?

– Врачингиз ким, исми-шарифи нима?

Фонтейн сал олифтагарчилик билан:

– Таккер, дўхтир Жеймс Таккер. Бу номдан сиз бирор маъно англасангиз керак? – деди.

Машҳур экран юлдузлари ва қишлоқ фермасидаги ўта қиммат соғломлаштириш маркази билан боғлиқ бўлган бу ном жуда кўп маъно англатарди.

– Бўлмасам-чи, уддабурон жаноб, – деди Жул истехзо билан кулиб.

Фонтейн энди жаҳли чиқиб сўради:

– Сиз ўзингизни ундан зўрроқман, деб ҳисоблайсизми?

Люси кўрпача остидан қўлини чиқариб, Жулни ўзига яқинроқ тортди.

– Сен буни сиртқи кўринишидан енгилтак, мулоҳазасиз, деб ўйлама, – деди у. – Сенинг олдинда энг юқори тоифадаги тажрибали хирург турибди. Агар у дўхтир Таккердан зўрман, деса, демак, ҳақиқатан ҳам шундай. Яхшиси, унинг гапига қулоқ сол, Жонни.

Ҳамшира кириб вақт тугаганлигини айтди. Улар йўлакка чиқишди. Нино Валенти Жулдан сўради:

– Люсининг касали жиддийми? Нега операция қилишди?

Жул бош чайқади:

– Аёлларга хос оддий касаллик. Арзимаган нарса, менга ишонаверишингиз мумкин. Унинг соғлиги сизга нисбатан мени кўпроқ ташвишлантиради, чунки унга уйланмоқчиман.

Жул бу гап уларга маъкул бўлганлигини юзларидан сезди.

Йўлақдан боришаркан, у яна Фонтейнга мурожаат қилди:

– Бу касалхона ўзимники бўлиб қолган, тез-тез бу ердагилардан консультация олиб тураман. Юринг, томоғингизни текшириб кўрайлик.

Фонтейн қўл силтади.

– Ҳозир вақтим йўқ.

Нино Валенти мийиғида қулиб деди:

– Бу томоқнинг баҳоси миллион эканлигини биласанми? Тўғри келган ношуд врач уни кавлайверади, деб ўйлайсанми?

Жул дўстона жавоб қайтарди:

– Мен ношуд врач эмасман. Шунини айтиб қўйишим керакки, аборт туфайли қўлга тушиб қолгунимга қадар бутун Шарқий соҳилда энг кучли ёш хирург ҳисобланардим. Энг яхши диагност ҳам эдим.

Бу Жул кўзда тутганидек, Жон Фонтейн билан Нино Валентини унинг гапларига жиддийроқ қарашга мажбур қилди. Ҳақиқий эътироф, шахсий профессионал кадриятга юқори баҳо берадиганларга ҳам ишониш мумкин деган фикр уйғотади. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Фонтейн хавотирланаётганлигини яшира олмасдан сўради:

– Бунга қанча вақт керак бўлади?

– Ўн дақиқа.

Бу ёлғон эди, бироқ Жул ёлғон-яшиқни ямламай ютарди. Даволаш жараёнида фақат ҳаддан ташқари ҳолатлардагина ҳақиқатни айтиш мумкин. Шунда ҳам ҳар доим эмас.

– Хўп, бўпти, – хавотирланганидан Фонтейннинг овози хириллаганроқ, зўриққанроқ эшитилди.

Жул навбатчи ҳамширанинг ёрдами билан бўш хона топди. Хонада унга керак бўладиган асбоб-ускуналарнинг кўпи йўқ эди, лекин борлари ҳозирча етарди. Ўн дақиқадан кейин у овоз пайчаларида шиш борлигига аниқ ишонч ҳосил қилди. Буни аниқлаш қийин бўлмади. У ички телефон гўшагини кўтарди-да, лорингологни чақирди. Кейин қаддини тиклаб Нино Валентига қаради:

– Бу иш узоққа чўзилади, деб қўрқаман. Сизнинг кутмаганлигингиз маъқул.

Фонтейн кулоқларига ишонмагандай унга қаради.

– Нима, сиз ҳали мени бу ерда олиб қолмоқчимисиз? Бу сурбетни кўринг! Томоғимни кавлаштиришга мени рухсат беради, деб ўйлаяпсизми?

Жул ўзи ҳам кутмаган журъат ва мамнунлик билан унинг қаншарига бошлаб туширди.

– Билганингизни қилинг. Лекин билиб қўйинг. Томоғингизда, овоз пайчаларида шиш бор. Хоҳласангиз қолинг, бир неча соат ичида у зарарлими ёки зарарсизми аниқлаймиз. Бор-йўғи бир неча соат. Хоҳламасангиз кераги йўқ. Эҳтимол, бундан муҳимроқ ишларингиз бордир.

– Бир оз кутайлик, Жонни, қаёққа ҳам шошамиз. Мен пастга тушиб, студияга қўнғироқ қилиб қўяман, – деди Валенти.

Текшириш узоқ чўзилиб кетди, лекин фойдаси бўлди. Жулнинг фикрича рентген натижалари ва мазок анализи натижаларига кўра лорингологнинг дастлабки диагнози тўла тасдиқланганди. Хонама-хона юрган пайтда йод суртилган оғзини тез-тез очиб нафас олган Жонни Фонтейн қочиб кетишга уриниб ҳам кўрди. Нино Валенти елкасидан кучоқлаб ушлаб олди-да, креслога ўтқазиб қўйди. Ҳамма иш тугаганда Жул қувонганидан кўзлари йилтиллаб, Фонтейнга қараб ўтирилди-да:

– Сўгал! – деди.

Фонтейн ҳеч нарса тушунмади. Жул такрорлади:

– Овоз пайчаларига сўгал чиқибди. Бор-йўғи шу. Колбаса пўстлоғини олгандай осонгина олиб ташлаймиз. Икки ойдан кейин онадан янги туғилгандай бўлиб кетасиз!

Валенти «Ура!» деб бақирди, бироқ Жонни Фонтейн қовоғини солди.

– Овозимга қанақа таъсири бўлади? Кейин қўшиқ айта оламанми?

Жул Сегал елка қисди:

– Кафолат беролмайман. Бироқ сиз барибир қўшиқ айтмаяпсиз-ку, шундай бўлгач, нима фарқи бор?

Фонтейн унга хушламай қаради.

– Сиз, азизим, сал ўйлаброқ гапирсангиз бўларди. Яхши гап айтиб хурсанд қилдим, деб ўйлаяпсиз, шекилли. Бу гапингиз мен энди қўшиқ айтолмаслигим мумкинлигидан далолат беради, шунақами ахир? Бошқа қўшиқ айтолмаслигим мумкинми?

Жулга энди таъсир қилди. Бу палидга мурувват кўрсатиб яхшилик қилса-ю, у яна ноз ҳам қилади.

– Қулоқ солинг, мистер Фонтейн, – деди Жул совуққонлик билан. – Биринчидан, мен сизга азизим эмасман. Мен медицина дўхтириман. Марҳамат қилиб,

дўхтир деб атанг. Кейин, тўғри, мен сизга ҳақиқатан ҳам, қувончли янгилик айтдим. Сизни бу ерга ет-клуб келганимда овоз пайчаларида янги зарарли шиш пайдо бўлганига ишончим комил эди. Агар шундай бўлганда ҳиқилдоғингизни бутунлай кесиб ташлашга тўғри келарди. Ўшанда ҳам агар кеч бўлмаса. Мен сизга «Сиз ўлган одамсиз» деб айтишдан ташвишлангандим. Сўгаллигини билиб, нега қувонганимга энди тушунгандирсиз? Агар Жонни Фонтейн бўлсангиз, нима, сизда рак касаллиги бўлиши мумкин эмас деб ўйлайсизми? Ёки операция қилиб бўлмайдиган мия шиши бўлиши мумкин эмасми? Ёки инфаркт бўлиши мумкин эмасми? Ҳеч қачон ўлмайман деб ўйлайсизми? Нима, дунёнинг ишлари фақат булбулларнинг чаҳ-чаҳидан иборат деб ўйлаганмидингиз? Сиз ғам-ташвиш нималигини кўрмагансиз, ҳамма гап ана шунда. Мана шу касалхонани айланиб кўринг, сўгалдан бошқа касалингиз йўқлигига Худого минг қатла шукур қиласиз. Яхшиси, аҳмоқчиликни йиғиштиринг-да, айтилган ишни қилинг. Шахсий врачингиз тажрибали хирург қақирсин, аммо ўзи операция қилмоқчи бўлса, сизга маслаҳатим шуки, менга суиқасд қиляпти, деб дарҳол полицияга хабар қилинг.

Жул кескин бурилди-да, эшик томон юрди. Валенти унинг орқасидан:

– Отангизга раҳмат, дўхтир, бопладингиз. Шундай қилиш керак эди, – деб қичқирди.

Жул унга қайрилиб қаради:

– Айтинг-чи, сиз ҳар куни эрта тонгда турибок шунақа бақира бошлайсизми?

– Ҳа.

Нино шу қадар ёқимли жилмайдики, Жул ўйлаганидан юмшоқроқ қилиб:

– Эсингизда бўлсин, агар шу ҳолда давом эттираверадиган бўлсангиз, узоғи билан беш йил яшайсиз.

Валенти бошини орқага ташлаб хахолаб қулди.

– Беш йил? – кулгидан бўғилиб қайта сўради у. – Азизларим, нега бунча кўп?

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Майкл Корлеоне Сицилия заминида қувғинда яшаган беш ой мобайнида ниҳоят отасининг тақдири ва феъл-атвори тўғрисидаги кўп нарсага тушуниб етди. Люка Бра-зига ёки саро-*regime* Клеменцага ўхшаган одамлар қайдан пайдо бўлишини ва нима сабабдан онаси ўз вазифасини сабр-тоқат билан итоаткорона адо этиб келаётганлигини ҳам тушунди. Чунки қисматга қарши курашмасалар, улар қандай ачинарли аҳволга тушиб қолишлари мумкинлиги-ни Сицилияда ўз кўзи билан кўрди. У дон нимага ҳар бир одамнинг фақат ўзига хос, яккаю ягона тақдири бор де-йишни яхши кўришини тушунди. Қонуний ҳокимиятга, ҳукуматга нисбатан ҳурматсизликнинг келиб чиқиш манбалари, сукут сақлаш – *omerta* қасамини бузган ҳар қандай кимсага нисбатан нафрат сабаблари унга очиқ-ойдин бўлиб қолди.

Кийилавериб анча уринган кепка ва жулдир кос-тюмда у Палермо соҳилига тушди. Бу ердан уни орол ичкарасига, овлоқ провинциянинг марказига, мафия тўла ҳукмронлик қилаётган ва ўтмишдаги қандайдир муҳим хизмати учун дон Корлеоне олдида қарздор бўлиб қолган маҳаллий саро-*mafioso*, мафия бошлиғи хузурига жўнатишди. Корлеоне шаҳарчаси ана шу про-винцияда эди. Майклнинг бир пайтлар Америкага қочиб кетган отаси ана шу шаҳарча номини ўзига янги исм-шариф қилиб олганди. Лекин бу ерда доннинг биронта қариндош-уруғи қолмаганди. Аёллар кексалик ёшига етишмасданоқ ўлиб кетишар, эркаклар эса қонли қасос қурбони бўлишар ёки қадрдон гўшаларини ташлаб ке-тишга мажбур бўлишарди.

Майклни саро-*mafiosonинг* амакисиникига жойлаш-тиришди. Ёши етмишдан ошган, қари бўйдоқ амаки округдаги яккаю ягона врач эди. Исми-шарифи Томмази-но бўлган эллик беш ёшлардаги доннинг ўзи сицилиялик машҳур мулкдорлардан бирига тегишли бўлган ерларга

қараб туриш учун қўйилганди. Унга ўхшаганларнинг ва-зифаси бекор ётган ерларни камбағаллар эгаллаб, бир қарич ерга ҳам ўзларига экин экиб олмасликларига, уларнинг яширинча овчилик қилишига йўл қўймасликка кўз-қулоқ бўлиб туришдан иборат эди. Қисқа қилиб айтганда у бойларнинг мулкини йўқсил одамлар томонидан қилинадиган энг кичик, гарчи қонуний бўлса-да, тажовузлардан ҳам сақлаши керак эди. Агар камбағал деҳқонлардан биронтасининг миясида ташландиқ ер участкасини қонуний асосда эгаллаш фикри туғилса, бундайларга дон Томмазино қасос олиш билан дағдаға қиларди. Камбағал эса ниятидан воз кечишга мажбур бўларди.

Бундан ташқари дон Томмазино провинцияда сув тақсимлаш билан шуғулланар ва Римдаги ҳукумат томонидан рухсат берилган тўғонлар қурилишига тўсқинлик қиларди. Тўғонлар серфойда ишга – тегарада ерости қудуқлари сувини сотишга халақит берган, бу жойларда асрлар мобайнида изчиллик билан жорий этилган сув таъминоти асосларини издан чиқарган бўларди. Унга ўхшаган одам ҳимоясида ҳеч нарсадан қўрқмасдан яшаш мумкин эди. Шунга қарамасдан Майклнинг кимлигини яшириш зарур деб топишди. Унинг ерлари дўхтир Тазанинг мулки билан чегарадош эди.

Дўхтир Таза сицилияликлар учун хос бўлмаган даражада новча, икки бети қип-қизил, сочлари оппоқ киши бўлиб, ўта китобпараст эди. У қўлига тушган китобни ўн-терсига қарамай ўқийверар, сўнгра ўқиган китобларини қўшнилари, саводсиз деҳқонлар, беморлари, чўпонлар билан муҳокама қилаверганлиги учун ҳамқишлоқлари орасида қуруқ одам деб ном таратганди. Ахир уларнинг китоб билан қанчалик иши бор?

Оқшом чоғлари дўхтир Таза, дон Томмазино ва Майкл учаласи бу оролдаги мўъжиза туфайли худди қора узум тоқлари билан ёнма-ён ўсиб чиққандай мрамар ҳайкалчалар ўрнатилган катта боғда суҳбатлашиб ўтиргани чиқишарди. Дўхтир Таза мафия ҳақида, унинг



асрлар давомидаги фаолияти ҳақида сон-саноксиз воқеаларни айтиб берар, Майкл Корлеоне берилиб тингларди. Баъзида дон Томмазино ҳам тунги муаттар хиддан ва хушбўй, кучли винодан, бу сеҳрли боғнинг гўзаллиги ва тинчлигидан завқланиб, ҳаётида дуч келган воқеа-ҳодисаларни эслаб қоларди. Дўхтир тимсолида афсоналар, дон тимсолида эса бутунги ҳаёт мужассамлашган эди.

Бу қадимий боғда Майклнинг кўз олдида отасига ўхшаган одамларни юзага чиқарган илдишлар намоён бўлди. У «мафия» сўзи дастлаб «пана жой» маъноси-ни англаганини билиб олди. Кейин бу сўз мамлакатни ва унинг халқни юзлаб йиллар мобайнида эзиб келган ҳукмдорларга қарши курашиш учун пайдо бўлган яширин ташкилотнинг номига айланди. Тарихда бунчалик шафқатсиз зўравонликка дучор бўлган бошқа ўлка бўлмаган. Оролда шафқатсиз азоб-уқубат ким камбағал, ким бойлигининг фарқига бормасдан худди қуюн сингари кезиб юрарди. Аслзода заминдорлар ва католик черковининг князлари деҳқонлар ва чўпонларнинг темир қўли билан ҳокимиятни мустаҳкам ҳимоя қилардилар. Полиция бу ҳокимиятнинг қуроли бўлиб хизмат қиларди. Халқ полицияни ҳокимлар билан шу даражада тенг қўрар эдики, Сицилияда бирор одамни полициячи деб аташдан кучлироқ ҳақорат йўқ эди. Азоб-уқубатдан қийналган одамлар якка ҳокимликнинг шафқатсиз истибдоди остида соғ-саломат қолиш йўллари-ни излаб, нафрати ва ранж-аламини ҳеч қачон сиртига чиқармасликни ўрганиб олишди. Ҳеч қачон дўқ-пўписа қилмаслик керак, чунки дўқ-пўписа ижро этилгунга қадар унга жавобан жазо чораси қўлланади. Жамият сенинг душманинг эканлигини, агар адолатсизлик учун ўч олмоқчи бўлсанг, яширин исёнчилар, мафия ҳузурига боришни унутмаслигинг керак. Бу мафия кучая бориб Сицилияда omertани – бири-бирини қўллаб-қувватлаш, сукут сақлаш қонунини жорий этди. Қишлоқ жойдан ўтиб бораётган одам энг яқин шаҳарчага олиб борадиган йўлни сўраса, айтишмайди.

Мафия аъзосининг, масалан, унга ким ўқ узганлигини полицияга айтиб қўйиш энг катта жиноят ҳисобланади. Omerta қонуни одамлар учун ўзига хос динга айланиб қолди. Агар бирор аёлнинг эрини ўлдириб кетишган бўлса, у полицияга қотилнинг исмини айтмайди ёки бо-ласини бадбашара қилиб калтаклаган, қизини зўрлаган одамни кўрсатиб бермайди. Ҳокимиятдан адолат кутиб бўлмаслигига тушунган одамлар адолат излаб мафияга мурожаат қиладиган бўлишди.

Ҳозирга қадар мафия маълум даражада бу вазифа-ни адо этиб келмоқда. Бирор кор-ҳол бўлса одамлар маҳаллий саро-mafiosoга мурожаат қилишади. У округ аҳолиси учун ўзига хос ишбоши, ҳимоячи – жамият ҳомийси эди – одамларни ишга жойлаштирар, уйида егани овқати йўқларга овқат берар эди.

Бирок дўхтир Таза йиллар ўтиши билан Сицилия-да мафия бойлар қўлидаги қуролга ва маълум маънода мавжуд сиёсий тузумнинг яширин таянчига айланган-лиги ҳақида оғиз очмади. Буни Майкл аста-секин ўзи билиб олди.

Майкл Корлеоне отаси тоифасидаги одамлар нима сабабдан қотил бўлишни қонунга итоат қиладиган тор фикрлайдиган одам бўлишдан устун қўйганлигини би-ринчи марта тушунди. Ваҳима, ҳуқуқсизлик, қашшоқлик ўта даҳшатли эди, мустақил одамлар жамият таклиф этган нарсани қабул қилишни рад этардилар. Уларнинг тасаввурида қонуний ҳокимиятнинг шафқатсизлигини бартараф этиш мумкин эмасди. Америкада кўпинча уларнинг бу ишончи ўзгармай қоларди.

Майклнинг шошилиш тарзда Нью-Йорқдан чиқиб кетиши синган жағини жиддий даволашга имкон берма-ди. У ҳалигача капитан Маккლოსки эсдалигини кўтариб юрарди. Жағ суяқларининг нотўғри битиб қолиши туфай-ли унинг қиёфаси, айниқса, чап томондан қараганда бир оз қароқчиларнинг қиёфасига ўхшаб қолганди. Дўхтир Таза бир неча бор хизматини таклиф этди. Лекин Майкл рад қилди. Ўтган ойлар мобайнида у Сицилияда Таза-

дан зўрроқ врач йўқлигига ишонч ҳосил қилиб улгурган эди. Сицилия мафияси бошлиқларидан энг каттасининг ёрдами туфайлигина у ўз вақтида имтиҳон топшириб, врачлик дипломига эга бўлиб олган эди. Бу жамиятда пайдо бўлган текинхўр ўсимта жамият учун қай даражада зарарли эканлигининг ёрқин намунаси эди. Одамнинг бирор ишга яроқлилиги ёки яроқсизлиги ҳисобга олинмасди. Истеъдод, иштиёқ аҳамиятга эга эмасди. Мафиоза – Чўқинтирган ота совға сифатида сента мутахассислик ҳадя этарди...

Майклнинг мулоҳаза қилиш, кўп нарсаларнинг мағзини чақишга вақти етарли эди. Кундузи доим дон Томмазино қўл остидаги шу ерлик икки чўпон ҳамроҳлигида шу атрофларни сайр қиларди. Мафия кўпинча маҳаллий чўпонлардан қотил ёлларди. Чўпонлар дарҳол ишга киришардилар. Чунки тирикчилик қилишнинг бошқа воситаси йўқ эди. Майкл отаси уюштирган ташкилот ҳақида ўйларди. Агар бу ташкилот кейин ҳам ҳозиргидай муваффақиятли иш олиб борадиган бўлса, рақ ўсимтасига ўхшаб катгайиб бориб, худди шу орол сингари мамлакатни ҳам вайрон қилади. Сицилия соялар салтанатига айланиб қолганди. Эркаклар бир парча нон топиш ёки қонун йўл қўйган иқтисодий ва сиёсий эркинликлардан фойдаланишга уриниб кўрганликлари учун ўч олинишидан қутулиш мақсадида дунёнинг турли томонларига кетиб қолишганди.

Икки соқчи чўпон Майкл билан сайрга чиққанда доим лупар олиб юришарди. Сицилия калта милтиғи мафиячиларнинг энг яхши кўрган қуроли эди. Оролни мафиядан тозаламоқчи бўлган Муссолини даврида лупар сақлаганлар ушланиб, лагерга жўнатиладди. Сицилия иттифоқчи қўшинлар томонидан озод қилингандан кейин америкалик ҳарбий амалдорлар фашистлар зугумидан зарар кўрган ҳар бир одамни демократия курашчиси деб ҳисоблаб, лагерга тушган мафиячини кўпинча провинция шаҳарчаси мэригига, ҳарбий комендатура ҳузурида таржимонлик қилишга тайинла-

шарди. Воқеаларнинг бундай тус олиши мафияга сафларини тезда тиклаб олиш ва аввалгига қараганда янада даҳшатлироқ кучга айланиш имконини берди.

Узоқ сайр қилиб юриб, бир коса pasta – гўштли макарон еб ва бир шиша кучли вино ичиб, тўйиб овқатлангандан кейин гарчи тунлари жағи зирқираб оғриб чиқса ҳам, Майкл бир оз ухлаб ором оларди. Дўхтир Таза тинимсиз унга пачоқланган жағини операция қилиш кераклигини айтиб, жонига тегарди. Бунинг устига вақт ўтган сари Майклнинг жағи кучлироқ азоб берар, у тез-тез Тазадан оғриқни босадиган бирор дори сўрашга мажбур бўларди. Майкл операция қилишни ўжарлик билан рад этарди. Ниҳоят дўхтир бунинг сабабини сўраганда, у қовоғини солиб тиржайди:

– Ҳар ҳолда уйдан эсдалик.

Қишлоқдаги бу тинч ва осойишта ҳаёт етти ой давом этди. Кейин дон Томмазино нимадандир ташвишга тушиб қолди, виллада деярли кўринмасдан узоқ вақт ғойиб бўлиб қолди. Палермода «янги мафия» пайдо бўлди – ёшлар урушдан кейин авж олган қурилиш шов-шувида катта пул ишлаб олишди ва замондан орқада қолаётган қишлоқ бошлиқларини дадил таъқиб эта бошладилар. Дон Томмазино ўзининг мол-мулкани ҳимоя қилиш билан овора эди.

Қуёш чарақлаб турган кунларнинг бирида, эрталаб Майкл одатига кўра икки садоқатли шахсий соқчиси ҳамроҳлигида дала кезгани жўнади. Соқчилардан бирининг исми Кало бўлиб, у соддароқ, бадқовоқ, индамас, худди ҳиндуларга ўхшаб қиёфаси совуқ, ҳозирча жир битмаган ҳақиқий сицилиялик каби пакана ва чайир эди. Иккинчиси ёшроқ ва одамшаванда бўлиб, ҳаётида анча-мунча нарсани кўришга улгурганди. Урушда флотда денгизчи бўлиб хизмат қилганлиги учун асосан денгизни кўрганди. Инглизлар у хизмат қилаётган кемани чўктириб юборишиб, асирга тушгунга қадар баданига солиб улгурган жимжимадор расмлари шундан гувоҳлик берарди. Фабрицио – унинг исми шундай эди – кўкрагидаги

расмлар билан ҳамқишлоқлари олдида ҳаддан ортиқча мақтанарди деб бўлмайди. Расмнинг мазмуни Сицилияда мавжуд бўлган «ор-номус» ҳақидаги тасаввурларга асосланган бўлиб, унда эр бегона эркак қўйнида ётган хотинига пичоқ ураётгани тасвирланганди.

Учаласи сертупроқ қишлоқ йўлидан ёрқин ранглар билан безатилган эшак араваларни орқада қолдириб боришарди. Атроф гулга ғарқ бўлганди – апельсин боғлари, бодомзорлар ва зайтунзорлар чаман-чаман бўлиб гуллаганди, яйловлар сергул гиламни эслатарди. Майкл мутлақо бундай манзарага дуч келаман деб кутмаганди. Сицилияликларнинг қашшоқлиги тўғрисида кўп эшитган Майкл гиёҳ ўсмайдиган саҳрони кўраман, деб ўйлаганди, жаннатга тушиб қолди. Шундай ўлкадан бадарға қилиш учун одам одамга нисбатан қанчалик ваҳший бўлиши керак...

Майкл кечгача денгиз соҳилидаги Мадзара қишлоғига етиб бориб, Корлеонега автобусда қайтишни ўйлаган эди. Йўлда тамадди қилиш учун чўпонлар елкасидаги халталарга нон ва пишлоқ солиб олишганди. Лекин денгиз соҳилига бориш унга шу қуни насиб этмади. Ўн беш миль йўл босиб ўтишгандан кейин улар яшил, салқин апельсинлар соясида ўтириб дам олишди. Фабрицио қачонлардир Америкага ўтиб кетиш тўғрисида вайсаркан, халтасидан овқат ва вино олди. Овқатланиб бўлишгач, салқин жойга чўзилишди. Фабрицио қўйлаги тугмаларини ечиб, мускулларини қимирлатиб, кўкрагига чизилган расмни ҳаракатга келтирарди. Худди шу пайтда сицилияликлар тили билан айтганда Майклни яшин урди.

Апельсинзорларнинг нариги томонида вилага, мрамар пешайвонли кичкина саройга қараб кетган йўл бор эди. Кутилмаганда ўша томонда бир тўда қишлоқ қизлари пайдо бўлди. Қадим замонлардан буён сақланиб келаётган феодал тобелик мажбуриятини адо этиб, мулкдорнинг уйини йиғиштириб, тозалаб, унинг келишига тайёрлаб қўйишиб, энди хоналарни безатиш учун гул тергани чиққанган бўлсалар керак. Дарахтлар тагида ёт-

ган эркакларни кўрмаган қизлар аста-секин яқинлашиб келавердилар. Бир пайт улардан учтаси дугонасини қувлашга тушди. Дугонаси эса чап қўлидаги шингил узумдан йирик-йирик қоп-қора доналарини узиб, қувлаётган қизларга отиб қоча бошлади. Унинг қалин сочлари узум доналари сингари қоп-қора эди.

Апельсинзорнинг чеккасига келганда, дугоналари қувлаётган қиз ўтлар орасида ётган эркаклар қўйлаги гуллари кўриб, қоққан қозикдай жойида туриб қолди – оёқларининг учида худди ҳозир қочиб қоладиган оху боласига ўхшаб, қилт этмай турарди. Яқин масофадан эркаклар қизнинг чиройли чўзиқроқ таранг юзидаги ҳар бир белгини – қалин ва узун киприклар сояси остидаги сафсарга мойил катта-катта жигарранг кўзлари, оч буғдойранг танаси, узум ранги ўрнашиб қолган қипқизил нозик лабларини аниқ кўрдилар. Қиз шунчалик гўзал эдики, Фабрицио беихтиёр:

– Эй Худо, осий бандангнинг руҳини қабул эт, мен ўлашман, – деб юборди.

Унинг овозини эшитган қиз оёғининг учида орқасига қайрилди-да, дугоналари томон югуриб кетди. Уларнинг олдига етиб бориб, орқасига қаради, қўли билан апельсинзорни кўрсатди. Кейин қизлар қаҳ-қаҳа отиб қулганларича келган томонларига югуриб кетдилар.

Майкл Корлеоне ўзига келганда тик турар, бутун вужудини енгил титроқ босган, юраги гурс-гурс урарди. Оролдаги ҳамма ўсимликлар – гулга бурканиб ётган апельсинзорлар ва лимонзорларнинг муаттар, узумларнинг хушбўй ҳидларини шамол олиб келиб димоғига урган, у қарахт бўлиб қолганди. Бирдан у чўпонлар қувлаётганини эшитиб қолди.

– Нима бўлди, юракдан урди шекилли, а? – сўради Фабрицио унинг елкасига ураркан.

Одатда гапга аралашмайдиган Кало ҳам ҳамдардлик билдириб, Майклнинг тирсагидан олди.

– Ҳечқиси йўқ, йигитча. Бу ҳеч нарса эмас, – деди худди Майклни машина уриб кетган-у, у соғ-омон қолгандай.

– Нималар деб валдираяпсизлар, қўймиялар? – Майкл уларга дағдаға қилди.

Кечинмалари лоп этиб юзага чиқиб қолганидан қаттиқ хижолат бўлди. Лекин ҳозиргидай ҳолат унинг ҳаётида биринчи марта юз бериши эди. Қувғинга учрагандан кейин, гарчи ҳамма йўллар берк бўлса ҳам, энди улар ҳатто бир-бирлари билан дўст ҳам бўла олмаслигини билса-да, доим Кей ҳақида ўйларди. Тўғриси айтганда энди у қотил, мафиячи эди. Бироқ шу дақиқадан бошлаб Кей ҳақидаги ўй-фикрлари бир гала қушдай учди-кетди.

Фабриццио маънодор қилиб гарданини қашлаб қўйди.

– Қишлоққа бориб, кимнинг қизи эканлигини суриштирсакмикин?

Дўсти жиддий бош ирғади. Майкл лом-мим демасдан уларга эргашди.

Қишлоқ ўртасидаги фавворали майдончада кичкинагина арзон баҳо ошхона бор эди. Ташқарида, тор айвончага тигиз қилиб учта стол қўйилганди. Чўпонлар ана шу столлардан бирига бориб ўтиришди. Майкл ҳам улар ёнидан жой олди. Яқин ўртада ҳеч ким йўқ эди. Нариди ёлғиз хўтик дайдиб юрар, қандайдир кичкина болалар тупроқ ўйнашарди.

Эшиқдан ошхонанинг тўладан келган, пакана эгаси чиқиб келди. Стол устига косада нўхот қўйди, кўзада ўзи тайёрлаган, коньяк сингари кучли, қип-қизил хонаки вино келтирди. Фабриццио уни гапга солди:

– Сиз бу ердагиларнинг ҳаммасини яхши танисангиз керак. Йўлда шу қишлоқлик бир ажойиб гўзал қизни учратиб қолдик. У мана бу дўстимизнинг юрагига бир ховуч чўғ ташлаб кетди. Ошхона эгаси Майклга ачингандек қизиқиб қаради.

– Сочлари жингалак, буғдойранг, кўзлари қоп-қора, катта-катта. Танийсизми? – деди Майкл.

Ошхона эгаси қисқа қилиб:

– Танимайман, билмайман. Бунақа қиз йўқ, – деди ва ичкарига кириб кетди.

Учаласи шошмасдан майдалаб ўтириб кўзадаги винони тугатишди. Яна вино сўраб ошхона эгасини чақиришди. Ҳеч ким жавоб бермади. Мезбонни излаб у кириб кетган хона томон борган Фабриццио бошини чайқаб қайтиб келди.

– Шу одамнинг қизи экан. Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Ичкарида ғазаби қайнаб ўтирибди. Менимча, бирор кор-ҳол юз бермасдан, бу ердан иззатимизнинг борида Корлеонега қараб жуфтакни ростлаб қолганимиз маъқул. Бу алжираган чол икки забардаст ўғли борлигини, Худо улардан куч-қувватни аямаганлигини, бир хуштак чалса, етиб келишларини шама қилди. Қани, биродарлар, кетдик.

Майкл унга аччиқланиб қараб қўйди. Ҳозиргача улар Майклни Сицилияда яшириниб юришга мажбур бўлган экан, демак, чинакам эркакларга хос ишлар қўлидан келса-да ювош, юмшоқ гапирадиган ҳамма америкаликларга хос ёш йигитлардан бири деб ўйлашарди. Чўпонлар соддалик қилиб, у ҳақда жўн фикрга келишиб хато қилишганди. Майклнинг докадай оқариб кетган юзидан ёғилган нафрат чўпонларнинг вужудини ўқ бўлиб тешиб ўтди. Уларнинг юзидаги табассум бир зумда сўнди. Ўзаро ошна-оғайниларча муносабатдан из ҳам қолмади.

– У одамни бу ерга чақириб келинг, – деди Майкл.

Улар дарҳол итоат этишди. Лупарларини елкасига осишиб, қоронғи ошхонага кириб кетишди ва ярим дақиқадан кейин ошхона эгасини бошлаб келишди. Пакана сицилияликнинг мутлақо кўркмаганлиги яққол кўриниб турарди. Унинг душманлик кайфиятига энди эҳтиёткорлик қўшилганди, холос.

Майкл стул суянчиғига суянганча бир неча дақиқа индамасдан унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чикди. Кейин мулойимлик билан:

– Билишимча, қизингизни сўраб, сизни ҳақорат қилиб қўйибман, шекилли. Узр сўрайман. Мен бу мамла-



катда бегона одамман, урф-одатларингизни яхши билмайман. Фақат бир нарсани айтиб қўяй – мен сизни ҳам, қизингизни ҳам хафа қилмоқчи эмасдим.

Ошхона эгаси янада кўпроқ сергакланди. У олдида турган одам олис қишлоқдан келган тасодифий йўловчи эмаслигини тушунганди.

– Кимсиз, қаердан келгансиз, қизимда нима ишингиз бор?

Майкл шошмасдан жавоб берди.

– Мен америкаликман. Бу жойларда полициямиздан яшириниб юрибман. Бориб айтишингиз мумкин, яхшигина пул тўлашади. Аммо айтиб қўяй, қизингиз отасидан жудо бўлади. Акс ҳолда эса куёвга чиқиб олиши мумкин. Нима бўлгандаям, сизнинг розилигингиз билан оила аъзоларингиз иштирокида қизингиз билан танишмоқчиман. Мен андишали, ҳалол одамман, заррача қизингизни бадном қиламан деган ниятим йўқ. У билан учрашиб гаплашиб кўраман – агар бир-биримизга ёқсак, қизингиз рози бўлса, тўй қиламиз. Агар рози бўлмаса, бу жойларда мени қайтиб кўрмайсиз.

Ошхона эгаси яна унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди: юзида чуқур чандиқ изи, оёқлари узун. Бунақалар яқин атрофда учрамайди. Милтиқларини кўз-кўз қилаётгандай кўтариб олган икки чўпонга кўз қири билан қараб қўйди. Ички бир ҳис-туйғу бу бегона одам билан яхшиси жанжаллашмаган маъқул, дерди. У ноилож:

– Якшанба куни кечга яқин келинг, – деб ғўлдиради. – Менинг исмим Вителли, ҳув анави қишлоқ орқасидаги тепалиқда яшайман. Сиз шу ерга келасиз, кейин биргаликда уйга чиқиб борамиз.

Энди соҳил бўйлаб қилинадиган сайрлар Майклни қизиқтирмай қўйганди. Шу ердаги гаражда уларни келган жойига етказиб қўядиган машина топилди. Кечкурун боғда ўтириб Майкл дон Томмазинога:

– Чўпонларингизга айтинг, якшанба куни менга қоровуллик қилмасдан, қўйларини боқишсин. Мен бир

қизниқига меҳмонга бораман. Чўпонларингизнинг у ерда ўралашиб юришининг кераги йўқ, – деди.

Дон Томмазино бош чайқади:

– Бекорларни айтибсан. Сен учун мен отанг олдида жавоб бераман. Яна бир гап. Сен ҳатто уйланмоқчи ҳам бўлаётганмишсан. Дон Корлеонега одам бориб, маслаҳатлашмагунча бунга рухсат беролмайман.

– Дон Томмазино, сиз отамни биласиз, – деди Майкл эҳтиёткорлик билан сўз танлаб, – ҳар ҳолда унинг олдида обрў-эътиборли одам турарди-да, – унга «йўқ» деб айтишса кар бўлиб қолади ва «хўп» демагунларича ҳеч нарсани эшитмайди.

«Йўқ» деган сўзни отам мендан жуда кўп эшитган. Қўриқчиларингизга-ку, хўп, майли дей. Агар сиз шу билан ўзингизни бежавотирроқ сезсангиз, майли. Лекин агар мен уйланмоқчи бўлган эканман – уйланаман. Шахсий ҳаётимга отамнинг аралашишига йўл қўймаганимдан кейин сизга йўл қўярмидим. Бу отамга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

Саро mafioso хўрсинди.

– Иложим қанча, майли, сен айтганча бўлсин. Бироқ бу ерда юз бераётган воқеалар ҳақида отанга хабар бераман. Бу менинг бурчим.

Якшанбагача Майкл автобусда Палермога бориб совға олиб келди. У қизнинг исми Аполлония эканлигини билиб олди. Ҳар куни қизнинг мафтункор чехрасини кўз олдига келтириб, жозибадор исмини такрор-такрор тилга олиб ухлаб қоларди. Қаердандир анча уринган, лекин яхши юрадиган «Альфа-ромео» машинасини топишди. Якшанба куни у бутун Сицилияда жаранглайдиган черков қўнғироқлари садолари остида қишлоқ майдончасига кириб борди ва ошхона олдида тўхтади. Орқа ўриндиқда милтиқлари билан ўтирган Кало ва Фабрициога Вителли панжарага суяниб турган айвонда уни кутишларини тайинлади. Бу сафар Вителли улар билан қўл бериб сўрашди.

Майкл машина ўриндигидан совға солинган уч тугунни олди ва ошхона эгасининг орқасидан тепаликка, унинг уйи томон кўтарила бошлади. У оддий қишлоқ кулбасидан кенгроқ эди – қашшоқлик Вителлилар оиласига ҳали чанг солиб улгурмаганди.

Эри сингари семиз, чаққон уй бекаси эгнида якшанба куни кийиладиган қора кўйлак билан уларни остонада кутиб олди. Ичкарида қора кийим кийиб, башанг бўлиб олган савлатли икки йигит – уларнинг ўғиллари кутиб олишди. Қиз хонада йўқ эди.

Майкл синьор ва синьора Вителлиларга олиб келган совғаларини топширди. Қизнинг отасига олтин портсигар, онасига Палермода сотиладиган бир ўрам энг яхши газлама совға қилди. Учинчи тугун қизга аталган эди. Майклга сиполик билан миннатдорчилик билдирдилар. Отаси кўполроқ қилиб эркакчасига деди:

– Бизни тўғри келган одамни биринчи учрашишдаёқ уйига таклиф қилишавараркан, деб ўйламанг. Сизга шахсан дон Томмазино ўзи кафолат берди. Саховатли бу одамга музофотимизда ҳамма ишонади. Лекин қизим ҳақидаги ниятларингиз жиддий бўлса, ҳар ҳолда сиз ҳақингизда кўпроқ нарсга билишимизга тўғри келади.

Майкл тавозе билан бош эгди.

– Хоҳлаган нарсангизнинг ҳаммасини хоҳлаган вақтингизда сўраб билишингиз мумкин, – деди у ва тўсатдан хонага қизнинг ўзи кирганлигини сезиб қолди – унинг димоғига янги очилган гулларнинг муаттар ҳиди келиб урилди.

У қайрилиб қаради. Қиз уйнинг иккинчи ярмига олиб кирадиган қуббали эшик остонасида турарди, лекин қоп-қора сочларида ҳам, қора кўйлаги ёқасида ҳам гул йўқ эди. У Майклга бирров қараб олди, билинар-билимас жилмайди ва онасининг ёнига бориб, ерга қараб ўтирди.

Иккинчи марта Майклнинг нафаси ичига тушиб кетди, юраги гурсиллаб ура бошлади. У ҳозир қизга қўлининг учини тегизишга журъат этган, уни бу ер-

дан олиб кетмоқчи бўлган ҳар қандай одамни бўғиб ўлдиришга тайёр эди. Қиз акасига қараб жилмайди. Майкл ўзи ҳам сезмаган ҳолда йигитга нафрат тўла кўзлари билан қаради. У қизга, унинг чўзинчоқ мафтункор чеҳрасига қаради, лекин исмини тилга олишга журъат этолмади.

– Яқинда сизни апельсинзор яқинида кўрдим. Аммо сиз дарров қочиб кетдингиз. Наҳотки, мен сизни кўрқитиб юборган бўлсам?

Қиз бир дақиқа бошини кўтариб, унга қаради. Йўқ, деган маънода бошини қимирлатди. Онаси кулиб, қизини туртди:

– Аполлония, бирор нарса десанг-чи, ахир бу бечора сени кўраман, деб узоқ йўл босиб келган.

Майкл қизга тугунни узатди. Қиз уни тиззасига қўйди.

– Тугунни оч, қизим, – деди отаси, лекин қизнинг бўғдойранг қўллари тек тураверди.

Онаси энгашиб, олтинранг қоғоз тугунни ечди, қипқизил барқут қутичани қандай очишни билмасдан қўлида айлантира бошлади. Тўсатдан қўли пружинага тегиб кетди ва қутича очилди.

Қутичада оғир тилла занжир бор эди. Аполлония совғага қўлини ҳам текизмади. Онаси тилла занжирни олиб, икки учидан ушлаб, қизининг бўйнига ўлчаб кўрди. Қиз қоп-қора оху кўзларини яна бирров Майклга тикди.

– Grazia.

Майкл биринчи марта қизнинг овозини эшитди.

Ниҳоят у ўрнидан турди; бошқалар ҳам туришди. Такаллуф билан хайрлашишди, кейин Вителли уни пастга, машина оддигача кузатиб тушди. Келгуси якшанба куни овқатланишга таклиф қилди. Майкл бир ҳафта чидаб туришга бардоши етмаслигини олдиндан билган ҳолда миннатдорчилик билдирди.

Эртаси куни у соқчиларсиз бир ўзи қишлоққа келди ва синьор Вителли унга ачиниб, хотини ва қизини пастга чақириб келишга одам юборгунга қадар ошхона айвонида у билан суҳбатлашиб ўтираверди. Иккинчи учрашув

анча кўнгилли ўтди. Аполлония ўзини эркинроқ тутар, унчалик тортинмас эди.

Учинчи куни яна шу ҳол такрорланди. Фарқи шунда бўлдики, Аполлония у совға қилган тилла занжирини тақиб олганди. Бу розилик аломати эканлигини тушунган Майкл жилмайиб қўйди. У қизда тепаликка, уйигача кузатиб қўйди. Улардан бир қадам ҳам қолмасдан орқада қизнинг онаси борарди. Аполлония тик қияликда қоқилиб кетди. Агар Майкл ушлаб қолмаганида йиқилиб тушарди. Майкл орқада қизнинг онаси қизининг қувлигидан яширинча кулаётганини кўргани йўқ – қизи тоғ эчкиси каби чаққон эди, тетапоя қилиб юра бошлагандан буён бу сўқмоқдан бирон марта ҳам қоқилмаган эди. Она ёш йигит то тўйга қадар қизига қўл текизишнинг бошқа йўлини топа олмаслигини билганидан куларди.

Икки ҳафта ана шундай ўтди. Майкл фақат қизга ёққанлиги туфайлигина эмас, шу билан бирга унинг бойлигидан қизни хабардор этишганлиги учун ҳам шошиларди. Яна ярим ойдан кейин, якшанба куни тўй бўлди. Оддий қишлоқча тўй бўлиб ўтди, қишлоқнинг ҳамма одамлари кўчага чиқиб, қариндош-уруғлари ва меҳмонлар ҳамроҳлигида черковдан қизнинг уйига қайтаётган ёшларнинг устига гуллар ташлашар, улар эса бунга жавобан оломон устига шакар аралаштириб қовурилган бодом сочишарди. Зиёфат тун ярмигача давом этди, лекин келин билан куёв зиёфатнинг тугашини кутмасдан «Альфа-ромео»га ўтиришиб, дўхтир Тазанинг Корлеоне яқинидаги вилласига жўнаб кетишди.

Майкл Корлеоне қадимий анъаналарга риоя қилинаётган жойларда оддий халқ қиз бола бокиралигини нима сабабдан бунчалик қадрлашига ўша тунда ва кейинги ҳафталарда тушунди. Бу хис-туйғулардан тўла завқ-шавқ олиш, унга ишонч ҳам, муҳаббат ҳам ҳамроҳ бўладиган, масъумлик иффат қобилигини ёриб чиқадиган, айни етилиб пишган пайтида шохдан узиб олинган меванинг ширинлигидан лаззатланадиган пайт эди.

Аполлония келгач, виладаги зерикарли эркаклар хаёти жонланиб кетди. Дон Томмазино энди ҳар куни тушликка келадиган, у ер-бу ерда қандайдир қип-қизил гуллар шодаси билан ўралган ҳайкалчалар оқариб кўриниб турган боғда вино тўла стаканни қўлига олган дўхтир Таза тўлқинланиб, эски воқеалардан айтиб берадиган бўлиб қолишди. Оқшомлар ана шундай ўтарди, тунлари эса Аполлониянинг эҳтироси Майклининг эҳтиросидан қолишмас, кўпинча дераза орқасида тонг оқара бошлаган пайтга бориб тин олишарди. Майкл пардани тортиб қўйиб, дераза токчасига ўтириб оларди-да, ухлаб ётган хотинининг яланғоч баданига узоқ тикиларди. Ухлаб ётганда унинг чехраси янада чиройли эди – илгари у бундай чехраларни фақат италян рассомларининг асарларидаги мадонналардагина кўрганди.

Тўйдан кейинги биринчи ҳафтадан сўнг келин-куёвлар ўзлари билан бирга егулик олишиб, сайрларга чиқишди ёки «Альфа-ромео» машинасида яқин жойларга саёхатлар қилишди. Лекин ажойиб кунларнинг бирида дон Томмазино Майклни бир четга чақириб, уйлангандан кейин унинг кимлиги ва қаердан келганлиги атрофдагиларнинг ҳаммасига маълум бўлиб қолганлиги, Корлеонелар оиласи душманларига эҳтиёткорлик чораларини кўриши зарурлиги, чунки уларнинг узун қўли бу ерга, узоқ овлоққа ҳам етиши мумкинлиги тўғрисида гапирди. Вилла атрофига қуроли соқчилар қўйишди, чўпонлар Кало ва Фабрициога уйда ва боғда туну кун соқчилик қилиш буюрилди. Шундан кейин Майкл хотини билан ҳеч ёққа бормади. У вақтни Аполлонияга инглизча ўқиш ва ёзишни, боғ ичида машина ҳайдашни ўргатиш билан ўтказадиган бўлди.

Бир куни эрталаб Майкл дон Томмазинони Палермога шошилишча чақириб кетишганини эшитди. Кечқурунга яқин у қайтиб келиб, яна Майклни бир четга чақирди. Америкадан хабар олинди, деди у. Бу хабарни Майклга айтиш ўта қийин, Сантино Корлеоне ўлдирилган эди.

## ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

Сицилиянинг эрталабки кўёши ётоқхонани лимон рангидаги нур билан чулғаган эди. Ипақдай майин аёл танасининг елкасига тегиб кетганидан уйғонган Майкл Аполлония устига энгашиб, уни уйғотди. Аполлония кўрпадан турди. Бир неча дақиқадан кейин Майкл унинг йўлак охиридан, ванна томондан келаётган яланг оёқ юришидан чиққан шипиллаган овозни эшитди. Майкл ҳамон ўрнида яланғоч танасини ёқимли кўёш нурига товлаб чўзилиб ётаркан, сигарета туташтирди. Бу вилада, бу уйда улар бугун охириги тонгни қаршилашди. Дон Томмазино уни бошқа жойга – Сицилиянинг жанубий соҳилидаги кичик бир шаҳарчага кўчираётганди. Бир ойлик ҳомиласи бор Аполлония бир-икки ҳафта ота-онасининг олдида туриб, кейин унинг олдига, янги бошпанага бормоқчи бўлди.

Бир кун аввал кечқурун Аполлония ухлагани кириб кетганидан кейин дон Томмазино Майкл билан боғда узоқ ўтирди. У ташвишли ва чарчаган кўринарди. Майклнинг хавфсизлигидан ташвишланаётганини айтди.

– Тўй туфайли отнинг қашқасидай ҳаммага танилиб қолдинг, – деди у. Қизиқ, нега отанг сенга бошқа бошпана топишни ўйламаганикин?

У чўпонлар Кало ва Фабрицио Майклни кўриқлаб машинада бирга боришларини, ўзи эса эрталаб кузатгани келолмаслигини, иш билан Палермога бориши зарурлигини, эрта тонгда жўнаб кетишини қўшиб қўйди. Бу ердан жўнаб кетганлигини дўхтир Тазага айтмаслик керак – бу фосиқ бугун вақтичоғлик қилиш учун Палермога боради, бирор жойда тасодифан оғзидан гуллаб қўйиши мумкин.

Дон Томмазино безовталаниб юрганини Майклнинг ўзи ҳам сезганди. Кейинги пайтларда дон қурол билан юрадиган, шахсий соқчисиз ҳеч жойга бормайдиган бўлиб қолди...

Эрталабки куёш аямай куйдира бошлади. Майкл сигарета қолдиғини ўчириб, жомакор иштон-қўйлагини кийди. Сицилияда эркаларнинг кўпчилиги кийиб юрадиган кепкасини бошига қўндирди. Яланг оёқ ётоқхона деразаси олдига келиб, ташқарига қаради. Пастда тўқима стулга ястаниб олган Фабрицио қалин қора сочларини эринчоқлик билан тараб ўтирарди. Майкл хуштак чалди. Фабрицио бошини кўтарди.

– Машинани келтир, – деди унга Майкл. – Беш дақиқадан кейин жўнаймиз. Кало қани?

Фабрицио ўрнидан турди. Қўйлагининг тугмаси солинмаганидан кўкрагига чизилган расмнинг кўк-қизил чизиқлари кўзга ташланди.

– Ошхонада қаҳва ичяпти, – деб жавоб берди у. – Рафиқангиз ҳам сиз билан бирга кетадими?

Майкл кўзларини қисди. Нима учундир Фабрицио кейинги пайтларда Аполлониядан кўзини узмайдиган бўлиб қолди. Дони дўстининг хотинига кўз олайтиришга журъат этолмайди, Сицилияда бундай ишни жонидан тўйган одамгина қилиши мумкин. Аммо ҳар ҳолда... Майкл совуқ жавоб берди.

– Йўқ, у бир-икки ҳафтага отасиникида қолади. – У Фабрицио «Альфа-ромео» машинаси учун гараж вазифасини ўтаётган тош қоровулхона томон шошилиб юрганини кўрди. Кейин ювингани кириб кетди. Аполлония кўринмасди, унга нонушта тайёрлаш учун ошхонага тушган бўлса керак. Бироқ у ошхонада ҳам йўқ эди.

Кало кирди.

– Машина тайёр. Жомадонларни олиб чиқаверайми?

– Йўқ, ўзим олиб чиқаман, – деди Майкл. – Аполла қани?

Калонинг совуқ юзида табассум пайдо бўлди.

– Машинада, рудда ўтирибди. Американи тушида ҳам кўрмаган-у, худди америкалик аёлларга ўхшаб қолди.

Сицилиялик деҳқон аёлнинг автомашина рулига ўтириши ақл бовар қилмайдиган гап эди.



– Бор, Фабрициони чақир ва мени машинада кутинглар...

У ошхонадан чиқди ва зинапоядан югуриб юқорига кўтарилди. Кечкурун тайёрлаб қўйилган жомадон ётоқхонада турарди. Уни кўтаришдан олдин Майкл яна деразадан қаради. Машинани олиб чиқишганди. Лекин у ошхона олдида эмас, пешайвон олдида, катта дарвоза ёнида турарди. Аполлония худди машинага чиқиб ўйнаётган ёш қизчадай рулга қўлини қўйиб ўтирарди. Кало орқа ўриндикқа йўлда тамадди қилиш учун озиқ-овқат солинган кажавани қўйди. Шу пайт Майкл сўнгги дақиқада аллақандай нарса эсига тушган одамдай шошиб дарвоза орқасига ўтиб кетаётган Фабрициони кўриб қолди. Нега шуни олдинроқ ўйламадийкин, лаънати? Фабрицио елкаси оша ўғринча қайрилиб қаради. Бу чўпонни сал тартибга чақириб қўйиш керак, шекилли.

У жомадонни ошхона эшиги олдида кўтариб чиқди, эрталабки иссиққа қўшилиб лимон ҳидларининг муаттар хиди унинг димоғига келиб урилди. Аполлония унга қўл силкитди. Майкл машинани Аполлониянинг ўзи эшик ёнига олиб келмоқчи бўлаётганини, ундан турган жойидан жилмасликни илтимос қилаётганини тушунди. Оралик ўн қадамча эди. Калта милтиғини қўлига ушлаб олган Кало машина ёнида оғзининг таноби қочиб турарди. Фабрицио ҳамон йўқ эди. Шу дақиқада Майклнинг миясида биров эътибор бермайдиган майда-чуйдалардан ярқ этган фикр туғилди.

– Шошма! – бақирди у Аполлонияга. – Тўхта!

Унинг овози кучли портлаш овозига қўшилиб йўқ бўлиб кетди: Аполлония машинани ўт олдирган эди. Ошхона эшиги парча-парча бўлди. Майклни аллақандай бир куч уйнинг деворига олиб бориб урди. Устига томдан тупроқ тўкилди, бошига тош тушди. Хушидан кетаркан, у «Альфа-ромео»дан тўртта ғилдирак ва ғилдирак ўқларидан бошқа ҳеч нарса қолмаганини кўрди.

У хушига келган хона қоронғи эди. Кимларнингдир бўғиқ овози эшитиларди, лекин у сўзларни бир-биридан

фарқлай олмасди. Майкл ўзига келганини сездирмасликка уринди. Бироқ овозлар тинди, каравоти олдида ўтирган одам унга энгашаркан:

– Хайрият, ўзига келди, – деди.

Чироқ ёнди, нурдан унинг кўзи қамашди. Майкл ўтирилиб олди. Чўяндай оғир боши зирқираб оғрирди. Каравот тепасидаги оқ доғ аста-секин тиниқлашиб, дўхтир Таза қиёфаси тусини олди.

– Қани, зудлик билан бир кўриб қўя-чи, кейин чироқни ўчирамиз, – деди секин дўхтир. У фонарча билан Майклнинг кўзини ёритди. – Хўш, жойида, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. – У қаддини тиклади-да, кимгадир муурожаат қилиб:

– Гаплашишингиз мумкин, – деди. Каравот ёндаги стулда дон Томмазино ўтирарди. Майкл уни энди аниқ кўрди.

– Майкл, Майкл, менинг гапимни эшитяпсанми? Сендан икки оғиз гап сўрасам бўладими?

Энг осони унга қўл кўтариш билан жавоб бериш эди. Майкл шундай қилди.

– Машинани гараждан ким олиб чиққанди, Фабрицциоми? – деб сўради дон Томмазино.

Майкл ўзи ҳам ҳис этмаган ҳолда саволга совуқ жилмайиш билан бош қимирлатиб жавоб берди. Дон Томмазино давом этди.

– Фабриццио ғойиб бўлди. Қулоқ сол, Майкл. Сен бир ҳафта беҳуш ётдинг. Тушуняпсанми? Ҳамма сени ўлди, деб ўйлаяпти, хавф-хатар четлаб ўтди, энди сени ҳеч ким таъқиб этмайди. Отангга хабар бердим, ундан кўрсатма келди. Сен Америкага қайтасан, бунга оз қолди. Ҳозирча шу ердан жилмай турасан. Тоғда бир хужрам бор, у ерда сени ҳеч ким тополмайди. Сенинг ўлганинг тўғрисида миш-миш тарқалгандан кейин Палермодаги душманларим менга сулҳ таклиф қилишди. Демак, бошиданоқ уларга мен эмас, сен керак бўлгансан. Улар шунчаки чалғитиш учун ҳийла-найранг ишлатиб, аслида қотилликка тайёргарлик кўришган экан. Буни эсдан

чиқарма. Бошқасини эса менга қўйиб бер, ҳеч нарсани ўйлама. Аста-секин соғаявер.

Энди Майкл ҳамма нарсани эслади. У хотини тирик қолмаганлигини, Кало тирик эмаслигини биларди. Зўрға лабларини қимирлатди.

– Фабриццио. Чўпонларга айтиб қўйинг, кимки менга Фабрицциони ушлаб берса, Сицилиядаги энг яхши яйловларга эга бўлади.

Тоға-жиян бир-бири билан кўз уриштириб олишди. Дўхтир Таза каравотга яқин келди ва ўйчан:

– Оғайни, энди сен бевасан. Сицилияда бу кам уч-райдиган ҳодиса, – дея гўё уни юпатмоқчи бўлди.

Майкл дон Томмазинони имлаб яқинроқ чақирди. Дон каравот ёнига ўтириб, унга энгашди.

– Отамга айтинг, мени уйга қайтариб олиб кетсин, – деди Майкл. – Айтинг, унга чинакам ўғил бўлмоқчиман.

Лекин Майкл бутунлай соғайиб кетгунча яна икки ой, сўнгра эса хужжатларни тўғрилаб, у ўтадиган йўллارни аниқлагунча яна икки ой ўтди. Шундан кейин уни Палермодан самолётда Римга, Римдан эса Нью-Йоркка жўнатиб юборишди. Бу вақт ичида Фабриццио топилмади.

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ

### ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Кей Адамс дорилфунунни тугатгандан кейин қадрдон Нью-Гемпшир шаҳарчасидаги бошланғич мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келди. Майкл ғойиб бўлгандан кейин дастлабки ярим йил мобайнида, у ҳар ҳафтада Майклнинг онасига қўнғироқ қилиб, суриштириб турди. Миссис Корлеоне унга доим хушмуомалалик билан жавоб қайтарар ва доим суҳбатини шундай сўзлар билан яқунларди:

– Сен яхши қизсан, жудаям яхшисан. Энди Майклни эсингдан чиқар, ўзингга яхши куёв топ.

Кей бу дангал гапдан хафа бўлмас, аксинча, Майклнинг онаси яхшилик қилаётганини тушунарди.

Мактабда таътил кунлари бошланганда у Нью-Йоркка боришга, бирор яхши кўйлак сотиб олишга, дорилфунунда бирга ўқиган дугоналари билан учрашишга аҳд қилди. Эрталабки поезд билан жўнаб кетди ва соат учларда ўзи тушадиган меҳмонхонага етиб борди. Йўлда чарчаб келганлиги учун магазинларга боргиси келмади. Лекин хонада ёлғиз ўтириш ҳам зерикарли эди. Майкл иккаласи меҳмонхоналардан бирида бир-икки кун бирга бўладиган кунлар одат тусига кириб қолган пайтлар эсига тушаверди. Ана шу хотиралар уни гўшакни кўтариб, Лонг-Бичга қўнғироқ қилишга ундади.

Италянча талаффуз аниқ сезилиб турадиган таниш овоз ким қўнғироқ қилаётганлигини сўради. Ноқулай вазиятга тушган Кей секин ўзини тутиб олди.

– Миссис Корлеоне, бу мен, агар эсингизда бўлса Кей Адамсман, – деди. – Майклдан бирор хабар борми, деб сўрамоқчийдим. Унинг аҳволи қалай?

Гўшак бир оз жимиб қолди. Кейин дадил, аниқравшан овоз эшитилди.

– Майкл уйда. Нима, у сенга қўнғироқ қилмадимми? У билан учрашганинг йўқми?

Кейнинг ичида алланарса узилиб кетгандай бўлди, томоғига бир нарса тикилиб, ўзини қаттиқ ҳақоратлангандай ҳис қилди. У ҳатто ўзига ҳам нотаниш бўлган овоз билан сўради.

– Қўпдан бери уйдами?

– Ярим йил бўлди.

– Шунақами, – деди Кей. – Тушунарли.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарса тушунарли эди. Майклнинг онаси ўғли учун унинг сариқ чақачалик қадри йўқ экан, деб ўйлашидан қаттиқ хижолат бўлди. Бу хижолатпазлик бирдан нафратга айланди. Наҳотки уйланмасликка қарор қилган тақдирда ҳам, унинг тақдири ҳеч бўлмаганда дўст сифатида Кейни бефарқ қолдирмаслигини тушунмаса? У имконияти борича ўзини тутиб гапиришга ҳаракат қилди.

– Ҳаммаси тушунарли, катта раҳмат. Майкл уйдалигидан, соғ-саломатлигидан беҳад хурсанд бўлдим. Шунга билмоқчи эдим, холос. Сизни бошқа безовта қилмайман.

Миссис Корлеоне шошилиб, гўё Кейнинг гапларини эшитмагандай:

– Майклни кўрмоқчи бўлсанг, бизникига кел, – деди. – Унга кутилмаган совға бўлади. Таксига ўтириб кел. Мен дарвоза олдидаги соқчиларга айтиб қўяман, такси пулини тўлашади. Таксичига ҳисоблагич кўрсатганидан икки баравар кўп тўлайман, деб айт. Акс ҳолда улар бундай узоқ жойга келишмайди.

– Боролмайман, миссис Корлеоне, – деди совуққина Кей. – Агар Майкл мени кўргиси келганда эди, аллақачон қўнғироқ қилган бўларди. Танишлигимиз давом этишини хоҳламаса керак.

Миссис Корлеоне овозидаги бетоқатлик кучайди.

– Жуда ёқимтой қизсан, оёқларинг ҳам чиройли, лекин ақлинг калтароқ экан, – у пичинг билан пиқиллаб кулди. – Сен Майклинг олдига эмас, менинг олдимга келасан. Сенга айтадиган гапим бор. Дарров етиб кел. Таксига пул тўлама. Кутаман. – Миссис Корлеоне гўшакни илиб қўйди.

Кей қайта қўнғироқ қилиб, боролмаслигини айтиб қўйиши мумкин эди. Бироқ у Майкл билан учрашиши, гаплашиши керак эди. Бу эски танишларнинг дўстона учрашуви бўлса ҳам майли. Майкл уйда бўлса, ҳеч кимдан яширинмасдан юрган бўлса, демак, одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган ўша воқеа яхшилик билан тутабди. Майкл аввалгидай бемалол яшай бошлабди. Кей шошиб ўрнидан турди-да, учрашувга тайёрлана бошлади. Аслида Майкл олти ой мобайнида бирон марта ҳам қўнғироқ қилмаганидан кейин ясан-тусаннинг ҳеч қанақа зарурати йўқ эди.

Бир соатдан кейин у Лонг-Бич шаҳри яқинидаги парк зонасига етиб келди. Бу ерда кўп нарсалар ўзгариб кетганди. Уларнинг атрофи чўян тўсиқлар билан ўраб олинганди. Кириш йўли чўян дарвоза билан тўсилганди. Оқ

пиджак ва қизил кўйлак кийган киши дарвозани очди, машина ойнасидан бошини суқиб ҳисоблагичга қаради ва таксичига пул узатди. Таксичи мамнун бўлиб, томоқ кириб кўйди.

Эшикни миссис Корлеоне очди. У Кейга бошдан-оёқ тикилиб, кўз югуртириб чиқди-да, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб хулоса чиқарди.

– Чиройлисан, менинг ўғилларим аҳмоқ. – У Кейни бир вақтлардагидек кўлидан тортиб уйга етаклади, овқат тайёр қилиб кўйилган, қаҳва биқиллаб қайнаётган ошхонага олиб кирди.

– Ўтир, Майкл тез орада келиб қолади.

Миссис Корлеоненинг ўзи ўтириб, Кейни зўрлаб меҳмон қиларкан, туриш-турмуши ҳақида ипидан-игнасигача қизиқиб, сўрай бошлади. Ҳаяжонланган Кей саволларнинг баъзи бирларигагина жавоб бера олди, холос.

У деразадан Майклни кўриб қолди. Уй олдига машина келиб тўхтади, ундан икки киши тушди. Кейин Майкл тушди. Ошхонага ён томони билан турган Майкл эркаклардан бирига нимадир деди. Ёноғининг пастроқ қисмида чандиқ бўлиб, худди ёш бола ўйнаб ўтириб целлулоид кўғирчоғининг ёноғини пучайтириб кўйганга ўхшарди. Шуниси таажжубланарли эдики, Кейнинг назарида бу мутлақо Майклнинг хусни тароватини камсита олмасди, аксинча, шу дақиқадаёқ унинг кўзлари ёшга тўлди.

У эшик очилганини эшитди. Ошхонага кирадиган йўлакда Майклнинг оёқ товушлари эшитилди. Хонага кирган Майкл Кейни кўрди. Дастлабки дақиқада у тош қотгандай туриб қолди, кейин сезилар-сезилмас жилмайди, чап томонидаги чандиқ унинг кулишига халақит берарди. Оддийгина «Салом, мана учрашдик ҳам» деган жумлани юзлаб марта такрорлаган Кей ўрнидан ирғиб туриб, кўз ёшларидан ҳўл бўлган юзини Майклнинг кўкрагига босиб, бўйнига осилди. Майкл унинг ёноғидан ўпди, ўзини босиб олгунча кутиб турди, кейин елкасидан

кучоқлаб, уйдан машина ёнига етаклаб чиқди. Шахсий соқчини қолдириб, машина билан дарвозадан ташқарига чиқишди. Кей унинг ёнида ўтираркан, рўмолчаси билан юзидаги бўялиб кетган пардозларини артарди.

– Мен бундай қилмоқчи эмасдим, ўзимни тутолмай қолдим, – деди у. – Сенинг бунчалик ногирон бўлиб қолганингни менга ҳеч ким айтмаганди.

Майкл кулиб чандиғини силаб қўйди.

– Мана буни айтяпсанми? Арзимаган нарса. Энди уйдаман, даволатишим керак.

– Тушундим. Анча вақтгача улар жим боришди... – Нима бўлди, полициячини ким ўлдиргани аниқландими? Сен шунинг учун қайтиб келгандирсан-да, а?

Майкл дарров жавоб бермади.

– Ҳа, аниқлашди. Наҳотки ўқимаган бўлсанг? Ҳамма Нью-Йорк газеталарида ёзишди.

Демак, ҳар ҳолда у қотил эмас! Кей хурсанд бўлиб кетди.

– Агар ўқиганимда онанга олдинроқ қўнғироқ қилган бўлардим. – У бирдан тутилиб қолди. – Кулгили, лекин ҳар гал у билан гаплашганимдан кейин сен қотиллик қилганингга деярли ишонгим келарди.

– Эҳтимол, дастлаб онамнинг ўзи ҳам ишонгандир.

– Наҳотки? Ўзингнинг онанг-а?

Майкл маъноли кулиб қўйди.

– Оналар полициячиларга ўхшайди. Доим ёмон нарсага ишонишади.

Нью-Йоркда машинани гаражга қўйди. Гараж эгаси билан эски кадрдонлардек сўрашди. Улар бурчакдан ўтишгач, Майкл чўнтагидан калит олиб, бир пайтлар ҳашаматли бўлган, лекин шу ердаги бошқа ўз ҳолига ташлаб қўйилган биноларга ўхшаш эски уйнинг эшигини очди. Унинг ичи тозалиги, чиройли қилиб безатилганлиги билан Кейни ҳайратда қолдирди. Майкл зинапоядан кўтарилиб, Кейни кенг ошхона билан туташ катта, ёруғ хонага олиб кирди. Иккинчи ёпиқ эшик ётоқхонага олиб кирса керак. Майкл бурчакдаги жавончадан бир шиша

ичкилик олди. Ўзига ҳам, Кейга ҳам қуйиб аралаштирди. Иккаласи диванда жим ўтиришди.

– Бу ёққа нима дейсан, – Майкл имлаб ёпиқ эшикни кўрсатди. – Кирамизми?

Кей жилмайиб, ичкиликдан ҳўплади.

– Майли.

Кей учун ҳамма нарса аввалгидай эди. Орадан уч йил ўтиб кетди, лекин Майкл билан бирга кўрпада ётишдан табиийроқ ҳеч нарса йўқдай эди унга. Гўёки Майкл ҳеч қаяққа кетиб қолмагандай эди.

– Менга хат ёзишинг, ишонишинг мумкин эди, – деди Кей Майклга маҳкам ёпишиб. – Мен Янги Англияда омерта жорий қилган бўлардим. Билсанг, янкилар ҳам сир сақлашни жуда яхши билишади.

Майкл қоронғилиқда секин кулиб қўйди.

– Ўша воқеалардан кейин мени кутишинг хаёлимга ҳам келмаган эди.

– Анави иккаласини сен ўлдирганингга мутлақо ишонмадим, – деди Кей тез-тез гапириб. – Баъзида онанг билан гаплашиб ўтириб, шубҳага борардим. Лекин қалбим тубида ишонмасдим. Сени жуда яхши биламан.

Кей унинг хўрсинганини эшитди.

– Уларни мен ўлдирганманми ёки бошқасими – бунинг аҳамияти йўқ. Сен бунақа нарсаларга кўникишинг керак.

Кей бу гапнинг оҳангидан бирмунча шошиб қолди.

– Нима бўлганда ҳам менга очиғини айт, уларни сен ўлдирганмисан ёки бошқаларми?

Майкл ёстикқа суяниб ўтириб олди. Қоронғилиқда гутурт чақилди, у сигарета туташтирди.

– Менга турмушга чиқ. Ёки бунинг учун аввал саволларинга жавоб беришим керакми?

– Менга барибир, сени севаман, менга уларнинг аҳамияти йўқ, – деди Кей. – Лекин сен менга ҳақиқатни айтишдан кўрқяпсан, демак, севмайсан. Ҳатто уйга қайтиб келганингдан кейин ҳам қўнғироқ қилганинг йўқ.

– Биласанми, – энди Майклнинг овозида паришонлик бор эди, – қайтиб келганимдан кейин, яна ота-онамни,



Коннини, Томни кўришимни ўйлаб, унчалик севинганим йўқ. Албатта, уйга қайтиш яхши эди, лекин аслида унча хурсанд бўлмадим. Аммо бутун ошхонамизда сени кўриб, юрак-юракдан қувониб кетдим. Нима деб ўйлайсан, бу севгимикин?

– Ҳар ҳолда шунга яқинроқ бир нарса бўлса керак.

– Йўқ, мен жиддий сўраяпман. Менга турмушга чиқ хўпми? Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида эса сенга ҳеч нарса айта олмайман. Ҳозир мен отамнинг ишини қиляпман. Мени отамга ворис қилиб тайёрлашяпти. Биласан, оиламиз зайтун мойи келтириб сотиш билан шуғулланади. Бироқ оиламизнинг ҳам, отамнинг ҳам душманлари йўқ эмас. Шундай бўлгач, ёш пайтингдаёқ бева қолишинг ҳам мумкин. Яна бир гап. Ишим ҳақида кечқурунлари сен билан гаплашмайман. Сен менга ўртоқ эмас, хотин бўласан. Ҳа, фақат хотин бўласан. Чунки ҳамма нарсани мен билан тенг баҳам кўрадиган ўртоқ бўлолмайсан.

Кей тирсақларига суяниб кўтарилди.

– Сен бошқача қилиб айтганда менга гангстерман демоқчисанда-а, шунақами? – деди Кей бепарво. – Сендан ҳеч нарсани сўрамасам, ҳеч нарса ҳақида ўйламасам... Бу қанақа ҳаёт бўлади? Болалар, уй ишлари – шуми? Агар бирор воқеа содир бўлса-чи? Ахир бу ишнинг охири қамоқ билан туташи мумкин-ку!

– Йўқ, қамоқ билан эмас, ўлим билан туташи мумкин.

Кей узоқ жим қолди.

– Ҳар ҳолда, шунча вақтдан бери қўнғироқ қилиш хаёлингга келмасдан нега менга уйланмоқчисан?

– Бўпти, – деди Майкл, – саволингга бир марта жавоб бераман. Сен мен суяниб қолган, мен учун қадрдон бўлган ягона одамсан. Қўнғироқ қилмаганимнинг сабаби, яна такрорлайман, бўлиб ўтган воқеадан кейин ҳам мени унутмаганлигингни тасаввур қилолмаганлигимда. Бошқа ҳеч ким, ҳатто отанг ҳам билмаслиги шарти билан баъзи бир нарсаларни айтишим мумкин. Агар ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлса, бирор беш йилдан кейин Корлеонелар оиласи бутунлай очиқ ҳолатда иш олиб

боришга ўтади. Бу маълум даражада куч-ғайрат талаб қилади – худди шу масалада сенинг бева қолишининг хавф-хатари кўпроқ бўлади. Менга турмушга чиқишининг сўраётганимнинг сабабига келсак, сен менга кераксан. Оилали, бола-чақали бўладиган вақтим ҳам келди. Бундан ташқари мен отамнинг таъсири остида яшаганимдек, болаларим менинг таъсирим остида яшашларини хоҳламайман. Майли, сенинг таъсиринг остида яшасин. Майли, риекорлик нималигини билмайдиган чинакам америкаликлар бўлиб ўсишсин. Врач, ўқитувчи, бастакор бўлиб етишишсин. Мен уларни оилавий бизнес замбараги ўқи ёмғири остида қолдирмайман. Ҳар қандай вазиятда ҳам улар ўсиб вояга етгунларича бу ишларни ташлайман. Сен билан овлоқроқ жойга, табиат бағрига кўчиб кетамиз, маҳаллий клублардан бирига аъзо бўлиб кирамиз, бундай ҳаётнинг нимаси ёмон? Содда ва жўн турмуш. Хўш, бунақа истиқбол сенга ёқадими?

– Ғоят ажойиб истиқбол, – Кей бошини чайқади. – Лекин ҳаётингдаги асосий мақсадинг нимадан иборат эканлиги тўғрисида ҳатто хотинингга ҳам гапиришни хоҳламасанг, уйланишнинг нима кераги борлигига тушунолмаяпман. Ишонмайдиган хотин билан қандай яшаш мумкин? Отанг онангга ишонади, биламан.

– Тўғри, – деди Майкл. – Лекин бу отам онамга ҳамма нарсани айтаверади деган маънони билдирмайди.

– Ўша жойда, улар билан бирга яшаймизми?

Майкл бош ирғади.

– Бунинг ёмон жойи йўқ. Уйимиз алоҳида, турмушимиз алоҳида бўлади. Ота-онамнинг бошқалар турмушига аралашадиган одатлари йўқ. Аммо ҳозирча, ҳамма нарса ўрнига тушгунга қадар мен парк зонасида яшаб туришим керак.

– Чунки бошқа жойда яшаш сен учун хавфли, – деди Кей. Танишганларидан буён Кей биринчи марта Майклнинг ғазаб тўла вазоҳатини кўрди.

– Отам ҳақида, Корлеонелар оиласи ҳақидаги тасавурларинг нотўғри. Киноларда кўрган, газеталар-

да ўқиган ҳар хил бўлмағур нарсалар билан каллангни тўлдириб олибсан. Сўнги марта тушунтираман, қулоғингга қуйиб ол, сўнги марта. Менинг отам хотини, бола-чақалари ва бошига тушганда ёрдамини аямайдиган дўстларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладиган одам. У қонун-қоидаларга риоя қилмай яшайди, чунки биз яшаётган жамиятнинг қонун-қоидалари отамга ўхшаган қудратли, исёнкор одамларни номақбул турмуш кечиришга мажбур қилади. У бошқалар томонидан ўрнатилган, ҳар қадамда уни мағлубиятга дучор қиладиган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшашдан воз кечади. Унинг пировард мақсади барибир шу жамиятга аъзо бўлиб киришдир. Лекин ўзига яраша куч-қудрат билан киришдир, чунки ҳимояси йўқ одамни жамият ҳимоя қила олмайди. Ҳозирча эса у қонунлаштирилган одоб-ахлоқдан анча юқори бўлган одоб-ахлоқ ҳақидаги ўзининг шахсий тушунчаларига амал қилиб яшайпти.

Бу гаплардан ҳайратга тушган Кей қоронғилиқда унинг юзига тикилишга ҳаракат қилди.

– Ахир бу вахшийлик-ку! Агар ҳар бир одам шундай фикр юритадиган бўлса, нима бўлади? Жамият вайрон бўлади, ғорда яшаган даврларимизга қайтамиз-ку! Майкл, сен ўзинг бунга ишонасанми?

Майкл жилмайди.

– Мен отамнинг дунёқарашини баён қилдим.

– Ҳўш, сен-чи, сен ўзинг нима дейсан? – секин сўради Кей.

Майкл елка қисди.

– Мен сенга, иккаламиз қурадиган оилага ишонаман. Мен ҳам жамият бизни ҳимоя қилишига ишонмайман. Шунинг учун ҳам асосий мақсадим, турли хийла-найранглар билан сайловларда кўп овоз олишдан иборат бўлган одамларга тақдиримни ишониб топширмоқчи эмасман. Бугунги кунда ҳар ҳолда вазият ана шундай. Лекин отамга ўхшаганларнинг даври ўтди. Хоҳдаймизми, хоҳламаймизми, Корлеонелар оиласи жамиятни тан олишга ва бу жамият таркиби-

га киришга мажбур. Аммо, мен айтганимдек, шахсий куч-қудратининг асосий қисмини, яъни бошқача қилиб айтганда пул ва бойликларини сақлаган ҳолда кириши керак, ўз улшларини бўлиштириб олгунларига қадар мен фарзандларимни имкони борича пухтароқ ҳимоя қилмоқчиман.

– Менга қара, сен шу мамлакатни ҳимоя қилиш учун кўнгилли бўлиб жангга кирдинг, фронт қатнашчисан, қаҳрамонсан-ку, – деди Кей. – Бунақа ўй-фикрлар сенда қаёқдан пайдо бўлди?

– Эҳтимол, мен ҳам сенинг Янги Англиянг ўғлонлари сингари туб ўзгаришлар тарафдоридирман. Ўзимни шахсан ўзим ҳимоя қилишни афзал кўраман. Агар жиддийроқ ўйлаб кўрсанг, ҳукумат ўз халқи ҳақида жудаям ғамхўрлик қилаётгани йўқ. Лекин ҳозир масаланинг моҳияти бунда эмас. Фақат бир нарсани айтишим мумкин – ҳозир мен отамга ёрдам беришга мажбурман. Сен мен томонда бўласанми, йўқми –ўзинг ҳал қил.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Меҳмонхонанинг шинам хонаси деразасидан бу жойларга хос бўлмаган инсон қўли билан яратилган чиройли манзара: танасини тўқ сариқ тусда ёниб турган лампочкалар шодаси ўраган пальмалар, икки катта ҳовузнинг кўм-кўк сатҳи, саҳро устида жилваланиб турган йирик-йирик юлдузлар кўзга ташланарди. Лас-Вегас охири уфққа туташиб кетган тепаликлар ва тош қояларга бориб тақаладиган чегарада неон чироқлари нурларига чулғаниб ётарди. Жонни Фонтейн қўлини олди ва сержило жигарранг дераза пардаси оғир қатлари ёзилиб ёйилиб тушди. У дераза ёнидан нари кетди.

Нино Валенти қўлида виски тўла стакан билан кушеткада ёнбошлаб ётиб, қиморхонадаги одамлар қарта ўйнайдиган тақасимон столни йиғиштиришаётганини, юмшоқ стулларни ташқарига олиб чиқишаётганини томоша қиларди.

– Жонни, у ёққа қара, – деди у зўрға тили айланиб. – Мен билан шерик бўлиб, анави лаънатиларга қарши ўйнамасдан бекор қилдинг, афсус. Омадим чопганини кўрдингми?

Жонни кушетка қаршисида турган ўтирғичга ўтирди.

– Биласан-ку, мен қимор ўйнамайман. Ўзинг қалайсан, тузукмисан?

– Зўрман, – Нино кинояли кулимсиради. – Ярим кечага бориб қизлар кела бошлашади, овқатланамиз. Тасаввур қила оласанми, беш бўлак ютиб олдим.

– Ҳа, тўғри, – деди Жонни. – Қизиқ, сендан кейин буларнинг ҳаммаси кимга қоларкин?

Нино бир сипқоришда стаканни бўшатди.

– Сен, Жонни, тунд, фосиқ одамсан, битта яхши томонинг шуки, ажойиб йигитсан. Кўнгилхушлик қилишни ҳам ўрганиб қўйсанг ёмон бўлмайди.

Нино Валенти икки соатдан бери қимор ўйнаётганди. Бу энди таъсирини кўрсата бошлади. У жунжика бошлади. Унинг одатини яхши билган қиморхонадаги икки йигит ушлаб қолмаганда, гурсиллаб йиқилган бўларди. Уни қўшни хонага олиб чиқишди. Учинчи йигит стол олдида қолди.

– Бунақа ҳол тез-тез бўлиб турадимми? – сўради Жонни.

Йигит елка қисди.

– Бугун одатдагидан эртароқ ўйиндан чиқди.

– Дарҳол врач топинглар, – буюрди Жонни Фонтейн, – керак бўлса қиморхонани остин-устин қилиб ташланг, лекин врач топиб келинг.

Ўн беш дақиқалардан кейин хонага Жул Сегал кириб келди. У ҳамон врачга хос салобатга эга бўлмаганлиги Жоннига ёқмади. Дўхтирлар кўтариб юрадиган қора жомадончаси унинг қўлида ғайритабиий бир нарсага ўхшарди. Жул Нино ётган хонага кирди.

– Нима бўпти унга? – сўради Жонни.

Жул тез, чаққон ҳаракатлар билан Нинони текшириб чиқди – юрак уришини эшитди, томирини ушлаб кўрди, қон босимини ўлчади. Кейин жомадончасидан шиприц олди, Нинонинг билагига эҳтиёткорлик билан игна санчди. Унинг доқадай оппоқ юзига жон кириб, ёноқлари қизара бошлади.

– Арзимаган нарса, – жавоб берди Жул. – Бу ерда биринчи марта йиқилиб тушганда уни касалхонага юборгандим. У ерда яхшилаб текшириб кўришганди. Диабет. Енгил шакли – дори-дармон қилса, парҳез тутса, юз йил яшаса бўлади. Дўстингиз эса бунга мутлақо риоя қилмаяпти. Устига-устақ, тинимсиз ичяпти. Жигари деярли ишдан чиққан, навбат мияга келяпти. Ҳозир нима бўлганлигига келсак, бу енгил беҳушлик ҳолати. Маслаҳатим шуки, касалхонага ётқизиш керак. Руҳий беморлар касалхонасига. – У девор ёнидаги бар олдига келиб, ўзига ичкилик қуйди.

– Жиннихонага? Сиз, нима, бизни масхара қиляпсизми? – деди Жонни. Шу пайт эшик тақиллаб қолди.

У бориб очди. Остонада Люси Манчини турарди.

– Жонни! – Манчини уни ўтди. – Беҳад хурсандман.

– Ҳа, анчадан бери кўришмадик. – Люси анча тўлишган, қадди-қомати келишган, дид билан кийинишни ўрганиб олган, сочини чиройли қилиб олдирган, аввалги Манчинига мутлақо ўхшамасди. Жонни унга шуларни айтмоқчи эди, шу пайт каравотдан:

– Йигитлар, қиттак-қиттак қилмаймизми? – деган овоз эшитилди.

Нино каравот устидаги кўрпада ўтирарди. Таажжубланадиган жойи шундаки, энди у тупша-тузук бўлиб қолганди. У бармоқларини қисирлатди.

– Нега қараб турибсан, Жонни? Ҳали вақт эрта. Томоғим тақиллаб кетяпти. Афсус, столни олиб кетиб қолишди-да!

Жул стакандаги ичкиликдан катта бир ҳўплади.

– Сизга ичиш мумкин эмас. Дўхтир рухсат бермайди.

Нино қошларини чимирди.

– Тупурдим ўша дўхтирларига. Қани қуй, Жонни, бўлмаса ўзим тураман.

Жонни елка қисиб, бар томон юрди. Жул бепарволик билан:

– Мен мумкин эмас, дедим, – деди.

Жонни қўлида стакан билан каравот олдида тўхтади.

– Бир стакан ичса ўлиб қолмас, ахир?

– Йўқ, бир стакан ичса, ўлмайди, – деди у хотиржамлик билан. Нино стаканни қўлига олиб бир кўтаришда бўшатди. Жонни унга қулиб қараб қўйди. Дўхтир рухсат бермасмиш, шу ҳам гап бўлди-ю. Тошини терсин. Шу пайт Нинонинг нафаси ичига тушиб, юзлари кўкариб кетди. Сувдан чиқариб ташланган балиқдай оғзи билан ютоқиб нафас ола бошлади. Қадди икки букилиб, кўзлари косачасидан чиқиб кетай деб қолди. Жул орқадан келиб, бир қўли билан уни суяди-да, иккинчи қўли билан нақ бўйнининг ёнига, елкасига игна санчди. Нино Жулнинг қўлида шалвираб, жим бўлиб қолди. Бир дақиқадан кейин ёстиққа сирғалиб тушди-да, ухлаб қолди.

Жонни, Люси ва Жул аста қўшни хонага чиқишди. Қаҳва ичиладиган столга келиб ўтиришди.

– Бир қултум виски шунақа таъсир кўрсатишини билганмидингиз? – сўради Жонни.

Жул елка қисди.

– Умуман шундай бўлишини кутса бўларди.

– Жин урсин, нега унда мени огоҳлантириб қўймадингиз?

– Сизни огоҳлантирдим.

– Бунақа огоҳлантиришмайди, – деди совуққонлик билан Фонтейн.

Жул пинагини бузмай жилмайди.

– Хўш, қандай қилиб огоҳлантиришади? Голливуддаги врачларга ўхшаб огоҳлантиришадими? Бунақа шифокорлар қаёқдан пайдо бўлишаркин, ҳайронман. Уларнинг ё қиладиган бошқа иши йўқ, ё ҳеч балого ақли

етмайди. Наҳотки, Нинонинг аҳволини тушунишмаса, билишмаса? Бир кун яшайдими, ҳисоб, деб унга ҳар хил нарсаларни беришаверади. Яшайдими, ўладими – уларга барибир. Менда эса, ўзингиз кўрдингиз, кичкина бир қизиқиш бор. Тўғри, кечириб бўлмайдиган қизиқиш. Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қиламан. Сиз Нинога бир қултум виски беришингизга қаршилик қилмадим. Чунки Нино билан ҳар кунни, ҳар соатда юз бериши мумкин бўлган воқеани сизга кўрсатиб қўймоқчи бўлдим. – Жул олдинга энгашиб, ўша бепарво овоз билан давом этди. – Дўстингиздан деярли умид йўқ. Буни тушунасизми? Тўғри, мен уни жиннихонага ётқизиш керак дедим. Чунки мажбурий тарзда даволанмаса, тартибга қатъий риоя қилмаса, тамом деяверинг. Сиз ё дўстингизни руҳий беморлар касалхонасига ётқизасиз ва ҳаётини сақлаб қоласиз ёки бўлмаса у билан видолашавишингиз мумкин.

Жул ўрнидан турди. Жонни Фонтейн уни одатдаги совуққонлик тарк этганини кўриб, мамнун бўлди.

– Бу гапларни ҳозиргига ўхшаш вазиятда биринчи марта айтяпти, деб ўйлайсизми? Бу гапларни одамларга ҳар кунни айтаман. «Кўп овқат еманг – ўласиз, кўп чекманг, кўп ичманг, кўп ишламанг – ўласиз» дейман. Ҳеч ким кулоқ солмайди. Биласизми, нега? Чунки мен «эртага» деб қўшиб қўяман. Шунақа, сизга ишонч билан айтишим мумкинки, Нинонинг эртага ўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Қанча-қанча маслаҳат бердим, биттасига ҳам риоя қилмади, ҳаммасини беэътибор қолдиришди.

– Мен беэътибор қолдирганим йўқ, – деди Жонни. – Ўйлаб кўряпман. Уларнинг жим бўлиб қолганидан фойдаланган Люси суҳбатни бошқа мавзуга бурди.

– Жонни, сен Вегасда нима қилиб юрибсан? Дам оляпсанми ёки бирор иш билан келдингми?

Жонни бош чайқади.

– Нима учундир Майкл Корлеонега керак бўлиб қолибман. Мени кўрмоқчи эмиш. Том Хейген иккаласи



бугун учиб келишади. Том сен билан ҳам учрашишларини айтди. Нима гаплигидан хабаринг йўқми?

– Эртага кечкурун ҳаммамиз, шу жумладан, Фредди ҳам, бирга овқатланишимизни биламан. Менимча, уларнинг ташрифи меҳмонхона билан боғлиқ бўлса керак. Кейинги пайтларда, гарчи ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, қиморхонадан тушадиган даромад камайиб кетди. Дон эҳтимол Майкл бунинг сабабини текшириб кўришини истагандир.

– Майкл жағини операция қилдирганмиши?

Люси кулди.

– Кей кўндирган бўлса керак. Уни пластик операция қилишганда Корлеонелар оиласи Жулни маслаҳатчи ва кузатувчи сифатида таклиф этганди.

Жул ўйланиб деди:

– Қизиқ, у ҳеч кимга ишонмасди. Менинг вазифам ҳамма иш тўғри бўлаётганлигига хушёр бўлиб қараб туришдан иборат, деб огоҳлантиришди. Бўлмаса, унчалик мураккаб бўлмаган, ўртача ҳар қандай хирургнинг кўлидан келадиган операция эди.

Ётоқхона томондан овоз эшитилди. Нино яна уйғонганди. Жонни унинг ёнига бориб ўтирди. Люси ва Жул каравотнинг оёқ томонига ўтиришди. Нино бемажол кулимсиради.

– Хўш, аслида мен кимнинг бошини қотирыпман. Аҳволим чатоқ, биродарлар... Эсингдами, Жонни, бир йил олдин Пальм-Спрингсда бўлганимиз? Биз билан яна икки қиз ҳам бор эди. Қасам ичиб айтаманки, ўшанда ҳасад қилмаганман. Аксинча, хурсанд бўлганман. Менга ишонасанми, Жонни?

Жонни уни тинчлантириб деди:

– Албатта, ишонаман-да, қизиқмисан.

Жул Нинони яна бир марта текшириб кўрди.

– Тунда касалга қараб турадиган ҳамшира жўнатаман. Бир-икки кун ётишига тўғри келади. Жиддий айт-япман.

Нино унга қараб кўзини қисди.

– Хўп, айтганингизни сўзсиз бажо қиламиз, фақат ҳамширанинг жудаям чиройлисини жўнатманг.

Жул телефонда ҳамшира чақиргандан сўнг Люси билан бирга кетди. Жонни ҳамширани кутди. Нино қаттиқ азобланган қиёфада яна ҳушидан кетгандай бўлди. Жонни унинг каравоти ёнида ўтираркан, дўстининг гапи ҳақида ўйларди. Нино унга ҳасад қилишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Бундан бир йил илгари Жонни Фонтейн ўзи бошчилик қилаётган кинокомпаниясининг юмшоқ амал курсисида ўтириб, қийин кунларни бошидан кечираётганди. У ҳаётида бунақа қийинчиликларга дуч келмаганди. Агар ўзи бош ролда, Нино етакчи ролда ўйнаган биринчи картинаси катта муваффақият билан намоёйиш қилинаётганлигини ва беҳад катта даромад келтираётганлигини айтсак, бу қийинчилик ғайритабиийдек туюларди. Ҳамма нарса кўнгилдагидай эди. Картинага энг кам маблағ сарфлашга эришилди. Фильмни яратишда иштирок этган ҳар бир одам катта пул олиши аниқ бўлиб қолганди. Жек Вольц қисқа вақт ичида ўн ёш қариб кетди. Яна иккита картина суратга олинди. Уларнинг бирида бош ролни Жонни, иккинчисида эса Нино ўйнамоқда. Нино кино учун муҳим бир топилма бўлди – ҳеч нарсадан қайтмайдиган, бир оз дилбар йигит чиқиб қолди. Чўқинтирган ота банк орқали даромаднинг тегишли қисмини мунтазам олиб турар, бу Жоннини беҳад хурсанд қиларди. У Чўқинтирган отанинг умидларини оқлаган, уни хижолат қилиб қўймаганди. Шундай экан, уни қийнаётган нарса нима бўлдикин?

Жонни нима қийнаётганини яхши биларди. Унинг томоғи, танглайи ва бурни қичишарди. Фақат кўшиқ айтётган пайтдагина тоқат қилиб бўлмайдиган қичитқи бир оз тўхтарди, у бўлса ҳеч бўлмаганда битта кўшиқ айтишга ҳам қўрқарди. Овоз пайчаларидаги сўгални олиб ташлагандан кейин у Жул Сегалга кўнғироқ қилиб, қачон кўшиқ айтиб ўзини синаб кўрса бўлишини сўради. Жул

хоҳлаган пайтда, ҳатто ҳозир ҳам қўшиқ айтиш мумкинлигини айтди. Жонни у айтгандай қилди – овози хириллаб, жуда хунук чиқди. Шундан кейин эртаси куни томоғи оғриб қолди, лекин операцияга қадар бўлганидан бошқачароқ, ундан ёмонроқ оғриди. Томоғини нимадир тирнар, куйдирарди. Шундан бери у қўрқиб қолди.

Қўшиқ айтолмайдиган бўлса, бошқа нарсаларнинг унга нима кераги бор? Яшашдан мақсад – эстрадада қўшиқ айтиш эди. Бу унинг учун бутунги кундаги энг эзгу орзу эди. Буни Жонни фақат ҳозир тушуна бошлади. Ўтган йиллар мобайнида у энг зўр қўшиқчи бўлиб етишганди. Мана энди бутунга келиб, буларнинг ҳаммаси сариқ чақачалик фойдаси йўқ беҳуда нарсалар бўлиб турибди.

Ҳафтанинг охири, жума куни эди. У гўшакни олиб, Нинонинг рақамларини терди. У шанба ва якшанба кунларини Пальм-Спрингсда бирга ўтказиш тўғрисида келишиб олди. Унга икки таниш қизнинг телефонларини берди. Пальм-Спрингсдаги уйда Жонни бундай учрашувлар учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўярди.

Жуда ёш, ҳали учига чиққан товламачиларга айла-ниб улгурмаган қизлар билан кўнгилахушлик қилишнинг гашти бошқача бўлади. Баъзи бир танишлар ҳам келишиб, кечкурунги овқатгача ҳовуз бўйида каттагина давра бўлиб ўтиришди. Кечки овқатдан олдин Нино қизлардан бирини олиб, хонасига кириб кетди. Иккинчи Тина исмли малларанг соч қиз ювиниб олиш учун душхонага кириб кетди. Жонни рояль турган ойнаванд хонага кирди. Рояль чалиб эски қўшиқларидан бирини аста куйлай бошлади.

Дастлабки ноталар бўғиқроқ, лекин тоза чиқди. Жонни ўтирилиб қаради. Тина ҳали чиқмаганди. Ойнаванд эшик ёпиқ, унинг қўшиқ айтаётганини эшитадиган одам йўқ эди. Нима учундир Жонни қўшиқ айтаётганини бошқалар эшитишини хоҳламасди. У яна қўшиқ бошлади – бу сафар ўзи яхши кўрадиган қадимий балладани куйлади. Бошланишиданоқ худди томошабинлар олдида

тургандай, томоғи тирналиб, қичишиб, ачишганини ҳис эта бошлайдиган пайтғни кутиб, овозини баралла қўйиб юборди. Лекин томоғи ачишмади ҳам, қичишмади ҳам. У ўзи куйлаб, ўзи тинглай бошлади. Овозининг жаранги ўзиникига ўхшамас, лекин ўзига ёқадиган эди. Овозим пастроқ, жаранглироқ, теранроқ бўлиб қолибди, деб ўйлади у. У овозини сал пасайтириб, қўшиқни охиригача куйлаб тугатди ва ўйланиб ўтириб қолди.

Орқадан Нинонинг овози эшитилди:

– Ёмон эмас, дўстим, мутлақо ёмон эмас.

Жонни ўтирган айлангич стулида кескин бурилди. Нино эшик олдида турар, қизлар эса йўқ эди. Жоннининг кўнгли ўрнига тушди. Нинонинг йўриғи бошқа, у эшитса бўлаверади.

– Нима деб ўйлагандинг, – деди у. – Менга қара, қизларга жавоб бериб уйига жўнатвормайсанми?

– Ўзинг жўнатвор, – деди Нино. – Ёқимтой нарсалар экан. Нега уларни хафа қилишим керак.

Э садқаи сар, ўйлади Жонни, қолишса қолишавермайдим, кимга ҳам халақит беришарди.

Кечки овқатдан кейин у ишга киришди. Нинонинг қўлига мандолина бериб ўтқазиб қўйди, қизларга аппаратурани қандай қилиб ишлатишни, қандай қилиб овоз ёзишни ўргатди. Кейин куйлай бошлади. У билган қўшиқларининг ҳаммасини бирин-кетин куйлади. Томоғи мутлақо оғримади. Жонни ўзини тинимсиз қўшиқ айта оладигандай ҳис этди. Қўшиқ айтолмай юрган кезларида у хаёлан бу қўшиқларни бир неча бор ижро этган, ҳар бир сўзни тингловчига аниқроқ, таъсирчанроқ қилиб етказиш устида кўп ўйлаганди. Мана, ўша кунга етиб келди, орзуси рўёбга чиқди. Қўшиқ айта бошладим, овозим юришиб кетди, ўйлади у. Овози жарангдор эшитиляптими, йўқми текшириб ўтирмади, энди у бутун диққат-эътиборини ижрога қаратди. Бир оз куйга тушолмади. Зарари йўқ, ҳали кўникмаганлигидан. Ички сезгиси уни ҳеч қачон алдамаган, бир оз машқ қилса, ҳаммаси изига тушиб кетади.

Ниҳоят Жонни қўшиқни тутатди. Тина кўзлари чарақлаб унинг олдига келди-да, қаттиқ ўпиб олди.

– Ойим сен иштирок этган фильмларнинг биронтасини ҳам қолдирмасдан кўришининг сабабини энди тушундим.

Бошқа пайтда бундай мақтовлар одатдаги ҳол ҳисобланарди. Ҳозир Жонни билан Нино хурсанд бўлиб, кулиб қўйишди.

Ёзиб олинган овозни эшитгани қўйишди. Энди Жонни ўзига ўзи одилона баҳо бера оларди. Овози ўзгарган, қаттиқ ўзгарганди, лекин бу ҳар ҳолда ўша Жонни Фонтейннинг овози эди. Бу овозга нозик ранг, ўзига хос пардоз қўшилганди. Агар қўшиқ айтиш техникаси, овозни бошқариш санъатига келсак, у илгари ҳеч қачон кўтарилмаган юксакликка кўтарилганди. Орада шунча танаффус бўлишига ҳамда мутлақо тайёргарлик кўрмаганлигига қарамасдан, юксак маҳоратга эришганди. Ҳали олдинда уни қанақа шон-шуҳратлар кутяптийки. Қаддини ростлаб жилмаяркан, Нинога ўтирилиб:

– Ростдан ҳам овозим яхшими ёки менга шундай туюляптими? – деб сўради.

Нино унинг қувонч порлаб турган юзига ўйчан қараб:

– Яхши деганинг нимаси, зўр, – деди. – Лекин шоншмай тур, кўрайлик-чи, эртага қандай бўларкин?

Жонни кимдир устига совуқ сув қуйиб юборгандай сесканиб кетди.

– Вой, итвачча-эй, – деди у хафа бўлиб. – Эртанинг ташвишини емай қўяқол. – Бироқ ўша оқшом бошқа куйламади.

Эрталаб у ташвишланиб, кечқурун бўлган ишларнинг ҳаммасини тушида кўргандай ваҳима билан уйғонди. Устида пижамаси билан рояль олдига келди. Овозини чиқармасдан куйлаб кўрди. Яхши, томоғи тирналмади ҳам, оғримади ҳам. У қаттиқроқ куйлай бошлади. Овози майин, эркин жаранглай бошлади, қўшиқни зўриқмасдан куйлади. Жонни ташвишли кунлар орқада қолганини, янги ҳаёт бошланаётганини тушунди. Энди продюсер

сифатида инқирозга учраса ҳам майли, энди бунинг аҳамияти йўқ. Шу пайт у фақат бир нарсадан, овози қайта чиққанида ёнида қизчалари йўқлигидан, улар учун куйламаганидан афсусланди. Эсиз, қандай соз бўларди.

Хонага дори-дармонлар солинган аравагани судраб ҳамшира кирди. Жонни ўрнидан туриб ухлаётган – яна ким билади, балки ўлаётгандир – Нинога юқоридан қаради. Йўқ, Нино оғайнисининг овози қайтадан тикланганига ҳавас қилгани йўқ. У бошқа нарсага, дўсти бундан бахтиёрлигига, қўшиқ унинг ҳаёти эканлигига ҳавас қилганини тушуниб қолди. Чунки Нино Валенти учун мақсад қилиб яшайдиган бундан муҳимроқ нарсанинг ўзи қолмаганди.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Майкл Корлеоне кечкурун кеч учиб келди. Аввал айтиб қўйилганидай аэропортда уни ҳеч ким кутиб олмади. Бор-йўғи икки киши – Том Хейген ва Альберт Нери исмли янги шахсий соқчи кузатиб келди, холос.

Меҳмонхонада Майклга ва у билан бирга келганларга энг нуфузли меҳмонларга мўлжалланган ҳашаматли хоналар ажратилди. Қабулхонада Майкл учрашадиган одамлар кутиб туришарди.

Фредди Корлеоне укасини бағрига босиб кўришди. Фредди семириб кетган, кўнгилчан бўлиб қолган эди, олифта, дадил кўринарди. Бутунлай бошқа одам бўлиб қолганди, тўрт йил илгари Нью-Йоркдан жўнатиб юборилган, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган бепарво, лоқайд Фреддига мутлақо ўхшамасди.

У сал тисарилиб Майклга меҳр билан бошдан-оёқ қаради.

– Кўринишинг зўр, жароҳатингдан из ҳам қолмабди. Кей қалай? Биз томонларга қачон келади?

Майкл жилмайди.

– Кўз тегмасин, сен ҳам ёмон эмассан, ўзгариб кетибсан. Кей келарди-ю, лекин эрта-индин кўз ёради, кейин

кичкинамизга қарайдиган одам йўқ. Устига-устак, Фредди, мен бу ерга иш билан келдим, эртага кечкурун, кечи билан индинга эрталаб қайтиб кетишим керак.

– Хўп, майли, юр, аввал тамадди қилиб олайлик. Меҳмонхонанинг бош ошпази машхур ошпазлардан, тайёрлаган таомидан тотиб кўрсанг, бир умр таъми оғзингда қолади. Бор, душга тушиб, кийиниб чиқ, унғача дастурхон ёздириб тураман. Чақирган одамларингнинг ҳаммаси қатор бўлиб, кутиб туришибди. Тайёр бўлишинг билан ишора қилиб кўйсанг бас, бирин-кетин киришаверади.

– Моу Гринни кейинроққа қолдирайлик, майлими? – деди Майкл мулойимлик билан. – Овқатга Жонни Фонтейн билан Нинони чақир. Люси ҳам анави жазмани – врач йигит билан келсин. Бир йўла гаплашиб ҳам оламиз.

Тун ярмидан ўтганда ҳашаматли хонада овқатланишга ўтиришди. Овқатланиб бўлишгунча Майкл ҳамманинг диққат-эътиборида бўлди. Унинг қилиқлари, гапириш одатлари донга ўхшаши яққол кўзга ташланиб турарди. Хейгеннинг одатдагидай бор-йўқлиги билинмасди. Янги шахсий соқчи Альберт Нерини эса ҳеч ким танимасди, у ҳам ўзини камтарона тутарди. Овқатлангиси йўқлигини айтиб, эшик ёнидаги креслода ўтириб олди-да, маҳаллий газетани ўқишга киришди.

Тез орада официантларга жавоб бериб юборишди. Майкл Жонни Фонтейнга қайрибди.

– Одамларнинг айтишларига қараганда аввалгидан ҳам зўрроқ кўшиқ айтаётганмишсан? Мухлисларинг ҳеч жойга сиғмаётганмиш. Табриклайман.

– Раҳмат. – Жонни Майкл нимага чақирганини илғаб олишга уринарди. Қанақа хизмат буюраркин?

Энди Майкл ҳаммага мурожаат қилиб давом этди:

– Корлеонелар оиласи янги ерга – Вегасга кўчиб келмоқчи. «Женко пура» савдо компаниясини сотиб, шу ерга кўчиб келади. Бу масалани дон мен ва Хейген билан муҳокама қилди ва Невадада оиланинг келажакда тараққий этиш истиқболлари бор, деган хулосага келдик. Бунга бугун ёки эртага эришамиз демоқчи эмасман.

Ҳамма ишга тайёргарлик кўриш, эпақага келтириш учун эҳтимол икки, уч, тўрт йил керак бўлар. Лекин шунақа режаларимиз бор. Бу меҳмонхона ва ишратхонада дўстларимизнинг катта улуши бор. Шундан келиб чиқиб иш тутамиз. Моу Грин ўз акцияси улушини бизга сотади, шундан кейин ҳамма иш оила одамлари қўлига ўтади.

Фредди Корлеоненинг лўппи юзларида ташвиш ифодаси пайдо бўлди.

– Майкл, бунга ишончинг комилми? Моу Грин бу ҳақда ҳеч нарса демаганди. У меҳмонхонани беҳад яхши кўради. Очиғини айтганда бунга рози бўлади, деб ўйламайман.

– Мен шундай бир нарса таклиф қиламанки, у рад этолмайди, – деди Майкл бепарво.

Бу Чўқинтирган отанинг яхши кўрган ибораси эди. Ҳар кун эшитиб юрган бўлишларига қарамасдан бу гапдан дастурхон атрофида ўтирганларнинг вужуди жимирлаб кетди. Майкл яна Жонни Фонтейнга ўтирилди:

– Дон дастлабига сени ёрдам беради, деб умид қиляпти. Мижозларни жалб этишнинг эстрададан яхши воситаси йўқ, деб айтишди. Сен билан йилига беш марта бу ерга келиб бир ҳафта мобайнида концерт қўйиб бериш юзасидан шартнома тузамиз. Кино оламидаги дўстларинг ҳам бу борада ёрдам берадилар, деб умид қиламиз. Сен уларнинг кўп ишини қилгансан. Энди уларга навбат келди.

– Бундан ташвишланмасанг ҳам бўлади, – деди Жонни. – Чўқинтирган ота учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Бу сенга яхши маълум, Майкл. – Унинг овозида шубҳа пайдо бўлди. – Лекин, биласанми, шундоққина ёнимизда яна ўнлаб меҳмонхона ва ишратхоналар қуриляпти. Сизлар тайёргарлик кўргунга қадар бошқалар бу ерни эгаллаб олишади – рақобатда бой бериш мумкин.

Том Хейген биринчи марта суҳбатга аралашди.

– Бу меҳмонхоналардан учтасининг қурилишини Корлеонелар оиласининг дўстлари маблағ билан таъминляпти.



Жонни у нимага ишора қилаётганлигини тушунди. Бу учта меҳмонхона қиморхоналари билан оилага тегишли дегани эди. Яқин кишиларига дамлаб қўйилган бу ошдан каттагина луқма тегиши мумкин.

– Яхши, – деди у. – Мен ишга киришаман. Майкл Люси ва Жул Сегалга қаради.

– Сизлардан қарздорман, – деди у Жулга. – Менга яна ҳалол одамларни сўйишни орзу қилаётганлигингизни, лекин ўша кўнгилсиз аборт воқеасидан кейин сизни касалхонада операция столига яқин йўлатишмаётганини айтишди. Шахсан ўзингиздан эшитмоқчи эдим, чиндан ҳам орзу қиласизми?

Жул кулиб қўйди.

– Эҳтимол. Лекин сиз медицинадаги тартибни яхши билмайсиз. Қанчалик кучли бўлманг, бу медицинада иш бермайди. Бу соҳада ёрдам беролмасангиз керак, деб қўрқаман.

Майкл ўйчан бош қимирлатди.

– Тўғри айтасиз, сиз ҳақсиз. Аммо, биласизми, корчалонлар даврасида анча машҳур яхшигина танишларим Лас-Вегасда катта касалхона қуришмоқчи. Шаҳар тинимсиз ривожланиб кенгайиб боради, касалхона керак бўлади. Агар ақл билан иш тутиб, йўлини топсақ, балки сизга жарроҳлик хонасига рухсат беришар. Саҳрога кўп малакали хирургларни қизиқтириб келтириб бўлармиди? Касалхонага ёрдам кўрсатамиз. Шундай экан, олислаб кетмасдан, шу атрофда юриб туринг. Люси билан турмуш қурмоқчимизсизлар деб эшитдим?

Жул елка қисди.

– Агар келгусида ишларимиз юришиб кетса...

– Шунақа, Майк, агар касалхона қурмасанг, мен қари қиз бўлиб ўтаман, – деди Люси ғамгин. Ҳамма кулди.

Майкл яна бош қимирлатди.

– Келишдик. Касалхона қурилгунча сиз тўртта меҳмонхонада медицина хизматига бошчилик қиласиз. Хизматчилар тўпланг. Люси, сенга ҳам бирон-бир масъулиятлироқ иш топширмоқчиман. Масалан, рас-талардаги ҳамма совға дўконлари, бозорлари ишини

мувофиқлаштириш зарур. Ёки агар Жул сенга уйлан-маса, ҳеч бўлмаганда бадавлат қари қиз бўлиб қолишинг учун ишратхонага қизлар ёллаш билан шуғулланишинг мумкин.

Бу пайтда Фредди жаҳли чиқиб, бурқситиб сигарета тортарди. Майкл у томон қаради:

– Фредди, мен бор-йўғи доннинг вакилиман, холос, – деди юмшоқ қилиб. – Табиийки, сенга қанақа иш бермоқчилигини доннинг ўзи айтади. Қанақа ишлигини билмайман, лекин ишончим комилки, хурсанд бўласан. Бу ерда бошқарув ишларини моҳирлик билан олиб бо-раётганингни эшитиб турибмиз.

– Нега бўлмаса дон мендан хафа бўлади? – йиғлагудек бўлиб сўради Фредди.

– Қиморхонанинг даромади камайиб кетганлиги учунми? Мен бу масала билан шуғулланмайман. Бу ишга Моу Грин жавоб беради. Чолга яна нима керак?

– Сен буларни кўнглингда олма. – Майкл яна Жонни Фонтейнга қаради.

– Менга қара, Нино қани? У билан кўришмоқчийдим. Жонни бирдан ғамгин бўлиб қолди.

– Нинонинг бутунлай мазаси қочиб қолди. Хонада ётибди, олдида ҳамшира бор. Тасаввур қилиб кўргин-а, дўхтир уни жиннихонага ётқизиш керак, деяпти. У ўзини ўзи адо қилаётганмиш. Тасаввур қила оласанми? Нино! Пул ўзи оқиб келаверади, иш дегани бошдан ошиб-тошиб ётипти, хоҳласанг қўшиқ айт, хоҳласанг кинода ўйна. Битта картинадан эллик минг пул ишлаб олиш мумкин. Энди буларнинг ҳаммаси беҳуда. Шон-шуҳрат уни мутлақо қизиқтирмай қўйди. Ичкиликка муккасидан берилиб кетди, лаънати.

Жул бир нарса демоқчи эди, лекин шу пайт эшик тақиллаб қолди. Эшик олдидаги соқчи парво ҳам қилмаганлигини, газетасини ўқиб ўтираверганлигини кўриб, у таажжубланди. Эшикни Хейген очди. Шу пайт уни бир четга суриб, сал бўлмаса итариб ташлагудай

бўлиб, катта-катта қадам ташлаб хонага Моу Грин, унинг орқасидан икки шахсий соқчи кирди.

Ўтмиши шубҳали бўлган, Бруклинда ёлланма қотиллик қилган давангирдай Моу Грин биринчи бўлиб Лас-Вегаснинг келажagini кўра билган биринчилар қаторида бу ерда меҳмонхона, қиморхона қурган одам эди. Ҳозир ҳам жаҳли чиқиб турганда унинг қўлига тушиб қолиш хавфи эди – меҳмонхонада ҳамма ундан кўрқар ва ундан нарироқ юришга ҳаракат қиларди.

Ғазабланганидан ҳозир унинг чиройли қиёфаси кўкариб кетганди. У Майкл Корлеонега қараб:

– Қанча кутишим керак, Майк, – деди. – Эртага ишим бошимдан ошиб-тошиб ётипти. Шунинг учун хузуринга бугун киришга қарор қилдим. Хўш, гаплашиб оламизми?

Майкл Корлеоненинг юзида дўстона таажжубланиш пайдо бўлди.

– Мамнуният билан гаплашамиз. – У Хейгенга ишора қилди. – Мистер Гринга ичкиликдан қуй, Том.

Жул Альберт Нери Моу Гриндан кўз узмай диққат билан уни кузатаётганлигини сезиб қолди. Моу Грин шахсий соқчиларига қараб:

– Бу ердагиларнинг ҳаммасига соққа беринг, казино-мизни бориб кўришсин, – деди. – Мен меҳмон қиламан. – Бу гап Жулга, Люсига, Жонни Фонтейнга ва Майклнинг шахсий соқчиси Альберт Нерига тегишли эди.

Майкл Корлеоне бош ирғаб маъқулади.

– Яхши фикр.

Бир неча дақиқадан кейин хонада Фредди, Том Хейген, Моу Грин ва Майкл қолдилар.

Грин стаканни стол устига қўйиб, ғазабини зўрға босиб, гап бошлади.

– Корлеонелар менинг улушимни сотиб олармиш деган гаплар юрибди. Бу қанақаси бўлди? Сиз эмас, мен сизнинг улушингизни сотиб оламан.

Майкл оғир-босиқ жавоб берди:

– Мантиқан олиб қараганда қиморхонанг инқи-розга учрайди. Ишингда қандайдир чалкашлик бор. Эҳтимол, биз ишни тўғри ташкил этишга эришармиз.

Грин қўпол хахолаб кулди.

– Бу қанақаси бўлди, а, сицилиялик тасқаралар? Бошингизга оғир кун тушганда Фреддига бошпана бериб яхшилик қилгандим. Энди мени даврадан суриб чиқармоқчи бўляпсизларми? Бу сизларга ўнғай туюляпти, шекилли-да, а? Чиранманглар, чиқаролмайсизлар, ёрдамга келадиган дўстларим топилиб қолади.

Майкл ўша оғир-босиқлик билан:

– Корлеонелар оиласи сенга меҳмонхонани пардозлаш ишларига пул бергани учун ҳам Фреддига бошпана бердинг. Қиморхона очишингга ҳам катта пул берган. Соҳилдаги Молинарулар оиласи эса Фреддининг ва сенинг қиморхонангнинг хавфсизлигини таъминлаш билан банд бўлган. Бизнинг оиланинг сен билан ораси очик. Ҳайронман, нега норози бўляпсан. Биз сотиб оладиган улушинг учун оғзингга сиққанича пул тўлаймиз, бунинг нимаси ёмон? Бунинг нимаси адолатсизлик? Барибир қиморхонанг инқирозга учрайди. Биз сенга яхшилик қилмоқчимиз.

Грин бош чайқади.

– Менга қара, қўй бу гапларни, Корлеонелар оиласининг энди аввалгидай куч-қудрати йўқ. Чўқинтирган ота касал. Сизларни Беш оила Нью-Йорқдан суриб чиқармоқчи, шунинг учун бу ердан сердаромад жойни эгаллаб олиш фикрига тушиб қолгансизлар. Сенга маслаҳатим шуки, Майк, бу ишни хаёлингга ҳам келтирма.

– Шунинг учун ҳам сен одамлар ўртасида Фреддининг тишларини қоқиб қўлига берган экансан-да, а? Фредди Корлеоне қизариб кетди.

– Бас қил, Майк... Моу баъзида жаҳли чиққанда шунақа бўлиб қолади, аслида умуман муносабатларимиз ёмон эмас. Тўғримиз, Моу?

Грин дарҳол ҳушёр тортди.

– Ҳа, энди... бир-биримиз билан сал тортишиб қолгандик, ақл киргизиб қўйишга тўғри келди.

Майкл акасига қаради.

– Қалай, ақл кирдимми, Фредди?

Фредди қовоғини солиб, зимдан укасига қаради ва индамади. Моу Грин каби одамларга ўзини ҳақоратлашга йўл қўйиш Корлеонелар оиласини ҳақоратлаш билан баробар эди. Отаси Фреддини ёқтирмаслигининг сабаби тушунарли бўлиб қолди.

Майкл ўрнидан турди. Бу учрашув тамом деган маънони билдирарди.

– Эртага Нью-Йоркка қайтишим керак, улушингнинг баҳоси ҳақида ўйлаб кўриб айтарсан.

Грин бақириб гапирди:

– Сен, ифлос, мени осонгина қўлга оламан, деб ўйладингми? Нью-Йоркка бориб доннинг ўзи билан гаплашаман.

Фредди ташвишланиб, Том Хейгенга қаради.

– Том, сен ахир consigliereган-ку, дон билан гаплашиб кўр, унга тушунтир.

Шу пайт Майкл Корлеоненинг юзидан ниқоб кутарилиб, ҳақиқий қиёфаси кўрингандай бўлди.

– Дон қисман ишдан четлашди, – деди у. – Оилавий бизнесга асосан мен бошчилик қиламан. Томни эса мен consigliere лавозимидан бўшатдим. Энди у фақат ҳуқуқий масалалар билан шуғулланади. Икки ойдан кейин у оиласи билан кўчиб келади ва менинг Вегасдаги юридик маслаҳатчим бўлади, ишнинг юридик томонлари билан банд бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қанча гапингиз бўлса менга айтинг.

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Хейген келиб эшикни очди. Моу Грин ва Фредди билан хайрлашмасдан чиқишди.

Эрталаб Майкл Корлеонегга Моу Грин ўз акцияси улушини ҳеч қанақа пулга сотмаслигини айтишди. Бу хабарни Фредди айтди. Майкл елка қисди.

– Мен кетгунимча Нино билан учрашмоқчиман, – деди у акасига.

Нинонинг хонасида улар кушеткада ўтириб нонушта қилаётган Жонни Фонтейнга дуч келишди. Ётоқхонага

олиб кирадиган эшик пардаси очик эди. Врач Нинони кўраётганди. Ниҳоят парда орқасидан Жул Сегал чиқди.

Майкл Нинонинг кўринишидан ҳайратда қолди, унинг аҳволи ночорлигини бир қарашдаёқ билиш мумкин эди. У билан беш дақиқача у ёқ бу ёқдан гаплашгандан кейин Майкл кетишга тараддулланди.

– Донга айтадиган гапинг йўқми, Нино? У доим сени сўраб-суриштириб туради.

Нино бир дақиқа худди аввалги ҳолатига келиб, заҳарханда қилди.

– Мени ўляпти деб айтиб қўй. Яна шуни ҳам айтиб қўйки, шоу-бизнес хавfli нарса. Четдан зайтун мойи келтириб сотишдан хавfliроқ.

Фредди укасини ва унинг одамларини аэропортга етказиб қўйди. Том Хейген билан самолётга ўтираркан, Майкл шахсий соқчисига ўтирилди:

– Хўш, Аль, Моу Гринни суратга туширдингми?

Альберт Нери бармоғи билан пешанасини чертди.

– Суратни тайёрлаб, эртага чиқаётган сонга бервордим.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Нью-Йоркка учиб кетаётган самолёт креслосида ўтирган Майкл Корлеоне ҳордиқ чиқаришга, ухлашга ҳаракат қилди. Лекин ҳаракатлари зое кетди. Унинг ҳаётидаги энг қўрқинчли, балки ҳалокатга олиб борадиган кунлар яқинлашиб келарди. Бундай вақтлар келишини тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ эди. Ҳамма тайёргарлик ишлари тугалланган, ҳамма нарса кўзда тутилган, ҳамма эҳтиёткорлик чоралари кўрилганди. Бунга икки йил вақт сарфланди. Кечиктиришнинг фойдаси йўқ эди. Ўтган ҳафтада дон сароғегимеси ва оилавий жамоанинг бошқа аъзолари иштирокида расмий тарзда ишдан четлашаётганини эълон қилганди, отаси нима демоқчи бўлганлигини Майкл билган эди. Вақт етиб келган эди.

Майкл уйга қайтиб келганидан буён деярли уч йил, Кейга уйланганидан буён эса икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Оилавий ишларга киришишга уч йил тайёргарлик кўрди. У Том Хейген билан, дон билан узоқ-узоқ ўтириб суҳбатлашар, иш билан танишарди. Майкл Корлеонлар оиласи бойлигининг кўплигидан, куч-қудратининг катталигидан ҳайратга тушди. Оила Нью-Йорк марказида беҳисоб мол-мулкка – бутун бир кварталнинг ярмини эгаллаб ётган осмонўпар маъмурий биноларга эга эди. Уолл-Стритдаги икки брокерлик фирмасида бошқа кишилар воситачилигида пайчи сифатида иштирок этар, Лонг-Айленд банк корпорацияларида, тикувчилик фирмаларида акцияларга эга эди. Норасмий қиморхоналарнинг кенг тармоғи булардан мустасно эди.

Оиланинг корчалонлик операциялари тарихи билан танишаркан, Майкл Корлеоне ўзига хос қизиқ ихтирога дуч келди. Бир пайтлар, урушдан кейин тез орада оила қалбаки грампластинкалар тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланган фирибгарлар тўдасини ҳомийликка олиб, катта пул ишлаганди. Фирибгарлар машхур кўшиқчиларнинг пластинкаларидан нусха кўчиришар ва жуда усталик билан тайёрланган фирма қутичаларига солиб сотишарди. Улар бирон марта ҳам қўлга тушишмаганди. Табиийки, бундай грампластинкаларнинг сотилишидан бастакорларнинг ўзларига сариқ чақа ҳам тегмасди. Жонни Фонтейн бундай қаллобликлардан катта зарар кўрганини Майкл Корлеоне сезиб қолди. Чунки худди ўша пайтларда, у овоздан маҳрум бўлишидан сал олдин, Жоннининг пластинкаларига мухлислар орасида эҳтиёж катта эди.

Қандай қилиб дон бу фирибгарларга чўқинтирган ўғлини талон-торож қилишларига йўл қўйди экан? Майкл Том Хейгендан сўради. Том елка қисиш билан жавоб берди. Бизнес бизнес-да! Бу биринчиси. Иккинчиси, ёшлигидан бирга ўсган хотини билан ажрашиб, Марго Эштонга уйланиб олган Жоннининг қилмишидан дон қаттиқ ғазабда эди.

– Кейин нега бу қаллобликлар тўхтаб қолди? Фирибгарлар қўлга тушиб қолишдимми?

Хейген бош чайқади.

– Коннининг тўйидан кейин дон уларга ҳомийлик қилишдан воз кечди.

Майкл бунга ўхшаган схемага кейин ҳам бир неча бор – дон одамларни қисман ўзи дучор этган фалокатлардан қутқариб қолган ҳолларда дуч келди...

Кей уни кутиб олгани аэропортга чиқди. Майкл сафардан қайтганда у ҳар гал беҳад хурсанд бўлади. Майкл ҳам. Лекин у бу сафар хурсанд бўлмайди. Чунки бу галги сафарнинг хотимаси у уч йил мукамал тайёргарлик кўрган режанинг муқаддимаси бўлади. Уни дон кутади. Сароғегимелар кутадилар. Ва у, Майкл Корлеоне, ўзининг тақдири бутун оиланинг тақдири билан боғлиқ бўлган қарор қабул қилиши, кўрсатма бериши зарур бўлади.

Ҳар куни эрталаб боласини эмизгани турган Кей Адамс-Корлеоне қайнонасининг машинага ўтирганини ва шахсий соқчилардан бири уни қаёққадир олиб кетганини, бир соатдан кейин қайтариб олиб келганини кўради. Тез орада у ҳар куни эрталаб қайнонаси қаерга боришини билиб олди, черковга бораркан. Қайтиб келганда кўпинча қаҳва ичгани Кейнинг олдига кирар ва кенжа неварасини суйиб-эркаларди. Кунлардан бирида Кей қулай пайтни пойлаб, католикларнинг ҳар қандай вазиятда ҳар куни эрталаб черковга бориши шартми, деб сўраб қолди.

– Нега энди, шарт эмас. Баъзи бир католиклар Пасха ва Рождестводан бошқа пайтларда черковга оёқ босишмайди. Ҳар кимнинг хоҳиши.

Кей қудди.

– Ундай бўлса, нега сиз бир кун ҳам қолдирмай ҳар куни борасиз?

Она Корлеоне кундалик одатдаги нарса ҳақида гап бораётгандай хотиржам жавоб берди.



– Мен чолим мана бу ерга – у бармоғи билан полни кўрсатди – тушиб қолмасин, деб бораман. Ҳар куни унинг руҳи анави ерда – у тепани кўрсатди – бўлсин, деб дуо қиламан.

Бу гаплар қандайдир йўл билан эрининг хоҳиш-иродасига аниқ қарши бораётгандай қувлик, киноя билан, одатдагидай у йўқлигида гўё доннинг қудратини менсимаслик маъносида айтилди.

Бир оздан кейин энг чеккадаги уйдан лақиллашиб ўтириш учун икки боласини етаклаб Конни Корлеоне келиб қолди. Кей қайинсинглисини чаққонлиги, дадиллиги, акасига меҳрибонлиги учун яхши кўрарди. Бугун ҳам одатига кўра у Кейдан Майклнинг эри Карлога нисбатан муносабати қандайлигини сўраб билишга киришди.

Ҳар сафар Корлеонелар оиласининг Карлога муносабати юзасидан гап борганда, Конни қандайдир интиқлик билан эри ҳақида яхши гаплар айтилишини кутишини Кей анчадан бери сезиб юрарди. Карло Майклга ёқиш-ёқмаслигини Конни аллақандай ташвиш, деярли кўрқиш билан сўраб-суриштиришини Кей кўриб билиб турарди. Буни кўрмаслик учун кўр бўлиш керак эди. Кунлардан бирида кечқурун Кей шу ҳақда эри билан суҳбатлашаркан, нима учун оилада ҳеч ким – ҳар ҳолда Конни бор пайтида – Соннининг ҳатто исмини ҳам тилга олмаслигини тушунмаслигини сўради.

Майкл Сонни ўлдирилган куни кечқурун бўлиб ўтган воқеаларни, Карло хотинини калтаклаганини, у отасиникига қўнғироқ қилганини, гўшакни Сонни олганини, ғазабидан ўзини тутолмаган Сонни синглисини ҳимоя қилишга жўнаганини истаб-истамай айтиб берди. Шунинг учун ҳам табиийки, Конни ва Карлони оилада Соннининг ўлимида айбдор деб ўйлашмасмикин, деган савол ташвишлантириб келади. Лекин уларни ҳеч ким айбдор деб ҳисобламаслигини айтди. Уларнинг бу ерга, доннинг олдига кўчириб келтирилганлиги, Карлога касаба уюшмаси аппаратида муҳим лавозим ишониб топширилганлиги – бунинг далилидир. Оила

унинг ишидан ва кейинги икки йил мобайнида ўзини тутишидан хурсанд.

– Шундай экан, уларни бирор куни кечкурун меҳмонга чақириб, синглингни кўнглини тинчитиб қўймайсанми? Ахир у бечора қийналиб кетди, – деди Кей. – Ё сенинг гапларингни унга ўзим айтиб қўяйми?

Қизиқ, осонгина бу саволга у узоқ ўйланиб, кейин жавоб берди:

– Менимча кераги йўқ, Кей. Бу ёрдам бермаса керак. Қандай иш қилишинг, қандай гап айтишингдан қатъи назар, у барибир ташвишланаверади.

– Бироқ Соннини ўлдириб кетишгани учун сен уни, ҳақиқатан ҳам, айбдор деб ҳисоблайсанми?

Майкл оғир хўрсинди.

– Йўқ, албатта. У менинг синглим, ҳам яхши кўраман, ҳам унга ачинаман. Карло, гарчи кейинги вақтларда ўнгланиб қолган бўлса ҳам, унга лойиқ эр эмас. Кел, яхшиси бу ҳақда бошқа гаплашмайлик.

Майкл Лас-Вегасдан қайтиб келадиган куни Рокко Лампоне Кейни эрини кутиб олгани аэропортга олиб бориш учун қароргоҳ дарвозаси олдига лимузинини олиб келди.

Кей Том Хейген ва янги шахсий соқчиси Альберто Нери билан самолёт трапидан тушиб келаётган Майклни кўрди. Янги соқчи нимаси биландир Люка Бразига ўхшагани учун Кей уни ёқтирмасди. Соқчи одамлар орасида турган Кейни биринчи бўлиб кўриб қолди ва шу томонни кўрсатиб, Майклнинг елкасидан туртди.

Кей эрининг олдига югуриб борди, уни кучоқлаб олди. Майкл хотинини тезда ўпди-да, нари туртди. Майкл, Хейген ва Кей учаласи лимузинга ўтиришди. Нери ичида иккита одам бор бошқа машинага ўтирганини Кей сезмай қолди. Бу машина лимузинни Лонг-Бичгача, то дарвоза олдигача кузатиб борди.

Кей эридан ҳеч қачон сафар қандай ўтганлигини сўрамасди. Ҳатто сийқаси чиққан ана шундай савол ҳам

ман этилган соҳага тажовуз қилиш, турмушда хотинлар билиши шарт бўлмаган нарсалар борлигини эслатиш бўлиб туюларди. Кей ана шундай савол берганда ҳам хушмуомалалик билан дарҳол сийқаси чиққан жавоб оларди. Бу Кейни ташвишлантирмасди, у кўникиб қолганди. Лекин Майкл бутун оқшом отасининг олдида сафар ҳақида ҳисобот бериш билан банд бўлишини айтганда, у беихтиёр қошларини чимирди.

– Бутун энди маъзур тутасан, – кўшиб қўйди Майкл. – Аммо эртага бирга сайр қиламиз, кечкурун театрга борамиз. Нью-Йоркда овқатланамиз. – У хотинининг қорнига енгилгина уриб-уриб қўйди. Хотинининг етти ойлик ҳомиласи бор эди. – Акс ҳолда туққанингдан кейин яна уйда болага боғланиб қоласан. Худди ҳақиқий италян хотинларига ўхшайсан – икки йилда иккита бола. Яна янки эмиш.

Кей ҳам бўш келмади, дарҳол киноя билан жавоб берди.

– Сен эса америкалик корчалон эркаларнинг ўзисан. Сафардан келасан-у, дарҳол ишга шўнғиб кетасан. Яна италян эмиш. – У эрига қулиб қараб қўйди. – Унча кеч қолмасдан эртароқ қайтарсан?

– Ўн иккигача қайтмайман. Ётгинг келса, мени кутмай ухлайвер.

– Қутаман, – деди Кей.

Кечкурун дон Корлеоненинг уйида, бурчакдаги хонада доннинг ўзи, Майкл, Том Хейген, Карло Рицци ҳамда икки сароғегиме – Клеменца ва Тессио маслаҳатга тўпландилар. Бу кенгашдаги муҳит аввалги кунлардагига мутлақо ўхшамасди, илгариги, деярли қариндош-уруғлардай бирлик сезилмасди. Дон Корлеоне оила бошлиғи вазифасини қисман зиммасидан соқит қилишини ва бу вазифани Майклга топширишини эълон қилган кунда пайдо бўлган танглик ҳамон сезилиб турарди. Оилавий синдикатларда бошчиликнинг отадан ўғилга ўтишига ҳар доим ҳам риоя қилинавермасди. Бошқа ҳар қандай оилада Клеменца ва Тессио каби сароғегимеларнинг ўзи

доннинг ўрнини эгаллашга даъвогарлик қилиши ёки ҳеч бўлмаганда бўлиниб чиқиб, ўзининг оилавий синдикатини ташкил этишини талаб қилиши мумкин эди.

Дон Корлеоненинг ташаббуси асосида Беш оила билан тузилган тинчлик шартномасидан кейин оиланинг куч-қудратига бирмунча путур етгани ҳам таъсир қилди. Эндиликда Барзини Таттальялар билан биргаликда Нью-Йоркдаги энг қудратли оилага айланди. Улар илгари Корлеонелар эгаллаб турган мавқега кўтарилиб олган эдилар. Устига-устак улар Корлеонелар оиласини қадам-бақадам қиморхоналар жойлашган чегаралардан суриб чиқариб, оиланинг куч-қудратига аста-секин зарба беришни давом эттиришарди. Корлеонега қарашли чегарага ўзининг букмекерини жойлаштиришар, кейин кутиб туришар, деярли ҳеч қандай қаршилик бўлмаганини кўриб, иккинчисини жойлаштиришарди.

Дон Корлеоненинг ишдан четлашиши Барзини ва Таттальялар учун байрам эди. Майкл қобилиятини намойиш қиладиган пайтлар ҳам келади, лекин отасидай узоқни кўра билиш ва обрў-эътиборга эга бўлиши учун ҳали камида ўн йил бор. Корлеонелар оиласи тушқунлик кунларини бошидан кечираётганди. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди.

Оила қатор жиддий омадсизликларга учради. Фредди жуда зўр бўлганда меҳмонхона соҳиби бўлишга яраши маълум бўлиб қолди. Соннининг ўлими оила бошига тушган чинакам кулфат бўлди. Сонни ҳамма ҳисоблашадиган даҳшатли куч эди. Consigliori лавозимига ирландияликни ўтқазиб қўйиш дондек ақлли одам томонидан йўл қўйилган хато эди. Ирландиялик маккорликда, айёрликда сицилияликка тенглашиб бўпти... Бошқа оилалар тахминан шундай деб ўйлашадиган ва Корлеонеларга нисбатан Барзини-Татталья иттифоқини кўпроқ ҳурмат қиладиган бўлиб қолдилар. Майкл ҳақида эса ақл-идрок жиҳатидан Соннидан устун бўлса ҳам, лекин кучли шахс сифатида Соннига, ақл-идрок жиҳатидан отасига тенглаша олмайди, деган фикрда эдилар. Бир

сўз билан айтганда, уларнинг наздида Майкл ўртамиёна қобилиятли одам эди. Ундан хавфсирашга ҳеч қандай асос йўқ эди.

Бундан ташқари, ҳатто доннинг тинчликка эришишга ёрдам берган дипломатлик санъатига қойил қолса-да, Сонни учун ўч олмаганлиги одамларнинг унга нисбатан ҳурмат-эътиборини сусайтириб юборганди. Кўпчиликнинг эътироф этишига қараганда, ҳозирги вазиятда дипломатлик санъати ожизлик белгиси эди.

Буларнинг ҳаммаси дон Корлеоненинг бурчакдаги хонасида ўтирганларга маълум эди, улар орасида бундай фикр тарафдорлари ҳам йўқ эмасди. Карло Рицци Майклга нисбатан дўстона муносабатда бўлса-да, лекин унинг олдида бир пайтлар Соннининг олдида турганидай зириллаб турмасди. Клеменца ҳам Турк ва полиция капитани билан ўтказган операция учун Майклни ҳурмат қилса-да, қалбининг тубида Майклдан дон чиқмайди деб ҳисобларди. Клеменца Корлеоне оиласидан бўлиниб чиқиш ва ўзининг империясини тузиш имконияти берилади деб умид қиларди. Лекин дон унинг орзу-умидлари беҳуда эканлигига ишора қилиб ўтди ва Клеменца ҳурмат юзасидан вақти-соати келгунча унга тобе бўлиб туришга мажбур бўлди.

Тессо Майкл ҳақида яхшироқ фикрда эди. У Майклдаги пухта яширин кучни, нимага қодирлигини бошқалардан яшира олиш маҳоратини ҳис қиларди. Доннинг дўст яхши хислатларингни етарли баҳоламаганлиги, душман эса камчиликларингни ошириб сўзлагани яхши, деган маслаҳати эса тушарди.

Доннинг ўзи ва Том Хейген, албатта, Майклнинг чинакам қадр-қимматини яхши билишарди. Агар дон ўзининг Корлеонелар оиласининг аввалги шон-шухратини тиклай олиш қобилиятига ишонмаса, ҳеч қачон вазифасини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ўйламаган бўларди. Хейген эса унга беҳуда мураббийлик қилмаганди – Майкл оилавий иш сирларини жуда осон ўзлаштириб олаёт-

ганлигини кўриб, у ҳайрон қоларди. Майкл ҳақиқий ота ўғли эди.

Клеменца ва Тессио Майкл уларнинг regimesи сонини қисқартириб юборганидан ва Сонни regimesи ўрнига янғисини ташкил этишни лозим топмаганлигидан норози эдилар. Корлеонелар оиласи энди амалда бор-йўғи иккита, шунда ҳам заифлашган жанговар бирликка эга эди, холос. Сароregimелар, айниқса, Барзини ва Таттальялар уларнинг мулкига тажовуз қилаётганликларини ҳисобга олиб, бундай лоқайдликни ўзини ўзи ўлдириш деб ҳисоблардилар. Улар дон худди ана шу камчиликни баргараф этиш учун фавқулодда кенгаш чақирган, деб ўйлагандилар.

Майкл гапни Вегасга қилган сафари ҳақида ахборот беришдан ва Моу Гриннинг курорт курилишидаги улуштини сотиш тўғрисидаги таклифни рад этганлигидан бошлади.

– Лекин биз шундай бир таклиф киритамизки, у рад этолмайди, – деб қўшимча қилди Майкл. – Сизларга маълумки, Корлеонелар оиласи ўзининг корчалонлик операцияларини Ғарбга кўчиришни режалаштирмоқда. Оилавий бизнес асосини худуддаги тўртта меҳмонхона-казино ташкил этади. Аммо бу бирданига рўй бермайди. Вақт керак бўлади. – У Клеменцага қараб қўйди. – Пит, Тессио, сиз ҳам йил давомида ҳеч қанақа сўзсиз, эътирозсиз мен билан бирга бўлишинглар керак. Кейин Корлеонелар оиласидан бўлиниб чиқишинглар ва мустақил оила ташкил этишинглар мумкин. Табиийки, ўшанда ҳам ўртамиздаги дўстлик сақланиб қолади. Лекин бир йил сизлар менинг қарамоғимда бўлишинглар зарур. Ҳеч нарсадан ташвишланманглар. Сизлар ҳал этилмайди, деб ўйлаган муаммолар ҳал бўлади – ана шу мақсадда музокаралар олиб бориляпти. Ҳозирча тишни-тишга қўйиб турасизлар.

– Моу Грин отанг билан учрашмоқчи бўлса, нега сен қарши чиқдинг? Дон ҳар қандай одамни кўндириши мумкин эди, – деди Тессио.

Унга дарҳол доннинг ўзи жавоб берди:

– Бунақа масалаларни энди мен ҳал қилмайман. Агар мен бу ишга аралашсам, бошқаларнинг Майкл тўғрисидаги фикрига таъсир қилган бўламан. Бундан ташқари, Моу Грин мен ади-бади айтишиб ўтирадиган одамлардан эмас.

Тессио бу гапни Моу Грин оқшомлардан бирида Лас-Вегас меҳмонхонасида, ҳамманинг олдида Фредди Корлеонени калтаклагани тўғрисидаги миш-мишлар билан таққослаб кўрди. Тушунарли. Тессио кресло суянчиғига ўзини ташлади. Моу Гринни аллақачон гумдон бўлган одам деб ўйлаш мумкин эди. Корлеонелар оиласи уни кўндириб ўтириш тўғрисида бош оғритмайди.

Энди Карло Рицци савол берди:

– Демак, Корлеонелар оиласи Нью-Йоркдаги ҳамма корчалонлик операцияларини тугатади, шундайми?

Майкл бош ирғади.

– Зайтун мойи келтириш билан шуғулланадиган компанияни сотамиз. Қолганларининг ҳаммаси имкони борича Тессио ва Клеменцага ўтади. Лекин, сен, Карло, ташвишланмасанг ҳам бўлади, беиш қолмайсан. Сен Невадада ўсгансан, штатни ҳам, одамларни ҳам яхши биласан. У ерга кўчиб борганимиздан кейин менинг ўнг қўлим бўласан, деб умид қиламан.

Карло хурсанд бўлганидан қизариб кетди. Мана, ниҳоят унга ҳам навбат келди, у ҳам ҳамма ҳокимиятни қўлига тўплаб олган бир тўп сара одамлар даврасига кирди.

Майкл давом этди.

– Том Хейген бугундан бошлаб консиглиорликдан озод қилинади. У ҳуқуқий масалалар бўйича бизнинг Вегасдаги маслаҳатчимиз бўлади. Икки ойдан кейин хотини, бола-чақаси билан доимий яшаш учун у ерга кўчиб боради. Энди у фақат юрист, холос. Шу дақиқадан бошлаб бошқа масалалар билан унга ҳеч ким мурожаат қилмайди. Бу сизларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасин. Мен шундай қарорга келдим. Агар мен маслаҳатга

мухтож бўлиб қолсам, отамдан кучлироқ *consigliori* то-полмасам керак, деб ўйлайман.

Ҳамма кудди. Бироқ бу ҳазил вазиятни юмшатмади. Том ўйиндан чиққан, ҳокимиятдан маҳрум этилганди. Ҳамма ер остидан Хейгенга қараб қўйди. Ўтирганларни унинг бу ишга қандай қараши қизиқтирарди, Хейген эса пинагини бузмасдан ўтирарди.

Тессио хотиржам деди:

– Сен *regime*га одамлар олишга рухсат беришинг керак, деб ўйлайман. Бу палид Барзинилар кун сайин ерларимдан озгина-озгинадан қўшиб олишяпти. Менимча, уларнинг таъзирини бериб қўйсақ ёмон бўлмасди.

– Йўк, – деди Майкл. – Бунақаси кетмайди. Ҳозирча индамасдан, жимгина ўтирасизлар. Невадага кўчиб кетишдан олдин ҳаммасининг ҳисоб-китобини қиламиз.

Кўринишидан бундай жавоб Тессиони қаноатлантирмади. Ўзига нисбатан Майклнинг қаҳрини келтиришдан чўчимасдан, унинг боши оша дон Корлеонега мурожаат қилди.

– Узоқ йиллик дўстлигимиз ҳурмати мени кечиринг, Чўқинтирган ота. Менимча, Майкл иккалангиз катта хатога йўл қўймоқдасизлар, деб ўйлайман. Ичкарида, яъни бу ерда куч тўпламасдан туриб, қандай қилиб Невадада бирор нарсага эришиш мумкин? Биринчисиз иккинчисининг бўлиши мумкин эмас. Кейин, сизлар бу ердан кетганларингиздан кейин Пит иккаламиз Барзини ва Таттальяларга қарши туролмаймиз, улар беҳад кучли. Бизни эртами-кечми мажақлаб ташлашади. Бу Барзини дегани эса менга мутлақо ёқмайди. Корлеонелар оиласи бундай ишга ожизлигини кўрсатиш учун эмас, куч-қудратини намойиш қилиш жиҳатидан қўл уриши керак, деб ўйлайман. Биз *regimelarimiz*ни мустаҳкамлашимиз ва улар тортиб олган ерларимизни, ҳеч бўлмаганда Статен-Айленддаги ерларимизни қайтариб олишимиз керак.

Дон бош чайқади.



– Мен сулҳ тузганимни эсингдан чиқарибсан. Берган сўзимдан қайтолмайман.

Шу билан кенгаш тугади. Энг муҳим янгилик шу бўлдики, яқин келажакда Клеменца ва Тессеиога ўз регимелари асосида хусусий оилавий синдикатларини ташкил этишга рухсат берилди. Тессеиога қиморхоналар ва Бруклиндаги кемалар тузатадиган корхоналар ўтадиган бўлди. Клеменцага эса Манхэттендаги қиморхоналар ва Корлеонелар оиласининг Лонг-Айленд ипподроми тотализаторидаги улуши тегадиган бўлди.

Ҳар икки сароғегиме унча кўнгли тўлмаган ҳолда, қалбининг бир бурчагида шубҳа билан хонадан чиқди. Карло Рицци ниҳоят хотинининг қариндош-уруғлари даврасида уни ўзларининг одами деб тан олишларига умид қилиб, бирмунча ушланиб қолди. Лекин Майклининг бунга хоҳиш-истаги йўқлигини тездаёқ тушуниб олди. Альберт Нери уни эшиккача кузатиб чиқди. Проекторлар ёритиб турган майдончадаги қатор уйларнинг энг чеккасидаги уй томон йўл оларкан, Карло Нери айвонда туриб, уни кузатаётганлигини сезиб қолди.

Дон, Том Хейген ва Майкл ёлғиз қолишгач, хонадаги вазият дарҳол юмшади. Бу учаласи узоқ йиллар бир том остида яшашганлигининг натижаси эди.

Сукунатни биринчи бўлиб Том Хейген бузди.

– Майкл, нега мени майдондан четлаштиряпсан? Майкл таажжублангандай бўлди.

– Ахир Вегасда сен менинг энг биринчи одамим бўласан. Биз тўла қонуний очиқ ҳолатга ўтамиз. Сен эса бизнинг қонунчимиз бўласан. Бундан юқорироқ мансаб бўлмаса керак.

Хейген ғамгин жилмайди.

– Мен буни айтаётганим йўқ. Рокко Лампоне менинг рухсатимсиз яширин тарзда региме тўплаётганини айт-япман. Нери билан мен орқали эмас, бевосита алоқа қилишни маъқул кўраётганимни айт-япман. Дарвоқе, шуни айтиб қўйишим керакки, Лампонени танлаб хато қилмабсан. Жуда яхши ишляпти.

Майклнинг пешанаси тиришди.

– Агар сен унинг ишларидан хабардор бўлиб юрган бўлсанг, демак, унчалик яхши ишламаяпти. Уни мен танламаганман. Дон танлаган.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Том. – Хўш, нега мени майдондан четлаштирдинг?

Майкл унинг кўзига тик қаради.

– Том, уруш пайтида сен consigliotilikка ярамайсан. Вазият кескинлашиши ва биз уруш олиб боришга мажбур бўлишимиз эҳтимолдан узоқ эмас. Булардан ташқари, энг муҳими, сени олов чизигидан нарироқ олиб кетмоқчиман.

Хейген қизарди.

– Бўпти, майли. Энди бошқа бир гап айтмоқчиман. Мен Тессининг фикрига қўшиламан. Сен куч-қудратингни намоён қилиш позициясидан туриб эмас, ожизлик позициясидан иш кўряпсан. Бу эса хунук оқибатларга олиб келади. Барзини қашқир. У сени нимталай бошлаганда бошқа оилалардан ҳеч бири Корлеонеларга ёрдамга келмайди.

Энди дон гап бошлади.

– Том, бу қарорга Майкл бир ўзи келгани йўқ. Унга мен шундай маслаҳат бердим. Эҳтимол, биз ҳар қандай вазиятда мен айтмаслигим керак бўлган чоратadbирларни қўллашга мажбур бўлармиз. Бу менинг хоҳиш-иродам, Майклники эмас. Мен сени ҳеч қачон ёмон consiglioti деб ҳисобламаганман, сен хафа бўлма. Майклга тўла ишонганим каби сенга ҳам тўла ишонман. Мен айтолмайдиган сабабларга кўра сен бу ерда юз бериши мумкин бўлган воқеаларда қатнашмаслигинг керак. Дарвоқе, Лампонинг яширин regimesи сенинг эътиборингдан четда қолмаслигини Майклга айтгандим. Бу менинг сенга ишонишимнинг далили.

Хейген бу гаплар кўнглини кўтариш учун айтилаётганлигини тушунарди.

– Эҳтимол, бирор ёрдамим тегиб қолармиди, – деди у.

Майкл қатъиян бош чайқади.

– Сен ўйиндан чиқасан, Том.

Том Хейген стаканини бўшатди.

– Тилёғламалик қиляпти, деб ўйламагину, Майк, сен деярли ҳеч нарсада отангдан қолишмайсан. Лекин яна бир нарсани ундан яхшилаб ўрганиб олишинг керак.

– Нима экан у? – мулойимлик билан сўради Майкл.

– Одамларга қандай қилиб «йўқ» дейишни ўрганишинг зарур.

Майкл жиддий бош ирғади.

– Сен ҳақсан. Буни ҳисобга оламан.

Хейген кетгандан кейин Майкл ҳазил аралаш отасига деди:

– Мана, менга ҳамма нарсани ўргатибсиз. Энди одамларга улар хафа бўлмайдиган қилиб рад жавоби беришни ўргатаркансиз.

Дон нарироққа, катта ёзув столи олдига бориб ўтирди.

– Яхши кўрадиган одамларинга «йўқ» демаслик керак, ҳар ҳолда тез-тез бундай демаслик керак. Ҳамма сир мана шунда. Агар мабодо «йўқ» дейишга тўғри келса, шундай айтиш керакки, сенинг бу сўзингни «майли» дегандай эшитсин. Ё бўлмаса одамларнинг ўзлари «йўқ» дейишларига эриш. Э, нималар деб бошингни қотирипсан, сен замонавий одамсан, мен эскича фикрлайдиган одамман.

Майкл кулди.

– Аммо сиз Томнинг бу ишларга аралашмаслиги кераклигига розимисиз?

Дон бош ирғади.

– Тўғри, у бир четда туриши керак.

Майкл овозини пасайтирди.

– Мен бу ишга фақат Аполлония ва Соннининг қасосини олиш учунгина қўл урмаётганлигимни айтадиган пайт келди, шекилли. Шундай қилиш зарур. Тессию ва Том Барзини ҳақида тўғри гапларини айтишяпти.

Дон Корлеоне яна ўйчан бош қимирлатди.

– Қасос шундай таомки, совиган сари ширин бўлаверади, – деди у. – Агар бошқача йўл тутсам сенинг тирик қайтмаслигингни билмаганимда, улар билан сулҳ тузмасдим. Ҳар ҳолда, қизиқ, шунга қарамасдан Барзини сени гумдон қилишга яна бир марта уриниб кўрди.

– Бу уринишни дон Томмазинога суиқасд ниқоби остида амалга оширмоқчи бўлди. Жуда пухта ўйланган эди бу иш, ҳатто сиз ҳам сезмай қолаверардингиз. Бир нарсада уларнинг омади юришмади – мен тирик қолдим.

– Чўпон топилдими? – сўради дон.

– Бир йил олдин ўзим излаб топдим, – деди Майкл, – Буффалода пиццерия очиб олибди. Бошқа исм, қалбаки паспорт – ҳаммаси пухта. Чўпон Фабриццио жуда яхши жойга ўрнашиб олибди.

Дон бошини эгди.

– Демак, энди кутишдан фойда йўқ. Қачон бошламоқчисан?

– Ҳар эҳтимолга қарши Кей кўз ёргунча кутиб турмоқчиман. Шунингдек, Том Вегасда мустаҳкам ўрнашиб олиб, ҳамма ишлар босди-босди бўлгунча кутаман. Бир йилдан кейин бошламоқчиман.

– Ҳамма нарсани пухта ўйладингми? – дон бошини кўтармасдан гапиришда давом этди.

Майклнинг овозида илиқлик пайдо бўлди.

– Сизнинг бу ишларга дахлингиз йўқ. Ҳаммасини мен зиммамга оламан. Ҳаммасига ўзим жавоб бераман.

Дон узоқ жим қолди. Кейин нафасини ростлаб:

– Начора, сен айтгандай бўла қолсин, – деди. – Балки, мен шунинг учун ҳам ишдан четлашгандирман, шунинг учун ҳам тизгинни сенинг қўлингга тутқазгандирман. Мен ҳаётимда қилишим керак бўлган ишларни қилиб бўлдим, бошқасига кўнгила чопмайди. Гоҳо бурч тақозоси энг мустаҳкам кўрғонни ҳам вайрон қилади. Майли, сен айтгандай бўлсин.

Орадан бир йил ўтгунча Кей Адамс-Корлеоне иккинчи ўғилни туғиб берди.

Туғруқхонадан келганда, уни боғдаги қароргоҳда маликалардай кутиб олишди. Ўтган йили Нино Валенти миясига қон қўйилиб вафот этди. Унинг ўлимидан бир неча ҳафта олдин Жонни Фонтейн Нино бош ролни ўйнаган картинани экранларга чиқарган ва мисли кўрилмаган ютуқ Нинони тез орадаёқ жаҳон кино юлдузлари қаторига чиқариб қўйганди. Шунинг учун ҳам Нинонинг ўлими ҳақидаги хабар бульвар матбуотининг биринчи саҳифаларида босилди. Матбуотда босилган суҳбатлардан бирида Жонни Фонтейн дўстини касалхонага зўрлаб ётқизмаганидан афсусланиб, унинг ўлимида ўзини қаттиқ айблади. Бу гапларни ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Ахир Нино Валентини кино юлдузи даражасига кўтарган Фонтейн эмасмиди? Садоқатли дўстликка бундан бошқа яна қанақа далил керак?

Нино Валентини дафн этиш маросимида Корлеонлар оиласидан расмий вакил сифатида Альберт Нери келди. Дон ўзи Калифорнияга бормоқчи эди, лекин юрак хуружи билан ётиб қолди ва бир ой касалхонада даволанди.

Нино дафн этилгандан кейин икки кун ўтгач, Мой Гринни ўйнаши, Голливуднинг машҳур актрисаси уйида отиб кетишди. Альберт Нери Голливуддан Қариб денгизига таътилга жўнаб кетди. Орадан уч ҳафта ўтгач, куёвда кўйиб, қорайиб Нью-Йоркка қайтиб келди ва вазифасини адо этишга киришди. Майкл Корлеоне уни кулиб, ортиқча мақтамасдан кутиб олди. Лекин бу камтарона мақтов сўзлари орасида энди Альберт Нерига маошидан ташқари оилага тегишли бўлган Ист-Сайддаги энг кўп фойда келтирадиган букмекерлик дўконидан кўшимча ҳақ тўланиши тўғрисидаги хабар ҳам ўрин олганди. Нери унинг олдидан хурсанд бўлиб, ўз ишини ҳалол адо этаётган одам хизматларига яраша тақдирланадиган дунёда яшаётганлигидан мамнунлик ҳис-туйғуси билан чиқди.

## ЙИГИРМА ТҶҶҚИЗИНЧИ БОБ

Майкл Корлеоне ҳамма нарсани майда-чуйдаларигача кўзда тутган, ипидан-игнасигача ҳисоблаб чиққан, ҳамма эҳтиёткорлик чораларини кўрган эди. Тайёргарлик ишларини бир йил мобайнида тўла тугаллашга умид боғлаган эди. Лекин тақдир Майкл орзу қилган бир йилни унга раво кўрмади. Мутлақо кўзда тугилмаган бир вазиятда омад ундан юз ўтирди. Бошқа биров эмас, Чўқинтирган отанинг ўзи, қудратли доннинг ўзи Майкл Корлеонега панд бериб қўйди.

Эрталаб қуёш чарақлаб турарди. Хотинлар черковга кетишганди. Дон Вито Корлеоне жомакорлари – эски жигарранг иштони, ранги ўчган кўк қўйлаги ва ипак тасмаси эзилган қорамтир шляпасини кийиб томорқасига чиқди. Кейинги йилларда дон ортиқча семириб кетганди, ҳаммага соғлигининг ташвишида помидор етиштириш билан шуғулланишман дерди. Лекин бунинг тўғри эмаслигини ҳамма ҳам билавермасди.

Тўғриси шу эдики, у эрталаб туриб, эгатлардаги помидор кўчатларни парвариш қилишни яхши кўрарди, меваларини кўриб севинарди. Бу экинлар унга Сицилияни, отасининг ўлимидан илгариги, ҳали ваҳима ва ғам-алам нималигини билмаган бокира болалигини эсга соларди. Ловиянинг учини оппоқ гуллар безаган, кўк пиёзнинг найзадай учлари ер бетини бир текис қоплаганди. Сабзавот учун ишлатиладиган ўғит – мол гўнгидан тайёрланган шарбат суви тўла бочка томорқанинг бир четида қоровулдай қаққайиб турарди. Дон ўз кўли билан тахтадан ясаган сўкичакларга бўй чўзган помидор кўчатлари йўғон оқ чилвир билан боғлаб қўйилганди.

Дон шошиларди. Қуёш найзага келиб, помидорнинг япроғини худди қоғоз сингари куйдира бошлагунга қадар экинни суғориб бўлиши керак эди.

У мўлжалланган вақтида улгурди. Қуёш беаёв куйдира бошлади. Дон «бўлди, бутунга етар» деб хаёлан

ўзини кўндирди. Уч-тўрт жойга суянчиқ қоziқ қоқиш қолган эди. Дон яна энгашди. Шу охириги эгатнинг бошига чиқса, тугатади.

Тўсатдан қуёш думалаб кетиб, худди доннинг боши устида муаллақ осилиб қолгандай бўлди. Ҳавода тилла чивинлар пайдо бўлди. Доннинг кўзига невараси – Майкнинг катта ўғли кўринди, у эгат бўйлаб дон тиззалаб ўтириб қолган жойга югуриб кела бошлади. Бирдан кўзни оладиган сариқ аланга болани тўсиб қолди. Аммо донни лақиллатиб бўлмасди, унинг бошидан кўп иш ўтганди. Сариқ аланга пардаси ортида яшириниб олган ажал сакрашга тайёр бўлиб турарди. Дон кўли билан болани нари сурди. Яна бир дақиқадан сўнг кеч қолган бўларди. Унинг кўксига биров босқон билан ургандай бўлди. Дон юзтубан йиқилди.

Майкл Корлеоне ва соқчилардан бир неча киши етиб келганда, дон тупроқ чангаллаб, юзтубан бўлиб ётарди. Уни кўтариб тош тўшалган ҳовличадаги салқин жойга олиб боришди. Майкл отасининг қўлларидан ушлаб, унинг ёнида тиззалаб ўтирди, бошқалар врач ва «Тез ёрдам» қақаришга югуришди.

Дон ўғлини яна бир марта кўриш учун зўрға кўзини очди. Кучли инфарктдан унинг қуёшда куйган қипқизил юзи кўкариб кетганди. Дон ҳаётининг сўнги дақиқалари етиб келганди. У эгатлардаги экинларнинг хушбўй ҳидидан тўйиб нафас олди. Сариқ аланга пардаси кўзларини силаб ўтгандай бўлди.

– Ҳаёт шунақаям гўзалки, – аста пичирлади у.

Тақдир уни аёллар кўз ёшини кўришдан халос қилди. У аёллар черковдан қайтишидан, врач ва «Тез ёрдам» машинаси етиб келишидан олдин, атрофини эркаклар ўраб олганда, суюкли ўғлининг қўлларини маҳкам чангаллаб жон берди.

Донни шоҳона хурмат-эҳтиром билан дафн этдилар. Беш оилавий синдикатнинг ҳаммаси – Тессо ва Клеменцалар оиласи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади – дафн

маросимида дон ва сароғимелари билан қатнашдилар. Майклнинг маслаҳатига кўнмасдан Жонни Фонтейн ҳам келди. Газеталар бу ҳақда дарҳол бутун мамлакатга жар солдилар.

Видолашув маросими эски урф-одат бўйича мархумнинг уйида ўтди. Тобут олдига келган ҳар бир одам буюк дон қиёфасидан салобат ва улўғворликни олиб кетишга ҳатто ўлим ҳам ожизлик қилганлигини ҳис этарди. Буни эшитган Америго Бонасеранинг ғурурдан, касбининг қудратидан кўкраги тоғдай кўтарилди. Ажал бу қиёфада қандай кўрқинч излар қолдирганлиги бир унгагина маълум эди.

Дафн маросимида доннинг ҳамма қадрдон дўстлари, яқин кишилари келишди. Назорин хотини билан, унинг қизи эри ва болалари билан келди. Лас-Вегасдан Люси Манчини ва Фредди, Том Хейген оиласи билан учиб келди. Сан-Франциско ва Лос-Анжелесдан, Бостон ва Кливленддан донлар келишди. Уйларнинг ичи ҳам, таши ҳам анвойи гуллардан ясалган гулчамбарлар билан тўлиб кетди.

Дарвоза орқасида газетачилар, суратчилар у ёқдан-бу ёққа югуриб юришар, сал нарироқда эса пикап<sup>1</sup> устида кинокамера билан ФБР айғоқчилари бу тарихий воқеани тасмага туширишга шошилишарди. Гоҳи-гоҳида газетачилардан биронтаси тўсиқдан ўтишга уриниб кўрар, лекин шу дақиқада унинг олдида соқчи пайдо бўлар, таклифномасини кўрсатишни талаб қиларди. Бошқалар эса дарвозадан ташқарига чиққанларни гапга солишга уринишар, лекин уларнинг тошдай қотган юзини, оғзига талқон солиб олганлигини кўриб, орқага қайтишарди.

Майкл Корлеоне Кей, Том Хейген ва Фредди билан анча вақтгача бурчақдаги хонада бирга бўлди. Бу хонага унга ҳамдардлик билдириш истагида келганларни навба-ти билан киритишарди. Майкл ҳар бир одамни, ҳатто унга мурожаат қилар экан, «Чўқинтирган ота» ёки «дон Майкл» деб гап бошлаганларни ҳам ғоят ҳурмат-эҳтиром

---

<sup>1</sup> Пикап – юк автомобилининг бир тури.



билан қабул қилди. Бу гаплардан норози бўлиб, лабларини буриштирганини фақат Кейгина сезди, холос.

Бир оздан кейин улар сафига Клеменца ва Тессіо қўшилди. Майкл ўзи уларга ичимлик куйиб узатди. Иш ҳақида гаплашишди. Майкл парк зонасидаги участкани ҳамма уйлар билан бирга қурилиш фирмаси жуда катта пулга сотиб олаётганлигини айтди. Доннинг ўлими Корлеонелар империясининг Ғарбга кўчишини тезлаштиришини ҳамма тушунарди.

Қабристонга йўл олиш, улуғ донни дафн этиш пайти яқинлашди. Майкл Кейнинг қўлтиғидан ушлаб, у билан бирга бир вақтлар Чўқинтирган отанинг меҳрмуҳаббатидан баҳраманд бўлган сон-саноксиз одамлар тўпланган ҳовлига чиқди. У ер бу ерда доннинг душманлари ҳам кўзга ташланиб қоларди – улар ҳам донни сўнгги йўлга кузатгани келишганди.

Майкл мамнун бўлиб, жилмайиб кузатарди бу манзарани. Унинг тасавурида бу манзаранинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. У бошқа нарсени ўйларди. «Ҳаёт шунақаям гўзалки» деган сўзларни айтиб ўлсанг, бошқа ҳамма нарсанинг аҳамияти қолмаскан. Одамларда отаси каби ишонч қозона олса, қолган бошқа ҳамма нарса эътиборсиз бўлиб қоларкан. У отасининг изидан боради. Болалари, оиласи ҳақида, улар яшаши лозим бўлган дунё ҳақида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олади. Лекин унинг фарзандлари ҳозиргидек дунёда яшамайдилар. У фарзандларининг бошқача тартибдаги, бошқача миқёсдаги ҳамжамиятга, инсоний оилага қўшилиб кетиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. Уларнинг қудратли ва эҳтиёткор отаси эса ҳар эҳтимолга қарши бу оилани ҳам хушёр бўлиб кузатиб туради.

Эртаси куни эрталаб Корлеонелар оиласининг ҳамма катталари паркдаги қароргоҳга тўпландилар. Тушга яқин доннинг бўшаб қолган уйига киришди. Уларни Майкл Корлеоне қабул қилди.

Бирин-кетин икки сароғегіте – Клеменца ва Тессіо, оғир-вазмин, ишбилармон Рокко Лампоне, ўта ювош, ўз ўрнини биладиган Карло Рицци, юз берган жиддий

вазият туфайли ҳозирча юридик вазифаларидан четлашишга мажбур бўлган Том Хейген бурчақдаги хонага тўпланишди. Янги дон ортидан соядек эргашиб юрган Альберт Нери гоҳ Майклга зажигалка тутар, гоҳ унинг стаканига ичкилик қуярди.

Тўғри мулоҳаза юритилса, доннинг ўлими оила учун фожиа эди. Бу ўлим туфайли оила куч-ғайратининг ярмини ва Барзини-Татталья иттифоқи билан бўлган музокаралардаги ҳамма устунликларни бой берганди. Тўпланганларнинг ҳар бири буни яхши биларди ва ҳамма Майкнинг оғзини пойлаб турарди. Улар учун Майкл ҳозирча янги дон эмасди, ҳали бу лавозимга ҳам, бу унвонга ҳам эришолмаганди. Агар дон Корлеоне узоқроқ яшаганда эҳтимол ўғлини ўрнига қолдириб кетган бўларди. Ҳозир эса бу лавозим ҳам, унвон ҳам ўртада талашга ўхшарди.

Нери ҳаммага қадаҳ тутиб чиққунча Майкл кутиб турди. Кейин секин сўз бошлади:

– Мен ҳаммангизга ҳозирги ҳолатингизни яхши тушунишимни айтиб қўймоқчиман. Сизлар ҳаммангиз отамни ҳурмат қилганлигингизни биламан, бироқ ҳаммани энди у ва унинг яқинлари нима бўлади, деган ўй-фикр ташвишлангирмоқда. Қўпчилигингиз ўзингизга бошимизга тушган бу кулфатлар истиқболимизга, мен сизларга берган ваъдаларга қандай таъсир қиларкин, деган саволни бергансиз, деб ўйлайман. Бу саволга жавоб шундай – ҳеч қанақа ўзгариш бўлмайди. Ҳаммаси аввалгидай қолади.

Клеменца катта паҳмоқ бошини кўтарди:

– Барзини ва Таттальялар энди устимизга ёпирилишади, Майк. Биз ё ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак, ёки таслим бўлганлигимизни тан олишимиз керак.

Клеменца Майклни дон деб аташ тугул ҳатто исмини тўла айтишни ҳам лозим топмагани тўпланганларнинг эътиборидан четда қолмади.

– Кутамиз, нима бўлишини кўрамиз, – жавоб берди Майкл. – Майли, аввал улар сулҳ тўғрисидаги музокара шартларини бузиб кўришсин.

Тессионинг мулойим овози эшитилди:

– Майк, улар шартномани аллақачон бузишди. Бугун эрталаб Бруклинда икки букмекерлик дўкони очишди. Буни полиция бўлими учун дахлсизлар рўйхатини тузадиган капитандан эшитдим. Шундай кетаверса, икки ойдан кейин Бруклинда мен шляпамни иладиган жой ҳам қолмайди.

Майкл унга ўйчан қаради:

– Бунга жавобан бирор чора кўрдингми?

Тессио кичкинагина калласини чайқаш билан жавоб берди.

– Йўқ, аҳволни мураккаблаштиришни хоҳламадим.

– Тўғри қилибсан, – деди Майкл. – Ҳозирча тишингни тишинга қўйиб кутиб туравер. Бу гап бошқаларга ҳам тегишли. Ҳозирча бардош бериб туринглар. Иввогарликларга учманглар. Менга у ёқ-бу ёғимга қараб олишимга, ҳар биримизга кўпроқ фойдаси тегадиган йўлни аниқлаб олишга бир неча ҳафта муҳлат беринглар. Шундан кейин яна тўпланамиз ва узил-кесил бир қарорга келамиз.

Майкл тўпланганларнинг юзида пайдо бўлган ҳайратланишга эътибор бермай ишора қилди ва Альберт Нери ҳаммани хушмуомалалик билан кузатиб қўйди.

– Том, сен бир дақиқага қол, – деди Майкл.

Хейген дарвоза томонга қараб турган дераза олдига келди. Нери соқчилар олдидан сароғегимелар ва Рокко Лампонени кузатиб ўтаётгани кўриниб турарди. У Майкл томон қайрилди.

– Ҳамма сиёсий алоқаларимиз жойидами?

Майкл афсусланиб бош чайқади.

– Ҳаммаси эмас. Яна тўрт ой вақт бўлганда эди... Дон билан худди шу масала устида шуғулланаётгандик. Тўғри, судьяларнинг ҳаммаси жойида, ишни ўшалардан бошлагандик. Конгрессдаги сўзи ўтадиган обрў-эътиборли одамлардан баъзи бирлари ҳам биз томонда. Бу ердаги, Нью-Йоркдаги партия бошчилари ҳам, албатта, биз томонда – улар билан тил топишиш осон бўлди. Корлео-

нелар оиласи тасаввур қилинганидан қудратлироқ экан, лекин мен бу оилани мағлуб қилиб бўлмайдиган қўрғонга айлантиришга улгураман, деб умид қилгандим. – У Хейгенга қараб кулиб қўйди. – Сен ҳаммасининг ҳисобкитобини қилиб улгурган бўлсанг керак деб ўйлайман.

Хейген бош ирғади.

– Бу қийин эмасди. Фақат бир нарсани тушунолмагандим – мени майдондан четлатиш сенга нима учун керак бўлиб қолди. Лекин ифодали қилиб айтганда, бошимдан сицилияча қалпоқни олиб қўйиб, калламни ишлатиб кўриб, охири бунинг сабабини ҳам тушундим.

Майкл кудди.

– Чол шундай бўлишини олдиндан айтганди. Лекин сенга яна бунақа имконият беролмайман. Сен менга шу ерда, ҳеч бўлмаганда яқин ҳафталарда кераксан. Вегасга кўнғироқ қилиб, хотинингни огоҳлантириб қўй. Унга фақат бир неча ҳафтага қолишингни айт.

Хейген ўйланиб қолди.

– Сенингча, душманларинг қайси томондан ҳужум бошлашади?

Майкл оғир хўрсинди.

– Дон буни аниқ баён қилиб берган. Улар ичимиздаги одамлардан биронтаси орқали зарба уришади. Барзини мени имкони борича ҳар қандай шак-шубҳадан холи бўлган бирор одам орқали гумдон қилишга уринади.

Хейген кулиб унга қаради.

– Менга ўхшаган одам орқали демоқчисан-да, а?

Майкл ҳам унга кулиб жавоб берди:

– Сен ирландияликсан, улар сенга ишонишмайди.

– Агар бу томонини суриштирадиган бўлсанг, ярим немисман. Умуман олганда эса америкаликман.

– Улар учун бу сен ирландияликсан деган гап, – деди Майкл. – Сенга ишонишмайди. Нерига ҳам ишонишмайди, чунки у полицияда хизмат қилган. Бундан ташқари сизлар оиламизга ўта яқин кишиларсизлар, улар бунчаликка боришга журъат этишолмайди. Рокко Лампоне эса унчалик яқин эмас. Йўқ, улар қўлга оладиган одам ё Клеменца бўлади, ё Тессио. Ёки Карло Рицци бўлади.

Хейген секин:

– Менинг фикримча Карло, – деди.

– Кўрамиз, – деди Майкл. – Кимлиги тездаёқ маълум бўлади.

Сотқиннинг кимлиги эртасига эрталаб, Хейген Майкл билан нонушта қилиб ўтирганда маълум бўлди. Майкл жиринглаётган телефон гўшагини олиш учун хонасига кириб кетди.

– Мана, ҳаммаси маълум бўлди, – деди емакхонага қайтиб кираркан. – Роса бир ҳафтадан кейин мен доннинг ўлимидан кейин тузиладиган янги сулҳ шартномаси шартларини муҳокама қилиш учун Барзини билан учрашаман. – У кулиб қўйди.

– Ким кўнғироқ қилди, воситачи қилиб кимни танлашибди? – сўради Хейген.

Корлеонелар оиласининг алоқа боғлашга воситачилик қиладиган аъзоси сотқин эканлигини иккаласи ҳам биларди.

Майкл унга ғамгин кулиб қаради.

– Тессио, – деди у.

Улар жим ўтиришиб нонушта қилишди. Хейген қахвасини ичиб тугатаркан, бош чайқади.

– Мен сотқин Карло деб ишонгандим. Ҳеч бўлмаганда Клеменца деб ўйлагандим. Тессио сотқинлик қилишини мутлақо хаёлимга келтирмагандим. Энг ишончли одам эди.

– У энг ақлли ҳам эди, – деди Майкл. – Тессио энг тўғри йўлни танлаган. Мени Барзинига ушлаб бериб, Корлеонелар оиласига меросхўрлик қилишни ўйлаган. Мен билан қолса уни мажақлаб ташлашади деб ўйлаган. Чунки, унинг фикрича, мен душманларга бас келолмайман.

Хейген бир оз жим туриб, хоҳламайгина сўради:

– Унинг ҳисоб-китоблари қай даражада тўғри?

Майкл елка қисди.

– Четдан қараган ҳар бир одам ишимиз расво эканлигига ишонади. Лекин сиёсат оламидаги алоқалар ва обрў-

эйтибор ўнлаб регимедан қудратлироқ эканлигини ҳамма ҳам тушуна олмайди – буни фақат отам тушунарди. Гарчи ўзимдан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаса-да, мен ҳозир асосан ана шундай кучга эгаман, деб ўйлайман. – У Хейгенга қараб мамнун кулиб кўйди. – Ҳечқиси йўқ, ҳали улар мени дон деб аташга мажбур бўлишади... Лекин Тессио кўнгилни ғаш қилиб кўйди.

– Барзини билан учрашишга розилик бердингми?

– Бўлмасам-чи. Бир ҳафтадан кейин Бруклинда Тессио тегарасида, менга пашша ҳам озор беролмайдиган жойда учрашадиган бўлдик. – У яна кулди.

– Ўша кунгача эҳтиётроқ бўлишинг керак, – деди Хейген.

Биринчи марта Майкл Хейгенга совуқ қаради.

– Бунақа маслаҳатлар учун менга consiglieri керак бўлмайди, – деди у.

Барзинилар оиласи билан бўладиган сулҳ музокараларига қадар қолган бир ҳафта мобайнида Майкл эҳтиёткорлик қанақа бўлишини Хейгенга кўрсатиб кўйди. У бирор марта мулки тегарасидан ташқарига чиқмади, бирон марта бирон одамни шахсий соқчисиз қабул қилмади. Агар бирмунча афсуслантирадиган бир иш бўлмаганда, ҳаммаси кўнгилдагидай кетаётганди. Католик черкови урф-одатларига кўра Конни ва Карлонинг катта ўғлини конфирмация<sup>1</sup> қилиш керак бўлиб қолди. Кей Майклдан бу маросимда Чўқинтирган ота бўлиб беришни илтимос қилди. Майкл рад этди.

– Ҳар доим ҳам сендан илтимос қилавермайманку, – деди Кей. – Илтимос, мен учун йўқ дема. Конни ҳам, Карло ҳам сен Чўқинтирган ота бўлиб беришингни жуда-жуда орзу қилишяпти. Илтимос, Майкл.

Кей унинг қаттиқ туриб илтимос қилаётганлиги Майклнинг жаҳлини чиқараётганлигини кўриб турарди.

У Майклнинг яна рад этишини кутганди. Лекин Майкл уни хайратда қолдириб:

---

<sup>1</sup> **Конфирмация** – болаларни ёки бошқа диндаги кишиларни черков аҳли қаторига кўшиш маросими.

– Майли, хўп, – деди. – Лекин мен уйдан чиқишим мумкин эмас. Уларга айт, конфирмацияни шу ерда ўтказишсин. Ҳамма харажатларни мен зиммамга оламан. Агар черков бошлиқлари хархаша қиладиган бўлишса, улар билан Хейген гаплашади.

Мана, Барзинилар оиласи билан учрашувга бир кун қолганда, Майкл Корлеоне Карло ва Конни Риццилар ўғлининг конфирмация қилиш маросимида Чўқинтирган ота сифатида иштирок этди. У болага олтин тасмали қимматбаҳо қўл соати совға қилди. Кейин бу воқеа Карлонинг уйида нишонланди. Унга сароғимелар, Хейген, Лампоне, парк зонасида истиқомат қилувчиларнинг ҳаммаси, албатта, доннинг беваси ҳам таклиф этилди. Беҳад хурсанд бўлган Конни маросим бошидан охиригача акаси билан келинойисини тинимсиз ўпиб, қучоқларди. Ҳатто Карло Рицци ҳам таъсирланиб кўнгли эриб, Майклнинг қўлини сиқар, ҳар бир қулай вазиятдан фойдаланиб, эскича урф-одатга кўра уни Чўқинтирган ота деб атарди. Конни тўлқинланиб кетиб Кейнинг қулоғига пичирлади:

– Менимча, энди Карло Майкл билан дўстлашиб кетса керак. Бундай маросимлар доим одамларни яқинлаштиради.

– Қандай ажойиб иш бўларди, – деди Кей қайинсингисининг тирсагидан ушлаб.

## САККИЗИНЧИ ҚИСМ

### ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Альберт Нери Бронксдаги уйида ўтириб олиб, эски полициячи кийимини чўтка билан зўр бериб тозаларди. Ялтиратиб тозалаш осон бўлиши учун нишонларни ажратиб стол устига қўйди. Тўшпонча ва ниқобли камар стул суюнчиғига осиглиқ турарди. Одат тусига кириб қолган, ҳафсала билан қиладиган бу иш унга ҳузур бағишларди. Кейинги икки йил мобайнида, хотини кетиб қолганидан

бери, у камдан-кам ҳоллардагина бундай берилиб иш қилганди.

Дастлабки пайтларда Рита Нери эрини жуда яхши кўрарди. Эри ақл бовар қилмайдиган даражада бақувват эди. Одамлар жисмоний қувватидагина эмас, шунингдек, нима яхшию, нима ёмон деган тушунчага қаттиқ садоқати туфайли ҳам ундан кўрқишларини хотини биларди. У камдан-кам ҳолларда хушмуомала бўларди. Ҳеч қачон бирон одам билан шунчаки хушмуомалалик юзасидан мураса қилмасди. Устига-устак чинакам сицилияликларга хос характерга эга эди, жаҳли чиққанда атрофидагилар зириллаб қолишарди.

Нью-Йорк полициясидаги беш йиллик хизмати мобайнида у шаҳарда ҳамма зир титраб турадиган тартиб соқчиларидан бирига айланиб қолган эди. Шунингдек, ҳалол полициячи сифатида ҳам ном чиқарганди. Бироқ тартибни сақлашни у ўзига хос усулда назорат қиларди. Тартибни бузувчилардан худди ўзининг шахсий душманлари каби нафратланарди, кечкурунлари безорилар тўдаси бирон-бир бурчақда ўткинчиларга шилқимлик қилаётганлигига кўзи тушиб қолса, тез ва кескин чора кўрарди. Кучидан фойдаланиб, безориларга нисбатан жисмоний таъсир чораларини қўлларди.

Бундай тўқнашувларда у шундай эпчиллик ва чаққонлик билан иш кўрардики, ҳеч ким ўртага тушишга улгурмай қоларди. У ҳеч қачон одам тўпламасди. Ишни яшин тезлигида тугатарди, патрул машинасининг эшигини тарақлатиб ёпарди, унинг машинада ўтирган шериги газни босарди. Албатта, қайсар, қаршилик кўрсатишга уринадиган ёки ҳатто пичоқ кўтарадиган безорилар ҳам учраб қоларди. Бундайларга фақат ачинарди одам. Нери бундайларни дарҳол шафқатсизлик билан қонга бўяб калтаклар ва патрул машинасига улоқтирарди. Бундай безорини қамоққа ташлашар ва у ҳокимият вакилига қўл кўтаришда айбланарди. Тўғри, кўпинча бундай безорининг касалхонадан соғайиб чиқишини кутишга тўғри келарди.



Вақти келиб Нерини Бирлашган Миллатлар Ташкилотини биноси жойлашган участкага ўтказишди. БМТ ходимлари дипломатик дахлсизликларидан фойдаланиб, полиция томонидан белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилишмас, яқин-атрофдаги ҳамма кўчаларни лимузинлари билан тўсиб қўйишарди. Нери бошлиқларига шикоят қилиб кўрди, лекин улар бу ишга эътибор бермасликни ва шов-шув кўтармасликни маслаҳат беришди. Бир куни кечкурун нотўғри қўйилган машиналар туфайли бутун бир кўчада ҳаракат тўхтаб қолди. Ярим тундан кейин, Нери патрул машинасидан оғир чўнтак фонарини олди-да, ҳамма машиналарнинг пешойнасини синдириб чиқди. Энг юқори лавозимдаги дипломат бўлса ҳам пешойна қўйгунча энг камида бир неча кун ўтади. Полиция участкасига шикоятлар ёғилди ва автомашиналарнинг эгаларини бундай жоҳилликдан ҳимоя қилиш талаб этилди. Участкадагилар аста-секин бу ишнинг тагига етгунча яна бир ҳафта мобайнида машиналарнинг пешойналари чилпарчин бўлиб турди. Кейин Альберт Нерини Гарлемга ўтказишди.

Шундан кейин икки ой ўтгач, тунги сменада қайтган Аль Нери уйига келиб, хотини майда-чуйдаларини олиб, отасиникига кетиб қолганлигини кўрди. Қайнотаси қизи ундан кўрқатганлигини, бундай жаҳли тез одам билан яшаш кўрқинчли эканлигини айтди. Аль эсанкираб қолди. У хотинига бирон марта қўл кўтармаган, ҳеч қачон унга дўқ-пўписа қилмаган, энг нозик ҳис-туйғуларни изҳор қилишдан бошқа ҳеч бир ножўя иш қилмаганди. Хотинининг хатти-ҳаракатидан шу қадар додираб қолдики, ўзига келгунча бир неча кун кутиб туришга, шундан кейингина масалани ойдинлаштиришга қарор қилди.

Лекин эртаси куни худди ўчакишгандай, унинг смена-сида кўнгилсизлик рўй берди. У участкасини айланиб юрган пайтда Гарлем кўчаларидан биридан чақирик келди – аллаким аллакимни пичоқлаб қўйганмиш. Одатига кўра Нери юриб кетаётган патрул машинасининг тўхташини

кутмасдан ундан сакради. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, ўша пайтда ҳам оғир чўнтак фонари унинг қўлида эди. Воқеа содир бўлган жойни аниқлаш қийин бўлмади – уйлардан бирининг йўлагига одамлар тўпланишиб турарди. Қандайдир негр хотин унга:

– Анави ерда бир болани ўлдиришяпти, – деди.

Нери ичкари кирди. Очиқ эшиклардан йўлакнинг охирига ёруғ нур тушиб турар, инграган овоз эшитиларди. Қўлига фонарини маҳкам ушлаб, ўша томон юрди, остонадан ҳатлаб ўтиши билан ерда чўзилиб ётган одамга қоқилиб кетди. Йигирма беш ёшлардаги қора танли аёл билан ёнма-ён ўн икки ёшлардаги қизча ётарди. Иккаласи ҳам қонга беланган эди. Меҳмонхонада Нери жиноятчига дуч келди. У Нерининг эски таниши, учига чиққан сутенёр, қорадори сотадиган, пичоқбоз негр Вэкс Бейнз эди. У қорадори истеъмол қилганидан шишадай совуқ йилтиллаб турган кўзларини Нерига тикди, унинг қалтираётган қўлларида қонга бўялган устара бор эди.

Тартиб-интизомнинг бу даражада оёқости қилинишини кўрган Нери ғазабланиб кетди. Устара билан сўйилган боланинг қиёфаси уни қутуртириб юборди. Нери ўзича Бейнзни участкага олиб бориб ўтирмасдан, шу ернинг ўзидаёқ унинг масаласини ҳал этишга қарор қилди.

Лекин орқада гувоҳлар, шу уйда яшайдиган одамлар тўпланиб қолишган эди. Нерининг патрул машинасида ўтирган шериги ҳам етиб келди.

– Устарани ташла, сен қамоққа олиндинг! – буйруқ берди Нери.

Бейнз хахолаб кулди.

– Осонгина ўзимни қўлингга топширайми, а? Тўшингни бувингга айт, – деди у ва устара билан дўлайди. – Мана, сенга!

Шериги тўппончасини қинидан чиқаришга улгурмаслиги учун Нери жуда тез ҳаракат қилди. Чап қўли билан у Бейнзнинг устара ушлаган қўлини ушлаб қолди. Чўнтак фонарини маҳкам ушлаб турган ўнг қўли шиддат билан бир айланди, кучли зарба Бейнзнинг чаккасига

келиб тушди. Худди маст одамдай негрнинг тиззалари букилди, устара кўлидан тушди. У бутунлай ночор аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун ҳам гувоҳларнинг ва Нерининг патруль шериги суд жараёнида берган кўрсатмаларида тасдиқлашганидек, иккинчи зарбага зарурат қолмаганди. Иккинчи зарба Бейнзнинг бош суягини синдирди. Икки кундан кейин негр Гарлем касалхонасида ўлди.

Одам ўлдиришда айблашиб, Нерини судга беришди. Қасддан ўлдирмаганлиги учун суд уни бир йилдан ўн йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Нери ҳукми ҳайрат ва ғазаб аралаш аллақандай туйғу билан тинглади. Бу дақиқаларда ўзи яшаган жамиятдан шу қадар норози бўлиб кетдики, энди унга барибир эди. Уни жиноятчи деб ҳисоблашга журъат этишди! Анави қора махлукни, ваҳший золимни, сутенёрни йўқ қилганлиги учун қамашга журъат этишди! Анави хотин ва қизча бир умр ногирон бўлиб қолганлиги, ҳалигача касалхонада ётишганлиги билан ҳеч кимнинг сариқ чақачалик иши бўлмади...

Нери қамоқдан кўркмасди. Собиқ полициячи бўлганлиги, айниқса, нима учун қамоққа тушганлигини билишгандан кейин унга нисбатан яхши муомала қилишларига Нерининг ишончи комил эди. Собиқ ҳамкасб ўртоқларидан баъзи бирлари керакли одамлар билан гаплашиб кўришга тайёр эканлигини айтдилар. Фақат ишбилармон италян, Бронксдаги балиқ дўконининг эгаси ва эскича йўл тутадиган одам бўлган қайнотасигина Альберт Нерининг бир йилдан кейин озодликка чиқиш имконияти жуда камлигини тушунарди. Уни ё камерадошларидан бирортаси ўлдиради, ёки, тўғрироғи, у бирорта маҳбусни ўлдириб қўяди. Аёлларга хос калтафаҳмлиги туфайли яхши эрни ташлаб келган қизининг айбдорлигини ҳис этган Нерининг қайнотаси Корлеонелар оиласи билан бўлган алоқасидан фойдаланиб (ҳомийлик қилганлиги учун ҳақ тўлашдан ташқари у бу оилга аъло нав балиқлар совға қилиб турарди) улардан ёрдам сўради.

Альберт Нери Корлеонелар оиласига яхши таниш эди. У тартиб сақлашнинг ашаддий курашчисига, ўзига хос афсонавий шахсга айланган, ҳазиллашиш хавфли, фақат форма кийиб, қурол тақиб юрганлиги учунгина эмас, қўрқинчли кўриниши билан ҳам ваҳима уйғотадиган одам сифатида ном чиқарганди. Бундай одамлар Корлеонелар оиласини ҳамма вақт қизиқтириб келарди. Унинг полицияда ишлаганлигининг унчалик аҳамияти йўқ эди. Кўп одамлар ёшлиқда тақдир пешанасига ёзиб қўйган йўлни топиб олгунча адашиб, довдираб юришади, бироқ одатда вақт ва тасодиф уларни тўғри йўлга солиб қўяди.

Қисқа қилиб айтганда, Альберт Нерини Нью-Йорк қамоқхонасидан у жазони ўтайдиган жойга кўчириб улгуришгани йўқ эдики, янги ашёвий далиллар, шунингдек, полиция идорасининг юқори бошлиғи кўрсатмаларига биноан суд унинг ишини қайта кўриб чиққанлигини хабар қилишди. Илгариги ҳукм шартли ҳукм билан алмаштирилганлигини, Нери хоҳлаган томонига кетавериши мумкинлигини айтишди.

Альберт Нери аҳмоқ бўлмаганидек, унинг қайнотаси ҳам бекорга офтобга чиқадиганлардан эмасди. Ҳамма гапни сўраб-суриштириб билган Нери қайнотасидан қарздор бўлиб қолмади. Рита билан ажрашди. Сўнгра у валинеъ-матларига миннатдорчилик билдириш учун Лонг-Бичга жўнади. Табиийки, бу ҳақда олдиндан келишиб олинган эди. Майкл уни бурчақдаги хонада қабул қилди.

Нери миннатдорчилигини тантанавор сўзлардан бошлади ва Майкл бу сўзларни самимий қабул қилганидан мамнун бўлди.

– Эҳ, аттанг, мен сицилиялик юртдошимга нисбатан сурбетларча муомала қилинишига йўл қўймаслигим керак эди, – деди Майкл. – Сизни жазолаш эмас, мукофотга тавсия этиш керак эди. Менга қаранг, агар сиз ҳақингизда тўла маълумот тўплаб, сизга нисбатан адолатсизлик бўлаётганига ишонмаганимда, бу ишга мутлақо

аралашмаган бўлардим. Қайнотангиз сизни кўкларга кўтариб мақтади. Бунақаси камдан-кам бўлади. – У одоб юзасидан Нерини хотини ташлаб кетгани ҳақида индамади.

Улар суҳбатга берилиб кетдилар. Нери эсини таниганидан буён ҳеч қачон сўзамол бўлмаганди. Лекин Майкл Корлеоне билан очиқчасига суҳбатлашишди.

– Сизни кейин ўз ҳолингизга ташлаб қўйиш учун қамоқдан чиқариб олишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ эди, – деди суҳбат охирида Майкл. – Ишга жойлашишга ёрдамлашаман. Лас-Вегас қиморхонасида улушим бор – сиздай тажрибали одамга хавфсизлик хизматида доим ўрин топилади. Ёки ўзингиз ўйлаб юрган бирон бир иш бўлиб, банкдан қарз олиш керак бўлса, шипшитиб қўйишим мумкин.

Миннатдор бўлган ва айна пайтда хижолат бўлган Нери бу таклифни мағрурона рад этди. Кейин гарчи шартли бўлса-да, бўйнида қарзи борлигини, барибир назорат остида эканлигини қўшиб қўйди. Майкл жиддий эътироз билдирди.

– Э, буларнинг ҳаммаси майда-чуйда гаплар-ку. Агар банкда таржимаи ҳолингиз туфайли эътироз билдирадиган бўлишса, буни ҳал қилиш осон.

Нери полицияда узоқ хизмат қилган ва кўп иш кўрган эди. Шунинг учун унинг гапларига шубҳа қилмади. Фақат Майкл уни деб ана шундай ташвишларни зиммасига олаётгани Нерини ўта ҳайратлантирди.

– Агар ёрдамингиз керак бўлиб қолса, айтаман, – деди у.

– Шундай қилинг, – дея Майкл соатига қаради. Нери буни ўзича тушунди-да, кетишга тайёрланиб ўрнидан турди. Бироқ Майкл уни яна ҳайратда қолдирди.

– Тушлик вақти бўпти, – деди у. – Оилавий шароитда чинакам сицилияча таомлардан тамадди қилиб кўришни хоҳламайсизми? Отам сиз билан танишмоқчи эканлигини айтганди. Маъқулми?

Альберт Нери бир қарорга келиши учун уч кун ҳам вақт керак бўлмади. У мулозамат қилишаётганини тушунарди. Лекин айна пайтда баъзи бир бошқа нарсаларни ҳам – жамият қамоққа ҳукм қилиб, жазо берган хатти-ҳаракатларини Корлеонелар оиласи маъқуллаётганини ҳам тушунарди. Корлеонелар оиласи уни қадрлади, жамият эса қадрламади. У ҳозиргача яшаб келган оламга нисбатан Корлеонелар яратган оламда яхшироқ яшашни тушунди. Шунингдек, у Корлеонелар ўзлари яратган олам тегарасида куч-қудрат жиҳатидан жамиятдан устунлик қилишини ҳам тушунди.

У Майкл билан яна бир марта учрашди ва бор гапни тўкиб солди. Вегасдаги жой унга манзур бўлмаганлигини, аммо оиллага Нью-Йорқда хизмат қилишга рози эканлигини айтди. Улар келишиб олдилар. Бироқ Майкл Нерини олдин Майамига бориб, дам олиб келишга, кўнгилхушлик учун қилинадиган ҳаражатлардан қийналиб қолмаслик учун ойлик маошини олдиндан олган ҳолда оиллага қарашли меҳмонхонада бепул яшашга кўндирди.

Альберт Нери Майамида биринчи марта тўкин-сочин ҳаёт қанақа бўлишини кўришга муяссар бўлди. Майкл Корлеоненинг дўсти сифатида унга алоҳида шароит яратиб беришди. Қашшоқ қариндош сифатида иккинчи даражали расво хонага тиқиштириб қўйишмади, балки унга ҳамма қулайликлари бор данғиллама кошона ажратиб беришди. Тунги клуб бошқарувчиси уни чиройли қизлар билан таништириб қўйди. Нери Нью-Йоркка қайтиб келганда ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолганди.

Уни Клеменца регимесига олишди. Саралаш ва рекрутларга таълим беришнинг тенги йўқ бу устаси уни минг чигириқдан ўтказиб синади. Бундай эҳтиёткорлик чораси зарурат талаби эди, чунки Нери ҳар ҳолда ўтмишда полициячи бўлганди. Орадан бир йил ўтмасдан, унинг хизмат рўйхатида одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган жиноят пайдо бўлди. Энди бир умр орқага қайтишга йўл йўқ эди.

Клеменца уни кўтларга кўтариб мақтарди: Нери бағоят зўр, янги Люка Брази. Клеменца, шунингдек, тездаёқ Нери сароғегите кўл остида қоладиган одам эмаслигини ҳам тушунди. Ваҳоланки, унинг сароғегитеси ўзи эди. Нерини Майкл Корлеоне ва Том Хейген ўртасидаги қалқон сифатида бевосита Майкл ихтиёрига ўтказишди. У Майкл Корлеонени беҳад хурмат қилиши яққол сезилиб турарди. Том Хейген бир куни Майклга мурожаат қиларкан, ҳазиллашди:

– Мана, сен ҳам ўзингга шахсий Люка топиб олдинг.

Майкл маъқуллаб бош ирғади. Ҳақиқатан ҳам, шундай бўлганди. Альберт Нери то қора ерга киргунча бутун бош-пойчаси билан уники эди. Албатта, у бу ҳийланайрангни ҳам отасидан ўрганганди. Дон унга оилавий хунар сирларини ўргатган кунларнинг бирида Майкл ундан:

– Қўлга ўргатиб бўлмайдиган ҳайвондан фарқ қилмайдиган Люка Бразини қандай қилиб йўлга солгансиз? – деб сўраганди.

– Дунёда шундай одамлар бўладики, – деб тушунтирганди ўшанда дон унга, – ўзларини ўлдиришни илтимос қилишади, ҳатто талаб ҳам қилишади. Буни ўзинг ҳам пайқаган бўлсанг керак. Бундай одамлар стадионда жанжал чиқаришади, машинасининг қанотини бехосдан қизиб қўйсанг, мушт кўтариб сенга ташланишади, нимага қобил эканлиги тўғрисида бош қотириб ўтиришмасдан дуч келган одамни ҳақорат қилишади. Улар ер тепиб: «Мана мен! Ўлдиришлар!» деб бақаришади. Одатда, уларни ўлдирувчилар оз бўлмайди. Буни газеталардан ҳар куни ўқияпмиз. Табиийки, бу тоифадаги одамлар бошқаларга кўп зарар келтиришади. Люка Брази ана шундай одамлар тоифасидан эди. Лекин бошқалардан фарқи шунда эдики, уни жуда узоқ вақтгача ҳеч ким ўлдира олмади. Бундай одамларнинг кўпчилиги билан боғланишнинг фойдаси йўқ, бироқ Люка Бразига ўхшаган шахслар ишбилармон одамлар қўлида даҳшатли қуролга айланиши мумкин. Агар у ўлимдан қўрқмаса, устига-устак

Ўзи ўлим истаса, дунёда у қўлида ўлишни хоҳламайдиган ягона одам бўла олиш керак. Шундай бўлиш керакки, у ўлимдан қўрқмасин, сен ўлдиришингдан қўрқсин. Шунга эриша олсанг, у одам чизган чизигингдан чиқмайди. Ҳамма гап мана шунда, тушундингми?

Бу у дондан ўрганган энг қимматли тажрибалардан бири эди. Майкл Альберт Нерини шахсий Люка Бразига айлантириш учун ана шу тажрибадан фойдаланди.

Мана, ниҳоят Альберт Нери Бронксдаги уйида ўтириб, яна полиция формасини кийишга тайёрланыпти. У кийимларини ҳафсала билан тозаларди. Кейин тўшонча қинини ялтиратиб тозалаши керак. Кейин айвони хиралашиб, кўринишини йўқотган фуражка билан шуғулланиши лозим. Қора ботинкаларини ялтиратиб мойлаш зарур. Нери ҳафсала билан ишлади. У ҳаётда ўрнини топиб олганди. Майкл Корлеоне унга ишонч билдирди. У бу ишончга лойиқ эканлигини бугун кўрсатади.

### ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Ўша куни Лонг-Бич шаҳри яқинидаги қароргоҳ дарвозасидан икки лимузин машина кириб келди. Бесўнақай машиналардан бири Конни Корлеонени онаси, эри ва икки боласи билан аэропортга етказиб қўйиши керак эди. Лас-Вегасга доимий яшаш учун кўчиб кетишга тайёргарлик кўраётган Карло Рицци оиласи ҳозирча у ерга дам олгани кетаётганди. Майклдан Карло олган кўрсатма шундай эди. Майкл Барзинилар оиласи билан бўладиган учрашувга қадар барча қариндош-уруғларини узоқроқ жойга кўчириб туришга қарор қилганлигини тушунтириб ўтирмади. Устига-устак бўлғуси музокараларнинг ўзи қаттиқ сир сақланаётган эди. Оила аъзоларидан саросдан бошқа ҳеч ким бу учрашув тўғрисида ҳеч нарса билмасди.

Иккинчи лимузин болалари билан Нью-Гемпширга, бобоси билан бувисиникига меҳмон бўлиб кетаётган Кейни кутиб турарди.



Бир кун олдин кечкурун Майкл Карло Риццига уни бир неча кун ушлаб туришга мажбур бўлиб қолганлигини, ҳафтанинг охирида хотини ва болалари олдига кетишга рухсат беришини айтди. Конни қаттиқ ғазабланди. У Майклга қўнғироқ қилишга уриниб кўрди, Майкл шаҳарга кетган, деб жавоб беришди. У ҳозир ҳам атрофга кўз югуртириб Майклни излади. Майкл эса Том Хейген билан хонасида кенгашаётганди. Ҳеч ким халақит бермасин, деб тайинлаб қўйганди. Конни эри билан ўпишиб хайрлашди ва лимузинга ўтирди.

– Икки кун кутаман. Бормасанг, учинчи куни етиб келаман, – деб дўқ-пўписа қилди. Кейин ташвишланиб қовоғини солганди, хунук ва қари кўриниб кетди. Шу ҳолда ойнадан бошини чиқариб: – Майклга нимага керак экансан, айтмадимми? – деб сўради.

Карло елка қисди.

– Кўздан бери юқори лавозимга кўтаришга ваъда бериб келяпти. Балки, шу ҳақда суҳбатлашар.

Коннининг чехраси ёришиб кетди.

– Ростданми, Карло?

У Коннининг кўнглини кўтариш учун бош ирғади. Лимузин оҳиста жойидан қўзғалиб, дарвозадан чиқди.

Машина кўздан узоқлашгандан кейингина, Майкл Кей ва болалари билан хайрлашгани чиқди. Карло уларнинг олдига келиб, Кейга оқ йўл тилади. Ниҳоят, тўсиқ ортида иккинчи машина ҳам кўздан ғойиб бўлди.

– Кечирасан, Карло, шунақа бўлиб қолди. Икки кунгина, кўп эмас, – деди Майкл.

– Э, қўйсанг-чи, нималар деяпсан, – деди шошилиб Карло.

– Жуда соз. Телефон олдида кутиб ўтир, қўнғироқ қиламан. Олдин баъзи бир нарсаларни ҳал қилиб олишим керак. Келишдикми?

– Яхши, келишдик, Майк.

У узоқ кутди. Қундузи соат бирга бориб дарвоза олдига машиналар кела бошлади. Карло машиналардан биридан Клеменца тушганини кўрди, орадан бир оз ўтиб

Тессо келди. Шахсий соқчи иккаласини ҳам Майкнинг уйига киритиб юборди. Икки соатлардан кейин Клеменца кетди, Тессо бошқа кўринмади.

Карло бир оз тоза ҳавода айланиб келиш учун чиқди. Парк зонасида соқчиликда турганларнинг ҳаммаси унга таниш, баъзилар ҳатто оғайни ҳам эди. Карло бекорчиликдан улар билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қайтаман, деб ўйлаганди. Лекин таажжуб, бугун навбатчилик қилаётганларни у танимади. Ҳаммаси янги эди. Энг қизиғи шунда эдики, дарвозани Рокко Лампоне кўриқларди. Рокко оилада жуда юқори мансабдалигини, фавкулотда ҳолатлардан ташқари пайтларда бундай қора иш унинг мансабига мос эмаслиги Карлога маълум эди.

Рокко у билан дўстона кулиб кўришди. Карло сергакланиб уни кузатди.

– Ҳа, сен дам олгани жўнаётгандинг, шекилли? – деди Рокко.

Карло қўлларини икки томонга ёзди.

– Майк икки кун кетмай туришимни айтди. Нима учундир унга керакмишман.

– Шунақа дегин, – деди Рокко Лампоне. – Менга ҳам кераксан деганди. Билсам, дарвоза кўриқлашга керак эканман. Майли, нима ҳам дердик. Хўжайиннинг амри вожиб.

Карло унинг фикрига қўшилмади.

– Майк нима қилишни яхши билади.

Рокко бу таънани ичига ютди.

– Хўп, саломат бўл! – деб Карло орқага, уйига қайтди.

Бирор воқеа юз бергани аниқ. Лекин кўринишидан Рокко беҳабар қолганга ўхшайди.

Майк мехмонхона деразасидан пастда у ёқдан бу ёққа бориб келаётган Карло Риццини кузатиб турарди. Хейген орқадан келиб унга коньяк тўла рюмка узатди, Майк мамнун бўлиб, рюмкани олди. Хейген ўта юмшоқ овоз билан:

– Майк, бошлаш керак. Вақт бўлди, – деди.

Майкл оғир хўрсинди.

– Кошкийди вақт бунчалик тез ўтмаса. Кошкийди чол яна бир оз яшаб турса.

– Ҳечқиси йўқ. Ҳаммаси қўнғилдагидек бўлади.

Майкл деразадан юзини ўтирди.

– Жуда кўп нарсаларни доннинг ўзи режалаштирган. Унгача мен доннинг бунчалик миялик одам эканлигини тасаввур ҳам қилолмагандим. Айтгандай, сен буларнинг ҳаммасидан хабардорсан-ку!

– Донга ўхшаган одам бошқа йўқ ва бўлмайди ҳам, – деди Хейген. – Дарвоқе, сен ҳам дондай бўлишинг мумкин.

– Ҳаёт кўрсатади, – деди Майкл. – Клеменца билан Тессио шу ердами?

Хейген бош ирғади. Майкл бир кўтаришда рюмкани бўшатди.

– Клеменцани менинг олдимга киритиб юбор. Унга шахсан ўзим кўрсатма бераман. Тессио билан эса умуман гаплашмоқчи эмасман. Сен унга шунчаки айтиб қўясан, тахминан ярим соатлардан кейин Барзини билан музокара олиб боришга жўнаймиз. Бошқа ишлар ҳақида Клеменцанинг йигитлари бош қотиришади.

Хейген қандайдир маъносиз овоз билан сўради:

– Тессиони сиртмоқдан қутқариб қолишнинг мутлақо иложи йўқми?

– Йўқ, – деди Майкл қатъий.

Буффало шаҳридаги ён кўчалардан бирига жойлашган кичкина пиццахонага тушлик пайтида одамлар кўплигидан кириб бўлмайди. Аста-секин одамлар тарқалди. Сотувчи сотилмай қолган пицца бўлаклари солинган тунука товоқни пештахтадан олиб, катта ғишгин печканинг тоқчасига қўйди. Кейин ташқарига савдо қиладиган дарча томон ўтирилди. Дарча олдида ёш, кўринишидан анча сурбет йигитча турарди.

– Менга бир порция пицца беринг, – деди у.

Сотувчи ёғоч капгир билан тунукадан совиб қолган бўлакни чиқарди ва иситиш учун печкага қўйди. Йигит-

ча столга ўтириб овқатланмоқчи бўлди шекилли, бўшаб қолган залга кирди. Сотувчи печкага эгилиб, иссиқ бўлакни олди – пишлоқнинг чеккалари бўртиб чиқа бошлаган эди – ва қоғоз ликопчага солди. Мижоз пул узатиш ўрнига нима учундир унга бақрайиб тикилиб қараб турарди.

– Амаки, кўкрагинга чиройли сурат солинган деб эшитдим. Ана, сал-пал кўриниб ҳам турибди. Очиб кўрсатмайсанми?

Сотувчи турган жойида тошдай қотиб қолди.

– Қани, тугмаларингни еч-чи!

– Чиройли сурат менда эмас, кечкурун ишлайдиган шеригимда, – деб ўлдиради сотувчи инглизча сўзларни бузиб.

Харидор қаттиқ, хунук кулди.

– Қани бўл, тугмаларни еч. Кўрамин.

Сотувчи печка чеккасидан, ёрдамчи хужрага олиб чиқадиган эшик томон тисарилди. Лекин йигит аллақачон тўпшонча ушлаган қўлини пештахта устида кўтариб турарди. У ўқ узди. Сотувчининг кўкрагига теккан ўқ уни печка томон суриб ташлади, у полга сирғалиб туша бошлади. Харидор пештахта ортига ўтиб, унинг устига энгашди ва кўйлагини шундай тортдики, тугмалари тўкилиб тушди. Сотувчининг қонга бўялган кўкрагида бир-бирини маҳкам бағрига босиб ётган ўйнашлар ва хиёнат қилган хотинига пичоқ ураётган эркак сурати аниқ кўриниб турарди. Сотувчи йигитнинг нигоҳидан паналанмоқчи бўлгандай қўлини зўрға кўтарди.

– Фабрицио, – деди қотил. – Майкл Корлеоне сенга салом айтди.

У тўпшонча учини сотувчининг бошига деярли теккизиб туриб, тепкини босди. Сўнгра эшиги очиқ машина кутиб турган кўчага югуриб чиқди. Ўриндикқа чўқди, рулда ўтирган киши газни тўла босди.

Рокко Лампоне чўян дарвоза кесакида осиглик турган телефонга келиб, гўшакни олди.

– Сенга керакли мол тахт қилиб қўйилди, – деди кимнингдир овози.

Гўшак шилқ этиб жимиб қолди.

Рокко машинага ўтириб, уни Жоунз-Бич тўғони устидан ўтган, Сонни Корлеонени ўлдириб кетишган йўл томон ҳайдаб кетди. У ердан парк тош йўли орқали Уонта темир йўл станциясига чиқди ва вокзал майдонига келиб тўхтади. Ён томондаги бошқа машинада уни икки киши кутиб турарди. Ўн дақиқалардан кейин учаласи Тонг автомобиль йўлидаги меҳмонхона олдига келишди ва ҳовли томон бурилишди. Рокко Лампоне шерикларини машинада қолдириб, швейцарияча услубда қурилган кичкина коттеждардан бирига яқинлашди. Қаттиқ тепкидан эшик илгагидан чиқиб, очилиб кетди. Рокко хонага бостириб кириб борди.

Етмиш ёшли Филипп Татталья қип-яланғоч ҳолда ҳали мутлақо ёш қизча ётган каравот олдида турарди. Рокко унга қараб тўртта ўқ узди. Тўртала ўқ ҳам қорнига тегди. Сўнгра Рокко орқага, шерикларининг олдига қараб югурди. Уни Уонта станциясида тушириб қолдиришди. Рокко яна ўз машинасига ўтириб, аввалги йўл билан орқага қайтди. Етиб келгач, бир неча дақиқага Майкл Корлеоне олдига кириб чиқди ва яна дарвоза олдида соқчиликда турди.

Альберт Нери Бронксдаги квартирасида полиция формасини тартибга келтиришни тугатди ва шошмасдан кийина бошлади. Шим ва кўйлагини кийди, бўйинбоғини боғлади, мундирини кийди. Стулдан тўппонча ғилофи боғланган камарни олди. Ишдан бўшатишаётганда қуролни олиб қолишганди, лекин кимнингдир бепарволиги билан полиция нишонларини талаб қилиб олишмаганди.

Нери полициячи фуражкасини қоғоз сумкага жойлади, мундир устидан фуқароча плашчини ташлаб олди, соатини текширди. Ўн беш дақиқадан кейин пастга машина келади. Ана шу ўн беш дақиқа ичида у кўзгуга қараб, кийим-бошини синчковлик билан текшириб

чиқди. Ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади. У чинакам полициячи қиёфасига кирган эди.

Машинанинг олдинги ўриндиғида Рокко Лампоненинг икки одами кутиб ўтирарди. Нери орқага ўтирди. Унга қарашли тегарадан чиқишгандан кейин Нери елкасини силкиди, фуқароча плашчи сирғалиб ерга тушди. Плашчни кўтариб олмади. У қоғоз сумкачани йиртиб, кўникма ҳаракат билан фуражкани бошига кўндирди.

Эллик бешинчи кўча ва Бешинчи авеню бурчагида машина йўлакка яқин келиб тўхтади. Нери тушди. Фаройиб ҳис-туйғулар билан у Бешинчи авеню бўйлаб паст томонга қараб юрди – навбатчилик пайтида устидаги кийим билан кўчаларни жуда кўп марта айланиб чиққан эди... Одам кўп эди. У уч квартални босиб ўтиб, Рокфеллер маркази олдидан, Муқаддас Петрик бутхонаси рўпарасидан чиқди. У излаган лимузин машина шу томонда, «Тўхташ ман этилади» ва «Машина қўйиш ман этилади» сўзлари ёзилган қатор кўрсаткичлар тизмаси остида, ҳаммининг кўзига ташланиб ёлғиз турарди. Нери қадамини секинлатди: сал эртароқ эди. У тўхтаб хизмат дафтарчасига нималарнидир ёзгандай бўлди. Кейин олдинга қараб юрди. Лимузин олдига бориб, қўлидаги таёқ билан машина қанотини тақиллатди. Ҳайдовчи таажжубланиб, унга қаради. Нери таёқча билан «Тўхташ ман этилади» сўзлари ёзилган тахтачани кўрсатди ва ҳайдовчига қани, жўна дегандай ишора қилди. Ҳайдовчи диққати ошиб ўтирилиб олди.

Нери йўлакдан тушиб, машинани айланиб ўтди-да, ҳайдовчи ўтирган томондаги очиқ ойна олдида тўхтади.

Худди ҳақорат қилинган одамдай:

– Ўй, сўлтамат, бу ердан жўнаб қоласанми ёки кетинга чақирув қоғози ёпиштирайми? – деди.

Ҳайдовчи бепарво жавоб берди:

– Бўлимингиздан сўраб-суриштиринг, тушунтириб беришади. Ҳа, майли, бунчалик тиқилинч қилиб қолдингиз, талонни чўзинг.

– Дарров жўнаб қол, – деди Нери. – Акс ҳолда, аравандан тортиб тушириб, каллангни узиб оламан.

Ҳайдовчининг кўлида ўн долларлик қоғоз пайдо бўлди, ўша кўли билан у пулни тўртбурчак қилиб буқлади ва Нерининг чўнтагига солишга уринди. Нери яна йўлакка чиқди ва бармоғи билан ҳайдовчини имлаб чақирди. Ҳайдовчи машинадан тушди.

– Гувоҳнома билан техпаспортни кўрсат.

Нери кўзининг қири билан «Плаза» зинапояларидан уч пакана семиз одам тушиб келаётганлигини, улар Бешинчи авеню томон юришганини кўриб турарди. Улар Барзини ва унинг икки шахсий соқчиси бўлиб, Майкл Корлеоне билан учрашувга кетишяётганди. Нери уларни таниб улгурмасдан шахсий соқчилардан бири Барзини машинаси олдида нима бўлаётганлигини билиш учун тўпдан ажралиб чиқиб, олдинга юрди.

– Нима гап? – сўради у ҳайдовчидан.

– Ҳеч гап йўқ. Жарима тўладим. Янгисига дуч келиб қолибман, – деди ҳайдовчи бўлиб-бўлиб.

Шу пайт иккинчи шахсий соқчиси билан Барзини етиб келди.

– Яна нималар бўляпти бу ерда? – ғудранди у норози оҳангда.

Нери хизмат дафтарчасига машинанинг номерини ёзиб олди ва гувоҳнома билан техпаспортни ҳайдовчига қайтариб берди. Дафтарчани ён чўнтагига солди ва кўлини чиқараётганда ғилофдан тўппончасини олди.

У Барзинининг бочкасимон кўкрагига учта ўқ қадади. Ҳайдовчи ва иккала шахсий соқчи ўзига келиб пана жой излаб, жуфтакни ростлаб қолгач, Нери ўзини одамлар орасига урди, ва бурчакдан ўтиб, уни кутиб турган машинага югурди. Машина Тўққизинчи авенюга ўқдай отилиб чиқди ва чапга бурилди. Фуражкасини улоқтириб, қайта кийиниб улгурган Нери Чесли-паркка етмасдан бошқа машинага ўтирди. Тўппонча ва полиция кийими ўриндиқда қолаверди. Уларни гумдон қилиш бошқаларга топширилганлигини у биларди. Бир соатдан кейин Аль-

берт Нери шаҳар ташқарисидаги уйга соғ-саломат етиб олган ва Майкл Корлеонега ҳисоб бераётгани.

Тессио мархум доннинг уйида, ошхонада қаҳва ичиб, вақт ўтказётгани. Том Хейген кирди.

– Майкл тайёр, – деди у. – Барзинига қўнғироқ қилиш керак, йўлга чиқаверсин. Тессио ўрнидан туриб, телефонга келди. Барзинининг Нью-Йоркдаги идораси рақамларини терди.

– Бруклинга жўнаяпмиз, – деди у қисқа қилиб. Кейин гўшакни илиб, Хейгенга жилмайиб қаради. – Бугун Майкл бизга ғалаба олиб келади, деб умид қиламиз.

– Бунга менинг ишончим комил, – деди жиддий Хейген.

У Тессиони ошхонадан айвонга кузатиб чиқди ва улар Майкл уйи томон юришди. Эшик олдида уларни шахсий соқчилардан бири тўхтатди.

– Хўжайин алоҳида машинада бораман деди. Сизлар иккалангиз олдинда кетаркансизлар.

Тессио хўмрайиб Хейгенга қаради.

– Менга қара, бунақа бўлиши мумкин эмас. Қуриб кетсин, ҳамма режаларим остин-устин бўлиб кетади-ку.

Шу пайт уларнинг олдида яна уч шахсий соқчи пайдо бўлди.

– Тессио, маъзур тутасиз, мен ҳам сиз билан бирга кетолмайман, – дейди Хейген мулойимлик билан.

Юзи чўзинчоқ сароғегите бир сонияда ҳамма нарсага тушунди ва юз берган воқеани мағрур қабул қилди. Бир сония мажолсизланиб, тиззалари қалтиради. Бу бир сония давом этди, холос. Кейин у дарҳол ўзини тутиб олди.

– Майклга айтиб қўй, бу ажойиб амалий тадбир бўлди. У доим менга ёқарди.

Хейген бош ирғади.

– Буни у яхши билади.

Тессио бир дақиқа тутилиб қолди, кейин секин сўради:

– Том, эски дўстлигимиз ҳақи, мени сиртмоқдан қутқариб қололмайсанми?



Хейген бош чайқаб.

– Иложим йўқ, – деди.

У шахсий соқчилар Тессиони ўраб, машинага олиб кетишаётганини кўриб турди. Бутун вужуди зирқираб кетди. Тессио Корлеонелар оиласидаги энг яхши аскар эди – Люка Бразини ҳисобга олмаганда, дон ундан бошқа ҳеч кимга ишонмасди. Афсуски, шундай ақлли, идрокли одам ёши бир жойга етганда катта хатога йўл қўйиб ўтирибди.

Майкл ваъда қилган учрашувни кутаётган Карло Рицци тинимсиз келиб-кетаётган машиналарни кузатаркан, асабийлаша бошлади. Бирон бир муҳим воқеа содир бўлганлиги аниқ эди, демак, уни яна четга чиқариб қўйишибди. У сабри чидамасдан Майклга қўнғироқ қилди. Ички соқчилардан кимдир жавоб бериб, Майклни телефонга чақиргани кетди ва қайтиб келиб, Карло хавотирланмасдан кутиши кераклигини, Майкл тез орада бўшашини айтди.

Карло ўйнашига қўнғироқ қилди, уни кечки овқатга олиб боришга, кейин уникида тунаб қолишга келишиб олди. Майкл узоқ ушлаб турмаслигини айтди, иш юзасидан бўладиган суҳбат эса ҳар қандай ҳолда ҳам икки соатдан кам бўлмайди. Кейин вақт кетказмаслик учун, у ҳозир кийиниб олмоқчи бўлди. Янги қўйлакни энди кийиб улгурган ҳам эдики, эшик тақиллади. Карло эшикни очди-ю, мудҳиш даҳшатдан тиззалари қалтираб, мажолсизланиб қолди. Остонада Майкл Корлеоне турарди, унинг қиёфасида Карло Рицци тушларига кириб чиқадиган ўлим шарпаси мужассам эди.

Майклнинг орқасида ички ҳиссиётларини зўр бериб енгиб, дўстига совуқ хабар айтишга мажбур бўлган одамлардай жиддий ҳолатда Хейген ва Рокко Лампоне турардилар. Улар уйга киришди. Карло Рицци уларни меҳмонхонага етаклади. Дастлабки руҳий зарбадан ўзига келгач, асаблар ишдан чиқяпти, деб ўйлади у. Майклнинг сўзлари тўсатдан урилган кучли жисмоний зарба бўлди, унинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди.

– Сантино учун жавоб берадиган пайт келди, – деди Майкл.

Карло индамади, унинг гапини эшитмаганга олди. Хейген ва Лампоне иккига бўлиниб, ўнг ва чап томондаги девор ёнига бориб туришди. Майкл Карло билан юзма-юз келди.

– Сен Соннини Барзинининг одамларига тутиб бергансан, – деди бўғиқ овоз билан Майкл. – Синглимга кичкинагина томоша кўрсатгансану... Барзинига ишонгансан, Корлеонеларни лақиллатиш мумкин, деб ўйлагансан, шунақами?

Тасаввур қилиб бўлмайдиган қўрқувдан ҳар қандай ғурурни, ҳар қандай қадр-қимматни унутган Карло Рицци:

– Қасам ичиб айтаман, мен айбдор эмасман. Болаларим ҳаёти ҳақи қасам ичаман, менинг ҳеч қанақа гуноҳим йўқ. Майк, кераги йўқ, илтимос қиламан, бундай қилма, Майк, – деди.

– Барзини ўлди, Филипп Татталья ҳам ўлди, – деди Майкл хотиржам. – Мен бугун бир йўла оиламиз ҳамма аъзоларининг қарзини ҳисоб-китоб қилмоқчиман. Шунинг учун айбдор эмасман, дема. Яхшиси, бўйнингга ол.

Карло жим эди.

Майкл деярли самимийлик билан давом этди.

– Хўш, нимадан қўрқасан? Наҳотки, мен бир қориндан тушган синглимнинг бева қолишини истасам? Наҳотки, жиянларимнинг отасиз етим бўлиб қолишини хоҳласам? Ахир мен улардан бирига Чўқинтирган ота бўламан. Йўқ, сенга бошқача жазо бериш керак. Сен энди бу ерда ишламайсан. Ҳозир сени самолётга чиқариб қўйишади, Вегасга, хотининг ва болаларинг олдига жўнайсан. Ўша ердан бир қадам ҳам жилмайсан. Мен Коннига пул жўнатиб тураман. Бор гап шу. Лекин айбдор эмасман, дема, мени аҳмоқ қилма, ғазабимни кўзгама. Қайси бири билан гаплашгансан – Татталья биланми ёки Барзини биланми?

Ўлдирмасликларини эшитиб, енгил нафас олган Карло Рицци тирик қолиш умидида гудранди:

– Барзини билан.

– Шунақа дегин, – деди Майкл секин. У Карлони ўнг қўли билан имлаб чақирди. – Энди жўна, сени аэропортга етказиб қўйишади.

Карло эшикдан биринчи бўлиб чиқди, бошқалар дарҳол унга эргашишди. Қоронги тушиб қолганди, лекин парк одатдагидай прожектор нурларидан чароғон эди. Машина келди – бу унинг машинаси эди, Карло таниди. У ҳайдовчини танимади. Орқадаги ўриндиқда бурчакка қисилиб яна аллаким ўтирарди. Лампоне эшикни очди, Карло олдинги ўриндиққа ўтирди. Тердан устидаги шойи кўйлаги жикқа хўл бўлиб кетганди.

Машина тезликни ошириб, дарвоза томон юрди. Карло Рицци орқада ким ўтирганини кўриш учун бошини ўтириб қаради, шу пайт Клеменца чаққон, эпчил ҳаракат билан унинг бўйнига чилвир солди. Карло сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлганди, ингичка силлиқ чилвир терисини кесиб кетди, қаттиқроқ тортилиб, томоғига чуқурроқ ботди. Клеменца чилвирни бир неча дақиқа ушлаб турди, кейин бўшатди. Карло Риццининг оғир танаси машина эшигига суяниб қолди. Клеменца ўриндиққа қулайроқ жойлашиб олдида, чилвирни қайта чўнтагига солди.

Корлеонелар оиласи ғалаба нашидасини суришлари мумкин эди. Ўша кунлари Клеменца ва Лампоненинг занжирдан бўшатиб юборилган регимелари Корлеонелар мулки тегарасига кириб олган ҳар бир одамдан шафқатсиз ўч олдилар. Нери Тессео регимесини бошқаришга жўнатилди. Барзини букмекерларининг дўконлари яксон қилиб ташланди. Унинг энг тажрибали икки жаллоди Мольбери-стритдаги италян ресторанида тушлик қилиб, тишини кавлаб, бемалол чиқиб келишаётганда отиб ташланди. Барзинилар оиласи билан маъмурлар ўртасидаги машҳур воситачи, спорт тотализаторининг қўриқловчи фариштаси муваффақиятли

ўтган кечадан кейин ипподромдан уйига қайтаётганда отиб ўлдирилди. Порт кварталларидаги энг йирик икки судхўр изсиз йўқолди. Бир неча ойдан кейин улар жасадларининг қолдиқлари Нью-Жерси ботқоқликларидан топилди.

Қақшатгич бир зарба билан Майкл Корлеонелар оиласининг Нью-Йоркдаги жиноятчи синдикатлар ўртасидаги етакчи мавқеини тиклаб олди.

Агар сингlisi Коннининг ножўя хатти-ҳаракатлари бўлмаганда, Майкл Корлеоне бемалол ғалаба тантанасини нишонлаши мумкин эди.

Конни болаларини Вегасда қолдириб, онаси билан учиб келди. Лимузин парк зонасига кириб келгунча ўзини ушлаб турди. Лекин машина парк зонасига кириши биланоқ, онасининг ҳой-ҳуйига қарамасдан тош ётқизилган кўприкдан ўтиб, Майкл Корлеоне уйи томон югурди. Майкл хотини билан меҳмонхонада эди. Конни хонага отилиб кирган пайтда Кей қучоқлаб, ҳамдардлик билдириб, кўнгил сўраш учун у томон юрди, бироқ Конни акасининг бошига ёғдирган таъна-дашномлар, қарғишлардан довдираб, тўхтаб қолди.

– Разил, аблаҳ! – қулоқни қоматга келтириб бақирарди у. – Эримни сен ўлдиргансан! Отамнинг ўлимини кутдинг, сенга тўғаноқ бўладиган ҳеч ким қолмагач, эримни ўлдирдинг. Соннининг қасосини олдинг. Доим кўйнингда тош олиб юрардинг. Сизлар ҳаммангиз уни ёмон кўрардингиз. Лекин мени заррача ўйладингми? Балони ўйлайсанми, ўйлаб бўпсан! Энди нима қиламан? – у хўнграб йиғлаб юборди.

Икки шахсий соқчи нима қилайлик деган маънода Майклга қараб, орқадан Коннининг ёнига келди. Лекин Майкл жим турар ва сингlisi ҳамма гапини айтиб бўлишини кутарди.

Кей изтироб тўла овоз билан:

– Конни, ўзингни бос, нималар деяпсан? – деди. Лекин Конни жазаваси тўхтаган, ўзини босиб олганди. Унинг овози адоват, хусумат билан тўла эди.

– Нега эринг доим менга нисбатан совуқ муносабатда бўлишини ўйлаб кўрганмидинг? Карлони нега бу ерда ушлаб турганини ўйлаб кўрганмидинг? Эримни ўлдиришни у бошиданоқ кўнглига туғиб юрган. Отам тириклиги учун журъат этолмай юрарди. Отам бунга йўл қўймасди. Эринг буни биларди, шунинг учун ҳам кутиб турган. Кейин эса бизни шубҳага қўймаслик учун ўелимизга Чўқинтирган ота бўлди. Тошбағир, ҳайвон! Сен эрингининг кимлигини биламан, деб ўйлаб юрибсанми? У Карлога кўшиб яна қанча одамларнинг ёстигини қуритганини биласанми? Газеталарни ўқи. Барзини, Татталья, бошқалар. Ҳаммасини менинг мана шу акажонгинам ўлдирган!

У Майклининг юзига тупурмоқчи бўлди, бироқ қуруқшаб қолган оғзидан тупуги чиқмади.

– Уйига олиб бориб, врач чақиринглар, – деди Майкл.

Орқадаги икки шахсий соқчи дарров Коннининг қўлтиғидан олишди-да, судраб кетишди. Кей изтироб тўла бўғиқ овоз билан сўради:

– Майкл, бу гапларни у қаёқдан олди, унинг қанақа асоси бор бунақа дейишга?

Майкл елка қисди.

– Бу унинг одатдаги жазаваси.

Кей унинг кўзига тик қаради.

– Майкл, ахир бу гапларнинг ҳаммаси нотўғри-ку, илтимос қиламан, нотўғри де.

Майкл ҳорғин бош ирғади.

– Албатта, нотўғри. Менга ишон. Сенга менинг ишларим тўғрисида савол беришга биринчи ва охирги марта рухсат этаман ва жавоб бераман. Буларнинг ҳаммаси ёлғон.

У ҳеч қачон бунчалик ишонч билан гапирмаганди. У Кейнинг кўзларига тик қаради. Кей унга ишониш учун бирга яшай бошлаганидан тортиб, ҳозиргача тўпланган бир-бирига бўлган ишончга таянди. Кей унга ишонди.

У тавба-тазарру қилгандай кулимсиради ва ўпиш учун Майклга ёноғини тутди.

– Иккаламиз бир қултум-бир қултумдан оладиган пайт бўлди-да, – деди Кей.

У муз олиб чиқиш учун ошхонага кириб кетди ва ўша ерда туриб катта эшик очилганини эшитди. Кей меҳмонхонага мўралади.

Шахсий соқчилари кузатувида Клеменца, Нери ва Рокко Лампоне киришган эди. Майкл Кейга орқасини ўгириб турарди. Кей эрининг қиёфасини ён томондан кўриш учун олдинга юрди. Шу пайт Клеменца унинг эрига мурожаат қиларкан, тантанавор руҳда:

– Дон Майкл! – деди.

Майкл қай йўсинда уларнинг хурмат-эҳтиромини қабул қилаётганлиги Кейга кўриниб турарди. Майкл бир қўлини белига тираб, бир оёғини олдинга босиб, совуққон, кеккайган ҳолда турарди. Ён томондан кўриниб турган қиёфасида совуққонлик ва ҳукмрон куч мавжуд эди. Сароғегимелар унинг олдида хурмат бажо келтириб тик туришарди. Шу чоғда Кей Конни Майклга қўйган айбларнинг ҳаммаси тўғри эканлигани тушуниб қолди. У қайтиб ошхонага кирди-ю, кўз ёшига эрк берди.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Америкадаги оилавий синдикатлар бошлиқларининг энг қудратлиси мавқеини мустаҳкам эгаллаш ва ниҳоят оиласининг ғалабасини шу билан яқунлаш учун Майкл Корлеонега бир йил мобайнида нозик дипломатик аб-жирлик кўрсатишга тўғри келди. Ўн икки ойни у Лонг-Бич шаҳри яқинидаги штаб-квартираси ва Лас-Вегасдаги янги уйи оралиғида ўтказди. Йил туташига яқин қолганда Нью-Йоркдаги ҳамма ишларни бир йўла туталлаш-га ва мол-мулкани сотишга қарор қилди. У иш билан банд бўлган пайтларда Кей юкларни жойлаштириш ва жўнатиш билан шуғулланиш учун уйдагиларни охир-

ги марта Лонг-Бичга олиб келди. Кўчиш билан боғлиқ бўлган майда-чуйда ишлар тўлиб-тошиб ётарди.

Корлеонелар оиласининг устунлиги мустақкам бўлиб қолгандан кейин Клеменца ундан оиласи билан ажралиб чиқди. Рокко Лампоне сароғегиме лавозимида қолди. Альберт Нери оила томонидан назорат қилинадиган ҳамма меҳмонхона-қиморхоналарда хавфсизлик хизматини бошқарадиган бўлди. Хейген ҳам Майкл бошчилик қилаётган ғарбий синдикатда ишлай бошлади.

Вақт эски жароҳатларни даволади. Конни Корлеоне акаси билан ярашиб олди – орадан бир ҳафта ўтмасдан у акасининг олдига бош эгиб келди ва жаҳл устида анча-мунча бемаъни гапларни айтгани учун узр сўради. Орадан бир йил ўтмасдан иккинчи марта эрга тегди.

Кей Адамс-Корлеоне католиклар мазҳабига ўтиб, эрининг қариндош-уруғларини беҳад хурсанд қилди. Ўзи ҳам кутмаган ҳолда у Невадада яшашга кўниқиб кетди. Бу жойларнинг тўқ қизил тош қояларини, дараларини жазирама саҳроларини, кўлларини, тўсатдан пайдо бўладиган салқин шаббодаларини, ҳатто иссиғини ҳам севиб қолди. Ўғиллари пониларни<sup>1</sup> миниб олиб, сайр қилишарди, уйда шахсий соқчилар эмас, оддий хизматкор аёллар хизмат қилишарди. Майкл ҳам бу ерда беташвишроқ яшай бошлади. Қурилиш компаниясининг соҳиби сифатида корчалонлик клублари ва жамоатчилик комитетларига аъзо бўлиб кирганди. Гарчи ўзи очик-ойдин аралашмаса ҳам маҳаллий сиёсатда юз бераётган воқеаларга катта қизиқиш билан қарарди. Турмуш яхши эди. Нью-Йоркдан бутунлай кўчиб кетишганидан ва Лас-Вегас улар доимий яшайдиган жой бўлиб қолишидан Кей беҳад хурсанд эди. Бемор узоқ ётгандан кейин касалхонадан чиқишни қанчалик сабрсизлик билан кутса, Кей ҳам янги жойга кўчиб кетишни шу қадар сабрсизлик билан кутарди.

---

<sup>1</sup> Пони – кичик от.

Бугун охирги кун. Кей Адамс-Корлеоне эрта тонгда уйғонди. Ташқарида уйлардаги мебеллар юкланадиган автофургонлар моторларни гуриллатиб турганлиги эшитилиб турарди. Кечкурунга бориб оиланинг ҳамма аъзолари, шу жумладан, дон Корлеоненинг беваси ҳам, Лас-Вегасга учиб кетишади.

Кей ваннадан чиққанда Майкл ёстиққа суяниб ётиб, сигарета чекарди.

– Бу қанақаси, черковга жуда серкатнов бўлиб қолдинг. Бозор кунлари борсанг, майли, эътирозим йўқ, лекин ҳар куни эрталаб боришга бало борми? Ё қайнонандан орқада қолмоқчи эмасмисан?

Кей каравотнинг чеккасига ўтириб, пайпоғини кийди.

– Католикларнинг бу мазҳабга янги кирганларга қандай муносабатда бўлишини ўзинг яхши биласан-ку! Бу борада улардан талабчанроқ одам йўқ.

Майкл унга кинояли жилмайиш билан қараб қўйди.

– Бу қанақаси бўлди, садоқатли католик, болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйибсан, улар черковдан қочиб юришибди?

Кей хушёр тортди. Майклнинг қарашидан у ўзини йўқотиб қўйди. Бундай қарашга у ўзича «донча қараш» деб ном қўйиб олганди.

– Улгуришади, – деди у. – Янги уйга кўчиб борганимиздан кейин астойдил киришаман.

У кўчага чиқди. Шарқ томонда ёз қуёши улкан алвон коптоқдай кўтарила бошлаган, ҳаво анча исиб қолган эди. Кей машинаси турган дарвоза томон юрди. У ерда беваларга хос бошдан-оёқ қора кийим кийган она Корлеоне Кейни кутиб турарди. Ҳар бир кунни эрталабки ибодатга бирга боришдан бошлаш қайнона-келин учун одат бўлиб қолганди.

Кичкинагина черков эрта тонгда ғариб ва хароба бўлиб кўринарди. Витраж-ойналар ичкарига иссиқ ўтказмасди: ичкарида салқинда улар ором оладилар. Кей қайнонасини оқ тош ётқизилган зинапоядан кўтарилишига ёрдам берди, уни олдинга ўтказиб юбор-



ди. Кейин ўзи салқин ярим қоронғилик бағрига кирди. Авлиё-анбиёлар олдида, бутдаги Христ олдида ёқиб қўйилган шамларнинг тиллари мажолсиз милтиллаб ёниб турарди.

Фақат шу ерда, черков шифтларининг ғира-шира қоронғилиги остида у эри яшаётган бошқа сирли оламга, бундан бир йил олдин Майкл эр-хотиннинг бир-бирига бўлган ишонч ва муҳаббатидан атайин уни алдаш, синг-лисининг эрини у ўлдирмаганлигига Кейни ишонтириш учун фойдаланган машъум ўша оқшомга хаёлан қайта оларди.

Конни билан юз берган можаронинг эртаси куни эрталаб у болаларни олиб ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, бундан кейин қандай яшаши тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмасдан Нью-Гемпширга, отасиникига жўнаб кетворди. Майкл дарров ҳамма нарсани тушунди. Биринчи куни унга қўнғироқ қилди, кейин тинч қўйди. Орадан бир ҳафта ўтди. Ана шундагина Адамслар уйи олдида Нью-Йорк шаҳри номерига эга бўлган лимузин келиб тўхтади. Том Хейген келган эди.

Ўша оқшомда унинг Том Хейген билан бирга ўтказган соатлари узоққа чўзилди. Бу Кей ҳаётидаги энг даҳшатли соатлар эди. Иккаласи Кейнинг қадрдон шаҳарчаси четдаги ўрмонга сайр қилиб боришди. Хейген уни аяб ўтирмади.

– Майкл сени бу ерга мени дўқ-пўписа қилиб қўриқитгани жўнатдимиз? – сўради у енгилтаклик билан. – Тўғриси айтсам, машинадан автомат кўтарган «йигитлар» тушишини кутгандим.

У биринчи марта Хейгеннинг жаҳли чиққанини кўрди.

– Болаларча бемаънилик бу, – деди Хейген кескин қилиб. – Шу ҳам гап бўлдимиз. Уялмаганингни қара.

– Бўпти, билмабман, кечир.

Улар тинч, яшил йўлакка чиқишди. Хейген мулоимлик билан сўради:

– Нега қочиб кетдинг?

– Чунки Майкл мени алдади, – деди у. – Чунки у Коннининг ўглини конфирмация қилишда Чўқинтирган ота бўлишга розилик бериб, мени аҳмоқ қилди. У менга сотқинлик қилди. Мен унақа одамни сева олмайман. Мен бундай яшай олмайман. Ундай одам болаларимнинг отаси бўлишини хоҳламайман.

– Нималар деяпсан, тушунолмаёйман, – деди Хейген. Кейнинг жаҳли чиқиб кетди.

– У сингисининг эрини ўлдирди, деяпман! Буни тушунасанми? – бир дақиқа унинг нафаси ичига тушиб кетди. – Мени эса алдади.

Кейин улар узоқ жим юришди. Ниҳоят Хейген гап бошлади.

– Ҳақиқатан, шундай бўлганми ёки йўқми, буни сен билмайсан, билолмайсан ҳам. Энди кел, бир дақиқа ҳақиқатан ҳам шундай бўлган, деб тасаввур қилайлик. Лекин яхшилаб ўқиб ол, тасаввур қилайлик, деяпман, шундай бўлган демаяпман. Агар мен бундай хатти-ҳаракатни маълум даражада оқлайдиган, тўғрироғи, оқлашим мумкин бўлган далиллар келтирсам, нима дейсан?..

Кей унга нафратланиб қаради.

– Биринчи марта сени оқловчи вазифасида кўряпман. Бу сенга ярашмас экан, Том.

Хейген кулимсиради.

– Бунинг аҳамияти йўқ. Сен ҳар ҳолда қулоқ сол. Агар ўшанда Карло Коннини шунчаки калтакламасдан, илгаридан белгилаб қўйилган режага биноан, Соннини яшириниб ётган жойидан чиқишга мажбур қилиш ниятида калтаклаган бўлса-чи? Агар Соннини ўлдиришга ёрдамлашиш учун Карлони сотиб олишган бўлишса-чи? Унда қандай бўлади?

Кей жавоб бермади. Хейген давом этди.

– Агар ўта кўнгилчан одам бўлган дон ўз қизининг эрини ўлдириб, ўғли учун қасос олишга журъат этолмаган бўлса-чи? Агар, ниҳоят у ноилож қолиб, Майклни ўзининг ўринбосари қилиб тайинлаган, ҳамма айбни ўз

зиммасига олиб, Майкл у қилолмаган ишнинг уддасидан чиқишига ишонган бўлса-чи?

– Лекин бу ишларнинг ҳаммаси қолиб кетди-ку? – Кейнинг кўзлари ёшланди. – Қанча вақтлар ўтиб кетди. Нега Карлони кечириш мумкин эмас? Нега бўлиб ўтган воқеаларни кавлаштирмасдан яшаш мумкин эмас?

Кей Хейгенни сўқмоқ орқали кузги мажнунтол новдалари осилиб турган ариқ бўйига олиб чиқди. Хейген қалин майсалар устига чўкиб ўтираркан, нафасини ростлаб деди:

– Сен айтган нарсаларни шу ерда, шу оламда қилиш мумкин эди.

– Майкл мен унга теккан пайтдаги одам эмас, – деди Кей.

Хейген жилмайди.

– Агар ўша пайтдаги одам бўлганида ҳозир гўрда ётган бўларди. Сен эса бугун бева бўлиб ўтирардинг. Бошқа ҳеч қанақа гап бўлмасди.

Бирдан Кейнинг жаҳли чиқди.

– Бу нима деган гап, тушунтириброқ гапирсанг-чи! Ҳаётингда бирор марта одам тушунадиган қилиб гапира оласанми? Биламан, Майкл гапира олмайди, лекин сен-чи? Ахир сен сицилиялик эмассан-ку, Том! Аёл киши билан очиқ-ойдин гаплаша оласанми, уни ўзинг билан тенг билиб, муомала қила оласанми?

Яна орага узоқ жимлик чўқди. Хейген бош чайқади.

– Сен Майкл ҳақида нотўғри фикрдасан. Мени алдади деб аччиқланияпсан. Ахир унинг ишлари ҳақида ҳеч қачон сўраб-суриштирмайсан, деб сени огоҳлантирганди-ку! Коннининг ўғлини конфирмация қилишганда Чўқинтирган ота бўлганди, деб аччиқланияпсан. Ахир бунга уни сен мажбур қилгандинг-ку! Шу аснода эса мантик юзасидан, худди ана шундай йўл тутиш керак эди. Бу душманни чалғитиш учун танланган энг тўғри йўл эди. – Хейген Кейга хўмрайган ҳолда кулиб қаради. – Хўш, қалай, мамнунмисан? Тушунадиган қилиб гапиряпман-

ми? – Кей бошини қуйи солиб жим турарди. – Яхши, яна ҳам тушунарлироқ қилиб гапираман. Дон вафот этгандан кейин Майклни гумдон қилишмоқчи бўлишди. Ким сотқинлик қилганини биласанми? Тессио. Демак, Тессиони ўлдириш керак эди, Карлони ўлдириш керак эди. Чунки сотқинликни кечириб бўлмайди. Айтайлик, Майкл кечириши мумкин эди, бироқ одамлар ўзларини ўзлари кечиришмайди, уларнинг ҳар бири хавфли бўлиб қоларди. Майкл Тессиога қаттиқ суяниб қолган эди. У сингласини яхши кўради. Лекин агар у Тессио ва Карлони тирик қолдирганда сенинг, болаларингнинг, ўз оиласининг, менинг ва оиламинг тақдирига нисбатан бепарволик қилган бўларди. Тессио ва Карло биз учун ҳар доим, ҳар куни хавфли бўлиб қолишарди.

Кей унинг гапларини юзини кўз ёшлари ювган ҳолда тингларди.

– Майкл сени шу гапларни менга айтиш учун жўнатдимми?

Хейген унга таажжубланиб қаради.

– Э, йўқ. У агар болаларга яхши қарасанг, хоҳлаган нарсанга эришишинг, хоҳлаган ишингни қилишинг мумкинлигини сенга айтиб қўйишимни тайинлади.

Кей Хейгеннинг елкасига қўлини қўйди.

– Демак, сен айтган гапларни айтишни тайинламаган?

Хейген бор ҳақиқатни охиригача айтсамми, айтмасамми, деб ўзидан ўзи сўрагандай иккиланиб туриб қолди.

– Сен барибир ҳеч нарсани тушунмабсан, – деди у. – Агар сенга айтиб берган нарсаларимни Майкл эшитиб қолса, мени тамом бўлди деявер. – У яна жимиб қолди. – Дунёда у қўл теккизишга ҳадди сиғмайдиган фақат уч одам бор – улар сен ва болаларинг.

Сўнгги йўқдай туюлган беш дақиқа ҳам ўтди. Кейин Кей ўтирган жойидан турди ва улар аста-секин

орқага қайтишди. Уйга деярли етиб қолишганда Кей сўради:

– Кечки овқатдан кейин машинангда мени болаларим билан Нью-Йоркка етказиб қўя олмайсанми?

– Мен шунинг учун келганман-да бу ерга, – деди Хейген.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Кей руҳоний олдига бориб, католик мазҳабига ўтмоқчи эканлигини айтди.

Тавба-тазарру қилишга даъват этиб, ибодатхона пештоқида қўнғироқ садолари янгради. Кей ўзи, болалари ҳақидаги ҳар қандай ёмон ўй-фикрларни, ҳамма нафрат ва адоватни, ҳамма саволларни ўзидан қувлади. Астойдил ва эзгу орзу-ният билан эътиқод қилиб, нидоси Худога етиб боришига ишониб покланаркан, худди кечагидек, ҳар кунгидек, Майкл Корлеоненинг жон-танини омон сақлашни илтижо қилиб, дуо ўқиди.

## МУҲДАРИЖА

### БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	79
Учинчи боб .....	107
Тўртинчи боб .....	110
Бешинчи боб .....	119
Олтинчи боб .....	123
Еттинчи боб .....	131
Саккизинчи боб .....	136
Тўққизинчи боб .....	143
Ўнинчи боб .....	150
Ўн биринчи боб .....	164

### ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўн иккинчи боб .....	182
Ўн учинчи боб .....	203

### УЧИНЧИ ҚИСМ

Ўн тўртинчи боб .....	213
-----------------------	-----

### ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

Ўн бешинчи боб .....	259
Ўн олтинчи боб .....	270
Ўн еттинчи боб .....	280
Ўн саккизинчи боб .....	290
Ўн тўққизинчи боб .....	296

### БЕШИНЧИ ҚИСМ

Йигирманчи боб .....	312
Йигирма биринчи боб .....	342
Йигирма иккинчи боб .....	345

### **ОЛТИНЧИ ҚИСМ**

Йигирма учинчи боб.....	359
Йигирма тўртинчи боб.....	375

### **ЕТТИНЧИ ҚИСМ**

Йигирма бешинчи боб .....	379
Йигирма олтинчи боб.....	388
Йигирма еттинчи боб .....	398
Йигирма саккизинчи боб.....	406
Йигирма тўққизинчи боб .....	422

### **САККИЗИНЧИ ҚИСМ**

Ўттизинчи боб .....	431
Ўттиз биринчи боб .....	440
Ўттиз иккинчи боб .....	454

П-97 **Пьюзо, Марио**  
**Чўқинтирган ота ёхуд мафия сардори:** роман.  
Марио Пьюзо / Рус тилидан Турсунбой Адашбоев  
ва Муҳаммаджон Ўринбоев таржимаси. – Тошкент:  
«O‘qituvchi» НМИУ, 2018. – 464 б.

ISBN 978-9943-22-297-7

УЎК: 821.111(73)

КБК: 84(7)АҚШ

МАРИО ПЬЮЗО

## **ЧЎҚИНТИРГАН ОТА**

## **ЁХУД МАФИЯ САРДОРИ**

Таржимонлар

Турсунбой Адашев ва Муҳаммаджон Ўринбоев

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*

*Тошкент – 2018*

Мухаррир *У. Жўрақулов*

Бадий муҳаррир *Б. Ибрагимов*

Техник муҳаррир *Н. Ниёзмухамедова*

Мусаххих *У. Жўрақулов*

Компьютерда саҳифаловчи *М. Ибрагимова*

Нашриёт лицензияси АИ №291. 04.11.2016. Оригинал-макетдан  
босишга рухсат этилди 21.05.2018. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Кегли 11,5 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли б. т. 24,36.  
Ҳисоб-нашриёт т. 19,48. Адади 15 000 нусха.

Бюртма №

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206. Юнусобод  
тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй. Шартнома № 141–18.